
القرآن الكريم
ҚУРЪОНИ
КАРИМ
ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ
МАЪНОЛАРИ
ТАРЖИМАСИ

ТУРКИЯ ДИЁНАТ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ НАШРЛАРИ / DİYANET İŞLERİ BAŞKANLIĞI YAYINLARI : 1403
МАНБА АСАРЛАР / KAYNAK ESERLER : 173

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ / GENEL KOORDİNATÖR
ПРОФ. ДР. ҲУРИЯ МАРТИ / PROF. DR. HURİYE MARTI

БОШ МУҲАРРИР/ YAYIN YÖNETMENİ
ЮКСАЛ САЛМОН / DR. YÜKSEL SALMAN

МУҲАРРИР / KOORDİNASYON
ЙИЛДИРАЙ ҚОПЛОН / YILDIRAY KAPLAN

ТАРЖИМА МУАЛЛИФИ / MEALİ HAZIRLAYAN
ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ

МУСАҲҲИҲ / SON KONTROL
АБДУРАҲМОН ҒОФУРОВ / ABDURAHMON GOFUROV

ISBN 978-975-19-6816-6
2017-34-Y-0003-1403
СЕРТИФИКАТ № / SERTİFİKA NO: 12931

АСАРЛАРНИ ТЕКШИРИШ ҲАЙЪАТИ ҚАРОРИ / ESER İNCELEME KOMİSYON KARARI: 02.11.2017 / 57

1-НАШР / 1.BASKI
ИСТАНБУЛ 2017 / İSTANBUL 2017

САҲИФАЛОВЧИ / TASARIM
УҒУР ОЛТИНТЎП / UĞUR ALTUNTOP

БОСМАХОНА / BASKI
ACAR BASIM VE CİLT SAN. VE TİC. A.Ş.
+90 212 422 18 34

МАНЗИЛГОҲ / İLETİŞİM
ДИНИЙ НАШРЛАР БОШ МУДИРЛИГИ / БОСМА АСАРЛАР БЎЛИМИ / DİNİ YAYINLAR GENEL MÜDÜRLÜĞÜ
BASILI YAYINLAR DAİRE BAŞKANLIĞI
TEL: +90 (312) 295 72 93 • FAX: +90 (312) 284 72 88
E-MAIL : DINIYAYINLAR@DIYANET.GOV.TR

KUR’AN-I KERİM ÖZBEKÇE MEÂLİ

ҚУРЪОНИ КАРИМ

ЎЗБЕКЧА МАЪНОЛАРИ ТАРЖИМАСИ

ТУРКИЯ ДИЁНАТ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ



1. ФОТИҲА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 7 оятдан иборат.

Аъузу Биллаҳи Минаш Шайтонир Рожийм

Қувилган шайтон ёмонлигидан Аллоҳнинг паноҳини сўрайман.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Меҳрибон, раҳмли Аллоҳнинг номи ила (бошлайман).

1. Барча мақтов, шукрлар оламларнинг Робби Аллоҳга бўлсин.

2. У Роҳмандир, Роҳиймдир.

3. Жазо-мукофот кунининг подшоҳидир.

4. Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз.

5. Бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин.

6–7. Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига: ғазабга қолганларникига ҳам эмас, адашганларникига ҳам эмас.



2. БАҚАРА СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 286 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Миим.

2. Ушбу Китобда шак шубҳа йўқ, у тақводорлар учун ҳидоятдир.

3. Улар ғайбга иймон келтирадиган, намозни тўкис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қиладиганлардир.

4. Ҳамда сенга нозил қилинган нарсага ва сендан олдин нозил қилинган нарсаларга иймон келтирадиган ва охиратга аниқ ишонадиганлардир.

5. Ана ўшалар Роббларидан бўлган ҳидоят узрадирлар ва ана ўшалар, ўшаларгина нажот топувчилардир.

6. Албатта, куфр келтирганлар – уларни огоҳлантирсанг ҳам, огоҳлантирмасанг ҳам, уларга барибир, иймон келтирмаслар.

7. Аллоҳ уларнинг қалблари ва қулоқларига муҳр босган ва кўзларида парда бор. Ва уларга улкан азоб бордир.

8. Ва одамлардан «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик», дейдиганлари бор. Ҳолбуки, улар мўмин эмаслар.

9. Аллоҳни ва иймон келтирганларни алдамоқчи бўларлар, ҳолбуки, сезмаган ҳолларида фақат ўзларини алдарлар.

10. Қалбларида касал бор. Аллоҳ касалларини зиёда қилди. Ва ёлғон гапирганлари учун уларга аламли азоб бор.

11. Агар уларга: «Ер юзида фасод қилманг», дейилса, «Биз фақат ислоҳ қилувчилармиз», дерлар.

12. Огоҳ бўлингки, улар – ўшалар фасодчилардир, лекин ўзлари сезмаслар.

13. Ва агар уларга: «Одамлар иймон келтирганидек иймон келтиринглар», дейилса, «Эсипастлар иймон келтирганидек иймон келтирамизми?» дерлар. Огоҳ бўлингки, албатта, улар ўзлари эсипастлардир, лекин билмаслар!

14. Улар иймон келтирганларни учратсалар: «Иймон келтирдик», дерлар, шайтонлари билан холи қолганларида эса: «Биз сизлар биланмиз, фақат истеҳзо қиляпмиз, холос», дерлар.

15. Аллоҳ уларни истеҳзо қиладир ва туғёнларида тентираган ҳолларида қўйиб берадир.

16. Ана ўшалар залолатни ҳидоят эвазига сотиб олганлардир. Ва тижоратлари фойда келтирмади ҳамда ҳидоят топганлардан бўлмадилар.

17. Улар ўт ёққан ва у энди атрофини ёритганида, Аллоҳ нурларини кетказиб, қоронғи зулматларда қолдирган кишиларга ўхшарлар. Улар кўрмаслар.

18. Улар кар, соқов, кўрдирлар. Бас, улар қайтмаслар.

19. Ёки худди осмондан ёмғир ёғиб, қоронғи босиб, момақалдироқ ва чақмоқ чаққанда, яшиндан қочиб, бармоқларини қулоқларига тиқиб, ўлимдан эҳтиёт бўлаётган одамга ўхшарлар. Ва Аллоҳ кофирларни ўраб олувчидир.

20. Чақмоқ кўзларини олиб қўяй дейди. Ҳар сафар ёришган пайтда юриб олишар, қоронғи бўлса, туриб қолишар. Аллоҳ агар хоҳласа, қулоқ ва кўзларини кетказур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

21. Эй одамлар, сизларни ва сиздан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг. Шоядки, тақводор бўлсангиз.

22. У сизларга ерни тўшак, осмонни бино қилган ва осмондан сув тушириб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган Зотдир. Билиб туриб, Аллоҳга бошқаларни тенглаштирманг.

23. Ва агар бандамизга нозил қилган нарсамиздан шубҳада бўлсангиз, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва агар ростгўйлар бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг.

24. Бас, агар қила олмасанглар – ҳеч қачон қила олмайсизлар ҳам –

ёқилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган дўзахдан қўрқинглар.

25. Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга улар учун остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар борлигининг хушхабарини бер. Ҳар гал уларнинг мевасидан ризқлантирилганларида: «Бундан аввал ҳам ризқлантирилган эдик», дерлар. (У) уларга ўхшаш қилиб берилгандир. Уларга у ерда покиза жуфтлар бор ва улар у ерда абадий қолурлар.

26. Албатта, Аллоҳ чивин ёки ундан устунроқ нарсаларни мисол қилиб келтиришдан уялмас. Иймон келтирганлар, албатта, унинг Роббларидан келган ҳақлигини билурлар. Аммо куфр келтирганлар: «Аллоҳ бу мисолдан нимани ирода қилди?» дерлар. (У Зот) у билан кўпчиликни залолатга кетказур ва кўпчиликни ҳидоятга солур. Ва у билан фақат фосиқларнигина залолатга кетказур.

27. Улар Аллоҳнинг аҳдини боғланганидан сўнг бузадиган, Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни кесадиган, ер юзида бузғунчилик қиладиган кимсалардир. Ана ўшалар, ўшаларгина зиён кўрувчилардир.

28. Аллоҳга қандай куфр келтирасизлар? Ҳолбуки, жонсиз эдингиз, сизга жон берди, сўнгра жонингизни оладир ва яна тирилтирадир ва сизлар Унга қайтажаксизлар.

29. У ер юзидаги барча нарсани сизлар учун яратган, сўнгра осмонга юзланиб, уларни еттита қилиб тўғрилаган Зотдир. Ва У ҳар бир нарсани билувчидир.

30. Эсла, Роббинг фаришталарга: «Мен ер юзида халифа қилмоқчиман», деди. Улар: «Унда бузғунчилик қиладиган, қон тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз Сени ҳамдинг ила поклаб ёд этиб ва Сени муқаддаслаб турибмиз», дедилар. (У Зот): «Мен сиз билмайдиган нарсани биламан», деди.

31. Ва Одамга исмларнинг барчасини ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга кўрсатиб: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, манавиларнинг исмларини менга айтиб беринг-чи», деди.

32. (Улар) «Ўзинг поксан! Бизда Сен билдиргандан бошқа илм йўқ. Албатта, Сен билувчисан, ҳакимсан», дедилар.

33. «Эй Одам, уларга буларнинг исмларини айтиб бер», деди. Уларга ўша нарсаларнинг исмларини айтиб берган чоғида: «Сизларга: «Осмонлару ернинг ғайбини биламан ва сизлар ошкор қиладиган нарсаларни ҳам, беркитган нарсаларни ҳам биламан», демабмидим?» деди.

34. Ва эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» дедик, бас, сажда қилдилар, фақат иблисгина бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди.

35. Ва: «Эй Одам, сен ўз жуфтинг ила жаннатни маскан тут. Унда хоҳлаган

жойингизда бемалол енглар ва мана бу дарахтга яқинлашмангларки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласизлар», дедик.

36. Бас, шайтон уларни ундан тойдирди ва бўлган нарсаларидан чиқарди. Ва: «Бир-бирингизга душман бўлган ҳолда тушинглар, сизларга ер юзида қароргоҳ ва маълум вақтгача баҳрамандлик бордир», дедик.

37. Бас, Одам Роббидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин (У Зот) унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбани қабул қилувчидир, раҳмлидир.

38. «Ундан ҳаммангиз тушинг. Агар Мендан сизга ҳидоят келса-ю, ўшанда ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар», дедик.

39. Ва куфр келтирган ҳамда оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса – ўшалар дўзах эгаларидир, улар унда мангу қолувчидирлар.

40. Эй Бану Исроил, сизга берган неъматларимни эсланг ва Менинг аҳдимга вафо қилинг. Мен ҳам сизнинг аҳдингизга вафо қилурман. Ва Мендангина қўрқинг.

41. Ва Мен сиздаги нарсани тасдиқловчи қилиб нозил қилган нарсага иймон келтиринг. Унга биринчи куфр келтирувчи бўлманг ва оятларимни озгина баҳога сотманг. Ва Менгагина тақво қилинг.

42. Ва ҳақни ботилга аралаштирманг ва ўзингиз билиб туриб, ҳақни беркитманг.

43. Ва намозни тўкис адо этинг, закот беринг ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қилинг.

44. Одамларни яхшиликка буюриб туриб, ўзингизни унутасизми? Ҳолбуки, Китобни тиловат қиляпсиз-ку. Ақл юритмайсизларми?!

45. Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг. Ва албатта, у чин дилдан қўрқувчилардан бошқалар учун жуда катта ишдир.

46. Улар албатта Роббларига рўбарў бўлувчи ва албатта Унга қайтиб борувчи эканларига ишонганлардир.

47. Эй Бану Исроил, сизга инъом этган неъматларимни ва Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг!

48. Бир жон бошқа жондан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинг.

49. Сизни ёмон азобларга солиб, ўғилларингизни сўйиб, қизларингизни тирик қолдираётган Оли Фиръавндан қутқарганимизни эсланг. Бунда Роббингиздан улуғ синов бордир.

50. Ва сизнинг кўз олдингизда денгизни ёриб, сизни қутқариб, Оли Фиръавнни ғарқ қилганимизни эсланг.

51. Ва Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимизни, у(кетгани)дан сўнг золим бўлган ҳолингизда бузоқни (илоҳ) тутганингизни эсланг!

52. Сўнгра ўшандан кейин сизни афв этдик. Шоядки, шукр қилсангиз.

53. Шоядки, ҳидоят топсангиз деб, Мусога Китобни ва Фурқонни берганимизни эсланг.

54. Мусонинг ўз қавмига: «Эй қавмим, албатта, сиз бузоқни (илоҳ) тутишингиз ила ўзингизга ўзингиз зулм қилдингиз. Энди сизни йўқдан бор қилувчи Зотга тавба қилинг, ўзингизни ўзингиз ўлдиринг. Шундай қилмоғингиз сизни бор қилувчи Зот ҳузурида сиз учун яхшидир. Бас, У тавбангизни қабул қилди. Чунки У тавбани қабул қилувчидир, раҳмлидир», деганини эсланг!

55. «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча, сенга ишонмаймиз», деганингизни, шунда сизни ўзингиз назар солиб турганингизда яшин урганини эсланг.

56. Сўнгра сизни ўлимингиздан кейин қайта тирилтирдик, шоядки, шукр қилсангиз.

57. Ва устингизга булутни соябон қилдик, сизга манн ва беданаларни туширдик. «Ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар». Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар.

58. «Ушбу шаҳарга киринг ва унда хоҳлаган жойингизда бемалол енг ҳамда эшикдан таъзим билан киринг ва: «Ҳиттотун», денг, сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз ва яхшилик қилувчиларга зиёда қиламиз», деганимизни эсланг.

59. Бас, зулм қилганлар уларга айтилган сўзни бошқасига алмаштирдилар. Биз зулм қилганларга фосиқлик қилаётганлари учун осмондан азоб туширдик.

60. Мусо ўз қавмини сероб қилишни сўраганида «Ҳассанг билан тошни ур!» деганимизни эсланг. Бас, ундан ўн икки булоқ отилиб чиқди. Ҳар бир (авлод) одамлар ўз сув ичиш жойини билиб олди. «Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар, ер юзида ёмонликда ҳаддан ошиб, бузғунчилардан бўлманг!»

61. «Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч чидай олмаймиз, Роббингга дуо қил, бизга ерда ўсадиган нарсалардан – сабзавот, тарра, саримсоқ, мош, пиёз чиқариб берсин», деганингизни эсланг. У (Мусо): «Яхши нарсани паст нарсага алмаштирасизларми? Бирорта шаҳарга тушинг, у ерда сиз учун сўраган нарсаларингиз бор», деди. Уларга хорлик ва мискинлик ёзилди ва Аллоҳнинг ғазабига қолдилар. Бу Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, набийларни ноҳақ қатл этганлари учундир. Бу осийлик қилганлари ва ҳаддан ошганлари учундир.

62. Албатта, иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, насоролар ва собиийлардан қайсилари Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса

ва яхши амалларни қилса, уларга Робблари ҳузурида ажрлар бордир. Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

63. Аҳду паймонингизни олганимизни ва: «Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсаларни эсланг, шоядки, тақво қилсангиз», дея устингизга Турни кўтарганимизни эсланг.

64. Сўнгра, ўшандан кейин ҳам юз ўгирдингиз. Сизга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида, албатта зиён кўрганлардан бўлардингиз.

65. Батаҳқиқ, сизлардан шанба куни тажовузкорлик қилганларни билдингиз. Биз уларга: «Қувилган, хорланган маймунларга айланинг», дедик.

66. Буни ундан олдингиларга ва кейингилар учун бездирувчи иқоб ҳамда тақводорлар учун мавъиза қилдик.

67. Мусо ўз қавмига: «Аллоҳ сизга бир сигир сўйишингизни буюрмоқда», деганини эсланг. Улар: «Бизни эрмак қиляпсанми?» дейишди. У: «Жоҳиллардан бўлиб қолишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», деди.

68. Улар: «Биз учун Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин», дейишди. У: «У Зот: «Қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, икковининг ўртасидаги сигир», деяпти. Бас, ўзингизга буюрилган нарсани бажаринг», деди.

69. Улар: «Биз учун Роббингга дуо қил, унинг ранги қандай эканини баён қилиб берсин», дейишди. У: «У Зот: «У ранги сап-сариқ, қараганларни хурсанд қиладиган сигир», деяпти», деди.

70. Улар: «Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин, сигир бизга ноаниқ бўлиб қолди, биз, Аллоҳ хоҳласа, албатта ҳидоят топувчимиз», дейишди.

71. У: «У Зот: «У – минилмаган, ер ҳайдаш ва экин суғоришда ишлатилмаган, айблардан саломат, аралашган ранги йўқ сигир», деяпти», деди. «Ана энди ҳақни келтирдинг», дейишди. Бас, уни сўйишди. Сал бўлмаса, қила олмас эдилар.

72. Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақда ихтилофга тушганингизни эсланг. Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқарувчидир.

73. Кейин: «Бас, уни унинг (сигирнинг) бир қисми билан уринг», дедик. Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтирур ва оят(аломат) ларини кўрсатур. Шоядки, ақл юритсангиз.

74. Сўнгра, шундан кейин ҳам қалбларингиз қаттиқ бўлди, улар тошдек ёки ундан-да қаттиқ. Ҳолбуки, тошларнинг ичида ундан анҳорлар отилиб чиқадигани бор. Ва уларнинг ичида ёрилиб, ундан сув чиқадигани бор. Яна уларнинг ичида Аллоҳдан қўрққанидан қулаб тушадигани ҳам бор. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.

75. Сиз сабабли иймон келтиришларини тама қиласизларми? Ҳолбуки,

улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитар, сўнгра, уни англаганларидан кейин билиб туриб, ўзгартирар эдилар.

76. Иймон келтирганларни учратсалар: «Иймон келтирдик», дерлар. Бир-бирлари билан холи қолганда эса: «Уларга Аллоҳ сизга очган нарса ҳақида Роббингиз ҳузурида сиз билан ҳужжат талашишлари учун гапиряпсизми? Ақл юритмайсизларми?» дерлар.

77. Аллоҳ уларнинг сир тутган-у ошкор қилган нарсаларини албатта билишини билмайдиларми?

78. Уларнинг ичида китобдан бехабар, хомхаёлдан бошқани билмайдиган уммийлар бор. Улар фақат гумон қиладилар, холос.

79. Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга вайл бўлсин! Қўллари билан ёзган нарсалари туфайли уларга вайл бўлсин! Касб қилган нарсалари туфайли уларга вайл бўлсин!

80. Ва улар: «Олов бизга фақат саноқли кунлардагина тегади», дейишди. «Аллоҳнинг ҳузурида аҳд олдингизми? Зотан, Аллоҳ аҳдига ҳеч хилоф қилмас. Ёки Аллоҳга нисбатан билмайдиган нарсангизни гапиряпсизми?» деб айт.

81. Йўқ! Ким ёмонлик касб қилса ва уни хатолари ўраб олган бўлса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолувчилардир.

82. Ва иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар – ана ўшалар жаннат соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчилардир.

83. Эсланг, ўшанда: «Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз, ота-онага яхшилик қиласиз ва яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга ҳам; одамларга яхши гаплар айтинг, намозни қоим қилинг, закотни беринг», деб Бану Исроилнинг аҳду паймонини олган эдик. Сўнгра озгинангиздан бошқангиз юз ўгириб, ортга қараб кетдингиз.

84. «Қонларингизни тўкмайсиз ва ўзингизни ўзингиз диёрингиздан чиқармайсиз», деб аҳду паймонингизни олганимизни, сўнгра гувоҳлик бериб, иқрор бўлганингизни эсланг.

85. Кейин эса сиз шундайсизки, ўзингиз ўзингизни ўлдирасиз ва бир гуруҳингизни диёридан чиқарасиз ҳамда уларга қарши гуноҳ ва душманлик йўлида ёрдам берасиз. Агар асир бўлсалар, товон тўлаб, қутқариб оласиз. Ҳолбуки, уларни чиқариш сизга ҳаром қилинган эди. Ёки китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисига куфр келтирасизми?! Сизлардан бундай қилганларнинг жазоси дунёда фақат шармандаликдир, Қиёмат кунида эса энг шиддатли азобга қайтарилурлар. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.

86. Ана ўшалар дунё ҳаётини охират эвазига сотиб олганлардир. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.

87. Ва батаҳқиқ, Мусога китобни бердик ва унинг ортидан расулларни

кетма-кет юбордик. Ва Ийсо ибн Марямга очиқ-ойдин мўъжизаларни бердик ва уни Руҳул Қудус билан қўлладик. Қачон бирор расул нафсларингиз истамайдиган нарса келтирса, мутакаббирлик қилиб, бир гуруҳини ёлғончига чиқариб, бир гуруҳини қатл қилаверасизми?!

88. Ва: «Қалбимиз ғилофланган», дейишар. Йўқ, ундай эмас, куфрлари сабабли Аллоҳ уларни лаънатлаган. Бас, озгинагина иймон келтирурлар.

89. Уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидаги нарсани тасдиқловчи китоб келганда – ҳолбуки, илгари кофирларга қарши фатҳу нусрат кутар эдилар – бас, уларга ўзлари билган нарса келганда, унга куфр келтирдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

90. Ўзларини сотган нарса – Аллоҳ бандаларидан хоҳлаганига Ўз фазлидан нозил қилганига ҳасад қилиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага куфр келтиришлари нақадар ёмон! Ғазаб устидан ғазабга қолдилар. Кофирларга хорловчи азоб бордир.

91. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага иймон келтиринг», дейилса, «Бизга нозил қилинган нарсага иймон келтирамиз», дерлар ва ундан кейинги нарсага куфр келтирарлар. Ҳолбуки, у улардаги нарсани тасдиқловчи ҳақдир. «Агар мўмин бўлсангиз, нима учун илгари Аллоҳнинг набийларини қатл қилдингиз?!» деб айт.

92. Батаҳқиқ, Мусо сизларга очиқ-ойдин мўъжизалар ила келди. Сўнгра, шундан кейин ҳам золим бўлган ҳолингизда бузоқни (илоҳ) тутдингиз.

93. Аҳду паймонингизни олганимизни ва: «Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва қулоқ солинг», дея устингизга Турни кўтарганимизни эсланг. Улар: «Эшитдик ва осий бўлдик», дедилар. Куфрлари сабабли қалбларига бузоқ сингдирилди. Айт: «Агар мўмин бўлсангиз, сизнинг «иймон»ингиз нақадар ёмон нарсага буюради!»

94. Айт: «Агар Аллоҳнинг ҳузуридаги охират диёри бошқа одамларсиз холис сизга бўладиган бўлса, агар ростгўй бўлсангиз, ўлимни орзу қилинг».

95. Қўллари тақдим қилган нарсалар сабабли уни ҳеч қачон орзу қилмаслар. Аллоҳ зулм қилувчиларни билувчидир.

96. Уларнинг ҳаётга энг ҳирс қўйган одамлар эканини топасан; ширк келтирганлардан ҳам. Уларнинг бирлари минг йил умр кўришни истайди. Ҳолбуки, ўша уни азобдан узоқлаштирувчи эмас. Ва Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўриб турувчидир.

97. Жаброилга душман бўлганларга айтгинки, албатта, ул уни (Қуръонни) сенинг қалбингга Аллоҳнинг изни билан, ўзидан олдингини тасдиқловчи ҳамда мўминлар учун ҳидоят ва хушхабар қилиб олиб тушди.

98. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, расулларига, Жаброилга ва Микоилга душман бўлса, албатта, Аллоҳ кофирларнинг душманидир.

99. Батаҳқиқ, сенга равшан оятларни нозил қилдик, уларга фақат фосиқларгина куфр келтирурлар.

100. Ҳар қачон аҳд қилсалар, улардан бир гуруҳи уни бузаверадими?! Йўқ! Кўплари иймон келтирмаслар.

101. Аллоҳнинг ҳузуридан улардаги нарсани тасдиқловчи Расул келганда, китоб берилганлардан бир гуруҳи худди билмагандек, Аллоҳнинг китобини ортларига қараб отдилар.

102. Ва Сулаймон подшоҳлигида шайтонлар тиловат қилган нарсага эргашдилар. Сулаймон куфр келтиргани йўқ. Лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб, кофир бўлдилар. Ва Бобилда икки фаришта – Ҳорут ва Морутга нозил қилинган нарсага эргашдилар. Икковлари токи: «Биз синовмиз холос, кофир бўлмагин», демасдан олдин ҳеч кимга ўргатмас эдилар. Бас, икковларидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганишар эди. Ва улар у ила Аллоҳнинг изнисиз бирор кишига зарар етказувчи эмасдилар. Ва зарар келтирадиган, фойда келтирмайдиган нарсани ўргануրлар. Ва батаҳқиқ, биладиларки, уни сотиб олган кишига охиратда насиба йўқ. Агар билсалар, ўзларини сотган нарса нақадар ёмон!

103. Агар улар иймон келтириб, тақво қилганларида, агар билсалар, Аллоҳнинг ҳузуридаги савоб яхши эди.

104. Эй иймон келтирганлар! «Роъина», деманглар, «Унзурнаа», денглар ва қулоқ солинглар. Ва кофирларга эса аламли азоб бўлур.

105. Аҳли китоблардан бўлган кофирлар ҳам, мушриклар ҳам сизларга Роббингиздан яхшилик нозил қилинишини истамаслар. Ҳолбуки, Аллоҳ Ўз раҳматини хоҳлаган кишисига хос қиладир. Аллоҳ буюк фазл эгасидир.

106. Оятлардан биронтасини насх қилсак ёки унуттирсак, ундан яхшисини ёки унга ўхшашини келтирурмиз. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини билмадингми?

107. Албатта, осмонлару ернинг мулки Аллоҳники эканини ва сизларга Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқлигини билмадингми?

108. Ёки Расулингиздан бундан аввал Мусодан сўралганидек, савол сўрамоқчимисиз?! Ким иймонни куфрга алмаштирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашибди.

109. Аҳли китоблардан кўплари ўзларига ҳақ равшан бўлганидан кейин, ўз нафсу ҳаволаридан келиб чиқиб, ҳасад қилиб, иймонли бўлганингиздан кейин сизларни кофир ҳолга қайтаришни истарлар. Бас, Аллоҳ Ўз амрини келтиргунича афв этинг ва кечириб юборинг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

110. Намозни қоим қилинг, закотни беринг. Ўзингиз учун нимаики яхшилик

тақдим қилсангиз, уни Аллоҳнинг ҳузурида топасиз. Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингизни кўриб турувчидир.

111. Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насронийлардан бошқа ҳеч ким зинҳор кирмас», дейишди. Бу уларнинг хом хаёлларидир. «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», деб айт.

112. Йўқ! Кимки яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилса, унга Робби ҳузурида ажр бордир. Ҳамда уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

113. Яҳудийлар: «Насронийлар ҳеч нарсада эмаслар», дейишди. Насронийлар ҳам: «Яҳудийлар ҳеч нарсада эмаслар», дейишди. Ваҳоланки, улар китоб тиловат қилурлар. Худди шу каби, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтган эдилар. Бас, улар ихтилоф қилиб юрган нарса ҳақида қиёмат куни ораларида Аллоҳ ҳукм қиладир.

114. Аллоҳнинг масжидларида Унинг исми зикр қилинишини ман этган ва уларни бузишга ҳаракат қилгандан ҳам золимроқ ким бор? Ана ўшалар у жойларга фақат қўрққан ҳолларидагина киришлари керак эди! Уларга бу дунёда хорлик бордир ва уларга охиратда улкан азоб бордир.

115. Машриқу мағриб Аллоҳникидир, қаёққа қарасангиз, Аллоҳнинг юзи ўша ерда. Албатта, Аллоҳ қамрови кенг, билувчи Зотдир.

116. «Аллоҳ фарзанд тутди», дедилар. У Зот покдир. Балки осмонлару ердаги барча нарсалар Уникидир. Ҳамма Унга бўйсунувчидир.

117. У осмонлару ернинг беназир қилиб яратувчисидир. Бирор ишни ҳукм қилса, унга: «Бўл!» дейди, холос, бас, у бўладир.

118. Билмайдиган кимсалар: «Аллоҳ биз билан гаплашса эди ёки мўъжиза келса эди», дейишди. Худди шу каби, улардан олдингилар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтган эдилар. Қалблари ўхшаш бўлди. Батаҳқиқ, аниқ ишонувчи қавмларга оятларни баён қилганмиз.

119. Албатта, Биз сени ҳақ билан хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Ва сен дўзах соҳиблари ҳақида сўралмассан.

120. Яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам, уларнинг миллатига эргашмагунингча, сендан ҳеч-ҳеч рози бўлмаслар. «Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти, ҳа, ўшагина ҳидоятдир», деб айт. Агар ўзингга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсанг, сенга Аллоҳдан (қутқарувчи) дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир.

121. Биз китоб берганлардан уни ўрнига қўйиб тиловат қиладиганлари, ана ўшалар унга иймон келтирадир. Ким унга куфр келтирса, ана ўшалар – ўзлари зиён кўрувчилардир.

122. Эй Бану Исроил, сизга инъом этган неъматларимни ва Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг!

123. Бир жон бошқа жон(нинг номи)дан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан тўлов қабул қилинмайдиган, унга шафоат фойда бермайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинг!

124. Робби Иброҳимни калималар ила синаб кўрганида, у уларни батамом адо этганини эсла! (У Зот) «Албатта, Мен сени одамларга имом қилмоқчиман», деди. (У:) «Зурриётимдан ҳамми?» деди. (У Зот): «Золимлар аҳдимга ҳеч қачон эриша олмаслар», деди.

125. Эсла, Байтни одамлар учун «масаба» ва омонлик жойи қилдик ва: «Иброҳимнинг мақомини намозгоҳ тутинг», (дедик). Ва Иброҳим ва Исмоилга: «Байтимни тавоф қилувчилар, муқим турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар учун покланглар», деб амр қилдик.

126. Иброҳимнинг: «Роббим, буни омонлик юрти қилгин ва аҳлидан Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирганларини мевалар ила ризқлантиргин», деганини эсла. (У Зот): «Ким куфр келтирса, озгина баҳраманд этаман, сўнгра олов азобига мажбур қиламан ва у нақадар ёмон борар жой!» деди.

127. Эсла, Иброҳим билан Исмоил Байтнинг пойдеворларини кўтараётиб, (дедилар:) «Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сен эшитувчисан, билувчисан.

128. Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сен тавбаларни қабул этувчисан, раҳмлисан.

129. Роббимиз, уларнинг ичига ўзларидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, уларга Китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Расул юбор. Албатта, Сен азизсан, ҳакимсан».

130. Ўзини билмаганларгина Иброҳимнинг миллатидан юз ўгирур. Биз уни бу дунёда танлаб олдик ва албатта, у охиратда солиҳлардан бўлгай.

131. Робби унга: «Мусулмон бўл!» деган эди, «Оламларнинг Роббига мусулмон бўлдим», деди.

132. Иброҳим ўз ўғилларига ва Яъқуб ҳам: «Эй ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади, мусулмон бўлган ҳолингиздагина ўлинг» деб, буни (миллатни) васият қилдилар.

133. Ёки Яъқубга ўлим ҳозир бўлиб, у ўз ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» деганида, «Сенинг Илоҳингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқнинг Илоҳи – ягона Илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмонлармиз», деганларига гувоҳ бўлганмисиз?!

134. Булар ўтиб кетган умматдирлар. Уларга ўзлари касб қилганлари бўлур, сизларга ўзингиз касб қилганингиз бўлур. Уларнинг қилган амалларидан сўралмассиз.

135. Улар: «Яҳудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз», дерлар. «Балки,

ҳаниф Иброҳимнинг миллатига (динига эргашамиз) ва у мушриклардан бўлмаган эди», деб айт.

136. Айтинглар: «Аллоҳга ва бизга нозил қилинган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодига нозил қилинган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва набийларга Роббларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз».

137. Агар сиз иймон келтирганга ўхшаш иймон келтирсалар, батаҳқиқ, ҳидоят топибдилар. Ва агар юз ўгирсалар, демак, улар хилофдан бошқа нарсада бўлмаслар. Аллоҳ сенга улар(нинг ёмонлиги)дан кифоя қилур. Ва У эшитувчидир, билувчидир.

138. Аллоҳнинг «бўёғ»ини лозим тутинг. Аллоҳдан кўра «бўёғ»и яхшироқ ким бор?! «Ва биз Унга ибодат қилувчилармиз».

139. Айт: «Биз билан Аллоҳ ҳақида тортишасизми?! Ҳолбуки, У бизнинг ҳам Роббимиз, сизнинг ҳам Роббингиздир. Бизга ўз амалимиз, сизларга ўз амалингиз. Ва биз Унга мухлислармиз».

140. Ёки «Албатта, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди яҳудий ёки насроний бўлган», дейсизларми?! «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» дегин. Ҳузуридаги Аллоҳдан бўлган гувоҳликни беркитган кимсадан кўра золимроқ ким бор?! Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.

141. Булар ўтиб кетган умматдирлар. Уларга ўзлари касб қилганлари бўлур, сизларга ўзингиз касб қилганингиз бўлур. Уларнинг қилган амалларидан сўралмассиз.

142. Одамлардан эсипастлари: «Буларни қиблаларидан нима юз ўгиртирди экан?» дерлар. «Машриқу мағриб Аллоҳники, кимни хоҳласа, ўшани тўғри йўлга бошлайдир», деб айт.

143. Ана шундай қилиб, одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Расул устингиздан гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта миллат қилдик. Сен аввал юзланган қиблани орқасига қайтадиганлар ким-у, Расулга эргашувчилар ким эканини билишимиз учунгина қилганмиз. Бу эса Аллоҳ ҳидоятга солганлардан бошқаларга оғирдир. Аллоҳ иймонингизни зое қилмас. Албатта, Аллоҳ одамларга шафқатлидир, раҳмлидир.

144. Гоҳо юзингнинг осмонга тез-тез қайрилганини кўрурмиз. Бас, албатта, сени ўзинг рози бўлган қиблага бурурмиз. Юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Қаерда бўлсангиз ҳам, юзингизни у томон бурингиз. Албатта, китоб берилганлар унинг Роббларидан бўлган ҳақ эканини билурлар. Ва Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир.

145. Агар китоб берилганларга барча ҳужжатларни келтирсанг ҳам, сенинг қиблангга эргашмаслар. Сен ҳам уларнинг қибласига эргашувчи

эмассан. Ва улар бир-бирларининг қибласига эргашувчи эмаслар. Агар сенга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавои нафсларига эргашсанг, у ҳолда албатта, сен золимлардан бўлурсан.

146. Биз китоб берганлар уни (Муҳаммадни) болаларини танигандек танирлар. Албатта, улардан бир гуруҳи билиб туриб, ҳақни беркитарлар.

147. Бу Роббингдан (бўлган) ҳақдир, бас, ҳаргиз шак қилувчилардан бўлма.

148. Ҳар кимнинг юзланадиган тарафи бор. У ўшанга юзланувчидир. Яхшиликларга шошилинг. Қаерда бўлсангиз ҳам, Аллоҳ ҳаммангизни жамлайдир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

149. Қаердан чиқсанг ҳам, юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Ва албатта, бу Роббингдан бўлган ҳақдир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.

150. Ва қаердан чиқсанг ҳам, юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Қаерда бўлсангиз ҳам юзингизни у томонга буринг, токи одамларда сизга қарши ҳужжат бўлмасин – улардан зулм қилганлар бундан мустасно – бас, улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар! Ва сизга неъматимни батамом этишим учун; шоядки, ҳидоят топсангиз.

151. Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик.

152. Мени зикр қилинг, сизни эсларман. Ва Менга шукр қилинг, куфр қилманг.

153. Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила ёрдам сўранглар. Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир.

154. Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни «ўликлар» деманг. Балки улар тирикдирлар, лекин сиз сезмассиз.

155. Албатта, сизларни бир оз хавф ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга хушхабар бер.

156. (Улар) ўзларига мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир.

157. Ана ўшаларга Роббларидан салавотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар, ўшаларгина ҳидоят топганлардир.

158. Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг (динининг) шиорларидандир. Ким Байтни ҳаж ёки умра қилса, бу иккови ўртасида саъй қилишида унга гуноҳ йўқ. Ким яхшиликни холисона қилса, бас, албатта, Аллоҳ кўп савоб берувчидир, билувчидир.

159. Албатта, Биз нозил қилган равшан оятларни ва ҳидоятни одамларга

Китобда баён қилиб берганимиздан кейин беркитганларни – ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлайдир. Ва лаънатловчилар ҳам лаънатлайдир.

160. Тавба қилиб, ислоҳ қилиб, баён қилганлар мустаснодир, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилурман. Ва Мен тавбаларни қабул қилувчидирман, раҳмлидирман.

161. Албатта, куфр келтириб, кофирлик ҳолида ўлганларга – ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг – барчанинг лаънати бўлгай.

162. Унда абадий бўлурлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга назар ҳам солинмас.

163. Ва илоҳингиз ягона Илоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Роҳмандир, Роҳиймдир.

164. Албатта, осмонлару ернинг яратилишида, кечаю кундузнинг алмашиб туришида, одамларга манфаатли нарсалари ила денгизда сузиб юрган кемада, Аллоҳнинг осмондан сув тушириб, у билан ерни ўлимидан кейин тирилтириши ва унда турли жонзотларни таратишида, шамолларни йўналтиришида, осмону ер орасидаги итоатгўй булутда ақл юритувчи қавмлар учун оят(белги)лар бор.

165. Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари кучлидир. Зулм қилганлар азобни кўрган чоғларида барча қувват Аллоҳга хослигини ва Аллоҳнинг азоби шиддатли эканини билсалар эди!

166. У пайтда эргашилганлар азобни кўриб, эргашганлардан тонурлар ва сабаблар ҳам улардан кесилур.

167. Ва эргашганлар: «Қани энди бизга бир ортга қайтиш бўлса эди, биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонар эдик», дерлар. Аллоҳ уларга амалларининг ўзларига ҳасрат бўлганини ана шундай қилиб кўрсатур. Ва улар дўзахдан чиқувчи эмаслар.

168. Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар. Чунки у сизларга очиқ-ойдин душмандир.

169. Албатта, у сизларни фақат ёмонликка ва фаҳшга ҳамда Аллоҳга нисбатан билмаган нарсангизни гапиришингизга буюрадир.

170. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашингиз», дейилса, «Йўқ, биз ота-боболаримизни нимада топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дерлар. Ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоятга юрмаган бўлсалар ҳам-а?!

171. Куфр келтирганлар(ни даъват қилаётган киши) худди қичқириқ ва сасдан бошқа нарсани эшитмайдиганларга бақираётган кишига ўхшайди. Кар, соқов ва кўрдирлар. Улар ақл юритмаслар.

172. Эй иймон келтирганлар! Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг покларидан енглар ва Аллоҳга шукр қилинглар, агар Унгагина ибодат қиладиган бўлсаларингиз.

173. Албатта, У Зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўчқа гўштини ва Аллоҳдан бошқага атаб сўйилган нарсаларни ҳаром қилди. Кимки маза талаб қилувчи ва ҳаддан ошувчи бўлмаган ҳолда мажбур бўлиб қолса, унга гуноҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, раҳмлидир.

174. Албатта, Аллоҳ Китобда нозил қилган нарсани беркитганлар ва уни озгина баҳога сотганлар – ана ўшалар қоринларига ўт-оловдан бошқа нарсани емаслар, уларга Аллоҳ қиёмат куни гапирмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоблар бордир.

175. Ана ўшалар залолатни ҳидоятга, азобни мағфиратга сотиб олганлардир. Оловга нақадар «сабрли»лар-а?!

176. Бу, албатта, Аллоҳ Китобни ҳақ ила нозил қилгани учундир. Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса тубсиз тортишувдадирлар.

177. Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизгина эмас. Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, Китобга, набийларга иймон келтирган ва молини яхши кўра туриб, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга, йўқсил йўлчига, тиланчиларга ва қул озод қилишга берган ҳамда намозни тўкис адо этган, закотни берган киши ҳамда аҳд қилганда, аҳдига вафо қилувчилар, йўқчилик, қийинчилик ва шиддат вақтида сабр қиладиганларникидир. Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар, ўшаларгина тақводорлардир.

178. Эй иймон келтирганлар! Сизга ўлдирилганлар учун қасос фарз қилинди: ҳурга ҳур, қулга қул, аёлга аёл. Кимга ўз биродаридан бирор нарса афв қилинса, бас, яхшилик ила сўралсин ва адо этиш ҳам яхшиликча бўлсин. Бу Роббларингиздан енгиллик ва раҳматдир. Ундан кейин ким душманлик қилса, унга аламли азоб бордир.

179. Қасос олишда сизларга ҳаёт бор, эй ақл эгалари! Шоядки, тақводор бўлсангиз.

180. Бирортангизга ўлим келганда, агар у бойлик қолдираётган бўлса, ота-онаси ва яқинларига тўғрилик билан васият қилиш тақводорларнинг бурчи ўларок сизларга фарз қилинди.

181. Ким уни эшитгандан сўнг ўзгартирса, бас, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг ўзига бўладир. Албатта, Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

182. Кимки васият қилувчидан тойилиш ёки гуноҳ содир бўлишидан қўрқиб, уларнинг орасини ислоҳ қилса, унга гуноҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

183. Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз.

184. Саноқли кунларда. Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан. Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир. Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, ўзи учун яхшидир. Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир.

185. Рамазон ойики, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидояту фурқондан иборат очиқ-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилингандир. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ва сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан. Аллоҳ сизларга енгилликни ирода қилади ва сизларга қийинликни ирода қилмайди. Саноғини мукаммал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз.

186. Агар бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилгувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман. Бас, Менга ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар.

187. Сизларга рўза кечасида хотинларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз. Аллоҳ ўзингизга хиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди уларга яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани талаб қилинг. Тонг пайтида сизга оқ ип қора ипдан ажрагунча еб-ичаверинг. Сўнгра рўзани кечгача батамом қилинг. Масжидларда эътикофдалигингизда уларга яқинлик қилманг. Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидир, унга яқинлашманг. Аллоҳ одамларга Ўз оятларини ана шундай баён этадир. Шоядки, тақво қилсалар.

188. Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ ила ейишингиз учун уни ҳокимларга ташламанг.

189. Сендан ҳилоллар ҳақида сўрарлар. «Улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовидир», деб айт. Яхшилик уйларнинг орқасидан киришингизда эмас, яхшилик тақводорлик қилган кишидадир. Ва уйларга эшикларидан келинг. Аллоҳга тақво қилинг. Шоядки, нажот топсангиз.

190. Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг ва тажовузкорлик қилманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкорларни севмас.

191. Уларни топган ерингизда қатл қилинг. Ва сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам чиқаринг. Фитна қатлдан ёмонроқдир. Масжидул Ҳаром олдида сизга қарши урушмагунларича, унинг ичида улар билан урушманг. Агар урушсалар, бас, сиз ҳам улар билан урушинг. Кофирларнинг жазоси шундайдир.

192. Агар тўхтасалар, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

193. Ва улар билан то фитна бўлмайдиган бўлиб, дин Аллоҳники бўлгунича жанг қилинг. Агар тўхтасалар, золимлардан бошқаларга душманлик йўқ.

194. Ҳаром ойга ҳаром ой. Ҳаром қилинган нарсаларда қасос бор. Ким сизга душманлик қилса, сиз ҳам унга шунга ўхшаш душманлик қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир.

195. Ва Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилинг. Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг. Яхшилик қилинг, албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир.

196. Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун тугал адо этинг. Агар ушланиб қолсангиз, муяссар бўлганича қурбонлик вожиб. Қурбонлик ўз жойига етмагунча, сочингизни олдирманг. Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, унга рўза тутиш ёки садақа бериш, ёхуд қурбонлик сўйиш ила тўлов тўласин. Агар тинч бўлсангиз, ким умрадан ҳажгача баҳраланган бўлса, унга муяссар бўлган қурбонлик вожиб. Ким топмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда рўза тутиш (вожиб). Ана ўша тўлиқ ўн кундир. Бу аҳли оиласи Масжидул Ҳаромда яшамайдиганлар учундир. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

197. Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир. Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни биладир. Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир. Менга тақво қилинг, эй ақл эгалари!

198. Роббингиздан фазл исташингизда сизга гуноҳ йўқдир. Арафотдан қайтиб тушганингизда, Машъарул Ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг. Сизни ҳидоятга бошлагани учун У Зотни зикр қилинг. Дарҳақиқат, илгари адашувчилардан эдингиз.

199. Сўнгра одамлар қайтиб тушган жойдан тушинглар. Ва Аллоҳдан мағфират талаб қилинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

200. Ибодатларингизни тугатганингизда Аллоҳни оталарингизни эслагандек, балки ундан ҳам кучлироқ зикр қилинг. Одамлардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда бергин», дейдир ва унга охиратда насиба йўқдир.

201. Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик, охиратда ҳам яхшилик бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин», дейдир.

202. Ана ўшаларга қилган касбларидан насиба бор. Ва Аллоҳ тез ҳисоб қилувчидир.

203. Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилинг. Бас, ким икки кундан кейин кетишга шошилса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ. Тақво қилувчилар учун. Аллоҳга тақво қилинглар ва билингларки, сиз албатта Унинг ҳузурига тўпланурсиз.

204. Одамлар ичида дунё ҳаётидаги гапи сени ажаблантирадигани бор. У

қалбидаги нарсага Аллоҳни гувоҳ ҳам қилади. Ҳолбуки, у ашаддий хусуматчидир.

205. Ва бурилиб кетганда, ер юзида бузғунчилик қилиш учун ҳамда экин ва наслни ҳалок этиш учун ҳаракат қиладир. Ҳолбуки, Аллоҳ бузғунчиликни хуш кўрмас.

206. Агар унга «Аллоҳдан қўрққин», дейилса, кибру ҳавоси уни гуноҳга етаклар. Жаҳаннам унга етарлидир. У нақадар ёмон жой!

207. Ва одамлар орасида Аллоҳнинг розилигини тилаб, жонини сотадиганлар бор. Ва Аллоҳ бандаларга шафқатлидир.

208. Эй иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича киринг ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизга очиқ-ойдин душмандир.

209. Агар очиқ баёнотлар келгандан кейин ҳам тойилсангиз, билингки, албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

210. Аллоҳ ва фаришталар уларга сояли булутларда келишига ва ишнинг тугатилишига мунтазир бўлиб турибдилар, холос. Ва барча ишлар Аллоҳга қайтарилур.

211. Бану Исроилдан уларга қанчадан-қанча очиқ-ойдин оят(мўъжиза)ларни берганимизни сўра. Кимки ўзига Аллоҳнинг неъмати келганидан кейин уни ўзгартирса, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

212. Куфр келтирганларга дунё ҳаёти чиройли кўрсатилди ва улар иймон келтирганларни масхара қилурлар. Ҳолбуки, қиёмат куни тақво қилганлар улардан устундир. Аллоҳ хоҳлаган кишисини беҳисоб ризқлантирур.

213. Одамлар бир уммат эдилар. Бас, Аллоҳ хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб набийларни юборди ва уларга одамлар ўртасида улар ихтилоф қилган нарсаларда ҳукм қилиш учун ҳақ ила Китоб нозил қилди. У тўғрисида фақат у (китоб) берилганларгина очиқ-ойдин ҳужжатлар келганидан сўнг ўзаро зулму ҳасад қилиб, ихтилоф қилдилар. Бас, Аллоҳ Ўз изни ила улар ихтилоф қилган ҳаққа иймон келтирганларни ҳидоят қилди. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини тўғри йўлга бошлайдир.

214. Сиздан аввал ўтганларга келганга ўхшаш нарса сизларга келмай туриб, жаннатга кирамиз деб ўйладингизми? Уларни йўқчилик ва қийинчиликлар тутган ва ларзага туширилганлар. Ҳаттоки Расул ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўлади?» деганлар. Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир.

215. Сендан нимани инфоқ қилишни сўрарлар. «Нафақа қилган яхшилигингиз ота-онага, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга ва йўқсил йўлчига бўлсин. Нимаики яхшилик қилган бўлсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир», деб айт.

216. Сизга ёқмаса ҳам, жанг қилишингиз фарз қилинди. Ажаб эмаски,

ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва ажаб эмаски, ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса. Аллоҳ билади, сиз эса билмассиз.

217. Сендан ҳаром ойда уруш қилиш ҳақида сўрарлар. «Унда уруш қилиш катта гуноҳ. Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга куфр келтириш, Масжидул Ҳаромдан тўсиш, унинг аҳлини ундан чиқариш Аллоҳнинг ҳузурида ундан-да катта гуноҳдир. Фитна қатлдан каттароқдир», деб айт. Агар қодир бўлсалар, сизларни динингиздан қайтаргунларича сизга қарши уруш қилаверадилар. Сиздан кимки диндан қайтиб, кофир ҳолида ўлиб кетса, ана ўшалар бу дунёю охиратда амали ҳабата бўлганлардир. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолгувчилардир.

218. Албатта, иймон келтирганлар, ҳижрат қилганлар ва Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилганлар – ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматини умид қиладилар. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

219. Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрарлар. «Иккисида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир», деб айт. Ва сендан нимани инфоқ қилишни сўрарлар. «Ортиқчасини», деб айт. Аллоҳ шундай қилиб сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, тафаккур қилсангиз.

220. Бу дунё ва охират ҳақида. Сендан етимлар ҳақида сўрарлар. «Уларга ислоҳ қилиш яхшидир», деб айт. Агар уларнинг (молларини) аралаштириб юборсангиз, бас, биродарларингиздир. Аллоҳ бузғунчини ҳам, ислоҳчини ҳам билади. Агар хоҳласа, Аллоҳ сизларни қийинчиликка соларди. Албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

221. Мушрика аёлларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг. Шубҳасиз, мўмина чўри мушрикадан, гарчи у сизни қизиқтирса ҳам, яхшидир. Ва мушриклар иймонга келмагунларича уларга никоҳлаб берманг. Шубҳасиз, мўмин қул мушрикдан, гарчи сизни қизиқтирса ҳам, яхшидир. Анавилар ўт-оловга чақирарлар. Аллоҳ эса Ўз изни ила жаннатга ва мағфиратга чақирар ҳамда одамларга Ўз оятларини баён қиладир. Шоядки, эслатма олсалар.

222. Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. «У кўнгилсиз нарсадир. Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг. Пок бўлмагунларича уларга яқинлашманглар. Агар пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг. Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади», деб айт.

223. Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг. Ўзингиз учун (яхшилик) тақдим қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта Унга рўбарў келувчисиз. Мўминларга хушхабар бер.

224. Ичган қасамларингиз сабабли яхшилик қилиш, тақво қилиш ва

одамлар орасини ислоҳ этишингизга Аллоҳни тўсиқ қилманг. Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

225. Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун тутмас. Лекин қалбларингиз касб қилган нарса учун тутадир. Ва Аллоҳ мағфиратлидир, ҳалимдир.

226. Хотинларидан ийло қилганлар учун кутиш тўрт ойдир. Агар қайтсалар, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

227. Ва агар талоқни қасд қилсалар, албатта, Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

228. Талоқ қилинган аёллар ўзларича уч қуруъ кутарлар. Агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсалар, Аллоҳ бачадонларда халқ қилган нарсани беркитишлари улар учун ҳалол бўлмас. Ўшанда эрлари агар ислоҳни ирода қилсалар, уларни ўзларига қайтариб олишга ҳақлироқдирлар. Ва уларнинг бурчлари муқобилида маъруф ила ҳақлари ҳам бордир. Ва эркакларга улардан устун даража бордир. Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

229. Талоқ икки мартадир. Сўнгра яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйиб юбориш. Уларга берган нарсангиздан бирор нарсани олиш сизга ҳалол бўлмас, икковлари Аллоҳнинг чегараларида тура олмасликдан қўрқсалар, мустасно. Бас, агар икковларининг Аллоҳнинг чегараларида тура олмаслигидан қўрқсангиз, хотин берган эвазда икковларига гуноҳ йўқдир. Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларни бузманг. Ва ким Аллоҳнинг чегараларини бузса, бас, ўшалар, ана ўшалар золимлардир.

230. Сўнг агар яна талоқ қилса, бундан кейин у аёл токи бошқа эрга тегиб чиқмагунча, унга ҳалол бўлмас. Агар у ҳам талоқ қилса, гар Аллоҳнинг чегараларида туришга ишонсалар, бир-бирларига қайтсалар, уларга гуноҳ йўқ. Ана шулар Аллоҳнинг чегаралари бўлиб, уларни биладиган қавмларга баён қилур.

231. Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда, уларни яхшилик билан ушлаб қолинг ёки яхшилик билан қўйворинг. Уларни тажовуз қилиш учун зарар етказиш юзасидан ушлаб турманг. Ким ўшани қилса, шубҳасиз, ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазил билманг. Аллоҳнинг сизга берган неъматини ҳамда ваъз этиб нозил қилган Китоби ва ҳикматини эсда тутинг. Аллоҳга тақво қилинг ва билингки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

232. Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда, яхшилик билан ўзаро рози бўлишиб, эрларига қайта никоҳланишларини ман қилиб, қийинлаштирманг. Сизлардан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар ушбу ила ваъзланади. Шундай қилишингиз сиз учун тозароқ ва покроқдир. Ва Аллоҳ биладир, сиз эса билмассиз.

233. Оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар. (Бу) эмизишни

батамом қилмоқчи бўлган киши учундир. Уларни маъруф ила едириб, кийинтириш туғдирганнинг зиммасидадир. Ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юклатилмас. Она ҳам ўз боласи туфайли, ота ҳам ўз боласи туфайли зарар тортмасин. Меросхўрга ҳам худди шундай. Агар ўзаро рози бўлиб, маслаҳатлашиб, сутдан ажратишни ирода қилсалар, икковларига гуноҳ йўқ. Агар фарзандларингизга эмизувчи талаб қилмоқчи бўлсангиз, берадиганингизни маъруф ила аввалдан топширсангиз, сизларга гуноҳ йўқ. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, Аллоҳ нима амал қилаётганингизни албатта кўриб турувчидир.

234. Сизлардан вафот этиб, жуфтларини қолдирганларнинг аёллари ўзлари тўрт ою ўн кун кутарлар. Муддатлари етганда, ўзлари ҳақида яхшилик билан қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

235. У аёлларга ишора ила совчилик қилишингиз ёки уни ўз ичингизда тутишингизда гуноҳ йўқ. Албатта, сиз уларни эслашингизни Аллоҳ биладир. Лекин улар билан хуфёна ваъдалашманг. Аммо яхши сўз айтсангиз, майли. Фарз қилинган (идда) ўз муддатига етмагунча, никоҳ боғлашга қасд қилманг. Ва билингки, Аллоҳ ичингиздагини албатта билади. Бас, Ундан огоҳ бўлинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, ҳалимдир.

236. Агар хотинларни уларга қўл теккизмай туриб ёки улар учун маҳрни белгиламай туриб талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ йўқ. Уларни бой борича, йўқ ҳолича маъруф ила баҳраманд этинг. Бу яхшилик қилувчилар зиммасидаги бурчдир.

237. Агар уларга қўл теккизмай туриб талоқ қилсангиз ва маҳрни белгилаб қўйган бўлсангиз, белгиланганнинг ярмини берасиз, аммо аёл ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши афв қилса, (бермайсиз). Ва афв қилишингиз тақвога яқиндир. Орангиздаги фазилатни унутманг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

238. Намозларни ва ўрта намозни муҳофаза этинг. Ва Аллоҳ учун чин дилдан, қўрқув ила қоим бўлинг.

239. Агар хавфда қолсангиз, пиёда ва уловда ҳолингизда. Хотиржам бўлганингизда Аллоҳни – У Зот сизга билмаган нарсангизни ўргатганидек – зикр қилинг.

240. Сизлардан вафот этиб, жуфтларини қолдираётганлар аёлларининг бир йилгача чиқарилмасдан, баҳраманд бўлишини васият қилсинлар. Агар улар чиқсалар, ўз хусусларида яхшилик билан қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

241. Талоқ қилинган аёлларга матоҳ бериш бордир. Тақводорлар зиммасига бурч ўлароқ.

242. Аллоҳ сизларга Ўз оятларини ана шундай баён этадир. Шоядки, ақл юритсангиз.

243. Диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан минглarча кишиларнинг (хабарини) билмадингми?! Бас, Аллоҳ уларга: «Ўлинг», деди. Сўнгра уларни тирилтирди. Албатта, Аллоҳ одамлар устидан фазл эгасидир. Кўп одамлар шукр қилмаслар.

244. Аллоҳнинг йўлида жанг қилинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

245. Аллоҳга яхши қарз берадиган ким борки, У унга берганини бир неча мартага кўпайтириб берса. Ҳолбуки, Аллоҳ (ризқни) тор қилур ва кенг қилур. Ва Унгагина қайтариласизлар.

246. Мусодан кейинги Бану Исроилдан бўлган аъёнларни билмадингми?! Ўшанда улар ўз набийларига: «Бизга бир подшоҳ тайин қилгин, Аллоҳнинг йўлида уруш қилайлик», дедилар. «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол, урушмассиз?!» деди. «Бизга нима бўлибдики, диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинсак ҳам, Аллоҳнинг йўлида урушмасак», дедилар. Уруш фарз қилинганда эса озгиналаридан бошқалари юз ўгириб кетдилар. Ва Аллоҳ зулм қилувчиларни билувчидир.

247. Набийлари уларга: «Албатта, Аллоҳ Толутни сизга подшоҳ қилиб юборди», деди. «У бизга қаёқдан подшоҳ бўлсин?! Ваҳоланки подшоҳликка Ундан кўра биз ҳақлироқмиз. Қолаверса, унга кўпроқ мол ҳам берилмаган», дейишди. «Албатта, уни сизларга Аллоҳнинг Ўзи танлади ва илмда, жисмда кенглигини зиёда қилди. Аллоҳ подшоҳлигини кимга хоҳласа, ўшанга беради. Ва Аллоҳ қамрови кенг, билувчи Зотдир», деди.

248. Набийлари уларга: «Албатта, унинг подшоҳлигининг ояти (белгиси) – сизларга ичида Роббингиздан сандиқ келмоғидир, унда хотиржамлик ва Оли Мусодан ҳамда Оли Ҳорундан қолган қолдиқ бор. Уни фаришталар кўтариб келур. Агар мўмин бўлсаларингиз, албатта, бу нарсада сизларга оят (белги) бор», деди.

249. Толут лашкар билан чиққанда: «Албатта, Аллоҳ сизни дарё билан синайди. Ким ундан ичса, у мендан эмас ва ким уни тановул қилмаса, у албатта мендандир. Аммо биров қўли билан бир ҳовуч олса, майли», деди. Озгиналаридан бошқалари ундан ичдилар. У ва у билан бирга иймон келтирганлар ундан (дарёдан) ўтганларида, «Бугун бизда Жолут ва унинг лашкари билан жанг қилишга тоқат йўқ», дедилар. Аллоҳга рўбарў бўлишга ишонганлар: «Қанчадан-қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳларга ғолиб келган. Аллоҳ сабрлилар биландир», дедилар.

250. Жолут ва унинг аскарларига рўбарў келганларида: «Роббимиз,

устимиздан сабр тўккин, қадамларимизни собит қилгин ва кофир қавмлар устидан бизга нусрат бергин», дедилар.

251. Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни тор-мор қилдилар ва Довуд Жолутни қатл этди. Сўнгра Аллоҳ унга подшоҳлик ва ҳикматни берди ва хоҳлаган нарсасини ўргатди. Агар Аллоҳнинг одамларни бир-бирлари билан даф қилиши бўлмаганида, ер юзи бузиларди. Лекин Аллоҳ оламларга фазлу марҳаматлидир.

252. Булар Аллоҳнинг оятлари бўлиб, уларни сенга ҳақ ила тиловат қилурмиз. Ва албатта, сен расуллардансан.

253. Ана ўшалар расуллардир. Уларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал қилдик. Улардан Аллоҳ гаплашгани бор ва баъзиларининг даражасини кўтарган. Ва Ийсо ибн Марямга очиқ-ойдин мўъжизалар бердик ва уни Руҳул қуддуқ билан қўлладик. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, улардан кейингилар ўзларига очиқ-ойдин ҳужжатлар келганидан сўнг урушмас эдилар. Лекин ихтилоф қилдилар. Улардан кимдир иймон келтирди, кимдир куфр келтирди. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, урушмас эдилар. Аллоҳ нимани ирода қилса, шуни қилади.

254. Эй иймон келтирганлар! Сизга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан на олди-сотди, на ошна-оғайничилик ва на шафоатчилик йўқ Кун келмасидан олдин инфоқ қилинг. Ва кофирлар – ўшалар золимлардир.

255. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирикдир, қайюмдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. (У Зот) уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани иҳота қила олмаслар, аммо Ўзи хоҳлагани мустасно. Курсиси осмонлару ерни қамраган. Уларни муҳофаза қилиш Унга оғир келмас. Ва У олийдир, буюкдир.

256. Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлабди. Ва Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

257. Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматлардан нурга чиқарур. Куфр келтирганларнинг дўстлари тоғутлардир. Уларни нурдан зулматларга чиқарурлар. Ана ўшалар дўзах аҳлидир. Улар унда мангу қолувчидирлар.

258. Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан Иброҳим билан Робби ҳақида тортишган кимсани билмадингми? Иброҳим: «Роббим тирилтиради ва ўлдиради», деди. У: «Мен тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим: «Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради, сен уни мағрибдан чиқаргин-чи», деди. Бас, куфр келтирган лол қолди. Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

259. Ёки шифтлари устига қулаган шаҳар-қишлоқдан ўтган кишига ўхшашни

(билмадингми)? «Аллоҳ буни ўлимдан кейин қандай тирилтирур?» деди. Аллоҳ уни юз йилга ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди. «Қанча ётдинг?» деди. «Бир кун ёки бир кундан камроқ ётдим», деди. «Балки юз йил ётдинг, таомингга ва ичимлигингга назар сол, ўзгаргани йўқ ва эшагингга ҳам қара. Бу сени одамларга ибрат қилишимиз учундир. Ва суякларга назар сол, уларни қандай тиклармиз ва уларга қандай гўшт кийгизамиз», деди. Унга равшан бўлганда: «Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирлигини билдим», деди.

260. Эсла, Иброҳим: «Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганида, (У Зот:) «Ишонмадингми?» деди. (Иброҳим:) «Йўқ (ишондим), лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», деди. (У Зот): «Тўртта қуш олгин-да, олдингга тўплаб, кесиб, майдалагин, сўнгра ҳар бир тоққа улардан бир бўлакни қўйгин, кейин уларни ўзингга чақир, ҳузурингга тезлаб келадилар. Ва билгинки, албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир».

261. Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли худди ҳар бошоғида юзтадан дони бор, етти бошоқни ўстириб чиқарадиган бир дона донга ўхшайдир. Ва Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисига янада кўпайтириб берадир. Ва Аллоҳ қамрови кенг, билувчи Зотдир.

262. Аллоҳнинг йўлида молларини сарфлаб, сўнгра сарфлари кетидан миннат қилмайдиган ва озор бермайдиганларнинг ажрлари Робблари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

263. Яхши сўз ва кечирим ортидан озор келадиган садақадан кўра яхшироқдир. Ва Аллоҳ ғанийдир, ҳалимдир.

264. Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун инфоқ қилганга ўхшаб, ботил қилманг. У мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлиқ қилиб қўйган ясси тошга ўхшайдир. Касб қилган нарсаларидан бирор нарсага қодир бўлмаслар. Ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас.

265. Молларини Аллоҳнинг розилигини истаб, ўзларидаги ишонч билан сарфлайдиганлар худди тепаликдаги боққа ўхшайди. Унга кучли ёмғир ёғса, мевасини икки баробар беради. Агар кучли ёмғир ёғмаса, майдалаб ёққани ҳам бўлаверади. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

266. Сизлардан бирортангиз хурмолари ва узумлари бор, остидан анҳорлар оқиб турган, ўзи учун у ерда барча мевалар мавжуд бўлган боғи бўлса-ю, заиф зурриёти бўлиб, қарилик етганида, унга оловли бўрон етиб, ёниб битишини истайдими?! Аллоҳ сизларга оятларини ана шундай қилиб баён қилур. Шоядки, фикр юритсангиз.

267. Эй иймон келтирганлар! Касб қилган пок нарсаларингиздан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсаларимиздан инфоқ қилинглар.

Инфоқ қилганингизда нопокни кўзламанг. Ҳолбуки, уни ўзингиз ҳам ундан кўз юммай туриб олувчи эмассиз. Ва билингки, албатта, Аллоҳ ғанийдир, мақталгандир.

268. Шайтон сизга фақирликни ваъда қилади ва фаҳш ишларга буюради. Аллоҳ сизга Ўзидан мағфират ва фазлни ваъда қилади. Ва Аллоҳ қамрови кенг, билувчи Зотдир.

269. Ўзи хоҳлаган кишисига ҳикматни берур. Кимга ҳикмат берилса, унга кўп яхшилик берилибди. Фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар.

270. Нимаики инфоқ қилсангиз ёки назр этсангиз, Аллоҳ албатта уни биладир. Золимларга ҳеч қандай ёрдамчилар йўқ.

271. Садақани ошкора қилсангиз, бу нақадар яхши! Агар махфий қилсангиз ва фақирларга берсангиз, бу сиз учун яхшидир. Сиздан гуноҳларингизни ювадир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

272. Уларни ҳидоятга солиш сенинг зиммангда эмас. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ҳидоятга бошлар. Инфоқ қилган яхшиликларингиз ўз фойдангизга. Қилган инфоқингиз фақат Аллоҳнинг юзини исташ учундир. Инфоқ қилган яхшиликларингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолда ўзингизга тўлалигича қайтарилур.

273. (Садақа ва хайру эҳсонлар) Аллоҳнинг йўлида тутилган, ер юзида касб қилишга қодир бўлмаган, билмаган киши иффатлари туфайли уларни бой деб ўйлайдиган фақирларгадир. Уларни сиймоларидан танийсан, одамлардан хиралик қилиб сўрамаслар. Нимаики яхшиликни инфоқ қилсангиз, Аллоҳ уни билувчидир.

274. Молларини кечасию кундузи яширин ва ошкора инфоқ қиладиганларнинг ажрлари Робблари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

275. Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек турарлар. Бу уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да», деганлари учундир. Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони ҳаром қилган. Кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолурлар.

276. Аллоҳ рибони доимо нуқсонга учратур ва садақаларни зиёда қилур. Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни хуш кўрмас.

277. Албатта, иймон келтирган, яхши амалларни қилган, намозни қоим қилиб, закот берганларнинг ажрлари Робблари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

278. Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам тарк этинг.

279. Агар ундай қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган

урушга ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, сармоянгиз ўзингизга. Зулм қилмассиз ва сизга ҳам зулм қилинмас.

280. Агар ночор бўлса, бойигунча кутинг. Садақа қилмоғингиз, агар билсангиз, ўзингиз учун яхшидир.

281. Ўзингиз Аллоҳга қайтариладиган Кундан қўрқинг. Сўнгра ҳар бир жон касб қилган нарсасини тўлиқ олур. Уларга зулм қилинмас.

282. Эй иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда уни ёзиб қўйинг. Орангизда бир ёзувчи адолат билан ёзсин. Ҳеч бир ёзувчи Аллоҳ билдирганидек қилиб ёзишдан бош тортмасин. Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарсани камайтирмасин. Агар ҳақ зиммасига тушган киши эсипаст, заиф ёки айтиб тура олмайдиган бўлса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин. Эркакларингиздан икки кишини гувоҳ қилинг. Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин. Иккови(аёл) дан бирорталари адашса, бирлари бошқаларининг эсига солади. Ва чақирилган вақтда гувоҳлар бош тортмасинлар. Кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг. Шундай қилмоғингиз Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, гувоҳликка кучлироқ ва шубҳаланмаслигингиз учун яқинроқдир. Магар ораларингизда юриб турган нақд савдо бўлса, ёзмасангиз ҳам сизга гуноҳ бўлмас. Олди-сотди қилганингизда, гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин. Агар (аксини) қилсангиз, албатта, бу фосиқлигингиздир. Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм берадир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зотдир.

283. Агар сафарда бўлсангиз ва ёзувчи топа олмасангиз, бас, қўлга олинадиган гаров бўлсин. Агар баъзингиз баъзингизга ишонсангиз, бас, ишонилган омонатни адо қилсин, Аллоҳга – Роббига тақво қилсин. Гувоҳликни беркитманг! Ким уни беркитса, унинг қалби гуноҳкордир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни билувчи Зотдир.

284. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Агар ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, сизларни Аллоҳ ҳисоб-китоб қиладир. Ва кимни хоҳласа, мағфират қилар, кимни хоҳласа, азоблар. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

285. Расул унга ўз Роббидан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Ҳар бирлари Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига иймон келтирдилар ва: «Унинг расулларидан бирорталарини ажратмаймиз. Ва эшитдик ва итоат қилдик, Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир», дедилар.

286. Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юкламас. Қилган яхши иши фойдасига, қилган ёмон иши зарарига. «Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Роббимиз, биздан

олдингиларга юклаганингга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин. Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен Хожамизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб қил».



3. ОЛИ ИМРОН СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 200 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Мийм.
2. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирик ва қайюм Зотдир.
3. Сенга китобни ҳақ ила ўзидан аввалги нарсани тасдиқловчи этиб нозил қилди ҳамда Таврот ва Инжилни нозил қилди,
4. бундан олдин одамларга ҳидоят қилиб. Ва Фурқонни ҳам нозил қилди. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганларга шиддатли азоб бор. Аллоҳ азиздир, интиқом эгасидир.
5. Албатта, Аллоҳ, Унга ерда ҳам, осмонда ҳам ҳеч нарса махфий қолмайдиган Зотдир.
6. У сизларни бачадонларда хоҳлаган суратга соладиган Зотдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз, ҳаким Зотдир.
7. У сенга Китобни нозил қилган Зотдир. Унда муҳкам – ойдин оятлар ҳам бор ва улар Китобнинг аслидир ва муташобиҳ оятлар ҳам бор. Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобиҳ бўлганига эргашадир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда собит бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир», дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар.
8. Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато қилгин. Албатта Сен кўплаб ато қилувчисан.
9. Роббимиз, албатта, Сен одамларни келишига шубҳа йўқ Кунда йиғувчисан. Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.
10. Албатта, куфр келтирганларнинг моллари ҳам, болалари ҳам улардан Аллоҳнинг азобини қайтара олмас. Ана ўшалар, ўзлари дўзахнинг ёқилғисидирлар.
11. Оли Фиръавннинг ва улардан олдингиларнинг ҳолига ўхшар. Оятларимизни ёлғонга чиқардилар. Бас, гуноҳлари туфайли Аллоҳ уларни тутди. Ва Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

12. Куфр келтирганларга: «Тезда мағлуб бўласизлар ва жаҳаннамга йиғиласизлар, у қандоқ ҳам ёмон жой», деб айт.

13. «Сизга тўқнашган икки фирқада ибрат бор эди. Бир фирқа Аллоҳнинг йўлида урушадир. Бошқаси кофирдир. Улар (душман) ўзларига икки баробарлигини ўз кўзлари билан кўриб турардилар. Ва Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани Ўз нусрати ила қўллайдир. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибрат бордир», деб айт.

14. Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилла ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Ва Аллоҳ – ҳузурида гўзал қайтар жой бор Зотдир.

15. «Ўша нарсаларингиздан яхшироғининг хабарини берайми?! Тақво қилганларга Робблари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор. Унда абадий қолурлар. Покиза жуфтлар ва Аллоҳ томонидан розилик бор. Ва Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир», деб айт.

16. «Роббимиз, албатта, биз иймон келтирдик, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қилгин ва дўзах азобидан сақлагин», дейдиганлардир.

17. Сабр қилувчилар, содиқлар, доимий тоат қилувчилар, нафақа қилувчилар ва саҳарда истиғфор айтувчилардир.

18. Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шоҳидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз, ҳаким Зотдир.

19. Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг, ўзаро ҳасад қилибгина ихтилоф қилдилар. Ким Аллоҳнинг оятларига куфр келтирса, бас, албатта, Аллоҳ ҳисобни тезда қилувчидир.

20. Агар сен билан тортишсалар: «Юзимни Аллоҳга таслим этдим ва менга эргашганлар ҳам!» деб айт. Ва китоб берилганларга ва саводсизларга: «Исломга кирдингизми?» деб айт. Агар Исломга кирсалар, бас, батаҳқиқ, ҳидоят топдилар. Агар юз ўгирсалар, сенинг зиммангда етказиш, холос. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир.

21. Албатта, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирадиган, набийларни ноҳақ ўлдирадиган ва одамлардан адолатга буюрадиганларини ўлдирадиган кимсаларга аламли азобнинг башоратини бер.

22. Ана ўшалар амаллари бу дунёю охиратда ҳабата бўлганлардир ва уларга ёрдам берувчилар йўқдир.

23. Китобдан насиба берилганларга қарамайсанми?! Ораларида ҳукм юритиш учун Аллоҳнинг Китобига чақирилганларида улардан бир гуруҳлари юз ўгириб, ортга қайтарлар.

24. Бунинг сабаби – уларнинг: «Бизга саноқли кунлардан бошқа ҳеч

ўт тегмас», деганларидадир. Тўқиган нарсалари уларни динларида адаштирди.

25. Унда, бўлишида шубҳа йўқ Кунда уларни жамлаганимизда ва ҳар бир жон зулм қилинмасдан, қилганига яраша жазосини олганда, ҳоллари қандай бўладир?

26. Айт: «Барча мулкнинг эгаси Аллоҳим! Хоҳлаган кишингга мулк берурсан ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан, хоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан. Барча яхшилик Сенинг қўлингда. Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан.

27. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан».

28. Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар. Ким буни қилса, бас, унга Аллоҳдан ҳеч нарса йўқ. Магар улардан сақлансангиз, Аллоҳ сизларни Ўз(азоб)идан огоҳ қиладир. Ва қайтиб бориш Аллоҳнинг Ўзигадир.

29. Айт: «Агар қалбингиздаги нарсани махфий тутсангиз ҳам, ошкор қилсангиз ҳам Аллоҳ биладир. Ва осмонлардагию ердаги нарсаларни ҳам биладир. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».

30. Ҳар бир жон қилган яхши амалини ҳозир топадиган ва ёмон амалининг узоқ масофада бўлишини истайдиган Кунда. Аллоҳ сизларни Ўз(азоб)идан огоҳ қиладир. Аллоҳ бандаларига меҳрибон Зотдир.

31. Сен: «Агар Аллоҳни севсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизни севадир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир», деб айт.

32. «Аллоҳга ва Расулга итоат қилинг. Бас, агар ортга қайтсангиз, Аллоҳ, албатта, кофирларни севмас», деб айт.

33. Албатта, Аллоҳ Одамни, Нуҳни, Оли Иброҳимни, Оли Имронни оламлар устидан танлаб олди.

34. Баъзилари баъзиларига зурриётдир. Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир.

35. Имроннинг хотини: «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи, билувчи Зотсан», деганини эсла!

36. Уни (Марямни) туққан чоғида: «Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!!» деди. Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади. «Ва ўғил қиздек эмас. Ва мен унга Марям, деб исм қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига қувилган шайтондан паноҳ тиларман».

37. Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закарийёни унга кафил қилди. Закариё ҳар качон унинг олдига, меҳробга кирганида унинг ҳузурида ризқ кўрди. «Эй Марям, сенга бу қаердан?» деди. «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ берур», деди.

38. Шу чоғда Закарийё Роббига дуо қилиб: «Роббим, менга Ўз ҳузурингдан яхши зурриёт бергин. Албатта, Сен дуони эшитувчисан», деди.

39. Меҳробда намоз ўқиб турганида фаришталар унга: «Албатта, Аллоҳ сенга Аллоҳдан бўлган калимани тасдиқловчи, бошлиқ, шаҳвати тийилган, солиҳ набийлардан бўлган Яҳёнинг башоратини бермоқда», дедилар.

40. «Роббим, менга қандоқ ўғил бўлсин?! Ўзим улуғ ёшга кирган бўлсам, хотиним туғмас бўлса?!» деди. У Зот: «Шундоқ, Аллоҳ хоҳлаганини қиладир», деди.

41. «Роббим, менга бир белги тайинла», деди. У Зот: «Сенинг белгинг – уч кун одамларга фақат ишора билан гапиришингдир. Роббингни кўп эсла ва эртаю кеч тасбеҳ айт!» деди.

42. Фаришталарнинг: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди, поклади ва оламдаги аёллардан устунлигингни ихтиёр қилди.

43. Эй Марям, Роббингнинг ибодатида бардавом бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил», деганларини эсла.

44. Бу ғайб хабарларидан бўлиб, сенга ваҳий қилмоқдамиз. Қай бирлари Марямнинг кафили бўлишига қаламларини ташлашаётганларида олдиларида эмасдинг ва тортишаётганларида ҳам олдиларида эмасдинг.

45. Фаришталар: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масиҳ Ийсо ибн Марям, бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир.

46. У одамларга бешикда ҳам, қариган чоғида ҳам гапиради ва солиҳлардандир», деганларини эсла.

47. У: «Роббим, менга башар қўл теккизмаган бўлса, қандай қилиб болам бўлади?!» деди. У Зот: «Шундай, Аллоҳ хоҳлаганини яратади. Бир ишни ирода қилса, «Бўл!» дейиши кифоя, бўлаверади», деди.

48. Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади.

49. Ва Бану Исроилга расул қилади. (У): «Албатта, мен сизга Роббингиздан мўъжиза келтирдим, мен сизларга лойдан қушга ўхшаш сурат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасиз-у, нимани уйингизда сақлаяпсиз – хабарини бераман. Агар мўмин бўлсангиз, бунда сизга белги бордир.

50. Ва ўзимдан аввалги Тавротни тасдиқловчи бўлиб, сизга ҳаром қилинганнинг баъзисини ҳалол қилиш учун келдим. Сизга Роббингиздан мўъжиза билан келдим. Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг.

51. Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Бу – тўғри йўлдир», дейдир.

52. Ийсо уларда кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» деди. Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл.

53. Роббимиз! Сен нозил қилган нарсага иймон келтирдик ва расулга эргашдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин», дедилар.

54. Макр қилдилар. Аллоҳ ҳам макр қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг «зўри»дир.

55. Аллоҳ деди: «Эй Ийсо, Мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўювчиман. Сўнгра қайтиш жойингиз Ўзимга, бас, ихтилоф қилган нарсаларингиз бўйича орангизда Ўзим ҳукм чиқарурман.

56. Бас, куфр келтирганларни бу дунёю у дунёда шиддатли азоб ила азоблайман. Уларга ёрдам берувчилар йўқдир.

57. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг ажрини тўлиқ беради. Ва Аллоҳ золимларни хуш кўрмас».

58. Бу сенга тиловат қилиб бераётган оятларимиз ва ҳикматли эслатмадандир.

59. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида Ийсо худди Одамга ўхшайдир. Уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, у бўлди.

60. Бу ҳақиқат Роббингдандир, бас, шак келтирувчилардан бўлма.

61. Сенга илм келганидан кейин ким у ҳақида сен билан тортишса, «Келинглар, бизнинг болаларимизни ва сизнинг болаларингизни, бизнинг аёлларимизни ва сизнинг аёлларингизни, биз ўзимизни, сиз ўзингизни чақирамиз-да, сўнгра ёлвориб, ёлғончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлишини сўраймиз», деб айтгин.

62. Албатта, бу ўзи ҳақ қиссадир. Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ – Унинг Ўзи азиз, ҳаким Зотдир.

63. Агар юз ўгириб кетсалар, бас, албатта, Аллоҳ фасод қилувчиларни билувчидир.

64. «Эй аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни робб қилиб олмайлик», дегин. Бас, агар юз ўгирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз», деб айтинглар.

65. Эй аҳли китоблар, нимага Иброҳим ҳақида талашасизлар. Ҳолбуки, Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин тушган-ку! Ақл юритмайсизларми?!

66. Ҳой сиз ўша ҳалигилар! Ўзингиз билган нарсада-ку, талашдингиз, энди

нимага ўзингиз билмаган нарсада талашмоқдасиз?! Аллоҳ биладир, сиз эса билмайсиз.

67. Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган эди. У ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди. Ва мушриклардан ҳам бўлмаган эди.

68. Албатта, одамларнинг Иброҳимга ҳақлироғи унга эргашганлар, мана бу Набий ва иймон келтирганлардир. Аллоҳ мўминларнинг валийидир.

69. Аҳли китоблардан бир тоифалари сизни адаштиришни хоҳларлар. Улар ўзларидан бошқани адаштирмаслар ва лекин сезмаслар.

70. Эй аҳли китоблар, нимага ўзингиз гувоҳ бўлиб туриб, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирасизлар?!

71. Эй аҳли китоблар, нимага ҳақни ботилга аралаштирасизлар ва билиб туриб, ҳақни яширасизлар?!

72. Аҳли китоблардан бир тоифалари: «Иймон келтирганларга тушган нарсага куннинг аввалида иймон келтиринглар ва куннинг охирида куфр келтиринглар, шоядки, қайтсалар.

73. Ва динингизга эргашганлардан бошқаларга ишонманглар, токи бировтага сизга берилганга ўхшаш нарса берилмасин ёки Роббингиз ҳузурида сиз билан ҳужжат талашмасин», дерлар. «Албатта, ҳақиқий ҳидоят Аллоҳнинг ҳидоятидир», деб айт. «Албатта фазл Аллоҳнинг қўлида – хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ қамрови кенг, билувчи Зотдир.

74. Ўз раҳматини хоҳлаган кишисига хос қиладир ва Аллоҳ улуғ фазл эгасидир», деб айт.

75. Аҳли китоблардан, агар ҳисобсиз молни омонат қўйсанг, уни сенга адо қиладиганлари бор ва бир динорни омонат қўйсанг, устида туриб олмагунингча сенга адо қилмайдиганлари ҳам бор. Бу уларнинг: «Омилар учун бизнинг устимизга йўл йўқ», дейишларидандир. Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар.

76. Йўқ! Балки ким аҳдига вафо қилса ва тақводор бўлса, бас, Аллоҳ тақводорларни яхши кўради.

77. Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини арзон баҳога сотадиганлар, албатта, ана ўшаларга охиратда насиба йўқдир, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмас, назар солмас ва покламас. Уларга аламли азоблар бор.

78. Улардан бир гуруҳлари борки, китобдан бўлмаган нарсани китобдан деб ўйлашингиз учун китобни тилларини буриб ўқирлар. Ва: «У Аллоҳнинг ҳузуридандир», дерлар. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг ҳузуридан эмас. Билиб туриб, Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар.

79. Бир кишига Аллоҳ китобни, ҳукмни ва набийликни берганидан сўнг у одамларга: «Аллоҳни қўйиб, менга банда бўлинглар», дейиши

асло мумкин эмас. Одамларга: «Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида роббонийлар бўлинг», – дейди.

80. (У) сизларни фаришталар ва набийларни робб қилиб олишингизга буюрмас. (У) мусулмон бўлганингиздан кейин сизни куфрга буюрармиди?!

81. Аллоҳ: «Сизларга китоб ва ҳикмат берганимга, кетингиздан сизлардаги нарсани тасдиқловчи Расул келишига қасамки, албатта унга иймон келтирасиз ва ёрдам берасиз, деб набийларнинг аҳду паймонларини олиб туриб: Иқрор бўлдингизми? Бу ҳақда ишончли аҳду паймонимни қабул қилдингизми?» деганини эсла. «Иқрор бўлдик», дейишди. (У Зот): «Бас, гувоҳ бўлинглар, Мен ҳам гувоҳ бўлувчиларданман», деди.

82. Ким бундан кейин юз ўгириб кетса, бас, ана ўшалар фосиқлардир.

83. Аллоҳнинг динидан бошқани хоҳлайдиларми?! Ахир хоҳласа-хоҳламаса, осмонлару ердаги барча жонзотлар Аллоҳга бўйсуниб турибди-ку!!! Ҳамда Унга қайтариладилар-ку!!!

84. «Аллоҳга ва бизга нозил қилинган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботларга нозил қилинган нарсага, Мусо, Ийсо ва бошқа набийларга Роббларидан берилган нарсага иймон келтирдик, улардан бирортасини ажратмаймиз ва биз Унгагина мусулмонмиз!» деб айт!

85. Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур.

86. Иймонидан, Расулнинг ҳақлигига гувоҳлик берганидан ва уларга очиқ баёнотлар келганидан кейин куфрга кетган қавмни Аллоҳ қандай қилиб ҳидоятга солсин?! Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

87. Ана ўшаларнинг жазоси – уларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлишидир.

88. Унда абадий қолурлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга назар ҳам солинмас.

89. Лекин шундоқ бўлгандан кейин тавба қилиб, яхши амалларни қилганлар бўлса, бас, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

90. Албатта, иймонларидан кейин куфр келтириб, сўнгра куфри зиёда бўлганларнинг тавбаси қабул қилинмас. Ўшалар адашганлардир.

91. Албатта, куфр келтириб, кофир ҳолида ўлганларнинг бирортасидан, агар ер юзи тўла олтин фидо қилса ҳам, асло қабул қилинмас. Ана ўшаларга аламли азоб бор. Ва уларга ёрдамчилар йўқ.

92. Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Нимани нафақа қилганингизни Аллоҳ билувчидир.

93. Таврот тушишидан олдин Исроил ўзига ҳаром қилгандан бошқа ҳамма таом Бану Исроилга ҳалол эди. «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Тавротни келтириб, ўқинглар», деб айт!

94. Шундан кейин ҳам, кимки Аллоҳ ҳақида ёлғон тўқиса, бас, ана ўшалар золимлардир.

95. «Аллоҳ рост айтди. Ҳаниф Иброҳимнинг миллатига эргашинг. У мушриклардан бўлмаган эди», деб айт.

96. Одамларга муборак, оламларга ҳидоят қилиб қўйилган биринчи уй Баккадаги уйдир.

97. Унда очиқ аломатлар ва мақоми Иброҳим бор. Ким унга кирса, тинч бўладир. Одамлардан йўлга қодир бўлганларга Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир. Кимки куфр келтирса, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир.

98. «Эй аҳли китоблар, нега Аллоҳнинг оятларига куфр келтирасизлар?! Ҳолбуки, Аллоҳ қилаётганларингизга гувоҳ-ку!» деб айт.

99. «Эй аҳли китоблар! Нега иймон келтирганларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиб, қайтарасиз?! Ўзингиз шоҳид бўлиб туриб, у(йўл)нинг қинғир бўлишини хоҳлайсиз! Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир», деб айт.

100. Эй иймон келтирганлар! Агар китоб берилганлар тоифасига итоат қилсангиз, иймонингиздан кейин сизни кофирликка қайтарадир.

101. Аллоҳнинг оятлари сизга тиловат қилиб турилган бўлса-ю, Унинг Расули ичингизда бўлса-ю, қандай қилиб куфр келтирасиз?! Ким Аллоҳни маҳкам тутса, шубҳасиз, тўғри йўлга ҳидоят топган бўладир.

102. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг. Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинг.

103. Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг. Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъмати ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, ҳидоят топсангиз.

104. Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф, наҳйи мункар қиладиган бир уммат бўлсин. Ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир.

105. Ўзларига очиқ баёнотлар келганидан кейин бўлиниб, ихтилофга тушганларга ўхшаш бўлманглар, ана ўшаларга улуғ азоб бордир.

106. Юзлар оқ ва юзлар қора бўладиган кунда юзлари қора бўлганларга: «Иймонингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирган бўлганингиз учун азобни татиб кўринг», дейилур.

107. Юзлари оқ бўлганлар эса, бас, Аллоҳнинг раҳматидадирлар. Улар унда абадий қолурлар.

108. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни сенга ҳақ ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ оламларга зулмни хоҳламас.

109. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ишлар Аллоҳга қайтарилажак.

110. Одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз. Амри маъруф қиласиз, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз. Агар аҳли китоблар иймон келтирганларида, ўзларига яхши бўлар эди. Улардан мўминлари бор. Кўплари фосиқдирлар.

111. Сизларга озор беришдан ўзга ҳеч қандай зарар етказа олмаслар. Агар сизларга қарши уруш қилсалар, ортга қараб қочарлар. Сўнгра уларга ёрдам берилмас.

112. Аллоҳ ипи бўлмаса ёки одамлар ипи бўлмаса, уларга қаерда бўлсалар ҳам, хорлик битилди. Аллоҳнинг ғазабига қолдилар ва мискинлик битилди. Бундай бўлишлиги уларнинг Аллоҳнинг оятларига куфр келтиришлари ва набийларни ноҳақ ўлдиришлари сабабидандир. Бундай бўлишлиги уларнинг осий бўлганлари ва ҳаддан ошганлари сабабидандир.

113. (Улар) баробар эмаслар. Аҳли китоблардан сажда қилган ҳолларида кечаси Аллоҳнинг оятларини тиловат қиладиган яхши тоифалари ҳам бор.

114. Аллоҳга, охират кунига иймон келтирурлар, амри маъруф ва наҳйи мункар қилурлар ва яхшиликларга шошилурлар. Ана ўшалар солиҳлардандир.

115. Яхшилик қилсалар, ҳаргиз инкор этилмаслар. Аллоҳ тақводорларни яхши билувчи Зотдир.

116. Албатта, куфр келтирганлардан моллари ҳам, болалари ҳам ҳаргиз Аллоҳ азобидан ҳеч нарсани қайтара олмас. Ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар.

117. Дунё ҳаётида қиладиган инфоқлари ўзларига зулм қилган бир қавмнинг экинини уриб, ҳалок қилган совуқ шамол кабидир. Аллоҳ уларга зулм қилмади. Лекин улар ўзларига зулм қиларлар.

118. Эй иймон келтирганлар! Ўзингиздан бошқадан сирдош тутманг. (Улар) сизга ёмонлик қилишини қўймас. Машаққатда қолишингизни хоҳлар. Душманликлари оғизларидаги (сўзлари)дан билиниб турибди. Дилларида махфий тургани яна ҳам каттароқ. Агар ақл юритадиган бўлсангиз, сизларга оят(белги)ларни баён қилдик.

119. Ҳой, сиз, ўшалар! Уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизни яхши кўрмаслар. Китобнинг ҳаммасига иймон келтирасизлар-у, улар сизларни кўрганда: «Иймон келтирдик», дерлар, аммо холи қолганларида, сизларга бўлган қаттиқ аччиқларидан бармоқ тишларлар. «Аччиқларинг билан ўлиб кетинглар», деб айт. Албатта, Аллоҳ дилларни эгаллаган нарсаларни билувчидир.

120. Сизга яхшилик етса, уларга ёмон бўладир. Сизларга мусибат етса,

хурсанд бўлурлар. Агар сабр этсангиз ва тақво қилсангиз, ҳийла-найранглари сизга ҳеч қандай зарар етказмас. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларини қамраб олувчидир.

121. Эрталаб аҳлингдан чиқиб, мўминларни уруш ўринларига жойлаштирган кезларингни эсла! Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

122. Сизлардан икки тоифа қўрқиб, тушкунликка тушиб қолганини эсла! Аллоҳ уларнинг валийидир. Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар.

123. Батаҳқиқ, Бадрда заиф ҳолингизда Аллоҳ сизларга нусрат берди. Бас, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, шукр қилсангиз.

124. Ўшанда мўминларга: «Роббингизнинг нозил қилинган уч минг фаришталар ила мадад бермоғи сизга кифоя қилмасми?!» дер эдинг.

125. Ҳа (кифоя қиладир)! Агар сабр ва тақво қилсангиз, улар шу пайт келиб қолсалар ҳам, Роббингиз сизга белгили беш минг фаришта ила мадад берадир.

126. Аллоҳ буни сизга хушхабар ва қалбларингиз у билан хотиржам бўлиши учунгина қилди. Нусрат эса фақат азиз, ҳаким Аллоҳнинг ҳузуридандир...

127. Куфр келтирганларнинг бир тарафини кесиш учун ёки жигарини эзиш учун, токи ноумид бўлиб қайтсинлар.

128. – Бу ишда сенинг бирор нарсага дахлинг йўқ, – токи уларнинг тавбасини қабул қилгунича ёхуд уларни азоблагунича, чунки улар золимлардир.

129. Осмонлардаги нарсалар ҳам, ердаги нарсалар ҳам Аллоҳникидир, кимни хоҳласа, мағфират қиладир ва кимни хоҳласа, азоблайдир. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

130. Эй иймон келтирганлар! Рибони бир неча баробар қилиб еманг. Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз.

131. Ва кофирлар учун тайёрлаб қўйилган оловдан қўрқинг.

132. Аллоҳга ва Расулига итоат этинг. Шоядки, раҳм қилинсангиз.

133. Роббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг.

134. (Улар) енгилликда ҳам, оғирликда ҳам инфоқ қиладиганлар, ғазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир.

135. Ва фаҳш иш ёки ўзларига зулм қилиб қўйган вақтларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар. Гуноҳларни Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди? Ва билиб туриб, қилган ишларида бардавом бўлмаслар.

136. Ана ўшаларнинг мукофотлари – Роббларидан бўлган мағфират ва

остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бўлиб, унда абадий қолурлар. Амал қилувчиларнинг ажри нақадар яхши!

137. Сиздан олдин суннатлар қолган. Бас, ер юзида юриб, ёлғонга чиқарувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг.

138. Бу одамлар учун баён ва тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир.

139. Бўшашманглар! Маҳзун бўлманглар! Агар мўмин бўлсаларингиз, сизлар устунсизлар.

140. Агар сизга етган бўлса, у қавмга ҳам шунга ўхшаш жароҳат етган. Бу кунларни одамлар орасида айлантириб турамиз, токи Аллоҳ иймон келтирганларни билиши учун ва сизлардан шаҳидларни саралаб олиши учун. Ва Аллоҳ золимларни севмас.

141. Ҳамда Аллоҳ иймон келтирганларни яхшилаб поклаши ва кофирларни нобуд қилиши учун.

142. Ёки Аллоҳ сизлардан жиҳод қилганларни билмасдан ва сабрлиларни билмасдан туриб, жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?!

143. Дарҳақиқат, йўлиқмасингиздан олдин ўлимни орзу қилган эдингиз. Энди уни ўзингиз назар солган ҳолда кўриб турибсиз.

144. Муҳаммад ҳам бир расул, холос. Ундан олдин ҳам расуллар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч қандай зарар келтира олмас. Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни албатта мукофотлар.

145. Ҳеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас. Бу ёзилган ажалдир. Ким бу дунёнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз. Ким охиратнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз. Ва шукр қилувчиларни мукофотлармиз.

146. Қанчадан-қанча набийлар билан бирга кўплаб роббонийлар жанг қилдилар. Аллоҳ йўлида етган мусибатдан бўшашмадилар, заифлашмадилар ва бўйсунмадилар. Аллоҳ сабрлиларни севадир.

147. Уларнинг гаплари фақатгина «Роббимиз! Гуноҳларимиз ва ишимизда ҳаддан ошганимизни мағфират қилгин, қадамларимизни собит қилгин ва кофир қавмлар устидан бизга нусрат бергин», дейиш бўлди.

148. Бас, Аллоҳ уларга бу дунё савобини ва охиратнинг гўзал савобини берди. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир.

149. Эй иймон келтирганлар! Агар куфр келтирганларга итоат қилсангиз, орқангизга қайтарурлар. Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қолурсиз.

150. Йўқ! Аллоҳ Хожангиздир. Ва У ёрдам берувчиларнинг яхшисидир!

151. Тезда куфр келтирганларнинг қалбларига, Аллоҳга Ўзи у ҳақда ҳеч қандай ҳужжат нозил қилмаган нарсаларни шерик қилиб олганлари учун қўрқувни солурмиз. Уларнинг жойи дўзахдир. Золимларнинг турар жойи нақадар ёмон!

152. Батаҳқиқ, уларни Унинг изни билан қира бошлаганингизда, Аллоҳ Ўз ваъдасининг устидан чиқди. Ниҳоят, заифлашиб, амр ҳақида ихтилоф қилиб ва сиз суйган нарсани кўрсатганидан сўнг осийлик қилгунингизга қадар. Орангизда дунёни истайдиган кишилар ҳам бор ва орангизда охиратни истайдиган кишилар ҳам бор. Сўнгра имтиҳон қилиш учун сизни улардан бурди. Батаҳқиқ, сизни афв этди. Аллоҳ мўминларга фазлу марҳаматлидир.

153. Ўшанда Расул ортингиздан чақириб турса ҳам, ҳеч кимга қарамай, тирқираб қочдингиз. Қўлдан кетган нарсага ҳам, етган мусибатга ҳам маҳзун бўлмаслигингиз учун сизни ғам устига ғам билан жазолади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

154. Сўнгра ғамдан кейин сиздан бир тоифангизни қамраб олган мудроқни омонлик қилиб туширди. Бошқа тоифа эса ўзи билан овора бўлиб, Аллоҳ ҳақида ноҳақ, жоҳилият гумонини қилиб, «Бизнинг қўлимизда нима иш бор эди?» дейишди. «Ишнинг барчаси Аллоҳдандир», деб айт! Сенга ошкор қилмаган нарсаларини ичларида махфий тутарлар. «Агар қўлимизда бир иш бўлганида, бу ерда қатл қилинмас эдик», дерлар. «Агар уйларингизда бўлсангиз ҳам, қатл қилиниши битилганлар ўз ўлим жойларига чиқар эдилар. (Бу) Аллоҳ кўксларингиздаги нарсани синаши ва қалбингиздагини яхшилаб поклаши учундир. Аллоҳ кўкслардаги нарсаларни ҳам билувчидир», деб айт.

155. Икки жамоа тўқнашган куни сизлардан юз ўгириб қочганларни баъзи қилган ишлари туфайли шайтон йўлдан урди, холос. Батаҳқиқ, Аллоҳ уларни афв қилди. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, ҳалимдир.

156. Эй иймон келтирганлар! Куфр келтирган ва Аллоҳ уларнинг қалбларида ҳасрат қилиши учун, ер юзида кезиб юрган ёки ғозий бўлган биродарлари ҳақида: «Агар ҳузуримизда бўлганларида, ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар», дейдиган кимсалар каби бўлманг. Аллоҳ тирилтирур ва ўлдирур. Аллоҳ қилган амалларингизни кўрувчидир.

157. Гарчи Аллоҳ йўлида қатл қилинсангиз ҳам ёки ўлсангиз ҳам, Аллоҳдан бўладиган мағфират ва раҳмат улар жамлайдиган нарсадан яхшидир.

158. Гарчи ўлсангиз ҳам ёки қатл қилинсангиз ҳам, албатта, Аллоҳ ҳузурида тўпланасиз.

159. Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар. Бас, уларни афв эт. Улар учун мағфират сўра ва улар билан ишларда машварат қил. Азму қарор қилганингдан сўнг Аллоҳга таваккул қил. Албатта, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севадир.

160. Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ. Агар сизни ёрдамсиз ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам сизга ёрдам берар эди?! Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар.

161. Набийга ўлжага хиёнат қилиш асло тўғри келмас. Кимки ўлжага хиёнат

қилса, қиёмат куни хиёнат қилиб олган нарсаси билан келадир. Сўнгра ҳар бир жон қилганига ярашасини тўлиқ оладир. Уларга зулм қилинмас.

162. Аллоҳнинг розилигини излаган одам Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган ва жойи жаҳаннам бўлган одамга ўхшармиди?! Ва у нақадар ёмон борар жой!

163. Уларнинг Аллоҳнинг ҳузуридаги даражалари турличадир. Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб турувчидир.

164. Батаҳқиқ, Аллоҳ мўминларга марҳамат кўрсатди: ичларига ўзларидан уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, уларни поклайдиган ҳамда Китобни ва ҳикматни ўргатадиган Расул юборди. Ҳолбуки, улар илгари очиқ-ойдин адашувда эдилар

165. Сизга мусибат етган пайтда – ўзингиз ҳам икки баробарини етказган эдингиз – «Бу қаердан?» дейсизми?! «Бу ўзингизнинг ҳузурингиздан!» деб айт. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.

166. Икки жамоа тўқнашган куни сизга нима етган бўлса, Аллоҳнинг изни билан ва мўминларни билиш учун...

167. ҳамда мунофиқлик қилаётганларни билиш учун етди. Ва уларга: «Келинглар, Аллоҳнинг йўлида уруш қилинглар ёки мудофаа қилинглар», дейилди. «Агар жанг бўлишини аниқ билганимизда, сизга эргашардик», дедилар. Ўша куни улар иймондан кўра куфрга яқинроқ эдилар. Оғизлари билан қалбларида йўқ нарсани айтурлар. Аллоҳ беркитаётган нарсаларини яхши билувчидир.

168. Улар (урушга чиқмай) ўтириб олиб, биродарларига: «Агар бизга итоат этганларида, қатл қилинмас эдилар», дейишди. «Агар гапингиз рост бўлса, ўзингиздан ўлимни қайтариб кўринг-чи», деб айт.

169. Аллоҳнинг йўлида қатл қилинганларни ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, тирикдирлар, Робблари ҳузурида ризқлантирилмоқдалар.

170. Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсалардан хурсандлар ва ҳали ортларидан ўзларига қўшилмаган биродарларига уларга хавф йўқлигининг ҳамда улар маҳзун ҳам бўлмасликларининг хушхабарини бермоқдалар.

171. Аллоҳдан бўлган неъмат ва фазлнинг ҳамда албатта Аллоҳ мўминларнинг ажрини зое қилмаслигининг хушхабарини бермоқдалар.

172. (Улар) жароҳат етгандан кейин ҳам Аллоҳнинг ва Расулнинг чақириғига жавоб берганлардир. Улардан яхшилик ва тақво қилганларига улуғ ажр бордир.

173. Уларга кишилар: «Одамлар сизга қарши куч тўплашди, улардан қўрқинглар», деганда, бу уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У нақадар яхши вакил», дедилар».

174. Бас, Аллоҳнинг неъмати ва фазли ила уларга ёмонлик етмасдан қайтдилар ва Аллоҳнинг розилигини изладилар. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.

175. Албатта, ана ўша шайтон ўз дўстларидан қўрқитур. Бас, агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар.

176. Куфрга ошиқаётганлар сени маҳзун қилмасин. Албатта, улар ҳаргиз Аллоҳга бирор зарар етказа олмаслар. Аллоҳ уларга охиратда насиба қилмасликни ирода қилади. Уларга буюк азоб бордир.

177. Албатта, куфрни иймонга сотиб олганлар ҳаргиз Аллоҳга бирор зарар етказа олмаслар. Уларга аламли азоб бордир.

178. Куфр келтирганлар уларга муҳлат бериб қўйганимизни ўзлари учун яхши деб ҳисобламасинлар. Биз уларга фақат гуноҳлари кўпайиши учунгина муҳлат бериб қўямиз. Уларга хорловчи азоб бордир.

179. Аллоҳ мўминларни покидан нопокини ажратмасдан, сиз турган ҳолда, қўйиб қўймас. Аллоҳ сизларни ғайбдан хабардор қилиб қўймас. Лекин Аллоҳ Ўз расулларидан кимни хоҳласа, танлаб оладир. Бас, Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтиринглар. Агар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз, сизларга буюк ажр бордир.

180. Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур. Осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

181. Батаҳқиқ, «Аллоҳ камбағал, биз эса боймиз» деганларнинг гапини Аллоҳ эшитди. Айтганларини ва расулларни ноҳақ ўлдирганларни ёзиб қўямиз ва: «Ёниш азобини тотинг!» деймиз.

182. Бу қўлларингиз тақдим қилган нарса ва албатта, Аллоҳ бандаларга ҳеч ҳам зулм қилувчи эмаслиги сабабидандир.

183. Улар «Албатта, Аллоҳ то бизга ўт-олов еб битирадиган қурбонлик келтирмагунича бирор расулга ишонмаслигимизга биздан аҳд олган», дейдиганлардир. Сен: «Батаҳқиқ, мендан олдин ҳам сизларга расуллар очиқ-ойдин ҳужжатлар ва сиз айтган нарса билан келганлар. Хўш, агар ростгўй бўлсаларингиз, нима учун уларни қатл этдингиз?» деб айт.

184. Агар сени ёлғончи қилсалар, сендан олдин очиқ-ойдин мўъжизалар, ҳикматли китоблар ва нурли китоблар билан келган расулларни ҳам ёлғончи қилганлар.

185. Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Қиёмат куни ажрларингизни тўлиғича олурсиз. Ким дўзахдан узоқлаштирилса ва жаннатга киритилса, шубҳасиз, ютуққа эришибди. Бу дунё ҳаёти эса алдов матоҳидан ўзга нарса эмас.

186. Албатта, молу жонда синовга учрайсиз. Сиздан олдин китоб берилганлардан ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитасиз. Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир.

187. Аллоҳ: «Уни одамларга албатта баён қилгайсиз ва беркитмассиз», деб,

китоб берилганларнинг аҳду паймонларини олганини эсла. Бас, уни ортларига қараб отдилар ва озгина баҳога сотдилар. Сотиб олаётган нарсалари нақадар ёмон!

188. Қилганларига хурсанд бўлиб, қилмаганларига мақталишни суядиганларни азобдан нажотда деб ҳисоблама. Уларга аламли азоб бор!

189. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

190. Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашинишида ақл эгалари учун оят(белги)лар бор.

191. Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни олов азобидан сақлагин.

192. Роббимиз, албатта, Сен кимни оловга киритсанг, батаҳқиқ, уни шарманда қилибсан. Ва золимларга ҳеч қандай ёрдам берувчилар йўқ.

193. Роббимиз, биз нидо қилувчининг «Роббингизга иймон келтиринг!» деб нидо қилаётганини эшитдик ва иймон келтирдик. Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни кечиргин ва ёмонликларимизни ўчиргин ҳамда яхшилар билан бирга вафот эттиргин.

194. Роббимиз, бизга расулларингга ваъда қилган нарсаларингни бергин ва бизни қиёмат куни шарманда қилмагин. Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмассан», дерлар.

195. Робблари уларга (дуоларини) ижобат қилиб: «Мен сизлардан эркагу аёл амал қилувчининг амалини зое қилмасман. Баъзингиз баъзингиздансиз. Ҳижрат қилганлар, диёрларидан чиқарилганлар, Менинг йўлимда азият чекканлар, жанг қилганлар ва қатл бўлганларнинг ёмонликларини ўчирурман ҳамда уларни албатта остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритурман. Бу Аллоҳнинг ҳузуридан савобдир. Ва Аллоҳ – ҳузурида гўзал савоб бўлган Зотдир», деди.

196. Куфр келтирганларнинг юрт кезишлари сени алдаб қўймасин.

197. Бу озгина матоҳдир. Сўнгра ўринлари жаҳаннамдир. У нақадар ёмон жой!

198. Лекин Роббларига тақво қилганлар учун остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бўлиб, уларда мангу қолурлар. Бу Аллоҳ ҳузуридан зиёфатдир. Аллоҳ ҳузуридаги нарса аброрлар учун яхшидир.

199. Албатта, аҳли китоблардан Аллоҳдан ҳокисорлик ила қўрқиб, Аллоҳнинг оятларини арзон баҳога сотмай, Аллоҳга, сизларга нозил қилинган нарсага, ўзларига нозил қилинган нарсага иймон келтирадиганлари бордир. Ана ўшаларга Робблари ҳузурида ажр бордир. Албатта, Аллоҳ тез ҳисоб қилувчидир.

200. Эй иймон келтирганлар! Сабр қилинг. Сабр ила ғолиб келинг. Курашга бел боғлаб туринг ва Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз.



4. НИСО СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 176 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан қўрқинглар! Номини ишлатиб бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик (алоқалари)дан қўрқинг. Албатта, Аллоҳ устингиздан кузатиб турувчидир.

2. Ва етимларга ўз молларини беринг. Нопокни покка алмаштирманг. Уларнинг молларини ўзингизнинг молларингизга қўшиб еманг. Зеро, бу катта гуноҳ эрур.

3. Агар етимларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами, никоҳлаб олинг. Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, биттани (олинг) ёки қўлингизда мулк бўлганлар билан (кифояланинг). Мана шу жабр қилмаслигингизга яқинроқдир.

4. Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг. Агар ундан бирор нарсани сизга рози бўлиб берсалар, бас, уни енглар. Ош бўлсин, офият бўлсин.

5. Аллоҳ сизларга (ҳаёт) тиргаги қилиб қўйган молларингизни эсипастларга берманг. Уларни ўшандан ризқлантиринг, кийинтиринг ва уларга яхши сўз айтинг.

6. Етимларни то никоҳ (ёши)-га етгунларича синаб туринглар. Агар уларнинг эс-ҳуши жойида эканини билсангиз, уларга ўз молларини қайтаринг. У молларни исроф ила ва эгаларининг катта бўлиб қолишидан қўрқиб шошилиб еманг. Бой бўлганлар иффатларини сақласинлар. Ким камбағал бўлса, тўғрилик билан есин. Уларга ўз молларини топшираётганингизда гувоҳлар келтиринг. Аллоҳнинг Ўзи ҳисоб-китоб қилишга кифоядир.

7. Эркаклар учун ота-она ва қариндошлар қолдирган нарсадан насиба бор. Аёллар учун ҳам ота-она ва қариндошлар қолдирган нарсадан насиба бор. Озидан ҳам, кўпидан ҳам. Фарз қилинган насиба ўларок.

8. Агар тақсимлашга қариндошлар, етимлар ва мискинлар ҳозир бўлсалар, уларни ундан (меросдан) ризқлантиринг ҳамда уларга яхши сўз айтинг.

9. Ўзлари заифҳол зурриётларини ортларидан қолдиришдан қандай

қўрқсалар, (бошқалар ҳақида ҳам) шундай қўрқсинлар. Бас, Аллоҳга тақво қилсинлар ва тўғри сўз айтсинлар.

10. Албатта, етимларнинг молини зулм ила ейдиганлар қоринларида оловни ейдилар, холос. Ва шубҳасиз, ловуллаган дўзахга кириб, куюрлар.

11. Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида тавсия қиладир: бир ўғилга икки қиз улушичадир. Агар аёллар иккитадан кўп бўлсалар, уларга у (марҳум) қолдирган нарсанинг учдан иккиси. Агар битта аёл бўлса, унга ярми. Агар фарзанди бўлса, у қолдирган нарсадан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир. Агар фарзанди бўлмай, унга ота-онаси меросхўр бўлса, онасига учдан бир. Агар ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир. У қилган васият ёки қарз (адо этилгани)дан сўнг. Ота-оналарингиз ва фарзандларингиздан қайси бирлари сизга манфаатлироқ эканини билмайсизлар. (Бу) Аллоҳ томонидан фарз қилингандир. Албатта, Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

12. Сизларга хотинларингиз қолдирган нарсанинг, агар уларнинг фарзанди бўлмаса, ярмидир. Агар фарзанди бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг чораги. Улар қилган васият ёки қарз (адо этилгани)дан сўнг. Уларга сиз қолдирган нарсанинг, агар фарзандингиз бўлмаса, чорагидир. Агар фарзандингиз бўлса, уларга сиз қолдирган нарсанинг саккиздан бири. Сиз қилган васият ёки қарз (адо этилгани)дан сўнг. Агар бир эркак ёки аёл калола ҳолида мерос қолдирса, унинг биродари ёки синглиси бўлса, улардан ҳар бирига олтидан бир. Агар улар бундан кўп бўлсалар, учдан бирига шерикдирлар. Зарар келтирмаган ҳолда қилинган васият ёки қарз (адо этилгани)дан сўнг. (Бу) Аллоҳ томонидан тавсиядир. Ва Аллоҳ билувчидир, ҳалимдир.

13. Ана ўшалар Аллоҳнинг чегараларидир. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этса, (У Зот) уни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга мангу қолувчи бўлган ҳолида киритадир. Ана ўша буюк ютуқдир.

14. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осийлик қилса ва Унинг чегараларини бузса, (У Зот) уни мангу қолиши учун дўзахга киритадир. Ва унга хорловчи азоб бордир.

15. Аёлларингиздан фаҳш иш (зино) қилганларига ўзларингиздан тўртта гувоҳ келтиринг. Агар гувоҳлик берсалар, уларни то ўлим етгунича ёки Аллоҳ бир йўл кўрсатгунича уйларида тутиб туринг.

16. Сизлардан ўшани (фаҳш ишни) қилган икки эркакка таъзир беринглар. Агар икковлари тавба қилсалар ва тузалсалар, уларни тек қўйинг. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчидир, раҳмлидир.

17. Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қиладиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қиладир. Ва Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

18. Ёмонликларни қилиб юриб, бирларига ўлим етганда: «Энди тавба

қилдим», деганларга ва кофир ҳолларида ўлганларга тавба йўқ. Ана ўшаларга аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз.

19. Эй иймон келтирганлар! Сизларга аёлларни зулм ла меросга олиш ҳалол эмас. Очиқ фаҳш иш қилмасалар, берган нарсаларингизнинг баъзисини олиш учун уларни зўрлик ла ушлаб турманг ва улар ила яхшиликда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса.

20. Ва агар хотин ўрнига бошқа хотин олмоқчи бўлсангиз ва уларнинг бирига беҳисоб маҳр берган бўлсангиз ҳам, ундан ҳеч нарсани қайтариб олманг. Уни бўҳтон ва катта гуноҳ ҳолида олаверасизми?

21. Ва қандай ҳам олурсиз?! Ахир бир-бирингизга қовушдингиз ва сиздан мустаҳкам аҳду паймон олганлар-ку?!

22. Оталарингиз ўз никоҳларига олган аёлларни никоҳингизга олманг! Аввал ўтган бўлса, майли. Бу иш, албатта, фаҳш иш, жирканч ва нақадар ёмон йўлдир!

23. Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз, хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари – агар улар (хотинлар) билан қовушмаган бўлсангиз, сизга гуноҳ йўқ – ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари ҳамда опа-сингилни жамламоғингиз ҳаром қилинди. Аммо аввал ўтган бўлса, майли. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

24. Қўлингизга мулк бўлиб тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди). Бу сизларга Аллоҳнинг ёзганидир. Ана ўшалардан бошқаларни поклик ва зино аралаштирмаган ҳолда молларингиз эвазига талаб қилмоғингиз ҳалол қилинди. Улардан баҳраланишингиз ҳисобига фарз қилинган маҳрларини уларга беринг. Фарз маҳрдан кейин ўзаро рози бўлганингизда сизга гуноҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

25. Сизлардан ким ҳур мўминаларни никоҳига олишга имкон топмаса, қўлингизда мулк бўлган мўмина қизларингиздан (уйлансин). Аллоҳ иймонингизни яхши билувчидир. Баъзингиз баъзингиздансиз. Уларни иффатлари сақланган, зинога бормаган ва ўйнаш тутмаган ҳолларида аҳлларининг изни билан маҳрларини маъруф ила бериб, никоҳингизга олинг. Эрга текканларидан сўнг фаҳш иш қилсалар, уларга ҳур аёлларга бериладиган азобнинг ярми берилур. Бу машаққат (бузилиш)дан қўрққанларингиз учундир. Сабр қилмоғингиз сиз учун яхшидир. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

26. Аллоҳ сизларга баён қилиб беришни, сизни олдингиларнинг йўлига

ҳидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул этишни ирода қиладир. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

27. Аллоҳ сизнинг тавбангизни қабул қилишни ирода қиладир. Шаҳватларга эргашадиганлар эса улкан оғишга мойил бўлишингизни хоҳлайдир.

28. Аллоҳ сиздан енгиллатмоқни ирода қиладир. Ва инсон заиф яратилгандир.

29. Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Аммо ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир.

30. Ким буни тажовузкорлик ва зулм ила қилса, албатта, уни оловга киритиб, куйдирурмиз. Бу эса Аллоҳга осондир.

31. Агар қайтарилган нарсаларнинг катталаридан четда бўлсангиз, гуноҳларингизни кечирурмиз ва сизни яхши жойга киритамиз.

32. Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан афзал этган нарсаларни (ҳасад ила) орзу этманг. Эркакларга ўз касбидан насиба бор. Аёлларга ўз касбидан насиба бор. Аллоҳнинг фазлини сўранг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

33. Ота-она ва қариндошлар қолдирган нарсада ҳар бир киши учун меросхўрлар қилдик. Қасамингиз ила боғланганларга насибасини беринг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.

34. Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар. Солиҳа аёллар – итоаткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича ғойиб (эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир. Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ олийдир, улуғдир.

35. Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, унинг (эрнинг) аҳлидан бир ҳакам ва бунинг (хотиннинг) аҳлидан бир ҳакам ажратинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ билувчидир, хабардордир.

36. Ва Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирманглар. Ота-онага, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшнига, ён қўшнига, ёндаги соҳибга, йўқсил йўлчига ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар. Албатта, Аллоҳ димоғдор ва мақтанчоқ кимсани суймас.

37. Улар бахиллик қиладиган, одамларни бахилликка буюрадиган ва Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсаларни беркитадиганлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

38. Улар молларини одамлар кўриши учун инфоқ қиладилар ва Аллоҳга

ҳам, қиёмат кунига ҳам иймон келтирмаслар. Кимнинг яқини шайтон бўлса, у нақадар ёмон яқин!

39. Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирсалар, Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсадан инфоқ қилсалар, уларга нима зарар бўларди? Аллоҳ уларни яхши билувчидир!

40. Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас. Агар яхшилик бўлса, бир неча бор кўпайтирур ва Ўз ҳузуридан буюк ажр берур.

41. Ҳар бир умматдан бир гувоҳ келтириб, сени уларнинг ҳаммасига гувоҳ этиб келтирган чоғимизда (ҳол) қандай бўлур?!

42. Куфр келтирганлар ва Расулга осий бўлганлар ўша кунда ерга қоришиб кетишни истарлар ва Аллоҳдан ҳеч бир гапни беркита олмаслар.

43. Эй иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда, то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунингизча, намозга яқинлашманг ва жунуб ҳолингизда ҳам, то ғусл қилмагунингизча. Аммо йўлдан ўтувчи бўлса, майли. Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз, ёки сиздан бирингиз халодан келса, ёҳуд аёлларга яқинлашган бўлсангиз-у, сув топа олмасангиз, покиза тупроқ ила таяммум қилинг. Бас, юзларингизга ва қўлларингизга масҳ тортинг. Албатта, Аллоҳ афв қилувчидир, мағфиратлидир.

44. Китобдан насиба берилганларнинг залолатни сотиб олишларини ва йўлдан адашишингизни исташларини кўрмайсизми?

45. Аллоҳ душманларингизни яхши билувчидир. Валийликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир. Ёрдамчиликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

46. Яҳудий бўлганлардан калималарни ўз жойидан ўзгартирувчилар бор. Тилларини буриб ва динга таъна етказиб: «Эшитдик ва осий бўлдик, эшит, эшитмай қолгур ва «роъина», дерлар. Агар «Эшитдик ва итоат қилдик, эшит ва бизга назар солгин», деганларида, албатта, ўзларига яхши ва тўғри бўлар эди. Лекин Аллоҳ уларни куфрлари сабабли лаънатлади. Бас, озгиналаридан бошқалари иймон келтирмаслар.

47. Эй китоб берилганлар! Юзларни бузиб, орқаларига бурмасимиздан ёҳуд уларни шанба одамларини лаънатлаганимиздек лаънатламасимиздан олдин Биз сизлардаги нарсани тасдиқловчи қилиб нозил қилган нарсага иймон келтиринг. Аллоҳнинг иши амалга ошгусидир.

48. Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимдан хоҳласа, кечирадир. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир.

49. Ўзларини пок қилиб кўрсатаётганларни кўрмайсанми?! Йўқ! Аллоҳ хоҳлаган кишисини поклайди. Ва қилча ҳам зулм қилинмас.

50. Аллоҳга нисбатан қандай ёлғон тўқишларини кўр! Шунинг ўзи ҳам очиқ-ойдин гуноҳликка кифоя қилур.

51. Китобдан насибадор бўлганларнинг ботилга ва тоғутга иймон келтиришларини ва куфр келтирганларни (кўрсатиб): «Мана булар

иймон келтирганлардан кўра ҳидоятлироқ йўлдалар», дейишларини кўрмайсанми?!

52. Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлагандир. Аллоҳ кимни лаънатласа, унга ҳеч ёрдамчи тополмассан.

53. Ёки улар мулкдан насибадорлару, ундан одамларга зиғирча ҳам бермасларми?!

54. Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қилмоқдаларми? Батаҳқиқ, Иброҳим оиласига Китобни, ҳикматни ва улкан мулкни берганмиз-ку?!

55. Бас, уларнинг ичида унга (Муҳаммадга) иймон келтирганлар ҳам бор, ундан юз ўгириб, куфр келтирганлар ҳам бор. Куйдиришга жаҳаннам ўзи кифоя қилур.

56. Оятларимизга куфр келтирганларни албатта дўзахга киритурмиз. Қачонки терилари пишиб етилганда, азобни тортишлари учун бошқа терига алмаштирурмиз. Албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

57. Иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларни, албатта, остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга уларда мангу қолувчи бўлган ҳолларида киритурмиз. Уларда аларга покиза жуфтлар бор. Ва уларни қуюқ сояларга киритурмиз.

58. Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига топширишингизни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм этишингизни амр қилур. Аллоҳ сизларга нақадар яхши ваъз қилур! Албатта, Аллоҳ эшитувчидир, кўрувчидир.

59. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Расулга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Расулга қайтаринг. Ана шу хайрли ва оқибати яхшидир.

60. Сенга нозил қилинган нарсага ва сендан олдин нозил қилинган нарсага иймон келтирганларини даъво қилаётганларни кўрмайсанми?! Тоғутдан ҳукм сўраб боришни истарлар. Ҳолбуки, унга куфр келтиришга буюрилганлар. Шайтон эса уларни йўлдан бутунлай адаштиришни истайдир.

61. Агар уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага ва Расул ҳузурига келинглар», дейилса, мунофиқларнинг сендан тамоман юз ўгирганларини кўрурсан.

62. Энди, қилган нарсалари туфайли уларга мусибат етгандан сўнг сенга келиб, Аллоҳ ила қасам ичиб: «Биз фақат яхшилик ва тавфиқни хоҳлаган эдик», дейишлари қандай бўлди?

63. Ана ўшаларнинг қалбларидагини Аллоҳ биладир. Бас, улардан юз ўгир! Уларга ваъз қил! Ёлғиз ўзларига етказиб сўзла!

64. Қайси бир расулни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни ила фақат итоат

қилиниши учун юборганмиз. Агар улар ўзларига ўзлари зулм қилган чоғларида ҳузурингга келиб, Аллоҳдан мағфират сўраганларида ва Расул ҳам улар учун мағфират сўраганида эди, албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул этувчи, раҳмли Зот эканини топар эдилар.

65. Йўқ, Роббингга қасамки, ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга сени ҳакам қилмагунларича, кейин чиқарган ҳукмингга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича зинҳор мўмин бўла олмаслар!

66. Агар Биз уларга «Ўзларингизни ўлдиринг ёки ўзингизни диёрларингиздан чиқаринг», деб фарз қилганимизда, озгиналаридан бошқаси буни қилмас эдилар. Улар ўзларига ваъз қилинган нарсаларни қилганларида эди, ўзларига яхши ва саботларини мустаҳкамлаш бўлур эди.

67. У ҳолда уларга Ўз ҳузуримиздан улуғ ажр берган бўлур эдик.

68. Ва уларни тўғри йўлга ҳидоят қилур эдик.

69. Ким Аллоҳга ва Расулга итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва улар нақадар яхши рафиқлардир!!

70. Бу – Аллоҳдан бўлган фазлдир ва билувчиликда Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

71. Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ҳушёр тутинг ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўзғалинг ёки тўп ҳолингизда қўзғалинг!

72. Албатта, ичингизда ортда қоладиганлар ҳам бор. Агар сизга бирор мусибат етса: «Аллоҳ Ўзи менга инъом этиб, улар билан бирга ҳозир бўлмадим», дейди.

73. Агар сизга Аллоҳдан фазл етса, худди сиз билан унинг орасида дўстлик бўлмагандек: «Қани энди, мен ҳам улар билан бўлганимда, улкан зафар қозонар эдим», дейди.

74. Охират учун бу дунё ҳаётини сотадиганлар Аллоҳнинг йўлида жанг қилсинлар. Ким Аллоҳнинг йўлида жанг қилиб ўлдирилса ёки ғолиб келса, унга албатта улуғ ажрни берурмиз.

75. Нима учун Аллоҳнинг йўлида ва: «Роббимиз, бизни ушбу аҳолиси золим шаҳардан чиқаргин, бизга Ўз томонингдан валий ато қилгин ва Ўз томонингдан ёрдамчи бергин», деяётган заифҳол эркагу аёл ва болалар йўлида жанг қилмайсизлар?!

76. Иймон келтирганлар Аллоҳнинг йўлида жанг қилурлар. Куфр келтирганлар тоғутнинг йўлида жанг қилурлар. Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилинг. Албатта, шайтоннинг ҳийласи заифдир.

77. «Қўлингизни тийинг, намозни тўкис адо этинг ва закотни беринг!» деб айтилган кимсаларни кўрмайсанми?! Уларга уруш фарз қилинганда, тўсатдан бир гуруҳлари одамлардан худди Аллоҳдан қўрққандек ёки

ундан ҳам қаттиқроқ қўрқишмоқда. Ва: «Роббимиз, нега бизга урушни фарз қилдинг? Бир оз ортга суриб турсанг бўлмасмиди?!» демоқдалар. «Дунёнинг матоҳи оз, охират эса тақво қилганларга яхшидир. Ва сизларга қилчалик ҳам зулм қилинмас», деб айт.

78. Қаерда бўлсангиз ҳам, ҳаттоки мустаҳкам қалъаларда бўлсангиз ҳам, ўлим сизни топадир. Агар уларга бирор яхшилик етса, «Бу Аллоҳдан», дерлар. Борди-ю уларга бирор ёмонлик етса, «Бу сендан», дерлар. «Ҳаммаси Аллоҳдан», деб айт! Манави қавмга нима бўлдики, гапни тушунай демаслар?!

79. Сенга етган ҳар қандай яхшилик Аллоҳдандир. Ва сенга етган ҳар қандай ёмонлик ўзингдандир. Сени одамларга Расул қилиб юбордик. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

80. Ким Расулга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлур. Ким юз ўгирса, сени уларга қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ.

81. Улар: «Итоат», дерлар. Ҳузурингдан чиққач эса бир тоифалари айтганингдан бошқага хуфёна тил бириктирарлар. Аллоҳ хуфёна тил бириктирган нарсаларини ёзиб қўядир. Бас, улардан юз ўгир ва Аллоҳга таваккул қил. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

82. Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганида, унда кўп ихтилофлар топар эдилар.

83. Қачонки уларга эминлик ёки хавф тўғрисида бир иш – хабар етса, уни ҳар ёққа таратурлар. Агар уни Расулга ва ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилганларида эди, улардан иш негизини биладиганлари уни англаб етар эдилар. Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганда, озгинангиздан бошқангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз.

84. Аллоҳ йўлида жанг қил! Ўзингдан бошқадан масъул эмассан. Мўминларни қизиқтир. Шоядки, Аллоҳ куфр келтирганларнинг шиддатини даф қилса. Аллоҳ шиддати қаттиқ ва азоби ортиқ Зотдир.

85. Ким яхши шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Ким ёмон шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Аллоҳ ҳар бир нарсанинг баҳосини берувчидир.

86. Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсанинг ҳисобини олувчидир.

87. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ – у ҳақда ҳеч шубҳа йўқ қиёмат куни сизларни албатта жамлайдир. Ким Аллоҳдан кўра ростгўйроқ?!

88. Сизга нима бўлдики, мунофиқлар ҳақида иккига бўлинасизлар?! Ҳолбуки, Аллоҳ уларни расво қилиб қўйди-ку. Аллоҳ адаштирган кимсаларни ҳидоят қилмоқчи бўласизларми?! Аллоҳ кимни адаштирган бўлса, унинг учун йўл топа олмассан.

89. Худди ўзларидек кофир бўлиб, уларга тенглашишингизни хоҳларлар. Токи Аллоҳ йўлида ҳижрат қилмагунларича, улардан дўст тутманг. Агар юз ўгириб кетсалар, бас, уларни тутинг ва қаерда топсангиз, ўлдиринг. Улардан валий ҳам, ёрдамчи ҳам тутманг.

90. Аммо сиз билан орасида аҳднома бор қавмга етиб борганлар ёки сизлар билан ҳам, ўз қавмлари билан ҳам урушиш кўнгилларига сиғмасдан, ҳузурингизга келганлар бундан мустасно. Аллоҳ хоҳлаганида, уларни устингизга ҳукмрон қилиб қўярди ва улар сизларга қарши уруш қилар эдилар. Агар сиздан четлансалар ва сиз билан урушмасдан, тинчликни таклиф қилсалар, Аллоҳ сизларга уларнинг зиддига йўл бермас.

91. Сиздан ҳам омонда бўлишни, ўз қавмларидан ҳам омонда бўлишни хоҳлайдиган, ҳар гал фитнага қайтарилган чоғларида унга шўнғийдиган бошқа бировларни ҳам кўрасизлар. Агар сиздан четланмасалар, сизга тинчликни таклиф қилмасалар ва қўлларини тиймасалар, бас, уларни тутинг ва қаерда топсангиз, ўлдиринг. Ана ўшандайлар устидан сизга очиқ-ойдин ҳужжат берганмиз.

92. Мўмин мўминни ўлдириши мумкин эмас. Фақат янглишиб (ўлдирса, мустасно). Кимки мўминни янглишиб ўлдириб қўйса, бас, унга бир мўмин қулни озод қилиш ва (ўлганнинг) аҳлига тақдим этиладиган хун (вожибдир), агар улар садақа қилмасалар. Агар у сизга душман қавмдан бўлиб, ўзи мўмин бўлса, бир мўмин қулни озод қилиш (вожибдир). Агар у сиз билан орасида аҳду паймон бор қавмдан бўлса, аҳлига тақдим этиладиган хун ва бир мўмин қулни озод қилиш (вожибдир). Ким топа олмаса, унга кетма-кет икки ой рўза тутиш вожибдир. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

93. Ким бир мўминни қасддан ўлдирса, жазоси жаҳаннамдир. Унда мангу қолувчидир. Аллоҳ унга ғазаб қиладир, уни лаънатлайдир ва унга улкан азобни тайёрлаб қўядир.

94. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг йўлида кезиб юрсангиз, аниқлаб олинглар ва дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳини истаб, сизга салом берган кишига: «Мўмин эмассан», деманглар. Аллоҳнинг ҳузурида эса кўплаб ўлжалар бор. Авваллари сиз ҳам шундай эдингиз, Аллоҳ сизга неъмат берди. Бас, аниқлаб олинг. Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

95. Мўминлардан бешикаст бўла туриб, ўтириб олувчилари билан Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилувчилари баробар бўлмаслар. Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларнинг даражасини ўтириб олувчилардан афзал қилди. Аллоҳ ҳаммага яхшиликни ваъда қилган. Аллоҳ мужоҳидларни ўтириб олувчилардан улуғ ажр ила афзал қилган…

96. Ўзидан бўлган даражалар ила, мағфират ва раҳмат ила. Ва Аллоҳ мағфират қилувчидир, раҳмлидир.

97. Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришталар: «Нима ҳолда эдинглар?» дерлар. «Ер юзида хўрланган эдик», дерлар. «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳижрат қилсангиз бўлмасмиди?!» дерлар. Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдир. У нақадар ёмон борар жой!

98. Эркаклар, аёллар ва болалардан иборат, чора қила олмайдиган, йўл топа олмайдиган хўрланган кишиларгина бундан мустасно.

99. Ана ўшалар, шоядки, Аллоҳ уларни афв этса. Зотан, Аллоҳ афв этувчидир, мағфират қилувчидир.

100. Ким Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўпгина паноҳгоҳлар ва кенгчилик топадир. Ким уйидан Аллоҳ ва Расулига ҳижрат қилиб чиқса-ю, сўнгра унга ўлим етса, албатта, унинг ажри Аллоҳ зиммасига тушадир. Ва Аллоҳ мағфират қилувчидир, раҳмлидир.

101. Ер юзида кезиб юрганингизда, куфр келтирганлар сизга фитна қилишидан хавф қилсангиз, намозни қаср қилиб адо этмоғингизда гуноҳ йўқдир. Албатта, кофирлар сизга очиқ-ойдин душмандирлар.

102. Улар ичида бўлсанг-у, уларга намозни қоим қилмоқчи бўлсанг, улардан бир тоифаси сен билан турсин ва силоҳларини ўзларида тутсинлар. Сажда қилганларидан кейин ортингизга ўтсинлар. Намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб, сен билан намоз ўқисин. Сергак турсинлар ва силоҳларини ўзларида тутсинлар. Куфр келтирганлар силоҳ ва матоҳларингиздан ғофил қолганингизда, устингизга бирдан ҳамла қилишни хоҳларлар. Ёмғирдан озор етса ёки бемор бўлсангиз, силоҳларингизни қўймоғингизда сизга гуноҳ йўқ. Сергак туринглар! Албатта, Аллоҳ кофирларга хорловчи азоб тайёрлаб қўйгандир.

103. Намозни тугатганингиздан сўнг Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда зикр қилинг. Хотиржам бўлганингизда намозни тўлиқ адо этинг. Албатта, намоз мўминларга вақтида фарз қилингандир.

104. У қавмни қувишда бўш келманг. Агар алам чекаётган бўлсангиз, улар ҳам сиз алам чекаётганингиздек алам чекмоқдалар. Сиз эса Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қилмоқдасиз. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

105. Албатта, Биз сенга Китобни одамлар орасида Аллоҳ сенга кўрсатганидек ҳукм қилишинг учун ҳақ ила нозил қилдик. Сен хоинларнинг ёнини олувчи бўлма!

106. Аллоҳдан мағфират сўра! Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

107. Ўз жонларига хиёнат қиладиганларнинг ёнини олма. Албатта, Аллоҳ хиёнаткор ва гуноҳкор бўлган кимсани хуш кўрмас.

108. Одамлардан яширарлар ва Аллоҳдан яшира олмаслар. Ҳолбуки, У Ўзи рози бўлмайдиган гапни хуфёна келишаётганларида ҳам улар ила биргадир. Ва Аллоҳ улар қилаётган амалларни қамраб олувчи Зотдир.

109. Ҳой, сизлар, анавилар! Бу дунё ҳаётида уларнинг ёнини олдингиз.

Қиёмат кунида Аллоҳ олдида ким уларнинг ёнини оладир ёки ким уларга вакил бўладир?!

110. Ким бир ёмонлик қилса ёки ўзига зулм этса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳни мағфиратли, раҳмли Зот топадир.

111. Ким гуноҳ қилса, уни фақатгина ўз зарарига қиладир. Ва Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

112. Ким бирор хато ёки гуноҳ қилса-ю, сўнгра уни беайбга ағдарса, шубҳасиз, бўҳтон ва очиқ-ойдин гуноҳни ўз бўйнига олибдир.

113. Агар сенга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида, улардан бир тоифаси сени адаштиришга уринган эди. Фақат ўзларини адаштирадилар, холос. Сенга ҳеч зарар етказа олмаслар. Аллоҳ сенга Китобни ва ҳикматни нозил қилди ҳамда билмаган нарсангни билдирди. Ва сенга Аллоҳнинг фазли буюк бўлди.

114. Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қилган кишигина мустасно. Ким буни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта унга буюк ажр берурмиз.

115. Ким ўзига ҳидоят равшан бўлгандан кейин Расулга хилоф қилса ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга юрса, кетган томонига қўйиб қўямиз ва жаҳаннамга киритиб, куйдирамиз. У нақадар ёмон борар жой!

116. Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқани, кимдан хоҳласа, кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, бутунлай адашган бўлур.

117. У Зотни қўйиб, санамларгагина ибодат қилурлар, бебош шайтонгагина ибодат қилурлар.

118. Аллоҳ уни лаънатлади. У эса деди: «Қасамки, бандаларингдан маълум насибани оламан.

119. Уларни адаштираман, хомхаёлларга соламан, уларга амр қилсам, чорваларнинг қулоқларини кесарлар ва уларга амр қилсам, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирарлар». Кимки Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса, батаҳқиқ, очиқ-ойдин зиён кўрибди.

120. Уларга ваъда берур ва хомхаёлларга солур. Шайтон уларга ғурурдан бошқа нарсани ваъда қилмас.

121. Ана ўшаларнинг жойлари жаҳаннамдир. Ва ундан қочишга жой топа олмаслар.

122. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга унда мангу қолувчи бўлган ҳолларида киритурмиз. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Аллоҳдан ростгўйроқ зот борми?

123. Сизларнинг хомхаёлингизча ҳам эмас, аҳли китобларнинг хомхаёлича ҳам эмас. Ким ёмонлик қилса, унинг жазосини тортадир. Ва ўзига Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топа олмас.

124. Эркакми, аёлми – ким мўмин бўлган ҳолда яхшиликлар қилса, ана ўшалар жаннатга кирурлар ва уларга қилча ҳам зулм қилинмас.

125. Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва ҳаниф Иброҳимнинг динига эргашган кишидан кўра дини яхшироқ ким бор? Ва Аллоҳ Иброҳимни Ўзига халил тутгандир.

126. Осмонлардаги нарсалар ҳам, ердаги нарсалар ҳам Аллоҳга хосдир ва Аллоҳ ҳар бир нарсани қамраб олувчидир.

127. Сендан аёллар ҳақида фатво сўрарлар. «Аллоҳ сизга улар ҳақида ҳамда сиз улар учун фарз қилинган нарсани бермайдиган ва никоҳларига рағбат қиладиган етим аёллар, хўрланган болалар, етимларга адолат билан туришингиз борасида Китобда тиловат қилинадиган нарса ҳақида фатво берадир», деб айт. Нимаики яхшилик қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир.

128. Агар аёл киши ўз эридан нафрат ва юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшидир. Нафсларга зиқналик ўрнаштирилгандир. Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.

129. Ҳар қанча интилсангиз ҳам, хотинлар ўртасида ҳаргиз адолатли бўла олмассизлар. Бас, бир йўла мойил бўлиб кетиб, уни муаллақ аёлга ўхшатиб қўйманг. Агар ислоҳ этсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

130. Агар ажрашсалар, Аллоҳ Ўз фазлидан ҳар бирини беҳожат қилур. Аллоҳ қамрови кенг, ҳаким Зотдир.

131. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Батаҳқиқ, сиздан олдин китоб берилганларга ҳам, сизга ҳам: «Аллоҳга тақво қилинглар», деб тавсия қилдик. Агар куфр келтирсангиз, албатта, осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ беҳожатдир, мақталгандир.

132. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Вакил бўлишга Аллоҳ кифоядир.

133. Агар У Зот хоҳласа, эй одамлар, сизларни кетказиб, бошқаларни келтирур. Ва Аллоҳ бунга қодир бўлган Зотдир.

134. Ким дунё савобини истаса, бас, дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам савоби Аллоҳнинг ҳузуридадир. Ва Аллоҳ эшитувчидир, кўрувчидир.

135. Эй иймон келтирганлар! Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинг. Агар у бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, Аллоҳ унга яқинроқдир. Ҳавои нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг.

Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.

136. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига нозил қилган Китобга ва бундан олдин нозил қилган китобга иймон келтиринг. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, бутунлай адашибди.

137. Албатта, иймон келтирганларидан кейин куфр келтирганлар, сўнгра иймон келтириб, яна куфрга кетган ва куфрида зиёда бўлганларни Аллоҳ мағфират қилмас ва тўғри йўлга ҳидоят этмас.

138. Мунофиқларга уларга албатта аламли азоб бўлишининг «хушхабар»ини бер.

139. Улар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутадиганлардир. Уларнинг олдида иззат, куч-қудрат излайдиларми? Албатта, иззат, куч-қудратнинг барчаси Аллоҳникидир.

140. Батаҳқиқ, сизларга Китобда: «Аллоҳнинг оятларини уларга куфр келтирилган ва уларни мазах қилинган ҳолда эшитсангиз, бошқа гапга ўтмагунларича улар билан ўтирманглар», деб нозил қилди. Албатта, бу ҳолда сиз ҳам улар кабисиз. Албатта, Аллоҳ мунофиқ ва кофирларнинг ҳаммасини жаҳаннамда жамловчидир.

141. Улар сизларни кузатиб турурлар. Сизларга Аллоҳ томонидан фатҳ бўлса: «Сизлар билан бирга эмасмидик?!» дерлар. Агар кофирларга насиба бўлса, «Сизларга устун келиб, мўминлардан ҳимоя қилмадикми?» дерлар. Аллоҳ қиёмат куни улар орасида ҳукм қилур. Аллоҳ ҳаргиз кофирларга мўминлар устидан йўл бермас.

142. Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўлурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдовчи»дир. Агар намозга турсалар, дангасалик билан, хўжакўрсинга турурлар ва Аллоҳни камдан-кам зикр қилурлар.

143. Орада сарсондирлар. На анавиларга қўшила оладирлар ва на манавиларга қўшила оладирлар. Аллоҳ кимни йўлдан адаштирса, ҳаргиз унга йўл топа олмассан.

144. Эй иймон келтирганлар! Мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутманг. Аллоҳнинг ҳузурида ўз зиддингизга очиқ-ойдин ҳужжат қилишни хоҳлайсизми?!

145. Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг остки қаватидадирлар ва ҳаргиз уларга ёрдамчи топа олмассан.

146. Аммо тавба қилиб, солиҳ амаллар қилган, Аллоҳни маҳкам тутган ва Аллоҳ учун динга ихлос қўйганлар – ана ўшалар мўминлар ила биргадирлар. Аллоҳ албатта мўминларга буюк ажр берур.

147. Агар шукр қилсангиз ва иймон келтирсангиз, Аллоҳ сизни азоблаб нима қиладир?! Аллоҳ кўп савоб берувчидир, билувчидир.

148. Аллоҳ ёмон гапни ошкор қилишни хуш кўрмас. Аммо мазлумдан бўлса, мустасно. Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

149. Агар яхшиликни ошкора ёки махфий қилсангиз ёки ёмонликни афв этсангиз, албатта, Аллоҳ афв қилувчидир, қодирдир.

150. Албатта, Аллоҳга ва Унинг расулларига куфр келтирадиганлар ва Аллоҳ ила расуллари орасида айирмачиликни ирода қиладиганлар ҳамда баъзиларига иймон ва баъзиларига куфр келтирамиз, деб ана ўшандай ора йўлни тутишни хоҳлайдиганлар –

151. ана ўшалар – ўзлари ҳақиқий кофирлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

152. Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтирганларга ва уларнинг бирортасини ҳам айирмаганларга – ана ўшаларга ажрларини албатта берур. Ва Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

153. Аҳли китоблар сендан уларга осмондан китоб нозил қилиб беришингни сўрарлар. Мусодан бундан ҳам катта нарсани сўраганлар – «Бизга Аллоҳни ошкора кўрсат», деганлар. Бас, зулмлари туфайли уларни яшин урди. Сўнгра, уларга очиқ-ойдин мўъжизалар келганидан кейин бузоқни (илоҳ) тутдилар. Бас, буни ҳам афв қилдик ва Мусога очиқ-ойдин ҳужжат бердик.

154. Ва аҳдномаларига мувофиқ, устларига Турни кўтардик ва уларга: «Эшикдан сажда қилган ҳолингизда киринглар» ҳамда «Шанба куни ҳаддингиздан ошманг», дедик. Ва улардан мустаҳкам аҳднома олдик.

155. Аҳдномаларини бузганлари, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, набийларни ноҳақ ўлдирганлари, «Қалбларимиз берк», деганлари учун. – Йўқ! Балки, куфрлари сабабли Аллоҳ қалбларига муҳр босган, озгиналаридан бошқаси иймон келтирмаслар –

156. ҳамда куфрлари ва Марямга қарши улкан бўҳтон айтганлари учун.

157. «Биз Аллоҳнинг расули Масиҳ Ийсо ибн Марямни ўлдирдик», деганлари учун (уларни лаънатладик). Ҳолбуки, уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақда ихтилофга тушганлар унинг ўлимидан шакдадирлар. У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, фақат гумонга эргашарлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир.

158. Балки, Аллоҳ уни Ўзига кўтарди. Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

159. Ҳеч бир аҳли китоб йўққи, ўлимидан олдин унга иймон келтирмаса. (У эса) қиёмат куни уларнинг зиддига гувоҳ бўлур.

160. Яҳудий бўлганларга, уларнинг зулми, Аллоҳнинг йўлидан кўп тўсганлари учун, ўзларига ҳалол қилинган нарсани ҳаром қилдик.

161. Ва қайтарилган бўлсалар ҳам, рибо олганликлари ва одамларнинг молларини ботил йўл билан еганлари учун. Ва уларнинг кофирлари учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик.

162. Лекин улардан илмда мустаҳкам бўлганлари ва мўминлари сенга нозил бўлган нарсага ва сендан олдин нозил бўлган нарсага иймон келтирурлар. Хусусан, намозни қоим қилувчилар, закот берувчилар, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирувчилар ҳам. Ана ўшаларга албатта буюк ажр берурмиз.

163. Биз сенга худди Нуҳ ва ундан кейинги набийларга ваҳий юборганимиздек ваҳий юбордик. Биз Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодлари, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ваҳий юбордик. Довудга эса Забурни бердик.

164. Биз сенга бундан олдин қиссаларини айтиб берган расулларни ва қиссаларини айтиб бермаган расулларни (юбордик). Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди.

165. Хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи расулларни Аллоҳ ҳузурида одамларга расуллардан сўнг ҳужжат бўлмаслиги учун (юбордик). Ва Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

166. Лекин Аллоҳ сенга нозил қилган нарсаси ила гувоҳлик берадир. Уни Ўз илми ила нозил қилди. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

167. Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганлар, батаҳқиқ, қаттиқ адашгандирлар.

168. Албатта, куфр келтирганлар ва зулм қилганларни Аллоҳ зинҳор мағфират қилмас ва бирор йўлга ҳидоят ҳам қилмас.

169. Фақат жаҳаннам йўлига (ҳидоят қилур) ва унда мангу қолурлар. Бу эса Аллоҳга осондир.

170. Эй одамлар! Батаҳқиқ, сизларга Роббингиздан ҳақ ила Расул келди. Бас, иймон келтиринг, ўзингизга яхши бўладир. Агар куфр келтирсангиз, албатта осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

171. Эй аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошманг ва Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтманг. Албатта, Масиҳ Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг расули, Марямга илқо қилган «калима»си ва Ундан бўлган руҳдир. Бас, Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтиринг. Уни учта деманг. Тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади. Албатта, Аллоҳ ягона Илоҳдир, ўзга эмас. У Зот боласи бўлишидан покдир. Осмонлардаги нарсалар ҳам, ердаги нарсалар ҳам Уникидир. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

172. Масиҳ ҳам, муқарраб фаришталар ҳам Аллоҳга банда бўлишдан зинҳор бош тортмаслар. Ким Унинг ибодатидан бош тортса ва мутакаббирлик қилса, уларнинг ҳаммасини Ўз ҳузурига тўплар.

173. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларнинг эса ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур. Аммо ор қилиб, кибрга

кетганларни аламли азоб билан азоблар ва улар ўзлари учун Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топмаслар.

174. Эй одамлар! Сизга Роббингиздан далил келди ва сизга очиқ-ойдин нурни нозил қилдик.

175. Аллоҳга иймон келтирган ва Уни маҳкам тутганларни, шубҳасиз, Ўзидан бўлган раҳматга ва фазлга киритур ва уларни унга – тўғри йўлга ҳидоят қилур.

176. Сендан фатво сўрарлар. Айтгинки: «Аллоҳ сизга калола ҳақида фатво берур: Агар бир одам ўлса-ю, унинг боласи бўлмаса, синглиси бўлса, унга марҳумдан қолганнинг ярмидир. У ҳам агар унинг (сингилнинг) боласи бўлмаса, унга (тўлиқ) меросхўр бўлур. Агар (сингиллар) иккита бўлса, уларга марҳум қолдирган нарсанинг учдан иккисидир. Борди-ю (меросхўрлар) эркак-аёл биродарлар бўлсалар, бир эркакка икки аёл улушичадир. Адашмаслигингиз учун Аллоҳ баён қилмоқда. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир».

5. МОИДА СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 120 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй иймон келтирганлар! Аҳдномаларга вафо қилинг! Сизга кейин тиловат қилинадиганларидан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди, эҳромдалик вақтингизда овни ҳалол санамаган ҳолингизда. Албатта, Аллоҳ нимани ирода этса, шуни ҳукм қиладир.

2. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг дини аломатларини, ҳаром ойни, аталган қурбонликни, осилган белгиларни ва Робларидан фазл ва розилик тилаб Байтул Ҳаромни қасд қилиб чиққанларни ўзингизга ҳалол ҳисобламанг. Эҳромдан чиқиб, ҳалол бўлсангиз, ов қилсангиз, майли. Масжидул Ҳаромдан тўсгани учун бир қавмни ёмон кўришингиз уларга тажовузкор бўлишингизга олиб бормасин. Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

3. Сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузиб ўлдирилган, йиртқич еган ҳайвонлар ҳаром қилинди – фақат (ўлмай туриб) сўйиб олсангиз (ҳалол) – ва бутларга сўйилган ҳайвонлар ҳам, чўплар ила фол очишингиз ҳам ҳаром қилинди. Бу фосиқликдир. Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид уздилар.

Улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Бу кун сизга динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни тўкис қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим. Кимки гуноҳга мойил бўлмаган ҳолида қаттиқ очликда мажбур бўлиб қолса, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

4. Сендан уларга нима ҳалол қилинганини сўрарлар. «Сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди. Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан итни ўргатгандек ўргатган овчи ҳайвонларингиз сизга тутиб берган нарсадан еяверинглар. Уларга Аллоҳнинг исмини зикр этинглар. Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта, Аллоҳ ҳисоби тез Зотдир», деб айт!

5. Бугунги кунда сизларга барча пок нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолдир. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир. Афифа мўминалар ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлган афифа аёллар ҳам, агар иффатингизни сақлаган, зинога бормаган ва ўйнаш тутмаган ҳолингизда маҳрларини берсангиз, (сизга ҳалолдир). Ким иймонни инкор қилса, унинг амали ҳабата бўлади ва охиратда у зиён кўрувчилардан бўладир.

6. Эй иймон келтирганлар! Намозга турсангиз, юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқлари ила, бошларингизга масҳ тортиб, оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар. Агар жунуб бўлсангиз, покланинглар. Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз, ёхуд бирорталарингиз халодан келса, ёхуд аёлларга яқинлашган бўлсангиз-у, сув топа олмасангиз, покиза тупроқ ила таяммум қилинг. Бас, ундан юзларингизга ва қўлларингизга масҳ тортинг. Аллоҳ сизларга қийинчилик туғдиришни истамас. Аммо сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини батамом қилиб беришни ирода қиладир. Шоядки, шукр қилсангизлар.

7. Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва сиздан олган аҳдини эсланг. Ўшанда: «Эшитдик ва итоат қилдик», деган эдингиз. Ва Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ кўкслардаги нарсани ҳам билувчидир.

8. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ учун (ҳақда) туринг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни (уларга нисбатан) адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардордир.

9. Аллоҳ иймон келтириб, яхши амалларни қилганларга ваъда қилди: уларга мағфират ва улкан ажр бўлур.

10. Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар дўзах соҳибларидир!

11. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Ўшанда бир қавм сизга қўл кўтармоқчи бўлганда У Зот уларнинг

қўлини сиздан қайтарган эди. Аллоҳга тақво қилинг. Мўминлар Аллоҳга таваккул қилсинлар.

12. Батаҳқиқ, Аллоҳ Бану Исроилдан аҳднома олди. Улардан ўн иккитасини нақиб қилиб юбордик. Ва Аллоҳ: «Албатта, Мен сизлар биланман. Агар намозни тўкис адо қилсангиз, закот берсангиз, расулларимга иймон келтирсангиз, уларни қўлласангиз ва Аллоҳга яхши қарз берсангиз, албатта, сизнинг хатоларингизни кечираман ҳамда сизни остларидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритаман. Бас, шундан кейин ҳам сиздан ким куфр келтирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўладир», деди.

13. Аҳдларини бузганлари учун уларни лаънатладик ва қалбларини қаттиқ қилдик. Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирдилар. Ўзларига эслатма бўлган нарсадан кўп насибани унутдилар. Уларнинг озгиналаридан бошқаларини мудом хиёнат узра кўрасан. Бас, уларни афв эт ва айбларини ўтиб юбор. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади.

14. Ва «Биз насоролармиз», деганларнинг ҳам аҳдномасини олдик. Бас, улар ўзларига эслатилган нарсадан кўп насибани унутдилар. Биз улар орасида қиёмат кунигача адоват ва нафрат қўзғатдик. Аллоҳ албатта уларга қилмишлари ҳақида хабар беради.

15. Эй аҳли китоблар! Батаҳқиқ, сизларга Расулимиз келди. У сизга Китобдан беркитиб юрган кўпгина нарсаларингизни баён қилиб берур. Кўпини эса афв қилур. Батаҳқиқ, сизларга Аллоҳдан нур ва ойдин Китоб келди.

16. Аллоҳ Ўз розилигини истаганларни у билан салом йўлларига бошлар ва уларни Ўз изни ила зулматлардан нурга чиқарур ҳамда тўғри йўлга ҳидоят қилар.

17. «Аллоҳ – бу Масиҳ ибн Марямдир», деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Уларга: «Агар Аллоҳ Масиҳ ибн Марямни, унинг онасини ва ер юзидаги барчани ҳалок этишни ирода қилса, ким Уни бирон нарсадан ман қила олади? Ҳолбуки, осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсалар Аллоҳникидир. У нимани хоҳласа, халқ қиладир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир», деб айт!

18. Яҳудий ва насронийлар: «Биз Аллоҳнинг ўғилларимиз ва Унинг маҳбубларимиз», дейишди. Уларга: «Ундай бўлса, нимага У сизларни гуноҳларингиз туфайли азоблайди? Сизлар У Зот яратган башарсиз, холос. У кимни хоҳласа мағфират қилади, кимни хоҳласа азоблайди. Осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсалар Аллоҳникидир. Қайтиб бориш фақат Унинг Ўзигадир», деб айт.

19. Эй аҳли китоблар! Батаҳқиқ, расуллардан бўш даврдан кейин «Бизга ҳеч қандай хушхабар берувчи ҳам, огоҳлантирувчи ҳам келмаган», демаслигингиз учун Расулимиз сизларга баён қилувчи бўлиб келди.

Бас, батаҳқиқ, сизларга хушхабар берувчи ҳам, огоҳлантирувчи ҳам келди. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

20. Эсла, Мусо ўз қавмига деди: «Эй қавмим, Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг. Ичингиздан пайғамбарлар юборди, подшоҳлар чиқарди ва сизга оламлар аро ҳеч кимга бермаган нарсаларни берди.

21. Эй қавмим, Аллоҳ сизга ёзиб қўйган муқаддас заминга киринг. Ортингизга қайтманг, зиён кўрувчига айланасиз».

22. Улар: «Эй Мусо, унда зўравон қавм бор. Улар ундан чиқмагунларича, биз ҳеч қачон кирмасмиз. Агар улар чиқсалар, биз кирувчидирмиз», дедилар.

23. Улардан У Зотдан қўрқадиганлардан бўлган ва Аллоҳ уларга неъмат ато этган икки киши: «Уларнинг устига эшикдан кириб боринглар. Агар унга кирсаларинг, албатта ғолиб бўласизлар. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккул қилингиз», дедилар.

24. Улар: «Эй Мусо, модомики улар бор экан, биз зинҳор ва зинҳор у ерга кирмасмиз. Сен Роббинг билан бориб, икковлон уларга қарши уруш қилаверинглар. Биз бу ерда ўтириб турувчимиз», дейишди.

25. У: «Роббим, албатта, мен ўзим ва биродаримдан бошқага эга эмасман. Ўзинг биз билан фосиқ қавмнинг орасини ажратгин», деди.

26. У: «Албатта, бу ер уларга қирқ йилгача ҳаромдир. Улар ер юзида сарсон бўлиб юрарлар. Фосиқ қавмларга ачинма», деди.

27. Уларга Одамнинг икки ўғли хабарини ҳақ ила тиловат қилиб бер. Ўшанда икковлари қурбонлик қилганларида, бирларидан қабул қилинди, бошқасидан қабул қилинмади. «Мен сени ўлдираман», деди. (Наригиси) деди: «Албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қилади.

28. Агар мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг ҳам, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармайман. Мен оламларнинг Робби Аллоҳдан қўрқаман.

29. Менинг гуноҳимни ҳам, ўзингнинг гуноҳингни ҳам олиб кетиб, шу сабабдан дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Ана ўша золимларнинг жазосидир».

30. Нафси унга биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиён кўрувчилардан бўлди.

31. Аллоҳ ер юзида кезиб юрган қарғани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишни кўрсатиш учун юборди. «Шўрим қурисин! Мана шу қарғачалик бўлиб, биродаримнинг ўлигини кўма олмадим-а?!» деди. Бас, у надомат қилувчилардан бўлди.

32. Шунинг учун ҳам Бану Исроилга: «Ким бир жонни ноҳақ ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, гўё барча одамларни ўлдиргандек бўлади. Ким уни тирилтирса, гўё барча одамларни тирилтиргандек бўлади», деб ёздик. Батаҳқиқ, уларга расулларимиз баёнотлар олиб

келдилар. Сўнгра, бундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида ҳаддан ошувчилардан бўлдилар.

33. Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши уруш қилувчиларнинг, ер юзида фасод қилувчиларнинг жазоси, албатта, ўлдирилмоқлари ёки осилмоқлари, ёхуд қўл-оёқлари қарама-қарши томондан кесилмоғи ёки ўз ерларидан сургун қилинмоқларидир. Бу уларга бу дунёда шармандалик бўлур. Охиратда эса уларга улкан азоб бор.

34. Фақат уларга қодир бўлишингиздан олдин тавба қилганлар мустасно. Билингки, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

35. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар ва Унга васийла ахтарингиз ҳамда Унинг йўлида жиҳод қилингиз. Шоядки, ютуққа эришсангиз.

36. Агар куфр келтирганлар қўлида ер юзидаги ҳамма нарса ва яна шунча нарса бўлса-ю, уни қиёмат кунининг азобидан қутулишга тўлов қилиб берсалар ҳам, улардан қабул қилинмас. Уларга аламли азоб бор.

37. Улар дўзахдан чиқмоқчи бўлурлар. Аммо ундан чиқа олмаслар. Уларга доимий азоб бор.

38. Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Бу Аллоҳдан бездирувчи иқоб ўлароқ, касб қилган нарсаларига яраша жазодир. Аллоҳ азиздир, ҳакиймдир.

39. Ким зулмидан кейин тавба этса ва ислоҳ қилса, Аллоҳ албатта тавбасини қабул қиладир. Шубҳасиз, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

40. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳники эканлигини, кимни хоҳласа, азоблашини, кимни хоҳласа, мағфират қилишини ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини билмасмидинг?!

41. Эй Расул! Оғизлари ила: «Иймон келтирдик» деб, қалблари иймон келтирмаганлар ва яҳудий бўлганларнинг куфрга ошиқадиганлари сени маҳзун қилмасин. Улар ёлғонни кўп эшитурлар, сенга келмаган қавмлардан ҳам эшитурлар. Сўзларни жойларидан ўзгартирурлар. Улар: «Агар сизга бу берилса, олинглар, агар бу берилмаса, ҳазир бўлинглар», дерлар. Аллоҳ кимни фитнага солишни ирода қилса, унга Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани тўса олмассан. Ана ўшалар Аллоҳ қалбларини поклашни ирода қилмаган кимсалардир. Уларга бу дунёда шармандалик бор. Уларга охиратда улкан азоб бор.

42. Ёлғонга кўп қулоқ солувчилар, ҳаромни кўп еювчилардир. Агар сенга келсалар, ораларида ҳукм чиқар ёки улардан юз ўгир. Агар улардан юз ўгирсанг, сенга ҳеч зарар келтира олмаслар. Агар ҳукм қилсанг, ораларида адолат ила ҳукм қил. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севадир.

43. Ўзларида Таврот бўла туриб, унда Аллоҳнинг ҳукми бўла туриб,

қандай қилиб сени ҳакам қилурлар-у, сўнгра яна юз ўгириб кетурлар? Улар мўмин эмаслар.

44. Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. (Аллоҳга) бўйсунган набийлар у билан яҳудий бўлганларга ҳукм юритурлар, Аллоҳнинг китоби уларга ишониб топширилгани ва унга шоҳид бўлганлари сабабли роббонийлар ва аҳборлар ҳам. Одамлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар кофирлардир.

45. Унда уларга: жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва жароҳатларда қасос фарз қилдик. Ким уни (қасосни) садақа қилиб юборса, бу унга каффоратдир. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, бас, ана ўшалар золимлардир.

46. Изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. У тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир.

47. Инжил аҳли унда Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритсинлар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ана ўшалар фосиқлардир.

48. Ва сенга Китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги барча китобни тасдиқловчи ва уларнинг устидан назорат этувчи қилиб нозил қилдик. Бас, улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Ўзингга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашма. Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа, ҳаммангизни бир уммат қилиб қўяр эди. Аммо У сизларни Ўзи ато этган нарсада синамоқни (истайдир). Яхшиликка шошилингиз. Ҳаммангизнинг қайтишингиз фақат Аллоҳгадир. Бас, У сизга ихтилоф қилган нарсаларингиз ҳақида хабар берур.

49. Улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Уларнинг хоҳишларига эргашма ва улар сени Аллоҳ сенга нозил қилган нарсанинг баъзисида фитнага солишларидан ҳазир бўл. Агар юз ўгирсалар, билки, Аллоҳ уларни баъзи гуноҳлари туфайли мусибатга солишни ирода қилибдир. Албатта, одамлардан кўплари фосиқлардир.

50. Жоҳилият ҳукмини истарларми?! Ишончи комил қавмлар учун Аллоҳдан кўра ҳукми яхшироқ ким бор?!

51. Эй иймон келтирганлар! Яҳудий ва насороларни ўзингизга дўст тутманг. Улар бир-бирлари билан дўстдирлар. Сиздан ким уларни дўст тутса, албатта, у улардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят этмас.

52. Қалбларида касаллик борларнинг «Замон айланиб, бизга мусибат

етишидан қўрқамиз» деб, улар томон шошилганини кўрасан. Шоядки, Аллоҳ фатҳу нусрат берса ёки Ўз томонидан бирон иш ато қилса-ю, ўзларича сирлашган нарсаларига надомат қилсалар.

53. Иймон келтирганлар: «Ўзларини сизлар билан деб, Аллоҳнинг номи ила жон-жаҳдлари билан қасам ичганлар анавиларми?» дейишади. Амаллари ҳабата бўлди. Бас, зиён кўрганлардан бўлдилар.

54. Эй иймон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ албатта Ўзи севадиган ва улар ҳам У Зотни севадиган қавмни келтирур. Улар мўминларга ҳокисор, кофирларга қаттиққўл, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилурлар ва маломатчининг маломатидан қўрқмаслар. Бу Аллоҳнинг фазли бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ қамрови кенг, билувчи Зотдир.

55. Албатта, валийингиз фақатгина Аллоҳ, Унинг Расули ва бўйсунган ҳолларида намозни тўкис адо этиб, закот берадиган иймон келтирганлардир.

56. Ким Аллоҳни, Унинг Расулини ва иймон келтирганларни валий қилиб олса, бас, албатта, Аллоҳнинг гуруҳи – ана шулар ғолиблардир.

57. Эй иймон келтирганлар! Динингизни масхара ва ўйин қилиб олган сиздан олдин китоб берилганлар ва куфр келтирганларни валий – дўст тутманг. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг.

58. Агар намозга нидо қилсангиз, уни масхара ва ўйин қилишади. Бу уларнинг ақл юритмайдиган қавмлигидандир.

59. «Эй аҳли китоблар! Бизни фақат Аллоҳга ҳамда ўзимизга нозил қилинган ва авваллари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирганимиз учун ва сизларнинг кўпчилигингиз фосиқ бўлганингиз учун айблайсизларми?!» деб айт.

60. «Сизларга Аллоҳнинг ҳузуридаги бундан ҳам кўра «савоби» ёмонроқ кимсани айтайми? Улар Аллоҳ лаънатлаган, ғазаб қилган, улардан (айримларини) маймунлар ва чўчқалар қилган ҳамда тоғутга ибодат қилган кимсалардир. Ана ўшалар ёмон мартабадаги ва тўғри йўлдан энг адашганлардир», деб айт!

61. Улар ҳузурингизга келганларида: «Иймон келтирдик», дерлар. Ҳолбуки, улар куфр ила кириб, шубҳасиз, ўша ила чиққандирлар. Аллоҳ улар беркитган нарсани яхши билувчидир.

62. Ва улардан кўпларининг гуноҳга, душманликка ва ҳаром емоққа ошиқаётганини кўрасан. Қилаётган ишлари нақадар ёмон!

63. Роббонийлари ва аҳборлари уларни гуноҳ сўз айтишларидан ва ҳаром ейишларидан қайтарсалар бўлмасми?! Қилаётган ҳунарлари нақадар ёмон-а!

64. Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғлангандир», дедилар. Қўллари боғлансин уларнинг! Айтганлари учун лаънатга учрасинлар!

Аксинча, Аллоҳнинг икки қўли очиқ, хоҳлаганича инфоқ қилур. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса улардан кўпларининг туғён ва куфрини зиёда қилур. Уларнинг орасига қиёмат кунигача душманлик ва нафрат солдик. Улар қачон уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ уни ўчирур. Улар ер юзида бузғунчилик қилиб юрарлар. Аллоҳ бузғунчилик қилувчиларни севмас.

65. Агар аҳли китоблар иймон келтириб, тақво қилганларида эди, уларнинг гуноҳларини ювган ва жаннати наъиймга киритган бўлардик.

66. Агар улар Тавротга, Инжилга ва уларга Робларидан нозил бўлган нарсага амал қилганларида эди, албатта устларидан ҳам, оёқлари остидан ҳам еган бўлардилар. Ораларида мўътадил тоифалар ҳам бор. Уларнинг кўпларининг қилган амаллари жуда ҳам ёмон.

67. Эй Расул! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ. Агар шундай қилмасанг, Унинг элчилигини етказмаган бўласан. Аллоҳ сени одамлардан сақлар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас.

68. «Эй аҳли китоблар! Тавротга, Инжилга ва сизга Роббингиздан нозил қилинган нарсага амал қилмагунингизча ҳеч нарсага арзимассизлар», деб айт. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса улардан кўпларининг туғён ва куфрларини зиёда қилур. Кофир қавмларга ачинма.

69. Албатта, иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, собиийлар ва насоролардан ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса ва солиҳ амал қилса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

70. Батаҳқиқ, Бану Исроилдан мийсоқ – аҳднома олдик ва уларга расуллар юбордик. Ҳар қачон уларнинг ҳавои нафсларига тўғри келмайдиган нарса келтирган расулнининг бир гуруҳини ёлғончи дедилар, бир гуруҳини ўлдирдилар.

71. «Ҳеч қандай синов бўлмас», деб кўру кар бўлиб олдилар. Сўнгра Аллоҳ уларни кечирди. Кейин улардан кўплари яна кўру кар бўлиб олдилар. Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини кўриб турувчидир.

72. «Аллоҳ, албатта, Масиҳ ибн Марямдир», деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Масиҳ эса: «Эй Бану Исроил, менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз – Аллоҳга ибодат қилинг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг жойи дўзах бўлур. Ва золимларга нусрат берувчилар йўқдир», деди.

73. «Аллоҳ учтанинг учинчисидир», деганлар батаҳқиқ кофир бўлишди. Ягона Илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Агар айтаётганларидан қайтмасалар, уларнинг куфр келтирганларини аламли азоб тутадир.

74. Аллоҳга тавба қилиб, ундан мағфират сўрамайдиларми?! Зотан, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

75. Масиҳ ибн Марям бир расул, холос. Ундан олдин ҳам расуллар ўтган. Унинг онаси эса сиддиқадир. Икковлари ҳам таом ер эдилар. Уларга

оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қаёққа бурилиб кетаётганларига назар сол.

76. «Аллоҳни қўйиб, сизга зарар ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган нарсага ибодат қиласизларми?! Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир», деб айт.

77. «Эй аҳли китоблар! Динингизда ноҳақ ҳаддан ошманг. Ва илгари ўзлари адашиб ва кўпчиликни адаштириб, тўғри йўлдан умуман чиққанларнинг ҳавои нафсларига эргашманг», деб айт.

78. Бану Исроилдан куфр келтирганлари Довуд ва Ийсо ибн Марям тилида лаънатландилар. Бу эса исён қилганлари ва ҳаддан ошганлари учун бўлди.

79. Улар қилган ёмон ишларидан бир-бирларини қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон бўлди!

80. Улардан кўпларининг куфр келтирганларни валий – дўст тутганини кўрасан. Уларга нафслари тақдим қилган нарса нақадар ёмон бўлди. Аллоҳ уларга ғазаб қилди. Ва улар азобда боқий қолувчилардир.

81. Агар Аллоҳга, набийга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтирганларида эди, уларни дўст тутмас эдилар. Лекин улардан кўплари фосиқлардир.

82. Яҳудий ва ширк келтирганларнинг иймон келтирганларга нисбатан одамларнинг ашаддий адоватлиси эканини топасан. Улардан иймон келтирганларга дўстлиги яқинроғи «Биз насоролармиз», деганлар эканини топасан. Бу уларнинг ичида диний олимлар ва роҳиблар бўлганидан ва уларнинг такаббурлик қилмасликлари сабабидандир.

83. Расулга нозил қилинган нарсани тинглаганларида, ҳақни билганларидан кўзлари тўлиб ёш тўкаётганини кўрасан. Дерлар: «Роббимиз, иймон келтирдик, бас, бизни шоҳидлар қаторига ёзгин.

84. Нима учун Аллоҳга ва бизга келган ҳаққа иймон келтирмас эканмиз? Ҳолбуки, Роббимиз бизни ҳам солиҳ қавмлар қаторига киритишини тама қиляпмиз-ку!»

85. Айтганларига яраша Аллоҳ уларга остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларда боқий қолишни мукофот қилиб берди. Яхшилик қилувчиларнинг мукофоти мана шудир.

86. Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир.

87. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилманг. Ҳаддингиздан ошманг. Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошувчиларни севмас.

88. Ва Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан енглар. Ўзингиз ишонган Аллоҳга тақво қилинг.

89. Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун тутмас. Лекин қасд ила

туккан қасамларингиз учун тутади. Бас, унинг каффорати аҳлингизга берадиган таомингизнинг ўртачасидан ўнта мискинга таом ёки кийим бериш ёхуд бир қул озод қилишдир. Ким топа олмаса, уч кун рўза тутсин. Ана ўша, агар қасам ичган бўлсангиз, қасамингизнинг каффоратидир. Қасамларингизни муҳофаза қилинг. Аллоҳ сизга оятларини шундай баён этади. Шоядки, шукр қилсангиз.

90. Эй иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз.

91. Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва нафрат солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайди. Энди тўхтарсизлар?!

92. Аллоҳга итоат қилинг ва Расулга итоат қилинг ва ҳазир бўлинг! Агар юз ўгирадиган бўлсангиз, билингки, Расулимизнинг вазифаси аниқ етказиш, холос.

93. Иймон келтирганлар учун, агар тақво қилиб, иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган бўлсалар, сўнгра тақво қилиб, иймон келтирсалар, кейин тақво қилиб, яхшилик қилсалар, еб-ичганларида гуноҳ йўқдир. Зотан, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир.

94. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ ким Ундан ғойибона қўрқишини билиш учун сизларни қўлларингиз ва найзаларингиз етадиган овларда бир оз синаб кўрадир. Бундан кейин ким тажовуз қилса, унга аламли азоб бор.

95. Эй иймон келтирганлар! Эҳромдалик ҳолингизда овни ўлдирманг. Сиздан ким уни қасддан ўлдирса, жазоси сиздан икки одил кишининг ҳукмига мувофиқ чорва ҳайвонларидан ўзи ўлдирганига тенг келадиганини ҳадйи қилиб Каъбага етказишдир. Ёхуд унинг каффорати мискинларга таом бериш ёки шу баробарида ўз қилмишининг ёмон оқибатини татиб кўриши учун рўза тутишдир. Ўтганларини Аллоҳ афв қилди. Ким қайтарса, Аллоҳ ундан интиқом олур. Аллоҳ азиздир, интиқом эгасидир.

96. Денгиз ови ва унинг таоми сизга ва сайр қилувчиларга ҳалол қилинди. Модомики эҳромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Ҳузурида тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг.

97. Аллоҳ Каъбани – Байтул Ҳаромни, ҳаром ойни, ҳадйини ва осиладиган белгиларни одамлар учун асос қилиб қўйди. Бу эса Аллоҳ албатта осмонлару ердаги нарсаларни билишини ва албатта Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зот эканини билишингиз учундир.

98. Билингки, албатта, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир ва албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

99. Расул зиммасида фақат етказиш бор, холос. Аллоҳ ошкор қилганингизни ҳам, яширганингизни ҳам биладир.

100. «Агар нопокнинг кўплиги сени ажаблантирса ҳам, пок билан нопок тенг бўла олмас. Эй ақл эгалари, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз», деб айт.

101. Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга аён қилинса, ўзингизга ёмон бўлади. Агар улар ҳақида Қуръон нозил қилиниб турган чоқда сўрасангиз, сизга изҳор қилинади. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни афв қилган эди. Аллоҳ мағфиратлидир, ҳалимдир.

102. Сиздан олдин ҳам бир қавм уларни сўраган, сўнгра эса уларга кофир бўлган эди.

103. Аллоҳ на баҳийра, на соиба, на васийла ва на ҳоммни (жорий) қилгани йўқ. Лекин куфр келтирганлар Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқирлар. Уларнинг кўплари ақл юритмаслар.

104. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага, Расулга келинглар», дейилса, «Бизга ота-боболаримизни нимани устида топган бўлсак, ўша етарли», дерлар. Ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва ҳидоятга юрмайдиган бўлсалар ҳам-а?!

105. Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни билинг. Агар ҳидоятда бўлсангиз, адашган кимсалар сизга зарар қилмас. Ҳаммангизнинг қайтишингиз фақат Аллоҳгадир. Ўшанда сизга қилган амалларингизнинг хабарини берадир.

106. Эй иймон келтирганлар! Бирортангизга ўлим келганда – васият қилар чоғида ўзингиздан бўлган икки адолатли киши, агар ер юзида сафардалик чоғингизда ўлим мусибати етса, ўзгалардан икки киши ўртангизда гувоҳ бўлсин. Агар шубҳа қилсангиз, гувоҳларни намоздан кейин тутасиз ва: «Гарчи қариндошимиз (учун) бўлса ҳам, уни (қасамни) ҳеч бир баҳога сотмасмиз ва Аллоҳ учун гувоҳлигимизни яширмасмиз. Зотан, у ҳолда, албатта, гуноҳкорлардан бўлиб қоламиз», деб Аллоҳ номи ила қасам ичарлар.

107. Агар икковларининг гуноҳлари билиниб қолса, ўринларига устларига ноҳақлик тушган яқинлардан иккиталари ўтурлар ва Аллоҳ ила қасам ичиб: «Бизнинг гувоҳлигимиз уларнинг гувоҳликларидан тўғрироқ ва биз тажовуз қилмадик. Агар қилган бўлсак, албатта золимлардан бўлиб қолурмиз», дейишади.

108. Ана шундай қилмоқлик гувоҳликни ҳаққоний адо этишларига ёки қасамларидан сўнг раддия қасам бўлишидан қўрқишларига яқинроқдир. Аллоҳга тақво қилинглар ва қулоқ осинглар. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.

109. Аллоҳ расулларни жамлаган кунда: «Сизга қандай жавоб қилинди?» деб сўрайдир. «Биз билмаймиз, албатта, Сен ғайбларни яхши билувчисан», дерлар.

110. Аллоҳ: «Эй Ийсо ибн Марям, сенга ва волидангга берган неъматимни эсла. Сени муқаддас руҳ билан қўллаганимни, одамларга бешикда ҳам, катталигингда ҳам гапирганингни эсла. Сенга китобни, ҳикматни, Тавротни ва Инжилни ўргатганимни эсла. Менинг изним ила лойдан қуш шаклини ясаганингда ва унга пуфлаганингда, Менинг изним ила қуш бўлганини, Менинг изним ила туғма кўрни ва песни тузатганингни эсла. Менинг изним ила ўликларни чиқарганингни эсла. Бану Исроилга аниқ мўъжизалар келтирганингда, улардан куфр келтирганлари: «Бу очиқ сеҳрдан ўзга ҳеч нарса эмас», деганида сени улардан қутқарганимни эсла», деганини ёд эт!

111. Ҳаворийларга: «Менга ва Расулимга иймон келтиринг», деб ваҳий юборганимда, «Иймон келтирдик ва шоҳид бўл, албатта, биз мусулмонлармиз», деганини эсла!

112. Ўшанда ҳаворийлар: «Эй Ийсо ибн Марям, сенинг Роббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира олурми?» дедилар. У: «Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳга тақво қилинглар», деди.

113. Улар: «Ундан ейишни, қалбларимиз хотиржам бўлишини, бизга рост гапирганингни билишни ва унга гувоҳлик берувчилардан бўлишни истаймиз», дедилар.

114. Ийсо ибн Марям: «Аллоҳим! Роббимиз! Бизга осмондан ясатилган дастурхон туширгин, у аввалимизгаю охиримизга байрам ва Сендан мўъжиза бўлиб қолсин. Ва бизга ризқ бергин, зотан, Ўзинг энг яхши ризқ берувчисан», деди.

115. Аллоҳ: «Албатта, мен уни сизларга туширувчиман. Бас, бундан кейин сизлардан ким куфр келтирса, уни оламларда ҳеч кимни азобламаган азоб ила азоблагайман», деди.

116. Эсла, Аллоҳ айтди: «Эй Ийсо ибн Марям, сен одамларга: «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар», дедингми?» У эса айтди: «Ўзинг поксан! Мен ҳаққим йўқ нарсани айта олмайман-ку. Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, Сен уни билар эдинг. Сен менинг дилимдагини биласан, мен Сендаги ҳеч нарсани билмасман. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билувчи Зотсан.

117. Уларга Ўзинг менга амр қилган нарса – «Менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз Аллоҳга ибодат қилинг»дан бошқани айтганим йўқ. Ва модомики ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим. Мени Ўзингга олганингдан сўнг Сен Ўзинг уларга кузатувчи бўлдинг. Зотан, Сен ҳар бир нарсага гувоҳсан.

118. Агар уларни азоблайдиган бўлсанг, бас, албатта, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қиладиган бўлсанг, албатта, Сен Ўзинг азизсан, ҳакимсан».

119. Аллоҳ: «Бу кун ростгўйларга ростгўйликлари манфаат берадиган кун. Уларга остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор, уларда мангу

қолувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам У Зотдан рози бўлдилар. Бу эса буюк ютуқдир», деди.

120. Осмонлару ер ва улардаги нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. Ва У ҳар бир нарсага қодирдир.



6. АНЪОМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 165 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлару ерни яратган, зулматлару нурни таратган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Сўнгра куфр келтирганлар Роббларига (ўзгаларни) тенглаштирурлар.
2. У сизларни лойдан яратган, сўнгра муддатни белгилаб қўйган Зотдир. Белгиланган муддат эса Унинг ҳузуридадир. Шундан кейин ҳам сиз шак келтирурсиз.
3. У осмонларда ҳам, ерда ҳам Аллоҳдир. Сирингизни ҳам, ошкорингизни ҳам биладир. Қилган касбу корингизни ҳам биладир.
4. Уларга Роббларининг оятларидан ҳеч бир оят келмабдики, ундан юз ўгирувчи бўлмаган бўлсалар.
5. Уларга ҳақ келганда уни ҳам ёлғонга чиқардилар. Тезда уларга ўзлари истеҳзо қилган нарсанинг хабари келур.
6. Улардан олдин қанча асрларни ҳалок қилганимизни билмасларми? Уларга ер юзида сизларга бермаган имконларни берган эдик. Осмондан устларига барака ёмғири юбордик ва остларидан анҳорлар оқиб турадиган қилиб қўйдик. Кейин гуноҳлари туфайли уларни ҳалок қилдик ва ўринларига бошқа асрларни пайдо қилдик.
7. Агар сенга қоғозда китоб нозил қилсак, уни қўллари билан ушлаб кўришса ҳам, куфр келтирганлар: «Бу аниқ сеҳрдан ўзга нарса эмас», дерлар.
8. Улар «Унга фаришта туширилса эди», дедилар. Агар фаришта туширсак, иш битди ҳисоб. Сўнгра уларга муҳлат берилмас.
9. Агар уни фаришта қилсак ҳам, эркак қилган бўлар эдик ва ўзлари мушкуллаштирган нарсани уларга яна ҳам мушкуллаштирар эдик.
10. Сендан олдинги расуллар ҳам истеҳзо қилинганлар. Уларни масхара қилганларни қилган истеҳзолари ўз домига тортди.
11. «Ер юзида сайр қилингиз, сўнгра ёлғончи қилувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солингиз», деб айт.

12. «Осмонлар ва ердаги нарсалар кимники?» деб айт! «Аллоҳники», деб айт! У Ўзига Ўзи раҳматни ёзиб қўйган. Сизларни бўлишида шубҳа йўқ қиёмат куни албатта жамлайди. Ўзига ўзи зиён келтирувчилар, ҳа, ўшаларгина иймон келтирмаслар.

13. Кечаси ва кундузи сокин бўлганлар ҳам Уникидир. У эшитувчидир, билувчидир.

14. «Аллоҳдан ўзгани дўст қилиб оламанми? У осмонлару ерни яратувчидир. У Зот таомлантиради, аммо таомлантирилмайди», деб айт. «Мен таслим бўлувчиларнинг биринчиси бўлишга ва зинҳор мушриклардан бўлмасликка амр қилиндим», деб айт.

15. «Албатта, мен агар Роббимга осий бўлсам, буюк кун азобидан қўрқаман», деб айт.

16. Кимдан ўша Куни (азоб) четлатилса, батаҳқиқ, У Зот унга раҳм қилибди. Ана ўша аниқ ютуқдир.

17. Агар Аллоҳ сенга бирор зарар етказса, Ўзидан бошқа Унга кушойиш берадиган йўқ. Агар У сенга бирор яхшилик етказса, бас, У ҳар бир нарсага қодирдир.

18. У бандалари устидан ғолибдир. У ҳакимдир, хабардордир.

19. Айтгин: «Қайси нарса гувоҳликда улуғроқдир?» Айтки: «Аллоҳ мен билан сизларнинг ўртангизда гувоҳдир. Менга ушбу Қуръонни, унинг ила сизларни ва у етиб борганларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди. Сизлар «Аллоҳ билан бирга, албатта, бошқа худолар ҳам бор», деб гувоҳлик берасизларми?» «Мен гувоҳлик бермайман», дегин. «Албатта, У битта илоҳдир ва мен сиз келтираётган ширкдан покдирман», деб айт.

20. Биз китоб берганлар уни ўз фарзандларини танигандек танирлар. Ўзларига зиён қилганлар эса – ана ўшалар иймон келтирмаслар.

21. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарганлардан ҳам кўра золимроқ кимса борми? Албатта, золимлар нажот топмаслар.

22. Ҳаммаларини жамлайдиган, сўнгра ширк келтирганларга: «(Худо деб) даъво қилиб юрган шерикларингиз қани?» деб айтадиган Кунимизни эсла.

23. Сўнгра «Роббимиз Аллоҳга қасамки, мушрик бўлмаган эдик», дейишдан бошқа фитналари бўлмас.

24. Назар сол! Ўзларини қандай алдадилар ва тўқиб юрган нарсалари улардан қандай йўқолди.

25. Улардан сенга қулоқ тутадиганлари ҳам бор. Уни фаҳмламасликлари учун қалбларига парда ва қулоқларига тўсиқ қилиб қўйдик. Барча оятларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмаслар. Ҳатто олдингга сен

билан тортишувга келганларида, куфр келтирганлар: «Бу ўтганларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас», дерлар.

26. Ва улар (одамларни) ундан қайтарурлар ва ундан узоқлашурлар. Сезмаган ҳолларида ўзларини ҳалок қилурлар, холос.

27. Дўзах устида тўхтатилганларида: «Қани энди (у дунёга) қайтарилсак, Роббимизнинг оятларини ёлғонга чиқармас эдик ва мўминлардан бўлар эдик», дейишларини кўрсанг эди.

28. Йўқ! Ундай эмас. Олдин махфий тутган нарсалари ўзларига ошкор бўлди, холос. Агар улар (бу дунёга) қайтарилсалар ҳам, ўзлари ман қилинган нарсага қайтурлар ва албатта, ёлғончилардир.

29. Улар: «Ҳаёт – бу дунё ҳаёти, холос, биз қайта тирилтирилмасмиз», дедилар.

30. Роббларининг ҳузурида тўхтатилганларида ва У Зот: «Мана шу ҳақ эмасми?!» деганида «Роббимизга қасамки, ҳақдир», деганларини, Унинг: «Бас, куфр келтирганингиз учун азобни тотинг», дейишини кўрсанг эди.

31. Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон деганлар, шубҳасиз, зиёнга учрадилар. Ҳаттоки, тўсатдан қиёмат келиб қолганда, устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида: «Унда (дунёда) қилган камчиликларимизга ҳасрат-надоматлар бўлсин», дерлар. Улар орқалаган нарса жуда ҳам ёмон!

32. Бу дунё ҳаёти ўйин-кулги ва кўнгилхушликдан ўзга ҳеч нарса эмас. Тақво қилувчилар учун эса охират диёри яхшироқдир. Ақл юритмайсизларми?

33. Албатта, уларнинг айтаётганлари сени маҳзун қилишини яхши биламиз. Улар сени ёлғончига чиқараётганлари йўқ, балки золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қилмоқдалар.

34. Сендан олдин ҳам расуллар ёлғончига чиқарилганлар. Бас, улар то нусратимиз келгунча ёлғончига чиқарилганларига ва берилган озорларга сабр қилганлар. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартирувчи йўқ. Батаҳқиқ, сенга расулларнинг хабари келган.

35. Агар сенга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботаётган бўлса, қодир бўлсанг, ер остидан йўл қилиб ёки осмонга нарвон қўйиб, уларга оят (мўъжиза) келтир. Аллоҳ хоҳлаганида, уларни ҳидоятга жамлар эди. Ҳаргиз жоҳиллардан бўлма.

36. Албатта, тинглайдиганларгина қабул қилурлар. Ўликларни эса Аллоҳ тирилтирур ва сўнгра Унинг Ўзига қайтарилурлар.

37. «Унга Роббидан бир оят (мўъжиза) тушса эди», дерлар. «Албатта, Аллоҳ оят (мўъжиза) нозил қилишга қодирдир. Лекин кўплари билмаслар», деб айт.

38. Ер юзидаги ҳар бир жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир. Китобга ҳеч нарсани қўймай ёзганмиз. Сўнгра Робларига жамланурлар.

39. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар зулматлар ичра кар ва соқовдирлар. Аллоҳ кимни хоҳласа, адаштирур ва кимни хоҳласа, тўғри йўлда барқарор қилиб қўядир.

40. «Агар ростгўй бўлсаларингиз, айтинг-чи, сизга Аллоҳнинг азоби ёки Соат келса, Аллоҳдан бошқага дуо қиласизларми?» дегин.

41. Йўқ! Фақат Унгагина дуо қилурсиз. У эса хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур. Сиз эса ширк келтираётган нарсангизни унутурсиз.

42. Батаҳқиқ, сендан олдинги умматларга ҳам расуллар юборганмиз. Сўнгра шояд тазарру қилсалар деб, уларни бало ва зиёнларга тутганмиз.

43. Уларга бизнинг баломиз етганда, тазарру қилсалар эди! Лекин қалблари қаттиқ бўлди ва шайтон уларга қилаётган ишларини чиройли кўрсатди.

44. Эслатилган нарсаларни унутган чоғларида уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Ўзларига берилган нарсалардан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик. Бас, қарабсанки, бутунлай ноумид бўлдилар.

45. Бас, зулм қилган қавмларнинг кети кесилди. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

46. «Айтинг-чи, агар Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса, қалбларингизга муҳр босса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ уни сизга беради?» дегин. Оятларни қандай келтиришимизга, сўнгра уларнинг қандай юз ўгириб кетишларига назар сол.

47. «Айтинг-чи, агар сизга Аллоҳнинг азоби бирданига ёки очиқчасига келса, золим қавмларгина ҳалок қилинадилар-ку!» деб айт.

48. Расулларни фақат башорат берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборурмиз. Ким иймон келтириб, амали солиҳ қилса, уларга хавфу хатар йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

49. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни фосиқлик қилганлари учун азоб тутадир.

50. «Сизларга: «Ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор», ҳам демасман. Ғайбни ҳам билмасман. Ва яна сизларга: «Мен фариштаман», деб ҳам айтмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос», деб айт. «Кўр билан кўзи очиқ тенг бўлурми? Ўйлаб кўрмайсизларми?» деб айт.

51. У (Қуръон) билан Робларига тўпланишдан қўрқадиганларни огоҳлантир. Уларга У Зотдан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқ. Шоядки, тақводор бўлсалар.

52. Эртаю кеч Роббларига Унинг юзини ирода қилиб дуо этаётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма.

53. «Орамиздан Аллоҳ неъмат берган шуларми?» дейишлари учун шундай қилиб, баъзиларини баъзилари ила синадик. Аллоҳнинг Ўзи шукр қилувчиларни яхши билувчи эмасми?

54. Агар ҳузурингга оятларимизга иймон келтирганлар келсалар: «Сизларга салом бўлсин, Роббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди. Сиздан ким билмасдан ёмонлик қилса, сўнгра ундан кейин тавба қилиб, амали солиҳ қилса, бас, албатта, У Зот мағфиратлидир, раҳмлидир», деб айт.

55. Оятларни ана шундай муфассал баён қилурмиз. Ва (бу) жиноятчиларнинг йўли ойдинлашиши учун ҳамдир.

56. «Мен Аллоҳни қўйиб, сиз ибодат қилаётганларга ибодат қилишдан қайтарилганман», деб айт. «Сизнинг ҳавои нафсларингизга эргашмасманки, у ҳолда адашган бўламан ва ҳидоят топганлардан бўлмай қоламан», деб айт.

57. «Албатта, мен Роббимдан (берилган) аниқ ҳужжатга эгаман. Сизлар уни ёлғонга чиқардингиз. Сиз шошилтираётган нарса менда йўқ. Ҳукм фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. У ҳақни жорий қилур. У ажрим қилувчиларнинг энг яхшисидир», деб айт.

58. «Агар сиз шошилтираётган нарса менинг ҳузуримда бўлганида, мен билан сизнинг орангизда иш аллақачон битган бўлар эди. Аллоҳ золимларни яхши билувчидир», деб айт.

59. Ғайбнинг калитлари ҳам Унинг ҳузурида бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У қуруқлигу денгиздаги нарсаларни биладир. Битта япроқ узилиб тушмайдики, уни ҳам биладир. Ер тубидаги бир дона дон борми, ҳўлу қуруқ борми, барчаси очиқ-ойдин Китобда бордир.

60. У кечаси сизни вафот эттирадиган ва кундузи нима касб қилганингизни биладиган Зотдир. Сўнгра белгиланган муддат тугал бўлиши учун унда (кундузи) сизни қайта тирилтирадир. Сўнгра қайтишингиз фақат Унгадир. Сўнгра нима амал қилиб юрганингизнинг хабарини берадир.

61. У бандалари устидан мутлақ ғолибдир. У устингизга ҳафазаларни юборур. Қачонки бирортангизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир.

62. Сўнгра ҳақиқий Хожалари – Аллоҳга қайтарилурлар. Огоҳ бўлингизким, ҳукм қилиш Унинг Ўзигагина хосдир. Ва У энг тез ҳисоб-китоб қилувчидир.

63. «Қуруқлигу денгизнинг зулматларида Унга тазарру билан, махфий

ҳолда: «Агар мана шундан бизни қутқарса, албатта шукр қилувчилардан бўлурмиз», дея дуо қилганингизда ким қутқаради?» деб айт.

64. «Сизни улардан ва барча ғам-аламлардан Аллоҳ қутқарур. Сўнгра эса сиз ширк келтирасиз», деб айт.

65. Айт: «У Зот устингиздан ёки оёғингиз остидан азоб юборишга, ёки турли гуруҳларга аралаштириб, баъзиларингизга баъзиларингизнинг шиддатини тоттиришга қодирдир». Оятларни қандай турлича келтиришимизни кўр. Шоядки, англаб етсалар.

66. Қавминг уни ёлғонга чиқарди. Ҳолбуки, у ҳақдир. Айт: «Мен сизларга вакил эмасман.

67. Ҳар бир хабарнинг ўз вақти бор. Тезда (буни) биласизлар».

68. Оятларимизга (истеҳзо қилиш учун) шўнғиётганларни кўрган чоғингда то ундан бошқа гапга ўтмагунларича улардан юз ўгир. Агар шайтон эсингдан чиқарган бўлса, эслаганингдан сўнг золим қавмлар билан ўтирма!

69. Тақво қиладиганлар зиммасида уларнинг (мушрикларнинг) ҳисоб-китобидан ҳеч нарса йўқ. Лекин эслатма бор. Шоядки, тақво қилсалар.

70. Динларини ўйин-кулги ва кўнгилхушлик қилиб олган ва дунё ҳаёти алдаб қўйганларни тарк эт. У (Қуръон) ила эслатгинки, ҳеч бир жон қилган касби туфайли ҳалокатга дучор бўлиб қолмасин. Унга Аллоҳдан ўзга бирор валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқдир. Фидо қиладиган барча нарсани фидо қилса ҳам, ундан қабул қилинмас. Ана ўшалар қилган касблари туфайли ҳалокатга дучор бўлганлардир. Куфр келтирганлари учун уларга қайноқ сувдан ичимлик ва аламли азоб бордир.

71. «Аллоҳни қўйиб на фойда, на зарар бера олмайдиган нарсаларга ибодат қиламизми? Худди оғайнилари «Бу ёққа кел», деб ҳидоятга чақириб турган бўлса ҳам, шайтон адаштириб, ер юзида ҳайрон бўлиб қолганга ўхшаб, Аллоҳ бизни ҳидоятга солгандан кейин орқамизга қайтамизми?» деб айт. «Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти ҳақиқий ҳидоятдир. Оламларнинг Роббига таслим бўлишга амр қилинганмиз», деб айт.

72. Намозни қоим қилинг ва Аллоҳга тақво қилинг! У сизлар ҳузурига тўпланадиган Зотдир.

73. У осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зотдир. «Бўл», деган куни бўладир. Унинг гапи ҳақдир. Сур чалинадиган куни мулк Уникидир. У ғайбни ҳам, ошкорни ҳам билувчи Зотдир. Ва У ҳакимдир, хабардордир.

74. Иброҳимнинг ўз отаси Озарга: «Санамларни худолар қилиб оласанми? Мен сени ва сенинг қавмингни, албатта, очиқ-ойдин адашувда кўрмоқдаман», деганини эсла.

75. Худди шундай қилиб, аниқ ишонувчилардан бўлиши учун Иброҳимга осмонлару ернинг мулкларини кўрсатурмиз.

76. Уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: «Мана шу Роббимдир», деди. У ботиб кетганида эса: «Ботувчиларни ёқтирмасман», деди.

77. Чиқаётган ойни кўрганида: «Мана шу Роббимдир», деди. У ҳам ботганида: «Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўламан», деди.

78. Қуёшнинг чиқаётганини кўриб, «Мана шу Роббим. Бу каттароқ», деди. У ҳам ботиб кетганида: «Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим», деди.

79. Албатта, мен ҳаниф ҳолда юзимни осмонлару ерни яратган Зотга юзлантирдим ва мен мушриклардан эмасман.

80. Ва қавми у ила тортишди. (У) деди: «Мен билан Аллоҳ ҳақида тортишасизларми, ҳолбуки, У мени ҳидоят этди. Агар Роббим бирор нарсани ирода этган бўлмаса, У Зотга ширк келтираётган нарсангиздан қўрқмасман. Роббим барча нарсани Ўз илми ила қамраб олган. Эслатма олмайсизларми?

81. Қандай қилиб мен сиз ширк келтирган нарсадан қўрқай?! Ҳолбуки, сиз ўзингизга ҳеч ҳужжат туширмаган нарсани Аллоҳга ширк келтириб туриб қўрқмайсиз-ку!» Агар билсангиз, айтинг-чи, ушбу икки жамоанинг қай бири омонликка ҳақлироқ?!

82. Иймон келтирганлар ва иймонларига зулмни аралаштирмаганлар – ана ўшаларга омонлик бор. Улар ҳидоят топганлардир.

83. Ана ўшалар Иброҳимга қавмига қарши (тортишувда) берган ҳужжатларимиздир. Кимни хоҳласак, даражасини кўтарамиз. Албатта, Роббинг ҳакимдир, билувчидир.

84. Ва унга Исҳоқни ва Яъқубни бердик. Барчаларини ҳидоят қилдик. Бундан олдин Нуҳни ҳам ҳидоят қилган эдик. Ва унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни ҳам (ҳидоят қилдик). Чиройли амал қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз.

85. Ва Закарийё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни ҳам. Ҳаммалари аҳли солиҳлардир.

86. Ва Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам. Барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик.

87. Ва уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва биродарларидан ҳам (ҳидоят қилдик). Уларни танлаб олдик ва тўғри йўлга ҳидоят қилдик.

88. Ана ўша Аллоҳнинг ҳидояти бўлиб, Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ўшани унга йўллар. Агар улар ширк келтирсалар, қилган ишлари албатта беҳуда кетар эди.

89. Ана ўшалар Биз уларга китобни, ҳукмни ва нубувватни берган зотлардир. Агар анавилар буларга куфр келтирсалар, батаҳқиқ, уларга куфр келтирмайдиган қавмни вакил қилиб қўйганмиз.

90. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Бас, уларнинг ҳидоятига

эргаш. «Мен бунинг учун сизлардан ҳақ сўрамасман. У оламлар учун эслатмадан иборат, холос», деб айт.

91. Улар: «Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилгани йўқ, деганларида Аллоҳни ҳақиқий қадрига муносиб қадрламадилар. «Мусо кишиларга ҳидоят ва нур этиб олиб келган, уни сиз қоғозга тушириб олиб, баъзисини зоҳир, кўпини махфий қилган ва сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам билмаган нарсаларни сизга ўргатган Китобни ким нозил қилди?!» деб айт. «Аллоҳ» деб айт. Сўнгра уларни тек қўй, шўнғиган нарсаларида ўйнайверсинлар.

92. Биз нозил қилган бу Китоб муборакдир, ўзидан олдингини тасдиқловчидир. Уммул Қуро (Макка) ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учундир. Охиратга иймон келтирганлар унга иймон келтирурлар. Ва улар намозларини муҳофаза қилурлар.

93. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки унга ҳеч нарса ваҳий қилинмаса ҳам, «Менга ваҳий келди», деган, ёхуд «Аллоҳ нозил қилган нарсага ўхшаш нарсани мен ҳам нозил қиламан», деган кимсадан ҳам золимроқ кимса борми? Золимларнинг ўлим талвасасида турган пайтларини, фаришталарнинг уларга қўл чўзиб: «Жонингизни чиқаринг! Бугунги кунда Аллоҳга нисбатан ноҳақ гап айтганларингиз учун ва Унинг оятларидан мутакаббирлик қилиб юрганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», дегандаги ҳолларини кўрсанг эди.

94. Худди сизларни дастлаб халқ қилганимиздек, ҳузуримизга якка-якка келдингиз. Сизларга берган нарсаларимизни ортингизда қолдирдингиз. Сизлар ўзингизча шерик деб ўйлаган шафоатчиларингизни нега кўрмаяпмиз?! Батаҳқиқ, ораларингиз узилди. Сиз даъво қилган нарса ғойиб бўлди.

95. Албатта, Аллоҳ донни ҳам, данакни ҳам ёрувчи Зотдир. У ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарувчидир. Ана ўша Аллоҳдир. Сиз қаёққа бурилиб кетяпсиз?!

96. У субҳни ёритувчи Зотдир. У тунни сукунат, қуёш ва ойни ҳисоб-китоб (воситаси) қилиб қўйди. Бу азиз ва билувчи Зотнинг ўлчовидир.

97. У сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун юлдузлар (пайдо) қилиб қўйган Зотдир. Биладиган қавмлар учун оятларни батафсил қилиб қўйганмиз.

98. У сизларни бир жондан яратган Зотдир. Бас, қароргоҳда ва сақлаб қўйиладиган жойдадирсиз. Яхши англайдиганлар учун оятларни батафсил қилиб қўйганмиз.

99. У осмондан сув туширган Зотдир. Бас, у (сув) ила турли набототлар чиқардик. Ундан яшил гиёҳларни чиқардик. Ундан ғужум-ғужум бошоқлар, хурмодан – унинг новдаларидан яқин шингиллар ҳамда узумлардан боғлар, шунингдек, бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорлар чиқарамиз. Унинг мева қилиш пайтидаги мевасига

ва пишишига назар солинг. Албатта, бундай нарсаларда иймон келтирадиган қавм учун оят(белги)лар бордир.

100. Улар жинларни Аллоҳга шерик қилдилар. Ҳолбуки, У ҳаммаларини яратган Зотдир. Илмсиз ҳолда Унга ўғил ва қизлар тўқишди. У Зот улар васф қилган нарсалардан пок ва олийдир.

101. У – осмонлару ерни беназир қилиб яратувчидир. Унинг хотини бўлмай туриб, боласи қандай бўлсин?! У ҳамма нарсани Ўзи яратди ва У ҳамма нарсани билувчидир.

102. Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Ундан бошқа илоҳ йўқ. У ҳар бир нарсанинг Яратувчисидир. Бас, Унга ибодат қилинг. У ҳар бир нарсага вакилдир!

103. Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У латифдир, хабардордир.

104. Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан «кўз очувчи»лар келди. Кимки кўрса, ўзига яхши. Ким кўр бўлиб олса, ўзига зарар. Мен сизларга қўриқчи эмасман.

105. «Дарс олгансан», дейишлари учун ва билган қавмларга баён қилишинг учун оятларни ана шундай турлича келтирурмиз.

106. Сенга Роббингдан ваҳий қилинган нарсага эргаш. Ундан бошқа илоҳ йўқ. Мушриклардан юз ўгир.

107. Агар Аллоҳ хоҳласа, ширк келтирмас эдилар. Сени уларга қўриқчи қилганимиз йўқ. Ва сен уларга вакил ҳам эмассан.

108. Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиганларини сўкмангизки, билмасдан, зулм ила Аллоҳни сўкиб юрмасинлар. Шундай қилиб, ҳар бир умматга амалини чиройли қилиб кўрсатиб қўйдик. Сўнгра эса қайтишлари Роббларигадир. Бас, У Зот қилиб юрган амалларининг хабарини берур.

109. Улар агар бирон оят (мўъжиза) келса, албатта, иймон келтиришлари ҳақида Аллоҳнинг номи билан жон-жаҳдлари ила қасам ичарлар. «Албатта, оятлар фақат Аллоҳнинг ҳузурида», деб айт. Сизга нима билдирди? Эҳтимол, оят келса ҳам, улар иймон келтирмаслар.

110. Худди аввал иймон келтирмаганларидек, қалблари ва кўзларини буриб қўярмиз ва туғёнларида довдираган ҳолларида тек қўйиб қўярмиз.

111. Агар уларга фаришталарни туширсак ҳам, уларга ўликлар гапирса ҳам ва уларнинг олдига ҳамма нарсани очиқ-ойдин тўпласак ҳам, Аллоҳ хоҳламаса, иймон келтирмаслар. Лекин кўплари жоҳилдирлар.

112. Шунингдек, ҳар бир набийга инсу жин шайтонларни душман қилиб қўйдик. Баъзилари баъзиларини ғурурга кетказиш учун жимжимадор каломларни танларлар. Агар Роббинг хоҳласа, бундай қилмас эдилар. Бас, уларни ўзлари тўқиган нарсалари ила ёлғиз қўй!

113. Унга (жимжимадор каломга) охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалби мойил бўлиши, ундан рози бўлиб, қиладиган гуноҳларини бажаришлари учундир.

114. Аллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олайми? Ҳолбуки, У сизга Китобни батафсил этиб нозил қилди. Биз китоб берганлар унинг Роббингдан ҳақ ила нозил қилинганини билурлар. Бас, шак келтирувчилардан бўлма.

115. Роббингнинг сўзи содиқлик ва адолат ила батамом бўлди. Унинг сўзларини ўзгартирувчи йўқ. Ва У эшитувчидир, билувчидир.

116. Ва агар ер юзидагиларнинг кўпларига итоат қилсанг, сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирурлар. Гумонгагина эргашурлар ва улар алжирайдилар, холос.

117. Албатта, Роббинг ким Унинг йўлидан адашишини яхши билувчидир. Ва У ҳидоят топувчиларни ҳам яхши билувчидир.

118. Агар Унинг оятларига иймон келтирувчилардан бўлсангиз, (сўйилганда) Аллоҳнинг исми зикр қилинган нарсадан енг!

119. Сизга нима бўлдики, (сўйилганда) Аллоҳнинг номи айтилган нарсани емас экансизлар?! У сизларга ҳаром қилган нарсаларини батафсил баён қилиб берган-ку?! Мажбур бўлсангиз, мустасно. Албатта, кўпчилик билмасдан, ҳавои нафслари ила адаштирурлар. Албатта, Роббинг тажовузкорларни яхши билувчидир.

120. Ва ошкора ҳамда махфий гуноҳларни тарк қилинглар! Гуноҳ қилувчилар, албатта, қилган гуноҳларининг жазосини олурлар.

121. (Сўйилганда) Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсаларни еманглар. Албатта, бу иш фисқдир. Албатта, шайтонлар ўз дўстларига сизлар билан тортишишни васваса қилурлар. Агар уларга итоат қилсангиз, сизлар ҳам мушриклардан бўлурсизлар.

122. Ўзи ўлик бўлган, сўнг Биз тирилтириб, инсонлар орасида у билан юрадиган нурни бериб қўйган одам зулматлар ичида улардан чиқа олмай юрувчи одамдек бўлурми? Кофирларга қилаётган амаллари ана шундай чиройли кўрсатилди.

123. Худди шунга ўхшаш, ҳар бир шаҳарда катта жиноятчиларни унда макр қилишлари учун қўйдик. Улар сезмаган ҳолда фақат ўзларига ўзлари макр қилурлар, холос.

124. Агар уларга оят келса, «Аллоҳнинг расулларига берилган нарсага ўхшаш нарса бизга ҳам берилмагунча зинҳор иймон келтирмасмиз», дерлар. Ўз рисолатини қаерга қўйишни Аллоҳнинг Ўзи яхши биладир. Жиноят қилганларга қилган макрлари учун Аллоҳнинг ҳузурида, албатта, хорлик ва шиддатли азоб бордир.

125. Аллоҳ кимни ҳидоят қилмоқни ирода қилса, унинг кўксини Исломга очиб қўядир. Кимни залолатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини

худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўяди. Аллоҳ иймон келтирмайдиганларга кирликни ана шундай ўрнаштирур.

126. Мана шу Роббингнинг тўғри йўлидир. Ибрат олувчи қавм учун оятларни батафсил баён қилганмиз.

127. Уларга Робблари ҳузурида дорус-Салом (жаннат) бордир. У Зот қилган амаллари учун уларнинг дўстидир.

128. Уларнинг ҳаммасини тўплайдиган кунда: «Эй жинлар жамоаси, инсдан (адаштирганларингизни) кўпайтирвордингиз!» (дейди). Уларнинг инсдан бўлган дўстлари: «Роббимиз, биз бир-биримиздан ҳузур топдик ва бизга белгилаган муддатингга етиб келдик», дерлар. (У Зот) айтади: «Турар жойингиз дўзахдир, унда мангу қолувчидирсиз. Аллоҳ хоҳлаганларгина мустасно». Албатта, Роббинг ҳакимдир, билувчидир.

129. Шундай қилиб, қилган касбларига биноан золимларни бир-бирларига дўст қилурмиз.

130. «Эй жин ва инс жамоалари, сизларга ўзингиздан бўлган расуллар келиб, оятларимни сизга айтиб бермадиларми, сизларни ушбу кунингизга дучор бўлишингиз ҳақида огоҳлантирмадиларми?» Улар: «Ўзимизга қарши гувоҳлик бердик», дерлар. Уларни дунё ҳаёти ғурурга кетказди ва кофир бўлганларини айтиб, ўзларига қарши гувоҳлик бердилар.

131. Бундай қилишининг боиси Роббинг ғофил турган шаҳар-қишлоқ аҳолисини зулм ила ҳалок қилмаслигидандир.

132. Ҳар кимга қилганларига яраша даражалар бордир. Ва Роббинг уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир.

133. Ва Роббинг беҳожат ва раҳмат соҳиби бўлган Зотдир. Агар хоҳласа, худди сизларни бошқа қавмлар зурриётидан пайдо қилганидек, сизларни кетказиб, ортингиздан Ўзи хоҳлаган нарсани ўринбосар қилиб келтирур.

134. Албатта, сизга ваъда қилинган нарса келувчидир ва сизлар (У Зотни) ожиз қолдирувчи эмассиз.

135. «Эй қавмим, ўрнингизда амалингизни қилаверинг. Мен ҳам амал қилувчиман. Оқибат диёри кимнинг фойдасига бўлишини тезда биласиз. Албатта, золимлар нажот топмаслар», деб айт.

136. Аллоҳга Унинг Ўзи яратган экинлар ва чорвалардан насиба ажратдилар ва ўзларича: «Бу Аллоҳга, бу эса бутларимизга», дедилар. Бас, бутларига бўлган нарса Аллоҳга етмас. Аллоҳга бўлган нарса эса бутларига етадир. Чиқарган ҳукмлари нақадар ёмон-а?!

137. Шунингдек, мушриклардан кўпларига шериклари уларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириш учун болаларини ўлдиришни зийнатлаб кўрсатди. Агар Аллоҳ хоҳласа, бундай қилмас эдилар. Бас, уларни ҳам, тўқиётган нарсаларини ҳам тарк қил.

138. У Зотга туҳмат қилиб, ўзларича: «Мана булар тақиқланган чорва ва экинлар – уларни фақат биз хоҳлаганларгина ейди – ва минилиши ҳаром қилинган чорвалар ҳамда (сўйганда) Аллоҳнинг исми айтилмайдиган чорвалардир», дейишди. У Зот қилган туҳматлари туфайли уларга тезда жазо беражак.

139. Яна улар: «Мана бу чорваларнинг қорнидаги нарсалар эркакларимизга ҳалол, аёлларимизга ҳаром», дерлар. Агар у (қориндаги нарса) ўлик бўлса, улар унга шериклардир. Тезда уларга васфлари учун Ўзи жазо беражак. Албатта, У ҳакимдир, билувчидир.

140. Ақли пастлик қилиб, жоҳиллик ила фарзандларини ўлдирганлар ва Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсаларни ҳаром қилганлар зиён кўрдилар. Батаҳқиқ, улар адашдилар ва ҳидоятга юрувчилардан бўлмадилар.

141. У ишкомларга кўтариладиган ва ишкомларга кўтарилмайдиган боғларни, хурмо ва экинларни, емагини хилма-хил қилиб, зайтун ва анорларни бир-бирига ўхшатиб ва ўхшатмай пайдо қилган Зотдир. Мевалаган пайтида унинг мевасидан енглар ва йиғим-терим куни ҳаққини беринглар. Ва исроф қилманглар. Албатта, У исроф қилувчиларни севмас.

142. Ва чорвалардан ҳаммолларини ва (сўйиш учун) ерга ётқизиладиганларини (пайдо қилди). Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар. Албатта, у сизларга очиқ-ойдин душмандир.

143. Саккиз жуфтни (пайдо қилди): қўйдан иккитани (эркак-урғочи) ва эчкидан иккитани. «Иккала эркагини ҳаром қилдими ёки иккала урғочисиними, ёхуд иккала урғочининг бачадонлари ўз ичига олган нарсаними?! Агар ростгўйлардан бўлсангиз, менга илмий равишда хабарини беринглар-чи», деб айт.

144. Ва туядан иккитани, қорамолдан иккитани (пайдо қилди). «Иккала эркагини ҳаром қилдими ёки иккала урғочисиними, ёхуд иккала урғочининг бачадонлари ўз ичига олган нарсаними?! Ёки Аллоҳ сизларга буни тавсия қилганида шоҳид бўлиб турганмидингиз? Одамларни адаштириш учун илмсиз ҳолда Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқигандан ҳам золимроқ одам борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас», деб айт.

145. «Менга ваҳий қилинган нарсада таомланувчи учун ҳаром қилинган нарсани топмаяпман. Аммо ўлимтик ёки оқизилган қон, ёки тўнғиз гўшти, – чунки у ифлосдир – ёхуд фисқ ила Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган бўлса, мустасно», деб айт. Кимки ҳузурланувчи ва тажовузкор бўлмаган ҳолда мажбур бўлса, албатта, Роббинг мағфиратлидир, раҳмлидир.

146. Ва яҳудийларга барча (бутун) туёқлиларни ҳаром қилдик. Мол ва

қўйдан эса уларга ёғларини ҳаром қилдик. Аммо орқа ва ичакларидаги ёки суякка аралашган ёғлари мустасно. Бу уларга зулмлари учун берган жазоимиздир. Албатта, Биз ростгўймиз.

147. Агар сени ёлғончига чиқарсалар: «Роббингиз кенг раҳмат соҳибидир, аммо Унинг азоби жиноятчи қавмлардан қайтарилмас», деб айт.

148. Ҳали ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганда, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», дерлар. Улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар шунга ўхшаш ёлғонга чиқариб турганлар. «Ҳузурингизда бизга чиқариб кўрсатадиган бирон илм – ҳужжат борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар фақат ёлғон гапирмоқдасизлар», деб айт.

149. «Етук ҳужжат Аллоҳнинг Ўзидадир. Агар хоҳласа, ҳаммангизни ҳидоятга солар эди», деб айт.

150. «Аллоҳ мана шуни ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг», деб айт. Бас, агар гувоҳлик берсалар, сен улар ила гувоҳлик берма. Оятларимизни ёлғонга чиқарувчиларнинг ва охиратга иймон келтирмайдиганларнинг ҳавои нафсларига эргашма. Улар Роббларига ширк келтирурлар.

151. Айтгин: «Келинг, Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб бераман: «Унга ҳеч нарсани ширк келтирманг! Ота-онангизга яхшилик қилинг! Фақирликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдирманг. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз. Фаҳш – бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг. Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Фақат ҳақ ила бўлса, мустасно. Ушбуларни сизга тавсия қилдикки, шояд, ақл юритсангиз.

152. Етимнинг молига то вояга етгунича яқинлашманг. Фақат яхши йўл билан бўлса мустасно. Ўлчов ва тарозини адолат ила тўлиқ адо этинг. Ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юкламаймиз. Агар гапирсангиз, қариндошингиз бўлса ҳам, адолат қилинг. Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилинг. Буларни сизга амр қилдикки, шояд, эслатма олсангиз.

153. Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашманг. Бас, сизни Унинг йўлидан адаштирмасинлар. Мана шу сизга қилган амрки, шояд, тақво қилсангиз».

154. Яна Мусога ҳам китобни, яхшилик қилганга (неъмат) тўкис бўлиши учун, ҳамма нарсанинг тафсилоти ҳамда ҳидоят ва раҳмат бўлиши учун бердикки, шояд, улар Роббларига рўбарў бўлишларига иймон келтирсалар.

155. Биз нозил қилган бу Китоб муборакдир. Бас, унга эргашинглар. Ва тақво қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангизлар.

156. «Биздан аввалги икки тоифага китоб нозил қилинган, уларнинг дарсларидан ғофилмиз», демасликларингиз учун…

157. ёки «Агар бизга китоб нозил қилинганида, улардан кўра ҳидоятлироқ бўлар эдик», демасликларингиз учун, батаҳқиқ, сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган ва улардан юз ўгирган кимсадан ҳам золимроқ шахс борми? Тезда оятларимиздан юз ўгирганларни юз ўгирганлари туфайли ёмон азоб ила жазолармиз.

158. Фариштaлар келишини, ё Роббингнинг келишини ёки Роббингнинг баъзи оятлари келишини кутмоқдалар, холос. Роббингнинг баъзи оятлари келган кунда ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермас. «Кутаверинглар, биз ҳам кутгувчилармиз», деб айт.

159. Динларини парчалаб, ўзлари гуруҳбозлик қилганлар билан ҳеч бир алоқанг йўқ. Албатта, уларнинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. Сўнгра қилган ишларининг хабарини берур.

160. Ким бир яхшилик қилса, унга ўн баробар қайтарилур. Ким бир ёмонлик қилса, унга фақат қилганига яраша жазо бўлур. Ва уларга зулм қилинмас.

161. «Албатта, Роббим мени тўғри йўл бўлмиш рост динга – ҳаниф Иброҳимнинг миллатига ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди», деб айт!

162. Айтгин: «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёт ва мамотим оламларнинг Робби Аллоҳ учундир.

163. Унинг шериги йўқ. Ана шунга буюрилганман. Ва мен энг аввалги мусулмонларданман».

164. Айтгин: «Аллоҳдан ўзгани Роббим деймми? Ҳолбуки, У ҳамма нарсанинг Роббидир. Ҳар бир жон ёмон касб қилса, фақат ўзига зиён қилур. Ҳеч бир юкли жон бошқанинг юкини кўтармас. Сўнгра қайтишингиз Роббингизгадир. Бас, У сизларга ихтилоф қилган нарсаларингизнинг хабарини берур.

165. У сизларни ер юзида халифалар қилган ва Ўзи берган нарсаларда сизни синаш учун баъзингизнинг даражасини баъзингиздан устун қилган Зотдир. Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир. Ва албатта, У мағфиратлидир, раҳмлидир».



7. АЪРОФ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 206 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Мийм. Соод.
2. Бу сенга у ила огоҳлантиришинг учун ва мўминларга эслатма этиб нозил қилинган Китобдир. Кўксингда ундан танглик бўлмасин.
3. Сизларга Роббингиздан нозил қилинган нарсага эргашинглар! Ундан бошқа дўстларга эргашманглар. Жуда оз эслатма оласизлар.
4. Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларни ҳалок қилдик. Бас, азобимиз уларга тун уйқусида ёки улар кун уйқусида эканида келди.
5. Бас, азобимиз келган чоғида уларнинг даъволари «Албатта, биз золимлардан бўлган эдик», дейишларидан бошқа нарса бўлмади.
6. Бас, расул юборилганлардан ҳам ва албатта, расуллардан ҳам сўрармиз.
7. Бас, уларга илмий равишда қисса қилиб берурмиз. Ҳолбуки, Биз ғойиб бўлмаган эдик.
8. Ўша куни (амалларни) тортиш ҳақдир. Бас, кимнинг тортилган (амал) лари оғир келса, ана ўшалар, ҳа, ўшалар нажот топгувчилардир.
9. Ва кимнинг тортилган (амал)лари енгил келса, бас, ана ўшалар оятларимизга зулм қилиб, ўзларига зиён этганлардир.
10. Батаҳқиқ, сизларга ер юзида қудрат ва имкониятлар бердик ва унда сизлар учун яшаш воситалари қилдик. Қанчалар оз шукр қиласизлар-а?!
11. Ва батаҳқиқ, сизларни яратдик, кейин сизларга сурат бердик. Сўнгра эса фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», дедик. Бас, улар сажда қилдилар, фақат иблис сажда қилувчилардан бўлмади.
12. У Зот: «Сенга амр этганимда сажда қилишингдан нима тўсди?» деди. (Иблис) «Мен ундан яхшиман, мени ўт-оловдан яратдинг, уни эса лойдан яратдинг», деди.
13. У Зот: «Бас, туш ундан (жаннатдан)! Сен учун унда мутакаббирлик қилиб юриш йўқ. Чиқ! Албатта, сен хору зор бўлувчилардансан», деди.
14. (У) «Менга улар қайта тирилтириладиган кунгача муҳлат бер», деди.
15. У Зот: «Албатта, сен муҳлат берилганлардансан», деди.
16. У деди: «Мени йўлдан оздирганинг сабабли уларга тўғри йўлингда албатта тўғаноқ бўламан.
17. Сўнгра уларнинг олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан келаман. Ва уларнинг кўпларини шукр қилувчи ҳолда топмассан».

18. У Зот деди: «Ундан мазамматга учраган ва қувилган ҳолингда чиқ!!! Улардан ким сенга эргашса, албатта, жаҳаннамни сизларнинг ҳаммангиз билан тўлдирурман.

19. Эй Одам, сен жуфтинг билан жаннатни маскан тут. Икковингиз хоҳлаган жойингиздан енг. Аммо мана бу дарахтга яқинлашмангларки, унинг сабабидан золимлардан бўлиб қолманглар».

20. Бас, шайтон икковларининг беркитилган авратларини очиш учун уларни васваса қилди ва: «Роббингиз сизни ушбу дарахтдан фақат икковингиз фаришта бўлмаслигингиз ёки мангу қолмаслигингиз учунгина ман қилди», деди.

21. Уларга: «Албатта, мен сизларга насиҳат қилувчилардантман», деб қасам ичди.

22. Бас, уларни алдов ила паст (ҳолат)га туширди. Икковлари дарахтдан татиб кўришганда, авратлари ўзларига кўриниб қолди ва ўзларига жаннат баргларидан тўсиқ тўқий бошладилар. Шунда Robблари уларга нидо қилиб: «Сизларни ана ўша дарахтдан қайтарган эмасмидим ва шайтон икковингизга очиқ-ойдин душмандир, демаганмидим?!» деди.

23. Икковлари: «Роббимиз, ўзимизга зулм қилдик. Агар бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрганлардан бўламиз», дедилар.

24. У Зот: «Бир-бирингизга душман бўлган ҳолингизда тушинглар. Сизларга ер юзида қароргоҳ бор ва маълум вақтгача фойдаланиш бор», деди.

25. У Зот: «Унда ҳаёт кечирасизлар, унда ўласизлар ва ундан қайта чиқариласизлар», деди.

26. Эй Одам болалари, батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини туширдик. Тақво либоси – ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят(белги)ларидандир. Шоядки, эслатма олсалар.

27. Эй Одам болалари, шайтон ота-онангизни ўзларига авратларини кўрсатиш учун устларидан либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солмасин. Албатта, у ва унинг ёрдамчилари сизни сиз уларни кўрмайдиган томондан кўрадир. Биз, албатта, шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз.

28. Қачон фаҳш иш қилсалар: «Ота-боболаримиз ушбуни қилаётганини кўрдик. Буни бизга Аллоҳ буюрган», дерлар. «Албатта, Аллоҳ, фаҳш ишларга буюрмас. Аллоҳнинг шаънига билмайдиган нарсангизни айтасизми?!» дегин.

29. «Роббим адолатга амр қилди. Ҳар бир ибодатхонада юзингизни тўғри тутинг. Унинг динига ихлос этган ҳолда дуо қилинг. Сизларни аввалда қандай яратган бўлса, ўша ҳолда қайтасизлар», деб айт.

30. Бир гуруҳни ҳидоят қилди. Бошқа гуруҳга йўлдан озиш ҳақ бўлди.

Чунки улар Аллоҳни қўйиб, шайтонларни ўзларига дўст тутдилар. Ҳамда ўзларини, албатта, ҳидоят топганлар, деб ҳисоблайдилар.

31. Эй Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида зийнатингизни олинг. Еб-ичинглар, аммо исроф қилманглар. Чунки У Зот исроф қилувчиларни севмас.

32. «Аллоҳ Ўз бандаларига чиқарган зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!» деб айт. «Улар дунё ҳаётида иймон келтирганларга, қиёмат кунида эса фақат ўзларига хосдир», деб айт. Биладиган қавмлар учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз.

33. «Роббим ошкора ва яширин фаҳш ишларни, гуноҳларни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳга У Зот ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳга нисбатан ўзингиз билмайдиган нарсани гапиришингизни ҳаром қилган, холос», деб айт.

34. Ҳар бир уммат учун муддат бор. Муддатлари келган вақтда бирор соатга ортга ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар.

35. Эй Одам болалари, агар сизларга ўзингиздан бўлган расуллар келиб, оятларимни сўзлаганда, бас, ким тақво қилса ва яхши амал қилса, уларга хавф йўқдир ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

36. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганлар – ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолурлар.

37. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Ана ўшаларга Китобдан насибалари етади. Бизнинг элчиларимиз келиб, уларнинг жонларини олаётиб: «Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсаларингиз қани?» дерлар. Улар: «Биздан ғойиб бўлишди», дерлар ва кофир бўлганларини айтиб, ўзларига қарши гувоҳлик берарлар.

38. У Зот: «Сиздан олдин ўтган, жин ва инсдан бўлган умматлар билан дўзахга киринг», дер. Қачонки, қайси бир уммат (дўзахга) кирса, шеригини лаънатлар. Бироқ у ерда ҳаммалари топишганларида, кейингилари аввалгиларини (маломат қилиб): «Роббимиз, бизни анавилар адаштирган эдилар. Уларга дўзах азобини икки баробар қилиб бер», дерлар. У Зот: «Ҳаммага ҳам икки баробар, лекин билмайсизлар», дер.

39. Аввалгилар кейингиларга: «Сизларнинг биздан афзаллик томонингиз йўқ. Қилган касбингизга яраша азобни тортаверинглар», дерлар.

40. Албатта, оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганларга осмон эшиклари очилмас ва улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмаслар. Жиноятчиларни мана шундай жазолаймиз.

41. Уларга жаҳаннамдан тўшак ва устларига чойшаб бор. Золимларни мана шундай жазолаймиз.

42. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар – Биз ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юкламаймиз – ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

43. Ва кўксларидаги ғиллу ғашларни чиқариб олдик, остларидан анҳорлар оқиб турибди. «Бизни шунга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилмаганида, ўзимиз йўл топа олмас эдик. Роббимизнинг элчилари ҳақни келтирдилар», дедилар. Ва уларга: «Мана шу жаннатингизни қилган амалларингиз туфайли мерос қилиб олдингиз», деб нидо қилинур.

44. Ва жаннат эгалари дўзах эгаларига: «Роббимиз бизга ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдик. Сизлар ҳам Роббингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдингизми?!» деб нидо қиладир. (Улар) «Ҳа!» дерлар. Бас, уларнинг ўрталарида бир жарчи: «Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!!!

45. Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган, уни бузишни истайдиган ва охиратга кофир бўлувчиларга!!!» деб жар соладир.

46. Ораларида тўсиқ бор. Аъроф (деворлар) устидаги кишилар ҳаммаларини сиймоларидан танирлар. Жаннат соҳибларига: «Сизга салом бўлсин!» дея нидо қилурлар. Тама қилган ҳолларида унга кирмай турурлар.

47. Кўзлари дўзах эгалари томон бурилиб қолганда эса: «Роббимиз, бизни золим қавмлар билан бирга қилмагин», дерлар.

48. Аъроф эгалари ўзлари сиймоларидан танийдиган кишиларга нидо қилиб айтадилар: «Тўплаганингиз ва қилган кибру ҳавоингиз сизга асқотмабди-ку!

49. «Аллоҳ уларни раҳматига олмас», деб қасам ичганингиз анавиларми?! (Уларга) «Жаннатга киринглар! Сизларга хавф йўқ, сизлар маҳзун ҳам бўлмассиз» (дейилди-ку!)»

50. Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизга ҳам сувдан ёки Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсадан тўкинглар», деб нидо қиларлар. Айтадилар: «Албатта, Аллоҳ буларни кофирларга ҳаром қилган.

51. Динларини ўйин-кулги қилиб олган ва дунё ҳаёти ғурурига кетганларга». Бас, бу Кунда улар бугунги ҳолга дучор бўлишларини унутганлари ва оятларимизни инкор қилганларидек, Биз ҳам уларни унутамиз.

52. Батаҳқиқ, Биз илм асосида уларга муфассал қилган Китобни иймон келтирадиган қавмлар учун ҳидоят ва раҳмат қилиб келтирганмиз.

53. Улар унинг таъвилини – оқибатини кутмоқдалар, холос. Унинг таъвили келган кунда илгари уни унутганлар: «Роббимизнинг расуллари ҳақ

ила келган эканлар. Энди бизга шафоат қилувчилар борми, шафоат қилсалар ёки ортга қайтарилсак-у, қилган амалларимиздан бошқача амалларни қилсак», дерлар. Батаҳқиқ, ўзларига зиён қилдилар ва тўқиб олган нарсалари улардан ғойиб бўлди.

54. Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршни эгаллаган Роббингиз Аллоҳ кеча ила кундузни қоплайди. Униси бунисини шошилиб қувлайди. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди. Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Робби – Аллоҳ буюкдир.

55. Роббингизга тазарру ила ва махфий дуо қилинг. Зотан, У ҳаддан ошувчиларни севмас.

56. Ва ислоҳ қилинганидан кейин ер юзида фасод қилманг ва Ундан қўрқиб, умид ила дуо қилинг. Албатта, яхшилик қилувчиларга Аллоҳнинг раҳмати яқиндир.

57. У Ўз раҳматидан олдин шамолларни хушхабар қилиб юборадиган Зотдир. Қачонки улар оғир булутларни кўтариб келтиргач, у ила ўлик юртни суғорамиз. Ундан сув тушириб, ўша ила турли мевалар чиқарамиз. Ўликларни ҳам шундай қилиб чиқарамиз. Шоядки, эслатма олсангиз.

58. Пок юртнинг набототи Роббининг изни ила чиқадир. Нопок бўлганиники эса фақат қийинчилик ила чиқадир. Шукр келтирган қавмлар учун оятларимизни ана шундай хилма-хил баён қиламиз.

59. Батаҳқиқ, Нуҳни ўз қавмига юбордик. Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Албатта, мен сизларнинг буюк Куннинг азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман», деди.

60. Унинг қавмидан бўлган зодагонлар: «Албатта, биз сенинг очиқ-ойдин залолатда эканингни кўряпмиз», дедилар.

61. У айтди: «Эй қавмим, менда залолат йўқ. Ва лекин мен оламларнинг Роббидан расулдирман.

62. Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман, насиҳат қиламан ва Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсаларни биламан.

63. Ўзингиздан бўлган бир кишига, сизларни огоҳлантириши учун ва тақво қилиб, шояд, раҳматга эришсангиз деб, Роббингиздан эслатма келганидан ажабланасизларми?!»

64. Бас, уни ёлғончига чиқардилар. Сўнг уни ва у билан бирга бўлганларни кемада қутқардик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни ғарқ қилдик. Чунки улар кўр қавм эдилар.

65. Ва Одга ўзларининг биродари Ҳудни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Тақво қилмайсизларми?!» деди.

66. Унинг қавмидан куфр келтирган зодагонлар: «Албатта, биз сени эсипастликда кўриб турибмиз ва албатта, биз сени ёлғончилардан деб биламиз», дедилар.

67. У айтди: «Эй қавмим, менда эсипастлик йўқ. Ва лекин мен оламларнинг Роббидан расулман.

68. Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман ва мен сизларга ишончли насиҳатгўйман.

69. Ўзингиздан бўлган бир кишига сизларни огоҳлантириш учун Роббингиздан эслатма келганидан ажабландингизми?! Сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эсланг. Аллоҳнинг неъматларини эсланг. Шоядки, нажот топсангиз».

70. Улар: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?! Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!» дедилар.

71. У: «Батаҳқиқ, устингизга Роббингиз томонидан азоб ва ғазаб тушди. Мен билан Аллоҳ ҳеч бир ҳужжат туширмаган, ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлар ҳақида тортишасизларми?! Бас, кутиб туринглар! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман», деди.

72. Бас, унга ва у билан бирга бўлганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларнинг кетини уздик. Улар мўмин эмас эдилар.

73. Ва Самудга ўз биродарлари Солиҳни (юбордик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Сизга Роббингиздан ҳужжат келди. Аллоҳнинг мана бу туяси сизларга белгидир. Уни тек қўйинглар, Аллоҳнинг ерида еб юраверсин. Унга ёмонлик етказманглар. Яна сизни аламли азоб тутмасин!

74. Ва сизларни Оддан кейин халифа қилганини ва сизга ер юзида имкон бериб, текисликларида қасрлар қуриб, тоғлардан уйлар ўйганларингизни эсланг. Аллоҳнинг неъматларини эсланг ва ер юзида фасод-ла бузғунчилик қилманг!»

75. Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар заифҳол бўлганлардан иймон келтирганларига: «Солиҳни Роббидан расул қилиб юборилган, деб билмоқдамисиз?!» дедилар. Улар: «Албатта, биз у ила юборилган нарсага иймон келтирувчилармиз», дедилар.

76. Мутакаббирлик қилганлар: «Албатта, биз сиз иймон келтирганга кофирмиз», дедилар.

77. Бас, туяни сўйдилар, Роббларининг амрида тажовузкорлик қилишди

ва: «Эй Солиҳ, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!» дедилар.

78. Бас, уларни шиддатли зилзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар.

79. Кейин улардан юз ўгирди ва: «Эй қавмим, батаҳқиқ, мен сизга Роббимнинг юборганини етказдим ва насиҳат қилдим. Лекин сиз насиҳат қилувчиларни ёқтирмас экансиз», деди.

80. Ва Лутни (юбордик). Ўшанда у ўз қавмига деди: «Сиздан олдин оламлардан ҳеч ким қилмаган фаҳш ишни қиласизларми?!

81. Албатта, сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қилмоқдасизлар. Йўқ! Сизлар ҳаддидан ошган қавмсиз!»

82. Қавмнинг жавоби: «Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборинглар, чунки улар ўзларини ўта пок тутадиган одамлар экан», дейишларидан бошқа нарса бўлмади.

83. Бас, унга ва аҳлига нажот бердик. Фақат хотини ҳалок бўлгувчилардан бўлди.

84. Ва уларнинг устидан бир «ёмғир» ёғдирдик. Жиноятчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол!

85. Ва Мадянга ўзларининг биродари Шуайбни (юбордик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сизга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозини тўлиқ адо этинг, одамларнинг нарсаларидан камайтириб қолманг ва ер юзида унингислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг. Агар мўмин бўлсангиз, шундай қилмоғингиз ўзингиз учун яхшидир.

86. Ҳар кўчада ўтириб олиб, қўрқитманг. Аллоҳга иймон келтирганларни Унинг йўлидан тўсманг ва унинг (йўлнинг) эгри бўлишини истаманг. Оз бўлган чоғингизда сизни кўпайтириб қўйганини эсланг. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг.

87. Агар сиздан бир тоифа мен ила юборилган нарсага иймон келтирган ва бошқа тоифа иймон келтирмаган бўлса, бас, Аллоҳ орамизда ҳукм қилгунича сабр қилинглар. У ҳукм қилувчиларнинг энг яхшисидир».

88. Унинг қавмидан мутакаббирлик қилган зодагонлар: «Эй Шуайб, албатта, сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни ўз қишлоғимиздан чиқарамиз ёки ўз миллатимизга қайтасизлар», дедилар. У деди: «Гарчи ёмон кўрувчи бўлсак ҳам-а?!

89. Агар Аллоҳ бизга ундан нажот бергандан сўнг миллатингизга қайтсак, батаҳқиқ, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз. Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, фақат Роббимиз – Аллоҳ хоҳласагина, мустасно. Роббимиз ҳамма нарсани ўз илми ила қамраб олгандир. Аллоҳга таваккул қилдик. Роббимиз, биз билан қавмимизнинг орасини ҳақ ила очгин. Сен очувчиларнинг яхшисидирсан».

90. Унинг қавмидан бўлган, куфр келтирган зодагонлар: «Агар Шуайбга эргашсангиз, у ҳолда, албатта, зиён кўрувчидирсиз», дедилар.

91. Бас, уларни шиддатли зилзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар.

92. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар худди у ерда яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ўшалар зиён кўрувчилар бўлдилар.

93. Кейин улардан юз ўгирди ва: «Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг юборганларини етказган эдим ҳамда сизга насиҳат қилган эдим. Қандай қилиб кофир қавмларга қайғурай?» деди.

94. Қайси бир шаҳар-қишлоққа расул юборсак, албатта, шояд тазарру қилсалар деб, унинг аҳлини зарарлар ва мусибатлар ила тутганмиз.

95. Сўнгра ёмонликни яхшиликка алмаштирганмиз. Ниҳоят кўпайишиб ва: «Ота-боболаримизга ҳам қийинчилик ва хурсандчилик етган эди», деганларида, уларни ўзларига сездирмай, тўсатдан тутганмиз.

96. Агар шаҳар-қишлоқ аҳли иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик. Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни қилган касблари туфайли тутдик.

97. Шаҳар-қишлоқ аҳли уларга баломиз тунда, ухлаётган ҳолларида келишидан хотиржаммилар?!

98. Шаҳар-қишлоқ аҳли уларга баломиз чошгоҳда, ўйнаётган ҳолларида келишидан хотиржаммилар?!

99. Аллоҳнинг «макри»дан хотиржам бўлдиларми?! Аллоҳнинг «макри»дан фақат зиён кўрувчи қавмларгина хотиржам бўлурлар.

100. Ерга унинг аҳлидан кейин меросхўр бўлганларга, агар хоҳласак, гуноҳлари туфайли уларга мусибат етказишимиз ва қалбларига муҳр босиб, эшитмайдиган қилиб қўйишимиз аён бўлмадими?!

101. Биз сенга ана шу шаҳар-қишлоқларнинг хабарларини қисқа қилиб айтиб бермоқдамиз. Батаҳқиқ, уларга расуллари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар. Аммо улар олдин ёлғонга чиқарган нарсаларига иймон келтирмадилар. Аллоҳ шундай қилиб кофирларнинг қалбига муҳр босди.

102. Уларнинг кўпларида аҳд(га вафо) кўрмадик. Ва уларнинг кўпларини фосиқликда топдик.

103. Сўнгра уларнинг ортидан Мусони оятларимиз ила Фиръавн ва унинг аъёнларига юбордик. Бас, уларга (оятларга) зулм қилдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.

104. Мусо айтди: «Эй Фиръавн, албатта, мен оламларнинг Роббидан расулман.

105. Менга Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтмаслик лозимдир. Батаҳқиқ,

мен сизларга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат келтирдим. Мен ила Бану Исроилни қўйиб юбор».

106. У: «Агар мўъжиза келтирган бўлсанг, ростгўйлардан бўлсанг, келтир уни», деди.

107. Асосини ташлаган эди… баногоҳ у аниқ аждаҳо бўлди.

108. Ва қўлини чиқарган эди… баногоҳ у назар солувчиларга оппоқ бўлиб кўринди.

109. Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар айтишди: «Албатта, бу билимдон сеҳргардир!

110. Сизларниерингиздан чиқаришни хоҳлайди. Хўш, нимага амр қиласизлар?»

111. Дедиларки: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга тўпловчиларни юбор.

112. Ҳамма билимдон сеҳргарларни сенга олиб келсинлар».

113. Сеҳргарлар Фиръавнга келиб: «Агар биз ғолиб бўлсак, албатта мукофот олсак керак?» дедилар.

114. У: «Ҳа. Ва албатта, яқин кишиларим(дан бўлур)сизлар», деди.

115. «Эй Мусо, ёки сен ташла, ёки биз ташловчи бўлайлик», дедилар.

116. «Сизлар ташланглар», деди. Улар ташлаганларида, одамларнинг кўзини сеҳрладилар, қўрқитдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар.

117. Мусога: «Асоингни ташлагин», деб ваҳий юбордик. Бирдан у улар уйдираётган нарсани юта бошлади.

118. Бас, ҳақ қарор топди ва уларнинг қилаётганлари ботил бўлди.

119. Ўша ерда енгилдилар ва беобрў бўлдилар.

120. Ва сеҳргарлар саждага ташланиб:

121. Дедиларки: «Оламларнинг Роббига иймон келтирдик.

122. Мусо ва Ҳоруннинг Роббига».

123. Фиръавн айтди: «Мен сизга изн бермай туриб, унга иймон келтирдингизми?! Албатта, бу сизнинг шаҳарда унинг аҳлини чиқариб юбориш учун қилган макрингиздир. Ҳали биласиз.

124. Албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қарши томонидан кесаман ва ҳаммангизни осаман».

125. Дедилар: «Албатта, биз Роббимизга қайтувчимиз.

126. Роббимизнинг оятлари келганда уларга иймон келтирганимиз учунгина ўч олмоқдасан! Роббимиз, устимиздан сабр тўккин ва мусулмон ҳолимизда вафот эттиргин», дедилар.

127. Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар: «Мусо ва унинг қавмини ер юзида бузғунчилик қилишларига ҳамда сени ва олиҳаларингни тарк

қилишларига қўйиб берасанми?» дедилар. «Ўғилларини ўлдирурмиз ва қизларини тирик қолдирурмиз ва албатта, биз улар устидан қаҳр ўтказувчимиз», деди.

128. Мусо ўз қавмига: «Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва сабр қилинглар. Ер Аллоҳники, уни бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мерос қилиб берадир. Ва оқибат тақводорларникидир», деди.

129. «Бизга келмасингдан олдин ҳам, келганингдан кейин ҳам озор тортдик», дедилар. У: «Шоядки, Роббингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни ер юзига халифа қилиб, қандай амал қилишингизга назар солса», деди.

130. Оли Фиръавнни шоядки, эслатма олсалар деб, қурғоқчилик ва мевалар танқислиги ила тутдик.

131. Улар ўзларига яхшилик етса: «Бунга биз ҳақдормиз», дедилар. Агар уларга ёмонлик етса, Мусо ва у билан бирга бўлганлардан шумландилар. Огоҳ бўлингларки, уларнинг шумланган нарсаси фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир, лекин кўплари билмаслар.

132. Улар: «Ҳар қанча оят келтириб, бизни сеҳрламоқчи бўлсанг ҳам, биз сенга иймон келтирувчи эмасмиз», дедилар.

133. Бас, уларнинг устидан тўфон, чигиртка, кана, бақа ва қонни очиқ-ойдин ва муфассал белгилар қилиб юбордик. Бас, мутакаббирлик қилдилар ва жиноятчи қавм бўлдилар.

134. Устларига қақшатқич азоб тушса: «Эй Мусо, сенга берган аҳд ҳурмати, Роббингга дуо қил, агар биздан азобни кўтарсанг, албатта сенга иймон келтирурмиз ва Бану Исроилни сен билан қўйиб юборурмиз», дер эдилар.

135. Қачонки устларидаги азобни ўзлари етиб борадиган муддатга кўтарсак, қарабсанки, қасамларини бузиб турибдилар.

136. Бас, улардан интиқом олдик. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлари ва улардан ғофил бўлганлари учун уларни денгизга ғарқ қилдик.

137. Ва хўрланиб юрган қавмни эса ўзимиз баракали қилган ернинг машриқию мағрибига меросхўр қилдик. Сабр қилганлари учун Роббингнинг гўзал сўзлари Бану Исроилга батамом бўлди. Фиръавн ва унинг қавми қурган нарсаларни ва улар юксалтирган нарсаларни вайрон қилдик.

138. Ва Бану Исроилни денгиздан ўтказдик. Бас, санамларига берилиб сиғинаётган қавм устига келишди. «Эй Мусо, уларнинг илоҳаларига ўхшаш бизга ҳам илоҳ қилиб бер», дедилар. У айтди: «Албатта, сиз нодонлик қилаётган қавмсиз.

139. Ахир анавилар ўзлари ичида турган нарса ҳалокатдир ва қилаётган ишлари ботилдир».

140. «Сизларга Аллоҳдан ўзгани худо қилиб берайми?! Ҳолбуки, У сизларни оламлардан афзал қилган Зот-ку!» деди.

141. Сизларни ёмон азобларга қўяётган, ўғилларингизни ўлдириб, қизларингизни тирик қолдираётган Оли Фиръавндан қутқарганимизни эсланг! Ва бу ишда Роббингиздан улуғ синов бордир.

142. Ва Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашдик. Кейин эса уни ўн (кеча) билан тугал қилдик. Бас, Роббининг белгилаган вақти тўлиқ қирқ кеча бўлди. Мусо акаси Ҳорунга: «Қавмимда менинг ўрнимни ол, яхши иш қил, бузғунчиларнинг йўлига эргашма», деди.

143. Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида «Роббим, менга (жамолингни) кўрсатгин, Сенга назар солай», деди. У Зот: «Мени ҳеч кўра олмассан. Лекин тоққа назар сол, агар у маконида собит тура олса, бас, Мени кўрасан», деди. Робби тоққа тажаллий қилган эди, уни титилган ҳолга келтирди ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳушига келгач: «Сен поксан, Сенга тавба қилдим. Мен мўминларнинг биринчисиман», деди.

144. У Зот деди: «Эй Мусо, Мен сени одамлар ичидан рисолатларим ва гаплашишим ила танлаб олдим. Бас, сенга берган нарсамни ол ва шукр қилувчилардан бўл!

145. – Ва унга лавҳларда ҳамма нарсадан мавъиза ва ҳар бир нарсанинг тафсилотини ёзиб бердик. – Бас, уларни қувват ила тут ва қавмингга буюр, уларнинг энг яхшиларини олсинлар. Энди сизларга фосиқларнинг диёрини кўрсатаман».

146. Энди ер юзида ноҳақ мутакаббирлик қилаётганларни, барча оятларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмаётганларни, тўғрилик йўлини кўрсалар ҳам, уни ўзларига йўл тутмаётганларни, агар адашув йўлини кўрсалар, уни ўзларига йўл тутаётганларни Ўз оятларимдан бураман. Бундай бўлиши уларнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганлари ва улардан ғофил бўлганлари сабабидандир.

147. Оятларимизни ва охират мулоқотини ёлғонга чиқарганлар амаллари ҳабата бўлганлардир. Улар фақат қилиб юрган амалларининг жазосини олурлар.

148. Мусонинг қавми ундан кейин тақинчоқларидан (ясалган), бўкирадиган бузоқ жасадини (илоҳ) тутдилар. Унинг уларга гапирмаслигини ва уларни ҳидоят қилмаслигини билмадиларми?! Уни (илоҳ) тутдилар ва зулм қилувчилардан бўлдилар.

149. Қўлларидаги тушиб, ўзларининг адашганларини билгач: «Агар Роббимиз бизга раҳм қилмаса ва мағфират этмаса, албатта зиёнкорлардан бўлажакмиз», дедилар.

150. Қачонки Мусо ўз қавмига ғазабнок ва афсус қилган ҳолида қайтганида: «Менинг кетимдан нақадар ёмон халифа бўлдингиз. Роббингизнинг

амридан (олдин) шошилдингизми?!» деди ва лавҳларни ташлаб, акасининг бошидан тутиб, ўзига торта бошлади. (Ҳорун) «Эй онамнинг ўғли, шубҳасиз, бу қавм мени хўрлади ва ўлдириб қўйишларига сал қолди. Энди душманларни устимдан кулдирмагин ва мени ҳам золим қавмлардан деб билмагин», деди.

151. У: «Роббим, мени ва оғамни мағфират қилгин ва бизларни Ўз раҳматингга киритгин. Сен раҳмлиларнинг раҳмлисисан», деди.

152. Албатта, бузоқни (илоҳ) тутганларга Ребларидан ғазаб ва дунё ҳаётида хорлик етадир. Ёлғон тўқувчиларни мана шундай жазолармиз.

153. Гуноҳ ишларни қилганлар ундан кейин тавба қилсалар ва иймон келтирсалар, албатта, Роббинг ундан сўнг мағфиратлидир, раҳмлидир.

154. Мусонинг ғазаби босилгач, лавҳларни олди. Уларнинг нусхасида Роббларидан ҳақиқатда қўрқадиганлар учун ҳидоят ва раҳмат бор эди.

155. Ва Мусо мийқотимизга қавмидан етмиш кишини танлаб олди. Уларни даҳшатли зилзила тутган пайтда деди: «Роббим, агар хоҳласанг, буларни ҳам, мени ҳам бундан олдин ҳалок қилсанг бўларди. Эсипастларимиз қилган иш туфайли бизни ҳалок қиласанми? Бу Сенинг синовингдан бошқа нарса эмас. У ила кимни хоҳласанг, адаштирасан ва кимни хоҳласанг, ҳидоятга соласан. Сен валийимизсан, бас, бизни мағфират қил ва раҳм эт. Сен мағфират қилувчиларнинг энг яхшисисан.

156. Ва бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни ёзиб қўй. Биз Сенга тавба қилдик». У Зот деди: «Азобим ила кимни хоҳласам, тутаман. Раҳматим эса ҳамма нарсадан кенгдир. Уни тақво қилганларга, закот берганларга, оятларимизга иймон келтирганларга ёзажакман.

157. Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий набий, расулга эргашурлар. Бас, унга иймон келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга эргашганлар – ана ўшалар нажот топувчилардир».

158. «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга, осмонлару ернинг мулки Уники бўлган, Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган ва тирилтириб, ўлдирадиган Аллоҳнинг Расулидирман. Бас, Аллоҳга ҳамда Унинг Аллоҳ ва Унинг калималарига иймон келтирадиган уммий набийига иймон келтиринг. Ва унга эргашинг, шоядки, ҳидоят топсангиз», деб айт.

159. Ва Мусонинг қавмидан баъзи жамоалар борки, ҳақ ила ҳидоят қилиб, у ила адолат қилурлар.

160. Уларни ўн икки уруғ – жамоага бўлиб юбордик. Ва қавми ундан сув талаб қилган пайтда Мусога: «Асоинг ила тошни ур!» деб ваҳий

юбордик. Ундан (тошдан) ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Ҳамма одамлар ўз сувхонасини билди. Ва уларга булутни соябон қилдик, манн ва беданаларни нозил қилдик. «Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар», (дедик). Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар.

161. Уларга: «Мана бу шаҳарни маскан тутинглар, унда хоҳлаган жойингизда таом енг ва «Ҳиттотун» («гуноҳларимизни кечир») деб эшикдан сажда қилган ҳолингизда киринг, сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз, эҳсон қилувчиларга зиёда қиламиз», деганимизни эсла.

162. Бас, улардан зулм қилганлари уларга айтилган сўзни бошқасига алмаштирдилар. Бас, зулм қилганлари туфайли устларига осмондан қақшатқич азоб юбордик.

163. Улардан денгиз соҳилида жойлашган қишлоқ ҳақида, шанба куни ҳаддидан ошганлари, шанбалик кунлари балиқлари очиқ келиб, шанбалик қилмаган кунлари келмагани ҳақида сўра. Қилган фосиқликлари туфайли уларни шундай синаймиз.

164. Улардан бир жамоа: «Аллоҳ ҳалок қилувчи ёки шиддатли азоб-ла азобловчи қавмга ваъз қилиб нима қиласиз?!» деганида «Роббингизга узр бўлиши учун ва шоядки, тақво қилсалар деб», дедилар.

165. Бас, ўзларига эслатма бўлган нарсани унутганларида, ёмонликдан қайтараётганларга нажот бердик ва зулм қилганларни фосиқлик қилганлари туфайли шиддатли азоб ила тутдик.

166. Бас, ўзлари қайтарилган нарсадан қайтмай, такаббурлик қилганларида, уларга: «Хорланган маймунларга айланинг!» дедик.

167. Роббинг, албатта, уларнинг устларига қиёмат кунигача уларга ёмон азобни тоттирадиганларни юборишни эълон қилганини эсла! Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир ва албатта, У мағфиратлидир, раҳмлидир.

168. Ва уларни ер юзида жамоаларга бўлиб юбордик. Уларнинг солиҳлари ҳам бор, ундай эмаслари ҳам бор. Шоядки, қайтсалар деб, уларни яхшиликлар ва ёмонликлар ила синадик.

169. Бас, улардан сўнг, ортларидан китобни меросга олган бир ўринбосарлар келдики, мана бу тубаннинг ўткинчи (матоҳи)ни оладилар ва: «Биз кечирилурмиз», дерлар. Агар ўшанга ўхшаш ўткинчи нарса келса, яна олаверадилар. Улардан Аллоҳга нисбатан фақат ҳақдан бошқа нарса айтмасликка Китобнинг аҳду паймони олинган эмасмиди?! Охират диёри тақво қилганлар учун яхшироқдир. Ақл юритмайсизларми?!

170. Китобни маҳкам тутганлар ва намозни тўкис адо этганлар бўлса, албатта, Биз ислоҳ қилувчиларнинг ажрларини зое қилмасмиз.

171. «Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсаларни эсланг, шоядки, тақво қилсангиз», (дея) уларнинг устига тоғни худди

соябондек кўтарганимизни ва улар уни устларига тушиб кетади деб ўйлаганларини эсла.

172. Эсла, Роббинг Одам ўғилларининг белларидан зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: «Роббингиз эмасманми?» деди. Улар: «Ҳа, гувоҳ бўлдик!» дедилар. (Бу) қиёмат куни «Бундан ғофил эдик», демасликларингиз учундир.

173. Ёки: «Ҳақиқатда, олдинги ота-боболаримиз ширк келтирганлар, биз эса уларнинг кейинги зурриётимиз. Ботил иш қилувчиларнинг қилмиши туфайли бизларни ҳалок этасанми?» демаслигингиз учун.

174. Шояд, қайтсалар деб, оятларни мана шундай батафсил баён қиламиз.

175. Оятларимизни берганимизда, улардан ўзини олиб қочган ва уни шайтон эргаштириб кетиб, иғвога учганлардан бўлган шахснинг хабарини уларга тиловат қилиб бер!

176. Агар хоҳласак, уни ўшалар (оятлар) билан кўтарар эдик. Лекин унинг ўзи ерга ёпишди ва ҳавои нафсига эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшар, уни ҳайдасанг ҳам, тилини осилтириб тураверади, тек қўйсанг ҳам, тилини осилтириб тураверади. Бу оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисолидир. Бу қиссани айтиб бер, шоядки, тафаккур қилсалар.

177. Оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисоли нақадар ёмон бўлди! (Улар) ўзларига зулм қилар эдилар.

178. Аллоҳ кимни ҳидоятга солса, ўша ҳидоят топувчидир. Кимни адаштирса, ўшалар – ўзлари зиён кўрувчилардир.

179. Батаҳқиқ, жаҳаннам учун кўплаб жин ва инсларни яратдик. Уларнинг қалблари бор-у, у билан тушуна олмаслар. Кўзлари бор-у, у билан кўра олмаслар. Қулоқлари бор-у, у билан эшита олмаслар. Ана ўшалар чорва каби, балки улардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар ғофилдирлар.

180. Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша (исм)лар ила дуо қилинг ва Унинг исмларида оғадиганларни тек қўйинг. Яқинда қилган амалларига яраша жазоланурлар.

181. Ва Биз яратган кимсалар ичида ҳақ ила ҳидоят қиладиган ва у ила адолат қиладиган жамоат ҳам бор.

182. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса улар билмайдиган томондан аста-секин оламиз.

183. Уларга муҳлат бериб қўяман. Албатта, Менинг «ҳийлам» метиндир.

184. Улар ўз соҳибларида мажнунлик йўқлигини тафаккур қилиб кўрмайдиларми?! У фақат очиқ-ойдин огоҳлантирувчи, холос.

185. Осмонлару ернинг ажойиботга тўлиқ мулкларига, Аллоҳ яратган нарсаларга ва ажаб эмаски, муддатлари яқинлашиб қолганига назар солмайдиларми? Бундан кейин яна қайси гапга ишонадилар?!

186. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга ҳидоят қилувчи йўқдир. Уларни тек қўйиб қўяди, туғёнларида адашиб-улоқиб юраверадилар.

187. Сендан Соат (қиёмат) қачон собит бўлиши ҳақида сўрарлар. «Унинг илми фақат Роббим ҳузуридадир. Уни фақат Ўзигина зоҳир қилади. У осмонлару ерда оғир иш бўлади. Сизларга фақат тўсатдан келади», деб айт. Худди сен уни билишинг керакдек, сендан сўрарлар. «Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб айт.

188. «Ўзим учун на фойда ва на зararга молик эмасман. Фақат Аллоҳнинг хоҳлагани бўлур. Агар ғайбни билганимда, яхшиликни кўпайтириб олган бўлар эдим ва менга ёмонлик етмасди. Мен фақат иймон келтирадиган қавмлар учун огоҳлантирувчи ва башорат берувчиман, холос», деб айт.

189. У сизларни бир жондан яратган ва ором олиши учун ундан жуфтини яратган Зотдир. Вақтики, у (жуфтини) ўраганида енгил ҳомиладор бўлди. Бас, у билан юрди. У оғирлашганда эса икковлон Робблари Аллоҳга: «Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», деб дуо қилдилар.

190. Уларга солиҳ (фарзанд)ни берганида эса Аллоҳ берган нарсада Унга шериклар қила бошладилар. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан олийдир.

191. Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган нарсаларни ширк келтирурларми?

192. Ва уларга ёрдам беришга қодир эмаслар ҳамда ўзларига ҳам ёрдам бера олмаслар.

193. Агар уларни ҳидоятга даъват қилсангиз, сизга эргашмаслар. Уларни даъват қиласизми ёки жим турувчи бўласизми, сиз учун барибир.

194. Албатта, сиз Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётганлар ўзингизга ўхшаш бандалардир. Агар ростгўй бўлсангиз, уларга дуо қилиб кўринг, бас, сизга ижобат қилсинлар-чи.

195. Ёки уларнинг оёқлари бормики, юрсалар; ёки қўллари бормики, ушласалар; ёки кўзлари бормики, кўрсалар; ёки қулоқлари бормики, эшитсалар. Айтгин: «Шерикларингизни чақиринг-да, менга ҳеч муҳлат бермай, зиддимга ҳийла-найранг қилаверинг!

196. Албатта, менинг валийим – Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳларни дўст тутадир.

197. Ундан ўзга сиз ибодат қилаётганлар сизга ёрдам беришга қодир эмаслар ва ўзларига ҳам ёрдам бера олмаслар.

198. Агар уларни ҳидоятга даъват қилсангиз, эшитмаслар. Уларни сенга назар солиб тургандек кўрасан. Ҳолбуки, улар кўрмаслар».

199. Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўгир.

200. Агар сенга шайтон томонидан санчиш санчилса, Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта, У эшитувчидир, кўрувчидир.

201. Тақво қилувчилар, агар уларга шайтондан бир шарпа етса, албатта, зикр қиларлар, бас, қарабсанки, улар (тўғри йўлни) кўрувчи бўлиб турибдилар.

202. Ва уларнинг (шайтонларнинг) биродарлари йўлдан оздиришда уларга мадад берарлар, сўнгра бунда тўхтамаслар.

203. Ва агар уларга мўъжиза келтирмасанг, «Ўзинг тўқиб қўявермайсанми?» дерлар. «Мен фақат Роббимдан ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос. Мана бу – иймон келтирувчи қавм учун Роббингиздан кўз очувчи, ҳидоят ва раҳматдир», деб айт.

204. Қуръон тиловат қилинганда, уни тингланглар ва жим туринглар, шояд, раҳматга эришсангиз.

205. Роббингни эртаю кеч ичингда тазарру-ла, қўрқиб, овоз чиқариб гапирмай зикр қил ва ғофиллардан бўлма.

206. Роббинг ҳузуридагилар, албатта, Унинг ибодатидан мутакаббирлик қилмаслар, Уни поклаб ёд этарлар ва Унга сажда қиларлар.

8. АНФОЛ СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 75 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Сендан ўлжалар ҳақида сўрарлар. «Ўлжалар Аллоҳ ва Расулиникидир. Бас, Аллоҳга тақво қилинглар ва ўз ораларингизни ислоҳ этинглар. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинглар», деб айт.

2. Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилувчи ва Роббларига таваккул қилувчиларгина мўминлардир.

3. Улар намозни тўкис адо этадиганлар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қиладиганлардир.

4. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Уларга Робблари ҳузурида даражалар, мағфират ва карамли ризқ бор.

5. Албатта, бу ҳолат мўминлардан бир гуруҳи ёқтирмаган бўлсалар ҳам, Роббинг сени ҳақ ила уйингдан чиқарганига ўхшайди.

6. Худди ўзлари кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдалаётгандек, ҳақ аён бўлганидан кейин ҳам сен билан баҳслашадилар.

7. Ўшанда Аллоҳ сизга икки тоифадан бири албатта сизники бўлишини

ваъда қилган эди. Шавкати йўғи сизларники бўлишини суяр эдингиз. Аллоҳ эса Ўз калималари ила ҳақни ҳақ қилишни ва кофирларнинг думини қирқишни ирода қилган эди.

8. Жиноятчилар ёқтирмасалар ҳам, ҳақни ҳақ, ботилни ботил қилиш учун шундай бўлишини ирода қилган эди.

9. Ўшанда Роббингиздан мадад сўраганингизда, сизга (сўровингизни) ижобат қилиб: «Албатта, Мен сизларга кетма-кет келадиган мингта фаришта ила мадад берувчиман», деди.

10. Аллоҳ уни (мададни) башорат ва қалбларингиз у билан хотиржам бўлиши учунгина қилди. Ғалаба эса фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

11. Ўшанда У сизни Ўзидан омонлик қилиб, мудроқ ила ўраган эди ва сизни поклаш, сиздан шайтоннинг васвасасини кетказиш ҳамда қалбларингизни боғлаш ва қадамларингизни собит қилиш учун устингизга осмондан сув туширган эди.

12. Ўшанда Роббинг фаришталарга: «Мен, албатта, сиз биланман, бас, сиз иймон келтирганларни собит қилинг. Куфр келтирганларнинг қалбларига тезда қўрқинч соламан. Бас, бўйинлар устидан зарба беринглар ва ҳамма бармоқларига зарба беринглар», деб ваҳий қилган эди.

13. Бу уларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши турганлари учундир. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши турса, бас, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

14. Ана шу! Бас, уни тотинглар! Албатта, дўзах азоби кофирларгадир.

15. Эй иймон келтирганлар, куфр келтирганларга яқинлашиб, юзма-юз келганингизда ортга қараб қочманг.

16. Кимки ўша кунда орқага қараб қочса – жанг учун четга чиққан ёки бирор жамоага қўшилмоқчи бўлган бундан мустасно – батаҳқиқ, Аллоҳнинг ғазабига қолибди. Унинг жойи жаҳаннамдир. У нақадар ёмон жой!

17. Уларни сиз ўлдирмадингиз, балки Аллоҳ ўлдирди. Отган пайтингда, сен отмадинг, балки Аллоҳ отди. Ва мўминларни гўзал синов ила синаш учун (шундай қилди). Албатта, Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

18. Ана ўша! Бу Аллоҳ кофирларнинг ҳийласини заиф қилгувчи бўлганидандир.

19. Агар орани очишни сўраган бўлсангиз, бас, батаҳқиқ, сизга орани очиш келди. Агар тўхтасангиз, бу ўзингиз учун яхшидир. Агар қайтсангиз, Биз ҳам қайтамиз. Гуруҳингиз қанча кўп бўлса ҳам, ҳеч бир ҳожатингизни чиқара олмас. Албатта, Аллоҳ мўминлар билан биргадир.

20. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилингиз ва эшитиб туриб, Ундан юз ўгириб кетмангиз.

21. Ва ўзлари эшитмасалар ҳам, «Эшитдик» деганлар каби бўлмангиз.

22. Аллоҳнинг ҳузурида жонзотларнинг энг ёмони – кару соқов бўлиб, ақл юритмайдиганлардир.

23. Агар Аллоҳ уларда бирор яхшиликни билса, албатта эшиттирар эди ва агар уларга эшиттирса ҳам, албатта юз ўгириб, бурилиб кетар эдилар.

24. Эй иймон келтирганлар, сизга ҳаёт берадиган нарсага чақирганларида, Аллоҳ ва Расулига жавоб беринг ва билингки, албатта, Аллоҳ киши билан унинг қалбини ажратиб қўяди ва албатта Унинг ҳузурида тўпланурсиз.

25. Фитнадан сақланинг. У фақат золимларингизгагина хос бўлиб қолмайди. Ва билингки, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

26. Сиз ер юзида оз сонли, заифҳол бўлиб, одамлар сизни тутиб олишидан қўрқиб юрган ҳолингизни эсланг. Бас, У Зот сизга жой берди, Ўз нусрати ила қўллади ва сизларга пок нарсаларни ризқ қилиб берди. Шоядки, шукр қилсангиз.

27. Эй иймон келтирганлар, билиб туриб, Аллоҳга, Расулга хиёнат қилманг ва омонатларингизга хиёнат қилманг.

28. Ва билингки, молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас ва албатта, Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бордир.

29. Эй иймон келтирганлар, агар Аллоҳга тақво қилсангиз, сизга фурқон қилиб беради, гуноҳларингизни ювиб, мағфират қилади. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.

30. Куфр келтирганлар сени ушлаш, ўлдириш ёки чиқариб юбориш учун макр қилганларини эсла. Улар макр қилдилар ва Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳ «макр» қилувчиларнинг зўридир.

31. Уларга оятларимиз тиловат қилинса: «Батаҳқиқ, эшитдик, агар хоҳласак, бунга ўхшашни ўзимиз ҳам айтамиз. Бу аввалгиларнинг афсонасидан ўзга нарса эмас», дейдилар.

32. «Аллоҳим, агар мана шу сенинг ҳузурингдан келган ҳақ бўлса, устимизга осмондан тош ёғдиргин ёки бизга аламли азоб юборгин», деганларини эсла.

33. Модомики, сен уларнинг ичида экансан, Аллоҳ уларни азобламас. Модомики, улар истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобловчи эмас.

34. Уларга нима бўлдики, улар Масжидул Ҳаромдан тўссалар ҳам ва унинг валийлари бўлмасалар ҳам, Аллоҳ уларни азобламас экан. Унинг валийлари тақводорлардан ўзга ҳеч ким эмас. Лекин кўплари билмаслар.

35. Байтнинг олдидаги намозлари ҳуштак ва қарсак чалишдан иборат эди, холос. Бас, куфр келтирганингиз туфайли азобни татиб кўринг.

36. Албатта, куфр келтирганлар молларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун сарфларлар. Бас, уларни сарфлайдилар-у, сўнгра ўзларига ҳасрат бўладир, кейин мағлуб бўлурлар. Куфр келтирганлар жаҳаннамга тўпланурлар.

37. Аллоҳ покдан нопокни айириши учун ва нопокнинг баъзиси устига баъзисини тахлаб, ҳаммасини жаҳаннамга ташлаши учун. Ана ўшалар зиён кўргувчилардир.

38. Куфр келтирганларга айт, агар тўхтасалар, ўтган нарсалар мағфират қилинур ва агар қайтадиган бўлсалар, бас, батаҳқиқ, аввалгиларнинг суннати ўтган.

39. Ва улар билан то фитна бўлмагунча ва диннинг ҳаммаси Аллоҳга бўлгунча, уруш қилинг. Агар тўхтасалар, Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб турувчидир.

40. Агар юз ўгирсалар, бас, билгинки, албатта, Аллоҳ Хожангиздир. У нақадар яхши хожа ва нақадар яхши нусрат берувчи!

41. Ва агар Аллоҳга ва фурқон куни – икки жамоат тўқнашган куни бандамизга нозил қилган нарсамизга иймон келтирган бўлсангиз, билингки, ўлжага олган нарсангиздан бешдан бири Аллоҳга, Расулига, яқинларига, етимларга, мискинларга ва мусофирларгадир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

42. Ўшанда сизлар (водийнинг Мадинага) яқин тарафида, улар узоқ тарафида, отлиқлар эса сиздан пастда эди. Агар ваъдалашиб олганингизда ҳам, келишилган жой ва вақтда хилоф қилардингиз. Лекин Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиши учун – ҳалок бўладиган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан ҳалок бўлиши, яшаши керак бўлган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан яшаши учун (тўқнашдингиз). Ва, албатта, Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

43. Ўшанда Аллоҳ тушингда уларни сенга оз кўрсатди. Агар уларни сенга кўп кўрсатганида, тушкунликка учрар эдингизлар ва бу ишда ораларингизда низо чиқар эди. Лекин Аллоҳ сақлади. Албатта, У дилингиздаги нарсани билувчидир.

44. Ўшанда, тўқнашганингизда, уларни сизнинг кўзингизга оз қилиб кўрсатганини, сизни уларнинг кўзига оз қилиб кўрсатганини эсланг. Буни Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиш учун қилди. Ва барча ишлар Аллоҳга қайтарилур.

45. Эй иймон келтирганлар! (Кофир) жамоатга рўбарў келсангиз, саботли бўлинг ва Аллоҳни кўп зикр қилинг, шоядки, нажот топсангиз.

46. Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг. Ўзаро низо қилманг, акс ҳолда

тушкунликка учрайсиз ва куч-қувватингиз кетади. Ва сабр қилинг. Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар биландир.

47. Ва диёрларидан кибру ҳаво билан, одамларга риё учун чиқиб, Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганларга ўхшаманг. Аллоҳ қилаётган амалларини қамраб олувчидир.

48. Ўшанда шайтон уларга амалларини чиройли кўрсатди ва: «Бу кунда одамлардан сизга ғолиб кела оладиган ҳеч ким йўқ. Мен сизнинг ҳимоячингизман», деди. Икки жамоа бир-бирини кўрганида эса у ортига қайтди ва: «Албатта, мен сиз кўрмаётган нарсани кўрмоқдаман. Мен Аллоҳдан қўрқаман», деди. Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

49. Ўшанда мунофиқлар ва қалбларида касаллик борлар: «Анавиларни дини мағрур қилиб юборди», дедилар. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

50. Фаришталар куфр келтирганларнинг жонини ола туриб, юзларига ва кетларига уриб: «Ёнғин азобини тотинг!

51. Бу қўлингиз тақдим қилган нарса туфайлидир. Албатта, Аллоҳ бандаларига ҳеч зулм қилувчи эмасдир», дейишларини кўрсанг эди.

52. Худди Оли Фиръавн ва улардан олдингиларнинг қилмишларига ўхшайди. Аллоҳнинг оятига куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни гуноҳлари туфайли тутди. Албатта, Аллоҳ қувватлидир, иқоби шиддатли Зотдир.

53. Бундай бўлиши Аллоҳ бир қавмга берган неъматини, токи улар ўзларини ўзгартирмагунларича, ўзгартирувчи бўлмаслиги ва Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зот бўлганидандир.

54. Худди Оли Фиръавн ва улардан олдингиларнинг қилмишига ўхшаб, Роббларининг оятларини ёлғонга чиқардилар. Бас, уларни гуноҳлари туфайли ҳалок қилдик ва Оли Фиръавнни ғарқ қилдик. Ҳаммалари золим эдилар.

55. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида жонзотларнинг ёмони куфр келтирганларидир. Бас, улар иймон келтирмаслар.

56. Улар – сен аҳд олганлар, сўнгра қўрқмай, ҳар сафар аҳдларини бузадиганлардир.

57. Агар урушда улар устидан зафар қозонсанг, бас, уларни ҳалок қилиш билан ортларидагиларни сарсон қилиб қўй, шоядки, эслатма олсалар.

58. Агар бирор қавмнинг хиёнатидан қўрқадиган бўлсанг, уларга (аҳд бузилганини) тенгма-тенг билдир. Албатта, Аллоҳ хоинларни севмас.

59. Куфр келтирганлар ўзларини ўзиб кетган деб ўйламасинлар. Улар (У Зотни) ожиз қолдирувчи эмаслар.

60. Улар учун қўлингиздан келганича куч-қувват ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг душманини,

ўз душманингизни ва улардан бошқа ўзингиз билмайдиганларни қўрқитасиз. Уларни Аллоҳ билади. Аллоҳ йўлида нимани сарф қилсангиз, сизга тўлиқ қайтарилур. Сизга зулм қилинмас.

61. Агар улар тинчликка мойил бўлсалар, сен ҳам мойил бўл. Ва Аллоҳга таваккул қил. Албатта, У эшитувчидир, билувчидир.

62. Агар сени алдашни ирода қилсалар, бас, сенга Аллоҳ кифоя қиладир. У сени Ўз нусрати ва мўминлар билан қўллаган.

63. Ҳамда уларнинг қалбларини бирлаштирган Зотдир. Агар ер юзидаги ҳамма нарсани сарф қилсанг ҳам, уларнинг қалбларини бирлаштира олмас эдинг. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштирди. Албатта, У азиздир, ҳакимдир.

64. Эй Набий, сенга ва сенга эргашган мўминларга Аллоҳ кифоядир.

65. Эй Набий, мўминларни жангга чорла! Агар сиздан йигирмата сабрли бўлса, икки юзтани енгади. Агар сиздан юзта бўлса, куфр келтирганлардан мингтасини енгади. Бу улар тушунмайдиган қавм бўлганларидандир.

66. Энди Аллоҳ сизлардан енгиллаштирди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, агар сиздан юзта сабрли бўлса, икки юзтани енгади. Агар сиздан мингта бўлса, Аллоҳнинг изни ила икки мингтани енгади. Аллоҳ сабрлилар биландир.

67. Ер юзида забардаст бўлмагунича набийнинг асирлари бўлиши дуруст эмас эди. Сизлар дунёнинг ўткинчи матоҳини истайсизлар. Аллоҳ эса охиратни истайдир. Ва Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

68. Агар Аллоҳнинг олдиндан ёзгани бўлмаганида, олган нарсаларингиз туфайли сизга улуғ азоб етар эди.

69. Бас, ўлжага олган нарсаларингиздан ҳалол-пок ҳолда енглар. Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

70. Эй Набий, қўлингиздаги асирларга: «Агар қалбларингизда яхшилик бўлса, Аллоҳ билур ва сизга ўзингиздан олинган нарсадан кўра яхшироқ нарсани берур ва сизни мағфират қилур. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир», деб айт!

71. Агар сенга хиёнат қилишни истасалар, батаҳқиқ, бундан олдин Аллоҳга хиёнат қилган эдилар. Бас, У уларга қарши имкон топди. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

72. Албатта, иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳнинг йўлида молу жонлари билан жиҳод қилганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар – ана ўшалар бир-бирларига валийдирлар. Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаганларга эса то ҳижрат қилмагунларича, сиз ҳеч валий бўла олмассиз. Агар улар сиздан динда ёрдам сўрасалар, ёрдам бермоғингиз вожиб. Фақат сиз билан ўрталарида аҳднома бор қавм зиддига эмас. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

73. Куфр келтирганлар бир-бирларига дўстдирлар. Агар (мазкур нарсани) қилмасангиз, ер юзида фитна ва катта фасод бўладир.

74. Иймон келтирган, ҳижрат этган, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар – ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Улар учун мағфират ва карамли ризқ бордир.

75. Кейин иймон келтириб, ҳижрат қилган ва сизлар билан жиҳод қилганлар ҳам сизлардандир. Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

9. ТАВБА СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 129 оятдан иборат.

1. (Бу) Аллоҳдан ва Унинг Расулидан мушрикларнинг сиз аҳдлашганларингизга «бароат» – ора очиқлиги (эълони)дир.

2. Бас, ер юзида тўрт ой сайр қилиб юринглар ва билингларки, албатта, сиз Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз ва албатта, Аллоҳ кофирларни хор қилувчидир.

3. (Бу) Аллоҳ ва Унинг Расулидан одамларга «ҳажжул акбар» кунидаги билдиришдир. Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расулининг мушриклар билан оралари очиқдир. Бас, агар тавба қилсангиз, у ўзингиз учун яхшидир. Агар юз ўгириб кетадиган бўлсангиз, билингларки, албатта, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз. Куфр келтирганларга аламли азобнинг «хушхабар»ини беравер.

4. Мушриклардан сиз аҳдлашган, сўнгра бирор нарсангизда нуқсон қилмаган ва сизга қарши ҳеч кимга ёрдам бермаганлар мустасно. Бас, уларга аҳдларини муддатларигача тугал қилинг. Албатта, Аллоҳ тақводорларни севадир.

5. Бас, ҳаром ойлар чиққанда, мушрикларни қаерда топсангиз, ўлдиринглар, тутинглар, қамал қилинглар ва уларни ҳар жойда пойланглар. Агар тавба қилсалар, намозни тўкис адо этсалар ва закотни берсалар, йўлларига қўйиб юборинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

6. Агар мушриклардан бирортаси паноҳ сўраса, унга паноҳ бер, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра уни омонлик жойига етказиб қўй. Бу улар билмайдиган қавм бўлганлари учундир.

7. Қандай қилиб мушрикларга Аллоҳнинг ҳузурида ва Унинг Расулининг ҳузурида аҳд бўлсин?! Аммо сиз билан Масжидул Ҳаром олдида аҳдлашганлар, модомики сизга нисбатан мустақим турсалар, сиз ҳам мустақим туринг. Албатта, Аллоҳ тақводорларни севади.

8. Қандай қилиб (уларга аҳд бўлсинки), агар улар сиздан устун келсалар, на аҳдга ва на бурчга риоя этмаслар. Сизни оғизлари билан рози қиладилар-у, қалблари кўнмас. Уларнинг кўплари фосиқлардир.

9. Аллоҳнинг оятларини озгина баҳога сотиб, Унинг йўлидан тўсдилар. Дарҳақиқат, уларнинг қилганлари нақадар ёмон бўлди!

10. Мўмин ҳақида на аҳдга ва на бурчга риоя қилмаслар. Ана ўшалар – ўзлари тажовузкорлардир.

11. Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўкис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар. Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз.

12. Агар аҳд берганларидан кейин аҳдларини бузсалар ва динингизга таъна тошини отсалар, куфрбошиларга қарши жанг қилинг! Зеро, уларнинг аҳдлари йўқдир. Шоядки, тўхтасалар.

13. Аҳдларини бузган, Расулни (юртдан) чиқаришга қасд қилган ва сизга (қарши) биринчи бўлиб (уруш) бошлаган қавм билан урушмайсизми?! Улардан қўрқасизми?! Агар мўмин бўлсангиз, қўрқишингизга лойиқ Зот Аллоҳдир!

14. Уларга қарши жанг қилинглар! Аллоҳ уларни сизнинг қўлингиз билан азоблайди, хорлайди ва уларга қарши сизга ёрдам беради. Ва мўмин қавмларнинг кўнгилларига шифо беради.

15. Ва қалбларидаги аччиқни кетказади. Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшанинг тавбасини қабул қиладир. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

16. Сиздан жиҳод қилганларни, Аллоҳдан, Унинг Расулидан ва мўминлардан ўзгани дўст тутмаганларни билмай туриб, Аллоҳ томонидан тарк этиб қўйилмоғингизни ўйладингизми? Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир.

17. Мушрикларга, ўзларининг кофир эканликларига гувоҳ бўлган ҳолларида, Аллоҳнинг масжидларини обод қилишлари жоиз эмас. Ана ўшалар амаллари ҳабата бўлганлардир ва улар дўзахда абадий қолувчилардир.

18. Албатта, Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар, намозни тўкис адо этганлар, закот берганлар ва Аллоҳдан бошқадан қўрқмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топгувчилардан бўлсалар.

19. Ҳожиларга сув беришни ва Масжидул Ҳаромни обод қилишни Аллоҳга, охират кунига иймон келтирган ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилган каби қилдингизми?! Улар Аллоҳнинг ҳузурида тенг эмаслар. Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

20. Иймон келтириб, ҳижрат қилганлар ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилганларнинг даражалари Аллоҳнинг ҳузурида жуда улуғдир. Ана ўшалар – ўзлари ютуққа эришувчилардир.

21. Робблари уларга Ўз тарафидан бўлган раҳмат, розилик ва ичида уларга аталган доимий неъматлар бор жаннатларнинг башоратини берадир.

22. Унда абадий қолувчилардир. Албатта, Аллоҳ – ҳузурида улуғ ажр бор Зотдир.

23. Эй иймон келтирганлар! Агар куфрни иймондан устун кўрсалар, ота-онангиз ва ака-укаларингизни дўст тутманг. Сиздан ким уларни дўст тутса, бас, ана ўшалар, ўзлари золимлардир.

24. «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз, касб қилган молларингиз, касод бўлишидан қўрққан тижоратларингиз ва хуш кўрган масканларингиз сизга Аллоҳдан, Унинг Расули ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан маҳбуброқ бўлса, у ҳолда Аллоҳ Ўз амрини келтиргунча кутиб туринг. Аллоҳ фосиқ қавмни ҳидоят қилмас», деб айт.

25. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди. Ҳунайн кунида ҳам. Ўшанда сизни кўплигингиз ғурурлантирган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва кенг ер сизга торлик қилиб қолди. Сўнгра ортга қараб қочдингиз.

26. Сўнгра Аллоҳ Расулига ва мўминларга сокинлигини туширди ҳамда сиз кўрмайдиган лашкарларни туширди ва куфр келтирганларни азоблади. Ана ўша кофирларнинг жазосидир.

27. Сўнгра, ўшандан кейин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларининг тавбасини қабул қилди. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

28. Эй иймон келтирганлар! Албатта, мушриклар нажасдирлар, бунга шубҳа йўқ, бу йилларидан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар. Агар фақирликдан қўрқсангиз, Аллоҳ Ўзи хоҳласа, сизни тезда фазли ила бой қилиб қўядир. Албатта, Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

29. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиганларга, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилган нарсаларни ҳаром деб билмайдиган ва ҳақ динга юрмайдиган китоб берилганларга қарши то улар бўйсунган ҳолларида ўз қўллари билан «жизя» бермагунича жанг қилинг.

30. Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Насоролар: «Масиҳ Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Бу оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатурлар. Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаён бурилмоқдалар?!

31. Аллоҳни қўйиб, ўзларининг ҳабр ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни робб тутдилар. Улар фақат битта илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Зот улар ширк келтираётган нарсадан покдир.

32. Аллоҳнинг нурини оғизлари билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса гарчи кофирлар ёқтирмаса ҳам, Ўз нурини батамом қилишдан бошқа ҳар нарсадан бош тортадир.

33. У, гарчи мушриклар ёқтирмаса ҳам, Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан уни ҳамма диндан устун қилиш учун юборган Зотдир.

34. Эй иймон келтирганлар! Албатта, ҳабр ва роҳибларнинг кўплари одамларнинг молларини ботил йўл билан ерлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар. Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азоб башоратини беравер.

35. Бир куни ўша (олтин-кумуш)лар жаҳаннам ўтида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» дейилур.

36. Албатта, Аллоҳнинг китобида ойларнинг сони Аллоҳнинг ҳузурида осмонлару ерни яратган кунда ўн икки ой қилиб белгиланган. Улардан тўрттаси (уруш қилиш) ҳаром (ойлар)дир. Мана шу тўғри диндир. Уларда (бу ойларда) ўзингизга зулм қилманг. Мушрикларга қарши жам бўлиб, улар сизга қарши жам бўлиб урушаётгандек уруш қилинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир.

37. Албатта, «насий» куфрда зиёда бўлишдан ўзга нарса эмас. Бу билан куфр келтирганлар залолатга кетказилурлар. Аллоҳ ҳаром қилган нарсанинг ададига мослаш учун уни бир йил ҳалол қилурлар, бир йил ҳаром қилурлар. Бас, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилурлар. Уларга ёмон амаллари чиройли кўрсатилди. Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас.

38. Эй иймон келтирганлар! Сизга нима бўлдики, «Аллоҳнинг йўлида қўзғалинг», дейилса, ерга ёпишиб олдингиз. Ёки охиратни қўйиб, дунё ҳаётига рози бўлдингизми? Охират олдида бу дунё ҳаётининг матоҳи жуда оз-ку?!

39. Агар қўзғалмасангиз, сизни аламли азоб билан азоблайдир ва сиздан бошқа қавмга алмаштирадир. Сиз Унга ҳеч бир зарар келтира олмассиз. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

40. Агар унга ёрдам бермасангиз, батаҳқиқ, куфр келтирганлар уни икки кишининг бири бўлган ҳолида чиқарганларида, Аллоҳ унга нусрат берди. Улар икковлон ғорда турганларида, у ҳамроҳига: «Хафа бўлма, албатта, Аллоҳ биз билан», деди. Бас, Аллоҳ унинг устидан Ўз сокинлигини нозил қилди ва уни сиз кўрмаган лашкарлар билан қўллади. Куфр келтирганлар калимасини паст қилди. Аллоҳнинг калимаси эса ўзи олийдир. Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

41. Енгил бўлса ҳам, оғир бўлса ҳам, қўзғалингиз ва Аллоҳнинг йўлида молларингиз ва жонларингиз ила жиҳод қилингиз. Агар билсангиз, шу ишингиз ўзингиз учун яхшидир.

42. Агар ўлжа яқин, сафар осон бўлганида сенга албатта эргашар эдилар. Лекин уларга масофа узоқ кўринди. Улар тезда Аллоҳ номи билан қасам ичиб: «Агар қодир бўлганимизда, албатта сиз билан чиқар эдик»,

дерлар. Улар ўзларини ҳалок қилурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ албатта, улар ёлғончи эканларини биладир.

43. Аллоҳ сени афв қилди. Нима учун то сенга ростгўй бўлганлар равшан бўлмай туриб ва ёлғончиларни билмасингдан туриб уларга изн бердинг?

44. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар сендан моллари ва жонлари билан жиҳод қилишдан қолишга изн сўрамаслар. Аллоҳ тақводорларни билувчидир.

45. Албатта, фақат Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиганлар ва қалблари шубҳага тўлганларгина сендан изн сўрарлар. Бас, улар шубҳаларида иккиланаверадилар.

46. Агар чиқишни хоҳлаганларида, унга тайёргарлик кўрар эдилар. Лекин Аллоҳ уларнинг отланишларини ёқтирмай, тутиб қолди. Уларга: «Ўтирганлар билан ўтиравеқинглар», деди.

47. Агар улар орангизда чиққанларида ҳам, сизга парокандаликдан бошқани зиёда қилмас, ичингизда фитна қўзғаб, изғиб юриб, орангизга раҳна солар эдилар. Ҳолбуки, ичингизда уларга қулоқ солувчилар бор эди. Аллоҳ золимларни билувчидир.

48. Бундан аввал ҳам, токи улар ёқтирмасалар-да, ҳақ келиб, Аллоҳнинг иши устун бўлгунича фитна қўзғаб, сенга ишларни ағдар-тўнтар қилишар эди.

49. Улардан «Менга изн бер, мени фитнага солма» дейдигани ҳам бор. Ажабо, улар фитнага тушмадиларми? Албатта, жаҳаннам кофирларни ўраб олувчидир.

50. Агар сенга яхшилик етса, уларни хафа қиладир. Агар сенга мусибат етса, «Аввалдан ишнинг олдини олган эдик», деб хурсанд бўлиб, юз ўгириб кетарлар.

51. «Бизга Аллоҳ ёзиб қўйган нарсадан ўзгаси зинҳор етмайди. У бизнинг Хожамиздир. Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар», деб айт.

52. «Сиз биз учун фақат икки яхшиликдан бирини кутмоқдасиз, холос. Биз эса Аллоҳ сизни Ўз ҳузурида бўладиган ёки бизнинг қўлимиздан етадиган азобга дучор қилишини кутмоқдамиз. Бас, кутаверинглар, биз ҳам сизлар билан бирга кутувчилармиз», деб айт.

53. Хоҳ ёқтириб, хоҳ ёқтирмай инфоқ қилинг, сиздан зинҳор қабул қилинмас. Шубҳасиз, сизлар фосиқ қавм бўлдингиз.

54. Инфоқларининг қабул этилишини ман қилган нарса фақат Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирганлари, намозга доимо дангаса ҳолларида келганлари ва доимо ёқтирмай инфоқ қилганларидир.

55. Моллари ҳам, болалари ҳам сени ажаблантирмасин. Аслида Аллоҳ ўша

нарсалар сабабли уларни дунё ҳаётида азоблашни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини ирода қилади, холос.

56. Ўзлари албатта сиздан эканликларига Аллоҳ номи ила қасам ичарлар. Ҳолбуки, улар сиздан эмас. Лекин улар қўрқадиган қавмдирлар.

57. Агар бирор бошпанами, ғорми ёки кириб оладиган жойми, топсалар, шошилиб ўша томонга юзланарлар.

58. Улардан садақалар ишида сенга айб қўядиганлари ҳам бор. Агар ўша садақалардан уларга берилса, улар рози бўларлар. Агар берилмаса, бирдан ғазабланарлар.

59. Агар Аллоҳ ва Унинг Расули уларга берган нарсалардан рози бўлганларида ва «Аллоҳ бизга кифоя қилур, бизга тезда Аллоҳ ва Унинг Расули ўз фазлидан беради. Албатта, биз Аллоҳга рағбат қилувчилармиз», деганларида эди...

60. Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга, унда (садақа ишида) ишловчиларга, қалблари улфат қилинадиганларга, қул озод қилишга, қарздорларга, Аллоҳнинг йўлига ва йўқсил йўлчига берилиши Аллоҳ томонидан фарз қилингандир. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

61. Улардан Набийга озор берадиган ва: «У қулоқдир», дейдиганлар бор. «(У) сиз учун яхшилик бўлган нарсага қулоқдир. Аллоҳга иймон келтирадир, мўминларга ишонадир, сизлардан иймон келтирганларга раҳматдир. Аллоҳнинг Расулига озор берадиганларга аламли азоб бордир», деб айт.

62. Сизларни рози қилиш учун Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар. Агар мўмин бўлсалар, Аллоҳни ва Унинг Расулини рози қилмоқлари ҳақли эди.

63. Улар кимки Аллоҳга ва Унинг Расулига хилоф қилса, албатта, унга жаҳаннам оташи бўлиб, унда мангу қолувчи ҳолида бўлишини билмас эдиларми?! Ана ўша буюк шармандаликдир.

64. Мунофиқлар уларга қалбларидаги нарсанинг хабарини берадиган сура нозил бўлишидан қўрқарлар. Сен: «Истеҳзо қилаверинглар, албатта, Аллоҳ сиз қўрқаётган нарсани чиқаргувчидир», деб айт.

65. Агар улардан сўрасанг, албатта: «Фақат ўзимизча гап қилиб ўйнаётган эдик, холос», дейишади. «Аллоҳни, Унинг оятларини ва Расулини истеҳзо қилаётган эдингизми?» деб айт.

66. Узр айтманглар. Батаҳқиқ, иймонингиздан кейин куфр келтирдингиз. Агар сиздан бир тоифани афв этсак, бошқа тоифани жиноятчи бўлганлари учун азоблаймиз.

67. Мунофиқ ва мунофиқалар ҳаммалари бирдирлар, ёмонликка буюрурлар, яхшиликдан қайтарурлар ва қўлларини маҳкам юмарлар. Аллоҳни унутдилар, бас, У ҳам уларни унутди. Албатта, мунофиқлар – улар фосиқлардир.

68. Аллоҳ мунофиқларга, мунофиқаларга ва кофирларга жаҳаннам оташини ваъда қилди. Унда абадий қолурлар. Ўша улар учун етарлидир. Ҳамда Аллоҳ уларни лаънатлади. Уларга доимий азоб бордир.

69. Ўзингиздан аввалгиларга ўхшайсиз. Улар сизлардан кўра қувватлироқ, молу дунё ва бола-чақалари кўпроқ эдилар. Бас, ўз насибалари ила маза қилдилар. Ўзингиздан олдингилар насибалари ила маза қилганларидек, сиз ҳам ўз насибангиз ила маза қилдингиз. Улар шўнғигандек, сиз ҳам шўнғидингиз. Ана ўшаларнинг амаллари дунёю охиратда ҳабата бўлди. Ана ўшалар – ўзлари зиён кўргувчилардир.

70. Уларга ўзларидан олдин ўтганларнинг, Нуҳ, Од, Самуд қавмининг ва Иброҳим қавмининг, Мадян эгаларининг ва тўнтарилган (қишлоқ) ларнинг хабари келмадими? Уларга расуллари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар. Аллоҳ уларга зулм қилмас эди, лекин улар ўзларига зулм қилар эдилар.

71. Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Яхшиликка буюрурлар, ёмонликдан қайтарурлар, намозни тўкис адо этурлар, закотни берурлар ҳамда Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилурлар. Ана ўшаларга Аллоҳ тезда раҳм қилур. Албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

72. Аллоҳ мўмин ва мўминаларга остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни, уларда абадий қолишни ва барқарорлик жаннатидан покиза масканларни ваъда қилди. Аллоҳдан бўладиган розилик эса энг улуғидир. Ана ўша улкан ютуқдир.

73. Эй Набий, кофирлар ва мунофиқларга қарши жиҳод қил ва уларга нисбатан қаттиққўл бўл. Уларнинг жойи жаҳаннамдир. У нақадар ёмон қайтадиган жой.

74. Гапирмаганлари ҳақида Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар. Батаҳқиқ, куфр калимасини айтдилар ва Исломларидан кейин куфр келтирдилар ҳамда ета олмаган нарсаларига қасд қилдилар. Ҳолбуки, Аллоҳ ва Унинг Расули уларни Ўз фазлидан бой қилиб қўйганларидан бошқа «айб» топа олмадилар. Агар тавба қилсалар, ўзларига яхши бўлади. Гар юз ўгириб кетсалар, Аллоҳ уларни бу дунёю охиратда аламли азоб билан азоблайди. Ер юзида уларга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқ.

75. Ораларида «Агар У Зот Ўз фазлидан берса, албатта садақа қиламиз ва албатта солиҳлардан бўламиз», деб Аллоҳга аҳд берувчилар бор.

76. У Зот Ўз фазлидан берган чоғда эса бахиллик қилиб, юз ўгириб, орқага қараб кетарлар.

77. Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлғон гапирганлари учун Унга рўбарў бўладиган кунгача қалбларида нифоқни оқибат қилиб қўйди.

78. Аллоҳ уларнинг сирларини ҳам, яширин гапларини ҳам билишини

ва албатта, Аллоҳ ғайбларни ниҳоятда билувчи Зот эканини билмасмидилар?

79. Мўминлардан кўнгилли бўлиб садақа қилувчиларни ва ўз кучлари етгандан бошқани топа олмайдиганларни айблайдиган ва масхара қиладиганларни Аллоҳ масхара қилади ва уларга аламли азоб бўлади.

80. Улар учун истиғфор айтсанг ҳам ёки истиғфор айтмасанг ҳам, барибир. Агар улар учун етмиш марта истиғфор айтсанг ҳам, Аллоҳ уларни зинҳор мағфират қилмас. Бу Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирганлари учундир. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.

81. Аллоҳнинг Расулига хилоф қилиб, ортда қолганлар ўтирган жойларида хурсанд бўлдилар ҳамда моллари ва жонлари билан Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилишни ёқтирмадилар ҳамда: «Иссиқда қўзғалманглар», дедилар. «Жаҳаннамнинг оташи иссиқроқ», деб айт. Кошки, англаганларида эди!

82. Бас, қилган касблари туфайли оз кулиб, кўп йиғласинлар.

83. Бас, Аллоҳ сени улардан бир тоифасига қайтарса-ю, улар сендан (урушга) чиқишга изн сўрасалар, «Мен билан ҳеч қачон чиқмайсизлар ва мен билан бирга ҳеч қачон жанг қилмайсизлар, сизлар биринчи мартада ўтиришга рози бўлдингиз, бас, ортда қолувчилар билан ўтираверинглар», деб айт.

84. Ва ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига ҳам (жаноза) намоз ўқима, қабри устида турма. Чунки улар Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқ ҳолларида ўлдилар.

85. Мол-дунёлари ва бола-чақалари сени ажаблантирмасин. Аслида Аллоҳ ўша нарсалар сабабли уларни дунёда азоблашни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини ирода қилади, холос.

86. «Аллоҳга иймон келтиринглар ва Унинг Расули билан жиҳод қилинглар», деб сура нозил қилинган пайтда улардан зодагонлари: «Бизни тек қўй, ўтирувчилар билан бирга бўлайлик», деб изн сўрайдилар.

87. Улар хотин-халажлар билан бирга бўлишга рози бўлдилар ва қалбларига муҳр босилди. Бас, улар англамаслар.

88. Лекин Расул ва у билан бирга иймон келтирганлар моллари ва жонлари билан жиҳод қилдилар. Ана ўшаларга, ўзларига яхшиликлар бўладир. Ана ўшалар, ўзлари нажот топувчилардир.

89. Аллоҳ улар учун остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Унда абадий қолурлар. Ана шу буюк ютуқдир.

90. Аъробийлардан узр айтувчилари уларга изн берилишини сўраб келдилар. Аллоҳга ва Расулига ёлғон гапирганлар эса ўтириб қолдилар. Уларнинг кофир бўлганларига албатта аламли азоб етади.

91. Заифҳолларга, беморларга ва сарф-харажат қиладиган нарса топа

олмаётганларга, агар Аллоҳга ва Расулига ихлосли бўлсалар, насиҳат қилсалар, гуноҳ йўқ. Яхшилик қилувчиларни айблашга йўл йўқ. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

92. Яна сенга улов беришинг учун келганларида: «Сизларни миндиргани нарса топа олмаяпман», деганингда сарф-харажат қиладиган нарса топа олмаганлари учун ғамгин бўлиб, кўзларидан ёшлари тўкилиб, орқага қайтиб кетганларга ҳам гуноҳ йўқ.

93. Фақат бой-бадавлат бўлиб туриб, сендан изн сўрайдиганларни айблашга йўл бор. Улар хотин-халажлар билан бирга бўлишга рози бўлдилар. Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр босди. Энди улар билмаслар.

94. Ҳузурларига қайтиб келганингизда, сизга узр айтарлар. «Узр айтманглар, биз сизларга ҳеч қачон ишонмаймиз. Батаҳқиқ, Аллоҳ бизга сизларнинг хабарларингизни берди. Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расули амалингизни кўрадир, сўнгра ғайбни ҳам, ошкорни ҳам билувчи Зотга қайтариласизлар. Бас, У сизга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини берур», деб айт.

95. Ҳузурларига қайтиб келганингизда уларни айбламаслигингиз учун сизга Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар. Бас, улардан юз ўгиринглар! Албатта, улар нопокдирлар. Касб қилган нарсаларига жазо ўлароқ жойлари жаҳаннамдир.

96. Улардан рози бўлишингиз учун сизга қасам ичарлар. Агар улардан рози бўлсангиз ҳам, Аллоҳ фосиқ қавмлардан рози бўлмас.

97. Аъробийлар куфр ва нифоқда ашаддийроқ ва Аллоҳ Ўз Расулига нозил қилган нарсанинг чегараларини билмасликка лойиқроқдирлар. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

98. Аъробийларнинг инфоқ қиладиган нарсасини товон деб биладиган ва сизларга бало-офат келишини кутиб турадиганлари ҳам бор. Ёмон балолари ўзларига урсин! Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

99. Аъробийлардан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган ҳамда инфоқ қиладиган нарсасини Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ва Расулнинг дуосига мушарраф этиш воситаси деб биладиганлари ҳам бор. Билсинларки, албатта, ўша нарсалар улар учун қурбатдир. Албатта, Аллоҳ уларни Ўз раҳматига киритадир. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

100. Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар – Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Уларга остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Уларда абадий қолурлар. Ана ўша улкан ютуқдир.

101. Атрофингиздаги аъробийлардан мунофиқлар бор. Мадина аҳлидан ҳам. Улар нифоқда сийқаси чиққанлардир. Уларни билмассан, уларни Биз

билурмиз. Албатта, уларни икки марта азоблармиз. Сўнгра улкан азобга қайтарилурлар.

102. Бошқалар эса гуноҳларини эътироф қилдилар: улар яхши ва ёмон амални аралаштириб қилганлардир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилса. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

103. Молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан. Уларнинг ҳаққига дуо қил. Албатта, дуоинг улар учун сокинликдир. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир.

104. Улар, албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан тавбани қабул қилишини ва садақаларни олишини ва албатта, Аллоҳнинг Ўзи тавбаларни кўплаб қабул қилувчи, раҳмли Зот эканини билмасмидилар?

105. «Амал қилинглар! Бас, албатта, Аллоҳ, Унинг Расули ва мўминлар амалингизни кўрадилар. Ва албатта, ғайбни ҳам, ошкорни ҳам билувчи Зотга қайтариласизлар. Бас, У сизларга қилган амалларингизнинг хабарини беради», деб айт.

106. Ва Аллоҳнинг амрига ҳавола қилинган бошқалар бор. Уларни ё азоблайди, ё тавбаларини қабул қилади. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

107. Зиён, куфр, мўминлар орасига тафриқа солиш ва бундан олдин Аллоҳга ва Унинг Расулига уруш очган кимсани кутиш жойи бўлиши учун масжид қурганлар: «Албатта, яхшиликдан бошқа нарсани ирода қилганимиз йўқ», деб қасам ичарлар. Аллоҳ гувоҳлик берадики, албатта, улар ёлғончилардир.

108. Унда (масжидда) ҳеч қачон турма! Албатта, биринчи кундан тақво асосида қурилган масжид унда туришинг учун ҳақлидир. Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севадир.

109. Биносини Аллоҳга бўлган тақво ва Унинг розилиги асосида қурган кимса яхшими ёки биносини емирилаётган жар ёқасини асос қилиб қуриб, у билан бирга жаҳаннам ўтига қулаган кимса яхшими? Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

110. Барпо қилган бинолари қалбларида шак-шубҳа ҳолида бардавом қоладир. Фақат қалблар қиймаланиб кетсагина шак-шубҳа қолмас. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

111. Албатта, Аллоҳ мўминлардан уларнинг жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди. Аллоҳнинг йўлида жанг қилурлар, ўлдирурлар ва ўлдирилурлар. Бу Тавротда, Инжилда ва Қуръонда Унинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир. Аллоҳдан кўра аҳдига вафодорроқ ким бор? Ким Аллоҳга берган аҳдига вафо қилса, бас, қилган савдоларингиздан шод бўлаверинг. Ана шунинг ўзи улкан ютуқдир.

112. Улар тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, ҳамд айтувчилар, рўза тутувчилар, рукуъ қилувчилар, сажда қилувчилар, яхшиликка буюриб,

ёмонликдан қайтарувчилар, Аллоҳнинг чегарасида турувчилардир. Ва мўминларга хушхабар бер!

113. Набийга ва мўминларга мушрикларнинг дўзах эгалари экани аён бўлганидан кейин улар учун мағфират сўрашлари дуруст эмасдир, гарчи яқин қариндошлари бўлса ҳам.

114. Иброҳимнинг отаси учун айтган истиғфори унга берган ваъдаси устидан эди, холос. Вақтики, унга отасининг Аллоҳга душман эканлиги аён бўлгач, ундан воз кечди. Албатта, Иброҳим нолондир, ҳалиймдир.

115. Аллоҳ бир қавмни ҳидоят қилганидан кейин нимадан сақланишларини баён қилмагунича уларни залолатга кетказмас. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

116. Албатта, осмонлару ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. У тирилтирар ва ўлдирар. Сизларга Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқ.

117. Батаҳқиқ, Аллоҳ Набийининг, муҳожир ва ансорларнинг тавбасини қабул қилди. Улардан баъзиларининг қалблари тойиб кетай дегандан сўнг тавбаларини қабул қилди. Албатта, У Зот уларга шафқатлидир, раҳмлидир.

118. Ва ортда қолган уч кишига ҳам. Уларга кенг ер тор бўлиб, юраклари сиқилиб, Аллоҳдан қочиб, ўзгага бориб бўлмаслигига ишонганларидан сўнг бутунлай қайтишлари учун тавба эшиги очилди. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчидир, раҳмлидир.

119. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглар ва содиқлар ила бирга бўлинглар.

120. Мадина аҳлига ва уларнинг атрофидаги аъробийларга Расулуллоҳдан четда қолишлари ва ўз жонларини кўзлаб, унинг жонига эътибор қилмасликлари дуруст эмас. Зеро, уларга Аллоҳнинг йўлида ташналик, чарчоқ, очлик етса, кофирларнинг ғазабини чиқарадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта, уларга солиҳ амал ёзиладир. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмас.

121. Кичик ёки катта инфоқ қилсалар ҳам, бирон водийни кесиб ўтсалар ҳам, албатта, уларга (солиҳ амал) ёзилур. Аллоҳ уларга қилган энг гўзал амалларининг мукофотини берур.

122. Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди, динни чуқур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирардилар. Шоядки, улар ҳазир бўлсалар.

123. Эй иймон келтирганлар, сизга яқин бўлган кофирларга қарши жанг қилинг. Сиздаги шиддатни кўрсинлар. Ва билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир.

124. Улардан бирон сура нозил қилинган вақтда: «Бу сиздан кимнинг иймонини зиёда қилди?» дейдиган кимсалар бор. Бас, иймон келтирганларнинг иймонини зиёда қилди ва улар шоду хуррам бўлдилар.

125. Аммо қалбларида касаллиги борларнинг ифлосликлари устига ифлослик зиёда қилди ва улар кофир ҳолларида ўлурлар.

126. Ҳар йили бир ёки икки марта фитна қилинаётганларига қарамасларми? Шунда ҳам на тавба қилмаслар ва на эслатма олмаслар.

127. Улар бирон сура нозил бўлган вақтда «Сизни биров кўрмадими?» деб бир-бирларига назар соладилар-да, сўнгра бурилиб кетарлар. Улар фаҳмламайдиган қавм бўлганлари учун Аллоҳ қалбларини буриб қўйди.

128. Сизларга ўзингиздан бўлган, машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизни ардоқловчи, мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Расул келди.

129. Агар юз ўгирсалар, «Менга Аллоҳнинг Ўзи етарли. Ундан ўзга илоҳ йўқ, Унга таваккул қилдим, У буюк Аршнинг Роббидир», дегин.

10. ЮНУС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 109 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Ро. Ушбулар ҳикматли Китобнинг оятларидир.

2. Одамларга ўзларидан бўлган бир кишига ваҳий юбориб: «Одамларни огоҳлантир ва иймон келтирганларга Робблари ҳузурида улар учун собитқадамлик борлигининг башоратини бер», деганимиз ажабланарли бўлдими? Кофирлар: «Бу очиқ-ойдин сеҳргар», дедилар.

3. Албатта, Роббингиз осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнг Аршга истиво қилган Аллоҳдир. У ишнинг тадбирини қиладир. Ҳеч бир шафоатчи йўқки, Унинг изнидан сўнг бўлмаса. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинглар. Ўйлаб кўрмайсизларми?!

4. Барчангизнинг қайтишингиз Унгадир. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Албатта, У махлуқотни аввал бошда Ўзи яратади. Сўнгра иймон келтирган ва яхши амал қилганларни адолат-ла мукофотлаш учун уларни қайта яратур. Кофир бўлганларга эса куфр келтирганлари учун қайноқ сувдан ичимлик ва аламли азоб бордир.

5. У қуёшни зиё ва ойни нур қилган ҳамда сизлар йилларнинг ададини ва ҳисобини билишингиз учун унинг манзилларини ўлчовли қилган

Зотдир. Аллоҳ ўшани фақат ҳақ ила яратди. У биладиган қавмлар учун оятларини батафсил баён қилади.

6. Албатта, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ осмонлару ерда яратган нарсаларда тақво қиладиган қавмлар учун оят(белги)лар бордир.

7. Албатта, Бизга рўбарў бўлишини умид қилмаганлар ва бу дунё ҳаётидан рози бўлиб, у билан хотиржам қолганлар ҳамда оятларимиздан ғофил бўлганлар…

8. ана ўшаларнинг жойлари қилган касблари туфайли жаҳаннамдир.

9. Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларни Робблари иймонлари сабабли ҳидоятга бошлайди. Наъим жаннатларидалар, остларидан анҳорлар оқиб турадир.

10. У ердаги дуолари «Аллоҳим, Сени поклаб ёд этамиз»дир. У ердаги саломлашишлари «Салом»дир. Охирги дуолари эса: «Ҳамд оламларнинг Робби Аллоҳга» демоқдир.

11. Агар Аллоҳ одамларга яхшиликни тез келтиргани каби ёмонликни ҳам тезлатса эди, муддатлари битган бўлур эди. Бас, Бизга рўбарў бўлишдан умиди йўқларни туғёнларида ташлаб қўямиз, адашиб-улоқиб юраверадилар.

12. Қачонки инсонга зарар етса, Бизга ёнбошлаган, ўтирган ёки турган ҳолида дуо қилади. Ундан зарарини кетказсак, худди ўзига етган зарар ҳақида Бизга дуо қилмагандек, кетаверади. Ҳаддидан ошганларга қилаётган амаллари ана шундай чиройли кўрсатилди.

13. Батаҳқиқ, сиздан олдинги асрларни зулм қилган чоғларида ва расуллари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келганларида иймон келтирмайдиган бўлганларида ҳалок қилганмиз. Жиноятчи қавмларни ана шундай жазолаймиз.

14. Сўнгра қандай амал қилишингизга назар солишимиз учун уларнинг ортидан сизларни ер юзида ўринбосарлар қилдик.

15. Қачонки уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинганида, Бизга рўбарў бўлишдан умиди йўқлар: «Бундан бошқа Қуръон келтир ёки уни алмаштир», дедилар. «Мен уни ўзимча алмаштира олмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсагагина эргашаман. Мен Роббимга осийлик қилсам, буюк куннинг азобидан қўрқаман», деб айт.

16. «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, уни сизларга тиловат қилмас ва уни сизларга ўргатмас эди. Батаҳқиқ, мен орангизда ундан олдин ҳам умр кечирдим. Ақл юритиб кўрмайсизларми?» деб айт.

17. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Албатта, жиноятчилар нажот топмаслар.

18. Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, манфаат ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қилурлар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги шафоатчиларимиздир!» дерлар. «Аллоҳга У осмонлару ерда билмайдиган нарсаларнинг хабарини бермоқчимисизлар?!» деб айт. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва юксак Зотдир.

19. Одамлар фақат бир уммат бўлган эдилар. Сўнгра ихтилофга тушдилар. Агар Роббинг томонидан айтилган сўз бўлмаганида, улар ихтилоф қилаётган нарса ҳақида ораларида ҳукм қилинган бўлар эди.

20. Ва улар: «Унга Роббидан бир оят (мўъжиза) нозил қилинса эди», дерлар. «Ғайб Аллоҳникидир. Кутиб туринг, мен ҳам сиз ила кутувчиларданман», деб айт.

21. Қачонки одамларга уларга етган зарардан сўнг раҳматни тоттирсак, баногоҳ уларда оятларимиз ҳақида макр бўлур. «Аллоҳ макрда тезкордир», деб айт. Албатта, элчиларимиз қилаётган макрларингизни ёзиб борурлар.

22. У сизларни қуруқликда ва денгизда юргизадиган Зотдир. Токи сизлар кемада бўлганингизда ва улар (кемалар) яхши шамол ила уларни олиб кетганида ҳамда улар бундан хурсанд бўлганларида, қаттиқ шамол келур ва уларга ҳар томондан тўлқин келур. Ўзларининг куршовда қолганларини англаганларида, динда Аллоҳга ихлос қилган ҳолда: «Агар бизни мана шундан қутқарсанг, албатта шукр келтирувчилардан бўлурмиз», деб дуо қилурлар.

23. Бас, қачонки У Зот уларга нажот берса, қарабсизки, улар ер юзида ноҳақ зулм қилурлар. Эй одамлар! Бу зулмингиз фақат ўз зиёнингизгадир. (Бу) дунё ҳаётининг матоҳи, холос. Сўнгра қайтишингиз фақат Бизгадир. Бас, қилган амалларингизнинг хабарини берурмиз.

24. Албатта, дунё ҳаётининг мисоли худди Биз осмондан туширган сувга ўхшайди. Бас, одамлар ва чорвалар ейдиган ер набототи у билан аралашиб, ер безагини олганда ва зийнатланганда ҳамда унинг аҳли, энди бунга эришдик, деб ўйлаганда, кечаси ёки кундузи унга амримиз келиб, уни худди куни кеча яшнаб турмагандек қуритиб қўямиз. Тафаккур қиладиган қавмлар учун оятларимизни ана шундай батафсил баён қилурмиз.

25. Аллоҳ дорус-Саломга даъват қилур ва Ўзи хоҳлаганларни тўғри йўлга ҳидоят қилур.

26. Яхшилик қилганлар учун яхшилик бор ва зиёда ҳам. Уларнинг юзларини қаролик ҳам, хорлик ҳам қопламас. Ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда мангу қолурлар.

27. Ёмонликларни касб қилганларга эса ёмонликларига яраша ёмон жазо бўлур. Уларни хорлик қоплар. Улар учун Аллоҳдан бирор сақловчи ҳам бўлмас. Юзлари худди тун зулматидан бир парча ила қопланган каби бўлур. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар.

28. У кунда барчаларини тўплармиз. Сўнгра ширк келтирганларга: «Сизлар ҳам, «шериклар»ингиз ҳам жойингиздан қимирламангиз», дермиз. Бас,ораларини ажратармиз ва «шериклар»и дерлар: «Бизга ибодат этмаган эдингиз.

29. Биз билан сизнинг орангизда шоҳидликка Аллоҳ кифоядир. Биз, албатта, ибодатингиздан ғофил эдик».

30. Ўша ерда ҳар бир жон ўзи қилиб ўтган ишдан сўралур – хабардор бўлур ва ҳақиқий Хожалари Аллоҳга қайтарилурлар. Ҳамда ўзларича тўқиб чиқарган нарсалари улардан ғойиб бўладир.

31. «Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради? Ёки қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким; тирикни ўликдан, ўликни тирикдан ким чиқаради? Ишнинг тадбирини ким қилади?» деб айт. Улар дарҳол: «Аллоҳ», дерлар. Бас, «Тақво қилмайсизларми?» деб айт.

32. Бас, мана шу Аллоҳ – сизнинг ҳақ Роббингиздир. Ҳақдан сўнг залолатдан ўзга нима бўлади? Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?

33. Шундай қилиб, фосиқлик қилганларга Роббингнинг сўзи ҳақ бўлди. Улар иймон келтирмаслар.

34. «Шерик келтираётганларингиз орасида махлуқотни аввал бошда яратиб, сўнгра уни қайтарадигани борми?» деб айт. «Аллоҳ махлуқотни аввал бошда яратиб, сўнгра уни қайта яратур. Бас, қаёққа ўгирилиб кетмоқдасиз?» деб айт.

35. «Шерик келтираётганларингиз орасида ҳаққа ҳидоят қиладигани борми?» деб айт. «Аллоҳ ҳаққа ҳидоят қилади. Эргашишга ҳаққа ҳидоят қиладиган Зот ҳақлироқми ёки ҳидоят қилмайдиган, балки ўзи ҳидоятга муҳтож кимсами? Сизга нима бўлди?! Қандай ҳукм қилмоқдасиз?!» деб айт.

36. Уларнинг кўплари гумонга эргашадилар, холос. Албатта, гумон ҳақ ўрнида ҳеч нарса бўла олмас. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларини билувчидир.

37. Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа томонидан тўқиб чиқарилган эмас. Ва лекин у ўзидан олдингининг тасдиғи ва Китобнинг тафсилотидир. Унда ҳеч шубҳа йўқ. У оламларнинг Роббидандир.

38. Ёки «Уни ўзи тўқиб олган» дерларми? «Агар ростгўй бўлсангиз, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва (бу ишга) Аллоҳдан бошқа, кучингиз етганича, кимни хоҳласангиз, чақиринг», деб айт.

39. Балки улар ўзлари илмини билмаган нарсани, уларга унинг таъвили етмай туриб, ёлғонга чиқардилар. Улардан олдингилар ҳам шундай ёлғонга чиқарган эдилар. Золимларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.

40. Улардан унга иймон келтирадиганлар ҳам бор ва улардан унга иймон

келтирмайдиганлар ҳам бор. Роббинг эса бузғунчиларни яхши билувчидир.

41. Агар улар сени ёлғончи қилсалар, «Менга ўз ишим, сизларга ўз ишингиз. Сизлар мен қиладиган ишга алоқадор эмассиз, мен сизлар қиладиган ишга алоқадор эмасман», деб айт.

42. Ва улардан сенга қулоқ тутадиганлари ҳам бор. Агар ақл юритмасалар, сен карқулоқларга эшиттира олурмисан?!

43. Улардан сенга назар соладиганлари ҳам бор. Агар ўзлари (қалб кўзлари ила) кўрмасалар, сен кўрларни ҳидоят қила олурмисан?!

44. Албатта, Аллоҳ одамларга ҳеч қандай зулм қилмас ва лекин одамлар ўзларига зулм қилурлар.

45. Уларни тўплайдиган кунда худди наҳордан бир соатгина турганга ўхшаб, бир-бирлари билан танишурлар. Батаҳқиқ, Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғонга чиқарганлар ва ҳидоят топганлардан бўлмаганлар зиён кўрдилар.

46. Ёки сенга уларга ваъда қилганимизнинг баъзисини кўрсатамиз ёки сени вафот эттирамиз. Бас, уларнинг қайтишлари Бизгадир. Сўнгра нима қилаётганларига Аллоҳ гувоҳдир.

47. Ҳар умматнинг ўз расули бордир. Қачонки уларга расуллари келса, ораларида адолат ила ҳукм чиқарилур. Уларга зулм қилинмас.

48. Улар: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, бу ваъда қачон?» дерлар.

49. «Ўзим учун Аллоҳ хоҳлаганидан ташқари на зарар, на фойдага молик эмасман. Ҳар бир уммат учун муддат бор. Муддатлари келганда бир соатга орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар», деб айт.

50. «Хабар беринг-чи, агар Унинг азоби сизларга кечаси ёки кундузи келадиган бўлса, жиноятчилар унинг нимасига шошилмоқдалар?» деб айт.

51. Воқе бўлганидан сўнг унга ишондингизми? Энди-я?! Ҳолбуки, унга ошиқаётган эдингиз-ку?!

52. Сўнгра зулм қилганларга: «Мангу азобни тотинглар. Фақат касб қилганингизга яраша жазо олурсизлар, холос», дейилур.

53. Сендан: «У ҳақми?» деб сўрарлар. «Ҳа, Роббим ҳаққи, албатта, у ҳақдир, сизлар эса (У Зотни) ожиз қолдирувчи эмассиз», деб айт.

54. Агар зулм қилган ҳар бир жонда ер юзидаги барча нарсалар бўлса, уни албатта товон қилиб тўлайди. Азобни кўрганларида ичларида надомат чекарлар. Улар ўртасида адолат ила ҳукм чиқарилур. Уларга зулм қилинмас.

55. Огоҳ бўлинг! Осмонлару ердаги нарсалар, албатта, Аллоҳникидир. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг ваъдаси, албатта, ҳақдир. Лекин кўплари билмаслар.

56. У тирилтирур ва ўлдирур ва Унгагина қайтарилурсизлар.

57. Эй одамлар! Сизга Роббингиздан мавъиза, кўксингиздаги нарсага шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди.

58. «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила. Бас, ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир», деб айт.

59. «Аллоҳ сизга нозил қилган ризқдан хабар беринг-чи! Уни ҳаром ва ҳалол қилиб олдингиз!» деб айт. «Сизга Аллоҳ изн бердими ёки Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқияпсизми?» деб айт.

60. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиётганларнинг қиёмат куни ҳақида нима гумонлари бор? Албатта, Аллоҳ одамларга фазлу марҳаматлидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмаслар.

61. Қайси ҳолда бўлсанг, Қуръондан нимани тиловат этсанг, ишлардан қай бирини қилсаларингиз, албатта, ўшанга киришаётган пайтингизда сизларга гувоҳмиз. На ер юзида ва на осмонларда зарра миқдоридаги, ундан кичикроқ ёки каттароқ нарса Роббингдан махфий бўла олмас, балки очиқ-ойдин Китобдадир.

62. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг дўстларига хавф йўқдир ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

63. Улар иймон келтирганлар ва тақво қилганлардир.

64. Уларга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам хушхабар бор. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартириш йўқ. Ана ўша буюк ютуқдир.

65. Уларнинг гапи сени маҳзун қилмасин. Албатта, азизликнинг барчаси Аллоҳникидир. У эшитувчидир, билувчидир.

66. Огоҳ бўлингким, осмонларда ким бўлса ва ер юзида ким бўлса, албатта Аллоҳникидир. Аллоҳдан ўзга шерикларга илтижо қилаётганлар нимага эргашурлар? Гумонга эргашурлар ва улар алжирайдилар, холос.

67. У сизларга сокинлик топишингиз учун кечани ва кўрсатувчи этиб кундузни (пайдо) қилган Зотдир. Албатта, бунда эшитадиган қавмлар учун оят(аломат)лар бордир.

68. «Аллоҳ фарзанд тутди», дедилар. У (бундан) покдир. У ғанийдир. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Уникидир. Бу ҳақда ҳеч қандай далилингиз йўқ-ку! Аллоҳга нисбатан билмаган нарсангизни айтаверасизми?

69. «Албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиганлар нажот топмаслар», деб айт.

70. Бу дунёда (бир оз) баҳраланиш, кейин Бизга қайтишлари бор. Сўнгра уларга куфр келтириб ўтганлари учун шиддатли азобни тоттирамиз.

71. Уларга Нуҳнинг хабарини тиловат қилиб бер. Ўшанда у ўз қавмига деди: «Эй қавмим, агар сизларга менинг мақомим ва Аллоҳнинг оятлари ила эслатишим оғир келаётган бўлса, бас, мен Аллоҳга

таваккул қилдим. Сиз шерик келтирганларингиз билан биргаликда ўз ишингизни бошлайверинглар. Яна ишларингиз ўзингиз учун ноаниқ бўлиб қолмасин. Сўнгра менга нисбатан ҳукмингизни ижро этаверинглар, менга муҳлат берманглар.

72. Бас, агар юз ўгирсангиз, сизлардан ажр сўраганим йўқ. Менинг ажрим фақатгина Аллоҳдан. Ва мусулмонлардан бўлишга амр қилинганман».

73. Улар уни ёлғончига чиқаришди. Бас, уни ва у ила бирга бўлганларни кемада қутқардик ва уларни халифалар қилдик. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни ғарқ этдик. Огоҳлантирилганларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.

74. Сўнгра ундан кейин расулларни қавмларига юбордик. Бас, уларга очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келдилар. Аммо улар (қавмлар) олдин ёлғонга чиқарган нарсаларига иймон келтирувчи бўлмадилар. Тажовузкорларнинг қалбларига шундай қилиб муҳр босамиз.

75. Сўнгра, улардан кейин Мусо ва Ҳорунни Фиръавн ва унинг қавмига Ўз оят(мўъжиза)ларимиз ила юбордик. Бас, улар мутакаббирлик қилдилар ва жиноятчи қавм бўлдилар.

76. Ҳузуримиздан уларга ҳақ келган пайтда: «Бу, албатта, очиқ-ойдин сеҳрдир», дедилар.

77. Мусо: «Сизга ҳақ келганда (шундай) дейсизларми?! Шу сеҳрми?! Сеҳргарлар нажот топмаслар», деди.

78. Улар: «Бизни оталаримиз тутиб келаётганида топган нарсамиздан буриш учун ва икковингизга ер юзида катталик бўлиши учун келдингми? Биз икковингизга иймон келтирувчилардан эмасмиз», дедилар.

79. Фиръавн: «Менга барча билимдон сеҳргарларни келтиринглар», деди.

80. Сеҳргарлар келганида Мусо уларга: «Ташламоқчи бўлган нарсангизни ташлангиз», деди.

81. Улар ташлаганларида, Мусо деди: «Сиз келтирган нарса сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ уни ботил қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ўнгламас.

82. Ва Аллоҳ Ўз калимаси ила, гарчи жиноятчилар ёқтирмаса ҳам, ҳақни рўёбга чиқарур».

83. Мусога ўз қавмидан баъзи зурриётларгина Фиръавн ва аъёнларининг фитна қилмоқларидан қўрққан ҳолларида иймон келтирдилар, холос. Албатта, Фиръавн ер юзида манманлик қилувчидир. Албатта, у ҳаддан ошувчилардандир.

84. Мусо: «Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирган бўлсангиз, агар мусулмон бўлсангиз, фақат Унгагина таваккул қилинг», деди.

85. Шунда улар дедилар: «Аллоҳгагина таваккул қилдик. Роббимиз, бизни золим қавмларга фитна қилиб қўйма.

86. Ва Ўз раҳматинг ила бизга кофир қавмлардан нажот бергин».

87. Мусога ва унинг биродарига: «Икковингиз қавмингиз учун Мисрда уйлар тайёрланг. Уйларингизни қибла қилинглар ва намозни тўкис адо этинглар. Мўминларга хушхабар бер», деб ваҳий қилдик.

88. Мусо: «Роббимиз, Сен Фиръавнга ва унинг аъёнларига дунё ҳаётида зебу зийнат ва молу дунё бердинг. Роббимиз, бу Сенинг йўлингдан адаштиришлари учундир. Роббимиз, уларнинг молларини йўқ қилгин ва қалбларини қаттиқ қилгин, токи аламли азобни кўрмагунларича, иймонга келмасинлар», деди.

89. У Зот: «Батаҳқиқ, икковингизнинг дуоингиз қабул бўлди. Бас, собит туринглар ва билмайдиганларнинг йўлига эргашманглар», деди.

90. Ва Бану Исроилни денгиздан ўтказдик. Бас, Фиръавн ва унинг аскарлари зулм ва тажовуз ила уларни таъқиб этдилар. Ниҳоят, унга ғарқ бўлиш етганида: «Бану Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», деди.

91. Эндими?! Олдин исён қилган ва бузғунчилардан бўлган эдинг-ку?!

92. Бугун сенинг баданингни қутқарамиз. Токи ўзингдан кейингиларга ибрат бўлгин. Албатта, кўп одамлар оятларимиздан ғофилдирлар.

93. Батаҳқиқ, Бану Исроилни ҳақиқий омонлик масканига жойлаштирдик ва уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик. Бас, то ўзларига илм келмагунча ихтилоф қилмадилар. Албатта, Роббинг қиёмат куни ихтилоф қилган нарсалари ҳақида Ўзи ҳукм чиқарур.

94. Агар сенга нозил қилган нарсамиздан шакда бўлсанг, сендан олдин Китобни ўқиганлардан сўра. Батаҳқиқ, сенга Роббингдан ҳақ келди. Бас, ҳеч шубҳа қилувчилардан бўлма.

95. Зинҳор Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарувчилардан бўлма, у ҳолда зиёнкорлардан бўлиб қоласан.

96. Албатта, Роббингнинг калималари зиммасига вожиб бўлганлар иймонга келмаслар.

97. Агар уларга ҳамма оят(мўъжиза)лар келса ҳам, то аламли азобни кўрмагунларича.

98. Қани энди, бирон қишлоқ иймон келтирганда, унга иймони манфаат берса эди. Фақат Юнус қавми иймон келтирганларида, улардан дунё ҳаётидаги хорлик азобини кушойиш қилдик ва уларни маълум вақтгача баҳралантирдик.

99. Агар Роббинг хоҳласа, ер юзидаги кишиларнинг ҳаммаси иймонга келар эдилар. Ёки сен одамларни мўмин бўлишга мажбурлайсанми?

100. Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир жон мўмин бўла олмас. У ақл юритмайдиганларга азобни раво кўрур.

101. «Осмонлару ердаги нарсаларга назар солинглар. Иймон келтирмайдиган қавмларга оят(мўъжиза)лар ва қўрқитувлар фойда бермас», деб айт.

102. Ўзларидан олдин ўтганларнинг кунларига ўхшаш кунларни кутмоқдаларми? «Бас, кутиб туринглар. Албатта, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман», деб айт.

103. Сўнгра расулларимизга ва иймон келтирганларга нажот берамиз. Мўминларга ана шундай қилиб нажот бермоғимиз зиммамиздаги бурчдир.

104. «Эй одамлар, агар менинг динимда шак-шубҳангиз бўлса, бас, (билингки) Аллоҳдан ўзга сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. Лекин сизни вафот эттирадиган Аллоҳга ибодат қилурман ва мўминлардан бўлмоғимга амр қилинганман», деб айт.

105. Юзингни динга тўғри тут ва ҳаргиз мушриклардан бўлма.

106. Аллоҳдан ўзга сенга манфаат ҳам, зарар ҳам бермайдиган нарсага илтижо қилма. Бас, агар шундай қилсанг, у ҳолда сен золимлардан бўласан.

107. Агар Аллоҳ сени зарар ила тутса, Ундан ўзга ўшанга кушойиш берувчи йўқдир. Агар У сенга яхшиликни ирода қилса, Унинг фазлини рад қилувчи ҳам йўқдир. Уни бандаларидан хоҳлаганига етказур. У мағфиратлидир, раҳмлидир.

108. «Эй одамлар, сизга Роббингиздан ҳақ келди. Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзи учун ҳидоят топадир. Ким залолатга кетса, ўз зарарига залолат топадир. Мен сизларнинг устингиздан қўриқчи эмасман», деб айт.

109. Ва сенга ваҳий қилинган нарсага эргаш ва Аллоҳ ҳукм қилгунича сабр қил. У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир.



11. ҲУД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 123 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Ро. (Бу) оятлари мустаҳкам қилинган, сўнгра ҳаким, хабардор Зот томонидан муфассал қилинган Китобдир.

2. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаслигингиз учундир. Албатта, мен сизларга Ундан келган огоҳлантирувчи ва хушхабарчиман.

3. Роббингизга истиғфор айтинглар, сўнгра Унга тавба қилинглар. Шунда У Зот сизларни маълум муддатгача чиройли баҳрамандлик

ила баҳраманд қилур ва ҳар бир фазл эгасига фазлини берур. Агар юз ўгириб кетсангиз, бас, албатта, мен сизларга улуғ Куннинг азобидан қўрқаман.

4. Аллоҳнинг Ўзига қайтишингиз бор. У ҳар бир нарсага қодирдир.

5. Огоҳ бўлингким, албатта, улар Ундан яшириниш учун (бошларини) кўксиларига эгарлар. Огоҳ бўлингким, кийимларига ўралган чоғларида ҳам, У Зот нимани сир тутаётганларинию нимани ошкор қилаётганларини билур. Албатта, У қалблардаги нарсаларни ҳам билувчидир.

6. Ер юзида ўрмалаган нарса борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин Китобда бордир.

7. У сизлардан қай бирингизнинг амали яхшироқ эканини синаб кўриш учун олти кунда осмонлару ерни яратди. Ўшанда Арши сув устида эди. Агар: «Сизлар ўлимдан кейин албатта қайта тирилтириласизлар», десанг, куфр келтирганлар, албатта: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдан ўзга нарса эмас», дерлар.

8. Агар улардан азобни маълум муддатга кечиктирсак, улар албатта: «Уни нима тўхтатиб турибди?» дерлар. Огоҳ бўлингларким, у келган кунда улардан қайтарилмас ва уларни ўзлари истеҳзо қилиб юрган нарса ўраб олур.

9. Агар инсонга Ўз томонимиздан роҳатни тоттириб, сўнгра ундан уни тортиб олсак, у албатта ноумид ва ношукр бўлур.

10. Агар унга етган қийинчиликлардан сўнг неъмат тоттирсак, албатта: «Мендан ёмонликлар кетди», дейди. Албатта, у хурсанддир, фахрланувчидир.

11. Аммо сабр қилганлар ва солиҳ амаллар қилганларгагина – ана ўшаларга мағфират ва катта ажр бор.

12. Эҳтимол, улар: «Унга хазина туширилса эди» ёки «У билан бирга фаришта келса эди», деганлари учун ўзингга ваҳий қилинган нарсанинг баъзисини тарк қилмоқчи бўларсан ёки ундан юрагинг сиқилар. Сен огоҳлантирувчисан, холос. Аллоҳнинг Ўзи ҳамма нарсага вакилдир.

13. Ёки: «Ўзи тўқиб олди», дерларми? «Бас, агар ростгўй бўлсаларингиз, Аллоҳдан бошқа кимни чақиришга қодир бўлсангиз, чақириб, бунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтиринг-чи», деб айт.

14. Агар жавоб бера олмасалар, бас, билингки, у фақатгина Аллоҳнинг илми ила нозил қилингандир. Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Энди мусулмон бўларсизлар?!

15. Кимки бу дунё ҳаётини ва унинг зийнатини хоҳласа, бу борадаги амаллари (самараси)ни тўлиқ берамиз. Унда уларга камайтирилмас.

16. Ана ўшалар – уларга охиратда дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқ кимсалардир. Бунда қилган ишлари ҳабата бўлди, қилиб юрган амаллари эса ботилдир.

17. Ўз Роббидан аниқ ҳужжатга эга бўлган, У Зотнинг Ўзидан гувоҳ эргашган ва ундан (гувоҳдан) олдин Мусонинг китоби имом ва раҳмат ҳолида унга (шоҳид) бўлган кишига (куфр келтирадилар)-ми? Ана ўшалар унга (шоҳидга) иймон келтирурлар. Гуруҳлардан ким унга куфр келтирса, унга ваъда қилинган жой дўзахдир. Сен у ҳақда шак-шубҳада бўлма! Албатта, у Роббингдан келган ҳақдир. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.

18. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Ана ўшалар Роббларига рўбарў қилинурлар ва гувоҳлар: «Анавилар Робблари шаънига ёлғон гапирганлардир», дерлар. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир.

19. (Улар) Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар ва унинг эгри бўлишини хоҳларлар ҳамда улар охиратга куфр келтирувчи кимсалардир.

20. Ана ўшалар ер юзида қочиб қутулувчи бўла олмадилар, уларга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам бўлмади, уларга азоб бир неча баробар қилинур. Улар эшитишга қодир бўла олмадилар ва кўра олмадилар ҳам.

21. Ана ўшалар ўзларига зиён қилганлардир ва тўқиган нарсалари улардан ғойиб бўлди.

22. Ҳеч шубҳа йўқки, албатта, улар охиратда яна ҳам кўпроқ зиён кўрувчилардир.

23. Албатта, иймон келтирганлар, яхши амаллар қилганлар ва Роббларига ишонч ила бўйсунганлар, ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда мангу қолурлар.

24. Бу икки гуруҳнинг мисоли худди кўр ва кар ҳамда кўрувчи ва эшитувчига ўхшайди. Улар бир-бирларига баробар бўла оладиларми? Ўйлаб кўрмайсизларми?

25. Нуҳни ўз қавмига юбордик. «Албатта, мен сизларга очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман…

26. Аллоҳдан ўзгага ҳеч ибодат қилманглар, албатта, мен сизларга аламли кун азоби бўлишидан қўрқаман», дейиши учун.

27. Унинг қавмидан куфр келтирган зодагонлар: «Биз сенинг ҳам ўзимизга ўхшаган одам эканингни кўряпмиз. Сенга ичимиздан энг қаланғи-қасанғиларимизгина юзаки қараб эргашаётганини кўряпмиз, сизларнинг биздан устун фазлингизни кўрмаяпмиз, балки сизларни ёлғончи деб биламиз», дедилар.

28. У: «Эй қавмим, айтинг-чи, агар Роббимдан аниқ ҳужжатга эга бўлган бўлсам ва У менга Ўз ҳузуридан раҳмат берган бўлса-ю, сизга махфий

қолган бўлса, гарчи ёқтирмасангиз ҳам, уни сизга мажбурлаймизми?!» деди.

29. «Эй қавмим, бу (даъватим) учун сиздан мол-дунё сўрамасман. Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида. Мен иймон келтирганларни ҳайдовчи эмасман. Албатта, улар Роббларига рўбарў бўлувчилардир. Аммо мен сизларнинг жоҳил қавм эканингизни кўрмоқдаман.

30. Эй қавмим, агар уларни ҳайдасам, ким менга Аллоҳ (азоби)дан (қутулишга) ёрдам беради? Ўйлаб кўрмайсизларми?

31. Сизларга: «Ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор», демасман. Ғайбни ҳам билмасман. «Мен фариштаман», демасман. «Кўзингизга ҳақир кўринаётганларга Аллоҳ ҳаргиз яхшилик бермас», демасман. Уларнинг нафсларида нима борлигини Аллоҳ яхши биладир. Акс ҳолда мен, албатта, золимлардан бўлиб қолурман» (деди).

32. Улар: «Эй Нуҳ, батаҳқиқ, биз билан тортишдинг, кўп тортишдинг. Энди агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир», дедилар.

33. У айтди: «Уни сизларга, агар хоҳласа, фақат Аллоҳгина келтиради ва сизлар (У Зотни) ожиз қолдирувчи эмассиз.

34. Ва агар Аллоҳ сизларни йўлдан оздиришни истаса, мен насиҳат қилишни хоҳлаганим билан, насиҳатим сизларга манфаат бермас. У сизнинг Роббингиздир ва Унга қайтарилурсиз».

35. Ёки: «Уни тўқиб олди», дерларми? «Агар уни тўқиб олган бўлсам, жиноятим ўз зиммамда ва мен сиз қилаётган жиноятдан холидирман», деб айт.

36. Ва Нуҳга ваҳий қилдикки: «Қавмингдан аввал иймон келтирганлардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмас ва уларнинг қилмишларидан қайғуга тушмагин.

37. Бизнинг риоятимиз ва ваҳийимиз ила кема ясагин ҳамда зулм қилганлар тўғрисида Менга гап очмагин, албатта, улар ғарқ қилинувчилардир».

38. У кема ясаркан, ўз қавмидан бўлган зодагонлар қачон унинг олдидан ўтсалар, уни масхара қилдилар. У деди: «Агар бизни масхара қилсангиз, биз ҳам худди сиз бизни масхара қилганингиздек, сизни масхара қилурмиз.

39. Кимга шарманда қилувчи азоб келишини ва кимнинг устига муқим азоб тушишини яқинда билиб олурсиз».

40. Ниҳоят, амримиз келиб, таннур фаввора отганда: «Унга (кемага) ҳар бир (тур)дан бир жуфтдан ва аввал у ҳақда сўз кетган кимсадан бошқа аҳлингни ва иймон келтирганларни ҳам ол», дедик. У билан бирга иймон келтирганлар жуда оз эди.

41. Ва у: «Унга (кемага) мининглар. Унинг юриши ҳам, туриши ҳам

Аллоҳнинг исми ила бўлур. Албатта, Роббим мағфиратлидир, раҳмлидир», деди.

42. Ва у (кема) уларни тоғлардек тўлқинда олиб кетаётганида Нуҳ бир четда турган ўғлига: «Эй ўғлим, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга бўлмагин», деди.

43. У (ўғил): «Тоққа жойлашиб олсам, мени сувдан сақлайди», деди. У эса: «Бугун Аллоҳнинг амридан сақловчи йўқдир. У Зот раҳм қилганларгина мустасно», деди. Шунда ораларини тўлқин тўсди ва у ғарқ бўлганлардан бўлди.

44. «Эй ер, сувингни ютгин, эй осмон, ўзингни тутгин», дейилди. Сув қуриди. Фармон бажарилди ва (кема) Жудий (тоғи)га жойлашди. Ҳамда «Золим қавмлар йўқолсин!» дейилди.

45. Нуҳ Роббига нидо қилиб: «Роббим, ўғлим аҳлимдандир, албатта, Сенинг ваъданг ҳақдир, Сен ҳукм қилувчиларнинг энг ҳикматлисисан», деди.

46. У Зот: «Эй Нуҳ, у сенинг аҳлингдан эмас. Бу яхши амал эмас. Илминг бўлмаган нарсани зинҳор сўрамагин. Мен сенга жоҳиллардан бўлмаслигингни насиҳат қиламан», деди.

47. У: «Роббим, мен ўзимнинг илмим бўлмаган нарсани Сендан сўрамоқдан паноҳ тиларман. Агар мени мағфират қилмасанг ва менга раҳм кўрсатмасанг, зиён кўрувчилардан бўлурман», деди.

48. «Эй Нуҳ, Биздан сенга ва сен билан бирга бўлган умматларга бўлган тинчлик ва баракотлар ила (кемадан) тушгин. Яна бир умматлар бўлур, уларни бир оз ҳузурлантирурмиз, сўнгра уларни Биздан бўлган аламли азоб тутар», дейилди.

49. Ана шу ғайб хабарларини сенга ваҳий қилмоқдамиз. Бундан олдин уларни сен ҳам билмас эдинг, қавминг ҳам. Бас, сабр қил, албатта, оқибат тақводорларникидир.

50. Ва Одга ўзларининг биродари Ҳудни (юбордик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизлар фақат тўқиб олувчиларсиз, холос.

51. Эй қавмим, сизлардан бу (даъватим) учун ажр сўрамайман. Менинг ажрим фақат мени яратган Зотнинг зиммасидадир. Ақл юритмайсизларми?

52. Эй қавмим, Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг, шунда У устингизга осмондан барака ёмғири юборади ва қувватингизга қувватни зиёда қилади. Жиноятчи бўлган ҳолингизда юз ўгириб кетманг».

53. Улар айтишди: «Эй Ҳуд, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтирмадинг. Биз сенинг гапинг учун олиҳаларимизни тарк қилувчи эмасмиз ва биз сенга иймон келтирувчи ҳам эмасмиз.

54. Биз фақат сени баъзи илоҳаларимиз ёмонлик ила урибди, деймиз, холос». У айтдики: «Мен Аллоҳни гувоҳ қиламан ва сиз ҳам гувоҳ бўлингки, мен шерик келтираётганингиздан покман.

55. Ундан ўзга. Бас, ҳаммангиз менга қарши ҳийла қилаверинглар, менга муҳлат берманглар.

56. Мен Роббим ва Роббингиз бўлмиш Аллоҳга таваккул қилдим. Ўрмалаган жон борки, У Зот унинг пешонасидан тутиб туради. Албатта, Роббим тўғри йўлдадир.

57. Агар юз ўгириб кетсангиз, батаҳқиқ, мен сизларга нима ила юборилган бўлсам, уни сизларга етказдим. Роббим ўрнингизга сиздан бошқа қавмни келтиради ва сиз Унга ҳеч бир зарар етказа олмассиз. Албатта, Роббим ҳар бир нарсани муҳофаза қилгувчидир».

58. Амримиз келган пайтда Ҳудга ва у билан бирга иймон келтирганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик ва уларни қаттиқ азобдан қутқардик.

59. Ана ўша Оддир. Улар Роббларининг оятларини инкор қилдилар. Унинг расулларига осий бўлдилар. Ҳар хил димоғдор ва қайсарнинг амрига эргашдилар.

60. Ва уларга бу дунёда ҳам, қиёмат кунида ҳам лаънат эргаштирилур. Огоҳ бўлингким, албатта, Од Роббларига куфр келтирган эдилар. Огоҳ бўлинг! Ҳуд қавми – Од йўқолсин!

61. Ва Самудга ўзларининг биродари Солиҳни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизни ердан пайдо қилди ва уни обод қилишингизни талаб қилди. Бас, Унга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг. Албатта, Роббим яқиндир, ижобат қилувчидир», деди.

62. Улар: «Эй Солиҳ, бундан олдин ичимизда орзу қилинган эдинг. Энди бизни ота-боболаримиз ибодат қиладиган нарсага ибодат қилмоғимиздан қайтарасанми? Албатта, биз сен даъват қилаётган нарса ҳақида шак-шубҳадамиз», дедилар.

63. У деди: «Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар Роббим томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга эга бўлсам ва менга У томонидан раҳмат берилган бўлса-ю, Унга осий бўлсам, ким менга Аллоҳ(нинг азоби) дан (қутулишга) ёрдам беради?! Бас, сиз менга зиёндан ўзгани зиёда қилмассизлар.

64. Эй қавмим, Аллоҳнинг мана бу туяси сизга оят(мўъжиза)дир. Бас, уни тек қўйинглар, Аллоҳнинг ерида еб юрсин, унга ёмонлик етказманглар, акс ҳолда сизни яқин азоб ушлайди».

65. Аммо уни сўйдилар. Сўнг у: «Диёрингизда уч кун баҳраманд бўлиб туринг. Бу ёлғон бўлмаган ваъдадир», деди.

66. Амримиз келган пайтда Ўз раҳматимиз ила Солиҳга ва у билан бирга

иймон келтирганларга нажот бердик ва ўша куннинг шармандалигидан қутқардик. Албатта, Роббинг Ўзи қувватли ва азиздир.

67. Ва зулм қилганларни даҳшатли қичқириқ олди. Бас, диёрларида мук тушиб қолдилар...

68. худди унда турмаганга ўхшаб. Огоҳ бўлингким, Самуд (қавми) Роббларига куфр келтирган эди. Огоҳ бўлингким, Самуд йўқолсин!

69. Батаҳқиқ, элчиларимиз Иброҳимга хушхабар келтирдилар. Улар: «Салом», дедилар. У ҳам «Салом», деди. Ва кўп ўтмай, қовурилган бузоқ келтирди.

70. Уларнинг унга (таомга) қўл узатмаётганини кўриб, улардан ҳайрон бўлди ва ичида хавфсиради. Улар: «Қўрқма, биз Лут қавмига юборилганмиз», дедилар.

71. Тик турган хотини кулди. Бас, унга Исҳоқнинг ва Исҳоқдан кейин Яъқубнинг хушхабарини бердик.

72. У: «Вой шўрим, ўзим кампир, манави эрим чол бўлса ҳам туғаманми?! Бу қизиқ нарса-ку!» деди.

73. Улар: «Аллоҳнинг амридан ажабланасанми? Эй аҳли байт, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлгай. Албатта, У мақталгандир, шарафлангандир», дедилар.

74. Иброҳимдан қўрқинч кетиб, хушхабар етгач, Биз билан Лут қавми ҳақида баҳслаша бошлади.

75. Албатта, Иброҳим ҳалимдир, нолондир, (У Зотга) тез қайтувчидир.

76. «Эй Иброҳим, бундан воз кеч. Чунки Роббингнинг амри келиб бўлган. Албатта, уларга қайтарилмас азоб келгусидир».

77. Элчиларимиз Лутга келган пайтларида улар сабабли ёмон ҳолга тушди ва қўл-оёғи бўшашди ҳамда: «Бу қийин кундир», деди.

78. Қавми унга шошилиб, ҳаллослаб етиб келди. Улар бундан олдин гуноҳлар қилар эдилар. У: «Эй қавмим, мана булар менинг қизларим. Сизлар учун улар покроқ-ку. Аллоҳдан қўрқинг! Меҳмонларим борасида мени шарманда қилманг. Ичингизда бирорта тузукроқ одам йўқми?!» деди.

79. Улар: «Қизларингда ҳаққимиз йўқлигини билгансан ва сен нимани хоҳлашимизни ҳам албатта биласан», дедилар.

80. У: «Қани эди сизларга қувватим етса ёки мустаҳкам ерга беркинсайдим», деди.

81. Улар: «Эй Лут, биз Роббингнинг элчиларимиз, булар сенга ҳаргиз тега олмаслар. Бас, кечанинг бир бўлагида аҳлинг ила юргин ва сизлардан хотинингдан бошқа ҳеч ким ўгирилмасин. Чунки уларга етадиган мусибат унга-да (аёлга) етгувчидир. Уларга тайин қилинган вақт субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!» дедилар.

82. Амримиз келган пайтда у ўлкани остин-устун қилдик ва устидан кетма-кет сопол тошларни ёғдирдик.

83. Уларга Роббинг ҳузурида белги қўйилган эди ва улар золимлардан узоқ эмасдир.

84. Ва Мадянга ўзларининг биродари Шуайбни (юбордик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ўлчовни ва тортишни камайтирманглар. Мен сизларнинг яхшиликда эканликларингизни кўриб турибман. Мен сизлар учун ўраб олувчи кун азобидан қўрқмоқдаман.

85. Эй қавмим, ўлчаш ва тортишни адолат ила мукаммал қилинг. Одамларнинг нарсаларини камайтириб қолманг ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрманг.

86. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳнинг қолдиргани сиз учун яхшироқдир. Мен сизнинг устингизда қўриқчи эмасман».

87. Улар: «Эй Шуайб, намозинг сенга бизнинг ота-боболаримиз ибодат қиладиган нарсаларни ёки молларимизда хоҳлаганимизни қилишни ташлашимизни буюрадими? Сен жудаям ҳалим, тўғрисан-да», дедилар.

88. У айтди: «Эй қавмим, хабар беринглар-чи, агар Роббимдан аниқ ҳужжатга эга бўлсам-чи ва мени Ўзи тарафидан яхши ризқ ила ризқлантирган бўлса-чи?! Сизларни қайтараётган нарсамда сизларга хилоф қилмоқчи эмасман. Имконим борича ислоҳ қилишдан ўзга ҳеч нарсани хоҳламайман. Муваффақиятим фақат Аллоҳга боғлиқ. Унгагина таваккул қилдим. Унгагина қайтаман».

89. Эй қавмим, менга хилоф қилишингиз сизларни ё Нуҳ қавмига, ё Ҳуд қавмига, ёки Солиҳ қавмига етган мусибатга ўхшаш мусибат етишига олиб бормасин. Лут қавми сизлардан узоқ эмас.

90. Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг. Албатта, Роббим раҳмлидир, яхшиликни раво кўрувчидир».

91. Улар: «Эй Шуайб, айтганларингнинг кўпини яхши тушунмадик ва биз сени ичимизда заифҳол кўряпмиз, агар одамларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қилар эдик. Сен биз учун азиз эмассан», дедилар.

92. У деди: «Эй қавмим, менинг одамларим сизлар учун Аллоҳдан кўра азизроқми?! Унга орқангизни ўгириб олдингиз. Албатта, Роббим қилаётган амалларингизни қамраб олувчидир.

93. Эй қавмим, имконингиздаги амални қилаверинг, мен ҳам амал қилувчиман. Кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини тезда биласизлар. Кутинглар, мен ҳам сизлар ила кутувчиман».

94. Амримиз келган пайтда Шуайбга ва у билан бирга иймон келтирганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик. Зулм қилганларни эса даҳшатли қичқириқ тутди ва диёрларида мук тушиб қолдилар.

95. Худди у ерда яшамагандеклар. Огоҳ бўлинг! Худди Самуд йўқолгандек, Мадян ҳам йўқолсин!

96. Батаҳқиқ, Мусони оятларимиз ва очиқ-ойдин ҳужжат ила юбордик...

97. Фиръавн ва унинг одамларига. Бас, улар Фиръавннинг амрига эргашдилар. Фиръавннинг амри эса тўғри эмас эди!

98. У қиёмат куни қавмини бошлаб келур. Бас, уларни дўзахга киритур. У қандай ёмон кирилган жойдир.

99. Бу дунёда ҳам, қиёмат куни ҳам уларга лаънат эргаштирилур. Бу нақадар ёмон ёрдамдир!

100. Мана булар шаҳар-қишлоқларнинг хабарларидан бўлиб, уларни сенга қисса қилаётирмиз. Улардан қоим турганлари ҳам бор, йиғиштирилганлари ҳам бор.

101. Уларга зулм қилмадик. Лекин ўзларига зулм қилдилар. Роббингнинг амри келган пайтда Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган олиҳалари ҳеч қандай асқотмадилар. Уларга зиёндан бошқани зиёда қилмадилар.

102. Роббинг золим шаҳар-қишлоқларни ушлаганида ана шундай ушлайди. Албатта, Унинг ушлаши аламли ва шиддатлидир.

103. Албатта, бунда охират азобидан қўрққан киши учун оят (ибрат) бордир. Бу Кун одамлар жамланадиган бир Кундир. Бу Кун шоҳид бўлинадиган Кундир.

104. Уни Биз фақат саноқли муддатга кечиктирамиз.

105. У келган кунда У Зотнинг изнисиз ҳеч бир жон гапира олмас. Бас, уларнинг бадбахтлари ва бахтлилари бордир.

106. Бас, бадбахт бўлганлар дўзахдалар. У ерда улар учун дод-фарёд бор.

107. Модомики, осмонлару ер бор экан, унда абадий қолурлар. Роббинг хоҳлаганлар мустасно. Албатта, Роббинг нимани хоҳласа, қилувчидир.

108. Бахтли қилинганлар жаннатдадирлар. Модомики осмонлару ер бор экан, улар унда мангу қолувчидирлар. Роббинг хоҳлаганлар мустасно. Бу туганмас инъомдир.

109. Анавилар ибодат қилаётган нарсада шак-шубҳада бўлма. Улар олдин оталари ибодат қилганга ўхшаш ибодат қиладилар, холос. Ва албатта, Биз уларга насибаларини камайтирмай, тўлиқ қилиб берамиз.

110. Батаҳқиқ, Мусога китобни бердик. Бас, у ҳақида ихтилоф қилинди. Агар Роббингдан ўтган сўз бўлмаганида, ораларида ҳукм чиқарилган бўлар эди. Албатта, улар у ҳақда шак-шубҳададирлар.

111. Албатта, Роббинг ҳаммага амалларига яраша тўлиқ вафо қилур. Чунки У қилаётган амалларидан хабардордир.

112. Бас, сен ва сен билан тавба қилганлар мустақим туринглар. Туғёнга кетманглар. Албатта, У қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

113. Зулм қилганларга мойил бўлманглар. Яна сизни дўзах (олови) тутмасин. Сиз учун Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқ. Сўнгра ёрдам берилмайсизлар.

114. Кундузнинг икки тарафидаги ва кечанинг бир қисмидаги намозни тўкис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади. Бу эса эсловчиларга эслатмадир.

115. Ва сабр қил. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмас.

116. Сиздан олдинги асрларда ер юзида бузғунчиликдан қайтарадиган фазилат эгалари бўлганида қани эди. Улардан Биз нажот берган озгина кишилар мустасно. Зулм қилганлар эса маишат ортидан кетдилар ва жиноятчилардан бўлдилар.

117. Роббинг аҳли ислоҳ қилувчи бўлган шаҳар-қишлоқларни зулм ила ҳалок қилиши асло мумкин эмас.

118. Агар Роббинг хоҳласа, одамларни бир уммат қиларди. Улар ихтилоф қилишда бардавом бўлурлар…

119. Роббинг раҳм қилганларидан бошқалари. Уларни шунинг учун яратгандир. Роббингнинг: «Жаҳаннамни албатта жинлар ва одамлар билан тамомила тўлдирурман», деган сўзи батамом бўлди.

120. Қалбингни саботли қилиш учун сенга расуллар хабарининг ҳаммасини қисса қилиб айтмоқдамиз. Бунда (бу сурада) сенга ҳақ ва мўминларга мавъиза ҳамда эслатма келди.

121. Иймон келтирмайдиганларга айтгин: «Имконингиз борича амал қилаверинг, биз ҳам амал қилувчилармиз.

122. Ва кутиб туринглар, биз ҳам кутувчилармиз».

123. Осмонлару ернинг ғайби(ни билмоқ) Аллоҳга хосдир. Ишнинг барчаси Унга қайтарилур. Бас, Унга ибодат қил ва Унгагина таваккул қил. Роббинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.



12. ЮСУФ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 111 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Ро. Ушбулар очиқ-ойдин Китобнинг оятларидир.

2. Биз уни арабий Қуръон этиб нозил қилдик, шоядки, ақл юритсангиз.

3. Биз сенга ушбу Қуръонда ваҳий қилган нарсамиз ила энг гўзал қиссани ҳикоя қилурмиз. Гарчи ундан олдин бундан бехабарлардан бўлсанг ҳам.

4. Эсла, Юсуф отасига: «Эй отажоним, мен ўн битта юлдузни ҳамда қуёш ва ойни кўрдим, уларнинг менга сажда қилаётганларини кўрдим», деди.

5. У шундай деди: «Эй ўғилчам, тушингни акаларингга айтиб бермагин. Яна сенга бирор ҳийла қилишмасин. Албатта, шайтон инсонга очиқ-ойдин душмандир.

6. Роббинг шундай қилиб сени танлаб олади, сенга тушларнинг таъбирини ўргатади ва Ўз неъматини оталаринг Иброҳим ва Исҳоққа тўлиқ қилганидек сенга ва Оли Яъқубга тўлиқ қилиб беради. Албатта, Роббинг билувчидир, ҳакимдир».

7. Батаҳқиқ, Юсуф ва унинг оға-иниларида сўровчилар учун оят (ибрат) лар бор эди.

8. Ўшанда улар айтишди: «Юсуф ва унинг укаси отамизга биздан кўра маҳбуброқ, ҳолбуки, биз кўпчиликмиз. Отамиз очиқ-ойдин адашувда.

9. Юсуфни ўлдиринглар ёки узоқ ерга олиб бориб ташланглар, шунда отангизнинг юзи сизга холи қолади. Бундан кейин солиҳ қавмдан бўлиб оласизлар».

10. Улардан бир сўзловчи: «Юсуфни ўлдирманглар. Агар бирон иш қилмоқчи бўлсангиз, уни қудуқнинг қаърига ташланглар, баъзи йўловчилар олиб кетади», деди.

11. Улар айтишди: «Эй отажон, сен нега Юсуфни бизга ишонмайсан? Ахир биз унга холислармиз.

12. Эртага уни биз билан юбор, еб-ичиб, ўйнаб келади. Биз уни муҳофаза қилувчилармиз».

13. У: «Уни олиб кетишингиз мени маҳзун қилади. Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан қўрқаман», деди.

14. Улар: «Агар биз кўпчилик бўлиб туриб, уни бўри еб кетса, унда биз зиён кўрувчилардан эканмиз-да?!» дедилар.

15. Уни олиб кетиб, қудуқ қаърига ташлашга қарор қилганларида, унга: «Сен албатта уларга бу қилмишларининг хабарини берурсан, ўшанда улар сени сезмаслар ҳам», деб ваҳий қилдик.

16. Кечқурун йиғлаган ҳолларида оталарига келиб:

17. «Эй отажон, биз Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетсак, уни бўри еб қўйибди. Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», дедилар.

18. Ва унинг ёлғон қонга бўялган кўйлагини келтирдилар. У: «Йўқ! Ҳавои нафсингиз сизга бирор ишни чиройли кўрсатибди. Энди ишим – чиройли сабр. Сиз васф қилаётган нарсада ёрдам сўраладиган Зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи», деди.

19. Ва йўловчилар келиб, (қудуққа) сувчиларини юбордилар. Бас, у челагини ташлади ва: «Суюнчи беринглар! Бу бола-ку!» деди. Уни

тижорат моли сифатида яшириб қўйдилар. Зотан, Аллоҳ уларнинг нима амал қилаётганларини билувчидир.

20. Ва уни арзон баҳога, саноқли дирҳамларга сотдилар. Улар унга қизиқмаган эдилар.

21. Ва уни Мисрда сотиб олган (одам) ўз хотинига: «Унинг турар жойини яхши қил, шояд бизга манфаат берса ёки фарзанд қилиб олсак», деди. Ана шундай қилиб, Юсуфга ер юзида маконат бердик. Бу унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун ҳамдир. Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.

22. Вояга етган вақтида унга ҳукмни ва илмни бердик. Гўзал иш қилувчиларни шундай мукофотлармиз.

23. У уйида бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади. Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» деди. У: «Аллоҳ сақласин! Ахир у турар жойимни яхшилаб берган хожам-ку! Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди.

24. Батаҳқиқ, хотин унга интилди. Агар Роббининг бурҳон (ҳужжат)ини кўрмаганида, у ҳам унга (хотинга) интилар эди. Ундан ёмонлик ва фаҳш ишларни узоқлаштириш учун шундай қилдик. Албатта, у танланган бандаларимиздандир.

25. Эшик томон чопишди. Хотин унинг кўйлагини орқа томонидан юлиб олди. Эшик олдида унинг хўжайинига дуч келишди. (Хотин) «Сенинг аҳлингга ёмонлик хоҳлаганнинг жазоси фақатгина қамалмоқ ёки аламли азобдир», деди.

26. У: «Унинг ўзи менинг нафсимни хоҳлади», деди. (Хотиннинг) аҳлидан бир гувоҳ гувоҳлик бериб, деди: «Агар унинг кўйлаги олд томонидан йиртилган бўлса, демак, хотин рост айтибди, у эса ёлғончилардан экан.

27. Агар унинг кўйлаги орқа томонидан йиртилган бўлса, демак, хотин ёлғон гапирибди, у эса ростгўйлардан экан».

28. Эр унинг кўйлагининг орқа томонидан йиртилганини кўрган пайтда шундай деди: «Бу (иш) сиз хотинларнинг макрингиздир. Сиз хотинларнинг макри жуда зўрдир.

29. Эй Юсуф, сен бу ишни унут. Сен эса, хотин, гуноҳингга истиғфор айт. Албатта, сен хато қилгувчилардан бўлдинг».

30. Шаҳардаги аёллар: «Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди. Унга жуда ҳам муҳаббат қўйиб қолган экан-да! Биз уни очиқ-ойдин адашувда деб биламиз», дейишди.

31. У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда уларга одам юбориб, чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади. Ва ҳар бирларига пичоқ берди. Сўнгра (Юсуфга): «Уларнинг олдига чиқ!» деди. Уни кўрган чоғларида лол қолдилар, қўлларини кесдилар ва: «Аллоҳ покдир! Бу башар эмас! Бу карамли фариштанинг ўзи-ку!» дейишди.

32. У: «Сиз мени маломат қилган нарса мана шу. Ҳа, мен ундан нафсини хоҳладим, бироқ у ўзини сақлади. Агар амримни бажармаса, албатта қамалур ва хор бўлувчилардан бўлур», деди.

33. У: «Роббим, улар мени чорлаётган нарсадан кўра мен учун зиндон маҳбуброқдир, уларнинг ҳийласини Ўзинг мендан нари қилмасанг, уларга мойил бўлиб, жоҳиллардан бўлиб қоламан», деди.

34. Бас, Робби унинг (дуосини) ижобат қилиб, уларнинг ҳийласини ундан нари қилди. Албатта, Унинг Ўзи эшитувчидир, билувчидир.

35. Сўнгра, оят (аломат)ларни кўрганларидан кейин уларга уни бир муддат қамашлари аён бўлди.

36. У билан зиндонга иккита йигит ҳам кирди. Улардан бири: «Мен тушимда хамр сиқаётганимни кўрмоқдаман», деди. Бошқаси эса: «Мен тушимда бошимда нон кўтариб юрибман-у, ундан қуш еяётганини кўрмоқдаман», деди. «Бизга бунинг таъбирини хабар қил. Биз сени, шубҳасиз, яхшилик қилувчилардан деб билмоқдамиз».

37. У айтди: «Сизларга ризқ бўладиган таом келгунига қадар унинг қандай эканининг хабарини берурман. Бу иш менга Роббим ўргатган нарсалардандир. Чунки мен Аллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратга кофир бўлган қавмнинг миллатини (динини) тарк этган одамман.

38. Ва оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллатига (динига) эргашдим. Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмас эди. Бу Аллоҳнинг бизга ва одамларга берган фазлидир. Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмаслар.

39. Эй ҳамзиндон дўстларим, турли-туман робблар яхшими ёки ёлғизу қаҳҳор Аллоҳми?

40. Сизлар Ундан ўзга, ўзингиз ва ота-боболарингиз номлаб олган исмларга, Аллоҳ улар ҳақида ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларга ибодат қилмоқдасизлар. Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди. Ана ўша тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.

41. Эй ҳамзиндон дўстларим, сизлардан бирингиз хожасига хамр соқийлиги қилади. Бошқаси бўлса осилади ва қушлар унинг бошидан ейди. Сиз сўраётган иш битди».

42. Ва у ўзи икковларидан нажот топувчи деб билган шахсга: «Хожанг ҳузурида мени эсга ол», деди. Шайтон унга хожасига эслатишни унуттирди. Бас, у зиндонда бир неча йил қолди.

43. Подшоҳ: «Мен тушимда еттита семиз сигирни еттита ориқ сигир еяётганини ва еттита яшил бошоқни ва шунча қуруғини кўрмоқдаман. Эй аъёнлар, агар туш таъбирини қиладиган бўлсангиз, менга тушимнинг фатвосини беринг», деди.

44. «Бу алғов-далғов тушдир. Биз бундай тушларнинг таъбирини билувчи эмасмиз», дедилар.

45. Ва иккисидан нажот топгани анча муддат ўтгандан сўнг хотирлаб: «Бунинг таъбирининг хабарини сизга мен бераман. Мени юборинг», деди.

46. «Юсуф, эй ростгўй зот, бизга еттита семиз сигирни еттита ориқ сигир еяётганининг ва еттита яшил бошоқнинг ва шунча қуруғининг таъбирини айт. Шоядки, одамларга қайтиб борсам, улар ҳам билсалар», деди.

47. У айтди: «Кетма-кет етти йил зироат қиласизлар. Йиғиштириб олган ҳосилингизнинг озгина ейдиганингиздан бошқасини бошоғида қолдиринг.

48. Сўнгра, ундан кейин еттита шиддатли (йил) келур, улар олдиндан тайёрлаб қўйганингизни ейдилар. Озгина асраб қўйганингизгина мустасно.

49. Сўнгра, ундан кейин бир йил келадики, унда одамлар сероб қилинурлар ва унда (меваларни) сиқурлар».

50. Подшоҳ: «Уни менга келтиринглар», деди. Унга элчи келганда, «Хожанг ҳузурига қайтиб бор ва ундан қўлларини кесган хотинларнинг ҳоли нима бўлганини сўра, албатта, Роббим уларнинг макрини билувчидир», деди.

51. У: «Юсуфнинг нафсини хоҳлаган вақтингиздаги ишингиз нима эди?» деди. Улар: «Аллоҳ сақласин! Биз унда бирон ёмонлик сезмадик», дедилар. Азизнинг хотини деди: «Энди ҳақиқат равшан бўлди. Мен унинг нафсини хоҳладим. Албатта, у ростгўйлардандир.

52. Бу – йўғида унга хиёнат қилмаганимни ва албатта, Аллоҳ хоинларнинг макрини тўғриликка йўлламаслигини билиши учундир.

53. Ўзимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Роббим мағфиратлидир, раҳмлидир».

54. Подшоҳ: «Уни менга келтиринглар, уни ўзимга хос кишилардан қилиб оламан», деди. У билан гаплашганда эса: «Албатта, сен бугунги кунда ҳузуримизда маконатли ва ишончли кишилардансан», деди.

55. «Мени ернинг хазиналари устига қўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман», деди.

56. Шундай қилиб, Юсуфга ер юзида маконат бердик, уни ўзи хоҳлаган жойга жойлаша оладиган қилдик. Ўз раҳматимизни кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этурмиз ва гўзал амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз.

57. Иймон келтирган ва тақво қилганлар учун, албатта, охиратдаги ажр яхшироқ бўлур.

58. Юсуфнинг оға-инилари келдилар ва унинг ҳузурига кирдилар. У уларни таниди, улар эса уни танимадилар.

59. Уларнинг жиҳозларини юклаган вақтда деди: «Менинг ҳузуримга ота бир инингизни олиб келинг. Кўряпсизларми, мен ўлчовни тўла қилмоқдаман ва мен энг яхши мезбонман.

60. Агар уни ҳузуримга олиб келмасангиз, унда сизга менинг даргоҳимда ўлчаб бериш йўқ ва менга яқин ҳам келманглар».

61. Улар: «Уни отасидан сўраб олиб келишга уринамиз. Биз буни албатта қилувчимиз», дедилар.

62. У ўз хизматкорларига: «Уларнинг тижорат молларини юклари ичига солиб қўйинглар. Шояд, улар аҳлларига борганларида буларни таниб, қайтиб келсалар», деди.

63. Оталарининг ҳузурига қайтиб борганларида: «Эй отажон, бизга ўлчаб бериш ман этилди. Биз билан инимизни юбор, ўлчаб оламиз ва албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», дедилар.

64. У: «Уни сизларга худди акасини ишонганимдек ишониб топширайми? Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳмлиларнинг энг раҳмлисидир», деди.

65. Юкларини очган пайтда тижорат молларининг ўзларига қайтарилганини билдилар. «Эй отажон, яна нима истаймиз? Мана, тижорат молларимиз ўзимизга қайтарилибди. Яна аҳлимизни озиқ-овқат билан таъминлаймиз, укамизни муҳофаза қилиб, бир туя зиёда (юк) ўлчови оламиз. Бу озгина ўлчовдир», дедилар.

66. У: «Токи менга албатта ҳузуримга қайта келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васийқа бермагунингизча, уни зинҳор сиз ила юбормасман. Фақат (ҳалокатга) ўралиб қолсангиз, мустасно», деди. Унга васийқаларини берганларида, у: «Айтган гапларимизга Аллоҳ вакилдир», деди.

67. У: «Эй ўғилларим, битта эшикдан кирманглар, турли эшиклардан киринглар. Сизлардан Аллоҳнинг ҳеч нарсасини қайтара олмайман. Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. Унгагина таваккул қилдим. Таваккул қилувчилар фақат Унгагина таваккул қилсинлар», деди.

68. Оталари амр этган томондан кирдилар. Зотан, бу улардан Аллоҳнинг ҳеч бир нарсасини қайтара олмас эди. Бу Яъқубнинг кўнглидаги эҳтиёж бўлиб, уни қондирди, холос. Албатта, у Биз таълим берганимиз туфайли билим соҳиби эди. Лекин кўпчилик одамлар билмаслар.

69. Юсуфнинг олдига кирганларида, у инисини ўзига яқин жойлаштирди ва: «Мен акангман, улар қилган нарсалардан қайғуга тушмагин», деди.

70. Уларнинг жиҳозларини ҳозирлаган пайтда инисининг юкига бир

сув идишни солиб қўйди. Сўнгра жарчи: «Эй карвондагилар, сизлар ўғридирсизлар!» деб жар солди.

71. Улар (ортларидан келганларга) қараб: «Нима йўқотдингиз?» дедилар.

72. «Подшоҳнинг ўлчов идишини йўқотдик. Уни келтирган кишига бир туя юк. Мен унга кафилман», дедилар.

73. Улар: «Аллоҳга қасамки, ўзингиз биласиз, ер юзида фасод учун келган эмасмиз, биз ўғрилар бўлган эмасмиз», дедилар.

74. «Агар ёлғончи бўлиб чиқсангиз, жазоси нима?» дедилар.

75. Улар: «Унинг жазоси – (ўша нарса) кимнинг юкида топилса, бас, жазоси унинг ўзидир. Золимларни мана шундай жазолаймиз», дедилар.

76. У инисининг юкидан олдин уларнинг юкидан (тафтиш) бошлади. Сўнгра уни (сув идишни) инисининг юкидан чиқариб олди. Шундай қилиб, Юсуфнинг фойдасига ҳийла қилдик. Агар Аллоҳ хоҳламаса, подшоҳнинг дини бўйича инисини олиб қола олмас эди. Кимни хоҳласак, даражаларини кўтарамиз. Ҳар бир илм эгаси устида янада илмлироқ бор.

77. Улар: «Агар бу ўғирлаган бўлса, бундан олдин унинг акаси ҳам ўғирлаган эди», дедилар. Юсуф буни кўнглига тугиб қўйди, уларга ошкор қилмади. У: «Ўзингиз ёмонроқ мақомдасиз. Аллоҳ сиз васф қилаётган нарсани яхши билувчидир», деди.

78. Улар: «Эй Азиз, унинг катта ёшли чол отаси бор. Бас, биримизни унинг ўрнига ол. Биз сенинг яхшилик қилувчилардан эканлигингни кўрмоқдамиз», дедилар.

79. У: «Нарсамизни ҳузуридан топган одамдан бошқани олиб қолишимиздан Аллоҳ сақласин. Акс ҳолда, албатта золимлардан бўлиб қоламиз», деди.

80. Ундан умидни узган чоғларида, четга чиқиб, хуфёна маслаҳат қилдилар. Катталари деди: «Отангиз сиздан Аллоҳ номи билан васийқа олганини ва бундан олдин Юсуф ҳақида қилган айбингизни билмайсизларми?! Токи отам менга изн бермагунча ёки Аллоҳ ҳукм чиқармагунча бу ердан қимирламасман. У Зот ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисидир.

81. Отангизнинг олдига қайтинглар, унга айтинглар: «Эй отажон, ўғлинг ўғрилик қилди. Биз фақат ўзимиз билган нарсага гувоҳлик бердик, холос. Биз ғайбни билувчи эмас эдик.

82. Биз бўлган шаҳардан сўра ва у ерда биз учраган карвондан сўра, биз, албатта, ростгўйлардандмиз».

83. У: «Йўқ, нафсингиз сизга бир ишни яхши кўрсатмиш. Бас, (ишим) чиройли сабрдир. Ажаб эмаски, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини ҳузуримга жамлаб келтирса. Албатта, Унинг Ўзи билувчидир, ҳакимдир», деди.

84. Ва улардан юз ўгириб: «Оҳ, Юсуф!» деди ва қайғудан кўзларига оқ тушди. У дардини ютувчи бўлди.

85. Улар: «Аллоҳга қасамки, токи мадордан кетгунингча ёки ҳалок бўлувчилардан бўлгунингча Юсуфни эслайверасан», дедилар.

86. У деди: «Албатта, мен дарду ҳасратимдан фақат Аллоҳнинг Ўзига шикоят қилмоқдаман ва Аллоҳдан сиз билмаган нарсани билурман.

87. Эй ўғилларим, боринглар, Юсуфни ва унинг укасини яхшилаб изланглар, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмларгина ноумид бўлурлар».

88. Унинг ҳузурига кирганларида: «Эй Азиз, бизни ва аҳлимизни зарар тутди. Арзимаган мол келтирдик. Бас, бизга ўлчовни тўлиқ қилиб бер ва садақа ҳам бер. Албатта, Аллоҳ садақа қилувчиларни мукофотлайди», дедилар.

89. У: «Жоҳиллик пайтингизда Юсуфга ва унинг инисига нима қилганларингизни биласизларми?» деди.

90. Улар: «Ҳали сен Юсуфмисан?!» дедилар. У: «Мен Юсуфман, мана бу иним. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди. Дарҳақиқат, ким тақво ва сабр қилса, Аллоҳ, албатта, гўзал иш қилувчиларнинг ажрини зое қилмагай», деди.

91. Улар: «Аллоҳга қасамки, ҳақиқатда Аллоҳ сени биздан устун қилди. Биз эса хатокорлардан бўлдик», дедилар.

92. У айтди: «Бугунги кунда сизларни айблаш йўқ. Сизларни Аллоҳ мағфират қилгай. У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир.

93. Мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, кўзи очилур. Сўнгра аҳлингиз ила жам бўлиб, ҳузуримга келинглар».

94. Карвон йўлга чиққан вақтда оталари: «Мени ақлдан озган деманглар-у, албатта, мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман», деди.

95. Улар: «Аллоҳга қасамки, албатта, сен эски адашувингдасан», дедилар.

96. Хушхабарчи келган чоғида уни (кўйлакни) унинг юзига ташлаган эди, яна кўрадиган бўлди. У: «Мен сизларга: «Мен Аллоҳдан сизлар билмайдиган нарсани биламан», демаганмидим?!» деди.

97. Улар: «Эй отажон, биз учун гуноҳларимизга истиғфор айт. Албатта, биз хатокорлардан бўлган эканмиз», дедилар.

98. У: «Сизлар учун Роббимга истиғфор айтурман. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилувчидир, раҳмлидир», деди.

99. Юсуфнинг ҳузурига кирган чоғларида у ота-онасини ўзи ёнига олди ва: «Аллоҳнинг хоҳиши ила Мисрга омонликда киринглар!» деди.

100. Ота-онасини тахтга кўтарди. Унга сажда қилиб йиқилдилар. (Юсуф деди:) «Эй отажон, бу аввал кўрган тушимнинг таъбиридир, Роббим уни рўёбга чиқарди. Дарҳақиқат, У Зот менга яхшилик қилди: мени

қамоқдан чиқарди, шайтон мен билан акаларимнинг орасини бузгандан кейин сизларни биёбондан олиб келди. Албатта, Роббим хоҳлаган нарсасига латифдир. Албатта, У Зот билувчидир, ҳакимдир.

101. Роббим, дарҳақиқат, менга мулк бердинг ва менга тушларнинг таъбирини ўргатдинг. Эй осмонлару ерни яратган Зот! Сен дунёю охиратда менинг валийимсан. Мени мусулмон ҳолимда вафот эттиргин ва солиҳларга қўшгин».

102. Бу ғайб хабарлардан бўлиб, уни сенга ваҳий қилмоқдамиз. Улар макр қилиб, ишлари ҳақида келишаётганларида олдиларида бўлмаган эдинг.

103. Одамларнинг кўплари, гарчи сен жуда қизиқсанг ҳам, мўмин эмаслар.

104. Улардан бунинг учун ажр ҳам сўрамайсан. У оламлар учун эслатма, холос.

105. Осмонлару ердаги қанчадан-қанча оят-белгилар қаршисидан юз ўгирган ҳолларида ўтадилар.

106. Кўплари эса Аллоҳга мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар, холос.

107. Ўзларига Аллоҳдан қамраб олувчи азоб келишидан ёки сезмай турганларида Соат тўсатдан келиб қолишидан хотиржам бўлдиларми?!

108. «Бу – менинг йўлимдир. Мен Аллоҳга ишонч ила чақираман ва менга эргашганлар ҳам. Аллоҳ покдир. Ва мен мушриклардан эмасман», деб айт.

109. Сендан илгари ҳам фақат шаҳар аҳлидан эр кишиларга ваҳий юбориб, расул этганмиз. Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати нима бўлганига назар солмайдиларми? Албатта, охират диёри тақво қиладиганлар учун яхшироқдир. Ақл юритмайдиларми?!

110. Ҳаттоки расуллар ноумид бўлиб, ўзларини ёлғончига чиқарилганлар, деб гумон қилиб қолганларида, уларга нусратимиз келади. Биз хоҳлаганларга нажот берилур. Азобимиз жиноятчи қавмлардан қайтарилмас.

111. Батаҳқиқ, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бор эди. Бу (Қуръон) тўқима гап эмас, лекин ўзидан олдин келганнинг тасдиғи ва барча нарсанинг тафсилоти, ҳидоят ҳамда иймон келтирганлар учун раҳматдир.



13. РАЪД СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 43 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Мийм. Ро. Ушбулар Китобнинг оятларидир. Ва сенга Роббингдан нозил қилинган нарса ҳақдир. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.

2. Аллоҳ сиз кўриб турган осмонларни устунсиз кўтарган, сўнгра Аршга истиво қилган, қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйган Зотдир. Ҳар бири белгиланган муддатгача юрадир. У Зот ишнинг тадбирини қиладир, оятларни муфассал баён этадир. Шоядки, Роббингизга рўбарў бўлишга аниқ ишонсангиз.

3. Ерни ёйиб, унда барқарор тоғлар ва анҳорлар қилган, ҳар хил мевалардан жуфт-жуфт қилган Зотдир. У кечани кундузга қоплайдир. Бунда, албатта, тафаккур қилувчи қавмлар учун оят (белги)лар бордир.

4. Ва ер юзида қўшни бўлаклар бор. Шунингдек, узумлар, боғлар, экинзорлар, шохлаган ва шохламаган хурмолар бўлиб, бир хил сув ила суғориладилар ва уларнинг баъзиларининг мевасини баъзилариникидан афзал қилурмиз. Бунда, албатта, ақл юритувчи қавмлар учун оят (белги) лар бордир.

5. Агар ажабланадиган бўлсанг, уларнинг «Наҳотки, тупроқ бўлиб кетсак ҳам, биз янгидан яратиламиз?!» дейишлари яна ҳам ажабланарлидир. Ана ўшалар Роббларига куфр келтирганлардир. Ана ўшалар бўйинлари кишанларда бўладиганлардир. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар.

6. Сендан яхшиликдан аввал ёмонлик келтиришни талаб қилурлар. Ҳолбуки, улардан аввал (намуна) уқубатлар ўтган. Ва албатта, Роббинг одамларнинг зулмига қарамай, улар учун мағфиратлидир. Ва албатта, Роббинг иқоби шиддатли Зотдир.

7. Куфр келтирганлар: «Унга Роббидан бир мўъжиза нозил қилинса эди», дерлар. Сен фақат огоҳлантирувчисан, холос. Ва ҳар қавмнинг ҳидоятчиси бордир.

8. Аллоҳ ҳар бир урғочининг ҳомиласини ҳамда бачадонлар нуқсон ёки зиёда қиладиган нарсаларни билади. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидир.

9. У Зот ғайбни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир. У буюкдир, юксакдир.

10. Сиздан ким гапни сир тутса, ким уни ошкор қилса ёки ким кечаси беркинувчи бўлса-ю, ким кундузи ошкор юрувчи бўлса, барибир.

11. Унинг олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчилар бор. Уни Аллоҳнинг амри ила ҳифз қилиб турурлар. Албатта, Аллоҳ бир қавмдаги нарсани, токи улар ўзларидаги нарсани ўзгартирмагунларича ўзгартирмас. Агар Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмайди ва улар учун Ундан ўзга валий ҳам йўқ.

12. У сизларга чақмоқни хавф ва умид қилиб кўрсатувчи ва оғир булутларни пайдо қилувчи Зотдир.

13. Ва момақалдироқ Уни ҳамди ила поклаб ёд этади ва фаришталар ҳам Ундан қўрққанларидан (поклаб ёд этурлар). У чақмоқларни юборади ва улар ила Ўзи хоҳлаган кишиларни, улар Аллоҳ ҳақида тортишиб турганларида уради. У ушлаши қаттиқ Зотдир.

14. Ҳақиқий дуо Унгагинадир. Ундан ўзгага дуо қилаётганлар эса ҳеч бир нарсада ижобат этилмаслар. Икки кафтини сувга узатиб, сув оғзига етишини кутган одамга ўхшарлар, холос. Ҳолбуки, у унга етувчи эмас. Кофирларнинг дуоси залолатда, холос.

15. Аллоҳга осмонлару ердаги кимсалар ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч сажда қилурлар.

16. «Осмонлару ернинг Робби ким?» деб айт. «Аллоҳ», дегин. «Ўзингизга Ундан ўзга, ўзларига фойда ёки зарарга эга бўлмаган валийларни тутдингизми?» дегин. «Сўқир билан кўрувчи баробар бўлурми ёки зулматлар билан нур баробар бўлурми?» дегин. Ёки улар Аллоҳга У яратган махлуқотларга ўхшаш махлуқотларни яратганларни шерик қилиб олдилар-у, уларга яратилган махлуқотларга ўхшаш кўринмоқдами? «Барча нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир. Ва У ягонадир, қаҳҳордир», дегин.

17. У Зот осмондан сув туширди. Сўнгра водийларда ўз миқдорича сел оқди. Сел ўз устига чиққан кўпикни кўтариб келди. Ва зеб-зийнат, асбоб-ускуна ясаш мақсадида ўтда тобланадиган нарсаларда ҳам шунга ўхшаш кўпик бўлур. Аллоҳ ҳақ ва ботилга мана шундай зарбулмасал келтирур. Аммо кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга манфаат берадиган нарса эса ер юзида қолур. Аллоҳ мисолларни ана шундай келтирур.

18. Роббига ижобат этганларга гўзаллик бордир. Унга ижобат этмаганларга эса – борди-ю, ер юзидаги ҳамма нарса ва яна шунчаси уларники бўлса, албатта, уни тавон қилиб тўлардилар – ана ўшаларга ёмон ҳисоб бўлур ва жойлари жаҳаннамдадир. У нақадар ёмон жойдир.

19. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса албатта ҳақ эканини биладиган кимса кўр одамга ўхшармиди? Албатта, ақл эгаларигина эслатма олурлар.

20. Улар Аллоҳнинг аҳдига вафо қиладиган ва мийсоқни бузмайдиганлардир.

21. Улар Аллоҳ боғланишига амр этган нарсани боғларлар, Роббларидан қўрқарлар ва ёмон ҳисобдан хавф қилурлар.

22. Улар Роббларининг юзини кўзлаб, сабр қиларлар. Намозни тўкис адо этарлар, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсадан махфий ва ошкора инфоқ қиларлар ва ёмонликни яхшилик ила қайтарарлар. Ана ўшаларга оқибат диёри бордир.

23. Адн жаннатларидир. Унга улар ва уларнинг оталари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан солиҳ бўлганлари кирарлар. Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб:

24. «Сабр қилганингиз учун сизларга салом бўлсин! Бу оқибат диёри нақадар яхши!» (дерлар).

25. Аллоҳнинг аҳдини мийсоқдан кейин бузадиганлар, Аллоҳ боғланишига амр этган нарсаларни узадиганлар ва ер юзида бузғунчилик қиладиганларга – ана ўшаларга лаънат ва уларга ёмон диёр бор.

26. Аллоҳ хоҳлаган бандасининг ризқини кенг қилур ва тор қилур. Улар бу дунё ҳаёти ила шод бўлдилар. Ҳолбуки, бу дунё ҳаёти охират олдида арзимас матоҳ, холос.

27. Ва куфр келтирганлар: «Унга Роббидан бир мўъжиза тушса эди», дерлар. «Албатта, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказур ва Ўзига тез қайтадиганларни ҳидоят қилур», деб айт.

28. Улар иймон келтирган ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топур!

29. Иймон келтирганлар ва яхши амалларни қилганларга хушнудлик ва гўзал маскан бор.

30. Шундай қилиб, сени ўзларидан олдин ҳам умматлар ўтган бир умматга уларга ўзингга ваҳий қилган нарсамизни тиловат қилиб беришинг учун юбордик. Ҳолбуки, улар Роҳманга куфр келтирурлар. «У менинг Роббимдир, Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унинг Ўзигагина таваккул қилдим. Тавбам ҳам Унинг Ўзигадир», деб айт.

31. Агар Қуръон ила тоғлар жилдириладиган, ер парчаланадиган ёки ўликлар тилга киритиладиган бўлганида (ушбу Қуръон ила бўлар эди). Аммо ишнинг барчаси Аллоҳга хосдир. Иймон келтирганлар, агар Аллоҳ хоҳласа, одамларнинг ҳаммасини ҳидоят қила олишини билмадиларми? Куфр келтирганларга, то Аллоҳнинг ваъдаси келгунича, қилмишлари сабабли мудом ларзага солувчи мусибатлар етар ёки уларнинг диёрлари яқинига тушиб турар. Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.

32. Сендан олдинги расуллар ҳам масхара қилинганлар. Бас, куфр келтирганларга муҳлат бердим. Сўнгра уларни ушладим. Бас, иқобим қандай бўлган эди?!

33. Ҳар бир жоннинг қилган касби устида турувчи Зот ким? Аллоҳга ширк келтирдилар. «Уларнинг номларини айтинг. Ёки Унга ер юзида У билмайдиган нарсанинг хабарини берасизларми? Балки, бу юзаки гаплардир», дегин. Йўқ, куфр келтирганларга макрлари чиройли кўрсатилди ва улар йўлдан тўсилдилар. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга ҳеч бир ҳидоятчи бўлмас.

34. Уларга бу дунё ҳаётида азоб бор. Албатта, охират азоби машаққатлироқдир. Улар учун Аллоҳдан ҳеч бир сақловчи бўлмас.

35. Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: остидан анҳорлар оқади, мевалари ва соялари доимийдир. Бу тақво қилганларнинг оқибатидир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир.

36. Биз китоб берганлар сенга нозил қилинган нарсадан хурсанд бўлурлар. Гуруҳлар ичида унинг баъзисини инкор қиладиган кимсалар ҳам бор. «Албатта, мен Аллоҳга ибодат қилишга, Унга ширк келтирмасликка амр қилиндим. Унгагина даъват қиламан ҳамда қайтишим ҳам Унгадир», деб айт.

37. Ана шундай қилиб, уни арабий ҳикмат этиб нозил қилдик. Агар ўзингга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавои нафсларига эргашсанг, сен учун Аллоҳдан на бир дўст ва на бир сақловчи бўлмас.

38. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам расуллар юбордик ва уларга жуфти ҳалоллар ва зурриётлар ато қилганмиз. Ҳеч бир расул Аллоҳнинг изнисиз оят (мўъжиза) келтирган эмас. Ҳар бир муддат (таърифи) ёзиб қўйилгандир.

39. Аллоҳ нимани хоҳласа, маҳв қилур, нимани хоҳласа, собит қилур. Она китоб Унинг ҳузуридадир.

40. Уларга ваъда қилганимизнинг баъзисини сенга кўрсатурмиз ёки (ундан олдин) сени вафот эттирурмиз. Албатта, етказиш сенинг зиммангда, ҳисоб қилиш Бизнинг зиммамиздадир.

41. Биз ерга келиб, унинг атрофидан қисқартириб бораётганимизни кўрмадиларми?! Ҳукмни Аллоҳ қилади. Унинг ҳукмини таъқиб қилувчи йўқдир. У ҳисоби тез Зотдир.

42. Батаҳқиқ, улардан олдингилар ҳам макр қилдилар. Аммо барча макрлар Аллоҳникидир. У ҳар бир жон нима қилишини биладир. Яқинда кофирлар оқибат диёри кимга бўлишини билажаклар.

43. Куфр келтирганлар: «Расул эмассан», дерлар. «Сиз билан менинг орамизда гувоҳликка Аллоҳ ва ҳузурида китоб илми бор кишилар кифоядир», деб айт.



14. ИБРОҲИМ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 52 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Ро. Бу Китобни сенга одамларни Роббларининг изни ила зулматлардан нурга – азиз ва мақталган Зотнинг йўлига чиқаришинг учун нозил қилдик.

2. Осмонлару ердаги нарсалар Уники бўлган Зот – Аллоҳнинг (йўлига). Кофирларнинг ҳолига шиддатли азобдан вой бўлсин.

3. (Улар) бу дунё ҳаётини охиратдан афзал кўрадиганлар, Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганлар ва унинг (йўлнинг) эгри бўлишини хоҳлайдиганлардир. Ана ўшалар қаттиқ адашувдадирлар.

4. Қайси бир расулни юборган бўлсак, баён қилиб бериши учун ўз қавми тили ила юборганмиз. Бас, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказур, кимни хоҳласа, ҳидоятга солур. У Зот азиздир, ҳакимдир.

5. Батаҳқиқ, Мусони «Қавмингни зулматлардан нурга чиқар ва уларга Аллоҳнинг кунларини эслат! Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукрли киши учун оят (ибрат)лар бордир», деган оятларимиз ила юбордик.

6. Ўшанда Мусо қавмига деди: «Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг: У сизни Оли Фиръавндан қутқарди. Улар сизга бардавом ёмон азоб берардилар. Ўғилларингизни сўйиб ташлаб, қизларингизни тирик қолдирардилар. Ана ўшанда Роббингиздан буюк синов бордир.

7. Ва Роббингизнинг «Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир», деб эълон қилганини ҳам эсланг».

8. Мусо деди: «Агар сиз ва ер юзидаги кимсалар – ҳаммангиз куфр келтирсангизлар ҳам, албатта, Аллоҳ ғанийдир, мақталгандир.

9. Сизга ўзингиздан олдин ўтган Нуҳ, Од, Самуд қавмларининг ва улардан кейингиларнинг, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиганларнинг хабари келмадими? Расуллари уларга очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар». Улар эса қўлларини оғизларига қўйиб: «Албатта, биз сиз билан юборилган нарсага куфр келтирдик ва сиз бизни чақираётган нарсада шак-шубҳадамиз!» дедилар.

10. Расуллари уларга: «Осмонлару ернинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳ ҳақида шак борми? У сизларни гуноҳларингизни мағфират қилишга ва ўзингизни белгиланган муддатга қолдиришга чақирмоқда-ку!» дедилар. Улар эса: «Сиз бизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарса эмассиз. Бизни оталаримиз ибодат қилиб юрган нарсадан тўсмоқчисиз. Бас, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтиринг-чи», дедилар.

11. Расуллари уларга дедилар: «Биз сизга ўхшаш башармиз, холос. Лекин Аллоҳ Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, (рисолатни) инъом қилур. Биз сизга ўзимизча, Аллоҳнинг изнисиз бирор ҳужжат келтира олмаймиз. Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккул қилсинлар.

12. Нима учун биз Аллоҳга таваккул қилмас эканмиз?! Ҳолбуки, У бизни йўлимизга ҳидоят қилди. Бизга берган озорларингизга албатта сабр қиламиз. Таваккул қилувчилар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар», дедилар.

13. Куфр келтирганлар ўз расулларига: «Ё биз сизларни еримиздан чиқариб юборамиз, ё сизлар миллатимизга қайтурсизлар», дедилар. Бас, Робблари уларга ваҳий қилдики: «Албатта, Биз золимларни ҳалок қилурмиз.

14. Ва улардан сўнг у ерга сизни жойлаштирурмиз. Бу эса мақомимдан хавф қилганлар ва таҳдидимдан қўрққанлар учундир».

15. Фатҳу нусрат сўрадилар ва ҳар бир димоғдор, қайсар кимса ноумидликка учради.

16. Унинг ортида жаҳаннам бордир. Йиринг сув ила суғориладир.

17. Уни ютишга уринади-ю, юта олмас. Унга ҳар томондан ўлим келади-ю, ўла олмас. Унинг ортидан эса қаттиқ азоб бор.

18. Роббларига куфр келтирганларнинг амалларининг мисоли худди бўронли кунда шамол учириб кетган кулга ўхшайди. Улар ўз касбларидан бирор нарсага эга бўлмаслар. Ана ўша ўзи қаттиқ адашувдир.

19. Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила яратиб қўйганини кўрмадингми? Агар истаса, сизларни кетказиб, янги халқ келтиради.

20. Бу эса Аллоҳ учун қийин эмас.

21. Уларнинг ҳаммалари Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлдилар. Бас, заифлар мутакаббирларга: «Албатта, биз сизларга тобе бўлган эдик. Энди сизлар устимиздаги Аллоҳнинг азобидан бирор нарсани енгиллата оласизларми?» дедилар. Улар: «Агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилганида, биз ҳам сизларни албатта ҳидоят қилар эдик. Энди дод-вой қиламизми ёки сабр қиламизми, биз учун барибир. Биз учун қочар жой йўқ», дедилар.

22. Иш битиб бўлганда шайтон: «Албатта, Аллоҳ сизга ҳақ ваъдани қилган эди. Мен эса сизга ваъда бердим-у, ваъдамга хилоф қилдим. Менинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлигим йўқ эди. Фақат даъват қилсам, ўзингиз менга ижобат қилдингиз. Бас, мени маломат қилманг, ўзингизни маломат қилинг. Мен сизларни қутқарувчи эмасман, сизлар ҳам мени қутқарувчи эмассизлар. Энди мен, албатта, илгари мени шерик қилганингизни инкор қиламан. Албатта, золимларга, ҳа, уларга аламли азоб бор», деди.

23. Ва иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар Роббларининг изни ила остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга уларда мангу қолувчи бўлган ҳолларида киритилдилар. Уларнинг ундаги сўрашишлари «салом»дир.

24. Аллоҳ яхши сўзга қандай мисол келтирганини кўрмайсанми? У худди бир яхши дарахтга ўхшайди. Унинг асли собитдир, шохлари эса осмондадир.

25. Роббининг изни ила ҳар доим меваларини бериб туради. Аллоҳ шоядки эслатма олсалар деб, одамларга мисоллар келтиради.

26. Ёмон сўзнинг мисоли худди ёмон дарахтга ўхшайди. У ердан узилиб қолган, унинг карори йўқдир.

27. Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз ила собитқадам қилур. Аллоҳ золимларни залолатга кетказур. Аллоҳ хоҳлаганини қилур.

28. Аллоҳнинг неъматини куфрга алмаштирган ва қавмларини ҳалокат диёрига туширганларни кўрмадингми?

29. Жаҳаннамга кириб, куюрлар. У нақадар ёмон қароргоҳ!

30. Улар Аллоҳга, Унинг йўлидан адаштириш учун тенгдошлар қилдилар. «Ҳузурланиб қолинг! Бас, албатта, борар жойингиз дўзахдир», деб айт!

31. Иймон келтирган бандаларимга айтгин, намозни тўкис адо этсинлар. Савдо-сотиқ, оғайнигарчилик йўқ бўлган Кун келмасидан олдин уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан махфий ва ошкор инфоқ қилсинлар.

32. Аллоҳ осмонлару ерни яратган, осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризқ қилиб чиқарган, Ўз амри ила денгизда сузмоғи учун кемаларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган ва анҳорларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган Зотдир.

33. У қуёш ва ойни муттасил ҳаракатлантириб, сизга беминнат хизматкор қилиб қўйди. Шунингдек, сизга кеча ила кундузни ҳам беминнат хизматкор қилиб қўйди.

34. Ва У сизга барча сўраган нарсаларингиздан берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассизлар. Албатта, инсон ўта золим, ўта ношукрдир.

35. Иброҳим: «Роббим, бу юртни омонлик юрти қилгин, мени ва болаларимни санамларга ибодат қилишимиздан четда қилгин», деганини эсла.

36. «Роббим, албатта, улар (санамлар) одамлардан кўпини адаштирдилар. Бас, ким менга эргашса, у мендандир. Ким менга осий бўлса, албатта, Ўзинг мағфиратлисан, раҳмлисан.

37. Роббимиз, ҳақиқатда мен ўз зурриётимни Байтул Ҳароминг ёнига,

гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Роббимиз, намозни тўкис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд, шукр қилсалар.

38. Роббимиз, албатта, Сен махфий тутган нарсамизни ҳам, ошкор қилган нарсамизни ҳам яхши билурсан. Аллоҳ учун на ерда ва на осмонда бирор нарса махфий қолмас.

39. Кексалик пайтимда менга Исмоил ва Исҳоқни ҳадя этган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта, Роббим дуони эшитувчидир.

40. Роббим, мени ва зурриётларимни намозни тўкис адо этадиганлардан қилгин. Роббимиз, дуоимни қабул этгин.

41. Роббимиз, ҳисоб қилинадиган Кунда мени, ота-онамни ва мўминларни мағфират айлагин».

42. Ҳаргиз Аллоҳ золимлар қилаётган нарсадан ғофил деб ўйлама. Фақат уларни кўзлар қотиб қоладиган Кунга қолдиради, холос.

43. Улар хорланган ҳолда бўйинларини чўзиб, бошларини эгиб югурурлар. Кўзлари ўзларига қайтмас. Қалблари эса бўм-бўш.

44. Одамларни уларга азоб келадиган Кундан огоҳлантир. Ўшанда зулм қилганлар: «Роббимиз, бизни озгина вақт қўйиб тургин, даъватингни қабул қиламиз ва расулларга эргашамиз», дерлар. Бундан олдин сизларга завол йўқлигига қасам ичмаган эдингизми?!

45. Ва ўзига зулм қилганларнинг масканларига жойлашмадингизми? Уларни қандай қилганимиз сизга равшан бўлмадими? Сизга мисоллар келтирмадикми?

46. Дарҳақиқат, ўз макрларини қилдилар. Ҳолбуки, уларнинг макрлари, гарчи макрларидан тоғлар заволга учрайдиган бўлса ҳам, Аллоҳнинг ҳузуридадир.

47. Аллоҳни расулларига берган ваъдасига хилоф қилувчи деб ўйлама. Албатта, Аллоҳ азиз ва интиқом эгасидир.

48. (Бу) ер бошқа ерга ва осмонлар ҳам алмаштириладиган ва (одамлар) ягона, қаҳҳор Аллоҳ ҳузурида пайдо бўладиган Кундадир.

49. Ва у Кунда жиноятчиларни кишанлар ила жамланган ҳолларида кўрасан.

50. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов қоплагандир.

51. Аллоҳ ҳар бир жонга қилган касбига яраша жазо бериши учундир. Албатта, Аллоҳ тез ҳисоб қилувчидир.

52. Бу (Қуръон) одамлар учун, уларнинг у ила огоҳлантирилишлари, У ягона илоҳ эканини билишлари ва ақл эгалари эслатма олишлари учун баёнотдир.



15. ҲИЖР СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 99 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Ро. Ушбулар Китобнинг ва очиқ-ойдин Қуръоннинг оятларидир.
2. Ҳали куфр келтирганлар мусулмон бўлишни ҳам истаб қолурлар.
3. Уларни тек қўй, еб-ичиб, ҳузурланиб, умидлар ила машғул бўлиб юраверсинлар. Бас, тезда билурлар.
4. Ҳеч бир шаҳарни маълум битиксиз ҳалок этганимиз йўқ.
5. Ҳеч бир уммат ўз муддатидан ўзиб кета олмас ва ортда ҳам қола олмас.
6. Улар дедилар: «Эй Зикр нозил қилинган киши, албатта, сен мажнунсан.
7. Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга фаришталарни келтирсанг-чи!»
8. Фаришталарни фақат ҳақ ила туширамиз. У ҳолда улар муҳлат берилган бўлмаслар.
9. Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз.
10. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам аввалги гуруҳларга расуллар юборганмиз.
11. Уларга қайси бир расул келса, уни масхара қилмасдан қўймас эдилар.
12. Уни жиноятчиларнинг қалбларига ана шундай йўллаймиз.
13. Унга (Қуръонга) иймон кетирмаслар. Батаҳқиқ, аввалгиларнинг суннати ҳам шундай ўтгандир.
14. Агар уларга осмондан бир эшик очсак-у, куппа-кундузи унга кўтарилиб турсалар ҳам:
15. «Кўзларимиз боғланди, балки биз сеҳрланган қавммиз», дерлар.
16. Батаҳқиқ, осмонларда буржлар қилиб қўйдик ва уни назар солувчилар учун зийнатладик.
17. Уни ҳар бир қувилган шайтондан муҳофаза қилдик…
18. бирортаси ўғринча қулоқ осса ҳам, ортидан ёрқин шуъла таъқиб этар.
19. Ерни ёйиб, устига барқарор тоғларни ташлаб қўйдик ва унда ўлчанган турли нарсаларни ўстириб қўйдик.
20. Ва унда сизлар учун яшаш воситаларини ва сиз ризқини бера олмайдиган кимсаларни (пайдо) қилиб қўйдик.
21. Ҳеч бир нарса йўқки, унинг хазиналари ҳузуримизда бўлмаса. Уни фақат маълум ўлчов-ла туширурмиз.

22. Шамолларни урчитувчилар этиб юбордик. Бас, осмондан сув тушириб, у ила сизларни сероб қилдик. Сизлар уни тўпловчи эмассиз.

23. Албатта, Биз Ўзимиз тирилтирурмиз ва ўлдирурмиз. Ва Биз меросхўрмиз.

24. Батаҳқиқ, сиздан олдин келувчиларни билдик. Батаҳқиқ, кейин келганларни ҳам билдик.

25. Албатта, Роббинг Ўзи уларни тўплар. Албатта, У ҳакимдир, билувчидир.

26. Батаҳқиқ, инсонни қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан яратдик.

27. Ва жинларни бундан олдин самум оловидан яратдик.

28. Ўшанда Роббинг фаришталарга деди: «Албатта, Мен қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан башар яратувчидирман.

29. Бас, қачонки уни бекаму кўст қилиб бўлганимда ва ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда унга сажда қилган ҳолингизда йиқилинг».

30. Бас, фаришталарнинг барчалари бараварига сажда қилдилар.

31. Фақат иблис сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортди.

32. У Зот: «Эй иблис! Сенга не бўлди, сажда қилувчилар билан бирга бўлмадинг?» деди.

33. У: «Сен қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан яратган башарга сажда қила олмасдим», деди.

34. У Зот деди: «Бас, ундан чиқ! Чунки сен қувилгансан!

35. Ва албатта, то жазо кунигача сенга лаънат бўлгай!»

36. У: «Роббим, менга улар қайта тирилтириладиган Кунгача муҳлат бергин», деди.

37. У Зот деди: «Албатта, сен муҳлат берилганлардансан.

38. Маълум вақт кунигача».

39. У деди: «Роббим, мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта мен уларга ер юзида (гуноҳларни) чиройли кўрсатаман ва албатта, уларнинг ҳаммасини йўлдан оздираман.

40. Улардан танланган бандаларинг мустасно».

41. У Зот айтди: «Бу Мен учун тўғри йўлдир:

42. Сенга бандаларим устидан ҳукмронлик йўқдир, аммо сенга эргашган гумроҳларгина мустасно.

43. Жаҳаннам уларнинг барчасининг ваъда қилинган жойидир.

44. Унинг етти эшиги бордир. Ҳар бир эшик учун улардан тақсимланган бўлаги бордир».

45. Албатта, тақводорлар жаннатлар ва чашмалардадир.

46. «Уларга салом ила, омонликда киринглар», (дейилур).
47. Уларнинг дилларидаги ғиллу-ғашларни чиқариб ташладик. Сўриларда бир-бирларига юзланиб, биродар бўлган ҳолларидадирлар.
48. Уларни у жойда чарчоқ тутмас ва улар ундан чиқарилувчи ҳам эмаслар.
49. Бандаларимга хабар бергинки: «Албатта, Менинг Ўзим мағфиратлиман, раҳмлиман.
50. Ва албатта, азобим, ҳа, у аламли азобдир».
51. Уларга Иброҳимнинг меҳмонлари ҳақида хабар бер.
52. Ўшанда улар унинг ҳузурига кириб: «Салом», дедилар. У: «Биз сизлардан қўрқмоқдамиз», деди.
53. Улар: «Қўрқма, биз сенга билимдон ўғилнинг хушхабарини берамиз», дедилар.
54. У: «Мени кексалик тутганида хушхабар берасизларми? Ниманинг хушхабарини беряпсизлар ўзи?» деди.
55. Улар: «Сенга ҳақ ила башорат бердик. Бас, сен ноумидлардан бўлма», дедилар.
56. У: «Роббининг раҳматидан адашганларгина ноумид бўлурлар», деди.
57. У: «Сизнинг ишингиз недир, эй элчилар?» деди.
58. Улар дедилар: «Биз жиноятчи қавмларга юборилдик.
59. Фақат Оли Лут мустасно. Албатта, биз уларнинг ҳаммасини қутқарувчилармиз.
60. Унинг хотинигина мустаснодир. Унинг албатта (азобда) қолувчилардан бўлишини тақдир қилдик».
61. Элчилар Оли Лутга келганларида…
62. у: «Сиз нотаниш қавмсиз», деди.
63. «Йўқ! Сенга улар шак қилаётган нарса ила келдик.
64. Улар дедилар: «Сенга ҳақ ила келдик ва албатта, бизлар ростгўйлардирмиз.
65. Аҳлинг ила кечанинг бир қисмида йўлга чиқ ва уларнинг ортидан кузатиб бор. Сизлардан ҳеч бирларингиз ортга қарамасин. Амр қилинган томонингизга кетаверинглар».
66. Ва унга: «Албатта, анавиларнинг орқаси субҳ чоғи кесилажакдир», дея ваҳий қилдик.
67. Ва шаҳар аҳли севиниб етиб келдилар.
68. У деди: «Булар менинг меҳмонларим, ахир. Мени уятга қўйманглар.
69. Ва Аллоҳдан қўрқинглар! Мени шарманда қилманглар».
70. Улар: «Сени оламлардан қайтармаганмидик?!» дедилар.
71. У: «Агар (бу ишни) қилувчи бўлсангиз, мана бу қизларим бор», деди.

72. Умринг ила қасамки, албатта, улар ўз сархушликларида тентирамоқдалар.

73. Бас, қуёш чиқиш пайтида уларни даҳшатли қичқириқ тутди.

74. Бас, уни (шаҳарни) остин-устин қилдик ва уларнинг устига қотган лойли тошлар ёғдирдик.

75. Албатта, бунда фаросатли кишилар учун оят (белги)лар бордир.

76. Албатта, у (шаҳар) доимий йўл устидадир.

77. Албатта, бунда мўминлар учун оят (ибрат) бордир.

78. Албатта, қуюқ дарахтзор эгалари золимлардан бўлганлар.

79. Бас, улардан интиқом олдик. Албатта, икковлари ҳам очиқ йўл устидадир.

80. Батаҳқиқ, Ҳижр эгалари расулларни ёлғончига чиқардилар.

81. Ва уларга оятларимизни бердик. Бас, улардан юз ўгирувчи бўлдилар.

82. Улар тоғдан ўйиб уй ясаб, омонликда юрар эдилар.

83. Бас, субҳидам чоғида уларни даҳшатли қичқириқ тутди.

84. Касб қилган нарсалари уларга бирон фойда бермади.

85. Осмонлару ерни ва улардаги нарсаларни ҳақ ила яратдик. Албатта, Соат келувчидир. Бас, сен чиройли кечирим ила кечир.

86. Албатта, Роббинг яратувчидир, билувчидир.

87. Ва батаҳқиқ, сенга етти такрорланувчини ва Буюк Қуръонни бердик.

88. Биз улардан айрим тоифаларни баҳраманд қилган нарсаларга кўз тикма! Улар учун маҳзун ҳам бўлма! Мўминларга қанотингни паслат!

89. Ва: «Албатта, мен очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман», деб айт.

90. Худди тақсимловчиларга туширганимизга ўхшаш.

91. Қуръонни парча-парча қилганларга.

92. Бас, Роббинг ила қасамки, албатта уларнинг ҳаммасидан сўрармиз…

93. қилиб юрган ишлари ҳақида.

94. Бас, сенга амр этилган нарсани ошкора қил ва мушриклардан юз ўгир.

95. Албатта, Биз сенга истеҳзо қилувчилар учун кифоя қилурмиз.

96. Улар Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ (шерик) қиладиганлардир. Бас, тезда билурлар.

97. Албатта, уларнинг айтаётганларидан кўксинг сиқилишини Биз яхши билурмиз.

98. Бас, Роббингни ҳамди ила поклаб ёд эт ва сажда қилувчилардан бўл.

99. Ва сенга аниқ нарса (ўлим) келгунича Роббингга ибодат қил.



16. НАҲЛ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 128 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Аллоҳнинг амри келди. Бас, унинг тезроқ келишини талаб қилмай қўя қолинг. У Зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олийдир.
2. У Зот Ўз амри ила фаришталарни руҳ-ваҳий билан бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига: «Огоҳлантиринглар. Албатта, Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга тақво қилинглар», деб нозил қилур.
3. У Зот осмонлару ерни ҳақ ила яратди. У Зот улар ширк келтираётган нарсалардан олий бўлди.
4. У Зот инсонни нутфадан яратди. Энди эса у (инсон) очиқ-ойдин хусуматчи бўлиб турибди.
5. У Зот чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқлик, манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам.
6. Ва сиз учун уларда кечки пайт (ўтлоқдан) қайтаётганларида ва эрталаб (ўтлоққа) кетаётганларида чирой бор.
7. Ва улар юкларингизни сиз жон машаққатисиз ета олмайдиган юртларга кўтариб боради. Албатта, Роббингиз шафқатли, раҳмлидир.
8. Отлар, хачирлар ва эшакларни минишингиз ва зийнат учун (яратди) ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур.
9. Йўлларнинг энг тўғриси Аллоҳнинг зиммасидадир. Улардан эгриси ҳам бордир. Агар хоҳласа, албатта, ҳаммангизни ҳидоят қиларди.
10. У осмондан сувни туширган Зотдир. Сизга ундан ичимлик ва ундан (чорваларингизни) ўтлатадиган ўсимлик бордир.
11. У Зот ўша (сув) ила сизга экинларни, зайтунни, хурмоларни, узумларни ва турли меваларни ўстирур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят (белги)лар бор.
12. У Зот сизга кечанию кундузни, қуёшнию ойни беминнат хизматкор қилиб қўйди. Юлдузлар Унинг амри ила беминнат хизматкордир. Албатта, бунда ақл юритгувчи қавмлар учун оят (белги)лар бордир.
13. Ва сиз учун ер юзида турли рангда яратиб, таратган нарсаларини ҳам (хизматкор қилди). Албатта, бунда эслатма оладиган қавмлар учун оят (белги) бордир.
14. У денгизни сиз ундан янги, барра гўшт еийишингиз, ундан тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишингиз – унда (сувни) ёриб кетаётган кемаларни ҳам кўрасан – ҳамда Унинг фазлини талаб қилишингиз учун беминнат хизматкор қилган Зотдир. Шоядки, шукр қилсангиз.

15. У Зот ер сизларни тебратиб юбормаслиги учун унинг устига барқарор тоғларни ташлаб қўйди. Анҳорлару йўлларни ҳам. Шоядки, тўғри йўл топсангиз.

16. Ва аломатлар ҳамда юлдузлар ила улар йўл топурлар.

17. Яратадиган Зот яратмайдиган зот каби бўлурми? Ўйлаб кўрмайсизларми?

18. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассиз. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

19. Аллоҳ нимани сир тутаётганингизни ҳам, нимани ошкор қилаётганингизни ҳам билади.

20. Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётганлари ҳеч нарсани ярата олмаслар. Ўзлари яратилурлар.

21. Ўликлардир, тирик эмаслар ва қачон қайта тирилтирилишларини билмаслар.

22. Илоҳингиз ягона илоҳдир. Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари инкор қилувчидир, ўзлари эса мутакаббирдирлар.

23. Шубҳасизки, Аллоҳ нимани сир тутаётганларини ҳам, нимани ошкор қилаётганларини ҳам биладир. Албатта, У мутакаббирларни хуш кўрмас.

24. Қачонки уларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?» дейилса, улар: «Аввалгиларнинг афсоналарини», дерлар.

25. Қиёмат куни ўз гуноҳларини тўлалигича ва жаҳолат ила йўлдан адаштирганларининг гуноҳларидан кўтаришлари учундир. Огоҳ бўлинг! Улар кўтарган нарса нақадар ёмон!

26. Батаҳқиқ, улардан олдингилар ҳам макр қилганлар. Бас, Аллоҳ биноларини пойдеворидан йиқитди. Шифт устларига қулаб тушди. Ва уларга ўзлари сезмаган томондан азоб келди.

27. Сўнгра қиёмат куни У Зот уларни шарманда қилур ва: «Сизлар улар ҳақида тортишиб юрган Менинг «шерикларим» қани?» дер. Илм берилганлар: «Бугунги кунда хорлик ва ёмонлик кофирларгадир», дерлар.

28. Фаришталар уларнинг жонларини ўзларига зулм қилувчи бўлиб турганларида олурлар. «Ҳеч бир ёмонлик қилмаган эдик», дея таслим бўлурлар. Йўқ! Албатта, Аллоҳ нима амал қилиб юрганингизни билувчидир.

29. Бас, жаҳаннам эшикларидан, унда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг! Мутакаббирларнинг турар жойи нақадар ёмон!

30. Ва тақво қилганларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?» дейилди. Улар: «Яхшиликни», дедилар. Чиройли амаллар қилганлар учун бу

дунёда чиройли (мукофот) бордир. Албатта, охират диёри яхшироқдир. Тақводорларнинг диёри нақадар яхши!

31. У адн жаннатларидир. Уларга кирганларида остиларидан анҳорлар оқиб турар, улар учун у ерда истаган нарсалари бор. Аллоҳ тақводорларни ана шундай мукофотлар.

32. Фаришталар уларнинг жонларини пок ҳолларида ола туриб: «Сизларга салом бўлсин. Қилиб юрган амалларингиз туфайли жаннатга киринг», дерлар.

33. Улар ўзларига фаришталар ёки Роббингнинг (азоб) амри келишини кутяптиларми? Улардан олдингилар ҳам шундай қилган эдилар. Аллоҳ уларга зулм қилмади. Лекин улар ўзларига зулм қилган эдилар.

34. Бас, қилган ёмон амаллари ўзларига етди ва истеҳзо қилган нарсалари ўзларини ўраб олди.

35. Ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам Ундан ўзга ҳеч нарсага ибодат қилмаган бўлар эдик ҳамда Унинг ҳукмисиз бирон нарсани ҳаром қилмаган бўлар эдик», дедилар. Улардан олдингилар ҳам шундай қилганлар. Расуллар зиммасида очиқ-ойдин етказиш бор, холос.

36. Батаҳқиқ, ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб расул юборганмиз. Улардан баъзиларини Аллоҳ ҳидоят қилди. Баъзиларига эса залолат ҳақ бўлди. Ер юзида юриб, ёлғонга чақирувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг.

37. Уларнинг ҳидоятига ҳарис бўлсанг ҳам, Аллоҳ залолатга кетказган кимсаларни ҳидоят қилмас. Уларга ҳеч қандай ёрдам берувчилар ҳам бўлмас.

38. Улар жон-жаҳдлари билан: «Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтирмас», деб, Аллоҳ номи ила қасам ичдилар. Йўқ! Бу У Зотнинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.

39. Уларга ихтилоф қилиб юрган нарсаларини баён қилиб бериш учун ва куфр келтирганлар ўзларининг шубҳасиз ёлғончи эканларини билишлари учун (қайта тирилтирур).

40. Бир нарсани ирода қилсак, унга айтадиганимиз «Бўл!» демоғимиз, холос, бас, у бўладир.

41. Зулмга дучор бўлганларидан сўнг Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилганларни бу дунёда албатта яхши (жой)га жойлаштирамиз. Ва охират ажри каттароқдир. Кошки, билганларида эди!

42. Улар сабр қилган ва Роббларига таваккул қилганлардир.

43. Сендан олдин ҳам фақат эр кишиларни юбориб, уларга ваҳий қилганмиз. Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларидан сўранглар.

44. Очиқ-ойдин баёнотлар ва китоблар ила (юбордик). Ва сенга одамларга

нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун Зикрни нозил қилдик. Шоядки, тафаккур қилсалар.

45. Макр ила ёмонликлар қилганлар, Аллоҳ уларни ерга юттириб юборишидан ёки уларга кутмаган томонларидан азоб келиб қолишидан хотиржам бўлдиларми?!

46. Ёхуд уларни айланиб юрганларида олишидан-чи? Улар (У Зотни) ожиз қолдирувчи эмаслар.

47. Ёки уларни хавфсираб турган ҳолларида олишидан ҳам (хотиржаммилар?) Албатта, Роббингиз шафқатлидир, раҳмлидир.

48. Ахир Аллоҳ яратган ҳар бир нарсанинг соялари бўйсунувчи бўлган ҳолда, Аллоҳга сажда қилиб, ўнгга, чапга мойил бўлишини кўрмадиларми?!

49. Осмонлару ердаги барча жонзотлар ва фаришталар фақат Аллоҳга сажда қилурлар. Улар мутакаббирлик қилмаслар.

50. Улар устларидаги Роббларидан қўрқурлар ва ўзларига амр қилинган нарсаларни қилурлар.

51. Аллоҳ: «Иккита илоҳ тутмангиз. Албатта, Угина ягона илоҳдир. Бас, Мендангина қўрқингиз», деди.

52. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Дин ҳам бардавом Уникидир. Аллоҳдан ўзгадан қўрқасизларми?

53. Сизда қайсики неъмат бўлса, Аллоҳдандир. Сўнгра қачонки сизга ёмонлик етса, Унгагина ёлворасиз.

54. Сўнгра У сиздан ёмонликни кушойиш қилган чоқда, қарабсизки, сиздан бир гуруҳ ўз Роббларига ширк келтирурлар.

55. Уларга берган нарсаларимизга куфр келтирурлар. Бас, ҳузурланиб туринглар, тезда билурсиз.

56. Ва улар ўзлари (моҳиятини) билмаган нарсага Биз уларга берган ризқдан насиба ажратурлар. Аллоҳга қасамки, ўзингиз уйдирган ёлғон нарса ҳақида албатта сўралурсиз.

57. Улар Аллоҳга қизларни мансуб қилишур – У покдир – ўзларига эса кўнгиллари тусагани (эмиш).

58. Қачонки улардан бирига қизнинг хушхабари берилса, ғам-аламга тўлиб, юзи қорайиб кетур.

59. Унга берилган хушхабарнинг ёмонлигидан (уялиб) қавмидан беркинур. Уни (қизни) хорлик-ла олиб қолсамикин ёки тупроққа кўмсамикин? Огоҳ бўлинг! Улар қилган ҳукм нақадар ёмон!

60. Ёмон сифат охиратга иймон келтирмайдиганларникидир. Энг олий сифат эса Аллоҳникидир. У азиздир, ҳакимдир.

61. Агар Аллоҳ одамларни қилган зулмларига биноан тутганида, ер юзида битта ҳам жонзотни қўймас эди. Лекин уларни белгиланган муддатгача

ортга сурур. Қачонки муддатлари келса, уни бирор соат орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар.

62. Улар Аллоҳга ўзлари ёқтирмаган нарсани мансуб қилурлар. Тиллари эса ёлғонни – уларга яхшилик бўлишини васф қилур. Ҳеч шубҳасиз, уларга албатта олов бўлур ва албатта, улар унутилганлардир.

63. Аллоҳга қасамки, сендан олдинги умматларга ҳам (расул) юборганмиз. Бас, шайтон уларга амалларини чиройли кўрсатди. У бугун уларнинг дўстидир. Уларга аламли азоб бордир.

64. Биз сенга Китобни фақат уларга ўзлари ихтилоф қилган нарсаларни баён этишинг учун иймон келтирадиган қавмларга ҳидоят ва раҳмат қилиб нозил этдик, холос.

65. Аллоҳ осмондан сув тушириб, у ила ерни ўлимидан кейин тирилтирди. Албатта, бунда эшитадиган қавмлар учун оят (белги)лар бордир.

66. Албатта, чорва ҳайвонларида ҳам сиз учун ибрат бордир. Сизларни уларнинг қорнидан, гўнг ва қон орасидан ичувчилар учун ютумли соф сут ила суғорурмиз.

67. Ва хурмо ва узумларнинг меваларидан маст қилувчи нарса ва гўзал ризқ олурсиз. Албатта, бунда ақл юритувчилар учун оят (белги) бордир.

68. Роббинг асаларига ваҳий юборди: «Тоғлардан, дарахтлардан ва кўтарилган ишкомлардан уй тутгин.

69. Сўнгра ҳамма мевалардан егин. Бас, Роббинг осон қилиб қўйган йўллардан юргин». Қоринларидан турли рангдаги ичимлик чиқар. Унда одамлар учун шифо бордир. Албатта, бунда тафаккур қилувчилар учун оят (белги) бордир.

70. Аллоҳ сизларни яратгандир. Сўнгра сизларни вафот эттиради. Сизлардан билимли бўлгандан сўнг ҳеч нарса билмайдиган бўлиши учун умрнинг энг заифлигига қайтариладиганлар бор. Албатта, Аллоҳ билувчи ва қодирдир.

71. Аллоҳ ризқда баъзингизни баъзингиздан афзал қилди. Бас, афзал қилинганлар ҳамма тенг бўлсин деб, ўз ризқларини қўлларида мулк бўлганларга берувчи эмаслар-ку. Аллоҳнинг неъматларини инкор қиладиларми?!

72. Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларга пок ризқларни берди. Ботилга иймон келтирадилар-у, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирадиларми?!

73. Ва Аллоҳдан ўзга уларга осмонлару ердан ҳеч бир ризққа молик бўла олмайдиган ва ҳеч нарса қила олмайдиган нарсаларга ибодат қилурларми?

74. Аллоҳга мисол келтирманглар! Албатта, Аллоҳ биладир. Сизлар эса билмассизлар.

75. Аллоҳ ҳеч нарсага қодир бўлмайдиган мамлук қул билан Биз уни яхши ризқ ила ризқлантирган ва ўшандан махфий ва ошкора инфоқ қиладиган кишини мисол келтиради. Улар тенг бўлурлармi? Ҳамд Аллоҳгадир. Йўқ! Уларнинг кўплари билмаслар.

76. Аллоҳ икки кишини мисол келтирди. Бирлари соқов, ҳеч нарсага қодир бўлмас. У ўз хожасига юкдир. Қаерга юборса ҳам, яхшилик келтирмас. Ўша одам билан ўзи тўғри йўлда туриб, бошқаларни адолатга амр қиладиган киши баробар бўлурми?

77. Осмонлару ернинг ғайби Аллоҳникидир. Соат (қиёмат) иши эса кўз очиб-юмгандек ёки ундан ҳам яқинроқдир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

78. Аллоҳ сизни оналарингиз қорнидан ҳеч нарса билмайдиган ҳолингизда чиқарди. Ва сизга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди. Шоядки, шукр қилсангиз.

79. Осмон фазосида беминнат хизматкор қилинган қушларни кўрмадиларми? Уларни фақатгина Аллоҳ ушлаб турадир, холос. Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун оят (белги)лар бордир.

80. Аллоҳ сизга уйларингизни оромгоҳ қилди. Ва сизга чорва ҳайвонларининг терисидан кўчадиган ва қўнадиган кунингизда енгил кўтариладиган уйлар қилди. Жунлари, юнглари ва қилларидан маълум вақтгача жиҳоз ва мато бўладиган қилди.

81. Аллоҳ сизга Ўзи яратган нарсалардан соялар қилиб қўйди ва сизга тоғлардан бошпаналар, сизларни иссиқдан сақлайдиган кийимлар ва зарбадан сақлайдиган кийимлар қилиб қўйди. Шундай қилиб, У сизларга Ўз неъматини тўкис қилиб берди. Шоядки, мусулмон бўлсангиз.

82. Агар юз ўгириб кетсалар, сенинг зиммангда очиқ-ойдин етказиб қўйиш, холос.

83. Аллоҳнинг неъматини танирлар, кейин эса уни инкор қилурлар. Уларнинг кўплари кофирлардир.

84. У Кунда барча умматлардан гувоҳ келтирурмиз, сўнгра куфр келтирганларга (узр учун) изн ҳам берилмас ва улардан рози қилишлари ҳам талаб этилмас.

85. Зулм қилганлар азобни кўрган вақтларида улардан у енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас.

86. Ва ширк келтирганлар «шерик»ларини кўрган чоғларида: «Роббимиз, анавилар Сендан ўзга ибодат қилган «шерик»ларимиз», дерлар. Бас,

улар (шериклар) буларга: «Албатта, сизлар ёлғончидирсизлар», деб сўз ташларлар.

87. Ўша кунда улар (мушриклар) Аллоҳга таслим бўлурлар ва тўқиб олган нарсалари улардан ғойиб бўлур.

88. Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганларга бузғунчилик қилганлари учун азоб устига азоб зиёда қилдик.

89. Ҳар бир умматга ўзидан гувоҳ олиб келган кунимизда сени анавиларга (умматингга) гувоҳ қилиб келтирамиз. Сенга Китобни ҳар бир нарсани баён қилувчи этиб, мусулмонларга ҳидоят, раҳмат ва хушхабар қилиб нозил этдик.

90. Албатта, Аллоҳ адолатга, эҳсонга, қариндошларга яхшилик қилишга амр этур ва фаҳшу мункар (ишлардан) ҳамда зулмкорликдан қайтарур. У сизларга ваъз қилур. Шоядки, эслатма олсангиз.

91. Агар аҳдлашсангиз, Аллоҳнинг аҳдига вафо қилинг. Қасамларни таъкид қилинганидан сўнг бузманг. Батаҳқиқ, Аллоҳни ўзингизга кафил қилгансиз-а! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингизни билур.

92. Тўқигани қувватли бўлгандан сўнг уни сўтиб юборган хотинга ўхшаб, бир уммат бошқа умматдан зиёдроқ бўлгани учун қасамларингизни орангизга алдов воситаси қилиб олманг. Албатта, бу билан сизни Аллоҳ синамоқда, холос. Албатта, У қиёмат куни нима ҳақида ихтилоф қилганингизни баён қилиб берур.

93. Агар Аллоҳ хоҳласа, сизларни бир уммат қилар эди. Лекин хоҳлаган бандасини залолатга кетказади ва хоҳлаган бандасини ҳидоят қилади. Ва албатта, қилиб юрган амалларингиздан сўралурсизлар.

94. Қасамларингизни орангизда алдов воситаси қилиб олмангки, қадам собит бўлганидан сўнг тойиб кетур ҳамда Аллоҳнинг йўлидан тўсганингиз учун ёмонликни тотиб қолурсиз ва сизга улкан азоб бўлур.

95. Аллоҳнинг аҳдини оз баҳога сотиб юборманг. Агар билсангиз, сиз учун албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқдир.

96. Ҳузурингиздаги нарса тугайди. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса боқийдир. Албатта, сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзали баробарида ажр ила мукофотлармиз.

97. Эркакми, аёлми, ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, уни пок, гўзал ҳаёт кечиртирамиз ва албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзали баробарида ажр ила мукофотлармиз.

98. Қачон Қуръон ўқисанг, Аллоҳдан қувилган шайтондан паноҳ сўрагин.

99. Албатта, иймон келтирганларга ва Роббларига таваккул қилганларга унинг (шайтоннинг) ҳукмронлиги йўқ.

100. Унинг ҳукмронлиги фақат уни дўст тутадиганларга ва у сабабли мушрик бўлганларга, холос.

101. Қачонки бир оят ўрнини бошқа бир оят ила алмаштирсак – ҳолбуки, Аллоҳ нимани нозил қилишни Ўзи яхши билувчидир – улар: «Шубҳасиз, сен уйдирмачисан!» дерлар. Йўқ! Уларнинг кўплари билмаслар.

102. Уни Руҳул қудус Роббингдан иймон келтирганларни собитқадам қилиш учун ва мусулмонларга ҳидоят ва хушхабар этиб ҳақ ила нозил қилганини айт.

103. Батаҳқиқ, биламизки, албатта, улар: «Унга бирорта башар таълим бермоқда, холос», дерлар. Улар гумон қилаётганнинг тили ажамийдир. Бу эса очиқ-ойдин араб тилидадир.

104. Албатта, Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларни Аллоҳ ҳидоятга солмайди ва уларга аламли азоб бордир.

105. Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар – ўзлари ёлғончилардир.

106. Ким иймонидан сўнг Аллоҳга куфр келтирса – қалби иймон ила ором топа туриб, мажбурланганлар бундан мустасно – ким кўксини куфрга очса, бас, уларга Аллоҳдан ғазаб бор. Уларга буюк азоб бор.

107. Бу уларнинг дунё ҳаётини охиратдан устун қўйганлари сабабидандир. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят этмас.

108. Ана ўшаларнинг қалблари, қулоқлари ва кўзларига Аллоҳ муҳр босгандир. Ана ўшалар ғофиллардир.

109. Ҳеч шубҳа йўқки, охиратда улар зиён кўрувчилардир.

110. Сўнгра албатта Роббинг – фитнага учраганларидан кейин ҳижрат қилиб, жиҳод қилган ва сабр этганлар учун – албатта, Роббинг шулардан кейин мағфиратли, раҳмлидир.

111. У кунда ҳар жон ўзи ҳақида тортишиш учун келур ва ҳар бир жонга амалига яраша вафо қилинур ҳамда уларга зулм этилмас.

112. Аллоҳ бир шаҳарни мисол қилиб келтиради: у омонлик ва хотиржамликда эди. Ризқи ҳар макондан фаровон келиб турарди. Сўнг у Аллоҳнинг неъматларига куфр келтирди. Бас, Аллоҳ унга, қилган ишлари учун очлик ва хавф «либоси»ни «тоттирди».

113. Батаҳқиқ, уларга ўзларидан Расул келди. Бас, улар уни ёлғончига чиқардилар. Кейин золим бўлган ҳолларида уларни азоб тутди.

114. Бас, Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-пок ҳолда енглар. Ва агар Унгагина ибодат қиладиган бўлсангиз, Аллоҳнинг неъматига шукр қилинглар.

115. Албатта, У Зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўчқа гўштини ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Кимки ҳузурланувчи ва тажовузкор бўлмаган ҳолида мажбур бўлиб қолса, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

116. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиш учун тилларингиз васф қилган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром», деяверманглар. Албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқувчилар нажот топмаслар.

117. Озгина матоҳ ва уларга аламли азоб бор.

118. Яҳудий бўлганларга эса сенга бундан олдин айтиб берган нарсаларимизни ҳаром қилдик. Уларга зулм қилмадик. Лекин улар ўзларига зулм қилган эдилар.

119. Сўнгра Роббинг билмасдан ёмон амал қилган, ундан кейин эса тавба қилиб, ислоҳ қилганларга, албатта, Роббинг шулардан сўнг мағфиратли, раҳмлидир.

120. Албатта, Иброҳим Аллоҳнинг итоат қилувчи, ҳаққа мойил уммати эди. Мушриклардан бўлган эмас.

121. Унинг неъматларига шукр қилувчи эди. У Зот уни танлаб олди ва тўғри йўлга ҳидоят қилди.

122. Унга бу дунёда яхшилик бердик. Охиратда эса у, албатта, солиҳлардандир.

123. Сўнгра сенга: «Ҳаниф Иброҳимнинг миллатига эргаш. У мушриклардан бўлмаган эди», деб ваҳий қилдик.

124. Шанба фақат у тўғрисида ихтилоф қилганлар зиммасига юкланди, холос. Албатта, Роббинг қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида ҳукм чиқарур.

125. Роббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услубда мужодала эт. Албатта, Роббинг Ўз йўлидан адашганларни билувчи ва ҳидоят топувчиларни ҳам билувчидир.

126. Агар иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилувчилар учун хайрлидир.

127. Сабр қил, сенинг сабринг фақат Аллоҳ ила бўлур. Улар учун маҳзун бўлма. Уларнинг қилаётган макрларидан сиқилма.

128. Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва гўзал ишлар қилганлар биландир.

17. ИСРО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 111 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ўз бандасини кечаси Масжидул Ҳаромдан атрофини баракали қилганимиз Масжидул Ақсога мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайр қилдирган Зот пок бўлди. Албатта, У эшитувчидир, кўрувчидир.

2. Ва Мусога китобни бердик ва уни Бану Исроилга ҳидоят қилиб, «Мендан ўзгани вакил тутманглар!» дедик.

3. (Эй) Нуҳ билан бирга кўтарганларимизнинг зурриётлари! Албатта, у ниҳоятда шукрли банда эди.

4. Китобда Бану Исроилга: «Ер юзида икки марта бузғунчилик қилурсизлар ва катта туғёнга кетурсизлар», деб билдирдик.

5. Бас, ўша иккисидан (бузғунчиликдан) биринчисининг ваъда вақти келганда, устингизга шиддатли куч-қудратга эга бандаларимизни юборамиз. Бас, ҳовли-жойларни оралаб изғийдилар. Бу қилиниши лозим ваъда эди.

6. Сўнгра сизга улар устидан ғалабани қайтардик ва сизга мол-дунё ва фарзандлар ила мадад бердик. Ва ададингизни кўп қилиб қўйдик.

7. Агар яхшилик қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қиласиз. Агар ёмонлик қилсангиз ҳам, ўзингиз учундир. Кейингисининг ваъда вақти келганда эса юзингизни қора қилишлари учун масжидга аввал кирганларидек киришлари учун ва эгаллаган нарсаларини тамоман парчалашлари учун (бандаларимизни юборурмиз).

8. Шояд, Роббингиз сизга раҳм қилса. Агар сиз қайтсангиз, Биз ҳам қайтамиз. Ва жаҳаннамни кофирларга зиндон қилганмиз.

9. Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қилувчи мўминларга, албатта, ўшаларга улуғ ажр борлигининг хушхабарини берур.

10. Албатта, охиратга иймон келтирмайдиганларга – ўшаларга аламли азобни тайёрлаб қўйдик.

11. Инсон яхшиликка дуо қилганидек, ёмонликка ҳам дуо қилур. Инсон шошқалоқ бўлгандир.

12. Кеча ва кундузни икки белги (аломат) қилдик. Кеча аломатини маҳв этдик. Роббингиздан фазл талаб қилишингиз ва йиллар ададини ҳамда ҳисобини билишингиз учун кундуз аломатини кўрсатувчи қилдик. Ва ҳар бир нарсани батафсил баён қилганмиз.

13. Ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига боғлаб қўйганмиз ва қиёмат куни унга китоб чиқарамизки, у унга очилган ҳолда рўбарў бўлур.

14. «Китобингни ўқи, бугунги кунда ўзингга ўзинг ҳисобчиликка кифоя қилурсан» (дейилур).

15. Ким ҳидоятга юрса, фақат ўзи учунгина ҳидоят топади. Ким залолатга кетса, фақат ўзи учунгина залолатга кетади. Ҳеч бир юкли жон ўзганинг юкини кўтармас. Токи расул юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз.

16. Қачон бир шаҳарни ҳалок этишни истасак, унинг маишатпарастларини

(итоатга) амр қиламиз, бас, улар у ерда фосиқлик қилурлар. Шунда унга «сўз» ҳақ бўлур. Бас, уни ер билан яксон қилурмиз.

17. Нуҳдан сўнг қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилдик. Бандаларининг гуноҳларидан хабардор бўлиш ва уларни кўришда Роббинг Ўзи кифоя қилур.

18. Ким ўткинчи (дунё)ни истаса, унга бу дунёда ирода қилган кишимизга нимани хоҳласак, шошилинч берурмиз. Сўнгра унга жаҳаннамни берурмиз. Унга хор ва қувғинга учраган ҳолда кирур.

19. Ким охиратни истаса ва унга эришиш учун мўмин бўлган ҳолида керакли ҳаракатини қилса, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир.

20. Барчага – манавиларга ҳам, анавиларга ҳам Роббингнинг атою неъматларидан чўзамиз. Роббингнинг атою неъматлари чекланган эмас.

21. Баъзиларини баъзиларидан қандай афзал қилиб қўйганимизга назар сол. Албатта, охират даражаси ва афзаллиги каттароқдир.

22. Аллоҳ билан бирга ўзга илоҳни (шерик) қилма! Яна мазамматга учраб, чорасиз ўтириб қолмагин.

23. Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «Уфф» дема, уларга озор берма ва уларга карамли сўз айт!

24. Икковларига меҳрибонлик ила ҳокисорлик қанотингни пастлат ва: «Роббим, улар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт.

25. Роббингиз нафсингиздаги нарсани яхши билувчидир. Агар солиҳлардан бўлсангиз, албатта, У сертавбалар учун мағфиратлидир.

26. Қариндошга ҳаққини бер! Мискинга ва йўқсил йўлчига ҳам. Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма!

27. Албатта, ҳаддан ошганлар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. Шайтон эса Роббига ўта ношукр бўлгандир.

28. Агар улардан Роббингдан раҳмат талаб қилган ҳолда юз ўгирадиган бўлсанг, бас, уларга мулойим сўз айтгин.

29. Қўлингни бўйнингга боғлаб олма. Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма. Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин.

30. Албатта, Роббинг ризқни кимга хоҳласа, кенг қилур ёки тор қилур. Албатта, У бандаларидан хабардор ва кўриб турувчи Зотдир.

31. Фақирликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдирманг. Биз уларни ҳам, сизларни ҳам ризқлантирамиз. Албатта, уларни ўлдириш катта хатодир.

32. Ва зинога яқинлашманглар. Албатта, у фаҳш иш ва ёмон йўлдир.

33. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Ҳақ ила бўлса,

мустасно. Кимки мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг валийсига ҳақ берганмиз. Бас, у ўлдиришда ҳаддан ошмасин. Албатта, у – нусрат берилгандир.

34. Етимнинг молига, токи у балоғат ёшига етгунича яқинлашманглар. Яхшилик ила бўлса, мустасно. Аҳдга вафо қилинглар. Албатта, аҳд сўралажак нарсадир.

35. Ўлчаган чоғингизда тўлиқ ўлчанг ва тўғри тарози ила тортинг. Ана ўша яхшидир ва оқибати гўзалдир.

36. Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил – ана ўшаларнинг барчаси сўралажак нарсалардир.

37. Ер юзида кибру ҳаво ила юрма! Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор баландликда тоғларга ета олмайсан!

38. Буларнинг барча ёмонлари Роббингнинг ҳузурида ёқтирилмагандир.

39. Ушбулар Роббинг сенга ваҳий қилган баъзи ҳикматлардир. Аллоҳ билан бирга ўзга илоҳ қилма. Яна маломат қилинган ва қувилган ҳолингда жаҳаннамга ташланмагин.

40. Роббингиз сизларга ўғилларни хос қилиб бериб, фаришталарни Ўзига қиз қилиб олдими? Албатта, сизлар зўр гапни айтмоқдасизлар.

41. Батаҳқиқ, бу Қуръонда эслашлари учун турли баён қилдик. Лекин бу уларга нафратдан ўзгани зиёда қилмас.

42. «Агар улар айтганларидек, У билан бирга бошқа илоҳлар бўлганида, Арш эгаси томон йўл излар эдилар», деб айт.

43. У Зот улар айтаётган нарсадан покдир, олийдир.

44. Уни етти осмону ер ва улардаги зотлар поклаб ёд этурлар. Уни ҳамди ила поклаб ёд этмаган ҳеч бир нарса йўқ. Лекин уларнинг тасбеҳини англамайсизлар. Албатта, у ҳалим, мағфиратли Зотдир.

45. Қачон Қуръон қироат қилсанг, сен билан охиратга иймон келтирмайдиганлар орасида кўринмас парда қилурмиз.

46. Ва қалбларига уни англамасликлари учун ғилоф қилдик ва қулоқларини кар қилдик. Қачон Қуръонда Роббингнинг ёлғиз Ўзини зикр қилсанг, улар ортларига ўгирилиб қочурлар.

47. Биз улар нима сабабдан тинглаётганларини, улар сени тинглаётганларида ўзаро пичирлашаётганларини, золимларнинг: «Сизлар сеҳрланган кишига эргашяпсиз, холос», деганларини ҳам яхши билурмиз.

48. Улар сенга қандай мисол келтирганларига назар сол! Бас, адашдилар. Энди йўл топа олмаслар.

49. Улар: «Суяк ва титилган тупроқ бўлганимиздан кейин ҳам, яна янгидан яратилиб, тирилтириламизми?» дедилар.

50. Айтгин: «Тош ёки темир бўлиб олинглар.
51. Ёки кўнгилларингизда катта кўринган бошқа бирон махлуқ (бўлиб олинглар)». Бас, улар: «Бизни ким қайтарур?» дерлар. «Сизларни биринчи марта йўқдан бор қилган Зот», дегин. Сенга бошларини қимирлатурлар ва: «У қачон бўлур?» дерлар, «Шояд, яқинда бўлса», дегин.
52. У Кунда Ул Зот сизни чақирур. Бас, Унга ҳамд ила жавоб берурсиз ва (дунёда) фақат озгина турганлигингизни гумон қилурсиз.
53. Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинлар. Албатта, шайтон ораларини бузиб туради. Албатта, шайтон инсон учун очиқ-ойдин душмандир.
54. Роббингиз сизларни яхши билувчидир. Хоҳласа, сизга раҳм қилар, хоҳласа, сизни азоблар. Ва сени уларнинг устидан қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ.
55. Роббинг осмонлару ердаги кимсаларни яхши билувчидир. Батаҳқиқ, баъзи набийларни баъзиларидан афзал қилдик. Ва Довудга Забурни бердик.
56. Сен: «Ундан ўзга ўзингизча гумон қилганларингизни чақиринг. Улар сиздан зарарни кушойиш қила олишга ёки буриб юборишга молик эмаслар», деб айт.
57. Ана ўша дуо қилаётганлари Роббларига васила изларлар, қайсилари яқинроқ эканини (билмоқчи бўлурлар). Унинг раҳматини орзу қилурлар ва азобидан қўрқурлар. Албатта, Роббингнинг азоби ҳазир бўлишга лойиқдир.
58. Ҳеч бир шаҳар йўқки, уни қиёмат кунидан аввал ҳалок қилгувчи бўлмасак ёки шиддатли азоб-ла азобловчи бўлмасак. Бу Китобда битилгандир.
59. Оят (мўъжиза)ларни юборишимиздан фақат аввалгиларнинг уларни ёлғонга чиқарганлари ман қилди. Самудга туяни кўз очувчи (мўъжиза) қилиб бердик. Бас, унинг сабабидан (ўзларига) зулм қилдилар. Оят (мўъжиза)ларни фақат қўрқитиш учунгина юборамиз.
60. Сенга: «Албатта, Роббинг одамларни қамраб олгандир», деганимизни эсла. Сенга кўрсатган нарсаларимизни ва Қуръонда лаънатланган дарахтни одамлар учун синов қилдик, холос. Ва уларни қўрқитамиз. Бас, бу улар учун катта туғёндан бошқани зиёда қилмас.
61. Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» деганимизда, сажда қилдилар, магар иблис: «Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?» деди.
62. У: «Менга хабар бер-чи, мендан устун қилганинг шуми? Агар мени қиёмат кунигача қўйиб қўйсанг, унинг зурриётининг озгинасидан бошқасини жиловлаб оламан», деди.

63. У Зот деди: «Боравер, улардан ким сенга эргашса, бас, албатта, жаҳаннам тўлиқ жазоингиз бўлур.

64. Улардан кимга кучинг етса, овозинг ила қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда аскарингни торт, уларга молларда ва болаларда шерик бўл ва ваъдалар қил». Шайтон уларга ғурурдан бошқани ваъда қилмас.

65. Албатта, бандаларим устидан сенинг султонинг йўқ. Роббинг Ўзи вакилликка кифоядир.

66. Роббингиз Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун денгизда кемани юргизиб қўйган Зотдир. Албатта, у сизга раҳмлидир.

67. Қачон сизни денгизда фалокат тутса, Ундан ўзга илтижо қиладиганларингиз ғойиб бўлур. Қачонки сизга нажот бериб, қуруқликка чиқарса, юз ўгирасиз. Инсон ўзи ношукрдир.

68. Сизни қуруқликнинг бир томонига юттириб юборишидан ёки устингиздан тошли шамол юборишидан, сўнгра ўзингизга қутқарувчи топа олмай қолишингиздан хотиржаммисиз?!

69. Ёки сизни унга (денгизга) яна бир марта қайтариб, устингиздан шиддатли шамол юбориб, куфр келтирганингиз сабабли ғарқ қилиб юборишидан ва сиз ўзингизга ўша учун Биздан ўч олувчи топа олмай қолишингиздан хотиржаммисиз?!

70. Батаҳқиқ, Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик.

71. Биз барча одамларни ўз имомлари ила чақирадиган Кунни (эсла). Кимга китоби ўнг томонидан берилса, бас, ана ўшалар китобларини ўқирлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас.

72. Ким бу дунёда кўр (гумроҳ) бўлса, у охиратда янада кўр (гумроҳ) ва янада йўлдан адашганроқ бўлади.

73. Сени Биз ваҳий қилган нарсадан фитна орқали буриб, Бизнинг шаънимизга бошқасини уйдиришингга ундашларига оз қолди. Шундай бўлган тақдирда, албатта, сени дўст тутар эдилар.

74. Агар сени собит қилмаганимизда, батаҳқиқ, уларга бир оз бўлса-да, мойил бўлишингга оз қолар эди.

75. Шундай бўлган тақдирда сенга ҳаёт (азобини) ҳам икки ҳисса, мамот (азобини) ҳам икки ҳисса тоттирган бўлардик. Сўнгра ўзинг учун Бизга қарши ёрдамчи топа олмас эдинг.

76. Улар сени бу ерда безовта қилиб, ундан сени чиқариб юборишларига оз қолди. Шундай бўлган тақдирда, сендан кейин улар озгина муддатдан бошқа тура олмаслар.

77. Бу сендан олдин юборган расулларимизнинг суннатидир. Бизнинг суннатимизга ўзгартириш топа олмайсан.

78. Қуёш оғишидан то тун қоронғисигача намозни тўкис адо қил. «Фажр Қуръони»ни ҳам. Албатта, «фажр Қуръони» шоҳид бўлинадигандир.

79. Кечанинг баъзисида у ила бедор бўл. Сенга нофила бўлсин. Шоядки, Роббинг сени мақтовли мақомда тирилтирса.

80. Ва: «Роббим, мени кирадиган жойимга содиқлик ила киритиб, чиқадиган жойимга содиқлик билан чиқаргин ва менга Ўз ҳузурингдан ёрдам берувчи қувват ато эт», дегин.

81. Ва айт: «Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди. Зотан, ботил доимо йўқ бўлувчидир».

82. Қуръонни мўминлар учун шифо ва раҳмат ўларoқ нозил қилурмиз. У золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас.

83. Қачон инсонга неъмат ато этсак, юз ўгирур ва четга бурилиб, узоқлашур. Қачон уни ёмонлик тутса, ноумид бўлур.

84. «Ҳар ким ўз ҳолича амал қилур. Бас, Роббингиз ким тўғри йўлдалигини яхши билувчидир», деб айт.

85. Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар. «Руҳ Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир», деб айт.

86. Агар хоҳласак, сенга ваҳий қилган нарсаларимизни кетказамиз. Сўнгра Бизга қарши ўзингга вакил топа олмассан.

87. Аллоҳдан марҳамат бўлсагина, мустасно. Албатта, Унинг фазлу карами сен учун каттадир.

88. «Агар инсу жинлар тўпланиб, ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтирмоқчи бўлсалар, бунда баъзилари баъзиларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, унга ўхшашини келтира олмаслар», деб айт.

89. Батаҳқиқ, ушбу Қуръонда одамларга турли мисолларни баён қилдик. Бас, одамларнинг кўплари куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар.

90. Улар дедилар: «Токи бизга ердан чашма отилтирмагунингча, зинҳор сенга иймон келтирмасмиз.

91. Ёки сенинг хурмо ва узум боғинг бўлиб ва уларнинг орасидан анҳорларни отилтириб чиқармагунингча…

92. ёки ўзинг даъво қилганингдек, устимиздан осмонни парча-парча қилиб туширмагунингча, ёхуд Аллоҳни ва фаришталарни олдимизга келтирмагунингча...

93. ёки олтиндан безалган уйинг бўлмагунича, ёхуд осмонга кўтарилмагунингча, ўша кўтарилишингга ҳам токи биз ўқишимиз учун китоб келтирмагунингча ишонмаймиз». «Роббим пок бўлди. Мен фақат башар расулман, холос» дегин.

94. Одамларга ҳидоят келган пайтда иймон келтиришларидан ман қилган нарса фақат «Аллоҳ башардан расул юборадими?» дейишлари бўлди.

95. «Агар ер юзида хотиржам юрган фаришталар бўлганида, уларга осмондан фаришта расул туширган бўлар эдик», деб айт.

96. «Мен билан сизнинг орамизда гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир. Албатта, У Ўз бандаларидан хабардор ва уларни кўриб турувчи Зотдир», деб айт.

97. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, ўша ҳидоят топувчидир. У кимни адаштирса, уларга Ундан ўзга зинҳор валийлар топа олмассан. Уларни қиёмат куни юзтубан, кўр, кар, соқов ҳолларида тўплаймиз. Уларнинг турар жойлари жаҳаннамдир. У қачон сокин бўлса, уларга ловуллаган оловни зиёда қиламиз.

98. Ана ўша оятларимизга куфр келтирганлари ва «Агар суяк ва титилган тупроқ бўлсак ҳам, албатта янгитдан яратилиб, қайта тирилтирилурмизми?!» деганлари учун жазоларидир.

99. Осмонлару ерни яратган Аллоҳ уларга ўхшашини яратишга қодир эканини ва улар учун шак-шубҳасиз ажал белгилаганини билмадиларми?! Бас, золимлар куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар.

100. «Агар сизлар Роббим раҳмати хазиналарига эга бўлсангиз ҳам, уни сарфлашдан қўрқиб, мумсиклик қилган бўлар эдингиз. Инсон зоти ўзи зиқна бўлур», деб айт.

101. Батаҳқиқ, Мусога тўққизта очиқ-ойдин оят (мўъжиза) бердик. Бану Исроилдан уларга у (Мусо) келган пайти (нима бўлгани)ни сўрагин. Бас, Фиръавн унга: «Албатта, мен сени, эй Мусо, сеҳрлангансан деб ўйлайман», деди.

102. У: «Анавиларни осмонлару ернинг Роббидан ўзга ҳеч бир Зот кўз очувчи қилиб туширмаганини яхши биласан. Албатта, мен сени, эй Фиръавн, ҳалок бўлувчисан деб ўйлайман», деди.

103. Бас, уларни ердан қўзғатиб, чиқармоқчи бўлди. Шунда уни ва у билан бирга бўлганларни жамлаб, ғарқ қилдик.

104. Ундан (Фиръавндан) сўнг Бану Исроилга: «Мана шу ерни маскан тутинглар. Бас, охират ваъдаси келган чоқда ҳаммангизни тўплаб, келтирамиз», дедик.

105. Уни ҳақ ила нозил қилдик ва ҳақ ила нозил бўлди. Сени фақат хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи этиб юбордик, холос.

106. Ва Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришинг учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб нозил этдик.

107. «Унга иймон келтиринглар ёки иймон келтирманглар – барибир. Албатта, ундан олдин илм берилганлар у уларга тиловат қилинганда юзлари ила саждага йиқилурлар», деб айт.

108. Ва: «Роббимиз покдир. Шубҳасиз, Роббимизнинг ваъдаси амалга ошажак», дерлар.

109. Ва юзлари ила йиқилиб йиғларлар ва у ҳокисорликларини зиёда қилур.

110. «Аллоҳга дуо қилинглар, Роҳманга дуо қилинглар – қай бирига дуо қилсангиз ҳам, барибир. Энг гўзал исмлар Уникидир», деб айт. Намозингни жаҳрий ҳам қилма, уни махфий ҳам қилма, шунинг орасида бир йўл тут.

111. «Фарзанд тутмаган, мулкда шериги бўлмаган ва хорликдан қутқарувчи дўстга зор бўлмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дегин. Ва Уни мутлақо улуғла!



18. КАҲФ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 110 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ўз бандасига Китоб нозил этган ва унда ҳеч бир эгрилик қилмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин.

2. Уни тўғри қилган; Ўз ҳузуридан бўладиган шиддатли азобдан огоҳлантирадиган; солиҳ амалларни қиладиган мўминларга уларга гўзал ажр бўлиши башоратини берадиган қилган Зотга.

3. Улар унда (ажрда) абадий қолувчидирлар.

4. Ва «Аллоҳ Ўзига бола тутди», деганларни огоҳлантириш учун.

5. На уларнинг ва на ота-боболарининг бу ҳақда илмлари йўқдир. Оғизларидан чиқадиган сўз нақадар оғир! Улар ёлғондан бошқани айтмаслар.

6. Улар бу сўзга иймон келтирмасалар, эҳтимол, уларнинг ортидан таассуф ила ўзингни ҳалок этмоқчи бўларсан?!

7. Биз ер юзидаги нарсаларни уларнинг қай бирлари гўзалроқ амал қилишини синаш учун зебу зийнат қилиб қўйганмиз.

8. Албатта, Биз унинг юзидаги нарсаларни қуп-қуруқ тупроққа айлантирувчимиз.

9. Каҳф ва битик эгаларини ажойиб оят (белги)ларимиздан деб ўйладингми?!

10. Йигитлар каҳфдан жой олганларида: «Роббимиз, бизга ҳузурингдан раҳмат бергин ва ишимизни тўғрилагин», дедилар.

11. Бас, каҳфда уларнинг қулоқларига бир неча йиллар парда урдик.

12. Сўнгра икки гуруҳдан қай бири уларнинг турган муддатини ҳисобловчироқ эканини билиш учун уларни уйғотдик.

13. Биз сенга уларнинг хабарларини ҳақ ила қисса этиб берамиз. Албатта, улар Роббларига иймон келтирган йигитлардир. Ва уларга янада зиёда ҳидоят бердик.

14. Уларнинг қалбларини мустаҳкамладик. Турганларида дедилар: «Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир. Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ дея дуо қилмаймиз. Агар шундай қилсак, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз.

15. Мана бу қавмимиз Ундан ўзга худолар тутдилар. Уларга равшан ҳужжат келтира олармиканлар?! Аллоҳга ёлғон уйдиргандан ҳам золимроқ ким бор?!»

16. «Модомики, улардан ва улар ибодат қилаётган Аллоҳдан бошқа нарсадан узоқлашмоқчи бўлсангиз, каҳфда паналанинглар. Роббингиз сизга Ўз раҳматини таратур ва сизга ишингизда осонлик яратур», дедилар.

17. Қуёш чиққанда ўнг томондан уларнинг каҳфидан қийиб ўтаётганини, ботганда эса чап тарафдан уларни ташлаб ўтаётганини кўрасан. Улар эса унинг (ғорнинг) кенг жойидадирлар. Ана шу ҳам Аллоҳнинг оят (мўъжиза)ларидандир. Аллоҳ кимни ҳидоятга бошласа, ўша ҳидоят топувчидир. Кимни адаштирса, бас, ҳаргиз унга иршод қилувчи бирон дўст топа олмассан.

18. Уларни уйғоқ деб ўйлайсан, ҳолбуки, ухлаб ётурлар. Уларни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдариб турурмиз. Итлари эса остонада олд оёқларини чўзиб ётур. Агар уларни кўрсайдинг, ортга ўгирилиб қочар ва улардан қўрқинчга тўлар эдинг.

19. Ва шундай қилиб, уларни ўзаро сўрашлари учун уйғотдик. Улардан бири: «Қанча қолдинглар?» деди. Улар: «Бир кун ёки куннинг бир қисмича қолдик», дейишди. «Қанча қолганингизни Роббингиз яхши билувчидир, шаҳарга бирингизни ушбу пулингиз ила юборинг, назар солиб, яхши таомни танлаб, ундан ризқ келтирсин ва диққатли бўлсин, сизни бировга сездириб қўймасин», дейишди.

20. «Чунки агар улар сизни қўлга олсалар, тошбўрон қиладилар ёки ўз миллатларига қайтарадилар. Ундай бўлса, зинҳор ва абадий нажот топмассиз» (дейишди).

21. Шундай қилиб, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини ва Соат ҳақида шубҳа йўқ эканини билишлари учун уларни (одамларга) билдирдик. Ўшанда уларнинг иши ҳақида ўзаро тортиша бошладилар: «Уларнинг устига бино барпо қилинглар, Робблари уларни яхши билувчидир», дедилар. Ишларига ғолиб келганлар эса: «Уларнинг устларига албатта масжид қуриб олурмиз», дедилар.

22. Ҳали улар: «Учтадирлар, итлари тўртинчиларидир», дерлар. Ва:

«Бештадирлар, итлари олтинчиларидир», деб ғайбга тош отадилар. Ва: «Еттитадирлар, итлари саккизинчиларидир», ҳам дерлар. «Уларнинг саноғини Роббим яхши билувчидир. Уларни жуда оз киши билур», дегин. Бас, улар ҳақида тортишиб юрма. Тортишсанг ҳам, очиқ тортиш. Улар ҳақида буларнинг ҳеч биридан фатво ҳам сўрама.

23. Зинҳор бир нарсани: «Буни эртага албатта қилувчиман», дема.

24. Фақат: «Аллоҳ хоҳласа», дегин. Қачонки унутсанг, Роббингни зикр қил ва: «Шоядки, Роббим мени бундан яқинроқ яхшиликка ҳидоят қилса», дегин.

25. Ва каҳфларида уч юз йил қолдилар ва тўққиз йил зиёда ҳам қилдилар.

26. «Уларнинг қанча қолганларини Аллоҳ яхши билувчидир. Осмонлару ернинг ғайби Унга хосдир. У Зот нақадар яхши кўрувчи ва яхши эшитувчи Зотдир. Уларга Ундан ўзга дўст йўқдир. Ва У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас», дегин.

27. Сенга Роббингнинг китобидан ваҳий қилинганини тиловат қил. Унинг калималарини алмаштирувчи йўқ. Ундан ўзга ҳеч қандай паноҳ топа олмассан.

28. Ўзингни эртаю кеч Робларига, Унинг юзини ирода қилиб, дуо қилувчилар билан бирга тут. Дунё ҳаётининг зийнатини хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма. Қалбини Ўз зикримиздан ғофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавои нафсига эргашиб, иши издан чиққанларга итоат қилма.

29. «Бу ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин; ким хоҳласа, куфр келтирсин», дегин. Албатта, Биз золимларга деворлари уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйганмиз. Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қовурувчи сув билан «ёрдам» берилади. Нақадар ёмон ичимлик ва нақадар ёмон ҳузурланиш жойи!

30. Албатта, Биз иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларнинг, солиҳ амал қилганларнинг ажрини зое қилмасмиз.

31. Ана ўшаларга адн жаннатлари бордир. Остларидан анҳорлар оқиб туради. У ерда олтиндан бўлган билакузуклар ила безанурлар, сундус ва истабрақдан (юпқа ва қалин ипакдан) яшил либослар киюрлар. Улар у ерда пардали баланд сўриларда ёнбошлаган ҳолда бўлурлар. Нақадар яхши савоб ва нақадар яхши ҳузурланиш жойи!

32. Уларга икки кишини мисол қилиб келтир. Улардан бирига узумлардан икки боғ бердик ва уларни хурмо ила ўрадик ва ораларида экинзор қилдик.

33. Ўша икки боғ ҳосилларини бекаму кўст берар ва ораларидан анҳор оқизиб қўйган эдик.

34. Унинг «меваси» бор эди. У ўз шериги ила гаплашар экан: «Менинг молим сеникидан кўп ва одамларим қувватлироқ», деди.

35. У ўз боғига кирар экан, ўзига зулм қилган ҳолида деди: «Мен буни ҳеч қачон йўқ бўлади деб ўйламасман.

36. Қиёмат қоим бўлмаса керак деб ўйлайман. Агар Роббимга қайтарилсам ҳам, албатта, бундан яхши оқибатни топаман».

37. Гаплаша туриб, шериги унга деди: «Сени тупроқдан, сўнгра нутфадан яратган ва бекаму кўст инсон этиб ростлаган Зотга куфр келтирдингми?!

38. Лекин мен: «У – Аллоҳ менинг Роббимдир ва Унга ҳеч кимни шерик қилмайман», дейман.

39. Боғингга кирганингда: «Аллоҳнинг иродаси, куч-қувват фақат Аллоҳ биландир», десайдинг. Агар мени ўзингдан молу дунё ва бола-чақа жиҳатидан кам деб билсанг,

40. ажаб эмаски, Роббим менга сенинг боғингдан яхшироғини берса, унга (боғингга) осмондан офат юбориб, у сип-силлиқ тупроққа айланиб қолса,

41. ёки суви ерга сингиб кетса, сен бирор чора-тадбир қила олмай қолсанг».

42. Ва унинг меваси (ҳалокат-ла) ўралди. Ўзи эса унга сарф қилган нарсага чапак чалиб қолди. Ҳолбуки, унинг ишкомлари қулаб ётарди. У эса: «Эҳ, қани эди Роббимга ҳеч кимни шерик қилмаганимда», дерди.

43. Унга Аллоҳдан бошқа ёрдам берадиган гуруҳ бўлмади, ўзи нусратга эришувчилардан ҳам бўлмади.

44. Ана ўша ўринда нусрат Ҳақ Аллоҳга хосдир. У яхши савобли ва яхши оқибатли Зотдир.

45. Уларга дунё ҳаётининг мисолини келтир. У Биз осмондан туширган сувга ўхшайди. Унинг сабаби ила ер набототлари аралашиб чиқди. Бас, хашакка айланиб, уни шамол учириб кетди. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир Зотдир.

46. Мол-мулк, бола-чақа дунё ҳаётининг зийнатидир. Боқий қолувчи солиҳ амаллар Роббинг ҳузурида савоб ва умид жиҳатидан яхшироқдир.

47. Тоғларни ўрнидан кўчирадиганимиз ва ерни яп-яланғоч кўрадиганинг Кунни эсла! Ўшанда уларни жамлаймиз ва биронтасини қўймаймиз.

48. Ва Роббингга сафга тортилган ҳолларида рўбарў қилиндилар. «Батаҳқиқ, Бизга сизларни илк бор қандай яратган бўлсак, шундай келдингиз. Аммо Бизни ҳеч жой ва вақт ваъда қилганимиз йўқ деб ўйлаб эдингиз», (дейилди).

49. Ва китоб қўйилди. Бас, жиноятчиларни ундаги нарсадан қўрққан ҳолларида кўрасан. «Вой, шўримиз қурисин. Бу қандай китобки, кичикни ҳам, каттани ҳам ҳеч қўймай ҳисоб қилибди-я!» дерлар. Ва

қилган амалларини ҳозир ҳолда топдилар. Роббинг ҳеч кимга зулм қилмас.

50. Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», дедик. Бас, сажда қилдилар, фақат иблис мустасно. У жиндан бўлган эди. У Роббининг амридан чиқди. Энди Мени қўйиб, уни ва унинг зурриётларини дўст қилиб оласизларми?! Ҳолбуки, улар сизларга душман-ку! У золимлар учун нақадар ёмон бадалдир!

51. Уларни на осмонлару ерни яратишга ва на ўзларини яратишга гувоҳ қилганман ва адаштирувчиларни ёрдамчи қилиб олган эмасман.

52. У Зот: «Менинг «шерикларим» деб ўйлаганларингизни чақиринг», деган Кунида… уларни чақирдилар. Бас, улар жавоб бермадилар ва уларнинг орасига ҳалокатгоҳ қилмишмиз.

53. Жиноятчилар дўзахни кўрурлар ва албатта унга тушувчи эканларига ишонарлар ва ундан қочар жой топмаслар.

54. Батаҳқиқ, бу Қуръонда одамлар учун турли мисоллар баён қилдик. Инсон кўп тортишувчи бўлган эди.

55. Одамларни уларга ҳидоят келганида иймон келтиришларидан ва Роббларига истиғфор айтишларидан фақатгина аввалгиларнинг суннати келишини ёки очиқ азоб келишини кутишлари тўсди, холос.

56. Расулларни башорат берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборурмиз, холос. Куфр келтирганлар эса ботил ила мунозара қилиб, у билан ҳақни енгмоқчи бўлурлар. Ҳамда оятларимдан ва ўзлари огоҳлантирилган нарсадан истеҳзо қилурлар.

57. Роббининг оятлари ила эслатилганда, улардан юз ўгириб, ўзи қилган ишларни (гуноҳларни) унутган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Албатта, Биз уни (Қуръонни) англамасликлари учун уларнинг дилларига пардалар ва қулоқларига оғирлик қилиб қўйдик. Уларни ҳидоятга чақирсанг ҳам ҳаргиз ҳидоят топмаслар.

58. Ва Роббинг мағфиратлидир, раҳм-шафқат соҳибидир. Агар уларни қилган касбларига биноан тутганида, азобларини тезлаштирган бўлар эди. Лекин уларга ваъда қилинган вақт бор. У келганда Ундан ўзга паноҳгоҳ топмаслар.

59. Ана у шаҳарларни ҳам зулм қилганларида ҳалок этганмиз ва уларнинг ҳалокатларига вақт белгилаганмиз.

60. Мусо хизматига: «Икки денгиз жамланган жойга етмагунимча, узоқ вақт сарфласам ҳам юравераман», деганини эсла.

61. Икковлон икки (денгиз) жамланган жойга етганларида, балиқларини унутдилар. Бас, у денгизни тешиб йўл олди.

62. У ердан ўтганлари замон у хизматкорига: «Тушлигимизни келтир. Бу сафаримизда чарчоққа учрадик», деди.

63. «Буни қаранг, харсангга (суяниб) жойлашганимизда, мен балиқни унутибман. Фақат шайтонгина уни эслашимни унуттирибди. Ажабо, у денгизга йўл олибди», деди.

64. «Ана шу биз истаган нарса», деди. Бас, келган йўлларидан изларига қайтдилар.

65. Бас, бандаларимиздан бирини топдилар. Унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз тарафимиздан илм ўргатган эдик.

66. Мусо унга: «Сенга ўргатилган рушддан менга ҳам ўргатмоғинг учун сенга эргашсам майлими?» деди.

67. У деди: «Сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан.

68. Илмини иҳота қилмаган нарсангга қандай сабр қиласан?»

69. «Иншааллоҳ, менинг сабрли эканимни кўрурсан ва сенга ҳеч бир ишда осий бўлмасман», деди.

70. «Агар менга эргашадиган бўлсанг, то ўзим зикр қилиб айтмагунимча, бирор нарса ҳақида сўрамагин», деди.

71. Бас, юриб кетдилар. Кемага минганларида, уни тешиб қўйди. (Мусо): «Буни унинг аҳлини ғарқ қилиш учун тешдингми?! Жуда ғалати нарса қилдинг-ку?!» деди.

72. «Сенга мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан, демабмидим?!» деди.

73. «Эсимдан чиққан нарса учун мени жазолама, бу ишим учун мени қийнама», деди.

74. Улар юриб кетдилар. Ниҳоят, бир болани учратишган эди, уни ўлдирди. (Мусо) «Бировни ўлдирмаган бегуноҳ жонни ўлдирасанми?! Жуда мункар нарса қилдинг-ку?!» деди.

75. «Сенга мен билан бирга сабр қила олмайсан, демабмидим?!» деди.

76. «Агар бундан кейин сендан яна бир нарсани сўрасам, мен билан биродарлик қилмай қўявер. Батаҳқиқ, мен тарафимдан узр (қабули)ни охирига етказдинг», деди.

77. Улар юриб кетдилар. Бир шаҳар аҳолисига келганларида унинг аҳлидан таом сўрадилар. Улар икковларини меҳмон қилишдан бош тортдилар. Икковлари у ерда йиқилиб кетай деб турган бир деворни кўришди. Бас, уни турғизиб қўйди. (Мусо) «Агар хоҳласанг, бунинг учун ҳақ олар эдинг», деди.

78. «Бу мен билан сенинг орамиздаги ажралишдир. Энди сенга сабринг етмаган нарсаларнинг таъвилини айтиб бераман», деди.

79. «Кемага келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилишни ирода қилдим. Чунки ортларида бир подшоҳ бўлиб, барча кемани тортиб олаётган эди.

80. Болага келсак, унинг ота-онаси мўмин кишилар эди. У икковларини туғён ва куфр ила эзишидан қўрқдик.

81. Робблари уларга унинг бадалига ундан яхшироғини, солиҳроқ ва меҳрибонроғини беришни ирода қилди.

82. Деворга келсак, у шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида икковларининг хазинаси бор эди. Уларнинг оталари солиҳ одам эди. Бас, Роббинг икковларининг вояга етишини ва хазиналарини чиқариб олишини ирода қилди. Бу Аллоҳнинг раҳмати ила бўлди. Мен ўзимча қилганим йўқ. Сен сабр қила олмаган нарсанинг таъвили мана шудир».

83. Сендан Зулқарнайн ҳақида сўрарлар. «Сизга у ҳақидаги зикрни тиловат қилурман», дегин.

84. Албатта, Биз унга ер юзида имконият бердик ва ҳар бир нарсага (эришиш) сабабини ато қилдик.

85. Бас, сабабга эргашди.

86. Қуёш ботиш жойига етганида унинг қора балчиқ булоққа ботаётганини кўрди, унинг олдида бир қавмни кўрди. «Эй Зулқарнайн, ё уларни азоблайсан, ёки гўзаллик-ла тутарсан», дедик.

87. «Ким зулм қилган бўлса, тезда уни азоблармиз, сўнгра Роббига қайтарилур. У Зот ҳам уни мункар азоб ила азоблар.

88. Иймон келтириб яхши амаллар қилганлар учун эса гўзал мукофот бордир ва унга ўз ишимиздан осонини айтурмиз», деди.

89. Сўнгра у яна сабабга эргашди.

90. Қуёш чиқиш жойига етганида унинг бир қавм устидан чиқаётганини кўрди. Уларга ундан (қуёшдан) тўсиқ бўладиган нарса (пайдо) қилмаган эдик.

91. Ана шундай, батаҳқиқ, унинг олдидаги нарсанинг хабарини иҳота қилдик.

92. Сўнгра у яна сабабга эргашди.

93. Икки тоғ орасига етганида уларнинг ортида бирон гапни англамайдиган қавмни кўрди.

94. «Эй Зулқарнайн, яъжуж-маъжуж ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Сенга харож берсак, биз билан уларнинг орасига тўсиқ қилиб берурмисан?» дедилар.

95. У деди: «Роббим менга берган имконият яхшидир. Бас, менга куч ила ёрдам беринг. Сиз билан уларнинг орасида бир девор қилажакман.

96. Менга темир парчаларини келтиринг». Ниҳоят, тоғнинг икки томонини баробарлаштирганда «Дам уринглар», деди. Ниҳоят, уни (тўп темирни) ўтга айлантиргач, «Олиб келинглар, устидан мис қуяман», деди.

97. Бас, унинг устига ҳам чиқа олмадилар, уни тешиб ҳам ўта олмадилар.

98. «Бу Роббимнинг раҳматидандир. Агар Роббимнинг ваъдаси келса, буни ер баробар қилур. Роббимнинг ваъдаси ҳақдир», деди.

99. Ўша куни уларни бир-бирлари ила мавж урган ҳолларида тарк этдик ва сур чалинди. Бас, уларнинг ҳаммаларини жамладик.

100. Ўша куни кофирларга жаҳаннамни кўндаланг қилиб кўрсатдик.

101. Кўзлари Менинг зикримдан пардада бўлган ва эшитишга қодир бўла олмайдиганлар эдилар.

102. Ёки куфр келтирганлар Мени қўйиб, бандаларимни валий – илоҳ қилиб олишни гумон қилдиларми?! Албатта, Биз жаҳаннамни кофирларга манзил этиб тайёрлаганмиз.

103. «Сизга амаллари юзасидан энг зиёнкорларнинг хабарини берайми?

104. Улар бу дунё ҳаётидаёқ саъй-ҳаракатлари ботил бўлган, ўзлари эса гўзал иш қиляпман, деб ҳисоблайдиганлардир», дегин.

105. Ана ўшалар Роббларининг оятларига ва У Зотга рўбарў келишга куфр келтирганлардир. Бас, уларнинг амаллари ҳабата бўлди. Қиёмат куни уларга ҳеч қандай вазн бермасмиз.

106. Шунингдек, куфр келтирганлари ва Менинг оятларим ва расулларимни масхара қилганлари сабабли уларнинг жазоси жаҳаннамдир.

107. Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга Фирдавс жаннати манзил бўлгандир.

108. Унда абадий қолурлар ва ундан кўчишни истамаслар.

109. «Агар денгиз Роббимнинг калималарига сиёҳ бўлса-ю унга ўз мислича мадад келтирсак ҳам, Роббимнинг калималари тугашидан олдин денгиз тугаб қолур», дегин.

110. «Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман. Менга, шубҳасиз, илоҳингиз битта илоҳ экани ваҳий қилинди. Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Роббининг ибодатига биронтани шерик қилмасин», дегин.



19. МАРЯМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 98 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Кааф. Ҳа. Йа. Айн. Соод.

2. (Бу) Роббингнинг бандаси Закарийёга раҳмати зикридир.

3. У Роббига махфий нидо қилган чоғини эсла.

4. У деди: «Роббим, менинг суякларим мўртлашди, бошга оқ туташди, Роббим, Ўзингга дуо қилишдан бахтсиз бўлмаганман.

5. Ва албатта, мен ортимдаги қариндошлардан қўрқдим. Аёлим туғмас эди. Бас, менга Ўз даргоҳингдан бир валий (фарзанд) ҳадя эт.

6. Менга ва Оли Яъқубга меросхўр бўлсин. Роббим, уни Ўзинг рози бўладиган қил».

7. «Эй Закарийё, Биз сенга исми Яҳё бўлган бир ўғилнинг хушхабарини берамиз. Бундан олдин унга отдош қилган эмасмиз».

8. «Роббим, менда қаёқдан ўғил бўлсин?! Ахир аёлим туғмас бўлса, ўзим мункиллаб қолган бўлсам», деди.

9. «Ана шундай! Роббинг айтдики, бу Мен учун осон. Батаҳқиқ, бундан олдин сени яратдим. Ҳолбуки, сен ҳеч нарса эмас эдинг», деди.

10. «Роббим, менга бир белги қилиб бер», деди. (У Зот) «Сенинг белгинг – саломат ҳолингда одамларга уч кеча гапирмаслигингдир», деди.

11. Бас, у қавмининг ҳузурига меҳробдан чиқди ва уларга «Эртаю кеч тасбеҳ айтинглар» деб ишора қилди.

12. «Эй Яҳё, китобни қувват-ла ол!» (дедик). Ва унга гўдаклигидаёқ ҳикмат бердик.

13. Ва Ўз томонимиздан меҳрибонлик ва поклик (бердик). Ҳамда у тақводор эди.

14. Ва ота-онасига меҳрибон бўлиб, димоғдор ва исёнчи эмас эди.

15. Унга туғилган кунида ҳам, ўладиган кунида ҳам, қайта тириладиган кунида ҳам саломлар бўлсин.

16. Китобда Марямни эсла. У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанда…

17. …ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганида унга Ўз руҳимизни юбордик. У унга бус-бутун одам бўлиб кўринди.

18. (Марям) «Мен Роҳмандан сендан паноҳ беришини сўрайман. Агар тақводор бўлсанг… » деди.

19. «Мен сенга бир пок ўғил ҳадя этиш учун Роббингнинг элчисиман, холос», деди.

20. «Менда қаёқдан ўғил бўлсин, менга башар тегмаган бўлса, мен бузуқ ҳам бўлмасам?!» деди.

21. У деди: «Ана шундай. Роббинг айтди: «Бу Мен учун осондир. Уни одамларга белги қилишимиз учун ҳамда Биздан раҳмат бўлиши учун. Бу ҳукми чиқиб бўлган ишдир».

22. Бас, унга ҳомиладор бўлди. Сўнгра у билан узоқ маконга четланди.

23. Бас, тўлғоқ уни хурмо танасига олиб борди. «Қанийди бундан олдин ўлган ва бутунлай унутилиб кетган бўлсам», деди.

24. Унинг остидан нидо қилди: «Маҳзун бўлма, батаҳқиқ, Роббинг остингдан оқар сув қилди.

25. Хурмо танасини ўзингга торт, сенга янги хурмо туширади».

26. Егин, ичгин, кўзинг қувонсин. Бирор одамни кўрар бўлсанг, «Мен Роҳманга рўза назр қилдим. Бугун инсон зотига зинҳор гапирмасман», дегин.

27. Уни кўтариб, қавмига олиб келди. Улар дедилар: «Эй Марям, ажойиб нарса келтирдинг-ку!

28. Эй Ҳоруннинг синглиси, отанг ёмон одам эмас эди, онанг ҳам бузуқ бўлмаган эди-ку!».

29. (Марям эса) унга ишора қилди. Улар: «Бешикдаги ёш бола ила қандай гаплашамиз?!» дедилар.

30. (Ийсо) деди: «Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени набий қилди.

31. Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики, ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди.

32. Мени волидамга меҳрибон қилди, димоғдор, бадбахт қилмади.

33. Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир».

34. Мана шу, шубҳа қилишаётган Ийсо ибн Марям тўғрисидаги ҳақ сўздир.

35. Бола тутмоқ Аллоҳга ҳеч тўғри келмас. У бундан покдир. У бир ишни истаса, унга «Бўл!» дейди. Бас, бўлади.

36. «Ва, албатта, Аллоҳ менинг Роббимдир ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир».

37. Сўнгра фирқалар ўзаро ихтилофга тушдилар. Куфр келтирганларга буюк кундаги кўринишдан вайл бўлсин.

38. Бизга келадиган Кунда нақадар яхши эшитарлар, нақадар яхши кўрарлар. Лекин золимлар бугунги кунда очиқ залолатдадирлар.

39. Уларни ҳасрат Кунидан, иш битмиш пайтидан огоҳ қил. Улар ғафлатдадирлар, улар иймон келтирмаслар.

40. Албатта, Биз ерга ва унинг устидаги кимсаларга меросхўр бўламиз ва Бизгагина қайтарилурлар.

41. Китобда Иброҳимни эсла. Албатта, у сиддиқ ва набий бўлган эди.

42. Ўшанда у отасига деди: «Эй отажон, нима учун эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон фойда бермайдиган нарсага ибодат қиласан?

43. Эй отажон, сенга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргаш, сени тўғри йўлга бошлайман.

44. Эй отажон, шайтонга ибодат қилма. Албатта, шайтон Роҳманга осий бўлгандир.

45. Эй отажон, мен сени Роҳман томонидан азоб тутишидан ва шайтонга дўст бўлиб қолишингдан қўрқаман».

46. «Эй Иброҳим, сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимисан?! Қасамки, агар тўхтамасанг, сени тошбўрон қиламан! Мендан узоқ кет!» деди.

47. У деди: «Омон бўл. Энди Роббимдан сени мағфират қилишини сўрайман. Албатта, У менга меҳрибондир.

48. Сизлардан ҳам, Аллоҳдан ўзга илтижо қилаётган нарсангиздан ҳам четланаман ва Роббимга илтижо қиламан. Шоядки, Роббимга илтижо қилиш ила бадбахт бўлмасам».

49. Улардан ва улар ибодат қилаётган Аллоҳдан ўзга нарсадан четланганида унга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини набий қилдик.

50. Ва уларга Ўз раҳматимиздан ҳадя этдик ҳамда уларга ростгўй ва олий тил бердик.

51. Китобда Мусони эсла. Албатта, у танлаб олинган набий ва расул эди.

52. Унга Турнинг ўнг томонидан нидо қилдик ва муножот учун Ўзимизни яқинлаштирдик.

53. Ва унга Ўз раҳматимиздан оғаси Ҳорунни набий қилиб ҳадя этдик.

54. Ва Китобда Исмоилни эсла. Албатта, у ваъдасига содиқ ҳамда расул ва набий бўлган эди.

55. Аҳлини намозга ва закотга буюрар эди ва Робби ҳузурида рози бўлинган эди.

56. Ва Китобда Идрисни эсла. Албатта, у сиддиқ ва набий бўлган эди.

57. Ва уни олий мақомга кўтардик.

58. Ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган зотлар, набийлардан, Одам зурриётидан, Нуҳ билан бирга (кемада) кўтарганларимиздан, Иброҳим ва Исроилнинг зурриётидан, ўзимиз ҳидоят қилган ва танлаб олганлардандир. Уларга Роҳманнинг ояти тиловат қилинса, йиғлаб саждага йиқилардилар.

59. Уларнинг ортидан бир ўринбосарлар қолдики, улар намозни зое қилиб, шаҳватларга эргашдилар. Бас, тезда улар ёмонликка йўлиқдилар.

60. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб, амали солиҳ қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар ва ҳеч зулм қилинмаслар.

61. Роҳман Ўз бандаларига ғайбдан ваъда қилган адн жаннатларидир. Албатта, Унинг ваъдаси келувчидир.

62. Унда беҳуда сўз эшитмаслар, лекин салом эшитурлар. Уларга у ерда эртаю кеч ризқлари (келиб турур).

63. Ана ўша – бандаларимиздан тақводор бўлганларига мерос қилиб берадиган жаннатимиздир.

64. «Биз фақат Роббингнинг амри билангина тушамиз. Олдимиздаги нарсалар ҳам, ортимиздаги нарсалар ҳам, уларнинг орасидаги нарсалар ҳам Уникидир. Роббинг унутувчи эмас».

65. У осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Бас, Унга ибодат қил ва Унинг ибодатида сабрли бўл. Унга тенгдошни билурмисан?

66. Инсон: «Агар ўлсам, яна қайта тирик ҳолда чиқариламанми?!» дейди.

67. Ўша инсон Биз уни бундан олдин ҳеч нарса бўлмай турганида яратганимизни эсламайдими?!

68. Роббингга қасамки, уларни ва шайтонларни, албатта, маҳшарга тўплаймиз, сўнгра уларни жаҳаннам атрофига тиз чўккан ҳолларида ҳозир қиламиз.

69. Сўнгра ҳар бир гуруҳдан Роҳманга ашаддий осий бўлганини суғуриб оламиз.

70. Кейин Биз унга (жаҳаннамга) киришга лойиқроқ бўлганларни яхши билувчимиз.

71. Орангизда унга яқинлашувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ. Бу Роббинг ҳузуридаги кескин ҳукмдир.

72. Сўнгра тақво қилганларга нажот берамиз ва золимларни унда тиз чўккан ҳолларида қолдирамиз.

73. Қачонки уларга равшан оятларимиз тиловат қилинса, куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Икки гуруҳнинг қайси бири мақом ва мажлис жиҳатидан яхшироқдир?» дерлар.

74. Ҳолбуки, улардан олдин мол ва кўриниш жиҳатидан яхшироқ бўлган қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилганмиз.

75. «Ким залолатда бўлса, Роҳман унга муҳлат бериб қўйсин. Токи ўзларига ваъда қилинган нарсани – азобни ёки қиёматни кўрганларида, кимнинг мартабаси ёмонроқ ва лашкари кучсизроқ эканини албатта билурлар», дегин.

76. Ва Аллоҳ ҳидоятга юрганларнинг ҳидоятини зиёда қилади. Боқий қолувчи солиҳ амаллар Роббинг наздида савоби яхшироқ ва оқибати хайрлидир.

77. Оятларимизга куфр келтирган ва: «Албатта, (охиратда) менга мол-дунё ҳамда бола-чақа берилажак», деганни кўрдингми?!

78. У ғайбни билдими ёки Роҳманнинг ҳузуридан аҳду паймон олдими?!

79. Йўқ! Нима деганини, албатта, ёзиб қўямиз ва унга азобни узундан-узоқ қиламиз.

80. У айтаётган нарсага меросхўр бўлурмиз ва у Бизга ёлғиз ҳолида келур.
81. Улар ўзларига куч-қудрат, иззат бўлиши учун Аллоҳдан ўзгаларни олиҳа қилиб олдилар.
82. Йўқ! (Олиҳалар) уларнинг ибодатларини инкор этурлар ва уларга қарши бўлурлар.
83. Биз шайтонларни кофирларга уларни доимий қўзғаб туришга юборганимизни кўрмадингми?
84. Уларнинг зиддига шошилма! Биз уларнинг саноғини санамоқдамиз.
85. Тақводорларни Роҳман ҳузурига меҳмон ҳайъати этиб тўплаган кунимизда…
86. …жиноятчиларни жаҳаннамга сув ичгани ҳайдаймиз.
87. Роҳман ҳузурида аҳду паймон олганлардан бошқа ҳеч ким шафоатга молик бўлмайди.
88. «Роҳман бола тутди», дедилар.
89. Батаҳқиқ, жуда оғир нарса келтирдингиз.
90. Ундан осмонлар парчаланиб, ер ёрилиб, тоғлар қулаб йиқилай дейди.
91. (Бу) «Роҳманнинг боласи бор», деганлари учундир.
92. Роҳманга бола тутиш лойиқ эмасдир.
93. Осмонлару ердаги барча кимсалар Роҳманга банда бўлган ҳолларида келурлар.
94. Батаҳқиқ, У Зот уларни иҳота қилган ва санаб қўйгандир.
95. Барчалари У Зотнинг ҳузурига қиёмат куни ёлғиз ҳолларида келувчидирлар.
96. Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга Роҳман муҳаббат пайдо қилур.
97. Бас, албатта, тақводорларга хушхабар беришинг ва у билан саркаш қавмларни огоҳлантиришинг учун уни (Қуръонни) тилингга осон қилдик.
98. Улардан олдин қанчадан-қанча аср (аҳли)ни ҳалок қилдик. Улардан бирортасини ҳис этасанми ёки шарпасини эшитасанми?!

20. ТОҲО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 135 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. То. Ҳа.

2. Сенга Қуръонни бадбахт бўлишинг учун нозил қилганимиз йўқ.
3. Фақат қўрққан кимсаларга эслатма бўлиши учун...
4. …ерни ва юксак осмонларни яратган Зотдан нозил бўлгандир.
5. Роҳман Аршга истиво қилди.
6. Осмонлардаги нарсалару ердаги нарсалар, уларнинг орасидаги нарсалару ер остидаги нарсалар Уникидир.
7. Агар сўзда овозингни юксалтирсанг ҳам, албатта, У сирни ҳам, махфийни ҳам билувчидир.
8. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Гўзал исмлар Уникидир.
9. Сенга Мусонинг хабари келдими?
10. У оловни кўрган чоғида ўз аҳлига: «Туриб туринглар, мен оловни кўрдим, шояд, сизга ундан чўғ келтирсам ёки олов бошида йўл кўрсатувчини топсам», деди.
11. Бас, унга (оловга) келганида нидо қилинди: «Эй Мусо!
12. Албатта, Мен Ўзим сенинг Роббингдирман. Кавушларингни еч. Чунки сен муқаддас Туво водийидасан».
13. Мен сени ихтиёр қилиб олдим. Ваҳий қилинадиган нарсага қулоқ ос.
14. Албатта, Мен Ўзим Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт.
15. Албатта, соат (қиёмат) келувчидир. Ҳар бир жон саъй-ҳаракатига яраша жазо олиши учун уни махфий тутурман.
16. Унга иймон келтирмайдиган ва ҳавои нафсига эргашган ҳаргиз сени ундан тўсмасин. У ҳолда ҳалок бўласан.
17. Эй Мусо, қўлингдаги нима?»
18. «Бу асоимдир, унга суянаман, у билан қўйларимга (барг) қоқиб бераман ва унда менинг бошқа ишларим бор», деди.
19. «Ташла уни, эй Мусо», деди.
20. Уни ташлаган эди, бирдан у илон бўлиб юра бошлади.
21. У Зот деди: «Уни ол, қўрқма. Уни аввалги ҳолига келтирамиз.
22. Қўлингни қўлтиғингга тиқ, ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқадир. Бу бошқа бир мўъжизадир.
23. Сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик).
24. Сен Фиръавнга бор, албатта у туғёнга кетди».
25. (Мусо) деди: «Роббим, қалбимни кенг қил.
26. Ишимни осон қил.
27. Тилимдаги тугунни ечгин.
28. Сўзимни англасинлар.

29. Менга ўз аҳлимдан бир вазир қилиб бер.

30. Оғам Ҳорунни.

31. У билан белимни қувватла.

32. Уни ишимга шерик айла.

33. Сени кўп поклаб ёд этишимиз учун.

34. Ва Сени кўп зикр қилишимиз учун.

35. Албатта, Сен Ўзинг бизни кўриб турувчи эдинг».

36. У Зот деди: «Эй Мусо, сенга сўраганинг берилди.

37. Батаҳқиқ, сенга бошқа сафар ҳам неъмат берган эдик.

38. Ўшанда онангга илҳом қилинадиган нарсани илҳом қилдик:

39. «Уни тобутга сол, уни эса дарёга ташла. Дарё уни соҳилга отсин. Уни Менинг душманим ва унинг душмани олади». Ва сенга Ўзимдан муҳаббат солдим. Кўз ўнгимда тарбияланишинг учун.

40. Ўшанда опанг юриб бориб, «Сизларга уни кафилликка оладиганларни кўрсатайми?» деган эди. Бас, кўзи қувониши ва хафа бўлмаслиги учун сени онангга қайтардик. Ва (кейин) сен бир жонни ўлдирдинг. Биз эса сени ғамдан қутқардик ва турли синовлар ила синадик. Сўнгра Мадян аҳли ила йилларча қолдинг ва тақдирга биноан келдинг, эй Мусо!

41. Сени Ўзим учун танладим.

42. Сен ва оғанг мўъжизаларимни олиб боринглар ва Мени зикр этишда сусткашлик қилманглар.

43. Фиръавнга боринглар! Чунки у туғёнга кетди.

44. Бас, унга юмшоқ сўз айтинглар. Шояд, эсласа ёки қўрқса».

45. (Улар) «Роббимиз, биз унинг тезда бизга ёмонлик қилишидан ёки ҳаддан ошишидан қўрқамиз», дедилар.

46. У Зот деди: «Қўрқманглар! Албатта, Мен сизлар биланман, эшитаман ва кўраман.

47. Бас, унинг олдига боринглар ва унга: «Албатта, биз Роббингнинг расулларимиз, Бану Исроилни биз билан қўйиб юбор. Уларни азоблама. Батаҳқиқ, сенга Роббингдан мўъжиза келтирдик. Ҳидоятга эргашган кимсага салом бўлур.

48. Албатта, бизга ваҳий қилиндики, ёлғонга чиқарганларга ва юз ўгириб кетганларга, шубҳасиз, азоб бўлур», денглар».

49. (Фиръавн) «Эй Мусо, икковингизнинг Роббингиз ким?» деди.

50. «Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган ҳамда уни ҳидоятга солган Зотдир», деди.

51. «Ўтган асрларнинг ҳоли недир?» деди.

52. «Уларнинг илми Роббимнинг ҳузурида, Китобдадир. Роббим адашмас ва унутмас», деди.

53. «У сизга ерни бешик қилган, сизга унда йўллар очган ва осмондан сув туширган Зотдир». Бас, ўша (сув) ила турли набототлардан жуфтларини чиқардик.

54. Енглар ва чорваларингизни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.

55. Сизларни ундан яратдик, унга қайтарамиз ва яна бир бор ундан чиқариб оламиз.

56. Батаҳқиқ, унга оят-мўъжизаларимизнинг ҳаммасини кўрсатдик. Бас, у ёлғонга чиқарди ва бош тортди.

57. «Эй Мусо, сеҳринг билан бизни еримиздан чиқариш учун келдингми?!

58. Бас, албатта, биз ҳам шунга ўхшаш сеҳр келтирамиз, биз билан ўзинг орангда ваъда вақти тайин қил, унга биз ҳам, сен ҳам хилоф қилмайдиган бўлайлик, ўрта жой бўлсин», деди.

59. (Мусо) «Ваъда вақтингиз зийнат куни. Одамларнинг чошгоҳда тўпланиши», деди.

60. Бас, Фиръавн қайтиб кетди, сўнгра ҳийласини йиғиб келди.

61. Мусо уларга: «Ҳолингизга вой! Аллоҳга нисбатан ёлғон уйдирманг, бас, сизни азоб ила бутунлай ҳалок қилур. Батаҳқиқ, ким ёлғон уйдирса, ноумид бўлур», деди.

62. Бас, улар ишлари ҳақида ўзаро аста шивирлашиб, низо қила бошладилар.

63. Улар дедилар: «Албатта, бу иккови сеҳргар. Сеҳрлари билан сизларни ерларингиздан чиқаришни ва сизнинг афзал йўлингизни йўқотишни хоҳларлар.

64. Бас, макр-ҳийлангизни жамлаб, бир саф бўлиб келинг. Батаҳқиқ, ушбу кунда ким устун келса, ўша ғолиб бўлур».

65. «Эй Мусо, сен ташлайсанми ёки биз аввал ташловчи бўлайликми?» дедилар.

66. «Йўқ. Сизлар ташланг», деди. Бирдан уларнинг арқонлари ва асолари сеҳрларидан худди ҳаракатланаётгандек бўлиб кўринди.

67. Бас, Мусо ичида хавфни ҳис этди.

68. Биз дедик: «Қўрқма, албатта, сен устунсан.

69. Қўлингдаги нарсани ташлагин, уларнинг қилган ҳунарини ютиб юборур. Уларнинг қилган ҳунари сеҳргарнинг ҳийласи, холос. Сеҳргар қаерда бўлса ҳам, нажот топмас».

70. Шунда сеҳргарлар: «Ҳорун ва Мусонинг Роббига иймон келтирдик», деб саждага ташландилар.

71. (Фиръавн) «Сизга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингизми?! У сизга сеҳр ўргатган каттангиздир! Қўл-оёқларингизни қарама-қаршисидан кесаман, сизларни хурмо танасига осаман, қай биримизнинг азобимиз шиддатлироқ ва боқийроқ эканини албатта билурсиз», деди.

72. Улар дедилар: «Сени ўзимизга келган очиқ-ойдин (мўъжиза)лардан ва бизни йўқдан бор қилган Зотдан зинҳор устун қўймасмиз. Бас, нима ҳукм қилсанг, қилавер. Сен бу дунё ҳаётида ҳукм чиқарасан, холос.

73. Биз Роббимиз хатоларимизни ва сен бизни мажбур қилган сеҳрни мағфират қилиши учун иймон келтирдик. Аллоҳ яхши ва боқийдир».

74. Шубҳасиз, ким Роббига жиноятчи бўлган ҳолида келса, унга албатта жаҳаннам бордир. У ерда у на ўлмас ва на яшамас.

75. Ким У Зотга мўмин ўлароқ, солиҳ амаллар қилган ҳолида келса, ана ўшаларга олий даражалар,

76. остидан анҳорлар оқиб турган адн жаннатлари бор. Унда абадий қолурлар. Ана шу покланганнинг мукофотидир.

77. Батаҳқиқ, Мусога: «Бандаларим ила кечаси йўлга туш, уларга денгиздан қуруқ йўл оч, етиб олишларидан хавф қилма ва қўрқма», деб ваҳий қилдик.

78. Бас, Фиръавн лашкари ила уларнинг ортидан таъқиб этди. Денгиз уларни ўраганича ўраб олди.

79. Фиръавн ўз қавмини адаштирди, тўғри йўлга бошламади.

80. Эй Бану Исроил, батаҳқиқ, сизни душманингиздан қутқардик ва сиз билан Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик ҳамда сизларга манн ва бедана туширдик.

81. Биз сизга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар, унда ҳаддингиздан ошманг, яна, бошингизга ғазабим тушиб қолмасин. Кимнинг бошига ғазабим тушса, бас, батаҳқиқ, ҳалок бўлибди.

82. Албатта, Мен тавба қилган, иймон келтириб, солиҳ амал қилган, сўнгра ҳидоятда юрганларни мағфират қилувчиман.

83. Эй Мусо, сени қавмингдан нима шошилтирди?

84. «Улар ана, изимдалар. Рози бўлишинг учун Сенга шошдим, Роббим», деди.

85. У Зот: «Батаҳқиқ, Биз қавмингни сендан кейин фитнага дучор қилдик. Уларни Сомирий адаштирди», деди.

86. Мусо қавмига ғазабнок, афсусланган ҳолда қайтди. «Эй қавмим, Роббингиз сизга яхши ваъда қилмаганмиди?! Сизларга замон узоқ кўриндими ёки бошингизга Роббингиздан ғазаб тушишини хоҳладингизми?! Менга берган ваъдага хилоф қилибсиз?!» деди.

87. «Сенга берган ваъдага ўз ихтиёримиз ила хилоф қилмадик. Лекин

бизга у қавмнинг зийнатидан оғирликлар юкланган эди. Бас, уларни ташладик, Сомирий ана шундай илқо қилди», дедилар.

88. (Сомирий) уларга бўкирадиган бузоқ шаклини чиқариб берди. «Мана шу сизнинг илоҳингиз, Мусонинг ҳам илоҳи, фақат у унутди», дедилар.

89. Ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини, на зарар ва на фойдага молик бўла олмаётганини кўрмаяптиларми?!

90. Батаҳқиқ, илгари Ҳорун уларга: «Эй қавмим, бу билан фитнага дучор қилиндингиз, холос. Шубҳасиз, Роббингиз Роҳмандир. Бас, менга эргашинг. Менинг амримга итоат қилинг», деган эди.

91. «То Мусо бизга қайтгунича, унга ибодат қилишда бардавом бўламиз», дедилар.

92. (Мусо) деди: «Эй Ҳорун, уларнинг залолатга кетганларини кўрганингда сени нима ман қилди...

93. ...менга эргашишдан?! Менинг амримга осий бўлдингми?!»

94. «Эй онамнинг ўғли, соч-соқолимдан тутма. Мен сенинг Бану Исроилни тафриқага солибсан, гапимга кирмабсан, дейишингдан қўрқдим», деди.

95. «Бу нима қилганинг, эй Сомирий?!» деди.

96. «Улар кўрмаган нарсани кўрдим. Бас, Расулнинг изидан бир сиқим олдим, сўнгра уни ташладим. Ҳавои нафсим менга шундай қилишни хуш кўрсатди», деди.

97. (Мусо) деди: «Бас, жўна! Кет! Энди сенга бу ҳаётда «Тегиш йўқ», дейишинг бор, холос. Албатта, сенга хилоф қилмайдиган ваъдамиз бор. Ўзинг ибодатида бардавом бўлган илоҳингга назар солиб қўй. Уни албатта куйдирамиз, сўнгра денгизга сочиб юборамиз.

98. Албатта, илоҳингиз Ундан ўзга илоҳ йўқ Аллоҳдир, холос. У ҳар бир нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир».

99. Шундай қилиб, сенга ўтган нарсалар хабарини қисса қилиб берурмиз. Батаҳқиқ, сенга Ўз тарафимиздан Зикрни бердик.

100. Ким ундан юз ўгирса, албатта, у қиёмат куни (гуноҳ) юкини кўтарур.

101. Унда мангу қолувчидирлар. Қиёмат куни у уларга нақадар ёмон юк бўлди!

102. Сурга пуфланган Кунда. Ўша кунда жиноятчиларни кўзлари кўк бўлган ҳолда тўплармиз.

103. «Ўн кундан ортиқ турганингиз йўқ», дея ўзаро шивирлашар.

104. Биз нима деяётганларини яхши билувчимиз. Ўшанда уларнинг энг афзал йўлдагиси: «Бир кундан ортиқ турганингиз йўқ», дер.

105. Сендан тоғлар ҳақида сўрарлар. Бас: «Роббим уларни мутлақо совуриб юборажак», дегин.

106. Сўнг уларни теп-текис ҳолга келтирур.

107. У ерда чуқур ҳам, дўнг ҳам кўрмассан.
108. У Кунда чорловчига эргашурлар. Ундан бурилиш йўқ. Овозлар Роҳман(нинг ҳайбати)дан жим қолмиш. Пичирлашдан бошқа нарса эшитмассан.
109. У Кунда Роҳман изн берган ва сўзидан рози бўлганлардан бошқага шафоат фойда бермас.
110. Уларнинг олдиларидаги нарсаларни ҳам, орқаларидаги нарсаларни ҳам билур. Улар эса Уни илм ила иҳота қила олмаслар.
111. Барча юзлар тирик ва қайюм Зотга бош эгмиш. Батаҳқиқ, зулм кўтарган ноумид бўлмиш.
112. Ким мўмин ҳолида солиҳ амаллардан қилган бўлса, зулмдан ҳам, нуқсондан ҳам қўрқмас.
113. Шундай қилиб, уни арабий Қуръон қилиб нозил этдик. Шоядки, тақво қилсалар ёки уларда эслаш пайдо қилса деб, унда қўрқинчли ваъдаларни баён қилдик.
114. Ҳақ Подшоҳ – Аллоҳ олий бўлди. Ваҳийи битгунча Қуръонга (тиловатига) ошиқмагин ва: «Роббим, илмимни зиёда қилгин», дегин.
115. Батаҳқиқ, илгари Одам билан аҳдлашган эдик. Лекин у унутди. Унда азму қарор топмадик.
116. Фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», деганимизда улар сажда қилдилар, фақат иблис бош тортди.
117. Биз дедик: «Эй Одам, албатта, бу сенга ва жуфтингга душмандир. Яна у сизларни жаннатдан чиқариб, бадбахт бўлиб қолмагин.
118. Албатта, сен у ерда оч-яланғоч қолмассан.
119. Албатта, сен у ерда ташна ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам қолмассан».
120. Бас, шайтон уни васваса қилди: «Эй Одам, мен сенга абадият дарахтини ва битмас-туганмас мулкни кўрсатайми?» деди.
121. Бас, икковлари ундан едилар. Кейин, авратлари ўзларига очилиб қолиб, ўзларини жаннат барглари билан тўса бошладилар. Одам Роббига осий бўлди ва йўлдан озди.
122. Сўнгра Робби уни танлаб олди, бас, тавбасини қабул қилди ва ҳидоятга бошлади.
123. У Зот деди: «Иккингиз бир-бирингизга душман ҳолда ундан тушинглар. Агар Мен томонимдан сизга ҳидоят келганда ким ҳидоятимга эргашса, адашмас ва бадбахт бўлмас.
124. Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, унга торчилик ҳаёти бўлур ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз».
125. «Роббим, нима учун мени кўр ҳолда тирилтирдинг. Ахир, кўрувчи эдим-ку?!» деди.

126. У Зот: «Шундай. Сенга оятларимиз келди. Сен эса уларни унутдинг. Сен ҳам бугун унутилурсан», деди.

127. Ҳаддидан ошган ва Роббининг оятларига иймон келтирмаганларни ана шундай жазолаймиз. Охират азоби, албатта, ашаддий ва боқийдир.

128. Улардан илгари масканларида юрган авлодлардан қанчадан-қанчасини ҳалок қилганимиз ҳам ҳидоят қилмадими? Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.

129. Агар Роббингдан ўтган сўз ва белгиланган муддат бўлмаганида, албатта (азоб) лозим бўлар эди.

130. Бас, улар айтаётган нарсаларга сабр қил. Қуёш чиқишидан олдин ва ботишидан олдин Роббингни ҳамд ила поклаб ёд эт. Кечанинг бир қисмида ва кундузнинг атрофида ҳам поклаб ёд эт. Шоядки, рози бўлсанг.

131. Уларни синаш учун дунё ҳаётининг кўрки қилиб, айримларини баҳраманд қилган нарсаларимизга кўзларингни тикма. Роббингнинг ризқи яхши ва боқийдир.

132. Аҳлингни намозга амр эт ва ўзинг унга сабр қил. Сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берамиз. Оқибат эса тақвоникидир.

133. «У бизга Роббидан мўъжиза келтирса эди», дерлар. Ахир, уларга аввалги саҳифалардаги нарсаларнинг баёноти келмадими?

134. Агар Биз уларни ундан олдин азоб-ла ҳалок қилганимизда эди, албатта: «Роббимиз, бизга расул юборганингда эди, хору зор ва шарманда бўлишимиздан олдин оятларингга эргашган бўлар эдик», дер эдилар.

135. «Барча кутувчидир. Бас, кутинглар. Кимлар тўғри йўл соҳиблари ва кимлар ҳидоят топганини албатта билурсизлар», – деб айт.



21. АНБИЁ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 112 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Одамларга ҳисоблари яқинлашиб қолди. Улар эса ғафлатда, юз ўгирувчи бўлган ҳолдалар.

2. Қачон Роббларидан янги эслатма келса, уни фақат ўйнаётган ҳолларида тингларлар...

3. …қалблари ғофил бўлиб. Зулм қилганлар ўзаро: «Бу ўзимизга ўхшаган башардан ўзга эмас-ку. Ўзингиз кўриб туриб сеҳрга келасизми?» деб пичирлашарлар.

4. (Муҳаммад) «Роббим осмону ердаги сўзни билур. У эшитувчидир, билувчидир», деди.

5. «Йўқ, алғов-далғов тушлардир. Балки ўзи уйдириб олгандир, балки у шоирдир. Бас, аввалгиларга юборилганидек, бизга ҳам мўъжиза келтирсин», дедилар.

6. Улардан олдин бирор шаҳар (аҳолиси) иймон келтирмади. Уларни ҳалок қилдик. Энди улар иймон келтирармидилар?!

7. Сендан илгари ҳам фақат эр кишиларни расул қилиб юбориб, уларга ваҳий қилганмиз. Агар билмасангиз, зикр аҳлларидан сўранг.

8. Уларни таом емайдиган жасад қилганимиз йўқ. Улар абадий қолувчи ҳам бўлган эмаслар.

9. Сўнгра уларга (берган) ваъдамиз устидан чиқдик. Бас, уларга ҳамда Ўзимиз хоҳлаганларга нажот бердик ва ҳаддан ошувчиларни ҳалок қилдик.

10. Батаҳқиқ, сизга Китоб нозил қилдик. Унда сизнинг зикрингиз бор. Ақл юритмайсизларми?!

11. Золим бўлган шаҳар-қишлоқлардан қанчасини (белини) синдирдик ва улардан кейин бошқа қавмларни пайдо этдик.

12. Азобимизни ҳис қилганларида эса бирдан у ердан қоча бошларлар.

13. Қочманглар! Маишатпарастлик қилган нарсаларингизга, масканларингизга қайтинглар. Эҳтимол, ҳали сўралурсиз.

14. «Ҳолимизга вой! Биз золим бўлган эканмиз», дедилар.

15. Ўша дод-войлари, уларни ўрилган ўтдай, совиган кулдай қилгунимизча бардавом бўлди.

16. Осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни ўйин учун яратганимиз йўқ.

17. Агар кўнгилхушликни тутишни ирода қилсак, уни қилувчи бўлганимизда ҳам, уни Ўз томонимиздан қилиб олар эдик.

18. Йўқ, ҳақни ботил устига отурмиз. Бас, уни яксон қилур. Қарабсанки, (ботил) заволга учрабди. Сизларга эса қилган васфларингиздан вой бўлсин!

19. Осмонлару ердаги барча жонзотлар Уникидир. Унинг ҳузуридагилар ибодатидан такаббурлик қилмаслар ва малол олмаслар.

20. Кечаю кундуз (Уни) поклаб ёд этурлар. Чарчамаслар.

21. Ёки ердан «илоҳ»лар тутдилар-у, ўшалар тирилтирадими?

22. Агар уларда (осмонлару ерда) Аллоҳдан ўзга «илоҳ»лар бўлганида, бузилиб кетар эдилар. Аршнинг Робби Аллоҳ улар қилаётган васфдан покдир.

23. У Зот қилган нарсасидан сўралмас, улар эса сўралурлар.

24. Ёки Ундан ўзга «илоҳ»лар тутдиларми? «Далилингизни келтиринг. Мана бу мен билан бирга бўлганларнинг зикри ва мендан олдингиларнинг зикридир», дегин. Йўқ, уларнинг кўплари ҳақни билмаслар. Бас, улар юз ўгирувчилардир.

25. Сендан илгари юборган ҳар бир расулга: «Албатта, Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз.

26. «Роҳман фарзанд тутди», дедилар. У Зот покдир! Йўқ! Икром этилган бандалардир.

27. Ундан олдин сўз айтмаслар. Улар Унинг амри ила амал қилурлар.

28. У Зот уларнинг олдларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Улар фақат У Зот рози бўлганларгагина шафоат қилурлар. Улар У Зотдан қўрқиб, хавфда турурлар.

29. Улардан ким: «Мен Ундан ўзга илоҳман» деса, ўшани жаҳаннам ила жазолармиз. Золимларни мана шундай жазолармиз.

30. Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлганини, кейин Биз уларни очганимизни ва сувдан барча тирик нарсани (пайдо) қилганимизни билмасларми? Иймон келтирмасларми?

31. Ерда уларни тебратмаслиги учун тоғлар қилдик ва шоядки тўғри йўл топсалар деб, унда даралар, йўллар қилдик.

32. Ва осмонни сақланган шифт қилиб қўйдик. Улар эса унинг оят (аломат) ларидан юз ўгирувчи бўлмоқдалар.

33. У кечаю кундузни, қуёшу ойни яратган Зотдир. Барчаси фалакда сузмоқдалар.

34. Сендан олдин ҳам бирор башарга мангулик (ато) қилганимиз йўқ. Агар сен ўлсанг, улар мангу қолар эканларми?

35. Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир. Сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз ҳамда Бизгагина қайтарилурсиз.

36. Куфр келтирганлар сени кўрганларида «Илоҳларингизни зикр қилаётган шуми?!» деб, сени масхара қилишдан бошқани билмаслар. Ҳолбуки, Роҳманнинг зикрига ўзлари кофирдирлар.

37. Инсон шошқалоқ қилиб яратилган. Сизларга Ўз оят (аломат)ларимни албатта кўрсатурман. Бас, мени шошилтирманглар.

38. «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур?» дерлар.

39. Куфр келтирганлар юзларидан ва сиртларидан оловни тўса олмайдиган ва ўзларига ёрдам берилмайдиган вақтни билсалар эди.

40. Йўқ! У уларга тўсатдан келиб, ҳайрату даҳшатга солур. Бас, уни рад ҳам қила олмаслар, уларга муҳлат ҳам берилмас.

41. Батаҳқиқ, сендан олдинги расуллар ҳам масхара қилинган. Бас, уларни масхара қилганларни ўзлари масхара қилиб юрган нарса ўраб олди.

42. «Кечаси ва кундузи сизларни Роҳмандан ким қўрийди?» дегин. Йўқ! Улар Робблари зикридан юз ўгирувчилардир!

43. Ёки уларнинг Биздан ўзга ҳимоя қиладиган «илоҳ»лари борми? Ўзларига ҳам ёрдам беришга қодир бўла олмаслар, Биздан ҳам ҳамдамлик топмаслар.

44. Балки, Биз уларни ва ота-боболарини баҳраманд қилдик, ҳатто уларга умр узун кўринди. Улар ерга келиб, уни атрофидан қисқартираётганимизни кўрмайдиларми?! Ғолиб келувчи уларми?

45. «Сизларни фақат ваҳий билан огоҳлантираман. Гунглар огоҳлантирилса, даъватни эшитмаслар», дегин.

46. Қасамки, уларга Роббингнинг азобидан салгина етса, албатта: «Ҳолимизга вой! Ҳақиқатда биз золим бўлган эканмиз», дерлар.

47. Қиёмат куни учун адолат мезонларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. (Амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирамиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз.

48. Батаҳқиқ, Мусо ва Ҳорунга Фурқонни тақводорлар учун зиё ва эслатма қилиб бердик.

49. Улар Роббларидан ғойибона қўрқурлар ва улар Соатдан (қиёматдан) хавфда турувчилардир.

50. Бу Биз нозил қилган муборак эслатмадир. Сизлар уни инкор қилувчи бўласизларми?!

51. Батаҳқиқ, илгари Иброҳимга рушду ҳидоятни берган эдик. Унинг (ҳолини) билувчи эдик.

52. Ўшанда у отасига ва қавмига: «Сиз ибодатига берилаётган манави ҳайкаллар нима ўзи?» деган эди.

53. «Ота-боболаримизни уларга ибодат қилган ҳолларида топганмиз», дедилар.

54. «Батаҳқиқ, сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ-ойдин залолатдасизлар», деди.

55. «Бизга ҳақ ила келдингми ёки ўйин қилувчилардanмисан?» дедилар.

56. У деди: «Йўқ! Роббингиз осмонлару ернинг Роббидир. У Зот уларни яратгандир. Мен бунга гувоҳлик берувчилардanман.

57. Аллоҳга қасамки, ортга ўгирилиб кетганингиздан кейин санамларингизга бир ҳийла ишлатаман».

58. У уларни парча-парча қилиб ташлади, фақат, шоядки унга қайтсалар деб, энг каттасини қолдирди.

59. «Ким илоҳларимизни бундай қилди?! Албатта, у золимлардандир!» дедилар.

60. «Уларни тилга олаётган бир йигитни эшитган эдик, уни Иброҳим дейишарди», дедилар.

61. «Уни одамларнинг кўз олдига олиб келинглар. Шоядки, гувоҳ бўлсалар», дедилар.

62. «Илоҳларимизни сен бундай қилдингми, эй Иброҳим?!» дедилар.

63. «Йўқ, буни манави, уларнинг каттаси қилди. Агар гапирадиган бўлсалар, улардан сўраб кўринглар», деди.

64. Бас, улар ўзларига келдилар ва: «Албатта, сизлар ўзингиз золимдирсизлар», дедилар.

65. Сўнгра яна бошлари айланиб: «Батаҳқиқ, уларнинг гапирмаслигини билар эдинг!» дедилар.

66. У деди: «Аллоҳни қўйиб, ҳеч манфаат ҳам, зарар ҳам бермайдиган нарсага ибодат қиласизми?!

67. Сизга ҳам, Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётган нарсаларингизга ҳам суф-э! Ахир, ақл юритиб кўрмайсизларми?!» деди.

68. «Уни куйдиринглар! Агар (бир иш) қиладиган бўлсангиз, илоҳларингизга ёрдам беринг!» дедилар.

69. «Эй олов, Иброҳим учун салқин ва саломатлик бўл!» дедик.

70. Унга (Иброҳимга) ёмонлик ирода қилган эдилар, уларни энг зиёнкорлар қилиб қўйдик.

71. Унга ва Лутга нажот бериб, оламлар учун баракали қилган еримизга юбордик.

72. Унга Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни зиёда қилиб бердик ва ҳаммаларини солиҳлар қилдик.

73. Ва уларни амримиз ила ҳидоятга бошловчилар қилдик. Уларга яхшиликлар қилишни, намозни тугал адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизга ибодат қилувчи бўлдилар.

74. Ва Лутга ҳукм ва илм бердик ва унга ифлосликлар қилаётган қишлоқдан нажот бердик. Албатта, улар ёмон, бузғунчи қавм эдилар.

75. Ва уни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, у солиҳлардандир.

76. Ва Нуҳни ҳам (эсла). Бундан олдин у нидо этганида Унинг нидосига жавоб қилдик ва унга ҳамда унинг аҳлига улуғ ташвишдан нажот бердик.

77. Унга оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм устидан нусрат бердик. Албатта, улар ёмон қавм эдилар. Бас, уларнинг барчасини ғарқ қилдик.

78. Ва Довуд билан Сулаймоннинг экинзор ҳақида ҳукм қилаётганларини (эсла). Ўшанда кечаси у ерга қавмнинг қўйлари кириб кетган эди. Уларнинг ҳукмига шоҳид бўлган эдик.

79. Бас, уни Сулаймонга фаҳмлатдик. Уларнинг ҳар бирига ҳукм ва

илм берган эдик. Довуд билан бирга тасбеҳ айтсин деб тоғларни ва қушларни бўйсундириб қўйдик. (Шуларни) қилувчи бўлган Бизмиз.

80. Унга сизлар учун сизни ёмонликдан сақлайдиган кийим қилиш санъатини ўргатдик. Энди шукр қилувчи бўларсизлар?!

81. Сулаймонга шиддатли шамолни унинг амри ила Биз баракали қилган ерга эсадиган қилиб қўйдик. Барча нарсани билувчи бўлдик.

82. Ва шайтонлардан унга ғаввослик қиладиганларни ва бундан бошқа амалларни бажарадиганларни бўйсундириб қўйдик. Уларни муҳофаза қилувчи бўлдик.

83. Ва Айюбнинг Ўз Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени зарар тутди. Сен раҳмлиларнинг раҳмлисисан!» деганини эсла.

84. Бас, уни (дуосини) ижобат қилдик. Унга етган зарарни кетказдик. Унга аҳлини, улар билан бирга яна шунчани ҳам бердик. Ўз ҳузуримиздан раҳмат ва обидларга эслатма ўлароқ.

85. Ва Исмоил, Идрис ва Зулкифлни эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилувчилардандир.

86. Ва уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир.

87. Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди. Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмас, деб гумон қилди. Зулматларда туриб, «Сендан ўзга илоҳ йўқ, Ўзинг поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим», деб нидо қилди.

88. Бас, уни (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга ана шундай нажот берурмиз.

89. Ва Закарийёни эсла. Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Роббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, Сен ворисларнинг энг яхшисисан», деган эди.

90. Бас, уни (дуосини) ижобат қилдик ва унга Яҳёни ҳадя этдик ҳамда жуфтини ўнглаб қўйдик. Албатта, улар яхшиликларга шошилишар эди ва Бизга рағбат ила ва қўрқиб дуо қилишар эди. Улар Бизга таъзим ила бўйсунувчи эдилар.

91. Фаржини пок сақлаган аёлни эсла. Унга Ўз руҳимиздан пуфладик. Уни ва унинг ўғлини оламларга оят-белги қилдик.

92. Албатта, ушбу умматингиз бир умматдир ва Мен сизнинг Роббингизман. Бас, Менга ибодат қилинг.

93. Улар эса ишларини парчаладилар. Барчалари Бизга қайтувчидирлар.

94. Ким мўмин ҳолида солиҳ амаллардан қилса, саъй-ҳаракати зое кетмас. Албатта, Биз уни ёзиб қўювчидирмиз.

95. Биз ҳалок қилган қишлоқ-шаҳарларнинг қайтмаслиги ҳаромдир.

96. Ниҳоят, яъжуж-маъжуж очилиб, улар ҳар бир тепаликлардан оқиб келганларида...

97. …ва ҳақ ваъда яқинлашганда ногаҳон куфр келтирганлар кўзлари чақчайиб: «Ҳолимизга вой! Бундан ғафлатда эдик. Йўқ, биз зулм қилувчилар эдик!» (дерлар).

98. Албатта, сизлар ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарсаларингиз жаҳаннам ёқилғисидирсиз. Сизлар унга кирувчиларсиз.

99. Агар анавилар илоҳ бўлганида унга кирмас эдилар. Ҳаммалари унда мангу қолурлар.

100. У ерда улар учун инграш бордир. Улар у ерда эшитмаслар.

101. Албатта, Биздан ўзлари учун яхшилик ўтганлар – ана ўшалар ундан (жаҳаннамдан) узоқлаштирилганлардир.

102. Унинг чисирлашини (овозини ҳам) эшитмаслар. Улар ўз нафслари иштаҳа қилган нарсалари ичида абадий қолувчилардир.

103. Уларни буюк даҳшат маҳзун қилмас. Фаришталар уларни: «Бу сизларга ваъда қилинган кунингиздир», деб кутиб олурлар.

104. Ўша кунда осмонни худди ёзув ёзилган дафтарни ёпгандек ёпамиз. Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз буни қилувчимиз.

105. Батаҳқиқ, Зикрдан сўнг Забурда ҳам: «Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлурлар», деб ёзган эдик.

106. Албатта, бунда (Қуръонда) ибодат қилувчи қавм учун етарли ўгит бордир.

107. Сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик.

108. «Менга сизнинг илоҳингиз албатта битта илоҳдир, деб ваҳий этилур холос. Энди мусулмон бўларсизлар?!» деб айт.

109. Агар юз ўгириб кетсалар, айтгин: «Сизларга баробарлик бўлиши учун эълон қилдим. Сизга ваъда қилинаётган нарса яқинми ёки узоқми – билмасман.

110. Албатта, У сўзнинг ошкорасини ҳам биладир ва нимани беркитаётган бўлсангиз ҳам биладир.

111. Билмайман, эҳтимол, бу сизлар учун синовдир ёки вақтинчалик ҳаловатдир».

112. У: «Роббим, Ўзинг ҳақ ила ҳукм қил. Роббимиз Роҳмандир ва сизлар қилган васфлардан мадад сўраладиган Зотдир», деди.



22. ҲАЖ СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 78 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй одамлар! Роббингиздан қўрқинг! Албатта, Соат (қиёмат) зилзиласи улкан нарсадир.
2. Уни кўрадиган кунингизда, ҳар бир эмизувчи эмизаётган нарсасини унутар. Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар. Одамларни маст ҳолда кўрарсан, ҳолбуки, улар маст эмас. Лекин Аллоҳнинг азоби шиддатлидир.
3. Одамларнинг Аллоҳ ҳақида билмасдан тортишганлари ва ҳар бир бебош шайтонга эргашганлари ҳам бор.
4. Унга битилганки, албатта, унга ким дўст бўлса, шубҳасиз, уни адаштирур ва дўзах азобига «ҳидоят» қилур.
5. Эй одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз, бас, Биз сизга баён қилишимиз учун сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган музғадан яратдик. Ва бачадонларда хоҳлаган нарсамизни маълум муддатгача қарор топтирурмиз. Кейин сизларни бувак ҳолингизда чиқарармиз. Сўнгра вояга етишингиз учун (тарбия қилармиз). Сизлардан вафот қилиб кетадиганлар ҳам, билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада ночор умрга етадиганлар ҳам бор. Ва ерни қақраган ҳолда кўрарсан. Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканадир, кўпчийдир ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир.
6. Булар Аллоҳнинг ҳақлиги туфайлидир, У ўликларни тирилтирур ҳамда У ҳар бир нарсага қодирдир.
7. Ва албатта, Соат (қиёмат) келувчидир, бунга шубҳа йўқдир. Ва албатта, Аллоҳ қабрлардагиларни тирилтирур.
8. Одамларнинг Аллоҳ ҳақида илмсиз (ҳолда), ҳидоятга ёки нурли китобга эга бўлмай туриб тортишадиганлари бор.
9. Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун бўйнини буриб (тортишар). Унга дунёда расволик бор. Қиёмат куни унга куйдириш азобини тоттирамиз.
10. Булар ўз қўлларинг тақдим қилган нарсалар сабаблидир. Албатта, Аллоҳ бандаларга зулм қилувчи эмас.
11. Одамларнинг Аллоҳга бир томонлама ибодат қиладиганлари ҳам бор. Агар унга яхшилик етса, кўнгли тўлур. Агар унга бало етса, юз ўгириб кетур. У дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам зиён кўрур. Ана ўша очиқ-ойдин зиёндир.

12. У Аллоҳни қўйиб, ўзига зарар ҳам бермайдиган, манфаат ҳам бермайдиган нарсага илтижо қилади. Шунинг ўзи қаттиқ адашишдир.

13. Манфаатидан кўра зарари яқинроқ бўлганга илтижо қиладир. У нақадар ёмон хожа, нақадар ёмон дўстдир!

14. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни Аллоҳ остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритадир. Аллоҳ Ўзи ирода этган нарсани албатта қиладир.

15. Кимки Аллоҳ унга бу дунёю охиратда нусрат беришига шубҳа қилса, бир восита топиб, осмонга осилсин, сўнгра уни кессин. Бас, назар солсин-чи, унинг бу ҳийласи ғам-ғуссани кетказармикин?!

16. Мана шундай қилиб, уни (Қуръонни) очиқ-ойдин оятлар ҳолида нозил қилдик. Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қиладир.

17. Албатта, Аллоҳ қиёмат куни иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, собиийлар, насоролар, мажусийлар ва ширк келтирганлар орасида Ўзи ажрим қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.

18. Осмонлардаги кимсалар, ердаги кимсалар, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар, жониворлар ва одамлардан кўплари, албатта, Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингми? Кўпларига эса азоб ҳақ бўлди. Аллоҳ кимни хор қилса, уни икром қилувчи бўлмас. Албатта, Аллоҳ хоҳлаганини қилур.

19. Мана бу икки ғаним Роббլари ҳақида талашган эдилар. Бас, куфр келтирганларга оловдан кийим бичилди. Бошлари устидан ўта қайноқ сув қуйилур.

20. У билан қоринларидаги нарсалар ва терилари эритилур.

21. Улар учун темир гурзилар бор.

22. Улар ҳар қачон ундаги ғамдан чиқмоқчи бўлсалар, унга қайтарилурлар ва «Ёниш азобини тотинг!» дейилур.

23. Албатта, Аллоҳ иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Улар у ерда олтин билакузуклар ва инжулар ила безанурлар. У ердаги либослари эса ипакдандир.

24. Ширин сўзга ҳидоят қилинурлар ва мақталган Зотнинг йўлига ҳидоят қилинурлар.

25. Куфр келтирганларга ва Аллоҳнинг йўлидан ҳамда ерлик учун ҳам, четдан келган одамлар учун ҳам баробар қилиб қўйганимиз Масжидул Ҳаромдан тўсганларга ва у ерда ким зулм ила янглиш йўлга бурилишни ирода қилса, унга аламли азобни тоттирурмиз.

26. Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб (айтган эдик): «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтимни эса тавоф қилувчилар, (ибодатда) қоим турувчилар ҳамда рукуъ, сажда қилувчилар учун поклагин.

27. Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда ва озиб кетган уловлар устида узоқ-узоқ йўллардан келсинлар.

28. Ва ўзларига бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар. Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонлари устида (сўйилганда) Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар. Бас, улардан енглар ва бечора-фақирларга ҳам егизинглар.

29. Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказсинлар, назрларига вафо қилсинлар ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар».

30. Ана шундай. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга риоя қилса, бас, бу Робби ҳузурида унинг ўзи учун яхшидир. Ва сизларга (келажакда) тиловат қилинадиганлардан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди. Бас, бутлардан иборат қабоҳатдан йироқ бўлинг ва ёлғон сўздан йироқ бўлинг.

31. Аллоҳга бўлган иймондан оғманг, Унга ширк келтирувчи бўлманг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўёки осмондан қулаб тушгану уни йиртқич қуш олиб қочган ёки уни шамол узоқ ерга учириб кетган кабидир.

32. Ана шундай. Ким Аллоҳнинг шиорларини улуғласа, албатта, бу қалбларнинг тақвосидандир.

33. Сизга уларда (шиорларда) маълум вақтгача манфаатлар бордир. Сўнгра уларнинг (сўйилиш) ўрни «қадимги уй» (атрофи)дадир.

34. Ҳар бир умматга Аллоҳ ризқ қилиб берган чорва ҳайвонлари устида (сўйилганида) Унинг исмини зикр қилишлари учун қурбонлик жорий этганмиз. Илоҳингиз ягона илоҳдир, Унгагина мусулмон бўлинг. Итоатли, мутавозеларга башорат бер.

35. Улар Аллоҳ зикр қилинганда қалблари титрайдиган, ўзларига етган мусибатга сабр қиладиганлардир, намозни тўкис адо этувчилардир, уларга ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар.

36. Ва туяларни сиз учун Аллоҳнинг шиорларидан қилдик. Уларда сизлар учун яхшилик бор. (Уларни сўйишда) олд оёқларидан бири боғлиқ турган ҳолида Аллоҳнинг номини зикр қилинг. Ёнбошлари ерга текканда эса улардан енглар ва қаноатли ва тиланган камбағалларни ҳам таомлантиринглар. Шундай қилиб, уларни сизга бўйсундириб қўйдик. Шоядки, шукр қилсангиз.

37. Аллоҳга уларнинг гўшти ҳам, қони ҳам зинҳор етмас. Лекин У Зотга сиздан тақво етади. Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳни улуғлашингиз учун уларни сизга бўйсундириб қўйди. Яхшилик қилувчиларга башорат бер.

38. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни мудофаа қилур. Албатта, Аллоҳ барча хоин ва кофирларни севмас.

39. Ўзларига қарши уруш очилган (мусулмон)ларга уларга зулм қилингани

учун (урушга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга нусрат беришга қодирдир.

40. Улар фақатгина «Роббимиз – Аллоҳ» деганлари учун диёрларидан ноҳақ чиқарилдилар. Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф қилиб турмаса, узлатгоҳлар, канисалар, ҳавралар ва Аллоҳнинг номи кўп зикр қилинадиган масжидлар вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ Ўзига ёрдам берганларга ёрдам берур. Албатта, Аллоҳ қувватлидир, азиздир.

41. Уларга ер юзида имкон берсак, намозни тўкис адо этурлар, закотни берурлар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарурлар. Ишларнинг оқибати Аллоҳга оиддир.

42. Агар сени ёлғончига чиқараётган бўлишса, булардан олдин Нуҳ қавми, Од ва Самуд ҳам ёлғончига чиқарган эди.

43. Иброҳим қавми, Лут қавми,

44. Мадян аҳли ҳам. Мусо ҳам ёлғончи қилинган. Мен кофирларга бир оз муҳлат бердим, сўнгра уларни тутдим. Бас, Менинг инкорим қандоқ бўлди?!

45. Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларни зулм қилувчи бўлган ҳолида ҳалок этдик. Бас, улар (ҳозирда) шифтлари қулаган, ташландиқ қудуқ, (ҳувиллаган) юксак қаср (ҳолида)дир.

46. Ахир ер юзида айланиб юрмайдиларми, токи қалблари ила ақл юритсалар, қулоқлари ила эшитсалар. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, кўкслардаги қалблар кўр бўлур.

47. Сендан азобнинг тезроқ келишини сўрарлар. Ҳолбуки, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмас. Дарҳақиқат, Роббинг ҳузуридаги бир кун сизлар санайдиган минг йилдекдир.

48. Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларга зулм қилувчи бўлган ҳолида ҳам муҳлат бердим. Сўнгра уларни (азобга) тутдим. Қайтиш Менгадир.

49. «Эй одамлар! Мен сизлар учун очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман, холос», деб айт.

50. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларга мағфират ва икромли ризқ бордир.

51. Оятларимизни ожиз қолдирмоқчи бўлиб саъй-ҳаракат қилганлар – ана ўшалар жаҳийм эгаларидир.

52. Сендан илгари ҳеч бир расул ва набий юбормадикки, у бир нарсани таманний қилганида шайтон унинг таманнийсига (шубҳа) ташламаган бўлса. Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани кетказур. Сўнгра Аллоҳ Ўз оятларини мустаҳкам қилур. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

53. Шайтон ташлайдиган нарсани қалбида касаллиги борларга ва қалби

тошларга фитна қилиш учун. Албатта, золимлар (ҳақдан) тубсиз мухолифликдадир.

54. Илм берилганлар унинг (Қуръоннинг) Роббингдан келган ҳақ эканини билиши, унга иймон келтириши ва қалблари унга боғланиб, таскин топиши учун. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни тўғри йўлга ҳидоят қилувчидир.

55. Куфр келтирганлар уларга Соат (қиёмат) тўсатдан келгунича ёки қисир Кун азоби келгунича ундан (Қуръондан) шубҳада бўлишда давом этадилар.

56. Ўша кунда ҳукмронлик Аллоҳгагина хосдир. У Зот улар орасида ҳукм қилур. Бас, иймон келтирганлар ва яхши амал қилганлар неъматланиш жаннатларидадирлар.

57. Куфр келтирган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса – бас, ана ўшаларга хорловчи азоб бордир.

58. Аллоҳ йўлида ҳижрат қилганлар, сўнгра ўлдирилиб ёки вафот этганларни, албатта, Аллоҳ гўзал ризқ ила ризқлантирур. Албатта, Аллоҳ ризқ берувчиларнинг энг яхшисидир.

59. Албатта, У Зот уларни ўзлари рози бўладиган жойга киритур. Албатта, Аллоҳ билувчидир, ҳалиймдир.

60. Ана шундай. Ким ўзига иқоб қилинганидек иқоб қилса-ю, сўнгра унга яна зўравонлик қилинса, Аллоҳ унга албатта нусрат берур. Албатта, Аллоҳ афв қилувчидир, мағфиратлидир.

61. Зеро, Аллоҳ кечани кундузга киритур, кундузни кечага киритур. Албатта, Аллоҳ эшитувчидир, кўрувчидир.

62. Зеро, Аллоҳнинг Ўзигина ҳақдир, Ундан бошқа топинаётганлари эса ботилдир. Албатта, Аллоҳ олийдир, улуғдир.

63. Аллоҳ осмондан сув туширганда ернинг ям-яшил бўлишини кўрмадингми?! Албатта, Аллоҳ латифдир, хабардордир.

64. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Албатта, Аллоҳ, Ўзи ғанийдир, мақталгандир.

65. Аллоҳ ердаги нарсаларни, денгизда Ўз изни ила юрадиган кемани сизларга бўйсундириб қўйганини ҳамда осмонни изнисиз ерга тушишдан тутиб туришини кўрмадингми?! Албатта, Аллоҳ одамларга шафқатлидир, раҳмлидир.

66. Сизларни тирилтирган, кейин ўлдирадиган, сўнгра (қайта) тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзидир. Албатта, инсон ўта ношукрдир.

67. Ҳар бир умматга шариат берганмиз. Улар ўшанга амал қиладилар. Бас, бу ишда ҳаргиз сен билан низо қилмасинлар. Роббингга даъват қил. Албатта, сен мустақим ҳидоятдасан.

68. Агар улар сен билан тортишсалар, айт: «Аллоҳ нима қилаётганингизни билувчидир.

69. Аллоҳ қиёмат куни сиз ихтилоф қилган нарса бўйича орангизда ҳукм қиладир».

70. Аллоҳ осмону ердаги нарсани билишини билмадингми?! Ана ўша, албатта, Китобдадир. Албатта, бу Аллоҳга осондир.

71. Улар Аллоҳни қўйиб, У Зот у ҳақда бирон ҳужжат туширмаган, ўзларида у ҳақда илм бўлмаган нарсага ибодат қилурлар. Золимларга ҳеч бир нусрат берувчи йўқдир.

72. Уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинаётганда куфр келтирганларнинг юзларида инкорни кўрурсан. Улар ўзларига оятларимизни тиловат қилиб бераётганларга чанг солишларига оз қолурлар. Уларга: «Бунингиздан ҳам ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? У дўзахдир. Аллоҳ уни куфр келтирганларга ваъда қилгандир. Нақадар ёмон қайтиш жойидир!» дегин.

73. Эй одамлар! Бир масал айтилмиш, бас, унга қулоқ солинг! Албатта, Аллоҳни қўйиб, топинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар. Ва агар пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани қутқариб ололмаслар. Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам заиф бўлди.

74. Улар Аллоҳнинг қадрини жойига қўймадилар. Албатта, Аллоҳ қувватлидир, азиздир.

75. Аллоҳ фаришталардан ва одамлардан расуллар танлар. Албатта, Аллоҳ эшитувчидир, кўрувчидир.

76. У Зот уларнинг олдларидаги ва ортларидаги нарсани билур. Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур.

77. Эй иймон келтирганлар, рукуъ, сажда қилинглар ва Роббингизга ибодат қилинглар ҳамда яхшилик қилинглар, шоядки, нажот топсангиз.

78. Ва Аллоҳ учун ҳақ жиҳод қилингиз. У сизларни танлаб олди. Ва сизга бу динда ҳеч қандай танглик қилмади. (Бу) отангиз Иброҳимнинг миллатидир. У сизларни бундан олдин ҳам, бунда (Қуръонда) ҳам Расул сизларга гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса одамларга гувоҳлар бўлишингиз учун мусулмонлар деб номлади. Бас, намозни тўкис адо этинглар, закот беринглар ва Аллоҳга боғланинглар. У сизнинг Хожангиздир. У Зот нақадар яхши хожа, нақадар яхши нусрат берувчидир!



23. МУЪМИНУН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 118 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар,
2. …(улар) намозларида хушуъ қилувчилардир,
3. …беҳуда нарсалардан юз ўгирувчилардир,
4. …закотни адо қилувчилардир,
5. …фаржларини сақловчилардир.
6. Ўз жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлар бундан мустасно. Албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар.
7. Ким шундан бошқани талаб қилса, ана ўшалар тажовузкорлардир.
8. (Мўминлар) омонатларига ва аҳдларига риоя қилувчилардир,
9. ...намозларини муҳофаза қилувчилардир.
10. Ана ўшалар ворис бўлувчилардир.
11. Фирдавс (жаннати)ни мерос олурлар. Улар унда мангу қолувчилардир.
12. Биз инсонни лой сулоласидан яратдик.
13. Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик.
14. Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан музға яратдик, музғадан суяк яратдик. Сўнг суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ олий бўлди.
15. Сўнгра, албатта, сизлар бундан кейин ўлувчилардирсиз.
16. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат куни қайта тирилтирилурсиз.
17. Батаҳқиқ, устингизда етти йўлни яратдик. Биз махлуқотдан ғофил бўлган эмасмиз.
18. Осмондан ўлчов ила сув тушириб, уни ерга жойлаштирдик. Албатта, Биз уни кетказишга ҳам қодирдирмиз.
19. Ва у (сув) билан сиз учун хурмо ва узум боғлари пайдо қилдик, уларда сизлар учун кўп мевалар бўлиб, улардан ерсизлар.
20. Ва Тури Сийнодан чиқадиган бир дарахт (пайдо қилдикки), у ёғ ва еювчилар учун нонхуруш ўларок ўсади.
21. Албатта, сиз учун чорва ҳайвонларида ибрат бордир. Сизни уларнинг қоринларидаги нарса ила суғорурмиз ва сиз учун уларда кўпгина манфаатлар бор ва улардан ерсизлар.
22. Ва уларга ва кемаларга юкланурсиз.

23. Батаҳқиқ, Нуҳни қавмига юбордик. Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун ундан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқдир. Наҳотки қўрқмасангиз?!» деди.

24. Унинг қавмидан куфр келтирган зодагонлари дедилар: «Бу сизга ўхшаш башар, холос. У сиздан афзал бўлиб олмоқчи. Агар Аллоҳ хоҳласа, фаришталарни туширар эди. Аввалги ота-боболаримизда буни эшитган эмасмиз.

25. У бир жинни одам, холос. Бас, уни бир оз муддат пойлаб туринг».

26. У: «Роббим, мени ёлғончи қилганлар устидан менга нусрат бер», деди.

27. Бас, унга ваҳий қилдик: «Бизнинг кўз ўнгимизда ва ваҳийимиз ила кема яса. Бас, амримиз келиб, таннур фаввора отганда унга ҳар бир турдан бир жуфтдан ва аҳлингни чиқар, аммо улардан зиддига сўз ўтган кимса мустасно. Зулм қилганлар тўғрисида Менга хитоб қилма. Албатта, улар ғарқ қилинувчилардир.

28. Сен ва сен билан бирга бўлганлар кемага жойлашиб олгач: «Бизни золим қавмлардан қутқарган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дегин...

29. …ва: «Роббим, мени муборак манзилга туширгин, Сен манзилга туширувчиларнинг энг яхшисисан», дегин».

30. Албатта, бунда оят (ибрат)лар бордир. Албатта, Биз синовчи бўлган эдик.

31. Сўнгра улардан кейин бошқа авлодни пайдо қилдик.

32. Уларнинг ичига ўзларидан бўлган расулни «Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир, наҳотки қўрқмасангиз?» (дегин) деб юбордик.

33. Унинг қавмидан куфр келтирган, охиратга рўбарў бўлишини ёлғонга чиқарган ва Биз уларни дунё ҳаётида маишатпараст қилиб қўйган зодагонлари дедилар: «Бу сизга ўхшаган бир башар, холос. Сиз еган нарсадан ейди, сиз ичган нарсадан ичади.

34. Агар ўзингизга ўхшаган башарга итоат қилсангиз, унда сизлар зиёнкорлардансиз.

35. Сизларга ўлсангиз, тупроқ ва суяк бўлсангиз ҳам, албатта чиқарилувчи бўлишингизни ваъда қилмоқдами?!

36. Ҳайҳот! Ҳайҳот! Сизга ваъда қилинаётган нарса нақадар узоқ!

37. Шу дунёдаги ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқдир. Ўламиз, тириламиз ва биз қайта тирилувчи эмасмиз.

38. У Аллоҳга нисбатан ёлғон уйдирган одам, холос. Биз унга иймон келтирувчи эмасмиз!».

39. У: «Роббим, мени ёлғончи қилганлар устидан менга нусрат бер», деди.

40. У Зот: «Озгинадан сўнг улар надомат чекувчи бўлурлар», деди.

41. Бас, уларни ҳақ ила қичқириқ тутди. Уларни хасу чўпга айлантирдик. Даф бўлсин золим қавмлар!

42. Сўнгра улардан кейин бошқа авлодларни пайдо қилдик.

43. Ҳеч бир уммат ўз ажалидан олдин ҳам кетмас, ортда ҳам қолмас.

44. Сўнгра расулларимизни кетма-кет юбордик. Қачон бир умматга расули келса, уни ёлғончи қилишди. Бас, Биз ҳам уларни баъзилари ортидан баъзиларини (ҳалокатга) эргаштиравердик ва уларни «ҳикоялар»га айлантирдик. Даф бўлсин иймон келтирмайдиган қавмлар!

45. Сўнгра Мусо ва биродари Ҳорунни оятларимиз ва очиқ ҳужжат ила расул қилиб юбордик…

46. …Фиръавн ва унинг аъёнларига. Улар эса мутакаббирлик қилдилар ва ўзини юқори қўйган қавм бўлдилар.

47. Улар: «Ўзимизга ўхшаган икки башарга иймон келтирамизми?! Ҳолбуки, уларнинг қавми бизга қуллик қилиб турибди-ку?!» дедилар.

48. Икковларини ёлғончига чиқардилар ва ҳалок қилинганлардан бўлдилар.

49. Батаҳқиқ, шоядки ҳидоят топсалар деб, Мусога Китобни берган эдик.

50. Ибн Марямни ва унинг онасини оят (аломат) қилдик ва икковларини оқар сувли қароргоҳ тепаликка жойладик.

51. Эй расуллар! Пок нарсалардан енглар ва солиҳ амаллар қилинглар. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни билувчиман.

52. Албатта, бу умматингиз ягона умматдир. Мен эса Роббингизман. Бас, Менга тақво қилинг.

53. Улар ишларини ўз ораларида пора-пора қилиб бўлиб юбордилар. Ҳар бир фирқа ўз ҳузуридаги нарсага хурсанддир.

54. Бас, уларни ғафлатларида бир муддат қўйиб қўй.

55. Улар ўзларига мол-дунё ва фарзандлар ила мадад бераётганимизни...

56. уларга яхшиликларни тезлатишимиз деб ҳисоблайдиларми?! Йўқ! Улар сезмаслар.

57. Албатта, улар Роббларидан қўрқиб хавфда турувчилар,

58. Роббларининг оятларига иймон келтирадиганлар,

59. Роббларига ширк келтирмайдиганлар,

60. ...берадиган нарсаларини Роббларига қайтувчи эканларидан қалблари титраган ҳолда берадиганлардир.

61. Ана ўшалар яхшиликларга шошилурлар ва унда мусобақа қилурлар.

62. Ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари таклиф қилмасмиз. Ҳузуримизда китоб бор. У ҳақни сўзлайдир. Уларга зулм қилинмас.

63. Йўқ! Уларнинг қалблари бундан ғафлатдадир. Уларнинг бундан бошқа амаллари бордир. Улар ўшаларни қилувчилардир.

64. Токи уларнинг маишатпарастларини азоб ила тутганимизда, бирдан фарёд солурлар.

65. «Энди, бугун фарёд солманг! Албатта, Биз томонимиздан сизга нусрат қилинмас.

66. Батаҳқиқ, оятларим сизга тиловат қилинар эди. Сиз эса ортингизга қочар эдингиз.

67. У билан кибрланар, тунги суҳбатингизда беҳуда сўзлар айтар эдингиз» (деймиз).

68. Наҳотки улар бу сўзни тадаббур қилиб кўрмадилар? Ёки уларга аввалги ота-боболарига келмаган нарса келибдими?

69. Ёки ўз расулларини танимасдан улар унга инкор қилувчи бўлмоқдаларми?

70. Ёки «Унда жиннилик бор», дерларми? Йўқ! У уларга ҳақ ила келди. Уларнинг кўплари эса ҳақни ёмон кўрувчидирлар.

71. Агар ҳақ уларнинг ҳавои нафсларига эргашса, албатта, осмонлару ер ва улардаги кимсалар фасодга учрар эди. Йўқ! Биз уларга ўз шарафларини келтирдик. Улар эса шарафларидан юз ўгирмоқдалар.

72. Ёки улардан харож сўраяпсанми?! Роббингнинг харожи яхшироқдир. У Зот ризқ берувчиларнинг энг яхшисидир.

73. Албатта, сен уларни тўғри йўлга чақирасан.

74. Албатта, охиратга иймон келтирмайдиганлар бу йўлдан озувчидирлар.

75. Агар уларга раҳм қилиб, уларга етган зарарни кушойиш қилсак ҳам, туғёнларида бардавом бўлиб, адашиб-улоқиб юраверадилар.

76. Батаҳқиқ, уларни азоб ила тутдик, бас, улар Робларига бўйин ҳам эгмадилар, тазарру ҳам қилмадилар.

77. Токи қачон уларга шиддатли азоб эшигини очганимизда, тўсатдан ноумид бўлувчилардир.

78. У сизлар учун қулоқ, кўзлару қалбларни пайдо қилган Зотдир. Нақадар оз шукр қилурсиз!

79. У сизларни ер юзида яратиб, таратган Зотдир. Ва Унга тўпланурсизлар.

80. У Зот тирилтирур ва ўлдирур. Кечаю кундузнинг алмашиниши ҳам Унга оид. Наҳотки ақл юритмасангиз?

81. Йўқ! Улар аввалгилар айтган нарсага ўхшаш нарсани айтдилар.

82. Улар дедилар: «Ўлиб, тупроқ ва суяк бўлганимиздан кейин ҳам-а? Биз қайта тириламизми-а?

83. Бизга ҳам, бундан олдин ота-боболаримизга ҳам бу ваъда қилинган эди. Бу аввалгиларнинг афсонасидан бошқа нарса эмас!»

84. «Агар билсангиз, ер ва ундаги кимсалар кимники?» деб айт.

85. «Аллоҳники», дерлар. «Наҳотки эслатма олмасангиз?!» дегин.

86. «Етти осмоннинг Robbи ким? Улуғ Аршнинг Робби ким?» деб айт.
87. «Аллоҳники», дерлар. «Наҳотки қўрқмасангиз?!» деб айт.
88. «Агар билсангиз (айтинг-чи), ҳар бир нарсанинг мулки қўлида бўлган, Ўзи ҳимоя қиладиган, Ундан эса ҳимоя қилинмайдиган Зот ким?!» деб айт.
89. «Аллоҳники», дерлар. «Қанчалар сеҳрланмоқдасиз-а?!» деб айт.
90. Йўқ! Биз уларга ҳақни келтирдик. Улар эса ёлғончилардир.
91. Аллоҳ ҳеч бир фарзанд тутмаган, У билан бирга ҳеч бир илоҳ бўлмаган. Агар шундай бўлганида, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, баъзилари баъзиларидан устун келар эди. Аллоҳ улар қилаётган васфдан пок бўлди.
92. У Зот ғайбни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир ва улар ширк келтираётган нарсадан олийдир.
93. Айт: «Роббим, агар уларга ваъда қилинган нарсани менга кўрсатадиган бўлсанг…
94. Роббим, мени золим қавмлар ичида қилмагин».
95. Албатта, Биз уларга ваъда қилаётган нарсамизни сенга кўрсатишга қодирмиз.
96. Сен эса ёмонликни гўзал нарса ила даф қил. Биз нима васф қилаётганларини яхши билувчимиз.
97. Айт: «Роббим, Сендан шайтонларнинг васвасасидан паноҳ сўрайман!
98. Роббим, Сендан уларнинг менга ҳозир бўлишларидан паноҳ сўрайман».
99. Ниҳоят, улардан бирига ўлим келган чоғда дейди: «Роббим, мени қайтаргин!
100. Шояд тарк қилган нарсамда солиҳ амал қилсам». Йўқ! Албатта, бу (қуруқ) сўздир, у эса айтувчи, холос. Уларнинг ортида қайта тириладиган кунларигача тўсиқ бордир.
101. Бас, сурга пуфланган кунда ораларида на насаб қолур, на бир-бирларини суриштирурлар.
102. Кимнинг мезонлари оғир келса, ана ўшалар нажот топувчилардир.
103. Кимнинг мезони енгил келса, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннамда мангу қолувчи бўлибдилар.
104. Юзларини олов куйдирур. Улар унда бадбашара ҳолда бўлурлар.
105. Сизларга оятларим тиловат қилинган эмасмиди?! Бас, уларни ёлғонга чиқарган эмасмидингиз?!
106. Улар дерлар: «Роббимиз, бадбахтлигимиз ўзимиздан устун келиб, залолатга кетган қавм бўлган эканмиз.
107. Роббимиз, бизни бундан чиқаргин, агар яна (эски ҳолимизга) қайтсак, албатта золимлардан бўлурмиз».

108. У Зот деди: «У ерда хор бўлиб қолаверинг ва Менга гапирманг!

109. Аниқки, бандаларимдан бир гуруҳи: «Роббимиз, биз иймон келтирдик. Бизни мағфират қилгин. Бизга раҳм қилгин. Сен раҳм қилувчиларнинг яхшисисан», деган эдилар.

110. Бас, уларни масхара қилдингиз. Ҳатто бу сизга Менинг зикримни унуттирди. Сиз улардан кулар эдингиз.

111. Албатта, Мен бугун уларни сабр қилганлари учун мукофотладим. Албатта, улар ютуққа эришувчилардир.

112. У Зот деди: «Ер юзида неча адад йил қолдингиз?»

113. «Бир кун ёки куннинг бир қисмича қолдик. Ҳисобловчилардан сўра», дедилар.

114. У Зот: «Агар билсангиз, жуда оз қолдингиз, холос», деди.

115. Наҳотки сизни яратишимиз беҳуда бўлган ва сиз Бизга қайтарилмассиз деб ҳисобласангиз?!

116. Бас, ҳақ подшоҳ Аллоҳ юксакдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У – карамли Аршнинг Роббидир.

117. Ким Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилса, бу хусусда ҳеч бир далили йўқдир. Бас, унинг ҳисоби фақат Роббининг ҳузуридадир. Албатта, кофирлар нажот топмаслар.

118. «Роббим, мағфират қил, раҳм қил. Сен раҳм қилувчиларнинг яхшисисан», деб айт.



24. НУР СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 64 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. (Бу бир) сурадир. Биз уни нозил қилдик, уни фарз қилдик ва унда очиқ-ойдин оятларни нозил қилдик. Шоядки, эсласангиз.

2. Зинокор аёл ва зинокор эркак, икковларидан ҳар бирини юз даррадан уринг. Агар сиз Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган бўлсангиз, сизларни уларга нисбатан Аллоҳнинг динида шафқат тутмасин. Ва уларнинг азобига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар.

3. Зинокор эркак фақат зинокор ёки мушрика аёлга никоҳланур. Зинокор аёлга фақат зинокор ёки мушрик эркак никоҳланур. Бу мўминларга ҳаром қилинмишдир.

4. Афифаларга (бўҳтон) тош отиб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира

олмаганларни саксон дарра уринглар ва уларнинг гувоҳлигини абадий қабул қилманглар. Ана ўшалар фосиқлардир.

5. Бундан кейин тавба қилиб, ўзини ислоҳ қилганлар мустасно. Зеро, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

6. Ўз жуфтларига (бўҳтон) тош отиб, ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаганларга эса ҳар бирининг гувоҳлиги – Аллоҳнинг номи ила ростгўйлардан экани ҳақида тўрт марта шоҳидлик беришдир.

7. Бешинчисида эса агар ёлғончилардан бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлиши(ни айтиш)дир.

8. Аёлдан азобни қайтарадиган нарса эса Аллоҳнинг номи ила тўрт марта «У ёлғончилардан», деб шоҳидлик беришидир.

9. Бешинчисида эса агар у (эр) ростгўйлардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг ғазаби бўлиши(ни айтиш)дир.

10. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганида… Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, ҳаким Зот бўлмаганида эди…

11. Албатта, ифкни тўқиганлар ўзингиздан бўлган бир тўдадир. Уни ўзингиз учун ёмонлик деб ҳисобламанг. Аксинча, у сизлар учун яхшиликдир. Улардан ҳар бир киши учун ўзи қилган касбнинг гуноҳи бордир. Улардан (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимсага буюк азоб бордир.

12. Уни (ифкни) эшитган вақтингизда мўминлар ва мўминалар ўзлари ҳақида яхши гумонга бориб, «Бу очиқ-ойдин ифк-ку!» десалар бўлмасмиди?!

13. (Ифкчилар) бунга тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Гувоҳларни келтира олмаган чоқда эса ана ўшалар ўзлари Аллоҳнинг ҳузурида ёлғончидирлар.

14. Агар дунёю охиратда сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганида, ўзингиз ичига шўнғиган нарса учун сизни, албатта, буюк азоб тутар эди.

15. Ўшанда сиз уни (ифкни) тилларингиз ила илиб олар, оғзингиз ила ўзингиз билмаган нарсани гапирар эдингиз ва буни (ифкни) ўзингиз учун енгил санардингиз. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг наздида оғирдир.

16. Уни эшитган чоғингизда: «Бизга буни гапириш тўғри келмас. (Аллоҳим) Ўзинг поксан! Бу катта бўҳтондир!» десангиз бўлмасмиди?!

17. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳ сизга ҳаргиз бунга (ифкка) ўхшаш нарсага қайтмаслигингизни ваъз-насиҳат қилур.

18. Аллоҳ сизга оятларни баён қилур. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

19. Иймон келтирганлар ичида фаҳш тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунёю охиратда аламли азоб бордир. Аллоҳ биладир, сизлар билмассизлар.

20. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганида… Аллоҳ шафқатли, раҳмли Зот бўлмаганида…

21. Эй иймон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашманг. Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, у фаҳш ва мункарга буюрадир. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганида, абадул-абад ичингиздан бирор киши поклана олмас эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

22. Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (нафақа) бермасликка қасам ичмасинлар, балки афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?! Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

23. Албатта, афифа, ғофила ва мўмина аёлларга (бўҳтон) тош отганлар бу дунёю охиратда лаънатланурлар. Уларга катта азоб бордир.

24. У Кунда тиллари, қўллари ва оёқлари қилиб юрган амаллари ҳақида уларга қарши гувоҳлик берур.

25. Ўша Кунда Аллоҳ уларнинг ҳақ жазоларини тўлиқ берур ва улар Аллоҳнинг Ўзи очиқ-ойдин ҳақ эканини билурлар.

26. Нопок хотинлар нопок эркаклар учундир. Нопок эркаклар нопок хотинлар учундир. Покиза аёллар покиза эркаклар учундир. Покиза эркаклар покиза аёллар учундир. Ана ўшалар анавилар айтаётган нарсалардан поклангандирлар. Уларга мағфират ва гўзал ризқ бордир.

27. Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир. Шоядки, эслатма олсангиз.

28. Агар у ерда ҳеч кимни топмасангиз, сизга изн берилмагунча уларга кирманг. Агар сизга «Қайтинг» дейилса, қайтинг. Ўша сиз учун покдир. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни билувчидир.

29. Маскан бўлмаган, сиз учун фойда бор уйларга (изнсиз) киришингизда гуноҳ йўқдир. Аллоҳ нимани ошкор қилаётганингизни ва нимани беркитаётганингизни биладир.

30. Мўминларга айт, кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима ҳунар қилаётганларидан хабардордир.

31. Мўминаларга айт: «Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар ва зийнатларини кўрсатмасинлар, фақат зоҳир бўлганлари мустасно. Рўмолларини кўксларига тўсиб юрсинлар. Эрларидан ё оталаридан, ё эрларининг оталаридан, ё ўғилларидан, ё эрларининг ўғилларидан, ё ака-укаларидан, ё ака-укаларининг ўғилларидан, ё опа-сингилларининг ўғилларидан, ё аёлларидан, ё ўз қўлларида мулк бўлганлардан,

ё (аёлларга) беҳожат эркак хизматчилардан, ё аёллар авратининг фарқига бормайдиган ёш болалардан бошқаларга зийнатларини кўрсатмасинлар. Махфий зийнатларини билдириш учун оёқларини (ерга) урмасинлар. Барчангиз Аллоҳга тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангиз».

32. Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ қамрови кенг, билувчи Зотдир.

33. Никоҳга имкон топа олмаганлар, то Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилгунича иффатларини сақласинлар. Қўлларингизда мулк бўлганлардан мукотаба тузишни истайдиганлари бўлса, бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз, улар ила мукотаба тузинг ва Аллоҳнинг сизга берган молидан уларга беринг. Дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳини истаб, покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни фоҳишаликка мажбур қилманг. Ким уларни мажбур қилган бўлса, албатта, Аллоҳ улар мажбурланганларидан кейин (уларга) мағфиратлидир, раҳмлидир.

34. Батаҳқиқ, сизларга очиқ-ойдин оятларни, сиздан олдин ўтганлардан мисолни ва тақводорлар учун ваъзни нозил қилдик.

35. Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир. Нурининг мисоли худди бир токча, унинг ичига чироқ қўйилган, чироқ эса шиша ичида, шиша эса гўё дурдан бўлган бир юлдуз бўлиб, шарқий ҳам, ғарбий ҳам бўлмаган муборак зайтун дарахтидан ёқиладир. Унинг мойи ўзига олов тегмаса ҳам, ёритиб юборай дейдир. (Бу) нур устига нурдир. Аллоҳ хоҳлаган одамни Ўз нурига ҳидоят қилур. Аллоҳ одамларга мисолларни келтирур. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

36. (У) бир уйлардаки, Аллоҳ уларнинг кўтарилишига ва уларда Ўз исми зикр қилинишига изн бергандир. Улар-да Уни эртаю кеч поклаб ёд этурлар;

37. Бир кишиларки, уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўкис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас. Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган Кундан қўрқарлар.

38. Аллоҳ уларни қилган амалларининг энг гўзали ила мукофотлаши ва фазлу карамидан зиёда қилиб бериши учундир. Аллоҳ Ўзи хоҳлаганига беҳисоб ризқ берур.

39. Куфр келтирганларнинг амаллари саҳродаги саробга ўхшар. Ташна одам уни сув деб ҳисоблар. Унинг олдига келганида эса ҳеч нарсани топмас. Ва ўз қаршисида Аллоҳни топур. У Зот эса унинг ҳисобини тўлиқ қилур. Аллоҳ тез ҳисоб қилувчидир.

40. Ёки худди тубсиз денгиздаги зулматларга ўхшар. Унинг устидан мавж қоплагандир, унинг ҳам устидан мавж, уни эса булут (қоплагандир).

Бир-бирининг устидаги зулматлардир. У қўлини чиқарса, кўра олмас. Кимгаки Аллоҳ нур бермаса, унинг учун нур бўлмас.

41. Осмонлар ва ердаги бор жонзотлар ва қанот қоққан қушлар ҳам Аллоҳни поклаб ёд этишини кўрмайсанми?! Ҳар бири ўз дуоси ва тасбеҳини аниқ билмишдир. Аллоҳ нима қилаётганларини билувчидир.

42. Осмонлар ва ернинг мулки Аллоҳникидир ва қайтиш ҳам Аллоҳгадир.

43. Аллоҳ булутларни ҳайдашини, сўнгра бирга тўплашини, сўнгра уйиб қўйишини кўрмаяпсанми?! Бас, унинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсан. У Зот осмондан, ундаги тоғлардан дўл тушириб, у билан Ўзи хоҳлаган кишиларга мусибат етказур ва уни Ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Унинг чақмоғининг ярқираши кўзларни кетказгудек бўлур.

44. Аллоҳ кеча ва кундузни айлантириб турур. Албатта, бунда кўзи борлар учун ибрат бордир.

45. Аллоҳ ҳамма жониворларни сувдан яратди. Бас, улардан баъзилари қорни билан юрадир, баъзилари икки оёқлаб юради, баъзилари эса тўрт (оёқ) билан. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

46. Батаҳқиқ, очиқ-ойдин баён қилувчи оятларни нозил қилдик. Аллоҳ Ўзи хоҳлаганини тўғри йўлга ҳидоят қиладир.

47. «Аллоҳга ва Расулга иймон келтирдик ва итоат қилдик», дерлар. Шундан кейин улардан бир гуруҳи юз ўгириб кетурлар. Ана ўшалар мўмин эмаслар.

48. Улар Аллоҳга ва Унинг Расулига ораларида ҳукм чиқариш учун чорланса, қарабсизки, улардан бир гуруҳи юз ўгирувчилардир.

49. Агар ҳақ улар билан бўлса, унга (набийга) бўйин эгиб келурлар.

50. Қалбларида касаллик борми?! Ёки шубҳа қилдиларми?! Ёхуд Аллоҳ ва Унинг Расули уларга зулм қилишидан қўрқадиларми?! Йўқ! Уларнинг ўзлари золимлардир.

51. Албатта, мўминларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига ораларида ҳукм чиқариш учун чорланганларидаги гаплари: «Эшитдик ва итоат қилдик», демоқларидир. Ана ўшалар нажот топувчилардир.

52. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этса ҳамда Аллоҳдан қўрқиб, Унга тақво қилса, бас, ана ўшалар ютуққа эришувчилардир.

53. Улар агар амр қилсанг, (жиҳодга) чиқишлари ҳақида Аллоҳ номи билан жон-жаҳдлари ила қасам ичарлар. «Қасам ичманглар! (Бу жиҳод) маълум тоатдир! Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганларингиздан хабардордир», деб айт.

54. «Аллоҳга итоат қилинглар, Расулга итоат қилинглар. Бас, агар юз ўгириб кетсангиз, унга (Набийга) ўзига юклатилган нарса, сизга

эса ўзингизга юклатилган нарса. Агар унга итоат қилсангиз, ҳидоят топурсиз. Расулнинг зиммасида очиқ-ойдин етказишдан бошқа нарса йўқ», деб айт.

55. Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди. Менга ибодат қилурлар ва Менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслар. Шундан кейин ҳам ким куфр келтирса, бас, ана ўшалар, ўзлари фосиқлардир.

56. Намозни тўкис адо этинглар, закот беринглар ва Расулга итоат қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангиз.

57. Куфр келтирганларни ер юзида қочиб қутула олувчилар деб ҳисоблама! Уларнинг жойи дўзахдир. У нақадар ёмон борар жой!

58. Эй иймон келтирганлар! Қўлингизда мулк бўлганлар ва ўзингиздан балоғатга етмаганлар сиздан уч вақтда изн сўрасинлар: бомдод намозидан олдин, пешинда кийимларингизни ечадиган пайтингизда ва хуфтон намозидан сўнг. (Ушбу) уч вақт сиз учун авратдир. Улардан кейин сизга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқ. (Улар) сизнинг атрофингизда айланувчидирлар, (сизлар ҳам) бир-бирингиз (атрофида айланувчидирсиз). Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

59. Қачон сизнинг ёш болаларингиз балоғатга етсалар, улардан олдингилар изн сўраганидек изн сўрасинлар. Аллоҳ Ўз оятларини сизга ана шундай баён қилур. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

60. Никоҳни умид қилмайдиган аёллардан (кексайиб) ўтириб қолганларига зийнатларини кўз-кўз қилмаган ҳолда кийимларини ташлашларида гуноҳ йўқдир. Иффат талабида бўлсалар, ўзлари учун яхшидир. Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

61. Кўзи ожизга танглик йўқ. Чўлоққа ҳам танглик йўқ. Беморга ҳам танглик йўқ. Сизнинг ўзингизга ҳам ўз уйингиздан, ё оталарингизнинг уйларидан, ё оналарингизнинг уйларидан, ё ака-укаларингизнинг уйларидан, ё опа-сингилларингизнинг уйларидан, ё амакиларингизнинг уйларидан, ё аммаларингизнинг уйларидан, ё тоғаларингизнинг уйларидан, ё холаларингизнинг уйларидан, ё сиз калитига молик бўлган ёки дўстингиз (уйидан) ейишингизда (гуноҳ) йўқ. Сизларга жамланган ёки тарқоқ ҳолда ейишда ҳам гуноҳ йўқ. Уйларга кирган чоғингизда ўзларингизга Аллоҳдан бўлган покиза ва муборак табрик ила салом беринглар. Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Шоядки, ақл юритсангиз.

62. Албатта, мўминлар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган кишилардир. Улар у (Расул) билан бирга жамловчи (муҳим) ишда

бўлсалар, ундан изн сўрамай туриб, кетиб қолмаслар. Албатта, сендан изн сўрайдиганлар – ана ўшалар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирадиганлардир. Улар баъзи ишлари учун сендан изн сўрасалар, улардан кимга хоҳласанг, изн бер ва улар учун Аллоҳга истиғфор айт. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

63. Расулнинг орангиздаги чақириғини бир-бирингизнинг чақириғига ўхшатманг. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизлардан паналаб, аста-аста суғурилиб чиқиб кетадиганларни яхши билур. Унинг ишига хилоф қиладиганлар ўзларига фитна етиши ёки аламли азоб етишидан ҳазир бўлсинлар.

64. Огоҳ бўлинглар! Албатта, осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. У Зот сизнинг қай ҳолатда эканингизни яхши билур. Унинг Ўзига қайтариладиган Кунда эса уларга қилган амалларининг хабарини берур. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.



25. ФУРҚОН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 77 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Оламларга огоҳлантирувчи бўлиши учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот баракотлидир.

2. У осмонлару ернинг мулки Унга хос бўлган, Ўзига фарзанд тутмаган, мулкида шериги бўлмаган, ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир.

3. У Зотдан бошқа, ҳеч нарса ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган, ўзлари учун зарарга ҳам, нафга ҳам эга бўлмайдиган, ўлимга ҳам, ҳаётга ҳам, қайта тирилишга ҳам молик бўлмайдиган «илоҳ»лар тутдилар.

4. Куфр келтирганлар: «Бу (Қуръон) уйдирмадан бошқа нарса эмас. Уни ўзи уйдириб олди ва бунда унга бошқа қавмлар кўмак бердилар», дедилар. Шубҳасиз, зулм ва ёлғон гувоҳлик келтирдилар.

5. «Бу аввалгиларнинг афсонасидир. Уларни ёздириб олган. Ҳолбуки, улар унга эртаю кеч имло қилинур», дедилар.

6. «Уни осмонлару ердаги сирни биладиган Зот нозил қилди. Албатта, У мағфиратлидир, раҳмлидир», дегин.

7. Улар дедилар: «Бу не расулки, таом еб, бозорда юради?! Унга бир фаришта туширилса эди, у билан бирга огоҳлантирувчи бўлар эди.

8. Ёки унга хазина ташланса, ёки унинг боғи бўлса-ю, ундан еса». Золимлар: «Сизлар сеҳрланган одамга эргашяпсизлар, холос», дедилар.

9. Сенга қандай мисоллар келтирганига назар сол! Бас, йўлдан оздилар. Энди йўл топишга қодир эмаслар.

10. Агар хоҳласа, сенга ўшандан яхшироғини – остларидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар ва қасрлар (пайдо) қилиб берадиган Зот баракотлидир.

11. Йўқ! Соатни (қиёматни) ҳам ёлғонга чиқардилар. Соатни (қиёматни) ёлғонга чиқарганларга эса дўзахни тайёрлаб қўйдик.

12. (Дўзах) уларни узоқ жойдан кўрганида унинг ғазабнок қайнашини ва бўкиришини эшитурлар.

13. Унинг тор жойига кишанланган ҳолларида ташланганларида эса ўша жойда (ўзларига) ҳалокат тиларлар.

14. «Бугунги кунда бир ҳалокатни эмас, кўп ҳалокатни тиланглар!»

15. Айт: «Бу яхшими ёки тақводорларга тайёрлаб қўйилган мангулик жаннати яхшими?» (Жаннат) улар учун мукофот ва қайтиш жойидир.

16. Уларга у ерда, мангу қолувчи ҳолларида, хоҳлаган нарсалари бор. Бу Роббинг зиммасидаги масъулиятли ваъдадир.

17. У Зот уларни (мушрикларни) ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарсаларини тўплаган Кунда: «Анави бандаларимни сизлар адаштирдингизми ёки улар ўзлари йўлдан оздиларми?!» дейдир.

18. «Ўзинг поксан, Сендан ўзгани дўст тутмоқ бизга раво эмас. Лекин Сен уларни ва ота-боболарини (шунчалик) баҳраманд эттирдингки, улар ҳатто зикрни унутдилар ва ҳалокат қавми бўлдилар», дерлар.

19. Батаҳқиқ, улар сизларни айтаётган нарсангизда ёлғончига чиқардилар. Энди (азобни) буришга ҳам, ёрдам олишга ҳам қодир бўлмассиз. Сиздан ким зулм қилган бўлса, унга оғир азоб тоттирамиз.

20. Сендан олдин юборган расулларимиз ҳам таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Баъзиларингизни баъзиларингизга синов қилдик. Сабр қиласизлармикин?! Роббинг кўриб турувчидир.

21. Бизга учрашдан умидсиз бўлганлар: «Бизга фаришталар туширилса эди ёки Роббимизни кўрсак эди», дерлар. Батаҳқиқ, улар ўзларидан кетдилар ва жуда катта саркашлик қилдилар.

22. Улар фаришталарни кўрадиган Кунда – ҳа, ўша Кунда жиноятчиларга хушхабар бўлмас. (Фаришталар эса) «Ҳаром, ҳаром!» дерлар.

23. Ва қилган амалларига юзланиб, уни тўзон каби сочиб юборамиз.

24. Ўша Кунда жаннат аҳлининг қароргоҳлари ва оромгоҳлари ғоят яхшидир.

25. У Кунда булутли осмон ёрилиб, фаришталар бўлак-бўлак туширилурлар.

26. У Кунда ҳақ подшоҳлик Роҳманникидир. У кун кофирлар учун кўп қийин кундир.

27. У Кунда золим икки қўлини тишлаб: «Эвоҳ!!! Қанийди Расул билан бир йўлни тутган бўлсам!» дер.

28. «Эвоҳ!!! Қанийди фалончини дўст тутмаган бўлсам!» дер.

29. «Батаҳқиқ, менга Зикр (Қуръон) келгандан сўнг у (дўст) мени адаштирди. Шайтон инсонни ёрдамсиз ташлаб кетувчидир».

30. Ва Расул: «Роббим, қавмим бу Қуръонни тарк этди», деди.

31. Ана шундай. Ҳар бир набий учун жиноятчилардан душман қилганмиз. Ҳидоят ва ёрдамчиликда Роббинг Ўзи кифоя қилур.

32. Куфр келтирганлар: «Унга Қуръон бир йўла нозил қилинса эди», дедилар. Сенинг қалбингни у билан собит қилиш учун шундай қилдик ва уни дона-дона қилиб ўқидик.

33. Улар сенга бирор масал келтирсалар, албатта, сенга ҳақни ва гўзал шарҳини келтирурмиз.

34. Юзтубан ҳолларида жаҳаннам томон тўпланадиганлар – ана ўшалар маконлари энг ёмон, йўллари энг адашган кимсалардир.

35. Батаҳқиқ, Мусога китобни бердик ва унга биродари Ҳорунни вазир қилдик.

36. «Иккингиз оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмга боринг», дедик. Сўнг ўшаларни ер билан яксон қилдик.

37. Нуҳ қавмини расулларни ёлғонга чиқарганларида ғарқ этдик ва уларни одамларга оят (ибрат) қилдик. Ҳамда золимларга аламли азоблар тайёрлаб қўйдик.

38. Од, Самуд ва қудуқ эгаларини ҳамда бу орадаги кўп аср (авлод)ларни эсла.

39. Улардан ҳар бирига мисоллар келтирдик. Ва уларни қириб битирдик.

40. Батаҳқиқ, улар ёмонлик ёмғири ёғдирилган шаҳарга келган эдилар. Уни кўрмаган эдиларми?! Йўқ! Улар қайта тирилишдан умид қилмаслар.

41. Улар сени кўрган вақтларида эрмак қилурлар: «Аллоҳ Расул қилиб юборган шуми?!

42. Агар сабр қилмаганимизда, сал бўлмаса у бизни илоҳларимиздан оздирарди-я!». Яқинда – азобни кўрган чоқларида – ким йўлдан озганроқ эканини билурлар.

43. Ҳавои нафсини ўзига илоҳ қилиб олганни кўрдингми?! Энди сен унга вакил бўласанми?!

44. Ёки уларнинг кўплари тинглай олурлар ё ақл юрита олурлар деб ҳисоблайсанми? Уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ, балки яна ҳам йўлдан озганроқдирлар.

45. Роббинг сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингми? Агар хоҳласа, уни жилмас қиларди. Сўнгра қуёшни унга далил қилдик.

46. Сўнгра уни Ўзимизга аста-секин тортиб олдик.

47. У сиз учун кечани либос, уйқуни истироҳат қилган ва кундузни тирилиш (замони) қилган Зотдир.

48. У Ўз раҳмати олдидан шамолларни хушхабар қилиб юборган Зотдир. Ва осмондан пок сув туширдик...

49. ... у билан ўлик юртни тирилтиришимиз ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғоришимиз учун.

50. Батаҳқиқ, уни (Қуръонни) эслатма олишлари учун ораларида турлича тасарруф қилиб кўрдик. Одамларнинг кўплари куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар.

51. Агар хоҳласак, ҳар шаҳарга битта огоҳлантирувчи юборар эдик.

52. Кофирларга итоат этма! Уларга қарши у (Қуръон) билан катта жиҳод қил!

53. У икки денгизни – буниси чучук-ширин, униси шўр-аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва ораларига кўринмас тўсиқ ҳамда очилмас сарҳад қилган Зотдир.

54. У сувдан башар яратган ва уни насл-насаб, қуда-анда қилиб қўйган Зотдир. Роббинг қодир Зотдир.

55. Улар Аллоҳдан ўзга уларга наф ҳам, зарар ҳам етказмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар. Ва кофир Роббига қарши ёрдамчи бўлгандир.

56. Сени фақат хушхабарчи ва огоҳлантирувчи этиб юборганмиз, холос.

57. «Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамайман, фақат ким хоҳласа, Робби томон йўл олишини (сўрайман)», деб айт.

58. Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккул қил ҳамда Уни ҳамду сано ила поклаб ёд эт. Бандаларининг гуноҳларидан ўта хабардор бўлишда Унинг Ўзи кифоядир.

59. У осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратган, сўнгра Аршга истиво қилган Зотдир. У Роҳмандир. Бас, ўша Хабардордан сўра.

60. Уларга: «Роҳманга сажда қилинглар!» дейилса, «Роҳман нима? Сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?» дерлар. Бу уларнинг узоқлашишини зиёда қилур.

61. Осмонда буржлар қилган ва унда чироқ ва нур сочувчи ой қилган Зот баракотлидир.

62. У ибрат олмоқни ирода қилган ва шукр қилмоқни ирода қилган киши учун кеча-кундузни бирин-кетин қилган Зотдир.

63. Роҳманнинг бандалари ер юзида тавозу ила юрадиган ва жоҳиллар уларга хитоб қилганда «Салом» дейдиганлардир.
64. Улар тунларни Роббларига сажда қилиб, бедор ўтказадиганлардир.
65. «Роббимиз, Ўзинг жаҳаннам азобини биздан бургин, албатта, жаҳаннам азоби доимийдир.
66. Албатта, у энг ёмон қароргоҳ ва турар жойдир», дейдиганлардир.
67. Инфоқ қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, бу иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар.
68. Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур.
69. Қиёмат куни унинг азоби бир неча баробар кўпайтирилур ва унда (азобда) хор бўлиб, абадий қолур.
70. Аммо ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ мағфиратли, раҳмли Зотдир.
71. Ким тавба қилиб, солиҳ амал қилса, у Аллоҳга (ҳақиқий) қайтиш ила қайтади.
72. Улар ёлғон гувоҳлик бермайдиганлардир, беҳуда нарсалар олдидан ўтсалар, ҳурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар.
73. Роббларининг оятлари эслатилганда уларга (оятларга) гунг ва кўрлардек ташланмаслар.
74. Улар: «Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувонадиган нарса ҳадя эт ҳамда бизларни тақводорларга йўлбошчи эт», дейдиганлардир.
75. Ана ўшалар сабр қилганлари учун «ғурфа» ила мукофотланурлар ва унда табрик ва салом билан қаршиланурлар.
76. Унда абадий қолувчилардир. У нақадар гўзал қароргоҳ ва манзил!
77. «Агар дуо-илтижоларингиз бўлмаса, Роббим сизларга ҳеч қиймат бермас. Бас, батаҳқиқ, ёлғонга чиқардингиз. Энди (сизларга азоб) лозим бўлур», деб айт.

26. ШУАРО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 227 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. То. Сийн. Мийм.

2. Ушбулар очиқ-ойдин Китобнинг оятларидир.

3. Эҳтимол, улар мўмин бўлмаганлари учун ўзингни ҳалок қилмоқчидирсан?!

4. Агар хоҳласак, уларга осмондан оят (мўъжиза) нозил қиламиз. Бас, бўйинлари унга эгилиб қолур.

5. Уларга Роҳмандан янги эслатма келибдики, албатта ундан юз ўгирувчи бўлганлар.

6. Бас, батаҳқиқ, ёлғонга чиқардилар. Яқинда уларга ўзлари мазах қилган нарсанинг хабари келажакдир.

7. Улар ерга қарамайдиларми?! Унда карамли жуфтлардан қанчаларини ундириб қўйибмиз.

8. Албатта, бунда оят (белги) бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

9. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.

10. Эсла, Роббинг Мусога деди: «У золим қавмга боргин,

11. ...Фиръавн қавмига. (Биздан) қўрқмайдиларми?!»

12. У деди: «Роббим, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқаман...

13. ...дилим сиқилишидан ҳамда тилим бурро бўлмай қолишидан. Бас, Ҳорунни элчи қил.

14. Уларнинг наздида менинг зиммамда гуноҳ бор. Мени ўлдиришларидан хавфдаман».

15. У Зот деди: «Йўқ! Иккингиз оят (мўъжиза)ларимиз билан боринглар. Биз сизлар билан бирга эшитувчимиз.

16. Бас, Фиръавнга боринглар ва унга айтинглар: «Биз оламлар Роббининг расулимиз.

17. Бану Исроилни биз билан қўйиб юбор».

18. (Фиръавн) деди: «Сени гўдаклигингдан ўз орамизда тарбия қилмадикми?! Умрингнинг бир неча йилини бизнинг орамизда ўтказмадингми?!

19. Ва нонкўрлардан бўлиб, қиладиган ишингни қилиб қўймадингми?!»

20. (Мусо) деди: «Ўша ишни қилган бўлсам, билмасдан қилганман.

21. Кейин сизлардан хавфсираб, қочиб кетдим. Кейин Аллоҳ менга ҳикмат берди ва мени расуллардан қилди.

22. Ўша менга қилаётган миннатинг Бану Исроилни қул қилиб олганингдан».

23. Фиръавн: «Оламларнинг Робби нима?» деди.

24. (Мусо) «Агар англамоқчи бўлсангиз, У осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Роббидир», деди.

25. (Фиръавн) атрофидаги кишиларга: «Эшитмаяпсизларми?!» деди.

26. «Сизнинг Роббингиз ва аввалги ота-боболарингизнинг Роббидир», деди.

27. (Фиръавн) «Сизга юборилган расулингиз жинни экан», деди.

28. (Мусо) «Агар ақл юритсангиз, У Зот машриқу мағрибнинг ва улар ўртасидаги нарсаларнинг Роббидир», деди.

29. (Фиръавн) «Агар мендан бошқани илоҳ қилиб олсанг, мен сени зиндонбандлардан қилурман», деди.

30. (Мусо) «Агар мен сенга очиқ-ойдин нарса келтирсам ҳам-а?» деди.

31. (Фиръавн) «Агар ростгўйлардан бўлсанг, келтир уни!» деди.

32. Шунда (Мусо) асосини ташлаган эди, у очиқ-ойдин аждаҳо бўлди.

33. (Сўнг Мусо) қўлини чиқарган эди, у қараганларга оппоқ бўлиб кўринди.

34. (Фиръавн) атрофидаги аъёнларига деди: «Бу жуда билимдон сеҳргар экан.

35. Ўз сеҳри билан сизларни eрингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар?»

36. Улар дедилар: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга тўпловчиларни юбор.

37. Сенга барча билимдон сеҳргарларни олиб келишсин».

38. Бас, сеҳргарлар маълум куннинг келишилган вақтида жамландилар...

39. ...ва одамларга дейилди: «Сизлар тўпланиб бўлдингизми?

40. Ажаб эмаски, устун келсалар, сеҳргарларга эргашсак».

41. Сеҳргарлар келгач, Фиръавнга: «Агар биз ғолиб бўлсак, бизга ҳақ бериладими?» дедилар.

42. «Ҳа! У ҳолда сиз, албатта, энг яқинларимдан бўласиз», деди.

43. Мусо уларга: «Сизлар ташлайдиган нарсангизни ташланг», деди.

44. Бас, улар арқонлари ва асоларини ташладилар ва «Фиръавннинг иззати билан қасамки, албатта, биз ғолиблармиз», дедилар.

45. Сўнгра Мусо асосини ташлаган эди, бирдан у уларнинг уйдирмаларини юта бошлади.

46. Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида йиқилдилар.

47. Улар дедилар: «Оламларнинг Роббига иймон келтирдик.

48. Мусо ва Ҳоруннинг Роббига».

49. «Сизга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингиз! Албатта, у сизга сеҳр ўргатган каттангиздир! Энди тезда биласиз, қўл-оёғингизни қарама-қарши томонидан кесажакман ва барчангизни осажакман», деди.

50. Улар дедилар: «Зарари йўқ. Биз Роббимизга қайтувчимиз.

51. Мўминларнинг биринчиси бўлганимиз учун Роббимиз хатоларимизни кечиришини умид қиламиз».
52. Ва Мусога: «Бандаларим билан кечаси йўлга чиқ. Албатта, таъқиб этилурсиз», деб ваҳий юбордик.
53. Бас, Фиръавн шаҳарларга тўпловчилар юборди:
54. «Шубҳасиз, анавилар озгина тоифадирлар.
55. Албатта, улар бизни ғазаблантирувчилардир.
56. Албатта, биз ҳаммамиз ҳушёрмиз».
57. Бас, уларни чиқардик, боғ-роғлар ва булоқлардан,
58. хазиналар ва карамли маскандан.
59. Ана шундай. Ўша нарсаларни Бану Исроилга мерос қилиб бердик.
60. Бас, уларни қуёш чиқиш пайтида қувиб етдилар.
61. Икки жамоат бир-бирларини кўрганда Мусонинг соҳиблари: «Энди қўлга тушдик», дедилар.
62. (Мусо) «Йўқ! Роббим мен билан, У менга тўғри йўлни кўрсатур», деди.
63. Мусога: «Асоинг билан денгизни ур», деб ваҳий қилдик. (Денгиз) бўлиниб, ҳар бўлаги улкан тоғдек бўлди.
64. Ва кейин бошқаларни ҳам ўша ёққа яқинлаштирдик.
65. Мусо ва у билан бирга бўлганларга – ҳаммаларига нажот бердик.
66. Сўнгра бошқаларни ғарқ қилдик.
67. Албатта, бунда оят (белги) бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.
68. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.
69. Ва уларга Иброҳимнинг хабарини тиловат қилиб бер.
70. Ўшанда у отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?» деган эди.
71. «Санамларга ибодат қилмоқдамиз. Ва уларга ихлос ила ибодат қилишда бардавом бўлурмиз», дедилар.
72. У деди: «Илтижо қилганингизда улар сизни эшитадиларми?
73. Ёки наф ёки зарар етказа оладиларми?».
74. «Йўқ, ота-боболаримизнинг шундай қилаётганларини кўрдик», дедилар.
75. У деди: «Нимага ибодат қилаётганингизни билдингизми?!
76. Сиз ва қадимги оталарингиз?!
77. Оламларнинг Роббидан бошқа уларнинг барчаси менга душмандир».
78. У мени яратган Зотдир. Мени ҳидоят қиладиган ҳам Унинг Ўзи.
79. Ва мени таомлантирадиган ва суғорадиган ҳам, Унинг Ўзи.
80. Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи.

81. Мени ўлдирадиган, сўнгра тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзи.
82. Ва қиёмат куни хатоимни мағфират қилишидан умидвор бўлганим ҳам Унинг Ўзи.
83. Роббим, менга ҳикмат ҳадя эт ва мени солиҳларга қўшгин.
84. Ва мен учун кейин келувчилар ичида содиқ мақтовлар бўладиган қилгин.
85. Ва мени жаннати наъийм ворисларидан қилгин.
86. Ва отамни мағфират қил. Албатта, у адашганлардан бўлди.
87. Ва қайта тирилтириладиган Кунда мени шарманда қилмагин».
88. У Кунда на мол манфаат берар ва на болалар.
89. Аммо ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келса, мустасно.
90. Жаннат тақводорларга яқинлаштирилди.
91. Жаҳийм иғвога учганларга зоҳир қилинди.
92. Ва уларга дейилди: «Ибодат қилиб юрган нарсаларингиз қани?!
93. Аллоҳдан ўзга? Улар сизга ёрдам бера олурларми ёки ўзларини қутқара олурларми?!»
94. Бас, улар ва иғвога учганлар унга юзтубан ташландилар.
95. Ва иблиснинг аскарлари ҳаммалари биргаликда.
96. Улар унинг ичида бир-бирлари ила хусумат қилар эканлар, дедилар:
97. «Аллоҳга қасамки, албатта, биз очиқ-ойдин адашувда эканмиз.
98. Чунки сизларни оламларнинг Роббига тенглаштирар эдик.
99. Бизни жиноятчилар йўлдан оздирдилар, холос.
100. Мана энди бизга шафоатчилар ҳам йўқ.
101. Бирон қадрдон дўст ҳам йўқ.
102. Қани энди ортга қайтсак-у, мўминлардан бўлсак».
103. Албатта, бунда оят (белги) бор. Лекин уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар.
104. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.
105. Нуҳ қавми расулларни ёлғончига чиқарди.
106. Ўшанда биродарлари Нуҳ уларга деди: «Қўрқмайсизми?!
107. Мен сизларга ишончли расулман.
108. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
109. Бунинг учун сизлардан ажр – ҳақ сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Роббининг зиммасидадир.
110. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар».

111. «Сенга пасткашлар эргашиб турганда, биз сенга иймон келтирармидик?!» дедилар.
112. (У) деди: «Улар нима қилаётганини билмайман.
113. Агар билсангиз, уларнинг ҳисоби фақат Аллоҳнинг зиммасидадир.
114. Мен эса мўминларни ҳайдаб юборувчи эмасман.
115. Мен фақат очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман, холос».
116. «Эй Нуҳ, агар тўхтамасанг, тошбўрон қилинганлардан бўласан», дедилар.
117. (У) деди: «Роббим! Қавмим мени ёлғончига чиқарди.
118. Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин».
119. Биз унга ва у билан бирга бўлганларга тўлган кемада нажот бердик.
120. Сўнгра қолганларни ғарқ қилдик.
121. Албатта, бунда оят (белги) бор. Лекин уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар.
122. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.
123. Од қавми расулларни ёлғончига чиқарди.
124. Ўшанда биродарлари Ҳуд уларга деди: «Қўрқмайсизларми?!
125. Мен сизларга ишончли расулман.
126. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
127. Бунинг учун сизлардан ажр – ҳақ сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Роббининг зиммасидадир.
128. Ҳар тепаликка бир белги бўладиган бино қуриб, беҳуда ўйин қилаверасизми?
129. Ва худди мангу турадигандек, «маснаълар» тутасиз.
130. Тутганингизда ҳам, ўта кибрли бўлиб тутасиз.
131. Аллоҳдан қўрқинг ва менга итоат қилинг.
132. Сизга ўзингиз билган нарса ила мадад берган Зотдан қўрқинг.
133. У сизларга чорва ҳайвонлари ва фарзандлар ила мадад берди…
134. …боғ-роғлар ва булоқлар ила.
135. Мен, албатта, сизга улуғ куннинг азоби келишидан қўрқаман».
136. Улар дедилар: «Биз учун ваъз қилсанг ҳам ёки ваъз қилувчилардан бўлмасанг ҳам, барибир.
137. Бу аввалгиларнинг одати, холос.
138. Биз азобланувчи эмасмиз».
139. Уни (Ҳудни) ёлғончи қилдилар. Бас, уларни ҳалок қилдик. Албатта, бунда оят (белги) бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.

140. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.
141. Самуд (қавми ҳам) расулларни ёлғончи қилди.
142. Ўшанда биродарлари Солиҳ уларга деди: «Қўрқмайсизларми?!
143. Мен сизларга ишончли расулман.
144. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
145. Бунинг учун сизлардан ажр – ҳақ сўрамайман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Роббининг зиммасидадир.
146. Бу жойдаги нарсаларда омон ҳолда тарк қилинасизми?!
147. Боғ-роғларда, булоқларда?!
148. Экинзорлару тугунчаси майин хурмозор ичларида-я?!
149. Ва тоғлардан манманлик-ла уйлар йўнаверасизми?!
150. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
151. Ва ҳаддан ошувчиларнинг ишига итоат қилманглар.
152. Ер юзида бузғунчилик қиладиган, ислоҳ этмайдиганларнинг».
153. Улар «Сен сеҳрланганлардан экансан.
154. Сен бизга ўхшаган башардан бошқа ҳеч нарса эмассан. Агар ростгўйлардан бўлсанг, мўъжиза келтир».
155. У деди: «Мана бу туя. Унга (бир кун) сув ичиш, сизга маълум бир кун сув ичиш.
156. Унга ёмонлик етказманглар, йўқса сизни буюк Куннинг азоби тутадир».
157. Бас, уни (туяни) сўйдилар-у, надомат чекувчига айландилар.
158. Бас, уларни азоб тутди. Албатта, бунда оят (белги) бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.
159. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.
160. Лут қавми ҳам расулларни ёлғончига чиқарди.
161. Ўшанда биродарлари Лут уларга деди: «Қўрқмайсизларми?!
162. Мен сизларга ишончли расулман.
163. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
164. Бунинг учун сизлардан ажр – ҳақ сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Роббининг зиммасидадир.
165. Оламлар ичидан эркакларга борасизми?!
166. Роббингиз сиз учун яратган жуфти ҳалолларингизни қўйиб а?! Йўқ!!! Сиз ҳаддан ошган қавмсиз.
167. «Эй Лут, агар тўхтамасанг, ҳайдаб чиқарилганлардан бўласан!» дедилар.
168. У деди: «Мен бу ишингизни ўта ёмон кўрувчиларданман.
169. Роббим! Менга ва аҳлимга қилаётган нарсаларидан нажот бергин!»

170. Унга ва аҳлига – ҳаммаларига нажот бердик.
171. Фақат (азобда) қолувчилардан бўлган бир кампирдан ташқари.
172. Сўнгра қолганларини ер билан яксон қилдик.
173. Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдик. Бас, огоҳлантирилганларнинг ёмғири қандай ёмон бўлди!
174. Албатта, бунда оят (белги) бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.
175. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.
176. Қалин дарахтзор эгалари расулларни ёлғончи қилдилар.
177. Ўшанда Шуайб уларга деди: «Қўрқмайсизларми?!
178. Мен сизларга ишончли расулман.
179. Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
180. Бунинг учун сизлардан ажр – ҳақ сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Роббининг зиммасидадир.
181. Ўлчовни тўлиқ ўлчанглар ва камайтирувчилардан бўлманглар.
182. Тўғри тарози ила тортинглар.
183. Одамларнинг нарсаларини камайтириб берманглар. Ер юзида турли бузғунчиликлар қилманглар.
184. Сизни ва аввалги наслларни яратган Зотдан қўрқинглар».
185. Улар дедилар: «Сен сеҳрланганлардан экансан.
186. Сен бизга ўхшаган башардан бошқа нарса эмассан. Сени ёлғончилардан, деб биламиз.
187. Агар ростгўйлардан бўлсанг, устимиздан осмоннинг бир бўлагини ташлавор».
188. «Роббим қилаётган амалларингизни яхши билувчидир», деди.
189. Бас, уни (Шуайбни) ёлғончига чиқардилар. Бас, уларни «соябон» куни азоби тутди. Албатта, у буюк куннинг азоби эди.
190. Албатта, бунда оят (белги)бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар.
191. Албатта, Роббинг Ўзи азиздир, раҳмлидир.
192. Албатта, у (Қуръон) оламлар Роббининг нозил қилганидир.
193. Уни Руҳул Амийн олиб тушди...
194. сенинг қалбингга. Огоҳлантирувчилардан бўлишинг учун.
195. Очиқ-ойдин араб тилида.
196. Албатта, у (Қуръон) аввалгиларнинг китобларида ҳам бордир.
197. Бану Исроил уламолари уни билишлари улар учун далил эмасми?!
198. Агар уни баъзи ажамийларга нозил қилсак,
199. уларга уни ўқиб берса ҳам, унга мўмин бўлмас эдилар.

200. Уни (Қуръонни) жиноятчиларнинг қалбларига ана шундай йўлладик.

201. То аламли азобни кўрмагунларича унга иймон келтирмаслар.

202. У (азоб) уларга тўсатдан келур. Улар сезмай қолурлар.

203. Шунда: «Бизга муҳлат бериалармикан?!» дейдилар.

204. Азобимизга ошиқадиларми-я?!

205. Айтгин-чи, агар уларни йилларча ҳузурлантирсак-да...

206. ...сўнгра уларга ваъда қилинган нарса келса,

207. Ўша баҳра олиб юрган нарсалари нимага асқотур?!

208. Бирон шаҳар-қишлоқни ҳалок қилган бўлсак, унинг огоҳлантирувчилари албатта бўлган.

209. (Бу) эслатма бўлиши учундир. Биз зулм қилувчи бўлмаганмиз.

210. Уни (Қуръонни) шайтонлар олиб тушгани йўқ.

211. Бу уларга раво эмас ва бунга қодир ҳам эмаслар.

212. Албатта, улар эшитишдан четлатилгандирлар.

213. Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилма. Йўқса, азобланганлардан бўласан.

214. Ва яқин қариндошларингни огоҳлантир.

215. Ва сенга эргашган мўминларга қанотингни паслат.

216. Бас, агар улар сенга исён қилсалар: «Мен сиз қилаётган амалларга алоқадор эмасман», дегин.

217. Ва азиз, раҳмли Зотга таваккул қил...

218. сенинг қоим бўлганингни кўрадиган...

219. ...ва сажда қилувчилар ичида ҳаракатланишингни (кўрадиган) Зотга.

220. Албатта, Унинг Ўзи эшитувчидир, билувчидир.

221. Сизларга шайтонлар кимга тушишини айтиб берайми?

222. Улар уйдирмачи, гуноҳкорларга тушурлар.

223. Улар эса (шайтонларга) қулоқ осарлар. Уларнинг кўплари ёлғончилардир.

224. Шоирларга эса гумроҳлар эргашур.

225. Уларнинг ҳар водийда дайдишини...

226. ...ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишини кўрмадингми?

227. Аммо иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар, Аллоҳни кўп зикр этганлар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат қозонганлар мустаснодир. Зулм қилганлар эса қайси қайтиш жойига қайтишларини тезда билурлар.



27. НАМЛ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 93 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. То. Сийн. Ушбулар Қуръоннинг – очиқ китобнинг оятларидир.
2. Мўминлар учун ҳидоят ва хушхабардир.
3. Намозни тўкис адо этадиган, закотни берадиган ва охиратга қаттиқ ишонадиганлар учун.
4. Биз охиратга иймон келтирмайдиганларга амалларини зийнатлаб кўрсатдик. Бас, улар адашиб-улоқиб юраверадилар.
5. Ана ўшаларга ёмон азоб бордир ва улар охиратда энг кўп зиён кўрувчилардир.
6. Албатта, бу Қуръон сенга ҳаким, билувчи Зот томонидан берилур.
7. Эсла, Мусо ўз аҳлига деди: «Мен бир олов кўрдим. Тезда сизларга ундан бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўғ келтирурман».
8. У ерга келганида олов олдидаги ва атрофидагиларга барака берилди ва «Оламларнинг Робби – Аллоҳ покдир», деб нидо қилинди:
9. «Эй Мусо! Бу – Мен, азиз, ҳаким Аллоҳман!
10. Асоингни ташла!» (Мусо) унинг илондек қимирлаётганини кўриб, ортига қарамай қочди. «Эй Мусо, қўрқма! Зеро, Менинг ҳузуримда расуллар қўрқмаслар!
11. Лекин ким зулм қилса-ю, сўнгра ёмонлик кетидан унга яхшиликни бадал қилса, Мен мағфиратлиман, раҳмлиман.
12. Қўлингни ёқангнинг ичига киргиз, у ҳеч қандай ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқур» (дедик. Бу ҳам) Фиръавн ва унинг қавмига қаратилган тўққиз мўъжиза жумласидандир. Албатта, улар бузғунчи қавм бўлдилар.
13. Қачонки уларга оят-мўъжизаларимиз кўз очувчи бўлиб келганида: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдир», дедилар.
14. Ва ўзлари аниқ билиб туриб, уларни (мўъжизаларни) зулм ва кибр туфайли инкор этдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлишини кўриб қўй.
15. Батаҳқиқ, Довуд ва Сулаймонга илм бердик. Икковлари: «Бизни кўпгина мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дедилар.
16. Сулаймон Довудга ворис бўлди ва: «Эй одамлар, бизга қуш тили

ўргатилди ва ҳар бир нарсадан берилди. Бу албатта, очиқ-ойдин фазлдир», деди.

17. Сулаймонга жин, инс ва қушлардан бўлган аскарлари тўпланиб, тизилган ҳолда турдилар.

18. Улар чумолилар водийсига келганларида бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари билмасдан сизларни эзиб юбормасин», деди.

19. (Сулаймон) унинг сўзидан табассум қилди ва: «Роббим, менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимни ва Сен рози бўладиган солиҳ амаллар қилишимни насиб қилгин ва раҳматинг ила мени солиҳ бандаларингга қўшгин», деди.

20. У қушларни текширди-да, деди: «Нега Ҳудҳудни кўрмаётирман ёки у ғойиблардан бўлдими?

21. Ё мен уни шиддатли азоб-ла азобларман, ёки сўйиб юбораман, ё у менга очиқ-ойдин ҳужжат келтиради».

22. Кўп ўтмай, у келиб, деди: «Мен сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим.

23. Мен бир аёлни кўриб қолдим. У уларнинг маликаси экан. Унга ҳар нарсадан берилган экан. Ҳамда унинг улуғ тахти бор экан.

24. Мен унинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қилаётганларини ва шайтон уларга амалларини зийнатлаб, йўлдан тўсаётганини кўрдим. Бас, улар ҳидоят топмаслар.

25. Осмонлару ердаги сирларни ошкор қиладиган, махфий ва ошкор қилган нарсаларингизни биладиган Аллоҳга сажда қилмайдиларми?!

26. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У буюк Аршнинг Роббидир».

27. (Сулаймон) деди: «Кўрамиз, рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми?

28. Бу мактубимни олиб бориб, уларга ташла, сўнгра четга чиқиб назар сол-чи, нима қайтарар эканлар».

29. (Малика) деди: «Эй аъёнлар! Менга кароматли бир мактуб ташланди.

30. У Сулаймондан экан ва унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

31. Менга қарши бош кўтармай, таслим бўлган ҳолингизда келинг» (дейилмишдир).

32. «Эй аъёнлар! Менга бу ишимда фатво (маслаҳат) беринглар. Сизлар шоҳид бўлмагунингизча, мен бир ишга қатъий қарор қилмасман», деди.

33. «Биз куч-қувват эгаларимиз ва шиддатли азму шижоат эгаларимиз. Иш ўзингга ҳавола. Нима амр қилишингни ўйлаб кўр», дедилар.

34. (Малика) деди: «Подшоҳлар бирор шаҳар-қишлоққа кирсалар, уни

вайрон қилурлар ва унинг азиз аҳлларини хор қилурлар. Ана шундай қилурлар.

35. Мен уларга бир ҳадя юборурман, кўрай-чи, элчилар нима билан қайтар эканлар».

36. (Унинг элчиси) Сулаймонга келганида у деди: «Менга мол-дунё ила мадад бермоқчимисиз?! Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсадан яхшидир. Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз.

37. (Эй элчи!) Сен улар томон қайтиб бор. Биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор ҳолларида чиқарурмиз».

38. (Сулаймон) «Эй аъёнлар! Улар менга таслим бўлиб келишларидан олдин қайсингиз ҳузуримга унинг тахтини келтира олади?» деди.

39. Жинлардан бўлган Ифрит: «Мен уни сенга мақомингдан тургунингча келтирурман. Мен бунга қувватли ва ишончлиман», деди.

40. Китобдан илми бор зот: «Мен уни сенга кўзингни очиб юмгунингча келтирурман», деди. (Сулаймон) унинг ўз ҳузурида қарор топганини кўргач, «Бу Роббимнинг фазлидандир. Мен шукр қиламанми ёки ношукрлик қиламанми, синаш учундир. Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким ношукрлик қилса, Роббим ғанийдир, карамлидир», деди.

41. (Сулаймон) деди: «Унинг тахтини танимайдиган қилиб қўйинг. Кўрайлик-чи, (малика) уни танирми ёки танимайдиганлардан бўлурми?»

42. У келганида: «Сенинг тахтинг шундайми?» дейилди. «Худди ўшанинг ўзи», деди. «Бизга бундан илгари илм берилган ва мусулмон бўлганмиз» (деди Сулаймон).

43. Ва уни (маликани) Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарса тўсди, чунки у кофир қавмлардан эди.

44. Унга (маликага) «Саройга кир», дейилди. Уни кўриб, сув деб ўйлаб, пойчаларини очди. (Сулаймон) «Бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган сарой», деди. (Малика) «Роббим, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман, Сулаймон билан бирга оламларнинг Робби – Аллоҳга мусулмон бўлдим!» деди.

45. Самуд қавмига «Аллоҳга ибодат қилинглар», деб биродарлари Солиҳни юбордик. Улар эса икки гуруҳ бўлиб тортиша бошладилар.

46. (Солиҳ) «Эй қавмим, нима учун яхшиликдан олдин ёмонликка ошиқасиз?! Аллоҳдан мағфират сўрасангиз-чи?! Шояд раҳм қилинсангиз», деди.

47. «Сендан ва сен билан бўлганлардан шумландик», дедилар. У: «Шумланишингиз Аллоҳнинг ҳузурида. Балки сизлар синалаётган қавмсиз», деди.

48. У шаҳарда тўққиз кишилик гуруҳ бор бўлиб, ер юзида бузғунчилик қилишар, ислоҳ қилмас эдилар.

49. Улар дедилар: «Аллоҳнинг номига қасам ичинглар! Албатта, уни (Солиҳни) ва унинг аҳлини тунда ўлдирамиз. Сўнгра валийига «Биз унинг аҳлининг ҳалокатига гувоҳ эмасмиз. Биз ростгўйлармиз», деймиз».

50. Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолда бир «макр» қилдик.

51. Назар сол! Макрларининг оқибати нима бўлди?! Биз уларни ҳам, қавмларини ҳам – ҳаммаларини ер билан яксон қилдик.

52. Ана, зулмлари сабабли уйлари ҳувиллаб ётибди! Албатта, бунда биладиган қавмлар учун ибрат бордир.

53. Ва иймон келтириб, тақво қилиб юрганларга нажот бердик.

54. Ва Лутни ҳам (набий қилиб юбордик). Ўшанда у ўз қавмига деди: «Сиз кўриб-билиб туриб фаҳш иш қиласизми?!

55. Наҳотки аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қиласиз?! Йўқ! Сиз жоҳиллик қилаётган қавмдирсиз!»

56. Қавмининг жавоби эса: «Лут аҳлини юртингиздан қувиб чиқаринг, чунки улар покиза бўлишни хоҳлаган кишилардир», дейишдан бошқа нарса бўлмади.

57. Биз унга ва хотинидан бошқа аҳлига нажот бердик. Аёлнинг эса азобда қолувчилардан бўлишини тақдир қилдик.

58. Устларига бир ёмғир ёғдирдикки, огоҳлантирилганларнинг азоби нақадар ёмон бўлди.

59. «Аллоҳга ҳамд бўлсин ва Унинг танлаб олган бандаларига салом бўлсин. Аллоҳ яхшими ёки улар ширк келтираётган нарсаларми?» дегин.

60. Ёки осмонлару ерни яратган, сизларга осмондан сув туширган Зотми? Биз у (сув) билан гўзал боғлар ўстирдик. Сиз уларнинг дарахтларини ўзингиз ўстира олмас эдингиз. Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! Йўқ, улар тенглаштирадиган қавмдир.

61. Ёки ерни қароргоҳ этган, унинг узра анҳорлар қилган, унга тоғлар қилган ва икки денгиз ўртасида тўсиқ қилган Зот (яхши)ми?! Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмаслар.

62. Ёки музтар одам дуо қилганда ижобат этадиган, ёмонликни аритадиган ҳамда сизни ер юзида халифа қилган Зот (яхши)ми?! Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми? Қанчалар оз эслатма оласизлар-а?!

63. Ёки сизларни қуруқлик ва денгиз зулматларида тўғри йўлга соладиган ҳамда Ўз раҳмати олдидан шамолларни хушхабар қилиб юборадиган Зот (яхши)ми?! Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан олийдир.

64. Ёки махлуқотни аввал бошдан яратадиган, сўнгра уни яна қайтадан яратадиган ва сизларни осмонлару ердан ризқлантирадиган Зот (яхши) ми? Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», дегин.

65. «Осмонлару ерда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмас», деб айт. Улар қачон қайта тирилтирилишларини ҳам сезмаслар.

66. Балки илмлари охиратни идрок қилгандир? Йўқ, улар ундан шак-шубҳададирлар. Йўқ, улар ундан кўрдирлар.

67. Куфр келтирганлар дедилар: «Биз ва ота-боболаримиз тупроқ бўлганимиздан кейин яна чиқариламизми?!

68. Батаҳқиқ, бу бизга-да, ота-боболаримизга-да олдин ҳам ваъда қилинган эди. Бу аввалгиларнинг афсонасидан бошқа ҳеч нарса эмас».

69. «Ер юзида юриб, жиноятчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинглар», деб айт.

70. Улар учун маҳзун бўлма ва қилаётган макрларидан ҳам сиқилма.

71. «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлади?» дерлар.

72. «Сиз келишига ошиқаётган нарсанинг баъзиси ортингизга мингашиб олган бўлса, ажаб эмас», деб айт.

73. Албатта, Роббинг одамларга нисбатан фазлу марҳамат соҳибидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмаслар.

74. Роббинг уларнинг диллари беркитган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам билур.

75. Осмону ерда ҳеч бир ғайб нарса йўқ, илло очиқ-ойдин китобда бордир.

76. Албатта, ушбу Қуръон Бану Исроилга улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпини қисса қилиб беради.

77. Албатта, у мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир.

78. Албатта, Роббинг улар ўртасида Ўз ҳукми ила ажрим чиқаради. У азиздир, билувчидир.

79. Бас, Аллоҳга таваккул қил. Албатта, сен очиқ-ойдин ҳақдадирсан.

80. Албатта, сен ўликларга эшиттира олмайсан, ортга қараб қочаётган карларга ҳам чақириқни эшиттира олмайсан.

81. Сен кўрларни залолатдан ҳидоятга солувчи эмассан. Сен фақат оятларимизга иймон келтирадиганларгагина эшиттира олурсан. Улар мусулмонлардир.

82. Уларнинг бошига сўз(ланган азоб) тушганида Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарамиз. У уларга одамлар оятларимизга аниқ ишонмайдиган бўлганларини айтиб беради.

83. Биз ҳар умматнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганларидан бир гуруҳини тўплаган Кунда улар жамланиб-тизилиб туришар.

84. Улар келиб бўлгач, (У Зот) «Менинг оятларимни ёлғонга чиқардингизми?! Уларни пухта англамай туриб-а? Йўқса, нима қилган эдингиз?» дер.

85. Ва уларга зулм қилганлари сабабли сўз(ланган азоб) тушар. Бас, улар сўзлай олмаслар.

86. Биз сокинлик топишлари учун кечани, кўришлари учун кундузни (жорий) қилганимизни кўрмадиларми?! Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун ибратлар бордир.

87. Сур чалиниб, Аллоҳ хоҳлаганидан бошқа осмонлардаги кимсалар ва ердаги кимсалар даҳшатга тушган Кунда ҳамма У Зотга бўйин эгиб келур.

88. Тоғларни кўриб, қимирламай турибди деб ҳисоблайсан. Ҳолбуки, улар булутнинг ўтишидек ўтурлар. Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир. Албатта, У нима қилаётганингиздан хабардордир.

89. Ким яхшилик қилса, унга ундан кўра яхшироқ (мукофот) бўлур ҳамда улар ўша Куннинг даҳшатидан омондадирлар.

90. Ким ёмонлик қилса, юзтубан дўзахга ташланурлар ва (уларга): «Сизларга фақат қилган амалларингиз жазоси берилмоқда, холос» (дейилур).

91. Мен ушбу шаҳарнинг Роббига, уни Ҳарам қилган Зотга ибодат қилишга амр этилдим, холос. Ҳамма нарса Уникидир. Ва мусулмонлардан бўлишга амр этилдим.

92. Ва Қуръонни тиловат қилишга (амр этилдим). Ким ҳидоят топса, фақат ўзи учун ҳидоят топадир. Ким залолатга кетса, унга: «Мен огоҳлантирувчилардanман, холос», дегин.

93. «Аллоҳга ҳамд бўлсин! У сизларга Ўз оят-мўъжизаларини кўрсатур. Уларни кўриб, танийсиз», деб айт. Роббинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.



28. ҚАСАС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 88 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. То. Сийн. Мийм.

2. Ушбулар очиқ-ойдин Китобнинг оятларидир.

3. Иймон келтирадиган қавм учун сенга Мусо ва Фиръавннинг хабаридан ҳақ ила тиловат қилиб берамиз.

4. Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетди. У ўша (ер)нинг аҳолисини бўлиб ташлади. Улардан бир тоифасини эзар, ўғилларини сўйиб, қизларини тирик қолдирарди. Албатта, у бузғунчилардан бўлган эди.

5. Биз эса ер юзида хўрланганларга беминнат неъмат беришни, уларни пешво қилишни, уларни ворислар қилишни…

6. ва ер юзида уларга имкон беришни, Фиръавн, Ҳомон ва икковининг лашкарига улардан қўрққан нарсаларини кўрсатишни истаймиз.

7. Ва Мусонинг онасига: «Уни эмизавер. (Унга ёмонлик етишидан) қўрқсанг, уни дарёга ташла. Қўрқма, маҳзун бўлма, Биз уни сенга албатта қайтарувчимиз ва расуллардан қилувчимиз», деб ваҳий қилдик.

8. Оли Фиръавн уни ўзларига душман ва ғам-ғусса бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва икковининг лашкарлари хатокорлардан бўлган эдилар.

9. Фиръавннинг хотини: «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, у бизга фойда берса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Ҳолбуки, улар сезмас эдилар.

10. Мусонинг онасининг қалби бўшаб қолди. Мўминлардан бўлиши учун қалбини мустаҳкам боғламаганимизда, уни билдириб қўйишига сал қолди.

11. (Онаси Мусонинг) опасига: «Унинг изидан бор», деди. Уни бир четдан кузатди. Ҳолбуки, улар сезмас эдилар.

12. Бундан олдин унга эмизувчиларни ҳаром қилган эдик. (Опаси): «Мен сизларга уни сиз учун кафилликка оладиган ва унга насиҳатгўй бўлувчи хонадон аҳлини айтиб берайми?» деди.

13. Биз уни онасига кўзи қувончга тўлиши, маҳзун бўлмаслиги ва Аллоҳнинг ваъдаси албатта ҳақ эканини билиши учун қайтардик. Лекин уларнинг кўплари буни билмаслар.

14. У вояга етганида ва камол топганида, унга ҳикмат ва илм бердик. Яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз.

15. Ва у шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатдалигида кирди. Унда урушаётган икки кишини кўрди. Буниси ўз гуруҳидан, униси эса душманларидан эди. Бас, ўз гуруҳидан бўлган душман бўлганга қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо уни бир мушт уриб, ўлдириб қўйди. У (Мусо): «Бу шайтоннинг ишидир. Албатта, у очиқ-ойдин душман ва йўлдан оздирувчидир», деди.

16. У: «Роббим, мен ўзимга зулм қилдим. Мени мағфират қил», деди. У Зот уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзи мағфиратлидир, раҳмлидир.

17. У: «Роббим, менга берган неъматинг ҳаққи-ҳурмати, ҳаргиз жиноятчиларга ёрдамчи бўлмасман», деди.

18. У эрталаб шаҳарда қўрққан ҳолида, аланглаб кетаётган эди, бирдан кеча

ундан ёрдам сўраган яна ёрдам сўраб қичқириб қолди. Мусо унга: «Сен очиқ-ойдин гумроҳ экансан», деди.

19. Қачонки икковларига душман бўлганни тутишни ирода қилганида, у: «Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби, мени ўлдирмоқчимисан?! Сен ер юзида фақат қон тўкувчи бўлишни истарсан ва ислоҳ қилувчилардан бўлишни истамассан», деди.

20. Ва шаҳарнинг нариги четидан бир киши шошиб келиб: «Эй Мусо, аниқки, аъёнлар сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Чиқиб кет! Мен сенга холисларданман», деди.

21. У хавфсираб, аланглаган ҳолда: «Роббим, менга золим қавмлардан нажот бергин» деб, у ердан чиқди.

22. Мадян томон юзланганида: «Шояд Роббим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса», деди.

23. Мадян сувига етиб келгач, бир тўп одамларнинг ҳайвонларини суғораётганини кўрди ва улардан бошқа (қўйларини сувдан) қайтараётган икки аёлни кўрди. У: «Сизларга не бўлди?» деди. Улар: «Чўпонлар қайтмагунларича суғора олмаймиз, отамиз эса қари чол», дедилар.

24. У икковларига (ҳайвонларини) суғориб берди. Сўнгра сояга қайтди ва: «Роббим, албатта, менга нозил қилажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», деди.

25. Икковидан бири ҳаё билан юриб келиб: «Отам сенга бизларга суғориб берганингнинг ҳаққини бериш учун чақирмоқда», деди. Унга келиб, қиссани айтиб берганида: «Қўрқма, золим қавмлардан нажот топдинг», деди.

26. Иккисидан бири: «Отажон, уни ишга ёлланг. Чунки ишга ёлланадиган энг яхши одам кучли ва ишончли одамдир», деди.

27. У: «Менга саккиз йил ишлаб беришинг шарти билан шу икки қизимдан бирини сенга никоҳлаб бермоқчиман, агар ўн йилни тамомласанг, бу сенинг ишинг. Мен эса сенга машаққат қилишни истамасман. Иншааллоҳ, менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрасан», деди.

28. (Мусо) «Бу сен билан менинг орамиздадир. Икки муддатдан қай бирини адо қилсам ҳам, менга тажовуз қилинмас. Айтаётган нарсамизга Аллоҳ вакилдир», деди.

29. Мусо муддатни тугатиб, аҳли билан кетаётганида Тур томонда (узоқдан) оловни кўриб қолди. У аҳлига: «Туриб туринглар, аниқки, мен узоқдан оловни кўрдим. Балки у ердан сизга бирор хабар ёки исинишингиз учун бир тутам чўғ олиб келарман», деди.

30. Унинг олдига етиб келганида водийнинг ўнг томонидан, муборак жойдан, дарахтдан унга нидо қилинди: «Эй Мусо, Мен – оламларнинг Робби Аллоҳдирман.

31. Асоингни ташла». Унинг илон каби қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. «Эй Мусо, бери кел, қўрқма. Албатта, сен омонликдагилардансан.

32. Қўлингни ёқангнинг ичига киргиз, бирон ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқур. Қўрқувдан қанотингни ўзингга торт. Шу иккиси Роббингдан Фиръавн ва унинг одамларига икки далилдир. Албатта, улар фосиқ қавм бўлдилар» (дейилди).

33. У деди: «Роббим, мен улардан бир жонни ўлдирганман, улар мени ўлдиришларидан қўрқаман.

34. Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ, уни ҳам мен билан юбор, мени тасдиқлайди. Зеро, улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқурман».

35. У Зот: «Биз сени оғанг билан қувватлаймиз ва икковингизга бир салтанат ҳужжат берурмизки, улар сизга етиша олмаслар. Бизнинг оятларимиз ила иккингиз ва сизга эргашганлар ғолибдирсиз», деди.

36. Мусо уларга очиқ-ойдин оятларимиз ила келганида: «Бу уйдирма сеҳрдан бошқа нарса эмас. Аввалги ота-боболаримиздан ҳам бу ҳақда эшитмаган эдик», дедилар.

37. Ва Мусо: «Роббим Ўз ҳузуридан ким ҳидоят келтирганини ҳам, охират диёри оқибати кимга бўлишини ҳам яхши билувчи Зотдир. Албатта, золимлар нажот топмаслар», деди.

38. Ва Фиръавн: «Эй аъёнлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмасман. Бас, эй Ҳомон, лойга ўт ёқиб, мен учун бир баланд қаср қур, шояд (унга чиқиб) Мусонинг илоҳини кўрсам. Мен уни ёлғончилардан деб ўйламоқдаман», деди.

39. У (Фиръавн) ва унинг лашкарлари ер юзида ноҳақ такаббурлик қилдилар ҳамда ўзларини Бизга қайтарилмаслар, деб гумон қилдилар.

40. Бас, уни ва унинг аскарларини тутдик ва денгизга отдик. Энди золимларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.

41. Ва уларни дўзахга чақирадиган пешволар қилдик. Қиёмат куни эса уларга ёрдам берилмас.

42. Ва бу дунёда уларга лаъnатни эргаштириб қўйдик. Қиёмат куни эса улар қабиҳлардандир.

43. Аввалги асрларни (авлодларни) ҳалок қилганимиздан сўнг Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат қилиб Китобни бердик. Шоядки, эслатма олсалар.

44. Биз Мусога ишни ҳукм қилган пайтимизда сен ғарбий томонда эмас эдинг ва гувоҳлардан ҳам бўлмагансан.

45. Лекин Биз бир неча аср (авлод)ларни пайдо қилдик, уларнинг умри

чўзилди. Сен Мадянда туриб, уларга оятларимизни тиловат қилиб берганинг йўқ. Аммо Биз расул юборувчи бўлдик.

46. Нидо қилган чоғимизда Турнинг ёнида йўқ эдинг. Лекин Роббингдан раҳмат сифатида сендан олдин огоҳлантирувчи келмаган қавмни огоҳлантириш учун (қиссаларни сенга билдирдик). Шоядки, эслатма олсалар.

47. Агар уларга қилмишлари туфайли мусибат етса, «Роббимиз, бизга расул юборганингда эди, оятларингга эргашар эдик ва мўминлардан бўлар эдик», демасалар эди.

48. Ҳузуримиздан ҳақ келганида улар: «Унга (Муҳаммадга) ҳам Мусога берилган нарса берилса эди», дедилар. Улар илгари Мусога берилган нарсага куфр келтирмаган эдиларми?! Улар: «Икки сеҳр ўртага чиқди, бир-бирига ёрдам бермоқда, биз ҳар бирига куфр келтирувчимиз», дедилар.

49. «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузуридаги у иккисидан кўра тўғрироқ бир китоб келтиринг, мен унга эргашаман», дегин.

50. Агар сенга жавоб бера олмасалар, билгинки, улар ҳавои нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавои нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

51. Уларга баённи (Қуръонни) етказиб қўйдик. Шоядки, эслатма олсалар.

52. Ундан олдин китоб берилганлар унга иймон келтирурлар.

53. Уларга тиловат қилинган чоқда: «Унга иймон келтирдик. Албатта, у Роббимиздан келган ҳақдир. Албатта, биз бундан олдин ҳам мусулмон эдик», дедилар.

54. Ана ўшаларга сабр қилганлари учун ажрлари икки марта берилади. Улар яхшилик ила ёмонликни даф қилурлар ва уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар.

55. Қачонки беҳуда нарса эшитсалар, ундан юз ўгириб: «Бизга ўз амалларимиз, сизга ўз амалларингиз, омон бўлинглар, биз жоҳилларни истамасмиз», дедилар.

56. Сен ўзинг севган кишингни ҳидоят қила олмассан. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қилади. У ҳидоятга юрувчиларни яхши билувчи Зотдир.

57. «Агар сен билан ҳидоятга эргашсак, ўз еримиздан юлиб олинамиз», дедилар. Биз уларга омонлик ҳарамини макон қилиб бермадикми?! У ерга ҳар нарсанинг мевалари Бизнинг даргоҳимиздан ризқ ўлароқ йиғилади-ку! Аммо кўплари билмаслар.

58. Биз маишатларида ҳаддан ошган қанчадан-қанча юртларни ҳалок

қилдик. Анавилар эса – уларнинг масканлари улардан кейин маскан қилинмади. Фақат озгинаси мустасно. Ва Биз ворислар бўлдик.

59. Роббинг шаҳар-қишлоқларни, то улар орасига уларга оятларимизни тиловат қиладиган расул юбормасдан туриб, ҳалок қилувчи бўлмаган. Биз шаҳар-қишлоқларни фақат аҳли золим бўлган ҳолдагина ҳалок қилувчи бўлганмиз.

60. Ва сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир. Ақл юритмайсизларми?

61. Биз унга гўзал ваъда қилган, кейин ўшанга эришувчи киши дунё ҳаётининг матоҳини берганимиздан сўнг, қиёмат куни (азобга) ҳозир қилинганлардан бўлган киши каби бўлармиди?!

62. У Зот уларга нидо қилиб, «Сиз даъво қилган Менинг «шерик»ларим қани?!» деган кунда…

63. устларига сўз(ланган азоб) ҳақ бўлганлар: «Роббимиз, анавилар йўлдан оздирганларимиз. Уларни ўзимиз йўлдан озганимиздек, оздирганмиз. Сенга ўзимизни оқладик: улар бизга ибодат қилган эмаслар», дерлар.

64. Ва: «Шерик»ларингизни чақиринглар», дейилди. Улар чақирдилар. Бас, (сохта илоҳлари) уларга жавоб бермадилар. Ва азобни кўрдилар. Кошки, улар ҳидоят топган бўлганларида эди!

65. У Зот уларга нидо қилиб, «Расулларга нима деб жавоб бердингиз?» деган кунда...

66. ана ўша Кунда хабарлар улардан махфий бўлур ва улар бир-бирларидан сўрай олмаслар ҳам.

67. Аммо ким тавба қилган, иймон келтириб, солиҳ амал қилган бўлса, ажаб эмаски, зафар топувчилардан бўлса.

68. Ва Роббинг хоҳлаганини яратиб, хоҳлаганини ихтиёр қилур. Уларда ихтиёр ҳаққи йўқдир. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олийдир.

69. Ва Роббинг уларнинг кўкслари яшираётган нарсаларни ҳам, ошкор қилаётган нарсаларни ҳам билур.

70. У Аллоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бу дунёда ва охиратда ҳамд Унга хос. Ҳукм ёлғиз Уникидир ва Унгагина қайтарилурсизлар.

71. «Айтинг-чи, агар Аллоҳ кечани қиёмат кунигача доимий қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизга ёруғлик келтира олур? Эшитмайсизларми?!» деб айт.

72. «Айтинг-чи, агар Аллоҳ кундузни қиёмат кунигача доимий қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизларга ором оладиганингиз кечани келтира олади?! Кўрмайсизларми?!» деб айт.

73. (У Зот) Ўз раҳмати ила сизларга кеча ва кундузни ором олишингиз

ва Ўз фазлидан талаб қилишингиз учун пайдо қилди. Шоядки, шукр келтирсангиз.

74. У Зот уларга нидо қилиб, «Сиз даъво қилган «шерик»ларим қани?» деган кунда...

75. ...ва ҳар бир умматдан бир шоҳид чиқариб: «Далилларингизни келтиринг!» дегаймиз. Бас, улар ҳақ Аллоҳники эканини билурлар ва уйдириб юрган нарсалари улардан ғойиб бўлур.

76. Албатта, Қорун Мусо қавмидан бўлиб, уларга такаббурлик қилди. Биз унга калитлари бир гуруҳ қувватлиларга ҳам оғирлик қиладиган хазиналарни берган эдик. Ўшанда қавми унга дедилар: «Ҳовлиқма, чунки Аллоҳ ҳовлиққанларни суймас.

77. Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни истама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас».

78. У (Қорун) «У менга фақат ўзимдаги илм туфайлигина берилгандир», деди. Албатта, Аллоҳ ундан олдинги аср (авлод)лардан ундан кўра қувватлироқ, ундан кўра кўпроқ (мол) жамлаганларни ҳалок этганини у билмасмиди?! Жиноятчилардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас.

79. У (Қорун) қавмининг ҳузурига зебу зийнати ила чиқди. Дунё ҳаётини истайдиганлар: «Қани энди, Қорунга берилган нарсадан бизга ҳам бўлса эди. Дарҳақиқат, у улкан насиба эгасидир», дедилар.

80. Илм берилганлар эса: «Вой бўлсин сизларга! Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун Аллоҳнинг савоби яхшидир. Унга фақат сабр қилганларгина эришурлар», дедилар.

81. Бас, Биз уни ва унинг ҳовли-жойини ерга юттирдик. Унга Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган гуруҳ бўлмади, унинг ўзи нусратга эришувчилардан ҳам бўлмади.

82. Ва кечагина унинг маконини орзу қилаётганлар: «Воажаб, Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига ризқини кенг ёки тор қиладиганга ўхшайди. Агар Аллоҳ бизга лутф қилмаганида, бизни ҳам ерга юттирар эди. Воажаб, кофирлар нажот топмайдиганга ўхшайди-ку!» дейишга ўтдилар.

83. Ўша охират диёрини ер юзида такаббурлик ва бузғунчиликни истамайдиганлар учун қилурмиз. Оқибат тақводорларникидир.

84. Ким бир яхшилик келтирса, унга ундан кўра хайрлироқ (мукофот) бор. Ким бир ёмонлик келтирса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар.

85. Сенга Қуръонни фарз қилган Зот сени қайтар жойга қайтарувчидир. «Роббим ҳидоят келтирган шахсни ҳам ва очиқ-ойдин залолатдаги шахсни ҳам яхши билувчидир», деб айт.

86. Сен ўзингга Китоб нозил қилинишидан умидвор ҳам эмас эдинг. Илло, у Роббингнинг раҳмати (ўлароқ нозил бўлди). Бас, ҳаргиз кофирларга ёрдамчи бўлма.

87. Ва сенга Аллоҳнинг оятлари нозил қилинганидан кейин, ҳаргиз сени улардан тўсмасинлар. Роббингга даъват қил. Асло мушриклардан бўлма.

88. Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилма. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ундан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлувчидир. Ҳукм Уникидир ва фақат Унгагина қайтарилурсиз.



29. АНКАБУТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 69 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Миим.

2. Одамлар «Иймон келтирдик», дейишлари ила синалмай, тарк этилишларини ўйладиларми?

3. Улардан олдингиларни ҳам имтиҳондан ўтказганмиз. Албатта, Аллоҳ содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак.

4. Ёки ёмонликларни қиладиганлар биздан қочиб қутулишни ўйлайдиларми? Қилган ҳукмлари нақадар ёмон-а?!

5. Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, албатта, Аллоҳнинг «муддати» келувчидир. У эшитувчидир, билувчидир.

6. Ким жиҳод қилса, албатта, ўз фойдаси учун жиҳод қилур. Албатта, Аллоҳ барча оламлардан беҳожатдир.

7. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларнинг ёмонликларини албатта ўчирурмиз ва уларни қилган амалларининг энг яхшиси ила мукофотлармиз.

8. Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик. Агар улар сенинг ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришинг учун ижтиҳод қилсалар, бас, уларга итоат қилма. Қайтишларингиз Менгагинадир. Бас, сизларга қилган нарсаларингизнинг хабарини берурман.

9. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни солиҳлар қаторига қўшурмиз.

10. Ва одамлардан «Аллоҳга иймон келтирдик», дейдиган, сўнгра Аллоҳнинг йўлида озорланса, одамларнинг фитнасини Аллоҳнинг азобидек қабул қиладиганлари ҳам бор. Агар Роббинг томонидан

нусрат келса, улар: «Албатта, биз сиз билан бирга эдик», дерлар. Аллоҳ оламларнинг кўксларидаги нарсаларни яхши билувчи эмасми?!

11. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни ҳам яхши билур, мунофиқларни ҳам яхши билур.

12. Ва куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Бизнинг йўлимизга эргашинглар, хатоларингизни биз кўтарайлик», дерлар. Ҳолбуки, улар аларнинг хатоларидан ҳеч бир нарсани кўтарувчи эмаслар. Албатта, улар ёлғончилардир.

13. Албатта, улар ўз юкларини ҳам, у юклари билан бирга бошқа юкларни ҳам кўтарурлар. Албатта, қиёмат куни уйдириб юрган нарсалари ҳақида сўралурлар.

14. Ва Нуҳни қавмига расул этиб юбордик. У уларнинг ичида эллик йил кам минг йил турди. Сўнгра уларни золим бўлган ҳолларида тўфон олди.

15. Унга (Нуҳга) ва кема соҳибларига нажот бердик ва уни (кемани) оламларга оят (белги) қилдик.

16. Иброҳимни ҳам (расул қилиб юбордик). Ўшанда у ўз қавмига деди: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга тақво қилинглар. Агар билсангиз, мана шу ўзингиз учун яхшидир.

17. Сизлар Аллоҳни қўйиб, бутларга ибодат қилмоқдасиз ва уйдирмалар тўқимоқдасиз, холос. Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсаларингиз эса сизга ризқ беришга молик эмаслар. Ризқни Аллоҳнинг ҳузуридан истанглар. Унга ибодат ва шукр қилинглар. Унгагина қайтарилурсиз.

18. Агар сизлар ёлғончига чиқарсангиз, сиздан олдинги умматлар ҳам ёлғончига чиқарганлар. Расулнинг зиммасида очиқ-ойдин етказиш, холос».

19. Аллоҳ махлуқотни аввал бошдан қандай яратишини, сўнгра уни яна қайта яратишини кўрмадиларми?! Албатта, бу Аллоҳ учун осондир.

20. «Ер юзида юриб, У Зот махлуқотларни қандай ярата бошлаганига назар солинглар. Сўнгра Аллоҳ охират ҳаётини пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир», деб айт.

21. Кимни хоҳласа, азоблайди, кимни хоҳласа, раҳм қилади. Унгагина қайтарилурсизлар.

22. Сиз на ер юзида ва на кўкда У Зотни ожиз қолдирувчи эмассиз. Сизга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам бўлмас.

23. Аллоҳнинг оятларига ва Унга рўбарў бўлишга куфр келтирганлар, ана ўшалар Менинг раҳматимдан ноумид бўлдилар. Ана ўшаларга аламли азоб бор.

24. Қавмининг жавоби «Уни қатл қилинглар ёки куйдиринглар!» дейишларидан бошқа бўлмади. Бас, Аллоҳ унга (Иброҳимга) оловдан

нажот берди. Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун оят (белги)лар бордир.

25. У: «Сизлар дунё ҳаётидаги ўзаро дўстлигингиз учун Аллоҳни қўйиб, бутларни тутдингиз. Сўнгра қиёмат куни баъзингиз баъзингизга куфр келтирурсиз ва баъзингиз баъзингизни лаънатларсиз. Ва жойингиз дўзахдир. Ҳамда сизга нусрат берувчилар бўлмас», деди.

26. Бас, унга Лут иймон келтирди ва: «Албатта, мен Роббимга ҳижрат қилувчиман. Албатта, У Зот азиздир, ҳакимдир», деди.

27. Биз унга Исҳоқни ва Яъқубни ҳадя этдик ва нубувват ҳамда китобни унинг зурриётида қилдик. Унга бу дунёда ажрини бердик. Албатта, у охиратда солиҳлардандир.

28. Ва Лутни (ҳам юбордик). Ўшанда у ўз қавмига деди: «Сиз ўзингиздан олдин ўтган оламлардан (инсу жиндан) ҳеч ким қилмаган фаҳш ишни қилмоқдасиз.

29. Сизлар эркакларга яқинлик қилиб, йўлни кесасизми ва йиғинларингизда мункар иш қиласизми?!» Қавмининг жавоби: «Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга Аллоҳнинг азобини келтир», дейишдан бошқа бўлмади.

30. У: «Роббим, менга бузғунчи қавмларга қарши Ўзинг нусрат бер», деди.

31. Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушхабарни келтирганларида: «Биз ушбу шаҳар аҳлини ҳалок қилувчидирмиз. Унинг аҳли зулм қилувчилардан бўлдилар», дедилар.

32. У: «Унда Лут бор-ку?!» деди. Улар: «Биз унда ким борлигини яхши билурмиз. Биз унга ва унинг аҳлига албатта нажот берурмиз. Унинг (азобда) қолувчилардан бўлган хотини мустасно», дедилар.

33. Элчиларимиз Лутга келганларида улар сабабли ёмон ҳолга тушди ва қўл-оёғи бўшашди. Улар дедилар: «Сен хавфсирама ва маҳзун ҳам бўлма, биз сени ва аҳлингни қутқарувчилармиз. Хотининг мустасно. У (азобда) қолувчилардандир.

34. Албатта, биз фосиқлик қилганлари туфайли, ушбу шаҳар аҳолиси бошига осмондан қақшатқич азоб туширувчимиз».

35. Биз ундан ақл юритувчи қавмлар учун очиқ-ойдин оят (белги)лар қолдирганмиз.

36. Ва Мадянга биродарлари Шуъайбни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, охират кунидан умидвор бўлинг ва ер юзида ёмонликда ҳаддан ошиб, бузғунчилардан бўлманг», деди.

37. Уни ёлғончига чиқардилар. Шунда уларни бир шиддатли зилзила тутди ва диёрларида мук тушиб қолдилар.

38. Ва Од ва Самудни (ҳам ҳалок этдик). Батаҳқиқ, бу сизга уларнинг масканларидан аён бўлиб турибди. Шайтон уларга амалларини чиройли

кўрсатиб, уларни йўлдан тўсди. Ҳолбуки, улар кўриб-билиб турувчи эдилар.

39. Қорун, Фиръавн ва Ҳомонни (ҳам ҳалок қилдик). Мусо уларга очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирди. Улар ер юзида мутакаббирлик қилдилар ва қочиб қутулувчи бўлмадилар.

40. Улардан ҳар бирини гуноҳи туфайли тутдик. Бас, улардан баъзилари устига тош ёғдирдик, баъзиларини қичқириқ ушлади, баъзиларини ерга юттирдик ва баъзиларини ғарқ қилдик. Аллоҳ уларга зулм этувчи бўлмади, лекин улар ўзларига зулм этдилар.

41. Аллоҳни қўйиб, ўзга дўстлар тутганларнинг мисоли ўзига уй тутган ўргимчакка ўхшайдир. Ҳолбуки, энг заиф уй ўргимчакнинг уясидир. Кошки, билсалар эди.

42. Албатта, Аллоҳ уларнинг Ўзидан бошқа нимага дуо қилаётганларини яхши билади. Ва У азиздир, ҳакимдир.

43. Ушбу мисолларни одамлар учун келтирурмиз. Лекин уларга олимлардан ўзгаларнинг ақллари етмас.

44. Аллоҳ осмонлар ва ерни ҳақ ила яратгандир. Албатта, бунда мўминлар учун оят (белги) бордир.

45. Сенга Китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил ва намозни тўкис адо эт, албатта, намоз фаҳш ва мункардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир. Аллоҳ нима қилаётганингизни билур.

46. Аҳли китобларнинг зулм қилганларидан бошқалари билан фақат яхши услубда мужодала этинглар ва уларга: «Ўзимизга нозил қилинган ва сизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик, бизнинг илоҳимиз ва сизнинг илоҳингиз бирдир ва биз Унга бўйсунувчимиз», денглар.

47. Ана шундай қилиб, сенга ҳам Китоб нозил қилдик. Биз китоб берган кимсалар унга иймон келтирурлар. Анавилардан ҳам унга иймон келтирадиганлари бор. Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор этурлар.

48. Ундан олдин ҳеч бир китобни тиловат қилмас эдинг ва қўлинг билан хат ёзмас эдинг. Агар шундай бўлганида, ботил аҳллари шубҳага тушган бўлур эдилар.

49. Йўқ! У (Қуръон) илм берилганларнинг кўксидаги очиқ-ойдин оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қилур.

50. Ва улар: «Унга Роббидан мўъжизалар нозил қилинса эди», дедилар. «Мўъжизалар ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен эса фақат очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман, холос», деб айт.

51. Биз ўзлари учун тиловат қилинаётган ушбу Китобни сенга нозил этганимиз уларга кифоя қилмасми?! Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун раҳмат ва эслатма бордир.

52. «Мен билан сизнинг орамизда гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир. У осмонлару ердаги нарсани билур. Ботилга иймон келтириб, Аллоҳга куфр келтирганлар – ана ўшалар зиён кўрувчилардир», деб айт.

53. Улар сендан азобни тезлаштиришни талаб қилурлар. Агар белгиланган муддат бўлмаганида, уларга албатта азоб келган бўлур эди. Албатта, у уларга тўсатдан, улар сезмаган ҳолда келур.

54. Сендан азобни тезлаштиришни талаб қилурлар. Ҳолбуки, жаҳаннам, ҳеч шубҳасиз, кофирларни ўраб турувчидир.

55. У Кунда азоб уларни устларидан ва оёқлари остидан ўраб олур ва У Зот: «Қилиб юрган амалларингиз (жазоси)ни тотинг!» деб айтур.

56. Эй иймон келтирган бандаларим, албатта, Менинг ерим кенгдир. Менгагина ибодат қилинглар.

57. Ҳар бир жон ўлимни тотажакдир. Сўнгра Бизгагина қайтарилурсиз.

58. Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларни жаннатдан остларидан анҳорлар оқиб турган олиймақом жойларга жойлаштирурмиз. У ерда мангу қолувчидирлар. Амал қилувчиларнинг ажри нақадар яхши!

59. Улар сабр қилган ва Роббларигагина таваккул қиладиганлардир.

60. Ўз ризқини кўтара олмайдиган қанчадан-қанча жонзотлар бор. Уларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳ ризқ беради. Ва У эшитувчи, билувчидир.

61. Агар улардан: «Ким осмонлару ерни яратган ва қуёшнию ойни беминнат хизматкор қилган?» деб сўрасанг, «Аллоҳ» дерлар. Бас, қаёққа ўгирилиб кетмоқдалар?!

62. Аллоҳ Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ризқини кенг қилиб қўяди ва (хоҳлаганиникини) тор қилади. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

63. Агар улардан: «Осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтирган ким?!» деб сўрасанг, албатта «Аллоҳ» дерлар. «Аллоҳга ҳамд бўлсин!» деб айт. Йўқ! Уларнинг кўплари ақл юритмаслар.

64. Бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулгидан иборатдир. Агар билсалар, охират диёри – ана ўша ҳақиқий ҳаётдир.

65. Улар қачон кемага минсалар, Аллоҳга Унинг динига ихлос қилган ҳолларида дуо қилурлар. Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, баногоҳ ширк келтирурлар.

66. Биз берган нарсага куфр келтираверсинлар ва баҳра олаверсинлар! Бас, тезда билурлар.

67. Биз уларга Ҳарамни омонлик жойи қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Ҳолбуки, уларнинг атрофида одамлар талон-торожга учрамоқдалар. Улар ботилга иймон келтириб, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирурларми?!

68. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки ўзига келган ҳақни ёлғонга

чиқарган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Кофирларга жаҳаннамда турар жой йўқмиди?!

69. Бизнинг (йўлимизда) жиҳод қилганларни Ўз йўлларимизга ҳидоят этурмиз. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчилар биландир.



30. РУМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 60 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Мийм.
2. Рум мағлуб бўлди.
3. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар.
4. Саноқли йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар...
5. …Аллоҳнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азиздир, раҳмлидир.
6. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин одамларнинг кўпи буни билмаслар.
7. Бу дунё ҳаётининг зоҳирини билурлар. Ҳолбуки, улар охиратдан ғофилдирлар.
8. Ахир ўзларича Аллоҳ осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни фақат ҳақ билан ва маълум муддатга яратганини тафаккур қилиб кўрмасларми?! Дарҳақиқат, одамлардан кўплари Роббларига рўбарў бўлишни инкор қилувчилардир.
9. Ер юзида юриб, ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмадиларми?! Улар қувватда булардан кучлироқ эдилар ва ерга ишлов бериб, уни булар обод қилгандан кўра кўпроқ обод қилган эдилар. Ва уларга расуллари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар. Аллоҳ уларга зулм қилувчи бўлмади, лекин ўзларига ўзлари зулм қилардилар.
10. Сўнгра ёмонлик қилганларнинг оқибати Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганлари ва уларни истеҳзо қилганлари учун ёмон бўлди.
11. Аллоҳ махлуқотни йўқдан бор қилур, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтирур, сўнгра Унга қайтарилурсиз.
12. Қиёмат қоим бўлган кунда жиноятчилар ноумид бўлурлар.
13. Уларга (Аллоҳга келтирган) «шерик»ларидан шафоатчилар бўлмади ва улар «шерик»ларига куфр келтирувчи бўлдилар.

14. Соат қоим бўлган куни – ўша куни фирқаланурлар.

15. Бас, иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар – улар жаннатда шодланурлар.

16. Аммо куфр келтириб, Бизнинг оятларимизни ва охират мулоқотини ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар азобга ҳозир қилинувчилардир.

17. Тунга киришингизда ҳам, тонгга киришингизда ҳам Аллоҳни поклаб ёд этинг.

18. Осмонлару ердаги ҳамду сано Уникидир. Оқшомда ва пешинда ҳам (поклаб ёд этинг).

19. У ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ва ерни ўлимидан кейин тирилтирур. Мана шундай чиқарилурсиз.

20. Сизни тупроқдан яратгани ва сўнгра башарга айланиб, тарқалишингиз Унинг оят (белги)ларидандир.

21. Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратгани ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйгани Унинг оят (белги)ларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят (белги)лар бордир.

22. Ва осмонлару ернинг яратилиши ҳамда тилларингиз ва рангларингизнинг турлича бўлиши Унинг оят (бурҳон)ларидандир. Албатта, бунда олимлар учун оят (белги)лар бордир.

23. Ва кечаси ва кундузи ухлашингиз ҳамда Унинг фазлидан талаб қилишингиз Унинг оят (белги)ларидандир. Албатта, бунда эшитадиган қавм учун оят (белги)лар бордир.

24. Ва Унинг оятларидан – сизга қўрқув ва умид учун чақмоқни кўрсатур ва осмондан сувни туширади-да, у билан ерни ўлимидан кейин тирилтирур. Албатта, бунда ақл юритадиган қавм учун оят (белги)лар бордир.

25. Осмонлару ернинг Унинг амри ила туриши Унинг оят (белги) ларидандир. Сўнгра сизларни бир бор чақирса, ердан ҳаммангиз бирдан чиқасизлар.

26. Осмонлару ердаги кимсалар Уникидир. Барчалари Унга давомли итоаткордирлар.

27. У – махлуқотни аввал бошдан яратадиган, сўнгра уни қайта яратадиган Зотдир, бу эса Унга жуда осондир. Осмонлару ердаги энг олий васф Уникидир. У азиздир, ҳакимдир.

28. (У Зот) сизга ўзингиздан мисол келтирди. Сизларнинг қўлингизда мулк бўлганлардан Биз сизга ризқ қилиб берган нарсада шерикларингиз бор-у, сизлар унда (ризқда) тенг бўлиб, улар ҳақида ҳам ўз ҳақингизда қўрққанингиздек қўрқасизми?! Ақл юритадиган қавмлар учун оятларни ана шундай муфассал баён қилурмиз.

29. Йўқ!!! Зулм қилганлар илмсиз равишда ҳавои нафсларига эргашдилар, холос. Аллоҳ залолатга солган кимсани ким ҳидоятга сола оларди?! Ва уларга нусрат берувчилар бўлмас.

30. Сен ҳаққа мойил бўлиб, динга юз тут. (Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.

31. Унга қайтувчи бўлган ҳолда Унга тақво қилинг, намозни тўкис адо этинг ва мушриклардан бўлманг.

32. Динларида тафриқага тушган, гуруҳ-гуруҳ бўлиб олиб, ҳар бир фирқа ўз ҳузуридаги нарсадан шод бўлганлардан (бўлманг).

33. Қачон одамларга зарар етса, Роббларининг Ўзигагина қайтиб, дуо қилурлар. Сўнгра У уларга Ўзидан раҳмат тоттирганда, қарабсанки, улардан баъзи гуруҳлари Роббларига ширк келтирурлар.

34. Биз уларга берган нарсага куфр келтираверсинлар! Бас, баҳра олинг! Яқинда биласизлар!

35. Ёки Биз уларга ҳужжат туширганмиз-у, у У Зотга ширк келтирган нарсалари ҳақида сўзлармиди?!

36. Ва қачон одамларга раҳматни тоттирсак, ундан шод бўлурлар. Агар уларга ўз қўллари тақдим қилган нарса туфайли ёмонлик етса, дарҳол умидсизликка тушурлар.

37. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсага ризқни кенг ёки тор қилишини билмасларми? Албатта, бунда иймон келтирадиган қавм учун оят (белги)лар бордир.

38. Бас, қариндошга, мискинга ва йўқсил йўлчига ҳаққини бер. Ана шу Аллоҳнинг юзини ирода қилганлар учун хайрлидир. Ва ана ўшалар зафар топувчилардир.

39. Одамларнинг моллари ичида зиёда бўлсин деб рибо учун берган молингиз Аллоҳ ҳузурида зиёда бўлмас. Аллоҳнинг юзини (жамолини) кўзлаб берган закотингиз эса – ана ўшалар бир неча баробар қилиб олувчилардир.

40. Аллоҳ сизларни халқ қилган, сўнгра ризқлантирган, кейин ўлдирадиган ва яна тирилтирадиган Зотдир. Сизнинг «шерик»ларингиздан ана шулардан бирортасини қила оладиган борми?! У Зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олийдир.

41. Қилган амалларининг баъзисини тоттириш учун одамларнинг қўллари касб қилган нарсалар туфайли қуруқликда-ю денгизда бузғунчилик зоҳир бўлди. Шоядки, улар қайтсалар.

42. «Ер юзида юриб, олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинглар. Уларнинг кўплари мушрик бўлган эдилар», деб айт.

43. Бас, Аллоҳ томонидан рад қилинмайдиган кун келмасидан аввал тўғри динга юз тут. Ўша Кунда (одамлар) бўлиниб кетурлар.

44. Ким куфр келтирса, унинг куфри ўзига зарар. Кимлар яхши амаллар қилган бўлса, ўзлари учун (замин) тайёрлайдилар.

45. У Зот иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларни Ўз фазли ила мукофотлаши учундир. Албатта, У кофирларни севмас.

46. Ва сизга Ўз раҳматидан тоттириш учун, Ўз амри ила кемаларни юргизиш учун ва Унинг фазлидан (ризқ) талаб қилишингиз учун шамолларни хушхабарчи қилиб юбориши Унинг оят (белги) ларидандир. Шоядки, шукр қилсангиз.

47. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам расулларни қавмларига юбордик. Бас, уларга (қавмларига) очиқ-ойдин ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг жиноят қилганлардан интиқом олганмиз. Мўминларга нусрат бериш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган.

48. Аллоҳ шундай Зотки, шамолларни юбориб, улар ила булутни қўзғатур ва уни (булутни) осмонда Ўзи хоҳлаганича ёюр ва бўлак-бўлак қилур, унинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсан. Қачон уни (ёмғирни) Ўз бандаларидан хоҳлаган кимсаларга етказса, улар дарҳол шод бўлурлар.

49. Ҳолбуки, устларига (ёмғир) туширилишидан олдин, ҳа, ундан олдин, мутлақо умидсиз эдилар.

50. Бас, Роббинг раҳмати асарларига назар сол – ерни ўлимидан кейин қандай тирилтирур! Албатта, ана шу Зот ўликларни ҳам тирилтирувчидир ва У ҳар бир нарсага қодирдир.

51. Агар Биз бир шамол юборсак, (экинни) сарғайган ҳолда кўрсалар, ундан кейин, албатта, куфрони неъмат қилишга ўтарлар.

52. Албатта, сен ўликка эшиттира олмассан ва даъватни ортларига бурилиб кетаётган карларга эшиттира олмассан.

53. Сен кўрларни залолатларидан ҳидоят қилувчи эмассан. Фақат Бизнинг оятларимизга иймон келтирганларгагина эшиттира олурсан. Ана ўшалар мусулмонлардир.

54. Аллоҳ сизни заифликда яратган, сўнгра заифликдан кейин қувватли қилган, сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қарилик ориз қилган Зотдир. У хоҳлаганини яратадир. У билувчидир, қодирдир.

55. Соат қоим бўладиган куни жиноятчилар бир соатдан бошқа турмаганлари ҳақида қасам ичурлар. Улар ана шундай ўгирилиб кетар эдилар.

56. Илм ва иймон берилганлар: «Аллоҳнинг китоби бўйича, қайта тирилиш кунигача турдингиз. Бугун қайта тирилиш кунидир. Лекин сизлар билмас эдингиз», дерлар.

57. Бас, ўша Кунда зулм қилганларга маъзиратлари манфаат бермас ҳамда улардан рози қилишлари ҳам талаб қилинмас.

58. Батаҳқиқ, ушбу Қуръонда одамлар учун турли мисоллар келтирдик. Аниқки, агар сен уларга мўъжиза келтирсанг ҳам, куфр келтирганлар: «Сиз баттоллардан ўзга эмассиз», дерлар.

59. Аллоҳ билмайдиганларнинг қалбларига ана шундай қилиб тамға босур.

60. Сабр қил. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Аниқ ишонмаганлар сени енгилтак санамасинлар.

31. ЛУҚМОН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 34 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Мийм.

2. Ушбулар ҳикматли Китоб оятларидир.

3. У муҳсинларга ҳидоят ва раҳматдир.

4. Улар намозни тўкис адо этадиган, закот берадиган ва охиратга ишонч-ла иймон келтирадиганлардир.

5. Ана ўшалар Роббларидан бўлган ҳидоятдадирлар. Ана ўшалар ўзлари нажот топувчилардир.

6. Одамлар орасида илмсиз равишда Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун ва уни (йўлни) эрмак қилиш учун беҳуда сўзни сотиб оладиган кимсалар ҳам бор. Уларга – ана ўшаларга хорловчи азоб бор.

7. Қачон унга оятларимиз тиловат қилинса, худди уларни эшитмагандек, худди қулоғида оғирлик бордек, мутакаббирлик билан ортга қараб кетар. Бас, унга аламли азобнинг башоратини бер.

8. Албатта, иймон келтириб, яхши амаллар қилганларга – ўшаларга неъматланиш жаннатлари бордир.

9. (Улар) унда абадий қолурлар. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Ва У азиздир, ҳакимдир.

10. У сиз кўриб турган осмонларни устунсиз яратди, сизларни тебратмаслиги учун ер юзига барқарор тоғларни ташлади ва у ерда турли жонзотларни таратиб қўйди. Ва осмондан сув тушириб, у билан у ерда турли серунум жуфтларни ўстириб қўйдик.

11. Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани, Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар? Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар.

12. Луқмонга: «Аллоҳга шукр қил. Ким шукр қилса, ўзи учун қилади.

Ким ношукрлик қилса, албатта, Аллоҳ ғаний ва мақталган Зотдир», деб ҳикматни бердик.

13. Луқмон ўғлига ваъз-насиҳат қилиб: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма. Албатта, ширк катта зулмдир», деганини эсла.

14. Инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди; уни сутдан ажратиш икки йилдадир. Менга ва ота-онангга шукр қилгин. Ва қайтиш фақат Менгадир.

15. Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга мажбурласалар, уларга итоат этма! Ва бу дунёда икковлари суҳбатини яхши қил ҳамда Менга йўналганларнинг йўлига эргаш. Сўнгра қайтишингиз фақат Менгадир. Бас, сизга нима амал қилганингизнинг хабарини берурман.

16. «Эй ўғилчам, албатта, у (амал) агар ачитқи уруғи вазнича бўлса-ю, у бир қоя тош ичида ёки осмонларда, ёхуд ерда бўлса ҳам, Аллоҳ уни келтирур. Албатта, Аллоҳ латифдир, хабардордир.

17. Эй ўғилчам, намозни тўкис адо эт, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етган мусибатга сабр қил. Албатта, булар азиматли ишлардандир.

18. Одамлардан такаббур-ла юз ўгирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир димоғдор ва мақтанчоқни севмас.

19. Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир».

20. Аллоҳ сизларга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни беминнат хизматкор қилиб қўйганини ва сизга зоҳирий ва ботиний неъматларни мукаммал қилиб берганини билмадингизми?! Одамлар орасида Аллоҳ ҳақида илмсиз, ҳидоятсиз ва равшан китобсиз тортишадиганлари ҳам бор.

21. Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», дейилса: «Йўқ! Оталаримизни ниманинг устида топсак, ўшанга эргашурмиз», дерлар. Агар шайтон уларни ловуллаган олов азобига чақираётган бўлса ҳам-а?!

22. Ким гўзал амалларни қилувчи бўлган ҳолида Аллоҳга юз тутса, ишончли арқонни маҳкам тутибди. Ишларнинг оқибати фақат Аллоҳга қайтур.

23. Ким куфр келтирса, унинг куфри сени хафа қилмасин. Қайтишлари фақат Бизгадир. Бас, уларга нима амал қилганларининг хабарини берурмиз. Албатта, Аллоҳ қалблардаги нарсаларни билувчидир.

24. Уларни бир оз ҳузурлантирурмиз, сўнгра қаттиқ азобга мажбур қилурмиз.

25. Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасанг, албатта

«Аллоҳ» дерлар. «Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб айт. Йўқ! Кўплари билмаслар.

26. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Албатта, Аллоҳ Ўзи ғанийдир, мақталгандир.

27. Агар ер юзидаги дарахтнинг барчаси қаламлар бўлиб, денгиз – унинг ортида етти денгиз (сиёҳ бўлиб) мадад берса ҳам, Аллоҳнинг калималари битмас. Албатта, Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

28. Сизларни яратиш ҳам, қайта тирилтириш ҳам биргина жонники кабидир. Албатта, Аллоҳ эшитувчи, кўрувчидир.

29. Аллоҳ кечани кундузга киритишини ва кундузни кечага киритишини, қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйганини – уларнинг ҳар бири белгиланган муддатгача юрур – ва албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан ўта хабардор эканини кўрмадингми?!

30. Бу Аллоҳнинг Ўзи ҳақ экани, Ундан ўзга илтижо қилаётганлари ботил экани ва Аллоҳнинг Ўзи олий, улуғ эканидандир.

31. Кемалар Аллоҳнинг неъмати ила сизга Унинг оят (белги)ларини кўрсатиш учун денгизда юрганини кўрмадингми?! Албатта, бунда ҳар бир ўта сабрли, ўта шукрлилар учун оят (белги)лар бордир.

32. Қачон уларни тоғ каби тўлқин ўраб қолса, Аллоҳнинг динига ихлос этган ҳолда дуо қилурлар. Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, баъзилари тежамкор бўлур. Оятларимизни фақат ўта хоин, ўта кофирларгина инкор этурлар.

33. Эй одамлар! Роббингизга тақво қилинг ва ота боласига фойда бера олмайдиган, бола отасига бирор нарсада фойда берувчи бўлмайдиган Кундан қўрқинг. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Дунё ҳаёти сизни ғурурга кетказмасин. Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин.

34. Албатта, Соат илми ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Ёмғирни У ёғдирур. Бачадонлардаги нарсани ҳам У билур. Ҳеч бир жон эртага нима касб қилишини билмас. Ҳеч бир жон қайси ерда ўлишини ҳам билмас. Албатта, Аллоҳ билувчидир, хабардордир.

32. САЖДА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 30 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Алиф. Лаам. Мийм.

2. У ҳақда ҳеч шак-шубҳа йўқ бўлган Китобнинг нозил қилиниши оламларнинг Роббидандир.

3. Ёки «Уни ўзи тўқиб олган», дерларми?! Йўқ! У сендан олдин ўзларига ҳеч огоҳлантирувчи келмаган қавмни огоҳлантиришинг учун Роббингдан (келган) ҳақдир. Шоядки, улар ҳидоят топсалар.

4. Аллоҳ осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра Аршга истиво қилган Зотдир. Сиз учун ундан ўзга дўст ҳам, шафоатчи ҳам йўқдир. Ахир эслатма олмайсизларми?!

5. (У Зот) осмондан ергача барча ишнинг тадбирини қилур. Сўнгра ўша (иш) миқдори сиз санаётган ҳисобда минг йилга тенг бўлган Кунда Унга кўтарилур.

6. Ана шу Зот ғайбни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир, азиздир, раҳмлидир.

7. (У) Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал этган ва инсонни аввал бошда лойдан яратган Зотдир.

8. Сўнгра унинг наслини ҳақир бир сув сулоласидан қилди.

9. Сўнгра уни ростлади ва унинг ичига Ўз руҳидан пуфлади, сизларга қулоқ, кўзлар ва диллар пайдо қилди. Қанчалар оз шукр қиласизлар а!

10. Улар: «Биз ер остида йўқ бўлиб кетгач ҳам яна янгитдан яратиламизми?!» дерлар. Йўқ! Улар Роббларига рўбарў бўлишни инкор қилувчилардир.

11. «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни олади. Сўнгра Роббингизга қайтарилурсиз», деб айт.

12. Гуноҳкорларнинг Робблари ҳузурида бошларини эгиб туриб: «Роббимиз, кўрдик, эшитдик. Бизни ортга қайтар, солиҳ амал қиламиз. Албатта, биз аниқ ишонувчилармиз», дейишларини кўрсанг эди.

13. Агар хоҳлаганимизда, ҳар бир жонга ўз ҳидоятини берар эдик. Лекин Мендан «Жинлар ва одамларни жамлаб, жаҳаннамни тўлдирурман», деган сўз ҳақ бўлди.

14. Бас, ушбу кунингиздаги рўбарў бўлишни унутганингиз туфайли тотинглар. Биз ҳам сизни унутдик. Қилиб ўтган амалларингиз туфайли мангу азобни тотинг!

15. Албатта, оятларимизга улар ла эслатилганда, саждага йиқиладиган, Роббларини ҳамд ила поклаб ёд этадиган ва мутакаббирлик қилмайдиганларгина иймон келтирурлар.

16. Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Роббларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ қилурлар.

17. Ҳеч бир жон улар учун қилиб ўтган амалларининг мукофотига беркитиб қўйилган кўз қувончларини билмас.

18. Ахир мўмин бўлган одам фосиқ бўлган одам каби бўлурми?! Тенг бўлмаслар.

19. Аммо иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга, албатта, уларга қилиб ўтган амаллари учун зиёфат ўлароқ, жаннатул маъво бор.

20. Аммо фосиқлик қилганлар эса – бас, уларнинг жойлари дўзахдир. Ҳар қачон ундан чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтарилурлар ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган дўзахнинг азобини тотинг», дейилур.

21. Албатта, уларга буюк азобдан олдин яқин азобни тоттирамиз. Шоядки, қайтсалар.

22. Роббининг оятлари ила эслатилган, сўнгра улардан юз ўгирган одамдан кўра золимроқ ким бор?! Албатта, Биз жиноятчилардан интиқом олувчимиз.

23. Батаҳқиқ, Мусога китобни бердик. Унинг рўбарў бўлишидан шубҳада бўлма. Ва уни Бану Исроилга ҳидоят қилиб бердик.

24. Ва сабр қилган пайтларида улардан амримиз ила ҳидоятга бошлайдиган пешволар чиқардик. Улар оятларимизга аниқ ишонар эдилар.

25. Албатта, Роббинг – Ўзи қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари тўғрисида ажрим қилур.

26. Ўзларидан олдин ўтган, масканларида юриб турган қанчадан-қанча авлодларни ҳалок қилганимиз уларни ҳидоятга бошламадими?! Албатта, бунда оят (белги)лар бордир. Эшитмайдиларми?!

27. Бизнинг қуруқ ерга сувни ҳайдаб, у билан чорвалари ва ўзлари ейдиган зироатни чиқаришимизни билмайдиларми?! Ахир кўрмайдиларми?!

28. Улар: «Агар ростгўй бўлсаларингиз, бу фатҳ қачон?!» дерлар.

29. «Фатҳ куни куфр келтирганларга иймонлари манфаат бермас ва уларга муҳлат ҳам берилмас», деб айт.

30. Улардан юз ўгир ва кутиб тур. Албатта, улар ҳам кутувчидирлар.

33. АҲЗОБ СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 73 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй Набий! Аллоҳга тақво қил ва кофиру мунофиқларга итоат этма! Албатта, Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

2. Ва ўзингга Роббингдан ваҳий қилинаётган нарсага эргаш. Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

3. Ва фақат Аллоҳга таваккул қил. Вакилликка Аллоҳ кифоядир.

4. Аллоҳ бирон кишининг ичида иккита қалб қилган эмасдир. Зиҳор қилаётган хотинларингизни сиз учун она ҳам қилган эмас ва асранди болаларингизни сизга фарзанд қилган эмас. Булар оғзингиздаги гапларингиздир. Аллоҳ эса ҳақни айтур ва У тўғри йўлга ҳидоят қилур.

5. Уларни ўз оталарининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир. Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг дин қардошларингиз ва дўстларингиздир. Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ, бироқ қалбларингиз қасд қилган нарсада (бор). Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

6. Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир. Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир. Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақлидирлар. Фақат дўстларингизга яхшилик қилмоғингиз мустасно. Бу Китобда сатрлар ила битилмиш.

7. Набийлардан аҳду паймонларини олганимизни эсла! Сендан, Нуҳдан, Иброҳимдан, Мусодан ва Ийсо ибн Марямдан ҳам. Ва улардан салмоқли аҳду паймон олдик.

8. (Буни Аллоҳ) содиқлардан садоқатлари ҳақида сўраш учун қилди. Ва кофирларга аламли азобни тайёрлаб қўйди.

9. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Ўшанда устингизга лашкарлар келган эди. Уларнинг устига шамолни ва сиз кўрмаган лашкарни юбордик. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб турувчидир.

10. Ўшанда улар сизга юқоридан ҳам, қуйи томондан ҳам келган эдилар. Ўшанда кўзлар тиниб, жонлар ҳалқумга келган эди ва Аллоҳ ҳақида турли гумонлар қилардингиз.

11. Ана шунда мўминлар синовга дучор бўлдилар ва шиддатли ларзага тушдилар.

12. Ўшанда мунофиқлар ва қалбларида касаллик борлар: «Аллоҳ ва Унинг Расули бизга ёлғондан бошқани ваъда қилмаган экан», дердилар.

13. Ўшанда улардан бир тоифаси: «Эй Ясриб аҳли! Сизга (бу ерда) туриш жойи йўқ. Бас, қайтинглар», деди. Улардан бир гуруҳлари Набийдан изн сўраб: «Уйларимиз очиқ-сочиқ қолган», дерлар. Ҳолбуки, улар очиқ-сочиқ эмас. Улар қочишдан бошқани ирода қилмаслар.

14. Агар уларнинг устига унинг (Мадинанинг) ҳар тарафидан бостириб кирилса, сўнгра улардан фитна талаб қилинса, албатта уни қиладилар. Ва унда осонгина ушланиб қоладилар.

15. Ҳолбуки, улар бундан олдин ортга қараб қочмасликка Аллоҳга аҳд берган эдилар. Аллоҳга берилган аҳд эса масъулиятдир.

16. «Агар ўлимдан ёки қатл бўлишдан қочсангиз, қочиш сизга ҳеч қандай

фойда бермас. Ўшандай бўлганда ҳам, жуда оз баҳра олурсиз, холос», деб айт.

17. «Агар сизга Аллоҳ ёмонликни ирода қилса ёки сизга раҳматни ирода қилса, сизларни Ундан тўсадиган ким бор?!» деб айт. Улар ўзларига Аллоҳдан ўзга валий ҳам, ёрдам берувчи ҳам топа олмаслар.

18. Аллоҳ ичингиздаги (жиҳодга) тўсқинлик қилувчиларни ҳам ва ўз биродарларига: «Биз томон келинг», дегувчиларни ҳам билур. Улар жангга келмаслар, озгиналари мустасно.

19. Сизларга нисбатан бахиллик қилган ҳолларида (келурлар). Бас, хавф келган чоқда уларнинг сенга ўлим талвасасидаги кишига ўхшаб, кўзлари айланиб қарашларини кўрурсан. Бас, хавф кетганда эса яхшиликка очкўзлик қилиб, сизларга ўткир тиллар ила озор берурлар. Ана ўшалар иймон келтирмаганлардир. Бас, Аллоҳ амалларини ҳабата қилди. Бу эса Аллоҳ учун осон эди.

20. Аҳзобларни кетмаган деб ҳисоблarлар. Агар аҳзоблар яна келсалар, улар аъробийлар ичида, чўлда бўлиб, сизнинг хабарингизни сўраб туришни орзу қилурлар. Агар сизнинг ичингизда бўлганларида ҳам, камдан-кам жанг қилган бўлур эдилар.

21. Батаҳқиқ, сизлар учун – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди.

22. Мўминлар аҳзобларни кўрганларида: «Бу бизга Аллоҳ ва Унинг Расули ваъда қилган нарсадир. Аллоҳ ва Унинг Расули рост сўзларлар», дедилар. Бу уларга иймон ва таслимдан бошқа нарсани зиёда этмади.

23. Мўминлар ичида Аллоҳга берган аҳдларига содиқ қолган эранлар бор. Бас, уларнинг аҳдига вафо қилганлари ҳам, мунтазир бўлиб турганлари ҳам бор. Улар асло алмаштирмадилар.

24. (Бу) Аллоҳ содиқларни садоқатлари учун мукофотлаши ва агар хоҳласа, мунофиқларни азоблаши ёки тавбасини қабул қилиши учундир. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

25. Ва Аллоҳ куфр келтирганларни ғазаблари ила ортларига қайтарди. Улар ҳеч бир яхшиликка эриша олмадилар. Мўминлар учун урушда Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилди. Ва Аллоҳ қувватлидир, азиздир.

26. Ва (У Зот) уларга ёрдам берган аҳли китоблардан бўлганларни қўрғонларидан туширди ва қалбларига қўрқинч солди. Бир гуруҳини ўлдирурсизлар ва бир гуруҳини асир олурсизлар.

27. Ва уларнинг ерини, ҳовли-жойларини, мол-мулкларини ва қадамингиз етмаган ерни сизларга мерос қилиб берди. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

28. Эй Набий, жуфти ҳалолларингга айт: «Агар бу дунё ҳаётини ва унинг

зийнатини ирода қилсангиз, келинглар, сизларни баҳраманд қилай ва чиройли бўшатиш ила бўшатиб қўяй.

29. Агар Аллоҳни ва Унинг Расулини ва охират диёрини ирода қиладиган бўлсангиз, Аллоҳ сизлардан гўзал амал қилувчиларга улуғ ажрни тайёрлаб қўйган».

30. Эй Набийнинг аёллари! Сиздан ким очиқ гуноҳ қилса, унга бериладиган азоб икки марта кўпайтирилур. Бу эса Аллоҳга осондир.

31. Сизлардан ким Аллоҳ ва Унинг Расулига итоатда бўлса ва яхши амал қилса, унинг ажрини икки марта берамиз ва унинг учун гўзал ризқни тайёрлаганмиз.

32. Эй Набийнинг аёллари! Сизлар аёллардан бирортаси каби эмассиз. Агар тақво қилсангиз, майин сўз қилманг, яна қалбида касали бор бўлган тама қилиб юрмасин. Ва маъруф гапни гапиринглар.

33. Уйларингизда қарор топинг. Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг. Намозни тўкис адо этинг, закот беринг, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг. Албатта, Аллоҳ сиздан кирликни кетказиб, бутунлай поклашни ирода қилади, эй аҳли байт!

34. Ва уйларингизда тиловат қилинаётган Аллоҳнинг оятларини ва ҳикматни эсланг. Албатта, Аллоҳ латифдир, хабардордир.

35. Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар, садоқатли эркаклар ва садоқатли аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, хушуъли эркаклар ва хушуъли аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, фаржларини сақловчи эркаклар ва (фаржларини) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилувчи аёллар – ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва буюк ажрни тайёрлаб қўйгандир.

36. Ҳеч бир мўмин эркак ва ҳеч бир мўмина аёл учун Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишга ҳукм қилганида ўз ишларини ўзларича ихтиёр қилмоқ йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, очиқ адашиш-ла адашибди.

37. Эсла, Аллоҳ неъматлантирган ва сен ҳам неъматлантирган шахсга: «Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллоҳга тақво қил», дер эдинг. Ва Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингда махфий тутардинг ва одамлардан қўрқардинг, ҳолбуки, Аллоҳдан қўрқмоғинг ҳақлироқ эди. Қачонки Зайд ундан ўз ҳожатини адо этгач, сени унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болаларининг хотинларида, улардан ҳожатларини адо қилишгач, танглик бўлмасин деб. Ва Аллоҳнинг амри бўлажакдир.

38. Набийга Аллоҳ унга фарз қилган нарсада бирон танглик бўлмас. Бу

олдин ўтганлар ҳақида ҳам Аллоҳ тутган йўлдир. Аллоҳнинг амри белгиланган қадар бўлмишдир.

39. (Улар) Аллоҳнинг элчилигини етказадиган, Ундангина қўрқадиган, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўркмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг Ўзи ҳисоб-китоб қилишга кифоядир.

40. Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва набийларнинг сўнггисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

41. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинглар.

42. Ва эртаю кеч Уни поклаб ёд этинглар.

43. У – сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун Ўзи ҳам, фаришталари ҳам салавот айтувчи Зотдир. У мўминларга раҳмли зотдир.

44. У Зотга йўлиқадиган кундаги сўрашишлари «Салом»дир. Ва уларга гўзал ажрни тайёрлаб қўйгандир.

45. Эй Набий, албатта, Биз сени гувоҳлик берувчи, хушхабарчи ва огоҳлантирувчи…

46. …ва Ўз изни ила Аллоҳга даъват қилувчи ҳамда нурли чироқ қилиб юбордик.

47. Мўминларга уларга албатта Аллоҳдан улуғ фазлу марҳамат бўлиши ҳақида хушхабар бер.

48. Кофир ва мунофиқларга итоат этма. Уларнинг озорларига парво қилма. Аллоҳга таваккул қил. Вакил бўлишга Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

49. Эй иймон келтирганлар! Қачонки мўминаларни никоҳлаб олсангиз, сўнгра уларни қўл теккизмай туриб, талоқ қилсангиз, улар зиммасида сиз учун идда ўтириш бўлмас. Бас, уларни баҳраманд қилинг ва гўзал бўшатиш ила бўшатиб юборинг.

50. Эй Набий! Биз сенга маҳрларини берган жуфтларингни, Аллоҳ сенга ўлжа қилиб берган қўлингда мулк бўлганларни, амакингнинг қизлари, аммаларингнинг қизлари, тоғангнинг қизлари, холаларингнинг қизларидан сен билан ҳижрат қилганларини ҳалол қилдик ва бир мўмина аёлни ҳам, агар у ўзини Набийга ҳадя этса, Набий уни никоҳлаб олишни ирода қилса – мўминларга эмас, сен учун холос. Батаҳқиқ, уларга жуфтлари ва қўлларида мулк бўлганлар ҳақида нимани фарз қилганимизни билгандирмиз. Токи сенга танглик бўлмасин. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

51. Улардан хоҳлаганингни нари қўйиб, хоҳлаганингни ўзингга олурсан. Ўзинг четлатганлардан бирортасини истасанг, сенга гуноҳ бўлмас. Шундай бўлиши уларнинг кўзлари қувончга тўлиши, хафа бўлмасликлари ва ҳаммаларининг сен уларга берган нарсадан рози

бўлишларига яқинроқдир. Аллоҳ қалбларингиздаги нарсани биладир ва Аллоҳ билувчидир, ҳалиймдир.

52. Сенга бундан бошқа аёллар ва уларга бошқа завжаларни алмаштиришинг ҳалол бўлмас. Агар ўшаларнинг ҳусни сени ажаблантирса ҳам. Қўлингда мулк бўлганлари мустасно. Аллоҳ ҳар бир нарсани кузатиб турувчидир.

53. «Эй иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманглар. Сизларга таомга изн берилганидагина, унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган ҳолда (киринглар). Лекин чақирилсангиз, киринг-да, таомни еб бўлишингиз билан тарқалиб кетинг, гапга берилиб, (қолиб) кетманг. Бундай қилишингиз Набийга озор берур. У эса сизлардан ҳаё қилади. Аллоҳ ҳақ(ни айтиш)дан ҳаё қилмайди. Қачонки улардан (завжаларидан) бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўранг. Шундай қилишингиз сизларнинг қалбларингиз учун ҳам, уларнинг қалблари учун ҳам покроқдир. Сиз учун Расулуллоҳга озор бериш ва ундан кейин унинг завжаларини никоҳингизга олишингиз ҳеч қачон мумкин эмас. Албатта, бундай қилишингиз Аллоҳнинг наздида улкан (гуноҳ) дир».

54. Агар бирор нарсани ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчидир.

55. Уларга ўз оталари, ўғиллари, ака-укалари, ака-укаларининг ўғиллари, опа-сингилларининг ўғиллари, ўз аёллари ва қуллари остида мулк бўлганлар ҳақида гуноҳ йўқдир. (Эй Набийнинг аёллари,) Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.

56. Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга салавот айтурлар. Эй иймон келтирганлар! (Сиз ҳам) унга салавот айтинг ва салом юборинг.

57. Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига озор берадиганларни Аллоҳ бу дунё ва охиратда лаънатлади ҳамда уларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйди.

58. Мўмин ва мўминаларга, улар бирор нарса қилмасалар ҳам, озор берадиганлар, ўз устларига очиқ бўҳтон ва гуноҳни олибдилар.

59. Эй Набий, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша танилмоқлари ва озорга учрамасликлари учун яқинроқдир. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

60. Қасамки, агар мунофиқлар, қалбларида касаллик борлар ва Мадинада миш-миш тарқатувчилар тўхтамасалар, сени уларга қарши қўзғатурмиз. Сўнгра улар унда (Мадинада) сенга озгинадан бошқа қўшни бўла олмаслар.

61. Лаънатланган ҳолларида қаерда топилсалар, тутилурлар ва ўлдириб ташланурлар.

62. Илгари ўтганлар ҳақида Аллоҳ тутган йўл ҳам шудир. Аллоҳнинг йўлига ҳеч бадал топа олмассан.

63. Одамлар сендан Соат ҳақида сўрарлар. «Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир», деб айт. Недан билурсан, эҳтимол, Соат яқинда бўлар.

64. Албатта, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва уларга ловуллаган оловни тайёрлаб қўйди.

65. Улар унда абадий – мангу қолувчидирлар. На бир валий ва на бир нусрат берувчи топа олмаслар.

66. Юзлари олов ичида айлантирилаётган Кунда улар: «Эҳ, қани эди, Аллоҳга итоат қилган бўлсак, Расулига итоат қилган бўлсак», дерлар.

67. Ва дедилар: «Роббимиз, албатта, биз бошлиқларимизга ва катталаримизга итоат қилдик. Бас, улар бизни йўлдан оздирдилар.

68. Роббимиз, уларга азобдан икки ҳисса бергин ва уларни катта лаънатлаш ила лаънатлагин!»

69. Эй иймон келтирганлар! Мусога озор берганлар каби бўлманглар. Аллоҳ уни улар айтган нарсадан поклади. Ва у Аллоҳнинг наздида обрўли эди.

70. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар ва тўғри сўз сўзланглар.

71. У Зот сизнинг амалларингизни солиҳ қилади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, буюк ютуққа эришибди.

72. Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик. Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Уни инсон кўтарди. Дарҳақиқат, у ўта золимдир, ўта жоҳилдир.

73. Аллоҳ мунофиқлар ва мунофиқаларни, мушриклар ва мушрикаларни азоблаши учун ҳамда мўмин ва мўминаларнинг тавбаларини қабул этиши учундир. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.



34. САБАЪ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 54 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уники бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Охиратдаги ҳамд ҳам Уникидир ва У ҳакимдир, хабардордир.

2. (У) ерга нима кирса ва ундан нима чиқса, билади; осмондан нима тушса ва унга нима чиқса, билади. Ва У раҳмлидир, мағфиратлидир.

3. Куфр келтирганлар: «Бизга Соат келмас», дедилар. «Йўқ! Ғайбни билувчи Роббим ила қасамки, у сизларга албатта келур. У Зотдан осмонлару ердаги зарра вазнича – ундан кичик нарса ҳам, катта нарса ҳам – яширин қолмас. Илло, ҳаммаси очиқ китобдадир», деб айт.

4. Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларни мукофотлаш учун. Ана ўшаларга мағфират ва гўзал ризқ бордир.

5. Оятларимизни (зое қилиб) ожиз қолдиришга ҳаракат қилганлар – ана ўшаларга қақшатқич азобдан иборат аламли азоб бордир.

6. Илм берилганлар сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани айни ҳақ деб ва азизу мақталган Зотнинг йўлига ҳидоят қилади деб билурлар.

7. Куфр келтирганлар эса дедилар: «Бутунлай титилиб битган чоғингизда албатта янгитдан яратилишингиз хабарини бераётган кишини сизларга кўрсатайликми?!

8. У Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқидими ёки унда жиннилик борми?» Йўқ! Охиратга иймон келтирмайдиганлар азобда ва бутунлай залолатдадирлар.

9. Ахир улар осмону ердаги нарсаларни, олдларидаги нарсаларни, ортларидаги нарсаларни кўрмайдиларми?! Агар хоҳласак, уларни ерга юттириб юборурмиз ёки устларига осмондан парчалар туширурмиз. Албатта, бунда У Зотга қайтувчи ҳар бир банда учун оят (белги) бордир.

10. Батаҳқиқ, Биз Довудга Ўзимиздан фазл бердик. «Эй тоғлар, у билан бирга (тасбеҳни) қайтаринг ва қушлар ҳам» (дедик). Ва унга темирни юмшоқ қилдик.

11. Ва (унга) «Совутлар қилгин ва бичимини ўлчовли қил. Солиҳ амаллар қилинглар. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни кўриб турувчиман» (дедик).

12. Ва Сулаймонга шамолни (бердик). Унинг (шамолнинг) эрталаб кетиши бир ойлик, кечқурун қайтиши бир ойлик йўл эди. Унга мис булоғини оқизиб қўйдик ва жинлардан Роббининг изни ила унинг ҳузурида ишлайдиганлари бор эди. Улардан ким амримиздан чиқса, унга ловуллаган олов азобини тоттирамиз.

13. Улар (жинлар) унга меҳроблар, ҳайкаллар, ҳовузлар каби лаганлар ва собит қозонлардан хоҳлаганини қилиб беришар эди. Эй Оли Довуд, шукр қилинглар! Бандаларимдан шукр қилувчилари оздир.

14. Биз унга (Сулаймонга) ўлимни ҳукм этганимизда, асосини еяётган ёғоч қуртидан бошқа ҳеч бир нарса унинг ўлими ҳақида далолат қилмади. Йиқилганида, жинларга, агар улар ғайбни билганларида, хорловчи азобда қолмаган бўлишлари аён бўлди.

15. Батаҳқиқ, сабаъликлар учун ўз масканларида оят (белги) – ўнг ва

чапдан икки боғ бор эди. «Роббингизнинг ризқидан енг ва Унга шукр қилинг! Не гўзал юрт ва мағфиратли Роббингиз бор» (дедик).

16. Улар юз ўгирдилар. Бас, устларига арим селини юбордик ва икки боғларини аччиқ мевали, юлғунзор ва бир озгина сидрли икки «боғ»га айлантирдик.

17. Уларни ношукрлик қилганлари учун ана шундай жазоладик. Фақат ўта ношукрларгагина жазо берурмиз.

18. Биз улар билан Ўзимиз баракали қилган шаҳарлар орасида кетма-кет қишлоқлар қилиб, улар орасидаги юришни ўлчовли этиб қўйган ва: «Уларда кечалар ҳам, кундузлар ҳам омонликда юраверинг» (деган эдик).

19. Улар: «Роббимиз, сафарларимиз орасини узоқ қил!» дедилар ва ўзларига зулм қилдилар. Бас, уларни ҳикояларга айлантирдик ва бутунлай парча-парча қилиб ташладик. Албатта, бунда ҳар бир ўта сабрли ва ўта шукрли учун оят (белги)лар бордир.

20. Батаҳқиқ, иблис улар ҳақидаги гумонини рўёбга чиқарди. Бас, фақат бир гуруҳ мўминлардан бошқалари унга эргашдилар.

21. Ҳолбуки, унинг улар устидан ҳеч бир ҳукмронлиги бўлмас эди. Лекин (бу) Биз охиратга иймон келтирадиганни унга шаки бордан айиришимиз учун бўлди. Роббинг ҳар бир нарсани кузатиб турувчидир.

22. «Аллоҳдан ўзга гумон қилганларингизга дуо қилаверинглар! Улар осмонлару ерда зарра вазнича нарсага ҳам молик эмаслар. Улар учун иккови(яратилиши)да ҳам шериклик йўқ. Ва У Зотга улардан бирорта ёрдамчи ҳам йўқ», деб айт.

23. У Зотнинг ҳузурида фақат Ўзи изн берганлардан бошқанинг шафоати манфаат бермас. Қалбларидан қўрқинч кетгач эса: «Роббингиз нима деди?» дерлар. «Ҳақни», дерлар. У олийдир, буюкдир.

24. «Сизга осмонлару ердан ким ризқ беради?» деб айт. Айтгин: «Аллоҳ. Ва албатта, биз ёки сиз ҳидоят узра ёхуд очиқ-ойдин залолат ичрамиз».

25. «Сизлар биз қилган жиноятдан сўралмассиз, биз эса сиз қилган амалдан сўралмасмиз», деб айт.

26. «Роббимиз бизларни жамлар, сўнгра ҳақ ила орамизни очиқ қилур. У фаттоҳдир, билувчидир», деб айт.

27. «У Зотга шериклар қилиб тиқиштирганларингизни менга кўрсатинг. Йўқ! Фақат азизу ҳаким Аллоҳгина бордир», деб айт.

28. Сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.

29. Улар: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур?» дерлар.

30. «Сизга бир куннинг ваъдаси бор. Ундан бир он ортга ҳам қола олмассиз, олдин ҳам кета олмассиз», деб айт.

31. Куфр келтирганлар: «Ушбу Қуръонга ҳам, ундан олдинги нарсага ҳам ҳеч иймон келтирмасмиз», дедилар. Робблари ҳузурида турғизиб қўйилганларида ўша золимларнинг бир-бирларига гап қайтараётганларини кўрсанг эди. Ўшанда заиф саналганлар мутакаббирлик қилганларга: «Сиз бўлмаганингизда, албатта мўмин бўлар эдик», дерлар.

32. Мутакаббирлик қилганлар заиф саналганларга: «Сизга ҳидоят келганидан кейин биз сизни ундан тўсдикми?! Йўқ! Ўзингиз жиноятчи бўлдингиз», дерлар.

33. Заиф саналганлар мутакаббирлик қилганларга: «Йўқ! Кечаю кундузнинг макри (тўсди). Ўшанда бизни Аллоҳга куфр келтиришимизга, Унга тенгдошлар қўшишимизга амр қилар эдингиз», дедилар. Улар азобни кўрган чоқларида надоматни ичларида тутдилар. Куфр келтирганларнинг бўйинларига кишанлар солдик. Улар фақат қилиб юрган амалларига яраша жазолanурлар.

34. Қайсики бир шаҳар-қишлоққа огоҳлантирувчи юборсак, албатта унинг маишатбозлари: «Биз сиз ила юборилган нарсага куфр келтирувчилармиз», дедилар.

35. Улар: «Бизнинг мол-дунёмиз, бола-чақамиз кўпроқ. Биз азобланувчи эмасмиз», дерлар.

36. «Роббим хоҳлаган бандасига ризқни кенг ва тор қилур. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб айт.

37. На мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизни ҳузуримизда яқин қила олмас. Аммо ким иймон келтирган ва солиҳ амал қилган бўлса, ана ўшаларгагина қилган амаллари туфайли кўпайтирилган мукофот бордир. Улар (жаннат) «ғурфа»ларида омонликдадирлар.

38. Оятларимизни (зое қилиб) ожиз қолдиришга ҳаракат қиладиганлар эса – ана ўшалар азоб қаърига ҳозир қилинурлар.

39. Айт: «Албатта, Роббим ризқни Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга кенг қилур ва тор қилур. У ҳар бир инфоқ қилган нарсангизнинг ўрнини тўлдирур. У Зот ризқ берувчиларнинг яхшисидир».

40. Уларнинг барчаларини жамлайдиган, сўнгра У Зот фаришталарга: «Анавилар сизларга ибодат қилган эдиларми?» дейдиган кунда…

41. улар: «Сен поксан! Сен бизнинг валийимизсан! Улар эмас! Йўқ! Улар жинларга ибодат қилар эдилар. Кўплари ўшаларга иймон келтирувчидирлар», дерлар.

42. Бугунги кунда бир-бирингиз учун манфаатга ҳам, зарарга ҳам молик эмассизлар. Ва зулм қилганларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқариб юрган дўзах азобини татиб кўринг», дермиз.

43. Қачонки уларга Бизнинг очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинса: «Бу сизни ота-боболарингиз ибодат қилиб юрган нарсадан тўсмоқни ирода

қиладиган одам, холос», дедилар ва: «Бу тўқилган уйдирмадан бошқа нарса эмас», дедилар. Куфр келтирганлар эса ўзларига ҳақ келган чоқда: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдан бошқа нарса эмас», дедилар.

44. Ҳолбуки, уларга дарс оладиган китобларни бермаган эдик. Сендан олдин уларга бирор огоҳлантирувчи ҳам юбормаган эдик.

45. Улардан илгари ўтганлар ҳам (пайғамбарларни) ёлғончи қилган эдилар. (Булар) уларга берган нарсаларимизнинг ўндан бирига ҳам етганлари йўқ. Бас, расулларимни ёлғончига чиқардилар. Хўш, инкорим қандай экан?

46. «Мен сизга биргина насиҳат қилурман: Аллоҳ учун холис, иккита-иккита ва битта-битта туриб, бир фикр юритиб кўринглар. Соҳибингизда ҳеч қандай жиннилик йўқ. У сизларга шиддатли азобдан олдинги огоҳлантирувчи, холос», деб айт.

47. Айт: «Мен сизлардан бирор ажр сўраган бўлсам, у ўзингизга. Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида. У Зот ҳар бир нарсага шоҳиддир».

48. «Албатта, Роббим ҳақни индирур. У Зот ғайбларни яхши билувчидир», деб айт.

49. «Ҳақ келди! Ботил янгиланмас ва қайтмас», деб айт.

50. «Агар залолатга кетган бўлсам, ўз зараримга кетаман. Агар ҳидоят топсам, Роббим менга ваҳий қилган нарса туфайли топаман. Албатта, У Зот эшитувчидир, яқиндир», деб айт.

51. Агар уларнинг даҳшатга тушишларини – энди қочиб-қутулиш йўқ – ва яқин макондан тутилишларини бир кўрсанг эди!

52. Ва улар: «Унга иймон келтирдик», дерлар. Энди узоқ бир макондан улар учун тановул қандай бўлсин?!

53. Ҳолбуки, унга олдин куфр келтирган эдилар. Ғайбга узоқ жойдан тош отар эдилар.

54. Ва улар билан ўзлари иштаҳа қилган нарсанинг ораси тўсилди. Худди олдин ўтган маслакдошлари каби. Албатта, улар шак-шубҳа аро эдилар.



35. ФОТИР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 45 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлару ерни йўқдан бор қилган, фариштаиарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. У Зот махлуқотларда нимани хоҳласа, зиёда қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

2. Аллоҳ одамларга не раҳматни очса, уни тутиб қолувчи бўлмас. Нимани ушлаб қолса, Ундан кейин уни қўйиб юборувчи бўлмас. У Зот азиздир, ҳакимдир.

3. Эй одамлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг! Сизларга осмон ва ердан ризқ берадиган Аллоҳдан бошқа холиқ борми? Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бас, қаёққа ўгирилиб кетмоқдасиз?!

4. Агар сени ёлғончига чиқарсалар, бас, сендан олдин ҳам расуллар ёлғончига чиқарилганлар. Барча ишлар Аллоҳгагина қайтарилур.

5. Эй одамлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин. Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин.

6. Шайтон сизларга душмандир. Бас, уни душман тутинг. У ўз гуруҳини фақат (ловуллаган) олов эгаларидан бўлишга чақиради, холос.

7. Куфр келтирганларга шиддатли азоб бордир. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларга мағфират ва улкан ажр бордир.

8. Қилган ёмон амали ўзига чиройли кўрсатилиб, уни яхши деб билган кимса (Аллоҳ ҳидоятга солган кимса каби бўлур)ми?! (Йўқ!) Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандани залолатга кетказур, Ўзи хоҳлаган бандани ҳидоятга солур. Уларга жонинг ҳасрат-ла ачинмасин. Албатта, Аллоҳ нима ҳунар қилаётганларини яхши билувчидир.

9. Аллоҳ шамолларни юборган Зотдир. Улар булутни қўзғотади. Биз уни ўлик юрт томон ҳайдаб, у билан ерни ўлимидан кейин тирилтирурмиз. Тирилиш ҳам шунга ўхшашдир.

10. Кимки иззат истаса, бас, барча иззат Аллоҳникидир. Унга хуш каломлар юксалур ва солиҳ амал кўтарур уни. Макр ила ёмонликлар қилганларга шиддатли азоб бордир. Ана ўшаларнинг макри ботил бўлур.

11. Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди. Қайси бир урғочи нимага ҳомиладор бўлса, нимани туғса, фақат Унинг илми билан бўлур. Узоқ умр кўрганга яна умр берилиши ёки умрининг қисқартирилиши фақат Китобдадир. Албатта, бу Аллоҳга осондир.

12. Дарёю денгиз – иккиси тенг бўла олмас. Буниси тотли, чанқоқбосар, ютуми енгилдир. Буниси эса шўр, тахирдир. Ҳар биридан тоза гўшт ейсиз ва тақинчоқ чиқариб, тақурсиз. Ва Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун уни ёриб кетаётган кемаларни кўрурсан. Шоядки, шукр қилсангиз.

13. (У Зот) кечани кундузга, кундузни кечага киритур, қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйгандир. Ҳар бири белгиланган муддатгача юради. Ана шу Аллоҳ – Роббингиздир. Мулк Уникидир. Ундан ўзга илтижо қилаётганларингиз эса данак пўстлоғига ҳам молик эмаслар.

14. Агар уларга дуо қилсангиз, дуоингизни эшитмаслар. Мабодо

эшитсалар ҳам, сизга жавоб бера олмаслар. Қиёмат куни эса уларни ширк келтирганингизни инкор этурлар. Ҳеч ким сенга хабардор Зот каби хабар бера олмас.

15. Эй одамлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсиз. Аллоҳ ғанийдир, мақталгандир.

16. Агар хоҳласа, сизни кетказиб, (ўрнингизга) янги бир халқни келтирур.

17. Ва бу Аллоҳ учун қийин эмасдир.

18. Ҳеч бир юкли жон ўзганинг юкини кўтармас. Юки оғир жон ўз юкига (бошқани) чақирса-да, ундан ҳеч бир нарса кўтарилмас. Гарчи қариндош бўлса ҳам. Сен фақат Роббларидан ғойибона қўрқадиган ва намозни тўкис адо этганларни огоҳлантирурсан. Ким покланса, ўзи учун покланур. Қайтиш Аллоҳгадир.

19. Кўр билан кўзи очиқ тенг бўлмас.

20. Зулматлар билан нур ҳам.

21. Соя билан жазирама ҳам.

22. Тириклар билан ўликлар тенг бўлмас. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кимсага эшиттирур. Сен қабрлардаги кимсаларга эшиттирувчи эмассан.

23. Сен фақат огоҳлантирувчисан, холос.

24. Биз сени ҳақ ила хушхабарчи ва огоҳлантирувчи этиб юбордик. Қайсики уммат ўтган бўлса, унда огоҳлантирувчи бўлган.

25. Агар сени ёлғончига чиқарсалар, батаҳқиқ, улардан олдин ўтганлар ҳам ёлғончига чиқарганлар. Ҳолбуки, расуллари уларга очиқ ойдин оят-мўъжизалар билан, саҳифалар билан ва нурли китоб билан келган эдилар.

26. Сўнгра куфр келтирганларни тутдим. Бас, Менинг инкорим қандай экан?!

27. Аллоҳнинг осмондан сув туширганини кўрмадингми? Сўнг у ила турли ранглардаги меваларни ва тоғлардан турли ранглардаги – оқ, қизил ва қоп-қора сўқмоқларни чиқардик.

28. Шунингдек, одамлардан, ҳайвонлардан ва чорвалардан ҳам турфа рангылиларини чиқардик. Аллоҳдан бандалари орасида фақат олимларигина қўрқарлар. Албатта, Аллоҳ азиздир, мағфиратлидир.

29. Албатта, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўкис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ қилганлар ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар.

30. Чунки У Зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур. Албатта, У мағфиратлидир, кўп савоб берувчидир.

31. Биз сенга ваҳий қилган Китоб айни ҳақдир, ўзидан олдингини

тасдиқловчи бўлгандир. Албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан хабардордир, (уларни) кўрувчидир.

32. Сўнгра бу Китобни Ўз бандаларимиздан танлаб олганларимизга мерос қилдик. Бас, улардан ўзига ўзи зулм қилувчилари бор, улардан ўртачалари бор ва улардан Аллоҳнинг изни ила яхшиликларда ўзувчилар ҳам бор. Ана шу айни улуғ фазлдир.

33. Улар адн жаннатларига кирурлар. Унда тилла билакузуклар ва инжулар ила безатилурлар. Унда либослари ипакдир.

34. Улар дерлар: «Биздан ғам-қайғуни кетказган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта, Роббимиз мағфиратлидир, кўп савоб берувчидир».

35. У Зот бизларни Ўз фазли ила бир турар жойга жойлаштирдики, у ерда бизга чарчоқ ҳам етмас, ҳорғинлик ҳам етмас».

36. Куфр келтирганларга эса жаҳаннам оташи бордир. Уларга на ҳукм қилинмаски, ўлсалар ва на улардан унинг азоби енгиллатилмас. Ҳар бир кофирни шундай жазолаймиз.

37. Улар у ерда: «Роббимиз!!! Бизларни чиқар!!! Қилиб юрган амалларимиздан бошқа солиҳ амаллар қиламиз!!!» деб дод-фарёд солурлар. «Сизларга эслатма оладиган одам эслатма олгудек узоқ умр бермаган эдикми?! Сизларга огоҳлантирувчи келмаган эдими?! Бас, энди тотаверинглар! Золимларга ҳеч бир ёрдамчи йўқдир», (дейилур).

38. Албатта, Аллоҳ осмонлару ернинг ғайбини билувчидир. Албатта, У диллардаги сирларни ҳам билувчидир.

39. У сизларни ер юзида халифалар қилиб қўйган Зотдир. Ким куфр келтирса, унинг кофирлиги ўзига зарар. Кофирлар учун куфрлари Роббалари ҳузурида ғазабдан бошқани зиёда қилмас. Кофирлар учун куфрлари зиёндан бошқани зиёда қилмас.

40. «Менга Аллоҳдан бошқа илтижо қилаётган шерикларингизнинг хабарини беринг-чи?! Менга кўрсатинглар-чи, улар ерда нимани яратдилар?! Ёки улар учун осмонлар (яратилиши)да шериклик борми?!» деб айт. Ёки уларга китоб берганмиз-у, уларга унда бирон ҳужжат борми?! Йўқ!!! Золимлар бир-бирларига алдовдан бошқани ваъда қилмаслар.

41. Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишларидан ушлаб турур. Агар қулайдиган бўлсалар, Ундан ўзга ҳеч ким уларни ушлаб тура олмас. Албатта, У ҳалиймдир, мағфиратлидир.

42. Улар агар ўзларига огоҳлантирувчи келса, ҳар қандай умматдан кўра ҳидоятли бўлишлари ҳақида жон-жаҳдлари билан Аллоҳ номи ила қасам ичар эдилар. Аммо огоҳлантирувчи келганида, уларда нафратдан бошқани зиёда қилмади...

43. ер юзида мутакаббирлик ва ёмон макрни ҳам. Ёмон макр эса фақат ўз эгасига қайтади. Улар фақат аввалгиларнинг суннатига илҳақ

бўлмоқдаларми?! Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз бадал топа олмассан. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз ўзгартириш топа олмассан.

44. Ахир ер юзида юриб, ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?! Ҳолбуки, ўшалар булардан кўра қувватлироқ эдилар. На осмонларда ва на ерда бирор нарса Аллоҳни ожиз қолдира олмас. Албатта, У Зот билувчидир, қодирдир.

45. Агар Аллоҳ одамларни қилганларига яраша оладиган бўлса, ер юзида бирорта жонзотни қўймас эди. Лекин уларни белгиланган муддатгача қўйиб қўюр. Ўша ажаллари келганда эса… Бас, албатта, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир.

36. ЁСИН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 83 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Йа. Сийн.

2. Ҳикматли Қуръон ила қасам.

3. Албатта, сен расуллардандирсан.

4. Тўғри йўлдасан.

5. Азизу раҳимли Зотнинг нозил қилганидир.

6. Ота-боболари огоҳлантирилмаган, ўзлари ҳам ғофил бўлган қавмларни огоҳлантиришинг учун.

7. Батаҳқиқ, уларнинг кўпларига (азоб) сўзи ҳақ бўлди. Бас, улар иймон келтирмаслар.

8. Бўйинларига кишанлар солдик. Улар ияклариғача етади. Бас, улар кўзлари юмуқ, осмонга қараб ғўдайиб қолурлар.

9. Ва уларнинг олдларидан ҳам тўсиқ қилдик, орқаларидан ҳам тўсиқ қилдик, кўзларига парда тортдик. Бас, улар кўрмаслар.

10. Ва уларга барибир – қўрқитсанг ҳам, қўрқитмасанг ҳам, иймонга келмаслар.

11. Сен эса фақат зикр (эслатма)га эргашган ва Роҳмандан ғойибона қўрққан кимсани огоҳлантирурсан. Бас, унга мағфират ва карамли ажрнинг хушхабарини бер.

12. Албатта, Биз Ўзимиз ўликларни тирилтирурмиз ва улар тақдим қилган нарсаларни ва қолдирган асарларни ёзурмиз. Очиқ-ойдин «имом»да ҳар бир нарсанинг ҳисобини олиб қўйганмиз.

13. Уларга шаҳар аҳолисига расуллар келган пайтни мисол қилиб келтир.

14. Ўшанда уларга иккитани юборган эдик, улар икковларини ёлғончига чиқардилар. Бас, учинчи билан қўлладик. Шунда: «Албатта, биз сизларга (юборилган) расуллармиз», дедилар.

15. Улар: «Сиз бизга ўхшаган башардан бошқа нарса эмассиз. Роҳман ҳеч нарса нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз, холос», дедилар.

16. Улар дедилар: «Роббимиз билади. Албатта, биз сизларга юборилган расуллармиз.

17. Бизнинг зиммамизда очиқ-ойдан етказишдан бошқа нарса йўқ».

18. Улар: «Биз сизлардан бадгумон бўлдик. Агар тўхтамасангиз, сизни албатта тошбўрон қилурмиз ва сизга биздан аламли азоб етади», дейишди.

19. Улар: «Бадгумонлигингиз ўзингиз билан. Сизга эслатма берилганигами?! Йўқ! Сиз ўзингиз ҳаддидан ошган қавмсиз», дедилар.

20. Шаҳар четидан бир киши шошилиб келиб, деди: «Эй қавмим, расулларга эргашинг!

21. Сиздан ажр сўрамайдиган, ўзлари ҳидоятда бўлган шахсларга эргашинг!

22. Менга нима бўлибдики, ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин?! Унгагина қайтарилурсизлар.

23. Уни қўйиб, бошқа илоҳлар тутайми?! Агар Роҳман менга бирор зарарни ирода қилса, уларнинг шафоати менга ҳеч фойда бермас ва мени қутқара олмаслар.

24. У ҳолда мен очиқ-ойдин адашувда бўлурман.

25. Албатта, мен Роббингизга иймон келтирдим. Бас, мени тинглангиз».

26. «Жаннатга кир», дейилди. У деди: «Қани эди, қавмим билсалар…

27. Роббим мени мағфират қилганини ва икром этилганлардан қилганини».

28. Унинг қавмига ундан кейин осмондан бирор қўшин туширмадик ва туширувчи ҳам эмасдик.

29. Фақат биргина қичқириқдан бошқа нарса бўлмади. Бирдан улар сўниб қолдилар.

30. Бандаларга ҳасратлар бўлсин! Ҳар қачон уларга пайғамбар келса, уни фақат мазах қилар эдилар.

31. Ахир улар ўзларидан олдинги қанча аср (авлод)ларни ҳалок этганимизни ва ўшалар уларга қайтмасликларини кўрмадиларми?!

32. Албатта, барчалари тўпланган ҳолларида ҳузуримизга ҳозир қилингайлар.

33. Улар учун ўлик ер оят-белгидир. Уни тирилтирдик ва ундан дон чиқардик. Бас, ундан ерлар.

34. Ва унда хурмо ва узум боғлари яратдик ҳамда ичидан булоқларни чиқардик.

35. Унинг меваларидан ва ўз қўллари қилган нарсалардан ейишлари учун. Шукр қилмайдиларми?!

36. Ер ўстирадиган нарсалардан, уларнинг ўзларидан ва улар билмайдиган нарсалардан – барчасидан жуфтлар яратган Зот покдир.

37. Улар учун тун ҳам оят-белгидир. Ундан кундузни шилиб олурмиз. Бас, улар бирдан зулматда қолувчилардир.

38. Қуёш ўз истиқрори учун юради. Бу азиз, билувчи Зотнинг ўлчовидир.

39. Ойни эса токи эски хурмо шингилига ўхшаб қайтгунига қадар турли манзилларини ўлчаб қўйганмиз.

40. На қуёшнинг ойга етиб олмоғи дуруст бўлар ва на кеча кундуздан ўзиб кетар. Ҳар бири фалакда сузиб юрар.

41. Биз уларнинг наслларини тўла кемада кўтарганимиз ҳам улар учун бир оят-белгидир.

42. Ва улар учун унга ўхшаш минадиган нарсаларни халқ қилдик.

43. Агар хоҳласак, уларни ғарқ этурмиз. Бас, уларнинг халоскори бўлмас ва улар қутқарилмаслар ҳам.

44. Биздан бир раҳмат ва маълум муддатгача баҳраманд бўлиш мустасно.

45. Уларга: «Олдингиздаги нарсадан ва ортингиздаги нарсадан қўрқинг. Шояд, раҳм қилинсангиз», дейилганда…

46. ва уларга Роббларининг оятларидан бир оят келганда, фақат ундан юз ўгирувчи бўлурлар.

47. Уларга: «Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсадан инфоқ қилинглар», дейилса, куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Аллоҳ хоҳласа, Ўзи таом берадиган кимсани биз таомлантирамизми?! Сиз очиқ-ойдин залолатдан бошқа нарсада эмассиз», дерлар.

48. Улар яна: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур?» дерлар.

49. Талашиб-тортишиб турганларида ўзларини бирдан оладиган биргина қичқириқдан бошқа нарсани кутаётганлари йўқ.

50. На васият қилишга тоқатлари етар ва на ўз аҳлларига қайтарлар.

51. Ва сурга пуфланди. Бас, улар бирдан Робблари томон қабрлардан шошилиб чиқурлар.

52. Улар: «Воҳ, шўримиз қурисин! Бизни ётган жойимиздан ким қўзғатди?! Бу Роҳман ваъда қилган ва расуллар тасдиқлаган нарса-ку?!» дерлар.

53. Фақат биргина қичқириқдан бошқа нарса бўлгани йўқ. Бас, улар бирдан тўпланиб, ҳузуримизда ҳозир қилингандирлар.

54. Бугунги кунда бирор жонга ҳеч бир зулм қилинмас. Қилиб ўтган амалларингиздан бошқасига жазо олмассиз.

55. Албатта, жаннат эгалари у Кунда хушнудлик-ла машғулдирлар.

56. Улар ва уларнинг жуфтлари сояларда, пардали, баланд сўриларда ёнбошлаб ётурлар.

57. Улар учун у ерда мевалар бордир ва улар учун истаган нарсалари бордир.

58. Раҳимли Роббдан «Салом» сўзи бордир.

59. Бугунги кунда ажралингиз, эй жиноятчилар!

60. Сизларга амр қилмаганмидим: «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилманг, албатта, у сизга очиқ-ойдин душмандир.

61. Ва Менга ибодат қилинг, мана шу тўғри йўлдир», деб?!

62. Батаҳқиқ, сизлардан кўпчилик халқни адаштирди. Ақл юритувчи бўлмаган эдингизми?!

63. Мана бу сизга ваъда қилинган жаҳаннамдир!

64. Куфр келтириб ўтганингиз туфайли бугунги кунда унга кириб, куйинг!

65. Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр урамиз. Нима касб қилганларини Бизга қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур.

66. Агар хоҳласак, кўзларини теп-текис қилиб қўюрмиз. Бас, улар йўлга шошилурлар. Аммо қандай ҳам кўрсинлар?!

67. Агар хоҳласак, уларни жойларида қотириб қўюрмиз. Бас, олдинга юришга ҳам қодир бўлмаслар, ортга ҳам қайта олмаслар.

68. Кимнинг умрини узоқ қилсак, уни хилқатида тескари қилиб қўямиз. Ахир ақл юритмайдиларми?!

69. Унга шеърни ўргатганимиз йўқ. Бу унинг учун тўғри ҳам келмас. У зикр ва очиқ-ойдин Қуръондан ўзга нарса эмас.

70. Тирик бўлган шахсларни огоҳлантириш ва кофирларга (азоб) сўзини ҳақ қилиш учундир.

71. Ахир Биз улар учун Ўз қўлларимиз-ла қилган нарсалардан чорваларни яратиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Бас, улар ўшаларга моликдирлар-ку!

72. Уларга ўша (ҳайвон)ларни бўйсундириб қўйдик. Бас, улардан маркаблари бор ва улардан ерлар.

73. Улар учун ўшаларда манфаатлар ва ичимликлар бор. Ахир шукр қилмайдиларми?!

74. Аллоҳдан ўзга илоҳлар тутдилар. Шоядки, ёрдам кўрсалар.

75. (Илоҳлари) уларга ёрдамга қодир бўлмаслар. Ҳолбуки, улар булар учун ҳозирланган лашкардир.

76. Уларнинг гапи сени маҳзун қилмасин. Албатта, Биз нимани сир тутсалар ва нимани ошкор қилсалар, билурмиз.

77. Инсон Биз уни нутфадан яратганимизни билмайдими?! Энди эса у баногоҳ очиқ-ойдин хусуматчи бўлиб турибди!

78. (У) Бизга мисол келтирди ва ўзининг яратилишини унутди. «Суякларни ким тирилтирур? Ҳолбуки, улар титилиб кетган-ку?!» деди.

79. «Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтиради ва У ҳар бир яратилган нарсани билувчидир», деб айт.

80. (У) сизларга яшил дарахтдан олов қилиб берган Зотдир. Энди эса сиз ундан олов ёқмоқдасиз.

81. Осмонлару ерни яратган Зот уларга ўхшашни яратишга қодир эмасми?! Йўқ! У яратувчидир, билувчидир.

82. Қачон бирон нарсани ирода қилса, Унинг иши «Бўл», демоқ, холос. Бас, у нарса бўлур.

83. Бас, барча нарсанинг ажойиботга тўлиқ мулки қўлида бўлган Зот покдир. Унгагина қайтарилурсизлар.



37. СОФФОТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 182 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Саф-саф тизилиб турувчилар ила қасам.

2. Зажр қилувчилар ила қасам.

3. Зикрни тиловат қилувчилар ила қасам.

4. Албатта, Илоҳингиз ягонадир.

5. У осмонлару ернинг ва иккиси орасидаги нарсаларнинг Роббидир ва машриқларнинг Роббидир.

6. Албатта, Биз бу дунё осмонини юлдузлар зийнати-ла зийнатладик.

7. Ва ҳар бир итоатсиз шайтондан муҳофаза қилиш учун.

8. Улар юксак тўпламга қулоқ сола олмаслар ва ҳар томондан (учқун-ла) отилурлар.

9. Қувилган ўлароқ! Улар учун узлуксиз азоб бордир.

10. Ким бирорта сўзни ўғриликча тинглаган бўлса, уни куйдирувчи шуъла таъқиб этар.

11. Улардан сўра: уларни яратиш қийинроқмикан ёки Биз яратган зотларними?! Албатта, Биз уларни ёпишқоқ лойдан яратдик.

12. Балки сен ажабландинг, улар эса масхара қилурлар.

13. Қачонки эслатилсалар, эсламаслар.

14. Қачонки бирор оят-мўъжизани кўрсалар, қаттиқроқ масхара қилурлар.
15. Улар дедилар: «Бу (Қуръон) очиқ-ойдин сеҳрдан бошқа нарса эмас.
16. Ўлсак ҳам, тупроқ ва суяк бўлиб кетсак ҳам, қайта тирилтириламизми?!
17. Аввалги ота-боболаримиз ҳам-а?!»
18. «Ҳа! Хору зор бўлган ҳолларингизда!» дегин.
19. Бас, у фақатгина бир қичқириқдан иборат, холос. Қарабсанки, назар солиб турибдилар!
20. Ва улар: «Воҳ, шўримиз қурсин! Бу жазо куни-ку!» дерлар.
21. «Бу сизлар ёлғонга чиқариб юрган ажрим кунидир.
22. Зулм қилганларни, уларнинг жуфтларини ва улар ибодат қилиб юрган…
23. Аллоҳдан ўзга нарсаларини тўпланглар. Уларни дўзах йўлига «ҳидоят» қилинглар» (дейилур).
24. Ва уларни тўхтатинглар! Албатта, улар сўралувчидирлар.
25. Сизларга нима бўлди? Ўзаро ёрдамлашмаяпсиз?!
26. Йўқ! Улар бугунги кунда таслим бўлувчилардир.
27. Улар савол беришиб, бир-бирларига юзландилар.
28. Улар: «Албатта, сизлар бизга ўнг томондан келар эдингиз», дедилар.
29. Улар дедилар: «Йўқ! Мўмин бўлмаган эдингиз.
30. Бизда устингиздан ҳукмронлик бўлмаган эди. Йўқ! Туғёнга кетган қавм эдингиз.
31. Бас, бизга Роббимизнинг (азоб) сўзи ҳақ бўлди. Албатта, биз тотувчилармиз.
32. Ҳа, сизларни йўлдан оздирдик. Албатта, биз йўлдан озганлар эдик».
33. Бас, улар у Кунда азобда шерик бўлгувчилардир.
34. Албатта, Биз жиноятчиларга шундай қилурмиз.
35. Чунки қачонки уларга: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», дейилса, мутакаббирлик қилар эдилар.
36. Улар: «Ахир биз бир мажнун шоирни деб, ўз олиҳаларимизни тарк қилувчи бўлайликми?!» дер эдилар.
37. Йўқ! У ҳақни келтирди ва расулларни тасдиқ қилди.
38. Албатта, сиз аламли азобни тотувчидирсиз.
39. Фақат қилиб ўтган амалингизнинг жазосини оласиз, холос.
40. Лекин Аллоҳнинг танланган бандалари мустасно.
41. Улар, ана ўшалар учун маълум ризқ –
42. мева-чевалар (бордир). Улар икром этилганлардир.
43. Неъматланиш жаннатларида…

44. сўрилар устида юзма юз ҳолларида.
45. Уларга оқар чашмадан қадаҳлар айлантириб турилур.
46. У оппоқ, ичувчи учун лаззатбахшдир.
47. Унда ҳеч бир зарар йўқдир ва ундан сархуш ҳам бўлмаслар.
48. Ҳузурларида нигоҳини тиювчи шаҳлокўзлар бордир.
49. Улар худди яшириб қўйилган тухумга ўхшарлар.
50. Бас, улар савол беришиб, бир-бирларига юзландилар.
51. Улардан бир сўзловчи деди: «Аниқки, менинг бир дўстим бор эди.
52. У дер эди: «Сен ҳам тасдиқловчилардanмисан?!
53. Ўлиб, тупроқ ва суяклар бўлиб кетсак ҳам, жазоланадиганлардан бўлурмизми?!»
54. У: «Сизлар ҳам қараяпсизларми?» деди.
55. Бас, ўзи қараб, уни дўзахнинг ўртасида кўрди.
56. У деди: «Аллоҳга қасамки, мени ҳам ҳалок қилишингга оз қолган экан.
57. Агар Роббимнинг неъмати бўлмаганида, мен ҳам (дўзахга) ҳозир қилинганлардан бўлур эдим.
58. Биз ўлувчи эмас эканмизми?!
59. Фақат биринчи ўлимимиздан бошқа?! Биз азобланувчи эмас эканмизми?!
60. Албатта, бу айни буюк ютуқдир.
61. Бас, амал қилувчилар мана шунга ўхшаш нарса учун амал қилсинлар».
62. Зиёфат ўлароқ ана ўша яхшими ёки заққум дарахтими?
63. Албатта, Биз уни золимлар учун фитна қилдик.
64. Дарҳақиқат, у бир дарахт бўлиб, дўзахнинг қаъридан чиқур.
65. Унинг тугунчаси худди шайтонларнинг бошларига ўхшар.
66. Бас, албатта, улар ундан еювчилардир. Ундан қоринларни тўлдирувчилардир.
67. Сўнгра, бунинг устига, улар учун ўта қайноқ сувдан аралашма ҳам бор.
68. Сўнгра уларнинг қайтар жойи жаҳаннам бўлур.
69. Чунки улар ўз оталарини адашган ҳолда топдилар.
70. Энди эса улар ўшаларнинг изидан югуртирилмоқдалар.
71. Батаҳқиқ, улардан олдин аввалгиларнинг кўплари адашганлар.
72. Ичларига огоҳлантирувчилар юбордик.
73. Огоҳлантирилганларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.
74. Аллоҳнинг танланган бандалари мустасно.
75. Батаҳқиқ, Нуҳ Бизга нидо қилди. Нақадар яхши ижобат қилувчимиз.

76. Унга ва унинг аҳлига катта ташвишдан нажот бердик.
77. Ва унинг зурриётларини – ўшаларни боқий қолувчилар қилдик.
78. Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик:
79. «Барча оламларда Нуҳга салом бўлсин!»
80. Албатта, Биз яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз.
81. Чунки у мўмин бандаларимиздандир.
82. Сўнгра бошқаларни ғарқ қилдик.
83. Албатта, Иброҳим ҳам унинг гуруҳидандир.
84. Ўшанда у Роббига соғлом қалб ила келган эди.
85. Ўшанда отасига ва қавмига деган эди: «Нимага ибодат қилмоқдасиз?!
86. Аллоҳдан ўзга уйдирма илоҳларни хоҳлайсизларми?!
87. Оламларнинг Робби ҳақида нима гумонингиз бор?!»
88. У юлдузларга бир назар солди.
89. Ва: «Мен беморман», деди.
90. Дарҳол ундан юз ўгириб, ортга қараб кетдилар.
91. Бас, тезда уларнинг илоҳларига бурилди ва деди: «Қани, емайсизларми?!
92. Сизга нима бўлди?! Гапирмайсизлар?!»
93. Сўнг уларга яқинлашиб, ўнг қўл билан ура бошлади.
94. У томон шошиб, бир-бирларини туртиб келишди.
95. У (Иброҳим) деди: «Ўзингиз йўниб ясаган нарсага ибодат қиласизларми?!
96. Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!»
97. Улар: «Унинг учун (ўчоқ) бино қилиб, уни гулханга отинглар!» дедилар.
98. Улар унга қарши ҳийлани ирода қилишди. Биз уларни тубан қилдик.
99. Ва у деди: «Албатта, мен Роббимга борувчиман. У мени ҳидоят қилур.
100. Роббим, менга солиҳлардан ато эт».
101. Биз унга бир ҳилмли ўғилнинг хушхабарини бердик.
102. Бас, (бола) унинг ўзи билан бирга юрадиган бўлганида: «Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман, бир ўйлаб кўр, нима дейсан?» деди. У: «Эй отажон, сенга амр этилган ишни бажар, иншааллоҳ, сабр қилувчилардан эканимни кўрурсан», деди.
103. Иккови амрга бўйсуниб, уни юзтубан ётқизганида…
104. унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим!
105. Сен тушни рўёбга чиқардинг! Биз яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз».
106. Албатта, бу очиқ-ойдин синовнинг айни ўзидир.

107. Унинг ўрнига буюк қурбонлик фидо қилдик.
108. Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик:
109. «Иброҳимга салом бўлсин!»
110. Яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз.
111. Чунки у мўмин бандаларимиздандир.
112. Яна унга солиҳлардан бир набийнинг – Исҳоқнинг хушхабарини бердик.
113. Ва унга ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Икковларининг зурриётидан яхшилик қилувчи ҳам, ўзига очиқ-ойдин зулм қилувчи ҳам бўлур.
114. Батаҳқиқ, Мусо ва Ҳорунга неъмат бердик.
115. Икковларига ва қавмларига катта ташвишдан нажот бердик.
116. Ва уларга нусрат бердик, бас, улар ғолиб бўлдилар.
117. Ва икковларига равшану комил баёнли китобни бердик.
118. Ва икковларини тўғри йўлга ҳидоят қилдик.
119. Ва кейингилар ичида икковлари учун (олқишлар) қолдирдик:
120. «Мусо ва Ҳорунга салом бўлсин!»
121. Биз яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз.
122. Чунки икковлари мўмин бандаларимиздандир.
123. Албатта, Илёс ҳам расуллардандир.
124. Ўшанда у қавмига деди: «Тақво қилмайсизми?!
125. Баълга ибодат қилиб, яратувчиларнинг энг яхшисини тарк этасизми?
126. Роббингизни ва аввалги ота-боболарингизнинг Робби – Аллоҳни я?!»
127. Бас, уни ёлғончига чиқардилар. Энди албатта улар (азобга) ҳозир қилинувчилардир.
128. Аллоҳнинг танланган бандаларигина мустасно.
129. Ва кейингилар ичида унинг учун (олқишлар) қолдирдик:
130. «Илёсга салом бўлсин».
131. Албатта, Биз яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз.
132. Чунки у мўмин бандаларимиздандир.
133. Албатта, Лут ҳам расуллардандир.
134. Ўшанда унга ва унинг аҳлига – ҳаммаларига нажот бердик.
135. Аммо бир кампиргина (азобда) қолувчилардан бўлди.
136. Сўнгра қолганларини яксон этдик.
137. Албатта, сиз уларнинг устидан ўтиб турурсиз: кундузи ҳам...
138. кечаси ҳам. Ақл юритмайсизларми?!
139. Албатта, Юнус ҳам расуллардандир.

140. Ўшанда у тўлган кемага қочди.
141. Бас, қуръа ташлашди ва у мағлублардан бўлди.
142. Уни маломатланган ҳолида наҳанг балиқ ютди.
143. Агар у (Роббини) поклаб ёд этувчилардан бўлмаганида…
144. унинг қорнида қайта тирилтириладиган кунгача қолиб кетар эди.
145. Бас, уни бемор ҳолида майдонга отдик.
146. Ва унинг устига қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик.
147. Ва уни юз минг ёки ундан кўпроққа расул қилиб юбордик.
148. Улар иймон келтирдилар. Кейин уларни маълум вақтгача баҳралантирдик.
149. Бас, улардан сўра-чи, Роббингга қизлар-у, уларга ўғиллар эканми?!
150. Ёки фаришталарни қиз қилиб яратганмиз-у, улар гувоҳ бўлишганми?
151. Огоҳ бўлингким, улар ўз уйдирмаларида дерлар:
152. «Аллоҳ туғди». Албатта, улар ёлғончилардир.
153. У Зот ўғилларни қўйиб, қизларни танлаб олибдими?
154. Сизга нима бўлди?! Қандай ҳукм қилмоқдасиз?
155. Ахир ўйлаб кўрмайсизларми?!
156. Ёки сизда очиқ-ойдин ҳужжат борми?!
157. Агар ростгўйлардан бўлсангиз, китобингизни келтиринг!
158. Ва улар У Зот билан жинлар орасида насаб (даъво) қилдилар. Ҳолбуки, жинлар ўзларининг албатта (азобга) ҳозир қилинувчи эканларини билганлар.
159. Аллоҳ улар васф қилган нарсадан покдир.
160. Лекин Аллоҳнинг танланган бандаларигина мустаснодир.
161. Албатта, сиз ҳам, сиз ибодат қилаётган нарсалар ҳам…
162. У Зотга қарши фитнага солувчи бўла олмассиз.
163. Ким жаҳаннамга кириб, куювчи бўлса, мустасно.
164. «Ҳар биримизнинг маълум мақомимиз бордир.
165. Албатта, бизлар саф тортиб турувчилармиз.
166. Ва албатта, бизлар (Роббимизни) поклаб ёд этувчилармиз».
167. Ҳолбуки, улар дер эдилар:
168. «Агар ҳузуримизда ҳам аввалгилардан бир эслатма бўлганида,
169. Албатта Аллоҳнинг ихлосли бандаларидан бўлар эдик».
170. Бас, унга куфр келтирдилар. Энди яқинда билурлар.
171. Батаҳқиқ, расул этиб юборилган бандаларимизга сўзимиз ўтгандир…
172. албатта, улар, ҳа, уларгина нусрат топишлари…

173. ва албатта, Бизнинг лашкаримизгина ғолиб бўлиши ҳақида.
174. Бас, улардан бир вақтгача юз ўгир.
175. Ва уларни (томошасини) кўр! Бас, тезда ўзлари ҳам (куфр оқибатини) кўражаклар.
176. Ҳали улар Бизнинг азобимизга ошиқмоқдаларми?!
177. У уларнинг ҳовлисига тушганида огоҳлантирилганларнинг тонги жуда ёмон бўлур.
178. Бас, улардан маълум вақтга юз ўгир.
179. Ва (уларнинг томошасини) кўр! Бас, тезда ўзлари ҳам (куфр оқибатини) кўражаклар.
180. Иззат Робби бўлмиш Роббинг улар қилган васфдан покдир.
181. Ва расулларга салом бўлсин!
182. Оламларнинг Робби – Аллоҳга ҳамд бўлсин!

38. СОД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 88 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Соод. Зикрли Қуръон ила қасам.
2. Аммо куфр келтирганлар кибру ҳаво ва мухолифликдадирлар.
3. Улардан илгари ҳам қанча аср (авлод)ларни ҳалок этганмиз. Улар (ёрдам сўраб) нидо қилдилар. Аммо қочиб қутулиш вақти эмас эди.
4. Ичларига ўзларидан огоҳлантирувчи келганидан ажабландилар ва кофирлар: «Бу сеҳргар ва каззобдир», дедилар.
5. «У илоҳларни битта илоҳ қилдими?! Албатта, бу ажабланарли нарса!»
6. Уларнинг аъёнлари шундай деб туриб кетдилар: «Юринглар, худоларингиз тўғрисида сабр қилинглар. Албатта, бу қасддан қилинаётган нарсадир.
7. Бу ҳақда охирги миллатдан эшитганимиз йўқ. Бу тўқилгандан бошқа нарса эмас.
8. Ичимиздан ўшанга Зикр нозил қилинибдими?!» Йўқ! Улар Менинг зикрим ҳақида шак-шубҳададирлар. Йўқ! Улар ҳали азобимни татиб кўрмадилар.
9. Ёки уларнинг ҳузурида азиз, кўплаб ато қилувчи Роббингнинг раҳмат хазинаси борми?

10. Ёки осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг подшоҳлиги уларникими? Бас, унда сабаблари ила (осмонга) кўтарилсинлар!

11. Анави ердаги енгилган фирқалардан бўлган қандайдир лашкар.

12. Улардан олдин Нуҳ қавми, Од ҳам, қозиқлар эгаси Фиръавн ҳам ёлғончига чиқарган.

13. Ва Самуд ҳам, Лут қавми ҳам, дарахтзор аҳли ҳам. Фирқалар ўшалардир.

14. Барчалари, албатта, расулларни ёлғончига чиқардилар. Бас, иқобим ҳақ бўлди.

15. Ана ўшалар лаҳзага кечикмай келадиган биргина қичқириқдан бошқа нарсага илҳақ бўлаётганлари йўқ.

16. Улар: «Роббимиз, бизга ҳисоб кунидан илгари насибамизни тезроқ бер!» дедилар.

17. Улар айтаётган нарсаларга сабр қил. Қувват соҳиби бўлган бандамиз Довудни эсла. Албатта, у сертавбадир.

18. Биз унга тоғларни беминнат хизматкор қилиб қўйдик. Улар у билан бирга кечқурун ва эрталаб (Аллоҳни) поклаб ёд этардилар.

19. Тўпланган ҳолдаги қушларни ҳам. Барчалари У Зотга сертавбадирлар.

20. Ва унга подшоҳлигини қувватли қилиб бердик ҳамда ҳикматни ва ҳал қилувчи нутқни бердик.

21. Сенга даъволашганларнинг хабари келдими? Ўшанда улар меҳробга чиқишган эди.

22. Ўшанда улар Довуднинг олдига киришган эди. У улардан қўрқиб кетди. Улар дедилар: «Қўрқма, (биз) икки даъвогар томон. Биз бир-биримизга зулм қилдик. Бас, орамизда ҳақ ила ҳукм чиқар. Жабр қилма. Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қил».

23. «Мана бу – менинг биродарим. Унинг тўқсон тўққизта совлиғи бор. Менинг эса биргина совлиғим бор. «Уни ҳам менинг кафолатимга бер», деди ва сўзлашувда мендан устун чиқди».

24. У: «Дарҳақиқат, сенинг совлиғингни ўз совлиқларига (қўшишни) сўраш билан сенга зулм қилибди. Албатта, кўп ҳамкорлар бир-бирларига зулм қилурлар. Иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина мустасно. Улар жуда ҳам оз», деди. Ва Довуд уни синаганимизни билди-да, тезда Роббига истиғфор айтиб, саждага йиқилди ва тавба қилди.

25. Бас, ундаги ўша (хато)ни мағфират қилдик. Албатта, унинг учун ҳузуримизда яқинлик ва гўзал қайтар жой бордир.

26. Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавои нафсга эргашма! Яна у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан

адашадиганларга унутганлари учун Ҳисоб кунида шиддатли азоб бордир.

27. Осмону ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни беҳуда яратганимиз йўқ. Бу куфр келтирганларнинг гумонидир. Бас, куфр келтирганлар учун оловдан вайл бўлсин!

28. Йўқ! Биз иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни ер юзида бузғунчилик қилувчилар каби қилармидик?! Йўқ! Биз тақводорларни фожирлар каби қилармидик?!

29. Биз сенга нозил қилган Китоб муборакдир. Ақл эгалари унинг оятларини тадаббур қилишлари ва эслашлари учундир.

30. Ва Довудга Сулаймонни ҳадя қилдик. У нақадар яхши банда! Албатта, у сертавбадир.

31. Эсла, бир оқшом унга гижинглаб турган учқур отлар кўрсатилди.

32. Ва у деди: «Албатта, мен Роббимнинг зикридан кўра дунё ишқига берилиб кетиб, ҳатто (қуёш) парда ила беркинибди-ку!

33. Уларни менга қайтаринг!» Сўнгра уларнинг оёқ ва бўйинларини «силай» бошлади!

34. Батаҳқиқ, Сулаймонни синадик. Унинг курсисига жасадни ташладик. Сўнгра у тавба қилди.

35. У: «Роббим, мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин ҳеч ким етиша олмайдиган подшоҳликни ҳадя этгин. Албатта, сен кўплаб ҳадя берувчисан», деди.

36. Унга шамолни беминнат хизматкор қилиб қўйдик, унинг амри билан у ирода қилган томонга майин эсаверади.

37. Яна барча бинокор ва ғаввос шайтонларни ҳам.

38. Ва бошқаларини ҳам кишанланган ҳолда тўплаб (бўйсундирдик).

39. Бу Бизнинг ато этган нарсамиздир. Инъом эт ёки тутиб қол, ҳисоб йўқ.

40. Ва албатта, унинг учун ҳузуримизда яқинлик ва гўзал қайтар жой бордир.

41. Бизнинг бандамиз Айюбни эсла. Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди.

42. «Оёғинг ила тепгин! Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)».

43. Ва унга аҳлини ва улар билан бирга яна шунчани Ўзимиздан раҳмат ва ақл эгаларига эслатма ўлароқ ҳадя этдик.

44. «Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма». Биз уни сабрли топдик. У нақадар яхши банда! Албатта, у сертавбадир.

45. Қўллар ва кўзлар соҳиблари бўлган бандаларимиз – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубни эсла.

46. Албатта, Биз уларни холис бир хислат-ла ажратдик. У (охират) диёри эслатмаси эди.

47. Улар ҳузуримизда танланган ахёрлардандирлар.

48. Исмоил, Ал-Ясаъ ва Зулкифлни ҳам эсла. Барчалари ахёрлардандир.

49. Бу эслатмадир. Албатта, тақводорлар учун гўзал қайтар жой бордир.

50. Улар учун эшиклари очиқ адн жаннатлари бордир.

51. У ерда ёнбошлаган ҳолларида ундаги кўплаб мевалар ва ичимликлардан чорлайдилар.

52. Уларнинг ҳузурида нигоҳини тийган тенгдош (ҳур)лар бордир.

53. Бу сизга Ҳисоб куни учун ваъда этилган нарсалардир.

54. Бу Бизнинг (берадиган) ризқимиздир. Унинг ҳеч тугаши йўқдир.

55. Иш бундайдир. Албатта, туғёнга кетувчилар учун ёмон қайтар жой –

56. жаҳаннам бордир. Унга кириб, куюрлар. Бас, у қандай ҳам ёмон ётоқ!

57. Мана буни татиб турсинлар: қайноқ сув ва йирингни!

58. Ва бошқа унинг шаклидаги қўша-қўша (азоблар)-ни ҳам.

59. «Мана бу тўда ҳам сиз билан бирга бостириб кирувчидир. Уларга «марҳабо» йўқ. Улар албатта, дўзахга кириб, куювчилардир», (дерлар).

60. Улар: «Йўқ! Ўзингизга «марҳабо» йўқ! Сизлар ўша (дўзах)ни бизга тақдим қилдингиз! У нақадар ёмон қароргоҳ!» дерлар.

61. Улар: «Роббимиз, бизга бу (жаҳаннам)ни ким тақдим этган бўлса, унга дўзахда икки баробар азобни зиёда қил!» дерлар.

62. Ва улар дерлар: «Бизга нима бўлди? Ёмонлардан деб ҳисоблаб юрган кишиларимизни кўрмаяпмиз?

63. Ё уларни масхара қилиб олган эдикми?! Ёки кўзлар улардан тойдими?!»

64. Албатта, мана шу ҳақдир – дўзах аҳлининг ўзаро тортишувидир.

65. Сен айт: «Мен фақат огоҳлантирувчиман, холос. Ҳеч бир илоҳ йўқдир, фақат ягона ва қаҳҳор Аллоҳгина бор.

66. У Зот осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг Роббидир, азиздир, ғаффордир».

67. Айт: «Бу буюк бир хабардир.

68. Сиз бўлсангиз ундан юз ўгирмоқдасиз.

69. Улар олий тўплам ҳақида тортишаётганларида менинг ҳеч билимим бўлмаган эди.

70. Менга фақат ўзимнинг очиқ-ойдин огоҳлантирувчи эканимгина ваҳий этилур».

71. Эсла, Роббинг фаришталарга деди: «Албатта, Мен лойдан башар яратувчидирман.

72. Бас, уни ростлаб, ичига руҳимдан пуфлаганимда, унга сажда қилиб йиқилинглар!» деган эди.

73. Фариштадар барчалари бараварига сажда қилдилар.

74. Фақат иблисгина мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди.

75. У Зот: «Эй иблис, Ўз қўлим билан яратган нарсага сажда қилишингдан сени нима ман қилди?! Мутакаббирлик қилдингми?! Ёки олий даражалилардан бўлдингми?!» деди.

76. У: «Мен ундан яхшиман. Мени оловдан яратгансан. Уни лойдан яратгансан», деди.

77. У Зот деди: «Ундан чиқ! Бас, албатта, сен қувилгансан.

78. Ва албатта, сенга жазо кунигача лаънатим бўлгай».

79. У: «Роббим, менга улар қайта тирилтирилажак Кунгача муҳлат бергин!» деди.

80. У Зот деди: «Албатта, сен муҳлат берилганлардан бўлдинг...

81. маълум вақт кунигача».

82. У деди: «Сенинг иззатинг ила қасамки, мен уларнинг барчасини йўлдан оздиражакман.

83. Улардан танланган бандаларинггина мустасно».

84. У Зот деди: «Ҳақ шулки, – зотан, Мен фақат ҳақни айтурман –

85. ...албатта, жаҳаннамни сен ва улардан сенга эргашганлар билан жамлаб тўлдирурман».

86. Айт: «Унинг учун сиздан ҳеч ажр сўрамасман. Мен сохтакорлардан ҳам эмасман.

87. У (Қуръон) фақат оламлар учун эслатма, холос.

88. Албатта, унинг хабарини бир муддатдан сўнг билурсиз».



39. ЗУМАР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 75 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Китобнинг нозил қилиниши азизу ҳаким Аллоҳдандир.

2. Албатта, Биз сенга Китобни ҳақ ила нозил қилдик. Бас, Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат эт.

3. Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир. Ундан ўзга валий тутганлар: «Уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Албатта, Аллоҳ улар орасида ихтилоф

этаётган нарсалари бўйича ҳукм қилур. Албатта, Аллоҳ ёлғончи, кофир кимсаларни ҳидоят қилмас.

4. Агар Аллоҳ бола тутишни истаса, албатта, Ўзи яратган нарсалардан хоҳлаганини танлаб олар эди. У Зот покдир. Аллоҳ ягонадир, қаҳҳордир.

5. У Зот осмонлару ерни ҳақ ила яратгандир. Кечани кундуз устига ўрайди, кундузни кеча устига ўрайди. Қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйгандир. Ҳар бири белгиланган муддатга қадар юрур. Огоҳ бўлингким, У азиздир, ғаффордир.

6. У Зот сизларни бир жондан яратди. Сўнгра ундан жуфтини қилди ва сизларга чорва ҳайвонларидан саккиз жуфтни туширди. У сизни оналарингиз қорнида уч зулмат ичида бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста яратадир. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Барча мулк Уникидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасиз?!

7. Агар куфр келтирсангиз, албатта, Аллоҳ сиздан беҳожатдир. У Зот Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр келтирсангиз, сиздан рози бўлур. Ҳеч бир юкли жон ўзга жоннинг юкини кўтармас. Сўнгра қайтишингиз фақатгина Роббингизгадир. Бас, сизга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини берур. Албатта, У Зот кўкслардаги нарсаларни ҳам билувчидир.

8. Қачонки инсонни зарар тутса, Роббига қайтган ҳолида дуо қилур. Сўнгра унга Ўз фазлидан неъмат берса, олдин дуо қилиб турган нарсасини унутур ва Аллоҳга У Зотнинг йўлидан адаштирмоқ учун тенгдошлар қилур. «Куфринг билан бир оз баҳра олиб тур. Албатта, сен олов эгаларидансан», деб айт.

9. Ёки у кечалари ибодат қилиб, сажда этган, бедор ҳолида охиратдан қўрқиб, Роббининг раҳматидан умидвор бўлган одамга тенгми?! «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!» деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эслатма олурлар.

10. (Менинг номимдан) айт: «Эй иймон келтирган бандаларим, Роббингизга тақво қилинг. Бу дунёда яхшилик қилганларга яхшилик бордир. Аллоҳнинг ери кенгдир. Албатта, сабр қилувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур».

11. Айт: «Албатта, мен динни Ўзи учун холис қилган ҳолимда Аллоҳга ибодат этишга буюрилганман.

12. Ва мусулмонларнинг биринчиси бўлишга буюрилганман».

13. «Мен Роббимга исён этсам, буюк Куннинг азобидан қўрқаман», деб айт.

14. Айт: «Динимни Ўзига холис қилган ҳолимда Аллоҳгагина ибодат қилурман.

15. Ундан ўзга нимани хоҳласангиз, ўшанга ибодат қилаверинглар».

«Албатта, зиёнкорлар қиёмат куни ўзларига ва аҳлларига зиён қилувчилардир. Огоҳ бўлингким, ана ўша очиқ-ойдин зиёнкорликдир», деб айт.

16. Улар учун тепаларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор, остларидан ҳам оловдан «соябонлар» бор. Бу билан Аллоҳ Ўз бандаларини қўрқитур: «Эй бандаларим, Менга тақво қилинглар!»

17. Тоғутдан, унга ибодат қилишдан четда бўлганларга ва Аллоҳга қайтганларга хушхабар бор. Бас, бир бандаларимга хушхабар берки,...

18. ...улар гапни эшитиб, энг гўзалига эргашарлар. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилганлардир. Ана ўшалар, ҳа, ўшалар ақл эгаларидир.

19. Ёки у ҳақида азоб сўзи ҳақ бўлган кимсани – дўзахдаги кимсани сен қутқара олурмисан?!

20. Лекин Роббларига тақво қилганлар учун устидан болохоналар бино қилинган болохоналар бордир. Остиларидан анҳорлар оқиб турур. (Бу) Аллоҳнингваъдаси! Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.

21. Аллоҳ осмондан сув тушириб, уни ердаги манбалардан оқизиб қўйганини кўрмадингми?! Сўнгра у ила турли рангдаги экинларни чиқаради. Кейин у қурийди. Уни сарғайган ҳолида кўрурсан. Сўнгра уни қуруқ чўпга айлантирур. Албаттта, бунда ақл эгалари учун эслатма бордир.

22. Аллоҳ кўксини Исломга кенг қилиб очиб, Роббидан бўлган нурда бўлган киши (қалби муҳрланиб, қотган киши каби бўлур)ми?! Аллоҳни зикр қилишдан қалблари қотиб қолганларга вайл бўлсин! Ана ўшалар очиқ-ойдин залолатдадирлар.

23. Аллоҳ энг гўзал сўзни ўхшаш ва такрорланган Китоб этиб нозил қилди. Ундан Роббларидан қўрқадиганларнинг терилари титрар. Сўнгра уларнинг терилари ва қалблари Аллоҳнинг зикрига юмшар. Ана шу Аллоҳнинг ҳидоятидир. У ила Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани ҳидоят қилар. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, бас, унинг учун ҳидоят қилувчи йўқ.

24. Ахир қиёмат куни золимларга: «Касб қилиб юрган нарсангизни тотиб кўринг», дейилганида ёмон азобдан юзи ила сақланадиган одам (мўмин ила тенг бўлармиди)?!

25. Улардан олдингилар ҳам ёлғончига чиқарганлар, бас, уларга ўзлари сезмаган томондан азоб келган.

26. Аллоҳ уларга бу дунёда хорликни тоттирди, албатта, охират азоби, агар билсалар, янада каттадир.

27. Батаҳқиқ, ушбу Қуръонда одамларга турли мисоллар келтирдик. Шоядки, эслатма олсалар.

28. Эгриликсиз арабий Қуръон ҳолида. Шоядки, тақво қилсалар.

29. Аллоҳ бир мисол келтиради. Бир одамга талашувчи шериклар эгадир. Саломат ҳолидаги бошқа бирига бир киши эгадир. Икковларининг мисоли баробарми?! Аллоҳга ҳамд бўлсин. Йўқ, уларнинг кўплари билмаслар.

30. Албатта, сен ҳам ўлувчисан, улар ҳам ўлувчидирлар.

31. Сўнгра сизлар қиёмат куни Роббингиз ҳузурида тортишасизлар.

32. Аллоҳга нисбатан ёлғон гапирган ва ўзига содиқлик келганида уни ёлғонга чиқаргандан ҳам золимроқ кимса борми?! Кофирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!

33. Содиқликни келтирган ва уни тасдиқ қилган эса – ана ўшалар тақводорлардир.

34. Улар учун Робблари ҳузурида хоҳлаган нарсалари бордир. Ана ўша яхшилик қилувчиларнинг мукофотидир.

35. Зеро, Аллоҳ улар қилган энг ёмон амални ўчириб, қилиб юрган энг яхши амалларининг ажри ила мукофотлар.

36. Аллоҳ Ўз бандасига кифоя эмасми?! Улар сени Ундан бошқалар билан қўрқитурлар. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, унинг учун ҳидоят қилувчи йўқ.

37. Кимни Аллоҳ ҳидоятга солса, бас, унинг учун залолатга кетказувчи йўқ. Аллоҳ азиз, интиқом соҳиби бўлган Зот эмасми?!

38. Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратди?» деб сўрасанг, албатта: «Аллоҳ!» дерлар. «Менга хабар беринглар-чи! Агар Аллоҳ менга зарарни ирода қилса, ўша сиз илтижо қилаётган Аллоҳдан бошқа нарсалар Унинг зарарини аритувчи бўла олурлармы?! Ёки менга марҳаматни ирода қилса, ўшалар Унинг марҳаматини тутиб қолувчи бўла олурлармы?!» деб айт. «Менга Аллоҳ етарли, таваккул қилувчилар Унгагина таваккул қилурлар», деб айт.

39. Сен айт: «Эй қавмим, ўз ҳолингизча амал қилаверинг. Албатта, мен ҳам амал қилувчиман. Бас, тезда билурсиз…

40. кимга уни шарманда қиладиган азоб келажагини ва кимга давомли азоб тушажагини».

41. Албатта, Биз одамлар учун Китобни сенга ҳақ ила нозил қилдик. Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзига фойда. Ким залолатга кетса, ўзига зарар. Сен уларга вакил (қўриқчи) эмассан.

42. Аллоҳ жонларни ўлими вақтида, ўлмаганларини эса уйқуси вақтида олур. Бас, ўлишига ҳукм қилганларини ушлаб қолур, қолганларини маълум муддатгача қўйиб юборур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-ибратлар бордир.

43. Ёки Аллоҳдан ўзга шафоатчилар тутганларми?! «Ахир улар бирор

нарсага эга бўлмасалар ва бирор нарсани англамасалар ҳам-а?!» деб айт.

44. «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳникидир. Осмонлару ернинг подшоҳлиги ҳам ёлғиз Уникидир. Сўнгра Унгагина қайтарилурсизлар», деб айт.

45. Қачонки Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи зикр қилинса, охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари сиқилиб кетар. Қачонки Ундан ўзгалар зикр қилинсалар, бирдан шодланиб кетарлар.

46. «Аллоҳим! Осмонлару ерни яратган Зот! Ғайб ва ошкорни билувчи Зот! Сен бандаларнинг орасида улар ихтилоф қилиб юрган нарсаларда ҳукм қилурсан», деб айт.

47. Агар зулм этганларга ер юзидаги барча нарса ва у билан яна ўшанча нарса бўлганида, аниқки, қиёмат куни азобнинг ёмонлигидан уни тўлов қилиб юборар эдилар. Уларга Аллоҳ томонидан улар ўйламаган нарсалар аён бўлди.

48. Ва уларга ўзлари касб қилган нарсаларнинг ёмонлиги аён бўлди ва уларни ўзлари мазах қилиб юрган нарса ўраб олди.

49. Бас, қачонки инсонни зарар тутса, Бизга дуо қилур. Сўнгра унга Ўзимиздан неъмат берсак: «Албатта, бу менга илмим туфайли берилди», – дер. Йўқ! У синовдир. Лекин уларнинг кўплари билмаслар.

50. Батаҳқиқ, буни улардан аввалгилар ҳам айтган эдилар. Бас, қилган касблари ўзларига асқотмади.

51. Уларга қилган касбларининг ёмонликлари мусибат бўлди. Анавилардан зулм қилганларига ҳам тезда қилган касбларининг ёмонликлари мусибат бўлур. Улар қочиб қутулувчи ҳам эмаслар.

52. Аллоҳ хоҳлаган кишисига ризқни кенг ва тор қилишини билмасмидилар?! Албатта, бунда иймон келтирувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир.

53. (Менинг номимдан) айт: «Эй ўз жонларига жавр қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи мағфиратлидир, раҳмлидир».

54. Сизга азоб келишидан олдин Роббингизга қайтинг ва Унга таслим бўлинг. Сўнгра сизга ёрдам берилмас.

55. Сизга ўзингиз сезмаган ҳолда тўсатдан азоб келиб қолишидан олдин Роббингиздан сизга нозил қилинган энг гўзал нарсага эргашинг.

56. Ҳар бир жон: «Аллоҳ ҳақида йўл қўйган камчиликларим учун надомат бўлсин. Ҳақиқатдан ҳам, масхара қилувчилардан бўлган эдим»...

57. ёки: «Агар Аллоҳ мени ҳидоят қилганида, албатта тақводорлардан бўлар эдим»...

58. ёки азобни кўрган чоғида: «Агар менга яна бир марта ортга қайтиш бўлганида, яхшилик қилувчилардан бўлар эдим» (демасидан олдин).
59. Йўқ! Батаҳқиқ, сенга оятларим келди. Бас, уларни ёлғонга чиқардинг, мутакаббирлик қилдинг ва кофирлардан бўлдинг!
60. Қиёмат куни Аллоҳга нисбатан ёлғон сўзлаганларни кўрсанг, юзлари қоп-қорадир. Ёки мутакаббирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!
61. Аллоҳ тақво қилганларга ютуқлари туфайли нажот берур. Уларга ёмонлик етмас ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.
62. Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратувчисидир. Ва У ҳар бир нарсага вакилдир.
63. Осмонлару ернинг калитлари Унгагина хосдир. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлар – ана ўшалар зиёнкорлардир.
64. «Эй жоҳиллар! Мени Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишга буюрурмисиз?!» деб айт.
65. Батаҳқиқ, сенга ва сендан олдин ўтганларга ҳам ваҳий қилинган: «Агар ширк келтирсанг, амалинг беҳуда кетур ва албатта зиёнкорлардан бўлурсан.
66. Йўқ! Аллоҳгагина ибодат қил ва шукр қилувчилардан бўл!»
67. Улар Аллоҳни Ўзига лойиқ қадрламадилар. Ҳолбуки, қиёмат куни ер борлигича Унинг сиқимидадир. Осмонлар эса Унинг қудрати ила йиғилгандир. У Зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олийдир.
68. Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса, беҳуш йиқилди. Аллоҳ хоҳлаганларгина мустасно. Сўнгра унга яна бир бор пуфланди. Бас, улар тўсатдан туриб, илҳақ бўлурлар.
69. Ва ер Роббининг нури ила ёришди. Китоб қўйилди. Набийлар ва гувоҳлар келтирилди. Улар орасида уларга зулм қилинмаган ҳолда ҳақ ила ҳукм чиқарилди.
70. Ва ҳар бир жонга қилган амали (жазо ёки мукофоти) тўлиқ берилди. У Зот уларнинг нима қилаётганларини яхши билувчидир.
71. Ва куфр келтирганлар жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳайдалди. Унга етиб келган чоғларида унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизларга ичингиздан Роббингизнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, сизларни ушбу кунингиздаги рўбарў бўлишдан огоҳлантирадиган расуллар келмадими?!» дедилар. Улар: «Шундай! Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлган», дедилар.
72. «Жаҳаннам эшикларидан унда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг», дейилди. Мутакаббирларнинг турар жойи нақадар ёмон!
73. Ва Роббларига тақво қилганлар жаннатга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб борилдилар. Унга етиб келган чоқларида унинг эшиклари очилди ва

унинг қўриқчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг!» дедилар.

74. Улар: «Бизларга берган ваъдасини рост қилган ва бизга бу ерни мерос қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Жаннатда хоҳлаган еримизга жойлашамиз», дедилар. Бас, амал қилувчиларнинг ажри қандай яхши!

75. Ва фаришталарни Аршни ўраб олиб, Роббларини ҳамд ила поклаб ёд этаётган ҳолда кўрурсан. Улар орасида ҳақ ила ҳукм қилинди ва: «Оламларнинг Робби – Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!» дейилди.

40. ҒОФИР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 85 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳа. Мийм.

2. Китобнинг нозил қилиниши азизу билувчи Аллоҳдандир.

3. У Зот гуноҳни мағфират қилувчи, тавбани қабул этувчи, иқоби шиддатли Зотдир ва фазлу карам соҳибидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Қайтиб бориш ҳам Унинг Ўзигагинадир.

4. Аллоҳнинг оятлари ҳақида фақатгина куфр келтирганлар талашиб-тортишурлар. Бас, уларнинг юртларда айланиб юришлари сени алдаб қўймасин.

5. Улардан олдин Нуҳ қавми ва уларнинг ортидан келган фирқалар ҳам ёлғончига чиқарган эдилар. Ҳар уммат ўз расулини тутишга қасд қилди ва ҳақни йўқотиш учун ботил ила тортишди. Бас, Мен уларни тутдим. Бас, иқобим қандай бўлди?!

6. Куфр келтирганларга ҳам Роббингнинг (азоб) сўзи худди ана шундай ҳақ бўлди. Албатта, улар дўзах эгаларидир.

7. Аршни кўтариб турганлар ва унинг атрофидагилар Роббларини ҳамд ила поклаб ёд этурлар, Унга иймон келтирурлар ва иймон келтирганларга мағфират сўрарлар: «Роббимиз, раҳматинг ва илминг ила ҳар бир нарсани қуршагансан, бас, тавба қилиб, йўлингга эргашганларни мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин.

8. Роббимиз, уларни ҳам, оталаридан, жуфтларидан ва зурриётларидан солиҳ бўлганларини ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган адн жаннатларига киритгин. Албатта, Сен азизсан, ҳакимсан.

9. Ва уларни ёмонликлардан сақла, ўша куни кимни ёмонликлардан сақласанг, батаҳқиқ, унга раҳм қилибсан. Ана ўша буюк ютуқдир».

10. Куфр келтирганларга эса: «Иймонга чақирилганингизда куфр келтирган

чоғингиздаги Аллоҳнинг нафрати сизнинг ўзингизга (ҳозирги) нафратингиздан каттароқдир», деб нидо қилинур.

11. Улар: «Роббимиз, бизни икки марта ўлдирдинг, икки марта тирилтирдинг. Бас, гуноҳларимизни эътироф этдик. Энди чиқишнинг бирон йўли борми?» дедилар.

12. Бу Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига даъват қилинганида, куфр келтирганингиз, Унга ширк келтирилса, иймон келтирганингиз учундир. Бас, ҳукм олий, улуғ Аллоҳникидир.

13. У сизга оят-белгиларини кўрсатадиган, осмондан сизга ризқ туширадиган Зотдир. Фақат кўп тавба қиладиган кишигина англар.

14. Агар кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳга динни холис қилган ҳолингизда илтижо қилинг.

15. У даражаси юксак, Арш эгасидир. У Ўз амри ила бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга учрашиш кунидан огоҳлантириш учун Руҳни туширур.

16. Ўша Кунда улар зоҳир бўлурлар. Аллоҳга улардан бирон нарса махфий қолмас. Бугун подшоҳлик кимники?! Ягона, қаҳҳор Аллоҳникидир!

17. Бугунги кунда ҳар бир жон ўзи қилган касбга яраша жазо олур. Бугунги кунда зулм йўқдир. Албатта, Аллоҳ ҳисоби тез Зотдир.

18. Уларни яқинлашувчи кундан огоҳлантир. Ўшанда юраклар бўғизга тиқилиб, ғам-ғуссага тўлиб турарлар. Золимлар учун ҳеч бир қадрдон ҳам, итоат қилинадиган шафоатчи ҳам йўқ.

19. У Зот кўзларнинг хиёнатини ҳам, кўкслар яширган нарсаларни ҳам билур.

20. Аллоҳ ҳақ ила ҳукм қилур. Ундан ўзга илтижо қилаётганлари эса ҳеч нарса билан ҳукм қилмаслар. Албатта, Аллоҳ эшитувчи, кўрувчи Зотдир.

21. Ер юзида юриб, ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?! Ҳолбуки, ўшалар улардан кўра қувватлироқ ва ер юзида асарлари кўпроқ бўлган эдилар. Аллоҳ уларни гуноҳлари сабабли тутди. Уларга Аллоҳдан ўзга бирорта сақловчи бўлмади.

22. Бунга сабаб, уларга расуллари очиқ ойдин ҳужжатлар билан келар эдилар, улар эса куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни тутди. Албатта, У қувватлидир, иқоби шиддатлидир.

23. Батаҳқиқ, Мусони Ўз оятларимиз ва очиқ-ойдин ҳужжат ила юбордик...

24. ...Фиръавнга, Ҳомонга ва Қорунга. Улар эса: «(Бу) сеҳргар ва каззоб», дедилар.

25. У (Мусо) уларга ҳузуримиздан ҳақ ила келган чоқда улар: «У билан бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини қатл қилинглар, қизларини

тирик қолдиринглар», дедилар. Кофирларнинг ҳийласи залолатдан бошқа нарса эмас.

26. Фиръавн: «Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. Майли, Роббига дуо қилсин. Мен унинг динингизни алмаштиришидан ва ер юзида фасод чиқаришидан қўрқмоқдаман», деди.

27. Мусо: «Менинг ҳам Роббим, сизларнинг ҳам Роббингиз бўлган Зотдан Ҳисоб кунига иймон келтирмайдиган ҳар бир мутакаббирдан паноҳ сўрайман», деди.

28. Оли Фиръавндан бўлган, иймонини беркитиб юрадиган бир мўмин киши деди: «Бир одамни «Роббим Аллоҳдир» дегани учун ўлдирасизларми?! Ҳолбуки, у сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келмишдир. Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўзига зарар. Агар ростгўй бўлса, унда у ваъда қилаётган баъзи мусибатлар сизга етар. Аллоҳ ҳаддидан ошган, каззоб шахсни ҳидоят қилмас.

29. Эй қавмим, бугунги кунда подшоҳлик сизникидир. Ер юзида юзага чиқиб турибсизлар. Агар бизга Аллоҳнинг азоби келса, унда бизга ким ёрдам беради?!» Фиръавн: «Мен сизга ўзим кўраётган нарсадан бошқани кўрсатмасман ва сизларни тўғрилик йўлидан бошқага «ҳидоят» қилмасман», деди.

30. Иймон келтирган киши деди: «Эй қавмим, мен сизга ҳам бошқа фирқалар кунига ўхшаш кун (бўлиши)дан қўрқаман...

31. ...худди Нуҳ қавми, Од, Самуд ва улардан кейингилар ҳолига ўхшаш. Аллоҳ бандаларга зулмни ирода қилмас.

32. Эй қавмим, мен сизлар учун нидолашув кунидан қўрқаман.

33. Сиз ортга қараб қочадиган кундан. Сиз учун Аллоҳдан ҳеч бир қутқарувчи йўқ. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, унга ҳидоят қилувчи йўқ.

34. Бундан олдин Юсуф ҳам очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келди. У сизларга келтирган нарсага шак келтириб, туриб олдингиз. Ниҳоят, у вафот этган пайтда: «Аллоҳ ундан кейин расул юбормас», дедингиз. Аллоҳ шундай қилиб, ҳаддан ошувчи ва шубҳачи кимсани залолатга кетказади.

35. Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиганлар, Аллоҳнинг наздида ҳам, иймон келтирганлар наздида ҳам, қаттиқ нафратга қоладилар. Аллоҳ шундай қилиб, ҳар бир мутакаббир ва зўравон қалбга тамға босар».

36. Фиръавн деди: «Эй Ҳомон, менга бир баланд қаср бино қил, шояд, сабабларга етсам –

37. – осмонларнинг сабабларига – сўнгра Мусонинг илоҳига боқсам. Мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман». Шундай қилиб, Фиръавнга унинг ёмон амали чиройли кўрсатилди ва у йўлдан тўсилди. Фиръавннинг ҳийласи зиёндан бошқа нарса эмас.

38. Иймон келтирган киши деди: «Эй қавмим, менга эргашинглар, сизни тўғри йўлга ҳидоят қилурман.

39. Эй қавмим, бу дунё ҳаёти вақтинчалик бир матоҳ, холос. Албатта, охират барқарорлик диёридир.

40. Ким бирор ёмонлик қилса, фақат ўшанга яраша жазо олади, холос. Эркакдир, аёлдир, ҳар ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар, у ерда ҳисобсиз ризқланурлар.

41. Эй қавмим, нечун мен сизни нажотга чақирсам, сиз мени дўзахга чақирурсиз?!

42. Аллоҳга куфр келтиришимга ва ўзим билмаган нарсани Унга ширк келтиришимга чақирмоқдасиз. Ҳолбуки, мен сизни азиз, мағфиратли Зотга чақирмоқдаман.

43. Ҳеч шубҳа йўқки, сиз мени чақираётган нарсанинг дунёда ҳам, охиратда ҳам даъватга ҳаққи йўқдир. Албатта, қайтиб боришимиз Аллоҳгадир. Албатта, ҳаддан ошувчилар, ана ўшалар дўзах эгаларидир.

44. Ҳали, мен сизга айтаётган гапларни эслайсизлар. Ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир».

45. Бас, Аллоҳ уни макрларининг ёмонликларидан сақлади ва Оли Фиръавнни ёмон азоб ўраб олди.

46. У оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. Соат қоим бўлганида эса: «Оли Фиръавнни энг ашаддий азобга киритинглар» (дейилур).

47. Ўшанда оловда бир-бирлари ила тортишурлар. Бас, заифлар мутакаббирлик қилганларга: «Биз сизга эргашувчи бўлган эдик. Энди сиз бизни олов насибасидан қутқарувчимисиз?!» дерлар.

48. Мутакаббирлик қилганлар: «Ҳаммамиз унинг ичидамиз. Шубҳасиз, Аллоҳ бандалар орасида ҳукм чиқариб бўлди», дерлар.

49. Дўзахда турганлар жаҳаннам қўриқчиларига: «Роббингизга дуо қилинглар, биздан бирор кун азобни енгиллатсин», дедилар.

50. Улар: «Сизга расулларингиз очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келмаганмидилар?!» дедилар. Улар «Ҳа», дейишди. Улар: «Дуо қилаверинглар. Кофирларнинг дуоси залолатдан бошқа нарса эмас», дедилар.

51. Албатта, Биз расулларимизга ва иймон келтирганларга дунё ҳаётида ва гувоҳлар турган Кунда ҳам нусрат берурмиз.

52. У Кунда золимларга маъзиратлари наф бермас. Уларга лаънат бўлғай ва уларга ёмон диёр бўлғай.

53. Мусога ҳидоятни бердик ва Бану Исроилни Китобга ворис қилдик...

54. ...ақл эгалари учун ҳидоятчи ва эслатма қилиб.

55. Бас, сабр қил. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Гуноҳинг учун истиғфор айт. Эртаю кеч Роббингни ҳамд ила поклаб ёд эт.

56. Албатта, Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган ҳужжатсиз талашиб-тортишадиганларнинг кўксларида кибрдан ўзга нарса йўқ. Улар унга етишувчи эмаслар. Сен Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта, У эшитувчи, кўрувчи Зотдир.

57. Осмонлару ерни яратиш одамларни яратишдан каттароқ ишдир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.

58. Кўр билан кўрувчи баробар бўлмас. Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар билан ёмонлик қилувчи ҳам. Жуда ҳам кам эслайсизлар.

59. Албатта, Соат келувчидир. Унда шубҳа йўқ. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.

60. Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизларга ижобат қиламан. Менинг ибодатимдан кибр қилганлар эса жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар», деди.

61. Аллоҳ сизга сукунат топишингиз учун кечани, кўрсатувчи этиб кундузни қилиб берган Зотдир. Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан фазлу марҳамат соҳибидир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.

62. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир, ҳар бир нарсанинг яратувчисидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?!

63. Аллоҳнинг оятларини инкор қиладиганлар ана шундай бурилиб кетурлар.

64. Аллоҳ сизга ерни қароргоҳ, осмонни том қилган ва сизларнинг суратларингизни гўзал суратда қилган, сизларга пок нарсалардан ризқ берган Зотдир. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Бас, оламларнинг Робби – Аллоҳ баракотлидир.

65. У Зот тирикдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг. Оламларнинг Робби – Аллоҳга ҳамд бўлсин.

66. «Мен ўзимга Роббимдан очиқ-ойдин ҳужжатлар келган пайтда сиз илтижо этаётган нарсаларга ибодат қилишдан қайтарилганман ва оламларнинг Роббига таслим бўлишга амр этилганман», деб айт.

67. У сизни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра «алақа»дан яратган Зотдир. Сўнгра сизни бувак ҳолингизда чиқарур. Сўнгра камолга етишингиз учун, сўнгра қари бўлишингиз учун (улғайтирур). Ичингизда ундан олдин вафот этадиганлар ҳам бўлур. (Булар) белгиланган ажалга етишингиз учундир. Шоядки, ақл юритсангиз.

68. У тирилтирадиган ва ўлдирадиган Зотдир. Қачонки бирор ишни ҳукм қилса, «Бўл!» дейди, холос. Бас, у бўладир.

69. Аллоҳнинг оятлари ҳақида талашиб-тортишадиганларни кўрмайсанми?! Қаёққа бурилиб кетмоқдалар?!

70. Китобни ва Биз расулларимиз ила юборган нарсани ёлғонга чиқарганлар тезда билурлар.

71. Ўшанда улар бўйинларида кишанлар ва занжирлар ила тортилурлар.

72. Ўта қайноқ сувда, сўнгра оловда куйдирилурлар.

73. Сўнгра уларга айтилди: «Ширк келтириб юрган нарсаларингиз қани…

74. Аллоҳдан ўзга?!» Улар: «Биздан йўқолиб қолдилар. Йўқ. Олдин ҳеч нарсага илтижо қилмаган эдик», дедилар. Аллоҳ кофирларни шундай қилиб залолатга кетказур.

75. Мана шулар ер юзида ноҳақдан шодланиб юрганингиз ва кибру ҳавога берилиб юрганингиз учундир.

76. Жаҳаннам эшикларидан унда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринглар. Мутакаббирларнинг турар жойи нақадар ёмон!

77. Бас, сабр қил. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Энди ёки сенга уларга ваъда қилган нарсаларимизнинг баъзиларини кўрсатурмиз ёки сени вафот эттирурмиз. Бас, Бизгагина қайтарилурлар.

78. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам расуллар юборганмиз. Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик. Аллоҳнинг изнисиз расулнинг оят-мўъжиза келтириши ҳеч бўлган эмас. Аллоҳнинг амри келганда ҳақ ила ҳукм чиқарилур ва ўшанда ботил иш қилиб юрувчилар зиён кўрурлар.

79. Аллоҳ сизларга чорва ҳайвонларини улардан баъзиларини минишингиз учун яратган Зотдир. Улардан баъзиларини ерсизлар.

80. Уларда сиз учун манфаатлар бор. Улар устида кўксларингиздаги ҳожатларга етишишингиз учундир. Уларда ва кемаларда ташилурсиз.

81. Ва У Зот сизларга Ўз оят-белгиларини кўрсатур. Бас, Аллоҳнинг қайси оят-белгиларини инкор қилурсизлар?!

82. Ахир ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?! Ҳолбуки, ўшалар булардан кўра қувватлироқ ва ер юзида асарлари кўпроқ бўлган эдилар. Бас, уларга касб қилган нарсалари асқотмади.

83. Уларга расуллари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келганларида, улар ўзларидаги илм билан ҳовлиқдилар. Ва уларни ўзлари мазах қилган нарса ўраб олди.

84. Азобимизни кўрганларида: «Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига иймон келтирдик ва Унга шерик қилган нарсаларимизга куфр келтирдик», дедилар.

85. Азобимизни кўрганларидаги иймонлари уларга манфаат бера олмас эди. Аллоҳнинг бандаларига жорий бўлиб келган суннати шу. Ана ўшанда кофирлар зиён кўрдилар.

41. ФУССИЛАТ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 54 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳа. Мийм.
2. (Бу) Роҳману Роҳийм томонидан нозил қилингандир.
3. Биладиган қавмлар учун арабий Қуръон ўларок, оятлари муфассал баён қилинган Китобдир.
4. Хушхабарчи ва огоҳлантирувчи бўлган ҳолидадир. Бас, кўплари ундан юз ўгирдилар. Энди улар эшитмаслар.
5. Ва улар: «Қалбларимиз сен даъват қилаётган нарсадан ғилофлардадир, қулоқларимизда оғирлик бор, сен билан бизнинг орамизда эса парда бор. Сен ўз амалингни қилавер, биз ҳам ўз амалимизни қилувчилармиз», дедилар.
6. Айт: «Мен ҳам сизга ўхшаш башарман, холос. Менга «Илоҳингиз ягона илоҳдир», дея ваҳий қилинур. Бас, Унинг Ўзигагина тўғри юзланинг ва Унга истиғфор айтинг. Мушрикларнинг ҳолига вой бўлсин.
7. Закотни адо этмаслар ва улар охиратга куфр келтирувчилардир».
8. Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга битмас-туганмас ажрлар бор.
9. Айт: «Сизлар, ҳақиқатан ҳам, ерни икки кунда яратган Зотга куфр келтиряпсизми ва Унга (бошқаларни) тенглаштиряпсизми?! Ахир бу оламларнинг Робби-ку!
10. У Зот унинг (ернинг) устида барқарор тоғларни қилди, уни баракотли қилди ва унинг (аҳли) ризқини тўрт кунда ўлчовли этиб тақдир қилди. Бу сўровчилар учундир».
11. Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга истиво қилиб, унга ва ерга: «Икковингиз ихтиёр қилган ҳолингизда ёки мажбур бўлган ҳолингизда келинг!» деди. Икковлари: «Ихтиёр қилган ҳолимизда келдик», дедилар.
12. Бас, икки кунда етти осмонни барпо этди ва ҳар бир осмонга ишини ваҳий қилди. Дунё осмонини чироқлар-ла зийнатладик ва қўридик. Бу азиз, билувчи Зотнинг ўлчовидир.
13. Агар юз ўгирсалар, «Сизларни Од ва Самудга келган чақмоққа ўхшаш чақмоқ-ла огоҳлантирдим», деб айт.
14. Ўшанда расуллар уларнинг олдларидан ҳам, орқаларидан ҳам: «Фақат Аллоҳга ибодат қилинглар», деб келганларида: «Агар Роббимиз хоҳласа, фаришталарни туширар эди. Биз сиз билан юборилган нарсага кофирдирмиз», дедилар.

15. Од бўлса ер юзида ноҳақдан мутакаббирлик қилдилар ва: «Биздан қувватлироқ ким бор?!» дедилар. Уларни яратган Аллоҳ ўзларидан қувватли эканини билмасмидилар?! Оятларимизни инкор этар эдилар.

16. Бас, уларга дунё ҳаётининг шармандали азобини тоттириш учун Биз устларига машъум кунларда сарсар шамолини юбордик. Албатта, охират азоби шарманда қилувчироқдир ва уларга нусрат берилмас.

17. Аммо Самудни ҳидоят қилдик. Улар эса ҳидоятдан кўра кўрликни афзал кўрдилар. Бас, касб қилган нарсалари туфайли уларни хорлик азобининг чақмоғи урди.

18. Иймон келтирганларга ва тақво қилиб юрганларга нажот бердик.

19. Аллоҳнинг душманлари дўзахга жамланадиган, улар тизиб қўйиладиган кунда…

20. …унга етиб келишгач, қулоқлари, кўзлари ва терилари қилиб ўтган нарсалари ҳақида уларга қарши гувоҳлик беради.

21. Териларига: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингиз?» дедилар. (Терилари) «Ҳар бир нарсани нутқ қилдирган Аллоҳ бизни ҳам нутқ қилдирди. У Зот сизларни аввал бошда яратган ва Унгагина қайтарилурсизлар», дедилар.

22. Қулоғингиз, кўзларингиз ва териларингиз ўзингизга қарши гувоҳлик беришидан эҳтиётланмас эдингиз. Аксинча, Аллоҳ қилаётган амалларингизнинг кўпини билмайди, деб гумон қилар эдингиз.

23. Роббингиз ҳақида қилган гумонингиз сизни ҳалокатга учратди. Бас, зиён кўрувчилардан бўлдингиз.

24. Агар сабр қилсалар, жаҳаннам улар учун макондир. Агар итобга қайтаришини талаб қилсалар, улар итобга қайтарилувчи ҳам бўлмаслар.

25. Уларга «яқинлар» бириктирдик. Ўшалар уларга олдиларидаги ва ортларидаги нарсаларни чиройли кўрсатдилар ва уларга ҳам ўзларидан олдин ўтган жин ва инсдан бўлган умматлар қатори (азоб) сўзи ҳақ бўлди. Албатта, улар зиён кўрувчи бўлдилар.

26. Куфр келтирганлар: «Бу Қуръонга қулоқ солманглар, унга халақит беринг, шоядки, ғолиб бўлсангиз», дедилар.

27. Албатта, куфр келтирганларга шиддатли азобни тоттирамиз ва уларга қилиб юрган амалларининг энг ёмон жазосини берамиз.

28. Мана шу Аллоҳ душманларининг жазоси дўзахдир. Уларга унда мангулик диёри бор. Оятларимизни инкор қилганларининг жазоси ўлароқ.

29. Куфр келтирганлар: «Роббимиз, бизни адаштирган жин ва инсдан бўлган шахсларни бизга кўрсатгин, уларни оёқларимиз остига олайлик, токи улар энг пастлардан бўлсинлар», дедилар.

30. «Роббимиз Аллоҳ» деган, сўнгра мустақим бўлганларнинг устидан

фаришталар (тушиб, дейдилар): «Қўрқманглар, маҳзун ҳам бўлманглар, ўзингизга ваъда қилинган жаннат хушхабарини қабул қилинглар!

31. Биз дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизга унда (жаннатда) кўнглингиз иштаҳа қилган нарса бордир ва сизга унда орзу қилган нарсангиз бордир.

32. Мағфиратли, раҳмли Зот тарафидан зиёфат ўларок».

33. Аллоҳга даъват қилган, солиҳ амалларни қилган ва «Албатта, мен мусулмонларданман!» деган кишидан ҳам гўзал сўзли ким бор?!

34. Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Яхши бўлган нарса ила даф қил. Қарабсанки, сен билан орасида адовати бор кимса худди қадрдон дўстдек бўлур.

35. Унга сабр қилганлардан бошқа ҳеч ким эришмас. Унга улуғ насиба эгаларидан бошқа ҳеч ким эришмас.

36. Агар сени шайтон васвасасидан бир васваса тутса, Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта, У Зот эшитувчидир, билувчидир.

37. Кечаю кундуз, қуёшу ой Унинг оят-белгиларидандир. Бас, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманг. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинг, агар Унгагина ибодат қилмоқчи бўлсангиз.

38. Агар мутакаббирлик қилсалар. Роббингнинг ҳузуридагилар Уни кечасию кундузи поклаб ёд этурлар. Улар малол олмаслар.

39. Яна ерни қақраган ҳолда кўришинг Унинг оятларидандир. Қачонки унинг устидан сув туширсак, у сесканади ва кўпчийди. Уни тирилтирган Зот албатта, ўликларни ҳам тирилтирувчидир. Албатта, У Зот ҳар бир нарсага қодирдир.

40. Оятларимиз ҳақида эгрилик қиладиганлар Бизга махфий бўлиб қолмаслар. Дўзахга ташланадиган одам яхшими ёки қиёмат куни омон ҳолида келадиган одамми?! Нимани хоҳласангиз, қилаверинг. Албатта, У Зот нима қилаётганингизни кўриб турувчидир.

41. Ўзларига Зикр келганда унга куфр келтирганлар (ҳам). Албатта, у азиз китобдир.

42. Унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келмас. У ҳаким, мақталган Зот томонидан нозил қилингандир.

43. Сенга сендан олдинги расулларга айтилган нарсагина айтилмоқда. Албатта, Роббинг мағфират эгасидир ва аламли азоб эгасидир.

44. Агар уни ажамий Қуръон қилганимизда, албатта: «Унинг оятлари муфассал баён қилинганида эди. Арабийга ажамийми?!» дер эдилар. «У иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир. Иймон келтирмайдиганларнинг қулоқларида оғирлик бордир. У улар учун кўрликдир. Улар узоқ макондан чақирилаётганлардир», деб айт.

45. Мусога китобни бердик. Бироқ у ҳақда ихтилоф қилинди. Агар

Роббинг томонидан олдин сўз ўтмаганида, ораларида албатта ҳукм чиқариларди. Албатта, улар у ҳақда шак шубҳададирлар.

46. Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзига зарар. Роббинг бандаларга зулм қилувчи эмас.

47. Соат илми У Зотнинг Ўзигагина қайтарилур. Барча меваларнинг гулкосаларидан чиқиши ҳам, ҳар бир урғочининг нимага ҳомиладор бўлиши ҳам, нимани туғиши ҳам фақат Унинг илми ила бўлур. У Зот уларга: «Менинг шерикларим қани?!» деб нидо қиладиган Кунда улар: «Сенга билдирамизки, бунга биздан бирорта гувоҳ йўқ», дерлар.

48. Ва илгари илтижо қилиб юрган нарсалари улардан ғойиб бўлди ва ўзларига қочар жой йўқлигига тўла ишондилар.

49. Инсон яхшилик тилашни ҳеч малол олмас. Агар уни ёмонлик тутса, у умидсиздир, тушкундир.

50. Агар унга уни тутган қийинчиликдан сўнг Ўзимиздан раҳмат тоттирсак, албатта у: «Бу меникидир. Мен Соат қоим бўлур деб ўйламайман. Агар Роббимга қайтарилсам, мен учун Унинг ҳузурида гўзал (мукофот) бор», дер. Куфр келтирганларга эса қилган амалларининг хабарини берурмиз. Уларга қаттиқ азобдан тоттирурмиз.

51. Қачон инсонга неъмат берсак, у юз ўгирар ва ёнбоши ила узоқлашар. Қачон уни ёмонлик тутса, у узундан-узоқ дуо эгасидир.

52. «Айтинглар-чи, агар у Аллоҳнинг ҳузуридан бўлса-ю, сиз унга куфр келтириб юрган бўлсангиз, хўш, тубсиз мухолифликда бўлганлардан ҳам адашганроқ ким бор?!» деб айт.

53. Уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўзларидаги оят-белгиларимизни яқинда кўрсатамиз. Токи уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид экани кифоя қилмасми?!

54. Огоҳ бўлинглар. Улар Роббларига рўбарў бўлишдан шакдадирлар. Огоҳ бўлинглар, албатта, У Зот ҳар бир нарсани қамровчидир.

42. ШУРО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 53 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳа. Мийм.

2. Айн. Сийн. Қооф.

3. Азизу ҳаким Аллоҳ сенга ва сендан аввалгиларга мана шундай ваҳий қилур.

4. Осмондаги нарсалар ва ердаги нарсалар Уникидир. У Зот олийдир, буюкдир.

5. Осмонлар уст томонларидан ёрилиб кетай дейди. Фаришталар эса Роббларини ҳамди ила поклаб ёд этурлар ва ер юзидаги кимсаларга истиғфор сўрарлар. Огоҳ бўлингким, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

6. Ундан ўзга «дўстлар» тутганларга Аллоҳ кузатувчидир. Сен уларга вакил эмассан.

7. Ана шундай қилиб, сенга Уммул қурони ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун, у ҳақда ҳеч шубҳа йўқ жамлаш Кунидан огоҳлантиришинг учун арабий Қуръонни ваҳий қилдик. Бир гуруҳ жаннатда, бир гуруҳ дўзахда.

8. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта уларни бир уммат қилар эди. Лекин хоҳлаган кишини Ўз раҳматига киритур. Золимларга эса ҳеч бир дўст ҳам, ёрдам берувчи ҳам йўқдир.

9. Ёки улар Ундан бошқа «дўстлар» тутдиларми?! Аллоҳнинг Ўзигина дўстдир. У Зот ўликларни тирилтирур. У Зот ҳар бир нарсага қодирдир.

10. «Бирор нарсада ихтилоф қилсангиз, унинг ҳукми Аллоҳдадир. Ана ўша Аллоҳ Роббимдир. Унгагина таваккул қилдим ва унгагина қайтурман».

11. У осмонлару ерни йўқдан бор қилувчидир. У сизларга ўз жинсингиздан жуфтлар яратди. Чорва ҳайвонларини ҳам жуфт қилиб яратди. У Зот сизни ўша (жуфтлик) асосида кўпайтирур. У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У Зот эшитувчидир, кўрувчидир.

12. Осмонлару ер (хазиналари) калитлари Уникидир. (У) хоҳлаган одамига ризқни кенг ёки тор қилур. Зотан, У барча нарсани билувчидир.

13. У Зот сизларга дин этиб, Ўзи Нуҳга васият қилган ва сенга ваҳий қилган ҳамда Иброҳим, Мусо ва Ийсога васият этган нарсамизни шариат қилди: «Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз!» Мушрикларга сен даъват қилган нарса оғир келди. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини танлаб олур ва Ўзигагина тавба қилувчи кишини ҳидоят қилур.

14. Фақат ўзларига илм келгандан кейингина, ўзаро ҳасад-адоват қилишиб, тафриқага тушдилар. Агар Роббингдан (азоблашни) маълум муддатгача (кечиктириш) ҳақида сўз ўтмаганида, улар орасида албатта ҳукм чиқарилган бўлур эди. Албатта, улардан кейин китобга ворис қилинганлар у ҳақда шак-шубҳададирлар.

15. Бас, шунинг учун ҳам ўзингга амр қилинганидек даъват қил ва мустақим тур ва уларнинг ҳавои нафсларига эргашма ҳамда: «Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим ва орангизда адолат ўрнатишга амр қилиндим. Аллоҳ бизнинг Роббимиз, сизнинг ҳам Роббингиз. Бизнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизнинг амалларингиз

ўзингиз учун. Сиз билан бизнинг орамизда жанжал(га ўрин) йўқ. Аллоҳ бизларни жамлайди ва қайтиш ёлғиз Унинг Ўзигадир», деб айт.

16. Аллоҳ ҳақида Унга ижобат қилинганидан кейин ҳам талашиб-тортишадиганларнинг ҳужжатлари Робблари ҳузурида ботилдир, уларга ғазаб бордир ва уларга шиддатли азоб бордир.

17. Аллоҳ ҳақ ила Китобни ва мезонни нозил қилган Зотдир. Қаердан билурсан, эҳтимол, Соат яқиндир!

18. Унга иймон келтирмайдиганлар унинг тезлашишини истайдилар, иймон келтирганлар эса ундан қўрқувчидирлар, зотан, унинг шубҳасиз ҳақ эканини билурлар. Огоҳ бўлинг! Албатта, Соат ҳақида шубҳа қилувчилар бутунлай залолатдадирлар.

19. Аллоҳ бандаларига латифдир. У Ўзи хоҳлаган кишига ризқ берур. У Зот қувватлидир, азиздир.

20. Ким охират ҳосилини истаса, унга ҳосилини зиёда қилиб берурмиз. Ким дунё ҳосилини истаса, унга ўшандан берурмиз ва унга охиратда бирон насиба бўлмас.

21. Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шериклари борми?! Агар ажрим калимаси бўлмаганида, албатта, улар ўртасида ҳукм қилинган бўлар эди. Албатта, золим кимсалар учун аламли азоб бордир.

22. Золимларни ўзлари касб қилган нарсаларидан қўрққан ҳолларида кўрасан. Ҳолбуки, у уларга тушувчидир. Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилувчилар эса жаннатларнинг боғларидадирлар. Улар учун Робблари ҳузурида хоҳлаган нарсалари бордир. Мана шунинг ўзи катта фазлдир.

23. Аллоҳ иймон келтириб, солиҳ амаллар қилган бандаларига хушхабарини бераётган нарса ана ўшадир. «Сиздан бунинг учун ажр эмас, фақат қариндошлик меҳринигина сўрайман», деб айт. Ким яхшилик қилса, унга ўша ишида яхшиликни зиёда қилурмиз. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, кўп савоб берувчидир.

24. Ёки: «Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиди», дейдиларми?! Агар Аллоҳ хоҳласа, қалбингга муҳр босур ва Аллоҳ Ўз сўзлари ила ботилни йўқ қилиб, ҳақни ҳақ қилур. Албатта, У кўкслардаги нарсани билувчидир.

25. У Ўзи бандаларидан тавбани қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва нима қилаётганингизни биладиган Зотдир.

26. У Зот иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларга ижобат қилур ва уларга Ўз фазлидан зиёда қилур. Кофирларга эса – уларга шиддатли азоб бордир.

27. Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта, улар ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар, лекин У Ўзи хоҳлаганига ўлчов

билан туширади. Албатта, У Ўз бандаларидан хабардордир, (уларни) кўрувчидир.

28. У (одамлар) ноумид бўлганларидан кейин ёмғирни туширадиган ва Ўз раҳматини таратадиган Зотдир. У валийдир, мақталгандир.

29. Осмонлару ернинг яратилиши ва уларда турли жонзотларни таратиб қўйиши Унинг оят-белгиларидандир. Ва У Зот агар хоҳласа, уларни жамлашга қодирдир.

30. Сизга қайси бир мусибат етса, бас, ўз қўлингиз қилган касбдандир ва У Зот кўпини афв қилур.

31. Ва сиз ер юзида (У Зотни) ожиз қолдирувчи эмассиз. Ҳамда сиз учун Аллоҳдан ўзга валий ҳам, нусрат берувчи ҳам йўқ.

32. Денгизда тоғлар каби сузиб юрувчи кемалар Унинг оят-белгиларидандир.

33. Агар У Зот хоҳласа, шамолни тўхтатиб қўюр. Улар (кемалар) унинг (денгизнинг) устида туриб қолурлар. Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукрли (банда) учун оят-белгилар бордир.

34. Ёки уларни (кемаларни) аларнинг касби туфайли ҳалок қилур ва У Зот кўпни афв қилур.

35. Ва оятларимиз ҳақида тортишадиганлар билсинларки, улар учун ҳеч бир қочар жой йўқдир.

36. Сизга берилган нарсалар дунё ҳаётининг матоҳи, холос. Иймон келтирган ва Роббларига таваккул қилганлар учун Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир...

37. ва катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиган ва ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар...

38. ва Роббларига ижобат қилган, намозни тўкис адо этган, ишлари ўзаро машварат ила бўлган ва уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ қиладиганлар...

39. ва Ўзларига тажовузкорлик етганда нусрат қозонадиганлар (учун).

40. Ёмонликнинг жазоси ўз мислидек ёмонликдир. Ким афв этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У Зот золимларни севмас.

41. Ким ўзига бўлган зулмдан кейин нусрат қозонса, ундайларни (айблашга) ҳеч йўл йўқ.

42. Фақатгина одамларга зулм қиладиган ва ер юзида ноҳақ тажовузкорлик қиладиганларни (айблашга) йўл бордир. Ана ўшаларга аламли азоб бордир.

43. Шубҳасиз, ким сабр қилиб, кечирса, албатта, бу азийматли ишлардандир.

44. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга У Зотдан кейин ҳеч бир валий бўлмас. Золимларни кўрурсанки, азобни кўрган чоғларида: «Қайтишга йўл бормикан?» дерлар.

45. Уларни унга (дўзахга) кўндаланг қилинаётганларида хору зор ва қўрққан ҳолларида кўз қири билан назар солаётганларини кўрурсан. Иймон келтирганлар: «Албатта, зиён кўрувчилар қиёмат куни ўзларига ва аҳли аёлларига зиён қилганлардир», дерлар. Огоҳ бўлингким, албатта, золимлар доимий азобдадирлар.

46. Ва уларга Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган ҳеч қандай валийлар бўлмади. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга йўл йўқдир.

47. Аллоҳ томонидан қайтариб бўлмайдиган Кун келмай туриб, Роббингизга ижобат қилинг! Ўша куни сизга паноҳгоҳ йўқ ва сизга (тушган азобни) инкор қилувчи йўқ.

48. Агар улар юз ўгирсалар, сени уларга қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ. Сенинг зиммангда фақат етказиш бор, холос. Биз инсонга Ўзимиздан раҳмат тоттирган чоғимизда у ундан қувонур ва агар уларга ўз қўллари тақдим этган нарса туфайли ёмонлик етса, инсон албатта ношукрлик қилур.

49. Осмонлару ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. У Зот хоҳлаган нарсасини яратур. У Зот хоҳлаган кишисига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғиллар ҳадя этур.

50. Ёки уларни жуфтлаб – ўғил-қиз қилиб берур ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур. Албатта, У билувчидир, қодирдир.

51. Аллоҳнинг башар билан гаплашмоғи бўлмаган, фақат ваҳий орқали, ёки парда ортидан, ёхуд элчи юборур ва ул У Зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур. Албатта, У олийдир, ҳакимдир.

52. Шундай қилиб, сенга Ўз амримиздан бир руҳни ваҳий қилдик. Китоб нима, иймон нима, билмас эдинг. Лекин уни бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан хоҳлаганимизни ҳидоят қилурмиз. Албатта, сен тўғри йўлга ҳидоят қилурсан.

53. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уники бўлган Аллоҳнинг йўлига (ҳидоят қилурсан). Огоҳ бўлингким, барча ишлар Аллоҳгагина қайтур.



43. ЗУХРУФ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 89 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳа. Мийм.

2. Очиқ-ойдин Китоб ила қасам.

3. Биз уни арабий Қуръон қилдик. Шоядки, ақл юритсангиз.

4. У ҳузуримиздаги она китобдадир, олийдир, ҳикматлидир.

5. Наҳотки, ҳаддан ошган қавм бўлганингиз учун сиздан юз ўгириб, Зикрни буриб юборсак?!

6. Аввалгиларга қанчадан-қанча набийлар юбордик.

7. Уларга қайси набий келмасин, албатта уни мазах қилганлар.

8. Бас, улардан кўра кучлироқларни ҳалок қилганмиз. Аввалгиларнинг мисоллари ўтди.

9. Улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасанг, «Уларни азизу билувчи Зот яратган», дерлар.

10. У сизга ерни бешик қилиб берган ва шоядки, ҳидоят топсангиз деб, сизга унда йўллар қилиб қўйган Зотдир.

11. У осмондан ўлчов ила сув туширган Зотдир. У (сув) ила ўлик диёрни тирилтирдик. Сиз ҳам шу каби чиқарилурсиз.

12. У барча жуфтларни яратган ва сизга кемалар ҳамда чорва ҳайвонларидан минадиган нарсаларингизни қилган Зотдир.

13. Токи сиз уларнинг устига ўрнашгайсизлар, сўнгра, уларнинг устига ўрнашиб олгач, Роббингизнинг неъматини эслаб, дейсиз: «Бизга буни хизматкор қилиб қўйган Зот покдир. Бунга қодир эмас эдик.

14. Ва албатта, биз Роббимизга қайтувчилардирмиз».

15. Улар бандаларидан У Зот учун қисм (нисбат) қилдилар. Албатта, инсон очиқ-ойдин ношукрдир.

16. Ёки Ўзи яратадиган нарсадан қизлар тутиб, сизларни ўғиллар ила сийладими?

17. Қачонки улардан бирортасига Роҳманга мисол келтирган нарсанинг хушхабари берилса, ғазабга тўлиб, юзи қорайиб кетур.

18. Зебу зийнат ичида ўстириладиган ва хусумат пайтида очиқ-ойдин (ҳужжат) бўла олмайдиган кимсани-я?!

19. Фаришталарни – улар Роҳманнинг бандалари – аёллар ҳисобладилар. Ёки уларнинг яратилишига гувоҳ бўлдиларми?! Албатта, бу гувоҳликлари ёзилур ва сўроққа тутилурлар!

20. Ва улар: «Агар Роҳман хоҳлаганида, биз уларга ибодат қилмас эдик», дедилар. Уларда бу ҳақда ҳеч бир илм йўқ. Улар алжирамоқдалар, холос.

21. Ёки уларга ундан (Қуръондан) олдин бир китоб берганмиз-у, улар уни маҳкам тутувчиларми?!

22. Йўқ! Улар: «Биз ота-боболаримизни бир динда топдикки, биз уларнинг изларидан (эргашиб) ҳидоят топувчидирмиз», дедилар.

23. Худди шунингдек, сендан илгари ҳам қайси бир шаҳар-қишлоққа огоҳлантирувчи юборсак, албатта, унинг маишатпарастлари: «Биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва биз уларнинг изларидан эргашувчилардирмиз», дедилар.

24. У (огоҳлантирувчи): «Агар сизга сиз ота-бобонгизни устида топган нарсангиздан ҳам ҳидоятлироқни келтирган бўлсам ҳам-а?!» деди. Улар: «Биз сен ила юборилган нарсага кофирдирмиз», дедилар.

25. Улардан интиқом олдик. Энди (расулларни) ёлғончига чиқарувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол!

26. Эсла, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Мен сиз ибодат қилаётган нарсага мутлақо алоқадор эмасман.

27. Мени яратган Зотгина мустасно. Ва У Зот мени албатта ҳидоят қилур».

28. Ва бу (сўз)ни у ўз ортидан зурриётига боқий қолувчи қилди. Шоядки, (иймонга) қайтсалар.

29. Мен эса анавиларни ва уларнинг ота-боболарини, то уларга ҳақ ҳамда очиқ-ойдин расул келгунича баҳраманд қилдим.

30. Уларга ҳақ келганида эса: «Бу сеҳрдир ва албатта, биз бунга кофирдирмиз», дедилар.

31. Ва: «Ушбу Қуръон икки шаҳардан (бирида) бўлган улуғ кишига нозил қилинганида эди», дедилар.

32. Ёки улар Роббингнинг раҳматини тақсимлайдиларми? Дунё ҳаётида уларнинг ораларида маишатларини тақсимладик ва баъзилари баъзиларини хизматкор қилиб олишлари учун айримларининг даражаларини айримларидан устун қилиб қўйдик. Роббингнинг раҳмати улар жамлайдиган нарсадан яхшидир.

33. Агар одамлар бир миллат бўлиб қолишлари (хавфи) бўлмаганида, албатта, Роҳманга куфр келтирадиганларнинг уйлари шифтини ва унга чиқадиган нарвонларини кумушдан қилиб қўяр эдик.

34. Ва уйларининг эшикларини ҳам, устида ёнбошлаб ётадиган сўриларини ҳам.

35. Ва зеб-зийнату безакларни ҳам. Буларнинг ҳаммаси дунё ҳаётининг матоҳидан бошқа нарса эмас. Охират эса Роббинг наздида тақводорлар учундир.

36. Ким Роҳманнинг эслатмасидан шабкўр бўлиб олса, унга бир шайтонни бириктириб қўюрмиз, бас, у унга «яқин» бўлур.

37. Албатта, улар (шайтонлар) аларни йўлдан тўсурлар ва улар ўзларини шак-шубҳасиз ҳидоят топувчилар деб ҳисоблайдилар.

38. Ҳузуримизга келганда: «Қани энди мен билан сенинг оранг мағриб билан машриқчалик узоқ бўлса эди. Бас, қандай ҳам ёмон «яқин» а!» дер.

39. Зулм қилганингиз учун бугунги кунда азобга шерик бўлишингиз ҳам ҳеч фойда бермас.

40. Сен карларга эшиттира олармидинг ёки кўрларни ва очиқ-ойдин залолатда бўлган кимсаларни ҳидоятга сола олармидинг?!

41. Агар сени кетказсак ҳам, Биз улардан албатта интиқом олурмиз.

42. Ёки уларга ваъда қилинган нарсани сенга кўрсатурмиз. Албатта, Биз уларнинг устида қодирдирмиз.

43. Сенга ваҳий қилинган нарсани маҳкам тут! Албатта, сен тўғри йўлдасан.

44. У (Қуръон) сенга ҳам, қавмингга ҳам шарафдир. Ва албатта сўралурсизлар.

45. Сендан олдин юборган расулларимиздан сўра чи: Роҳмандан бошқа ибодат қилинадиган илоҳлар қилган эканмизми?!

46. Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз ила Фиръавнга ва унинг аъёнларига расул қилиб юборган эдик. У «Мен оламлар Роббининг расулидирман», деди.

47. Аммо у уларга оят-мўъжизаларимизни келтирганида уларнинг устидан кула бошладилар.

48. Уларга қайси бир оят-мўъжизани кўрсатсак ҳам, у ўз шеригидан каттароқ бўлар эди. Шояд, қайтсалар деб, уларни азоб-ла тутдик.

49. Ва улар: «Эй сеҳргар! Сенга берган аҳдига биноан, биз учун Роббингга дуо қил! Албатта, биз ҳидоят топувчилардан бўламиз», дедилар.

50. Қачонки улардан азобни аритсанг, тўсатдан улар (аҳдни) бузарлар.

51. Фиръавн ўз қавмига нидо қилди: «Эй қавмим! Миср подшоҳлиги ва остимдан оқиб турган мана бу анҳорлар меники эмасми?! Кўрмаяпсизларми?!

52. Мен мана бу ҳақир, гапини очиқ баён қила олмайдиган кимсадан яхши эмасманми?

53. Унга тилладан бўлган билагузуклар ташланса ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди!»

54. У қавмини лақиллатди ва улар унга итоат қилдилар, чунки улар фосиқ қавм эдилар.

55. Бизни дарғазаб қилишгач, улардан интиқом олдик – барчаларини жамлаб, ғарқ қилдик.

56. Уларни ўтмишга айлантирдик ва кейингиларга мисол қилиб қўйдик.

57. Ибн Марям мисол келтирилган чоқда қавминг бирдан шодланиб, қичқирурлар.

58. Ва: «Бизнинг олиҳаларимиз яхшими ёки уми?» дедилар. Уни сенга

фақат талашиб-тортишиш учунгина мисол келтирдилар. Зеро, улар хусуматчи қавмдирлар.

59. У фақат бир бандадир. Унга неъмат бердик ва уни Бану Исроилга мисол қилдик.

60. Агар хоҳласак, ўрнингизга ер юзида халифа бўладиган фаришталар қилиб қўяр эдик.

61. У (Ийсо) Соатнинг илми (белгиси)дир. Бас, сиз у ҳақида ҳеч шубҳа қилманг ва менга эргашинг. Мана шу тўғри йўлдир.

62. Шайтон сизни ҳаргиз (тўғри йўлдан) тўсмасин. У сизга очиқ-ойдин душмандир.

63. Ийсо очиқ-ойдин ҳужжат-мўъжизалар билан келган чоғида деди: «Мен сизларга ҳикмат билан ва сиз ихтилоф қилаётган баъзи нарсаларни баён қилиш учун келдим. Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглар.

64. Аллоҳ менинг ҳам Роббим, сизнинг ҳам Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир».

65. Аммо уларнинг орасидан фирқалар ихтилоф қилдилар. Зулм қилганлар ҳолига аламли кун азобидан вайл бўлсин!

66. Улар фақат ўзлари ҳам сезмай қолган ҳолда Соат келиб қолишини кутмоқдалар, холос.

67. Ўша Кунда тақводорлардан бошқа дўстлар бир-бирларига душмандир.

68. Эй бандаларим! Бугунги кунда сизга хавф йўқ ва маҳзун ҳам бўлмассиз.

69. Оятларимизга иймон келтирганлар ва мусулмон бўлганлар!

70. Жаннатга киринглар, сизлар ва жуфтларингиз шод бўлурсизлар.

71. Уларга тилладан бўлган товоқлар ва қадаҳлар айлантирилур. У ерда нафслар иштаҳа қиладиган ва кўзлар лаззатланадиган нарсалар бордир. Сизлар у ерда мангу қолувчисиз.

72. Мана шу – қилиб ўтган амалларингиз сабабли сизга мерос қилиб берилган жаннатдир.

73. Сизга у ерда кўплаб мева чева бор, улардан ерсизлар.

74. Жиноятчилар жаҳаннам азобида абадий қолувчидирлар.

75. У улардан енгиллатилмас ва улар унда (азобда) ноумид ҳолда қолурлар.

76. Уларга зулм қилганимиз йўқ. Лекин улар – ўзлари золим бўлдилар.

77. Ва улар: «Эй Молик! Роббинг бизни битирсин!» деб нидо қилдилар. У: «Сиз туриб қолувчисиз», деди.

78. Биз сизга ҳақни келтирдик. Лекин кўпларингиз ҳақни ёмон кўрувчисиз.

79. Ёки улар бирон ишга қарор қилдиларми? Албатта, Биз қарор қилувчимиз.

80. Ёки улар Бизни уларнинг сирларини (билмас) ва пичирлашиб қилган

маслаҳатларини эшитмас, деб ҳисоблайдиларми? Йўқ! Ҳолбуки, элчиларимиз уларнинг ҳузурларида ёзмоқдалар.

81. «Агар Роҳманнинг боласи бўлганида, мен унга ибодат қилувчиларнинг биринчиси бўлар эдим», деб айт.

82. Осмонлару ернинг Робби, Аршнинг Робби улар қилаётган васфдан покдир.

83. Уларни қўйиб қўй, ўзларига ваъда қилинаётган Кунга рўбарў бўлгунларича (ёмонликка) шўнғийверсинлар, ўйнайверсинлар.

84. У осмонда ҳам Илоҳдир, ерда ҳам Илоҳдир. У ҳакиму билувчи Зотдир.

85. Осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг подшоҳлигига эга бўлган Зот баракотлидир, улуғдир. Соат илми Унинг ҳузуридадир. Унгагина қайтарилурсизлар.

86. Аллоҳдан ўзга илтижо қилаётган нарсалари шафоатга эга бўлмаслар. Билган ҳолларида ҳақ шаҳодат берганларгина мустасно.

87. Агар улардан ўзларини ким яратганини сўрасанг, албатта «Аллоҳ» дерлар. Бас, қаёққа ўгирилиб кетмоқдалар?!

88. У (Муҳаммад)нинг «Роббим, албатта, анавилар иймон келтирмайдиган қавмлардир», деган гапини ҳам (билур).

89. Сен улардан юз ўгир ва: «Сизларга салом бўлсин», дегин. Тезда билурлар.

44. ДУХОН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 59 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳа. Мийм.

2. Очиқ-ойдин китоб ила қасам.

3. Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Албатта, Биз огоҳлантирувчи бўлдик.

4. Унда (муборак кечада) ҳар бир ҳикматли иш ажратилиб, ҳал қилинур…

5. Биз томонимиздан бўлган амр ўлароқ. Албатта, Биз расул юборувчи бўлдик...

6. ...Роббингдан раҳмат ўлароқ. Албатта, У эшитувчи, билувчи Зотдир.

7. У осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Агар аниқ ишонувчи бўлсангиз.

8. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирилтирур ва ўлдирур. У сизнинг Роббингиз ва ота-боболарингизнинг Роббидир.

9. Йўқ! Улар шак-шубҳада ўйнамоқдалар.

10. Бас, осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кут.

11. У одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир.

12. Роббимиз! Биздан азобни кушойиш қил! Албатта, биз иймон келтирувчидирмиз.

13. Уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очиқ-ойдин расул келган эди.

14. Сўнгра ундан юз ўгирдилар ва: «Ўргатилган мажнун», дедилар.

15. Биз азобни бир оз кушойиш қилувчимиз. Сизлар эса қайтувчисизлар.

16. Катта ушлаш ила ушлаган кунимиз Биз албатта интиқом олувчимиз.

17. Улардан олдин Фиръавн қавмини ҳам синаганмиз. Уларга шарофатли расул келди.

18. «Аллоҳнинг бандаларини менга топширинг. Албатта, мен сизларга ишончли расулман.

19. Ва Аллоҳга катта кетманг. Мен сизга очиқ-ойдин ҳужжат келтирурман.

20. Ва мен ўзимнинг Роббим ва сизнинг Роббингиздан мени тошбўрон қилишингиздан паноҳ сўрадим.

21. Ва агар менга иймон келтирмасангиз, мендан четланинг» (деди).

22. Роббига: «Анавилар жиноятчи қавм экан», деб дуо қилди.

23. (У Зот деди) «Сен бандаларим ила кечаси йўлга чиқ. Албатта таъқиб этилурсиз.

24. Ва денгизни сокин ҳолида қўй, улар ғарқ қилинадиган лашкардир».

25. Улар қанчадан-қанча боғу роғларни ва булоқларни қолдирдилар...

26. ...экинзорларни ва карамли масканни…

27. ...ва ўзлари ичида ҳузур ҳаловат топаётган нозу неъматларни.

28. Мана шундай! Уларни бошқа қавмларга мерос қилиб бердик.

29. Уларга осмон ҳам, ер ҳам йиғламади ва улар муҳлат берилганлардан ҳам бўлмадилар.

30. Батаҳқиқ, Бану Исроилга хорловчи азобдан нажот бердик – ...

31. ...Фиръавндан. Албатта, у катта кетган ва ҳаддидан ошганлардан эди.

32. Батаҳқиқ, уларни оламлар ичидан илм асосида танлаб олдик.

33. Ва уларга оят-мўъжизалардан ичида очиқ-ойдин синов бор нарсаларни бердик.

34. Анавилар дерлар:

35. «Биринчи ўлимимиздан бошқа ҳеч қандай ўлим йўқ ва биз қайта тирилтирилувчи эмасмиз.

36. Агар ростгўй бўлсангиз, ота-боболаримизни келтиринглар».

37. Улар яхшироқми ёки Туббаъ қавмию улардан олдин ўтганларми?! Биз уларни ҳалок қилдик. Албатта, улар жиноятчи бўлган эдилар.

38. Осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб яратганимиз йўқ!

39. Икковларини фақат ҳақ ила яратдик, лекин уларнинг кўплари билмаслар.

40. Албатта, ажратиш куни барчалари учун белгиланган вақтдир.

41. У кунда дўст дўстга бирон нарсада асқотмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.

42. Кимга Аллоҳ раҳм қилсагина, мустасно. Албатта, У азиздир, раҳмлидир.

43. Заққум дарахти...

44. ...сергуноҳнинг таомидир.

45. У худди эритилган маъдан каби қоринларда қайнар.

46. Қайноқ сувнинг қайнаши каби.

47. «Уни тутиб, жаҳиймнинг ўртасига судраб олиб боринглар!

48. Сўнгра боши устидан қайноқ сув азобини қуйинглар!» (дейилур).

49. «Тотиб кўр! Албатта, сен ўзинг «азизу мукаррам»сан!

50. Албатта, бу сиз у ҳақда шубҳа қилиб юрган нарсадир!» (дейилур).

51. Албатта, тақводорлар омонлик мақомидалар.

52. Боғу роғлар ва булоқлар орасида.

53. Улар сундус (юпқа ипак) ва истабрақдан (қалин ипакдан) киюрлар, бир-бирларига юзма-юз ҳолдалар.

54. Ана шундай! Ва уларни шаҳлокўзларга уйлантирдик.

55. Улар у ерда омонлик ҳолларида ҳар турли мева чевадан чорлайдилар.

56. Улар у ерда (дунёдаги) биринчи ўлимдан бошқа ўлимни тотмаслар. (У Зот) уларни жаҳийм азобидан сақлар.

57. Роббингдан бўлган фазл ўлароқ. Ана шу буюк ютуқдир.

58. Бас, албатта, уни (Қуръонни) сенинг тилингга осон қилдик. Шоядки, эслатма олсалар.

59. Сен кутиб тур. Улар ҳам кутувчидирлар.



45. ЖОСИЯ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 37 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳа. Миийм.
2. Китобнинг нозил қилиниши азизу ҳаким Аллоҳ томонидандир.
3. Албатта, осмонлару ерда мўминлар учун оят-белгилар бордир.
4. Ва яратилишингизда ва жонзотларни таратиб қўйишида аниқ ишонадиган қавмлар учун оят-белгилар бор.
5. Кечаю кундузнинг алмашиб туришида, Аллоҳ осмондан ризқ тушириб, унинг ила ерни ўлимидан кейин тирилтиришида ва шамолларнинг йўналишида ақл юритадиган қавмлар учун оят-белгилар бор.
6. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни сенга ҳақ ила тиловат қилурмиз. Улар Аллоҳ ва Унинг оятларидан ўтиб, қайси гапга иймон келтирурлар?!
7. Ҳар бир уйдирмачи сергуноҳга вайл бўлсин!
8. Ўзига тиловат қилинган Аллоҳнинг оятларини эшитади-ю, сўнгра худди эшитмагандек, мутакаббирлик қилиб туриб олади. Бас, унга аламли азоб «хушхабар»ини бер.
9. Қачонки оятларимиздан бирор нарса билса, уни мазах қилур. Ана ўшаларга хорловчи азоб бордир.
10. Ва ортларида жаҳаннам бор. Уларга касб қилган нарсалари ҳам, Аллоҳни қўйиб, тутган «дўстлари» ҳам ҳеч бир нарсада асқотмас. Уларга улкан азоб бордир.
11. Бу (Қуръон) ҳидоятдир. Робблари оятларига куфр келтирганларга қақшатқич аламдан иборат азоб бордир.
12. Аллоҳ сизга денгизни унда Ўз амри билан кемалар юриши учун ва Унинг фазлидан исташингиз учун беминнат хизматкор қилиб қўйди. Шоядки, шукр келтирсангиз.
13. Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни – ҳаммасини Ўз томонидан беминнат хизматкор қилиб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.
14. Иймон келтирганларга айт, Аллоҳнинг кунларидан умидвор бўлмайдиганларни кечирсинлар. Токи У Зот бу қавмни касб қилиб юрган нарсалари учун мукофотласин.
15. Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзига зарар. Сўнгра Роббингизга қайтарилурсиз.

16. Батаҳқиқ, Бану Исроилга китобни, ҳикмат ва нубувватни бердик, уларни пок нарсалар билан ризқлантирдик ва уларни оламлар узра афзал қилдик.

17. Ва уларга (дин борасидаги) иш ҳақида очиқ-ойдин баёнотлар бердик. Улар ўзларига илм келганидан сўнг ўзаро ҳасад-адоват қилибгина ихтилофга тушдилар. Албатта, Роббинг қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида ҳукм чиқарур.

18. Сўнгра сени (дин борасидаги) ишда бир шариатга йўлладик. Бас, унга эргаш, билмайдиганларнинг ҳавои нафсига эргашма.

19. Албатта, улар сендан Аллоҳ томонидан бўладиган ҳеч бир нарсани арита олмаслар. Золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Аллоҳ эса тақводорларнинг дўстидир.

20. Бу (Қуръон) одамлар учун кўз очувчидир, аниқ ишонадиган қавм учун ҳидоят ва раҳматдир.

21. Наҳотки, ёмонликларни қилганлар уларни иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларга ўхшаш қилмоғимизни, ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар бўлишини ўйласалар?! Қилаётган ҳукмлари нақадар ёмон!

22. Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила, ҳар бир жон қилган касбига яраша, зулм қилинмаган ҳолида жазо мукофотини олиши учун яратган.

23. Айтинг-чи, ҳавои нафсини илоҳ қилиб олган, Аллоҳ уни билиб туриб, залолатга солган ва қулоғига ҳамда қалбига муҳр босиб, кўзига парда тортиб қўйган кимсани Аллоҳдан бошқа ким ҳидоят қила олади?! Эсламайсизларми?!

24. Улар: «Дунёдаги ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқ. Ўламиз, тириламиз, бизни фақат замон ҳалок қилади», дерлар. Уларнинг бу ҳақда илмлари йўқ. Улар фақат гумон қиладилар, холос.

25. Уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинган чоқда «Агар ростгўй бўлсангиз, ота-боболаримизни келтиринг-чи?!» дейишдан бошқа ҳужжатлари бўлмас.

26. «Аллоҳ сизларни тирилтирур, сўнгра ўлдирур, сўнгра сизларни у ҳақда шубҳа йўқ қиёмат куни жамлар. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб айт.

27. Ва осмонлару ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. Соат қоим бўладиган Кунда, ўша Кунда ботилчилар зиён кўрурлар.

28. Ҳар бир умматни тиз чўккан ҳолида кўрурсан. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур: «Бугунги кунда қилиб юрган амалларингизнинг жазо мукофотини олурсиз!

29. Мана бу китобимиз сизга ҳақни нутқ қилур. Албатта, Биз қилган амалингизни ёзиб турган эдик» (дейилур).

30. Бас, иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни Робблари Ўз раҳматига киритур. Ана ўша – ўзи очиқ-ойдин ютуқдир.

31. Аммо куфр келтирганларга эса: «Ахир сизга оятларим тиловат қилинмаганмиди?! Бас, мутакаббирлик қилдингиз ва жиноятчи қавм бўлдингиз.

32. Қачон «Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир ва Соат ҳақида шубҳа йўқдир», дейилса, «Соат нима эканини билмасмиз. Биз фақат гумон қиламиз, холос. Биз аниқ ишонувчи эмасмиз», дедингиз» (дейилур).

33. Ва уларга қилган амалларининг ёмонликлари аён бўлди ва уларни ўзлари мазах қилиб юрган нарса ўраб олди.

34. Ва дейилди: «Бугунги кунда худди сиз ушбу кунингизга рўбарў бўлишни унутганингиздек, Биз ҳам сизни унутурмиз. Жойингиз оловдир ва сизларга ҳеч бир ёрдамчилар йўқ.

35. Бундай бўлишингиз Аллоҳнинг оятларини эрмак қилганингиз ва сизни дунё ҳаёти алдаб қўйгани учундир». Бас, бугунги кунда улар ундан (жаҳаннамдан) чиқарилмаслар ва улардан рози қилишлари ҳам талаб этилмас.

36. Ҳамд осмонларнинг Робби ва ернинг Робби, оламларнинг Роббигадир.

37. Осмонлару ердаги улуғлик Уникидир. У азиздир, ҳакимдир.



46. АҲҚОФ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 35 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳа. Мийм.

2. Китоб нозил қилиниши азизу ҳаким Аллоҳдандир.

3. Осмонлару ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни фақат ҳақ ва белгиланган муддат ила яратдик. Кофирлар эса ўзлари огоҳлантирилган нарсадан юз ўгирувчилардир.

4. «Аллоҳдан ўзга сиғинаётган нарсаларингизнинг хабарини беринг-чи, менга кўрсатинг-чи, улар ердан нимани яратдилар? Ёки осмонлар (яратилиши)да шерикликлари борми? Агар ростгўй бўлсаларингиз, менга бундан олдинги китобни ёки илмий бир белгини келтиринг», деб айт.

5. Аллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача дуосини мустажоб қилолмайдиганларга илтижо этадиганлардан кўра адашганроқ ким бор?! Ҳолбуки, улар (бутлар) буларнинг дуосидан ғофилдирлар.

6. Одамлар (маҳшарга) тўпланганларида, ўшалар (бутлар) уларга душман бўлурлар ва ибодатларига ҳам мункир бўлурлар.

7. Қачонки уларга равшан оятларимиз тиловат қилинса, куфр келтирганлар, уларга Ҳақ (Қуръон) келгандаёқ: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдир», дерлар.

8. Балки «Уни (Қуръонни) ўзи тўқиб олган», ҳам дерлар. «Агар уни тўқиб олган бўлсам, Аллоҳдан (келадиган) бирор нарсани мендан қайтаришга қодир эмассиз. У Зотнинг Ўзи у (Китоб) ҳақида сиз шўнғиётган нарсаларни яхши билувчидир. Мен билан сизнинг ўртангизда гувоҳликка Унинг Ўзи кифоядир. Ва У мағфиратлидир, раҳмлидир», деб айт.

9. Айт: «Мен расулларнинг дастлабкиси эмасман, менга ва сизларга нима қилинишини билмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинаётган нарсагагина эргашурман. Мен очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман, холос».

10. «Айтинг-чи, агар у (Қуръон) Аллоҳдан бўлса-ю, сиз унга куфр келтирсангиз ва ҳолбуки, Бану Исроилдан бир гувоҳ унга (Қуръонга) ўхшаш нарсага гувоҳлик бериб, иймон келтириб турибди, сиз эса мутакаббирлик қиляпсиз. Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас», деб айт.

11. Куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Агар у (Қуръон) яхшилик бўлганида, унга биздан ўзиб бормасдилар», дедилар. Ундан ҳидоят топишмагач: «Бу қадимги уйдирмадир», дерлар.

12. Ундан (Қуръондан) олдин Мусонинг китоби йўл бошловчи ва раҳмат эди. Бу эса араб тилидаги, тасдиқловчи, зулм қилувчиларни огоҳлантириш учун ва яхшилик қилувчиларга хушхабар Китобдир.

13. Албатта, «Роббимиз Аллоҳдир» деб, сўнгра мустақим турганларга хавф йўқдир ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.

14. Ана ўшалар қилган амаллари мукофотига жаннатнинг унда мангу қолувчи эгаларидир.

15. Инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир. Қачонки у вояга етиб, қирқ ёшга етганида: «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўлган солиҳ амал қилишимга муваффақ этгин. Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин. Мен Сенга тавба қилдим ва мен мусулмонларданман», деди.

16. Ана ўшаларнинг, жаннат эгалари қатори, энг яхши амалларини қабул қилиб, ёмонликларини ўтиб юборурмиз. Уларга берилган ҳақ ваъда шулдир.

17. Ота-онасига: «Ҳайф сизларга, (қабрдан) чиқарилишимнинг ваъдасини беряпсизларми?! Мендан аввал ҳам авлодлар ўтган-ку!» деган

кишига, Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда: «Ҳолингга вой бўлгур, иймон келтир, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир», дедилар. У бўлса: «Бу аввалгиларнинг афсоналари, холос», дер.

18. Ана ўшаларга ўзларидан аввал ўтган жин ва инс умматлари қаторида (азоб) сўзи ҳақ бўлгандир. Албатта, улар зиён кўрувчилардан бўлдилар.

19. Ва ҳар бирларига қилган амалларига яраша даражалар бордир. Ва уларга амалларининг (мукофот ёки жазоси) тўлиқ берилур ва уларга зулм қилинмас.

20. Куфр келтирганлар дўзахга кўндаланг қилинган Кунда (уларга): «Дунё ҳаётидаёқ мазангизни қилиб, ҳузурланиб бўлгансиз. Бугунги кунда ер юзида ноҳақ мутакаббирлик ва фосиқлик қилганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз» (дейилур).

21. Однинг биродарини, унинг қум тепаликларда ўз қавмини «У Зотдан ўзгага ибодат қилманглар. Мен сизлар учун буюк Кун азобидан қўрқаман», дея огоҳлантирганини эсла! Ҳолбуки, ундан аввал ҳам, кейин ҳам огоҳлантирувчилар ўтган эди.

22. Улар: «Бизни илоҳларимиздан оздиришга келдингми? Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир», дедилар.

23. У: «Албатта, илм Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен нима билан юборилган бўлсам, шуни етказмоқдаман. Лекин сизларнинг нодонлик қиладиган қавм эканингизни кўриб турибман», деди.

24. Унинг (азобнинг) водийлари томон булут бўлиб келаётганини кўрганларида: «Бу булут бизга ёмғир ёғдирур», дейишди. Йўқ! Бу ўзингиз ошиққан нарса – аламли азоби бор шамолдир.

25. Роббининг амри ила ҳар бир нарсани яксон қилур. Бас, масканларидан бошқа нарса кўринмайдиган ҳолга тушдилар. Жиноятчи қавмларни шундай жазолармиз.

26. Ва дарҳақиқат, уларга сизга бермаган имконларни берган эдик. Ҳамда уларга қулоқ, кўз ва диллар бердик. Бас, на қулоқлари, на кўзлари ва на диллари уларга ҳеч бир фойда бермади. Чунки улар Аллоҳнинг оятларини инкор қилган эдилар. Уларни ўзлари мазах қилган нарса ўраб олди.

27. Ҳақиқатан, атрофингиздаги шаҳар-қишлоқларни ҳалокатга учратдик ва шоядки, ўзларига қайтсалар деб, ҳужжат-далилларни баён қилдик.

28. Қанийди Аллоҳни қўйиб, У Зотга яқинлаштирувчи деб тутинган «илоҳ»лари уларга ёрдам беришса! Йўқ! Улар ғойиб бўлдилар. Ва бу уларнинг уйдирма ҳамда тўқиган нарсаларидир.

29. Ва бир гуруҳ жинларни Қуръон эшитишлари учун сен томон бурганимизни эсла. Унга ҳозир бўлганларида: «Жим, қулоқ солинглар!» дедилар. Тугагач, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтдилар.

30. Улар дедилар: «Эй қавмимиз! Биз Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан аввалги нарсани тасдиқловчи, ҳаққа ва тўғри йўлга ҳидоят қилувчи Китобни эшитдик.

31. Эй қавмимиз, Аллоҳнинг даъватчисига жавоб беринг ва Унга иймон келтиринг. У сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва аламли азобдан сақлар.

32. Кимки Аллоҳнинг даъватчисини қабул қилмаса, у ер юзида қочиб қутула олувчи эмасдир ва унга У Зотдан ўзга валийлар ҳам йўқдир. Ана ўшалар очиқ-ойдин залолатдадирлар».

33. Улар осмонлару ерни яратган ва уларни яратишда беҳол бўлмаган Аллоҳ ўликларни ҳам тирилтиришга қодир эканини англаб етмадиларми? Йўқ, У Зот ҳар бир нарсага қодирдир.

34. Куфр келтирганлар оловга кўндаланг қилинган Кунда: «Бу ҳақ эмасми?!» (дейилур). Улар: «Роббимизга қасамки, худди шундай», дерлар. «Бас, куфр келтирганингиз учун азобни тотинглар», дейди.

35. «Улул азм» расуллар сабр қилгандек сабр қил, уларга (азоб етишига) ошиқма! Уларваъда қилинган нарсани кўрганларида, худди (бу дунёда) кундуздан бир лаҳзагина турганга ўхшарлар. Бу етказишдир! Бас, фақат фосиқ қавмлар ҳалок қилинур, холос!

47. МУҲАММАД СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 38 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганларнинг амалларини (У Зот) бекор қилди.

2. Иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган ва Муҳаммадга нозил қилинган нарсага – ҳолбуки, у Робларидан келган ҳақдир – иймон келтирганларнинг айбларини беркитар ва аҳволларини яхшилар.

3. Бу, албатта, куфр келтирганлар ботилга эргашганлари ва иймон келтирганлар Робларидан бўлган ҳаққа эргашганлари учундир. Аллоҳ кишиларга ўзларининг мисолларини шундай келтирар.

4. Қачонки куфр келтирганлар билан тўқнашсангиз, бўйинларга урмоқ керак. Уларни тор-мор қилсангиз, маҳкам боғланг. Сўнгра уруш ўз анжомларини қўймагунча ё илтифот, ё товон олишдир. Ана шундай. Аллоҳ хоҳласа, улардан Ўзи ғолиб келарди, лекин (бу) баъзиларингизни баъзиларингиз ила синаш учундир. Аллоҳ йўлида қатл қилинганларнинг амалларини У Зот ҳеч бекор қилмас.

5. Уларни албатта ҳидоят қилур ва аҳволларини яхшилар.

6. Ҳамда Ўзи уларга таърифлаб берган жаннатга киритар.

7. Эй иймон келтирганлар, агар Аллоҳга ёрдам берсангиз, сизга ҳам ёрдам берур ва қадамларингизни собит қилур.

8. Ва куфр келтирганларга бахтсизлик ва амалларини бекор қилиш бўлсин.

9. Бу улар Аллоҳ нозил қилган нарсани ёқтирмаганлари учундир. У Зот амалларини ҳабата қилди.

10. Ер юзида юриб, ўзларидан олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми? Аллоҳ уларни бор буди билан яксон қилди-ку! Кофирларга ҳам шунга ўхшаш бўлур.

11. Бу, албатта, Аллоҳ иймон келтирганларнинг Хожаси эканидан ва албатта, кофирларга хожа йўқлигидандир.

12. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганлар ва яхши амал қилганларни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Куфр келтирганлар «баҳраланурлар» ва худди чорва ҳайвонлари егандек ерлар ва олов уларга турар жойдир.

13. Сени чиқарган шаҳрингдан кўра қувватлироқ қанчадан қанча шаҳарларни ҳалок қилдик. Бас, уларга нусрат берувчи йўқдир.

14. Робби тарафидан очиқ ойдин ҳужжатга эга бўлган шахс ёмон амали ўзига чиройли кўринган ва ҳавои нафсига эргашганлар каби бўлурми?!

15. Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (шудир): ичида айнимаган сувли анҳорлари, таъми ўзгармаган сутли анҳорлари, ичувчилар учун лаззатбахш хамрли анҳорлари, мусаффо асалли анҳорлари бор. Улар учун унда барча мевалар ва ўз Роббларидан мағфират бор. Улар дўзахда мангу қоладиган, ўта қайноқ сув билан суғорилиб, ичаклари титилиб кетган кимсага ўхшарми?

16. Ва улардан сенга қулоқ тутадиганлари бор. Ҳузурингдан чиққанларида эса илм берилганларга: «Ҳали нима деди?» дерлар. Ана ўшалар қалбларига Аллоҳ тамға босганлар ва ҳавои нафсларига эргашганлардир.

17. У Зот ҳидоят топганларнинг ҳидоятини зиёда қилди ва уларга тақволарини берди.

18. Улар Соатнинг бирдан келишидан бошқа нарсага илҳақ бўлаётганлари йўқ. Дарвоқе, аломатлари келиб ҳам қолди. У келган пайтда эслашлари(дан) не фойда?!

19. Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Ўзингнинг, мўминларнинг ва мўминаларнинг гуноҳлари учун мағфират сўра. Аллоҳ сизларнинг кезар жойларингизни ҳам, борар жойларингизни ҳам билур.

20. Ва иймон келтирганлар: «Бирон сура нозил қилинса эди», дерлар.

Вақтики, муҳкам сура нозил қилиниб, унда уруш зикр қилинса, қалбларида касаллик борларнинг сенга худди жон бераётганнинг қарашидек қараётганини кўрасан. Улар учун яхшироқдир...

21. ...тоат ва маъруф сўз. Бас, иш жиддийлашганда Аллоҳга содиқ қолсалар, ўзларига яхши бўлур эди.

22. Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирсангиз, ер юзида бузғунчилик қилиб, қариндошлик ришталарингизни узарсиз?!

23. Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлади, ўзларини кар қилди ва кўзларини кўр қилди.

24. Қуръонни тадаббур қилиб кўрмайдиларми? Ёки қалбларида қулфлар борми?

25. Албатта, ҳидоят равшан бўлгандан сўнг ортларига қайтганларни шайтон оздирди ва орзуларини узайтирди.

26. Албатта, бу уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсани ёқтирмаганларга: «Сизларга баъзи ишларда итоат қилурмиз», дейишлари сабабидандир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ сир-асрорларини билиб турибди.

27. Фариштралар юзларига ва ортларига уриб, жонларини олаётганларида қандай бўларкин?!

28. Албатта, бу улар Аллоҳни ғазаблантирган нарсага эргашганлари ва Унинг розилигини ёқтирмаганлари учундир. У Зот амалларини ҳабата қилди.

29. Қалбларида касаллик борлар, Аллоҳ уларнинг қаттиқ кекларини ошкор қилмас, деб ҳисоблайдиларми?!

30. Агар хоҳласак, уларни сенга кўрсатар эдик, таъкидки, сен уларни сиймоларидан таниб олар эдинг. Ва таъкидки, сен уларни гап оҳангларидан танийсан. Аллоҳ амалларингизни билиб турур.

31. Ва таъкидки, сизларни синармиз, токи сизлардан мужоҳидларни, сабрлиларни билсак ва хабарларингизни имтиҳон этсак.

32. Албатта, куфр келтирганлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганлар ҳамда ҳидоят аниқ бўлганидан сўнг расулга мухолиф чиққанлар Аллоҳга ҳеч зарар келтира олмаслар. Ва У Зот уларнинг амалларини ҳабата қилур.

33. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат этинг, Расулга итоат этинг ва амалларингизни ботил қилманг.

34. Албатта, куфр келтирган, Аллоҳнинг йўлидан тўсган, сўнгра кофир ҳолларида ўлганларни Аллоҳ ҳеч-ҳеч мағфират қилмас.

35. Бас, бўш келманглар ва ўзингиз устун бўлиб туриб, келишувга чақирманглар. Аллоҳ сиз билан ва (У Зот) амалларингизни ҳеч-ҳеч камайтирмас.

36. Албатта, дунё ҳаёти ўйин кулги ва кўнгилхушлик, холос. Агар иймон

келтирсангиз ва тақво қилсангиз, У Зот ажрларингизни берур ва мол-дунёларингизни сўрамас.

37. Агар сиздан уларни сўраса, қийнаса, бахиллик қиласизлар ва (Аллоҳ) кекларингизни чиқарур.

38. Ҳой сиз, анавилар! Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга чақирилмоқдасиз. Баъзиларингиз эса бахиллик қилурсизлар. Ва ким бахиллик қилса, албатта, ўз зиёнига бахиллик қилур. Ҳолбуки, Аллоҳ ғанийдир, сизлар муҳтожсизлар. Ва агар юз ўгириб кетсангиз, ўрнингизга сиздан бошқа қавмни келтирур, улар эса сизларга ўхшаган бўлмаслар.



48. ФАТҲ СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 29 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Албатта Биз сенга очиқ-ойдин фатҳни бердик.

2. Аллоҳ сенинг аввал ўтган гуноҳларингни ва кейингиларини мағфират этиши, Ўз неъматини сенга батамом қилиши ва сени тўғри йўлга бошлаши учун...

3. ва Аллоҳ сенга иззатли нусрат бериши учун.

4. У иймонларига иймон зиёда бўлиши учун мўминлар қалбига сокинликни нозил қилган Зотдир. Осмонлару ернинг лашкарлари Аллоҳникидир. Аллоҳ билувчидир, ҳикматлидир.

5. Мўминлар ва мўминаларни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга мангу қолувчи ҳолларида киритиш учун ва уларнинг гуноҳларини ўчириш учун. Ана ўша Аллоҳнинг ҳузурида буюк ютуқдир.

6. Аллоҳ тўғрисида ёмон гумон қилувчи мунофиқ ва мунофиқалар, мушрик ва мушрикаларни азоблаш учун. Уларга замон айланишидаги мусибатнинг ёмони бўлсин! Уларга Аллоҳ ғазаб қилди, уларни лаънатлади ва уларга жаҳаннамни тайёрлаб қўйди. У нақадар ёмон борар жойдир!

7. Ва осмонлару ернинг лашкарлари Аллоҳникидир. Аллоҳ азиздир, раҳмлидир.

8. Биз сени гувоҳлик берувчи, хушхабарчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик...

9. ...Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз, У Зотни қўллаб-

қувватлашингиз, улуғлашингиз ҳамда У Зотни эртаю кеч поклаб ёд этишингиз учун.

10. Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг Ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким (байъатни) бузса, ўзига қарши бузади, холос ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда буюк ажр берур.

11. Ортда қолган аъробийлар сенга: «Молимиз ва аҳлимиз бизни машғул қилди, биз учун мағфират сўра», дейишар. Улар қалбларида йўқ нарсани тиллари ила айтурлар. «Агар Аллоҳ сизга зарарни ирода қилса ёки сизга манфаатни ирода қилса, ким сизлар учун Аллоҳдан бирор нарсага молик бўла олади? Таъкидки, Аллоҳ қилган амалларингиздан хабардордир», деб айт.

12. Балки сизлар, Расул ва мўминлар ҳеч қачон ўз аҳлларига қайтиб келмаслар, деб гумон қилдингиз ва бу нарса қалбингизда чиройли кўрсатилди, ёмон гумон қилдингиз ва ҳалокат қавми бўлдингиз.

13. Ва ким Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирмаса, албатта, Биз кофирларга (ловуллаган) оловни тайёрлаганмиз.

14. Осмонлару ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. Хоҳлаганини мағфират қилади, хоҳлаганини азоблайди. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

15. Ўлжалар томон, уларни олиш учун юрганингизда, ортда қолганлар: «Қўйиб беринг, биз ҳам сизга эргашурмиз», дейишар. Аллоҳнинг каломини ўзгартирмоқчи бўлишар. Айт: «Ҳеч-ҳеч бизга эргашмайсиз, сизга буни Аллоҳ аввал айтган». Улар: «Йўқ, бизга ҳасад қилаётирсизлар», дейишар. Йўқ, улар озгина нарсадан бошқа нарсани англамаслар.

16. Ортда қолган аъробийларга: «Катта кучга эга бўлган қавмга (қарши) чақирилурсиз, то улар мусулмон бўлгунларича урушасиз. Агар итоат қилсангиз, Аллоҳ сизга гўзал ажр берур. Ва агар яна аввал қочганингиздек, ортга қочсангиз, аламли азоб ила азоблар», деб айт.

17. Кўрга танглик йўқ, чўлоққа ҳам танглик йўқ. Хастага ҳам танглик йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, уни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритар. Ким юз ўгирса, аламли азоб ила азоблар.

18. Батаҳқиқ, Аллоҳ мўминлардан дарахт остида сенга байъат қилаётганларида рози бўлди. Уларнинг қалбларидагини билди, уларга сокинликни туширди ва яқин фатҳ ила мукофотлади.

19. Ва кўпгина ўлжалар билан ҳам. Уларни олурлар. Ва Аллоҳ азиздир, ҳакимдир.

20. Аллоҳ сизларга кўпгина ўлжаларни ваъда қилди. Уларни олурсизлар, бунисини сизга тезлатиб берди, (ўтган воқеа) мўминларга ибрат

бўлиши учун ва сизларни тўғри йўлга бошлаш учун одамларнинг қўлини сиздан тўсди.

21. Ва сизлар қодир бўлмаган бошқасини ҳам (ваъда қилди). Уни Аллоҳ иҳота қилгандир ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

22. Агар кофирлар сизлар билан урушганларида, орқага қараб қочар эдилар, сўнгра ўзларига валий ҳам, нусрат берувчи ҳам топмас эдилар.

23. Аллоҳнинг аввалдан келаётган суннатидир. Ва Аллоҳнинг суннатига ҳеч бадал топа олмассан.

24. У Зот Макка водийсида сизларни уларнинг устидан зафар қозонтирганидан сўнг уларнинг қўлларини сиздан, сизнинг қўлларингизни улардан тўсган Зотдир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

25. Улар куфр келтирган, сизларни Масжидул Ҳаромдан, ҳадийни эса ушланиб, ўз жойига етишидан тўсган кишилардир. Агар сиз билмаган мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бўлмаганида, сизга билмасдан, уларни ҳалок қилганингиз туфайли зиён етиши бўлмаганида, – Аллоҳ Ўзи хоҳлаганини Ўз раҳматига киритиши учун – агар ажралиб турганларида, улардан кофирларини аламли азоб ила азоблар эдик.

26. Эсла, куфр келтирганлар қалбларида «ҳамият»ни – «жоҳилият ҳамияти»ни жойлаганларида, Аллоҳ Расулига ва мўминларга Ўз сакинасини туширди ва уларга тақво калимасини лозим кўрди, улар бунга ҳақли ва аҳл эдилар. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

27. Батаҳқиқ, Аллоҳ Расулининг тушини ҳақ ила тасдиқлади. Албатта, Масжидул Ҳаромга, иншааллоҳ, омонликда, сочларингиз олинган, қисқартирилган ҳолда, қўрқмасдан кирасизлар. Бас, У сиз билмаган нарсани билди ва (сизга) бундан бошқа яқин фатҳни (ато) қилди.

28. У Ўз расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, уни барча динлардан устун қилиш учун юборган Зотдир. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

29. Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир, у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳмдилдирлар. Уларни рукуъ ва сажда қилган ҳолларида кўрасан. Аллоҳдан фазл ва розилик тиларлар. Юзларидаги аломатлари сажда асаридир. Уларнинг Тавротдаги ва Инжилдаги мисоллари ана шундайдир. Бу худди уруғини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар – улар билан кофирларни ғазаблантириш учун. Аллоҳ улардан иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларига мағфират ва буюк ажрни ваъда қилди.



49. ҲУЖУРОТ СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 18 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳдан ва Унинг Расулидан олдин ўтманглар. Ва Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта, Аллоҳ эшитувчидир, билувчидир.

2. Эй иймон келтирганлар! Овозингизни Набийнинг овозидан юқори кўтарманг ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек, баланд сўзламанг, ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин.

3. Албатта, Расулуллоҳнинг ҳузурида овозларини пастлатганлар – ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир. Уларга мағфират ва буюк ажр бор.

4. Албатта, сени ҳужралар ортидан чақираётганларнинг кўплари ақл юритмаслар.

5. Агар уларнинг ҳузурига чиққунингча сабр қилганларида, ўзлари учун яхши бўларди. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

6. Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, билмасдан, бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар.

7. Ва билинглар ки, орангизда Аллоҳнинг Расули бордир. Агар у кўп ишларда сизга итоат қилса, албатта қийинчиликка дучор бўлардингиз. Лекин Аллоҳ сизларга иймонни севимли қилди ва уни қалбларингизда зийнатлади ва сизларга куфрни, фисқни ва исённи ёмон кўрсатди. Ана ўшалар тўғри йўлда юрувчилардир.

8. Бу Аллоҳдан фазл ва неъматдир. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

9. Агар мўминлардан икки тоифа урушиб кетсалар, ўрталарини ислоҳ қилинг. Агар улардан бири иккинчисига тажовуз қилса, сиз тажовуз қилганига қарши, то у Аллоҳнинг амрига қайтгунича урушинг, агар қайтса, ўрталарини адолат билан ислоҳ қилинг. Адолат қилинг, албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни суяди.

10. Албатта, мўминлар бирордардирлар, икки биродарингизнинг ўртасини ислоҳ қилинг ва Аллоҳга тақво қилинг, шоядки раҳм қилинсангиз.

11. Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасинлар), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг.

Иймондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон! Ким тавба қилмаса, ана ўшалар золимлардир.

12. Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Бирортангиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани қабул қилувчидир, раҳмлидир.

13. Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчидир, хабардордир.

14. Аъробийлар: «Иймон келтирдик», дейишди. «Иймон келтирганингиз йўқ, лекин «Бўйсундик» денглар, ҳали иймон қалбларингизга киргани йўқ. Агар Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилсангиз, У Зот амалларингиздан ҳеч нарса камайтирмас. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир», деб айт.

15. Ҳақиқий мўминлар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган, сўнгра шубҳа қилмаган ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилганлардир. Ана ўшалар содиқлардир.

16. «Аллоҳга динингизни билдирмоқчимисиз? Ҳолбуки, Аллоҳ осмонлару ердаги нарсаларни билади. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир», деб айт.

17. Сенга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. «Менга Исломингизни миннат қилманг. Балки агар содиқ бўлсангиз, Аллоҳ сизни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур», деб айт.

18. Албатта, Аллоҳ осмонлару ернинг ғайбини билувчи Зотдир. Ва Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчидир.



50. ҚОФ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 45 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Қооф. Улуғ Қуръон ила қасам.

2. Аммо уларга ўзларидан огоҳлантирувчи келганидан ажабландилар ва кофирлар дедилар: «Бу ажабланарли нарса-ку?!

3. Ўлиб, тупроқ бўлганимиздан кейин ҳам-а? Бу (ақлдан) озишдир!»

4. Дарҳақиқат, уларни ер камайтираётганини билдик ва Бизнинг ҳузуримизда муҳофазаланган китоб бор.

5. Аниққи, уларга ҳақ келганда, уни ёлғонга чиқардилар. Улар изтиробли ишдадирлар.

6. Устларидаги осмонга назар солмайдиларми? Уни қандай бино қилибмиз ва зийнатлабмиз? Ҳолбуки, унинг ёриқлари ҳам йўқ!

7. Ва ерни ёйиб қўйдик, унга барқарор тоғларни ташладик ва унда турли гўзал жуфтларни ўстирдик...

8. ...(Роббига) тез қайтувчи ҳар бир бандага кўргазма ва эслатма қилиб…

9. Ва осмондан баракали сувни тушириб, у билан боғ-роғларни ва дон ҳосилини ўстирдик.

10. Ва зич тугунчали, шингиллари бор хурмоларни ҳам...

11. бандаларга ризқ қилиб. Ва у (ёмғир) билан ўлган шаҳарни тирилтирдик. (Қабрдан) чиқиш ҳам шундай бўлади.

12. Улардан аввал Нуҳ қавми, қудуқ аҳли ва Самуд ёлғончига чиқарганлар.

13. Од ҳам, Фиръавн ҳам, Лутнинг биродарлари ҳам.

14. Дарахтзор аҳли ҳам, Туббаъ қавми ҳам – барчалари расулларни ёлғончига чиқарганлар. Бас, (азоб) ваъдам ҳақ бўлди.

15. Аввалги яратишга ожиз бўлдикми? Йўқ! Улар янгидан яратилиш ҳақида чалкашликдадирлар.

16. Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз. Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз.

17. Икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олганда…

18. бирор сўз талаффуз қилмас, илло ҳузурида ҳозиру нозир борлар.

19. Ўлим талвасаси ҳақиқат бўлиб келди. Мана шу сен қочиб юрган нарсадир.

20. Ва сурга пуфланди. Мана шу ваъийд кунидир.

21. Ва ҳар бир жон ҳайдовчи ва гувоҳлик берувчи билан бирга келди.

22. Албатта, сен бундан ғафлатда эдинг. Бас, Биз сенинг пардангни очдик ва бугун кўзинг ўткирдир.

23. Ва унинг «яқини»: «Мана бу ҳузуримдаги нарса тайёрдир», деди.

24. Жаҳаннамга ташланг! Ҳар бир ашаддий кофирни ва ўта қайсарни,

25. ...яхшиликни ман қилувчини, тажовузкорни, шак келтирувчини,

26. ...Аллоҳ билан бирга бошқани илоҳ қилиб олганни! Бас, уни шиддатли азобга ташланг!

27. Унинг «яқини»: «Роббимиз, уни мен туғёнга кетказганим йўқ, лекин унинг ўзи узоқ залолатда бўлди», дейди.

28. У Зот деди: «Менинг ҳузуримда тортишманглар, сизларга ваъийд тақдим қилган эдим.
29. Менинг ҳузуримда сўз ўзгармас ва Мен бандаларга зулм қилувчи эмасман».
30. Ўша Кунда жаҳаннамга: «Тўлдингми?» деймиз ва у: «Яна қўшимча борми?» дер.
31. Ва жаннат тақводорларга узоқ бўлмаган жойга яқинлаштирилди.
32. Бу сизга ваъда қилинган нарсадир, ҳар бир сертавбага ва муҳофаза қилувчига,..
33. Роҳмандан ғойибона қўрққан ва қайтувчи қалб ила келган кимсага.
34. «Унга саломатлик ила кирингиз. Бу мангулик кунидир» (дейилур).
35. Улар учун унда нима хоҳласалар, бор. Ва ҳузуримизда зиёдаси бор.
36. Улардан аввал улардан кўра ушлаши шиддатлироқ аср (авлод)-лардан қанчасини ҳалок қилдик. «Қочадиган жой борми?» деб, юртма-юрт кезиб чиқдилар.
37. Албатта, бунда қалби борларга ва зеҳн билан қулоқ осганларга эслатма бордир.
38. Албатта, осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратдик. Ва Бизни чарчоқ тутмади.
39. Уларнинг айтаётганларига сабр қил ва қуёш чиқиши ва ботишидан аввал Роббингни ҳамд ила поклаб ёд эт.
40. Тунда ҳам Уни поклаб ёд эт. Ва саждадан кейин ҳам.
41. Нидо қилувчи яқин жойдан нидо қилган Кунда қулоқ ос.
42. У Кунда қичқириқни ҳақ ила эшитурлар. Ана ўша чиқиш Кунидир.
43. Албатта, Биз тирилтирурмиз, ўлдирурмиз. Ва қайтиш ҳам Бизгадир.
44. У Кунда устларидаги ер ёрилиб, шошиб чиқурлар. Бу Биз учун осон тўплашдир.
45. Биз уларнинг айтганларини яхши билувчимиз. Сен уларнинг устида (иймонга) мажбурловчи эмассан. Бас, ваъийдимдан қўрққанларни Қуръон ила огоҳлантир.

51. ЗОРИЁТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 60 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Чанг тўзитувчилар билан қасам.

2. Юк кўтарувчилар билан қасам.
3. Осон юрувчилар билан қасам.
4. Иш тақсимловчилар билан қасам.
5. Албатта, сизга ваъда қилинган нарса ростдир.
6. Ва жазо мукофот албатта воқе бўлувчидир.
7. Гўзал, мустаҳкам осмон билан қасам.
8. Албатта, сизлар ихтилофли гап ичрасиз.
9. Ундан (Қуръондан) ким бурилса, (бутунлай) буриб қўйилади.
10. Алжировчиларга лаънат бўлсин!
11. Улар жаҳолатдаги ғофиллардир.
12. «Жазо мукофот куни қачон?» деб сўрарлар.
13. У Кунда улар олов устида азобланурлар.
14. «Азобингизни татиб кўринг, сиз ошиққан нарса шу!» (дейилур).
15. Албатта, тақводорлар жаннатлар ва булоқлардадир.
16. Робблари берган нарсаларни олувчилардир. Чунки улар бундан олдин яхшилик қилувчи бўлганлардир.
17. Улар кечалари оз ухлар эдилар.
18. Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар.
19. Ва молу мулкларида сўровчи ва бечораларнинг ҳаққи бордир.
20. Ва ерда аниқ ишонувчилар учун оят-белгилар бор.
21. Ва ўзларингизда ҳам (белгилар бор). Кўрмаяпсизларми?!
22. Ва осмонда ризқингиз ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарса бор.
23. Осмону ернинг Робби ила қасамки, албатта, у (ваъда) худди сиз нутқ қилаётганингиз каби ҳақиқатдир.
24. Сенга Иброҳимнинг икром қилинган меҳмонларининг хабари келдими?
25. Унинг ҳузурига кирганларида: «Салом» дедилар. У: «Салом, нотаниш қавмлар», деди.
26. Ва аҳлига (аста) бориб, семиз бузоқни келтирди.
27. Уни уларга яқин сурди. «Емайсизларми?» деди.
28. Улардан хавфсиради. Улар: «Қўрқма», дедилар ва унга илмли ўғил башоратини бердилар.
29. Хотини эса қичқириб келди ва ўз юзига шапатилаб: «Қари, туғмас хотин-а?!» деди.
30. Улар: «Сенинг Роббинг шундай деди. Албатта, У ҳакимдир, билувчидир», дедилар.
31. У: «Ишингиз недир, эй элчилар?» деди.

32. Улар дедилар: «Биз жиноятчи қавмга юборилдик.
33. Уларнинг устидан лойдан (пиширилган) тошларни ташлаш учун.
34. Роббинг ҳузурида ҳаддидан ошувчилар учун белгилаб қўйилганларни».
35. Ва у жойдан мўминлардан бўлган кимсаларни чиқардик.
36. У ерда бир хонадондан бошқа мусулмонларни топмадик.
37. Ва у ерда аламли азобдан қўрқадиганлар учун оят (белги) қолдирдик.
38. Ва Мусода ҳам (оят-белги) бор. Уни Фиръавнга очиқ-ойдин ҳужжат ила юборганимизда…
39. у «суянчиғи»га ишониб, юз ўгирди ва: «(Мусо) сеҳргар ёки мажнундир», деди.
40. Бас, уни ва лашкарларини тутиб, денгизга ташладик. У эса маломатга лойиқ эди.
41. Ва Одда ҳам (оят-белгилар бор). Эсла, Биз уларга қисир шамолни юбордик.
42. У қайси нарсага етиб борса, титиб ташламай қўймас.
43. Ва Самудда ҳам (оят-белги) бор. Уларга: «Вақтинчалик баҳра олиб туринглар», дейилганда…
44. ...Аллоҳнинг амрига саркашлик қилдилар, бас, кўз ўнгиларида уларни чақмоқ тутди.
45. Бас, улар ўринларидан тура олмадилар ва нусрат топувчи ҳам бўлмадилар.
46. Ва бундан аввал Нуҳ қавмини ҳам (ҳалок этганмиз). Албатта, улар фосиқ қавм эдилар.
47. Ва осмонни куч қудрат ила бино қилдик. Албатта, Биз уни кенгайтирувчимиз.
48. Ва ерни тўшаб қўйдик. Нақадар яхши тайёрловчимиз!
49. Ва ҳар бир нарсадан жуфтлар яратдик. Шоядки, эслатма олсангизлар.
50. «Аллоҳга қочинглар. Мен сизларга Унинг тарафидан очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман.
51. Ва Аллоҳга бошқа илоҳни шерик қилманглар. Албатта, мен сизларга Унинг тарафидан очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман», (деб айт).
52. Худди шунингдек, булардан аввалгиларга ҳам қай бир расул келмасин, «(Бу) сеҳргар ёки мажнун», деганлар.
53. Келишиб олганмилар?! Йўқ, улар туғёнга кетган қавмлардир!
54. Улардан юз ўгир. Сен маломатга қолувчи эмассан.
55. Ва эслатавергин. Албатта, эслатиш мўминларга манфаат берур.
56. Жин ва инсни фақатгина Менга ибодат қилишлари учун яратдим.

57. Улардан ризқ ирода қилмасман ва Мени таомлантиришларини ҳам ирода қилмасман.
58. Албатта, Аллоҳ раззоқдир, қувватлидир, шиддатлидир.
59. Албатта, зулм қилганларга ўз биродарлари улушичалик улуш бор, шошилмасинлар.
60. Кофирларга ваъда қилинаётган кунларидан вайл бўлсин.



52. ТУР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 49 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Тур билан қасам.
2. Сатрланган китоб билан қасам…
3. ёзишга тайёрланган терига.
4. Ва Байтул маъмур билан қасам…
5. Ва кўтарилган шифт билан қасам…
6. Ва тўлиб-тошган денгиз билан қасам.
7. Роббингнинг азоби албатта рўй беражак.
8. Уни қайтарувчи йўқдир.
9. У Кунда осмон ларзага келиб, чайқалур.
10. Ва тоғлар сайр этиб юрурлар.
11. Бас, ўша Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
12. (Ботилга) шўнғиб ўйнашадиганларга.
13. У Кунда жаҳаннам оташига куч билан итарилурлар..
14. «Мана бу сизлар ёлғонга чиқарган олов бўлади!
15. Бу сеҳрми ёки сизлар кўрмаяпсизларми?!
16. Унга кириб, куйинглар! Чидайсизларми, чидамайсизларми – сизлар учун барибир. Қилиб ўтган амалларингизнинг жазосини олмоқдасиз, холос».
17. Албатта, тақводорлар жаннатлар ва неъматланиш ичидадирлар.
18. Робблари уларга берган нарсалардан ҳузур-ҳаловатдадирлар. Робблари уларни дўзах азобидан сақлар.
19. «Енглар, ичинглар, ош бўлсин, қилган амалларингиз эвазигадир».
20. Улар қатор тизилган сўриларда ёнбошлаган ҳолдалар. Ва уларни шаҳлокўз ҳурларга уйлаб қўйганмиз.

21. Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари уларга иймон билан эргашганларнинг зурриётларини уларга қўшдик ва уларнинг амалларидан ҳеч нарсани камайтирмадик. Ҳар бир киши ўз касбининг гаровидир.
22. Ва уларни хоҳлаган мевалари ва гўштлари билан кетма-кет таъминлаб турдик.
23. Улар унда қадаҳларни бир-бирларига узатурлар. Унда беҳуда сергаплик ва гуноҳ йўқ.
24. Ва атрофларида худди садафдаги дурдек ғуломлари айланиб юрарлар.
25. Улар бир-бирларига юзланиб, сўрай бошладилар:
26. «Биз илгари ўз аҳлимиз даврасида (У Зотдан) қўрқувчилар эдик.
27. Аллоҳ бизга марҳамат қилди ва бизни самум азобидан сақлади.
28. Албатта, биз илгари У Зотга дуо қилардик. Унинг Ўзи яхшилик қилувчидир, раҳмлидир».
29. Эслатгин, ахир сен Роббинг неъмати ила фолбин ҳам, мажнун ҳам эмассан.
30. Балки «(У) шоир, унга ўлим етишини кутамиз», дерлар?
31. Айтгин: «Кутинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман».
32. Ё ақллари шунга буюрадими, ёки улар туғёнга кетган қавмларми?
33. Ёки «Уни (Қуръонни) ўзи тўқиди», дерлар? Йўқ, улар иймон келтирмаслар.
34. Агар ростгўй бўлсалар, унга ўхшаш сўзни келтирсинлар чи!
35. Ёки улар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралганларми?! Ёки улар яратувчиларми?
36. Ёки улар осмонлару ерни яратганларми?! Йўқ, улар аниқ ишонмаслар.
37. Ёки уларнинг ҳузурида Роббингнинг хазиналари борми?! Ёки улар бошқарувчиларми?
38. Ёки уларнинг нарвонлари бўлиб, унда эшитадиларми?! Ундай бўлса, эшитувчилари очиқ-ойдин ҳужжат далил келтирсин!
39. Ёки У Зотга қизлар-у сизларга ўғилларми?
40. Ёки улардан ҳақ сўраяпсан-у, улар тўловдан қийналяптиларми?
41. Ёки ғайб уларнинг ҳузурида ю, улар ёзиб оляптиларми?!
42. Ёки ҳийла кўрсатишни хоҳлайдиларми?! Бас, куфр келтирганлар ҳийлаларига ўралувчидирлр.
43. Ёки уларнинг Аллоҳдан бошқа илоҳлари борми?! Аллоҳ (улар) ширк келтираётган нарсалардан покдир.
44. Агар бошларига осмондан тушаётган парчани кўрсалар ҳам, «Тўпланган булут», дерлар.

45. Уларни ҳалокатга учрайдиган Кунларига йўлиққунларига қадар тек қўй.

46. У Кунда ҳийлалари уларга ҳеч қандай фойда бермас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.

47. Ва албатта, зулм қилганларга ундан ўзга азоб ҳам бор, лекин уларнинг кўплари билмаслар.

48. Бас, Роббингнинг ҳукмига сабр қил. Албатта, сен риоямиздасан, ўрнингдан турганингда Роббингни поклаб ёд эт!

49. Ва кечаси ҳам Уни поклаб ёд эт ва юлдузлар ботганидан кейин ҳам.



53. НАЖМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 62 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ботаётган юлдуз билан қасам.
2. Биродарингиз адашгани ҳам йўқ, йўлдан озгани ҳам йўқ.
3. У ҳаводан нутқ қилмас.
4. У (Қуръон) юбориладиган ваҳий, холос.
5. Унга (Муҳаммадга) шиддатли қувват эгаси таълим берди.
6. Миррат эгаси, бас, у кўтарилди.
7. Ва у олий уфқда эди.
8. Сўнгра яқинлашди ва жуда ҳам яқин бўлди.
9. Бас, икки камон масофасича, балки ундан ҳам яқинроқ бўлди.
10. Ва бандасига нимани ваҳий қилган бўлса, ваҳий қилди.
11. Қалб (кўз) кўрганини ёлғонга чиқармади.
12. Ўзи кўрган нарса устида у билан тортишасизларми?!
13. Ва дарҳақиқат, уни бошқа сафар кўрди…
14. Сидратул мунтаҳо (Тугаш дарахти) олдида.
15. Унинг ҳузурида маъво жаннати бор.
16. Ўшанда сидрани ўрайдиган нарса ўраб турибди.
17. Нигоҳ бурилмади ҳам, ҳаддидан ошмади ҳам.
18. Дарҳақиқат, Роббининг улкан оят-белгиларидан кўрди.
19. Лот ва Уззони ўйлаб кўрдингизми?
20. Ва бошқаси, учинчиси – Манотни ҳам?
21. Сизларга эркак-у, У Зотга аёлми?

22. Ундай бўлса, бу нотўғри тақсим-ку!
23. Улар (бутлар) сиз ва ота-боболарингиз қўйган номлардан ўзга ҳеч нарса эмас. Аллоҳ бунга ҳеч қандай ҳужжат нозил қилган эмас. Улар (мушриклар) Робларидан ҳидоят келганига қарамай, гумон ва ҳавои нафс хоҳишига эргашарлар, холос.
24. Ёки инсонга орзу қилгани бўлурми?
25. Зеро, охират ҳам, дунё ҳам Аллоҳникидир.
26. Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар мавжуд, уларнинг шафоати ҳеч фойда бермас. Фақат Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлганларга изн берса, мустасно.
27. Охиратга иймон келтирмаганлар фаришталарни аёл номи билан номларлар.
28. Уларда бу ҳақда ҳеч қандай илм йўқ. Улар гумонга эргашадилар, холос. Албатта, гумон ҳақиқат ўрнига ўтмас.
29. Зикримизга орқа ўгирган, дунё ҳаётидан бошқани хоҳламайдиганлардан юз ўгир.
30. Уларнинг эришган илмлари мана шу. Албатта, Роббинг Унинг йўлидан адашганларни яхши билувчидир ва У ҳидоятдагиларни ҳам яхши билувчидир.
31. Ёмонлик қилганларни амалига яраша жазолаши ва яхшилик қилганларни яхшилик ила мукофотлаши учун осмонлару ердаги барча нарсалар Аллоҳникидир.
32. Улар кичик гуноҳлардан бошқа катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиганлардир. Албатта, Роббинг мағфирати кенг Зотдир. У сизларни тупроқдан пайдо қилганда ҳам, оналарингизнинг қорнида ҳомилалик чоғингизда ҳам яхши билувчидир. Шундай экан, ўзингизни оқламанг, У ким тақводор эканини яхши билувчидир.
33. Юз ўгириб кетганни кўрдингми?!
34. У озгина берди ва тўхтади.
35. Унинг ҳузурида ғайб илми бор-у, у кўриб турибдими?
36. Ёки Мусонинг саҳифаларидаги нарсаларнинг хабари унга берилмадими…
37. ...ва вафо қилган Иброҳимнинг?
38. Албатта, ҳеч бир юкли жон бошқанинг юкини кўтармас.
39. Инсонга ўзи қилганидан бошқа нарса бўлмас.
40. Ва албатта, унинг саъй-ҳаракати тезда кўринур.
41. Сўнгра жазо-мукофоти тўлиқ берилур.
42. Ва албатта, интиҳо Роббинг ҳузуридадир.
43. Ва кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Ўзи.

44. Ўлдирган ҳам, тирилтирган ҳам Ўзи.
45. Албатта, жуфтликни – эркак ва аёлни яратган ҳам Ўзидир…
46. ...отилиб чиққан нутфадан.
47. Ва кейинги пайдо қилиш зиммасидаги Зот ҳам Ўзи.
48. Ва беҳожат қилган ҳам, бадавлат қилган ҳам Ўзи.
49. Ва Шиъронинг Робби ҳам Унинг Ўзи.
50. Ва биринчи Одни ҳалок қилган ҳам Ўзи.
51. Ва Самудни боқий қолдирмаган ҳам Ўзи.
52. Ва бундан олдин Нуҳ қавмини (ҳалок қилган ҳам Ўзи). Чунки улар ўта
золим ва ўта туғёнга кетган эдилар.
53. Ва тўнтарилганни қулатган (ҳам Ўзи).
54. Бас, уни ўраган нарса ўраб олди.
55. Шундай экан, Роббингнинг қайси неъматларига шак келтирасан?
56. Бу аввалги огоҳлантирувчилар каби бир огоҳлантирувчидир.
57. Яқинлашувчи яқинлашди.
58. Уни Аллоҳдан бошқа кушойиш қилувчи йўқ.
59. Наҳотки, бу сўздан ажабланасизлар?
60. Ва куласизлар-у, йиғламайсизлар?
61. Ҳолбуки, сизлар бепарвосизлар.
62. Бас, Аллоҳга сажда қилинглар ва ибодат қилинглар.



54. ҚАМАР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 55 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Соат яқинлашди ва ой бўлинди.
2. Агар бир оят-мўъжизани кўрсалар, юз ўгириб, «Бу ўткинчи сеҳр»,
дерлар.
3. Ва ёлғонга чиқардилар ҳамда ҳавои нафсларига эргашдилар. Ҳолбуки,
ҳар бир иш ўз ўрнини топувчидир.
4. Ва дарҳақиқат уларга дўқ-пўписали хабарлардан келган эди.
5. Етук ҳикмат. Бироқ огоҳлантирувчилар фойда бермади.
6. Улардан юз ўгир! Чақирувчи мункар нарсага чақирган Кунда...
7. ...қабрлардан кўзлари қўрқинчга тўлган ҳолда, худди ёйилган
чигирткага ўхшаб чиқиб келурлар.

8. Чақирувчига қараб бўйинларини чўзиб, шошилиб борурлар. Кофирлар: «Бу қийин кун-ку», дерлар.

9. Булардан олдин Нуҳ қавми ҳам ёлғончига чиқарган эди. Бас, бандамизни ёлғончига чиқаришди ва «мажнун» дейишди ҳамда унга дўқ-пўписа қилинди.

10. Шунда Роббига: «Мен мағлуб бўлдим, ёрдам бер», дея дуо қилди.

11. Биз осмон эшикларини шаррос сув билан очиб юбордик.

12. Ва ердан булоқларни отилтириб чиқардик. Сувлар тақдир қилинган иш учун бирлашдилар.

13. Ва уни (Нуҳни) тахталари ва михлари бор нарса устига кўтардик.

14. У Бизнинг риоятимизда инкор қилинган шахсга мукофот ўлароқ Бизнинг риоятимизда юрадир.

15. Ва уни (ҳодисани) оят-белги қилиб қолдирдик. Қани, эслатма олувчи борми?!

16. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?!

17. Дарҳақиқат, Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

18. Од (Ҳудни) ёлғончига чиқарди. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?

19. Биз давомли машъум кунда улар устига сарсар шамолини юбордик.

20. У одамларни худди қўпорилган хурмо томири каби юлиб оладир.

21. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?!

22. Дарҳақиқат, Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

23. Самуд огоҳлантирувчиларни ёлғончига чиқарди.

24. Ва улар дедилар: «Ўзимиздан бўлган бир одамга эргашамизми? Агар шундай бўлса, залолатда ва тентакликда бўламиз.

25. Бизларнинг орамиздан унга зикр (ваҳий) нозил қилинибдими?! Йўқ, у ёлғончи ва кеккайгандир».

26. Эртага ким ёлғончи ва кеккайган эканини билурлар.

27. Биз уларни синаш учун туяни юборувчимиз. Уларни кузатиб тур ва сабр қил.

28. Ва уларга сув ораларида тақсимланганининг хабарини бер. Ҳар бир ичишга (ўз вақтида) ҳозир бўлинар.

29. Бас, улар ўз шерикларини чақирдилар. У (туяни) тутди ва сўйиб юборди.

30. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?!

31. Биз уларга бир овоз юбордик. Ва улар кўра қурувчининг қуруқ шох-шаббаларига ўхшаб қолдилар.

32. Дарҳақиқат, Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

33. Лут қавми огоҳлантирувчиларни ёлғончига чиқарди.

34. Албатта, Биз уларнинг устига тошли бўрон юбордик. Фақат Оли Лутга саҳар чоғи нажот бердик…

35. ...Ўз тарафимиздан неъмат ўлароқ. Шукр қилганларни ана шундай мукофотлармиз.

36. Дарҳақиқат, (Лут) уларни Бизнинг тутишимиздан огоҳлантирган эди. Бас, (улар) огоҳлантиришларга ишонмадилар.

37. Улар ундан меҳмонларини топширишни сўрадилар. Бас, кўзларини кўр қилдик. Менинг азобим ва огоҳлантиришларимни тотиб кўринглар.

38. Батаҳқиқ, уларни эрта тонгда давомли азоб тутди.

39. Бас, Менинг азобларимни ва огоҳлантиришларимни тотиб кўринглар!

40. Дарҳақиқат, Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

41. Дарҳақиқат, Оли Фиръавнга огоҳлантирувчилар келди.

42. Оятларимизнинг барчасини ёлғонга чиқаришди. Бас, уларни азиз, қудратли Зотнинг олиши билан олдик.

43. Кофирларингиз аввалгиларингиздан яхшироқми?! Ёки китобларда сизларга оқлов борми?!

44. Ёки «Биз нусратга эришувчи жамоамиз», дейишар?!

45. У жамоа тезда енгилар ва орқаларига қараб қочарлар.

46. Ҳа, уларга ваъда қилинган вақт Соатдир. Ва у Соат офатлироқ ва аччиқроқдир.

47. Албатта, жиноятчилар адашувда ва ловуллаган оловдадир.

48. Юзтубан дўзахга судраладиган Кунда: «Сақар азобини татиб кўринг!» (дейилур).

49. Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик.

50. Фармонимиз бир сўздан ўзга эмас. Кўз юмиб-очгунча бўлур.

51. Дарҳақиқат, сизга ўхшаганларни ҳалок қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

52. Ва уларнинг қилган барча нарсалари китоблардадир.

53. Ҳар бир каттаю кичик (ишлар) сатрлангандир.

54. Албатта, тақводорлар жаннатлару анҳорлардалар.

55. Сидқ ўриндиғида, қудратли Подшоҳ ҳузуридалар.


55. РОҲМАН СУРАСИ


Маккада нозил бўлган. 78 оятдан иборат

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Роҳман...
2. ...Қуръонни ўргатди.
3. Инсонни яратди.
4. Унга баённи ўргатди.
5. Қуёш ва ой ҳисобдадир.
6. Ўт-ўлан ҳам, дарахтлар ҳам сажда қилурлар.
7. Осмонни баланд кўтарди ва мезонни ўрнатди...
8. ...тарозида ҳаддингиздан ошмаслигингиз учун.
9. «Адолат ила ўлчанг ва тарозидан уриб қолманг» деб...
10. ...ва ерни халойиқ учун қўйди.
11. Унда мева-чева ва гулкосали хурмолар...
12. ...ва сомонли донлар ҳамда райҳонлар бор.
13. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
14. Инсонни сополга ўхшаш қуриган лойдан яратди.
15. Жинларни эса оловнинг алангасидан яратди.
16. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
17. У икки машриқ ва икки мағрибнинг Роббидир.
18. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
19. Икки денгизни учрашадиган қилиб оқизиб қўйди.
20. Ўрталарида тўсиқ, ошиб ўта олмаслар.
21. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
22. У иккисидан дур ва маржон чиқар.
23. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
24. Денгизда елканлари ила баланд тоғлар каби сузиб юрувчилар ҳам Уникидир.
25. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
26. (Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир.
27. Улуғлик ва икром эгаси Роббингнинг Ўзигина боқийдир.
28. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
29. Ундан еру осмондаги жонзотлар сўрарлар. У ҳар куни ишдадир.

30. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
31. Сизлар учун албатта вақт топамиз, эй инсу жинлар!
32. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
33. Эй жин ва инс жамоалари, агар сиз осмонлару ер чегараларидан чиқиб кетишга қодир бўлсаларингиз, чиқаверинглар. Фақат, султон (илм) ила чиқа олурсиз, холос.
34. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
35. Устингиздан ўт алангаси ва қуюқ тутун юборилур. Бас, қутула олмассиз.
36. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
37. Осмон ёрилиб, мойга ўхшаш қирмизи тусга кирганда...
38. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
39. Бас, у Кунда инс ҳам, жин ҳам гуноҳидан сўралмас.
40. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
41. Жиноятчилар сиймоларидан билиниб турар. Ва уларнинг пешона сочлари ва оёқларидан тутилур.
42. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
43. «Жиноятчилар ёлғонга чиқараётган жаҳаннам шудир!»
44. Улар у (жаҳаннам) билан ўта қайноқ сув ўртасида айланурлар.
45. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
46. Роббининг ҳузурида туришдан қўрққан кимса учун икки жаннат бор.
47. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
48. Улар (жаннатлар) шох-новдалидирлар.
49. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
50. Икковларида икки оқар булоқ бор.
51. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
52. Икковларида ҳар мевадан жуфт навлар бор.
53. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
54. Астарлари истабрақдан (қалин ипакдан) бўлган тўшакларга ёнбошлаган ва икки жаннат мевалари яқин бўлган ҳолларида…
55. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
56. Уларда нигоҳини тийган, аввал инс ҳам, жин ҳам тегмаган (ҳур)лар бор.
57. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
58. Улар (ҳурлар) худди ёқут ва маржондай.
59. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
60. Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир.
61. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!

62. У икковидан пастроқда яна икки жаннат бор.
63. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
64. Икковлари ям-яшилдир.
65. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
66. Икковларида отилиб турувчи икки булоқ бор.
67. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
68. Икковларида мева-чева, хурмо ва анорлар бор.
69. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
70. Уларда яхшилар, гўзаллар бор.
71. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
72. Чодирларда сақланган ҳурлар бор.
73. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
74. Аввал уларга инс ҳам, жин ҳам тегмаган.
75. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
76. Яшил болишларга ва гўзал гиламларда ёнбошлаган ҳолларидадир.
77. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғонга чиқара олурсиз?!
78. Улуғлик ва икром эгаси Роббингнинг исми баракотлидир.



56. ВОҚИЪА СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 96 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Воқиъа воқе бўлганда...
2. …унинг воқе бўлишини ёлғонга чиқарувчи (жон) йўқдир.
3. У ҳам пастлатувчи, ҳам кўтарувчидир.
4. Қачонки ер қаттиқ ларзага келтирилганда…
5. ва тоғлар майдаланиб, титилганда...
6. ва тарқалган чанг-тўзонга айланганда...
7. ва сиз уч тоифа бўлганингизда…
8. ўнг тараф соҳиблари – ўнг тараф соҳиблари недир?! –
9. ва чап тараф соҳиблари – чап тараф соҳиблари недир?! –
10. ва пешқадамлар, пешқадамлар –
11. улар муқаррабдирлар –
12. неъматланиш жаннатларидадирлар.

13. Аввалгилардан кўпчилик…
14. ва охиргилардан озчилик...
15. Тўқима сўрилардалар.
16. Уларнинг устида ёнбошлаган, юзма юз ҳолдалар.
17. Атрофларида мангу ёш йигитлар айланиб юрурлар...
18. оқар чашма майи тўлатилган қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан.
19. Ундан бош оғриғи ҳам, маст ҳам бўлмаслар.
20. Ва хоҳлаган меваларини олиб...
21. иштаҳалари тусаган қуш гўштини олиб (айланиб юрарлар).
22. Яна шаҳлокўз ҳурлар бор...
23. мисоли яширилган дур каби.
24. Қилиб юрган амаллари мукофотидир.
25. Улар унда беҳуда, гуноҳ (сўз)ларни эшитмаслар.
26. «Салом! Салом!» деган сўз мустасно.
27. Ўнг тараф соҳиблари. Ўнг тараф соҳиблари недир?!
28. Улар тикансиз сидрзорлардадирлар.
29. Сермева бананзорлардадирлар.
30. Ва ёйилган соялардадирлар.
31. Ва оқар сувлардадирлар.
32. Ва сероб мевалардадирлар...
33. тугамайдиган ва ман қилинмайдиган.
34. Кўтарилган кўрпачалардадирлар.
35. Албатта, Биз уларни (ҳурларни) дафъатан, махсус яратдик.
36. Уларни бокиралар қилиб қўйдик –
37. бир хилдаги тенгдош маҳбубалар.
38. Ўнг тараф соҳиблари учун.
39. Аввалгилардан кўп жамоатлар.
40. Кейингилардан кўп жамоатлар.
41. Ва чап тараф соҳиблари… Чап тараф соҳиблари недир?!
42. Самум ва қайноқ сувдадирлар.
43. Қоп-қора тутун соясидадирлар…
44. На салқин эмас ва на фойдали.
45. Улар бундан олдин маишатпараст эдилар.
46. Ва катта гуноҳда қатъий эдилар.

47. Ва дер эдилар: «Биз ўлиб, тупроқ ва суяк бўлсак ҳам, қайта тирилтириламизми?
48. Аввал ўтган оталаримиз ҳам-а?!».
49. Айтгин: «Аввалгилар ва охиргилар...
50. ...маълум куни, белгиланган вақтда албатта тўпланувчидирлар».
51. Сўнгра сиз, эй адашганлар, ёлғонга чиқарувчилар!
52. Заққум дарахтидан еювчисизлар.
53. Ундан қоринларни тўлдирувчисизлар.
54. Устидан ўта қайноқ сувдан ичувчисизлар.
55. Ташна туянинг ичишидек ичувчисизлар.
56. Уларнинг қиёмат кунидаги зиёфатлари мана шу!!!
57. Биз сизларни яратганмиз, ишонсаларинг-чи!
58. Ўзингиз чиқарадиган манийни ўйлаб кўринг-а!
59. Уни сизлар яратасизми ёки Биз яратувчимизми?!
60. Орангиздаги ўлимни Биз белгилаганмиз ва Биз ожиз эмасмиз...
61. ...сизнинг ўрнингизга сизга ўхшашларни алмаштиришдан ва сизларни ўзингиз билмайдиган ҳолда яратишдан.
62. Ва дарҳақиқат, аввалги яратилишни билдингиз-ку, эсласаларингиз-чи!
63. Ўзингиз экадиган нарсани ўйлаб кўринг-а!
64. Уни сиз ундирасизми ёки Биз ундирувчимизми?
65. Агар хоҳласак, уни қуруқ чўпга айлантириб қўяр эдик. Сизлар эса надоматда ажабланиб:
66. «Биз зиён кўрганлармиз.
67. Балки маҳрум бўлганлармиз» (дейсизлар).
68. Ўзингиз ичадиган сувни ўйлаб кўринг-а!
69. Уни ёмғирли булутлардан сиз туширдингизми ёки туширувчи Бизми?
70. Агар хоҳласак, уни шўр қилиб қўямиз. Шукр қилсангиз-чи!
71. Ўзингиз ёқадиган оловни ўйлаб кўринг-а!
72. Унинг дарахтини сиз яратганмисиз ёки Биз яратувчимизми?
73. Биз у (олов)ни эслатма ва йўловчилар учун манфаат қилиб қўйдик.
74. Бас, улуғ Роббинг исмини поклаб ёд эт!
75. Юлдузларнинг манзиллари билан қасам ичаман.
76. Албатта, агар билсангиз, бу улуғ қасамдир.
77. Албатта, у Қуръони Каримдир.
78. У сақланган китобдадир.
79. Уни фақат покланганларгина ушлайди.

80. У оламларнинг Роббидан нозил қилингандир.
81. Бас, сизлар мана шу сўзга бепарволик қиласизларми?
82. Ва ёлғонга чиқаришни ризқ қилиб оласизларми?
83. Жонингиз ҳалқумга келиб қолса-чи?
84. Ҳолбуки, ўша вақтда ўзингиз қараб турган бўласизлар.
85. Биз эса унга сиздан кўра яқинмиз, аммо сизлар кўрмайсизлар.
86. Агар сиз ҳисоб бермайдиган бўлсангиз,
87. …уни (жонни) ўрнига қайтаринг-чи, агар ростгўй бўлсангиз.
88. Агар муқарраблардан бўлса,
89. …роҳатда, фароғатда ва неъматланиш жаннатидадир.
90. Агар ўнг тараф соҳибларидан бўлса,
91. «Сенга ўнг тараф соҳибларидан салом бўлсин» (дейилур).
92. Ва агар ёлғонга чиқарувчи адашганлардан бўлса,
93. …ўта қайноқ сувдан зиёфат...
94. ва檢оловга кириб, куйишдир.
95. Албатта, бу – мана шу аниқ ҳақиқатдир.
96. Бас, буюк Роббинг исмини поклаб ёд эт!



57. ҲАДИД СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 29 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлардаги ва ердаги нарсалар Аллоҳни поклаб ёд этди. У азиздир, ҳакимдир.
2. Осмонлару ернинг подшоҳлиги Уникидир. У тирилтирур ва ўлдирур. Ва У ҳар бир нарсага қодирдир.
3. У Аввалдир, Охирдир, Зоҳирдир, Ботиндир ва У ҳар бир нарсани билувчидир.
4. У осмонлару ерни олти кунда яратиб, сўнгра Аршга истиво қилган Зотдир. Ерга нима кирганини ҳам, ундан нима чиққанини ҳам, осмондан нима тушганини ҳам, унга нима кўтарилганини ҳам билади. Қаерда бўлсангиз ҳам, У сиз билан бирга. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни кўриб турувчидир.
5. Осмонлару ернинг подшоҳлиги Уникидир ва барча ишлар Аллоҳгагина қайтарилур.

6. Тунни кундузга киритади, кундузни тунга киритади ва У кўкслардаги нарсани ҳам билувчидир.

7. Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиринглар ҳамда сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан нафақа қилинглар. Сизлардан иймон келтирган ва нафақа қилганларга эса улуғ ажр бордир.

8. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳга иймон келтирмайсизлар? Ҳолбуки, Расул сизларни Роббларингизга иймон келтиришга чақириб турибди. У Зот аҳду паймонингизни олган эди. Агар иймон келтирувчи бўлсаларингиз.

9. У Зот сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун Ўз бандасига очиқ-ойдин оятларни нозил қилади. Ва албатта, Аллоҳ сизларга шафқатлидир, раҳмлидир.

10. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида нафақа қилмайсизлар? Ҳолбуки, осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Сизлардан ҳеч ким фатҳдан илгари нафақа қилганларга ва урушда қатнашганларга баробар бўла олмас. Уларнинг даражалари фатҳдан сўнг нафақа қилган ва урушда қатнашганлардан кўра буюкдир. Аллоҳ барчаларига яхшиликни ваъда қилган. Ва Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

11. Аллоҳга «қарзи ҳасан» берадиган киши борми?! Бас, У Зот унга бир неча марта кўпайтириб қайтаради ва унга карамли ажр бор.

12. Мўмин ва мўминаларни уларнинг олдларида ва ўнг тарафларида нурлари ҳаракат қилаётган ҳолда кўрган кунингда: «Сизларга бугунги куннинг хушхабари остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлардир. Унда мангу қолувчисиз. Ана ўша буюк ютуқдир», (дейилур).

13. Мунофиқ ва мунофиқалар иймонлиларга: «Тўхтаб туринглар, биз ҳам нурингиздан бир оз олайлик», деган ва уларга: «Ортингизга қайтинг ҳамда нур қидиринг», дейилган Кунда уларнинг орасига эшиги бор қўрғон урилур. Унинг ичида раҳмат, ташқарисида – қаршисида азобдир.

14. Уларга (мунофиқлар): «Биз сиз билан бирга эмасмидик?!» деб нидо қилурлар. Улар дедилар: «Шундай. Лекин сизлар Аллоҳнинг амри келгунича ўзингизни ўзингиз фитнага дучор қилдингиз, кўз тикиб кутдингиз, шубҳа қилдингиз ва сизларни хомхаёллар алдаб қўйди. Сизларни Аллоҳ хусусида ўта алдоқчи алдаб қўйди.

15. Бугун сизлардан ҳам, куфр келтирганлардан ҳам тўлов олинмас. Жойларингиз оловдир, у сизнинг эгангиздир. Нақадар ёмон борар жой!»

16. Иймон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа қалблари юмшаш, айни чоқда, аввал китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан қалблари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадими?!

17. Билингки, албатта, Аллоҳ ерни ўлимидан кейин тирилтирур. Дарҳақиқат, сизларга оятларни баён қилдик, шоядки, ақл юритсангизлар.

18. Албатта, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар ҳамда Аллоҳга «қарзи ҳасан» берувчиларга (савоб) кўпайтириб берилур ва уларга карамли ажр бор.

19. Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтирган кишилар – ана ўшалар сиддиқлардир ва Робблари ҳузуридаги шоҳидлардир. Уларга ажрлари ва нурлари бор. Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар дўзах эгаларидир.

20. Билингки, албатта, дунё ҳаёти ўйин кулги ва кўнгилхушлик ҳамда зеб-зийнат, ўзаро фахрланиш, мол-мулк ва бола-чақада кимўзарлик, холос. У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайди. Кейинроқ қурийди ва унинг сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетади. Охиратда эса шиддатли азоб бор. Ва Аллоҳдан мағфират ва розилик бор. Ва дунё ҳаёти алдов матоҳидан бошқа нарса эмас.

21. Роббингизнинг мағфиратига ва Аллоҳга ҳамда Унинг расулларига иймон келтирганлар учун тайёрланган, кенглиги осмону ернинг кенглигича бўлган жаннатга мусобақалашинг. Ана ўша Аллоҳнинг фазлидир. Уни Ўзи хоҳлаган кишига беради. Аллоҳ буюк фазл эгасидир.

22. Ер юзида ёки ўзларингизда бирор мусибат етса, уни яратишимиздан олдин албатта Китобда бўлур. Албатта, бу Аллоҳ учун осондир.

23. Токи на сиздан кетган нарсага ачинманг ва на сизга келган нарсадан ҳовлиқиб кетманг. Аллоҳ ҳеч бир димоғдор ва мақтанчоқни суймас.

24. Улар бахиллик қиладиган ва кишиларни ҳам бахилликка буюрадиганлардир. Ким юз ўгирса, албатта, Аллоҳ Ўзи ғанийдир, мақталгандир.

25. Батаҳқиқ, расулларимизни очиқ ойдин ҳужжатлар ила юбордик ва одамлар адолатда туришлари учун улар билан китоб ҳамда мезон нозил қилдик. Ва темирни туширдик – унда катта куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бор, Аллоҳ ким Ўзига ва расулларига ғойибона ёрдам беришини билиши учун. Албатта, Аллоҳ қувватлидир, азиздир.

26. Дарҳақиқат, Нуҳ ва Иброҳимни расул қилиб юбордик ҳамда нубувватни ва китобни икковларининг зурриётида қилдик. Улар орасида ҳидоят топганлар бор, лекин уларнинг кўплари фосиқлардир.

27. Сўнгра уларнинг ортидан расулларимизни кетма-кет юбордик ва Ийсо ибн Марямни ҳам ортларидан юбордик ҳамда унга Инжилни бердик. Унга эргашганларнинг қалбларига шафқат ва раҳмдилликни солдик. Роҳибликни эса ўзлари чиқариб олдилар – буни уларга фарз қилмаган

эдик – фақат ўзлари Аллоҳнинг розилигини истаб қилдилар, лекин ҳақиқий риоясини қила олмадилар. Бас, улардан иймон келтирганларига ажрларини бердик, лекин уларнинг кўплари фосиқлардир.

28. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар ва Унинг расулига иймон келтиринглар. У Зот Ўз раҳматидан сизларга икки ҳисса беради ва юришингиз учун нур беради ҳамда сизларни мағфират қилади. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

29. Токи китоб аҳллари Аллоҳнинг фазлидан ҳеч нарсага қодир эмасликларини, фазл Аллоҳнинг қўлида бўлиб, уни хоҳлаган кишисига беришини билсинлар. Аллоҳ буюк фазл эгасидир.

58. МУЖОДАЛА СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 22 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Албатта, Аллоҳ сен билан эри ҳақида тортишаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётганнинг сўзини эшитди. Ҳа, Аллоҳ икковингизнинг ўзаро суҳбатингизни эшитмоқда. Албатта, Аллоҳ эшитувчидир, кўрувчидир.

2. Сизлардан ўз хотинларидан зиҳор қиладиганлар... Улар уларнинг оналари эмас. Уларни туққанлардан бошқаси уларнинг оналари эмас. Ва албатта, улар инкор қилинган ва ёлғон сўзларни айтурлар. Ва албатта, Аллоҳ афв қилувчидир, мағфиратлидир.

3. Хотинларидан зиҳор қилганлар сўнгра айтганларидан қайтсалар, қўшилмасларидан аввал бир қул озод қилсинлар. Бу ваъзланишингиз учундир. Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

4. Ким топмаса, бас, қўшилмасдан аввал икки ой кетма-кет рўза тутсин. Ким қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйдирсин. Бу Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз учундир. Ва булар Аллоҳнинг чегараларидир. Кофирларга эса аламли азоб бор.

5. Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қиладиганлар улардан аввалгилар хор бўлганларидек хор бўлурлар. Ҳолбуки, Биз очиқ-ойдин оятларни нозил қилиб қўйганмиз. Кофирларга эса хорловчи азоб бор.

6. Аллоҳ барчаларини қайта тирилтирадиган Кунда қилган ишларининг хабарини берур. Аллоҳ ҳисоблаб турган, улар эса унутганлар. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.

7. Аллоҳ осмонлару ердаги барча нарсаларни билишини англамадингми? Агар учтанинг махфий суҳбати бўлса, албатта, У Зот тўртинчидир. Бештаники бўлса, У Зот олтинчидир. Бундан оз бўлса ҳам, кўп бўлса

ҳам ва қаерда бўлсалар ҳам, албатта Аллоҳ улар биландир. Сўнг қиёмат куни уларга нима амал қилганларининг хабарини берур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

8. Махфий суҳбатдан қайтарилганларни кўрмадингми?! Ман этилган ишга яна қайтурлар, гуноҳ, душманлик ва Расулга осий бўлишда махфий суҳбат қурарлар. Ва ҳузурингга келсалар, сен ила Аллоҳ сен билан саломлашмаган тарзда саломлашурлар. Ва ичларида: «Шу гапимиз учун Аллоҳ бизни азобламаса эди», дерлар. Уларга жаҳаннам етарлидир! Унга кириб, куюрлар! У қандай ҳам ёмон жой!

9. Эй иймон келтирганлар! Қачон махфий суҳбат қилсангиз, осий бўлиш хусусида сирли суҳбат қилмангиз. Яхшилик ва тақво хусусида махфий суҳбат қилингиз. Ҳузурига тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилингиз.

10. Албатта, махфий суҳбат шайтондан бўлиб, иймонлилар маҳзун бўлишлари учундир ва уларга ҳеч зарар етказмас, фақат Аллоҳнинг изни билан. Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар.

11. Эй иймон келтирганлар! Агар мажлисларда сизларга «Жой беринг» дейилса, жой беринг, Аллоҳ сизларга ҳам жой беради. Агар «Туринг», дейилса, турингки, Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни, хусусан, илм берилганларни даражаларга кўтарур. Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

12. Эй иймон келтирганлар! Агар Расул билан махфий суҳбат қилмоқчи бўлсангиз, махфий суҳбатингиздан аввал садақа беринг. Бу ўзингиз учун яхшироқ ва покроқдир. Агар топа олмасангиз, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

13. Махфий суҳбатингиздан аввал садақалар беришдан қўрқдингизми? Агар қилмаган бўлсангиз, Аллоҳ афв қилди. Намоз ўқингиз ва закот берингиз. Ва Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилингиз. Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

14. Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавмни дўст тутганларни кўрмайсанми? Улар сизлардан ҳам эмас, улардан ҳам эмас. Билиб туриб, ёлғон қасам ичарлар.

15. Аллоҳ улар учун шиддатли азобни тайёрлаган. Уларнинг қилаётган ишлари нақадар ёмон!

16. Улар қасамларини ўзлари учун қалқон қилиб олдилар. Бас, Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Уларга хорловчи азоб бордир!

17. Моллари ҳам, фарзандлари ҳам улардан Аллоҳ(нинг азоби)дан ҳеч нарсани қайтара олмас. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда мангу қолувчилардир.

18. Аллоҳ уларнинг барчасини қайта тирилтирадиган Кунда, худди

сизларга қасам ичганларидек, Унга ҳам қасам ичарлар ва бирор нарсага эришамиз, деб ўйларлар. Огоҳ бўлинг, улар – ҳа, улар ёлғончидирлар.

19. Шайтон уларни эгаллаб олган ва Аллоҳнинг зикрини унуттирган. Ана ўшалар шайтоннинг гуруҳидир. Огоҳ бўлинг, шайтоннинг гуруҳи – ҳа, ўшалар зиён кўрувчилардир.

20. Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчилар хор бўлганлардандир.

21. Аллоҳ: «Мен ва Менинг расулларим албатта ғалаба қилажакмиз», деб ҳукм қилган. Аллоҳ қувватлидир, азиздир.

22. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган қавмнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчиларга дўстлик қилганларини кўрмассан. Ҳатто улар ўз оталари ёки фарзандлари, ёки ака-укалари, ёки қариндош уруғлари бўлса ҳам. Ана ўшаларнинг қалбларида Аллоҳ иймонни собит қилган ва уларни Ўз ҳузуридан бир руҳ билан қўллагандир. Ва уларни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Улар унда мангу қолувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг гуруҳидир. Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг гуруҳи – ҳа, ана ўшалар зафар топувчилардир.

59. ҲАШР СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 24 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлардагию ердаги барча нарсалар Аллоҳни поклаб ёд этди. У Зот азиздир, ҳакимдир.

2. У аҳли китобдан бўлган кофирларни ўз диёрларидан биринчи ҳайдаш учун чиқарган Зотдир. Уларни чиқади деб ўйламаган эдингиз. Ўзлари ҳам қўрғонлари уларни Аллоҳдан сақлаб қолур, деб ўйлашарди. Аллоҳ улар ўйламаган тарафдан келди ва уларнинг қалбига қўрқинч солди. Уйларини ўз қўллари билан ва мўминларнинг қўллари билан буза бошладилар. Ибрат олинг, эй ақл эгалари!

3. Мабодо Аллоҳ уларга кўчирилишни ёзмаганда ҳам, бу дунёда уларни азоблар эди. Ва уларга охиратда дўзах азоби бордир.

4. Бу улар Аллоҳга ва Унинг Расулига мухолифлик қилганлари учундир. Кимки Аллоҳга мухолифлик қилса, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

5. Сизнинг хурмоларни кесганингиз ёки ўз жойида тик қолдирганингиз

фақат Аллоҳнинг изни билан ва фосиқларни шарманда қилиш учун бўлди.

6. Аллоҳ Ўз Расулига улардан фай (ўлжа) қилиб берган нарсага сизлар от ёки туя чоптириб бормадингиз. Лекин Аллоҳ Ўз расулларини хоҳлаганининг устидан ҳукмрон қилади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

7. Аллоҳ шаҳар-қишлоқ аҳлидан Ўз Расулига қайтариб берган нарса Аллоҳгадир, Унинг Расулига ва қариндошларга, етимларга ва мискинларга ва йўқсил йўлчигадир, сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун. Расул сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

8. Ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан жудо қилинган, Аллоҳдан фазл ва Унинг розилигини тилайдиган ҳамда Аллоҳга ва Унинг Расулига ёрдам берадиган фақир муҳожирларгадир. Ана ўшалар содиқлардир.

9. Улардан аввал бу диёрда ва иймонда қарор топганлар ўзларига ҳижрат қилиб келганларни севарлар ва уларга берилган нарсаларга қалбларида ҳасад қилмаслар. Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, (уларни) ўзларидан устун қўярлар. Ким ўз нафсининг зиқналигидан сақланса, ана ўшалар нажот топувчилардир.

10. Улардан кейин келганлар: «Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, иймон келтирганларга нисбатан қалбимизда ғашлик қилмагин. Роббимиз, албатта, Сен шафқатлисан, раҳмлисан», дерлар.

11. Нифоқ қилганларнинг ўзларининг аҳли китобдан бўлган куфр келтирган биродарларига: «Агар сизлар (диёрларингиздан) чиқарилсангиз, биз ҳам сизлар билан кетамиз, сизни қўйиб ҳеч қачон ҳеч кимга итоат қилмасмиз ва мабодо сизларга уруш қилинса, албатта ёрдам берурмиз», дейишларини кўрмайсанми? Аллоҳ уларнинг ёлғончилигига гувоҳлик берур.

12. Агар улар (яҳудийлар) чиқарилсалар, (мунофиқлар) улар билан бирга чиқмаслар. Ва агар уларга (яҳудийларга) уруш қилинса, (мунофиқлар) ёрдам бермаслар. Ёрдам берганда ҳам, ортларига қараб қочарлар, сўнг уларга ёрдам берилмас.

13. Уларнинг қалбларига Аллоҳдан кўра сизлар кўпроқ қўрқинчли туюласизлар. Албатта, бу улар яхши англамайдиган қавм эканидандир.

14. Сизларга қарши уюшиб, очиқ уруш қила олмаслар, балки қўрғон билан ўралган қишлоқларда ёки деворлар ортидан (уруш қилурлар). Ўз ораларида адоватлари шиддатли. Уларни бир деб ўйлайсан. Ҳолбуки, қалблари тарқоқдир. Албатта, бу улар ақл юритмайдиган қавм эканидандир.

15. Бу худди улардан олдинги, яқинда ўз қилмишларининг уқубатини татиганларга ўхшашдир. Ва уларга аламли азоб бор.

16. Бу худди шайтон инсонга «Кофир бўл» деган пайтга ўхшайди. У куфр келтирганда эса: «Мен сенга алоқадор эмасман, мен оламлар Робби – Аллоҳдан қўрқаман», деди.

17. Уларнинг оқибатлари бир – албатта, икковлари ҳам дўзахда бўлурлар, у ерда мангу қолувчидирлар. Ва бу золимларнинг жазосидир.

18. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар! Ҳар бир жон эртанги кун учун нима тақдим қилганига назар солсин. Аллоҳга тақво қилинглар! Албатта, Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

19. Аллоҳни унутганларга ўхшаган бўлманглар. У Зот уларга ўзларини унуттирди. Ана ўшалар фосиқлардир.

20. Дўзах аҳли ва жаннат аҳли тенг бўлмас. Жаннат аҳли ютуққа эришувчилардир.

21. Агар ушбу Қуръонни тоққа нозил қилсак, унинг Аллоҳдан қўрққанидан титраб-қақшаб, парчаланиб кетганини кўрар эдинг. Ушбу мисолларни одамларга келтирурмизки, шояд, фикр юритсалар.

22. У Ундан ўзга илоҳ йўқ Аллоҳдир. У ғайбни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир. У Роҳмандир, Роҳиймдир.

23. У Ундан ўзга илоҳ йўқ Аллоҳдир, Маликдир, Қуддусдир, Саломдир, Муъминдир, Муҳайминдир, Азиздир, Жаббордир, Мутакаббирдир. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан покдир.

24. У Аллоҳдир, Холиқдир, Бориъдир, Мусаввирдир. Энг гўзал исмлар Уникидир. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уни поклаб ёд этурлар. Ва У Азиздир, Ҳакимдир.



60. МУМТАҲАНА СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 13 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй иймон келтирганлар! Агар Менинг йўлимда жиҳод қилиб ва розилигимни сўраб чиққан бўлсангиз, Менинг душманларимни ва ўзингизнинг душманларингизни дўст тутманглар. Сизлар уларга дўстлик қиласизлар, улар эса сизларга келган ҳаққа куфр келтирурлар. Роббингиз Аллоҳга иймон келтирганингиз учун Расулни ва сизни ҳайдаб чиқарурлар. Сиз уларга дўстлик қилиб, сир айтурсиз. Ҳолбуки, Мен нимани махфий тутганингизнию нимани ошкор қилганингизни

яхши билувчиман. Сизлардан ким буни қилса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашибди.

2. Агар улар сиздан устун келсалар, сизга душман бўлурлар ва сизларга ёмонлик билан қўлларию тилларини чўзарлар. Улар сизларнинг кофир бўлишингизни хоҳларлар.

3. Қиёмат куни қариндошларингиз ва фарзандларингиз сизга ҳеч манфаат бера олмаслар ва У Зот ораларингизни ажратур. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни кўриб турувчидир.

4. Ҳақиқатан, сизлар учун Иброҳимда ва у билан бирга бўлганларда яхши ўрнак бор. Улар Ўз қавмига: «Биз сизга ва сиз Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсаларга алоқадор эмасмиз, сизга куфр келтирдик, энди токи ягона Аллоҳга иймон келтирмагунингизча, сиз билан бизнинг орамизда доимий адоват ва нафрат пайдо бўлди», дедилар. Аммо Иброҳимнинг отасига: «Албатта, сен учун мағфират сўрайман. Лекин сен учун Аллоҳдан бирор нарсани қайтаришга молик эмасман» деган сўзи мустасно. «Роббимиз, Сенгагина таваккул қилдик, Сенгагина тавбалар қилдик ва қайтиб бориш фақат Сенгадир».

5. «Роббимиз, бизни кофирлар учун фитна қилиб қўймагин ва бизни мағфират қил. Роббимиз, албатта, Сен Ўзинг азизсан, ҳакимсан».

6. Албатта, Аллоҳдан ва қиёмат кунидан умидвор бўлганлар учун уларда яхши ўрнак бор эди. Ким юз ўгирса, албатта, Аллоҳ ғанийдир, мақталгандир.

7. Ажаб эмаски, Аллоҳ сизлар билан улар ичидаги душманларингиз ўртасида дўстлик пайдо қилса, Аллоҳ бунга қодирдир. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

8. Аллоҳ сизлар билан дин борасида уруш қилмаган ва сизларни диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севади.

9. Албатта, Аллоҳ сизлар билан дин борасида уруш қилганлар, сизларни диёрларингиздан қувиб чиқарганлар ва чиқарилишингизга ёрдам берганларни дўст тутишдан қайтаради, холос. Ким уларни дўст тутса, ана ўшалар – ўзлари золимлардир.

10. Эй иймон келтирганлар! Агар сизларга мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб кўринглар. Аллоҳ уларнинг иймонини яхши билувчидир. Бас, мўминаликларини билсангиз, уларни кофирларга қайтариб юборманг. Бу (аёл)лар уларга ҳалол эмас ва улар ҳам буларга ҳалол бўлмаслар. Ва у (кофир)ларга нафақа қилган нарсаларини беринглар. Ва агар уларни маҳрларини бериб, никоҳлаб олсангиз, сизларга гуноҳ бўлмас. Кофираларни никоҳларингизда ушлаб турманглар. Ва нафақа қилган нарсаларингизни сўранглар, улар ҳам

нафақа қилган нарсаларини сўрасинлар. Сизлар учун Аллоҳнинг ҳукми шундайдир. У орангизда ҳукм қилади. Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.

11. Агар аёлларингиздан бирортаси кофирларга ўтиб кетса, урушда туширилган ўлжадан хотинлари кетиб қолганларга улар (хотинларига) нафақа қилган миқдорни берингиз. Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқинг.

12. Эй Набий! Агар мўминалар ҳузурингга келиб, Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилик қилмаслик, зино қилмаслик, фарзандларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб чиқармаслик ва маъруф борасида сенга осий бўлмасликка ўзингга байъат берсалар, улардан байъат олгин. Ва Аллоҳдан уларга мағфират сўра. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

13. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг ғазабига учраган қавмни дўст тутманглар. Кофирлар қабр эгаларидан умид узганлари каби улар ҳам охиратдан умид узганлар.



61. САФ СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 14 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлару ердаги барча нарсалар Аллоҳни поклаб ёд этди. Ва У азиздир, ҳакимдир.

2. Эй иймон келтирганлар! Нима учун қилмайдиган нарсаларингизни гапирасиз?!

3. Қилмайдиган нарсангизни гапиришингиз Аллоҳнинг ҳузурида қаттиқ нафратга қолгандир.

4. Аллоҳ Ўз йўлида худди жипс бинодек бўлиб, сафда туриб уруш қиладиганларни яхши кўради.

5. Мусонинг ўз қавмига: «Эй қавмим, мен Аллоҳнинг расули эканимни билиб туриб, яна нима учун менга озор берасиз?» деганини эсла. Улар (Ҳақдан) оғган эдилар, Аллоҳ уларнинг қалбларини оғдириб қўйди. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.

6. Ийсо ибн Марямнинг: «Эй Бану Исроил! Мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли расулнинг башоратини бериш учун Аллоҳ сизларга юборган расулман», деганини эсла. У (Аҳмад) уларга ҳақ билан келганда эса: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдир», дедилар.

7. Исломга даъват қилиниб турганида, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган

кимсадан кўра золимроқ киши борми? Ваҳоланки, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.

8. Аллоҳнинг нурини оғизлари билан ўчирмоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ Ўз нурини тугал этувчидир. Гарчи кофирлар ёқтирмасалар ҳам.

9. У Ўз расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан уни барча динлардан устун қилиш учун юборган Зотдир. Гарчи мушриклар ёқтирмасалар ҳам.

10. Эй иймон келтирганлар! Сизларни аламли азобдан нажот топтирадиган тижоратга далолат қилайми?

11. Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирасизлар ҳамда Унинг йўлида молингиз ва жонингиз билан жиҳод қиласизлар. Агар билсангиз, ана шу сиз учун яхшидир.

12. Гуноҳларингизни кечирур ва сизларни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга ва адн жаннатларидаги яхши масканларга киритур. Ана ўша буюк ютуқдир.

13. Ва сизлар яхши кўрадиган бошқаси ҳам бор: Аллоҳдан ёрдам ва яқин фатҳ. Ва мўминларга хушхабар бер.

14. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлинг! Ийсо ибн Марям ҳаворийларга: «Кимлар Аллоҳ учун менинг ёрдамчиларим?» деганида, ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз», дедилар. Бану Исроилдан бир тоифа иймон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Биз иймон келтирганларни душманларига қарши қўллаб-қувватладик. Ва улар ғолиб бўлдилар.

62. ЖУМА СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлару ердаги барча нарсалар Малик, Қуддус, Азизу Ҳаким Аллоҳни поклаб ёд этадир.

2. У саводсизларга уларнинг ичидан Унинг оятларини ўқиб берадиган ва уларни поклайдиган ҳамда уларга Китобни ва ҳикматни ўргатадиган расул юборган Зотдир. Ҳолбуки, улар илгари очиқ ойдин залолатда эдилар.

3. Ва улардан ҳозирча уларга қўшилмаган бошқаларга ҳам. Ва У Зот азиздир, ҳакимдир.

4. Бу Аллоҳнинг фазлидир, уни Ўзи хоҳлаган кишига беради. Аллоҳ буюк фазл эгасидир.

5. Зиммаларига Таврот юклатилган, сўнгра унга амал қилмаганлар устига

китоб юкланган эшакка ўхшарлар. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган қавмнинг мисоли нақадар ёмон! Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

6. «Эй яҳудий бўлганлар, бошқа одамлардан фарқли ўлароқ «Аллоҳнинг авлиёларимиз» деб даъво қиладиган бўлсангиз, у ҳолда, агар ростгўй бўлсангиз, ўлимни орзу қилинг», деб айт.

7. Улар қўллари тақдим қилган нарсалар туфайли ҳеч қачон уни (ўлимни) орзу қилмаслар. Аллоҳ золимларни билувчидир.

8. «Аниқки, сиз қочаётган ўлим албатта сизга йўлиқувчидир. Сўнгра ғайб ва ошкорни билувчининг ҳузурига қайтарилурсиз. У сизга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини беради», деб айт.

9. Эй иймон келтирганлар! Жума куни намозга нидо қилинган пайтда Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони қўйинг. Агар билсангиз, ана шу ўзингиз учун яхшидир.

10. Намоз тугагандан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилинг. Шоядки, нажот топсангиз.

11. Ва улар тижорат ёки ўйин-кулги кўрганларида, у томон ёпирилдилар ва сени тик ҳолда тарк этдилар. «Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса ўйин-кулгидан ва тижоратдан яхшидир. Ва Аллоҳ энг яхши ризқ берувчидир», деб айт.



63. МУНОФИҚУН СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Мунофиқлар ҳузурингга келганларида, «Гувоҳлик берамизки, албатта, сен Аллоҳнинг расулисан», дерлар. Ҳолбуки, Аллоҳ сен Унинг расули эканингни билади. Ва Аллоҳ гувоҳлик берурки, мунофиқлар ёлғончидирлар.

2. Улар қасамларини қалқон қилиб олдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Уларнинг қилган амаллари нақадар ёмон!

3. Бу улар иймон келтириб, сўнг кофир бўлганлари учундир, бас, қалбларига тамға босилди. Энди улар англамаслар.

4. Ва қачон уларни кўрсанг, жисмлари сени ажаблантирур ва агар гапирсалар, гапларига қулоқ осарсан. Улар худди суяб қўйилган ходага ўхшарлар. Ҳар қичқириқни ўз зиддиларига ҳисобларлар. Улар

душмандирлар, улардан ҳазир бўл! Аллоҳ уларни лаънатласин! Қаёққа ўгирилиб кетмоқдалар?!

5. Ва агар уларга: «Келинглар, Аллоҳнинг расули сизлар учун мағфират сўрайди», дейилса, улар бошларини чайқарлар. Ва уларнинг мутакаббирлик билан юз ўгираётганларини кўрурсан.

6. Улар учун мағфират сўрайсанми ёки улар учун мағфират сўрамайсанми, барибир. Аллоҳ уларни ҳеч мағфират қилмас. Зеро, Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят этмас.

7. Улар «Расулуллоҳнинг ҳузуридагиларга нафақа берманглар, токи тарқаб кетсинлар», дейдиганлардир. Ҳолбуки, осмонлару ернинг хазиналари Аллоҳникидир. Ва лекин мунофиқлар англамаслар.

8. Улар: «Агар Мадинага қайтиб борсак, албатта, азиз хорни ундан чиқарур», дерлар. Ҳолбуки, азизлик Аллоҳга, Унинг расулига ва мўминларга хосдир. Лекин мунофиқлар билмаслар.

9. Эй иймон келтирганлар! Молларингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитмасин. Ким шундай қилса, ана ўшалар зиён кўрувчилардир.

10. Ва бирингизга ўлим келиб, «Роббим, агар мени озгина муддатга орқага сурсанг-у, садақа қилсам ва солиҳлардан бўлсам», демасидан аввал Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қилинг.

11. Аллоҳ ажали келган жонни ҳеч-ҳеч орқага сурмас. Ва Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

64. ТАҒОБУН СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 18 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмонлару ердаги барча нарсалар Аллоҳни поклаб ёд этадир. Подшоҳлик Уникидир, ҳамд Унга хосдир ва У ҳар бир нарсага қодирдир.

2. У сизларни яратган Зотдир. Сиздан кофир бор ва сиздан мўмин бор. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни кўриб турувчидир.

3. У осмонлару ерни ҳақ билан яратди. Ва сизларга сурат бериб, суратларингизни гўзал қилди. Ва қайтиб бориш Унгадир.

4. У осмонлару ердаги нарсаларни билади. Сизлар сир тутаётган нарсани ҳам ва ошкор қилаётган нарсани ҳам билади. Аллоҳ кўкслардаги нарсаларни ҳам билувчидир.

5. Сизларга олдин кофир бўлганларнинг хабари келмадими? Улар ўз қилмишларининг азобини тотдилар ва уларга аламли азоб бор.

6. Бунинг боиси шуки, уларга расуллари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келардилар, улар эса: «Бизни башар ҳидоятга бошларми?» деб, куфр келтирардилар ва (ҳақдан) юз ўгирардилар. Ва Аллоҳ беҳожат бўлди. Аллоҳ ғанийдир, мақталгандир.

7. Кофирлар ҳеч қайта тирилмасликларини даъво қилурлар. «Йўқ, Роббим билан қасамки, албатта қайта тирилтириласизлар, сўнгра қилган ишларингиздан хабардор қилинасизлар. Бу Аллоҳ учун осондир», деб айт.

8. Аллоҳга, Унинг расулига ва Биз нозил қилган нурга иймон келтиринглар. Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.

9. У сизларни «жамлаш куни»га жамлайдиган Кунда – ана шу «Тағобун» кунидир – ким Аллоҳга иймон келтирса ва солиҳ амал қилса, унинг ёмонликларини ўчирур ва уни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Унда мангу қолувчидирлар. Ана ўша буюк ютуқдир.

10. Куфр келтириб, Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар дўзах эгаларидир. Унда мангу қолувчидирлар. У нақадар ёмон борар жой!

11. Аллоҳнинг изнисиз ҳеч қандай мусибат етмас. Ким Аллоҳга иймон келтирса, У Зот унинг қалбини ҳидоятга солур. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

12. Аллоҳга итоат қилинг ва Расулга итоат қилинг. Агар юз ўгирсангиз, Расулимизнинг зиммасида очиқ-ойдин етказиш, холос.

13. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар.

14. Эй иймон келтирганлар! Албатта, жуфти ҳалолларингиздан ва фарзандларингиздан сизга душман бор, улардан ҳазир бўлинг. Ва агар афв этсангиз, ўтиб юборсангиз ва кечирсангиз, албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

15. Мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз синовдан бошқа нарса эмас. Ва Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бор.

16. Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг ҳамда қулоқ осинг, итоат қилинг ва нафақа қилинг, ўзингизга яхши бўладир. Ким ўз нафсининг зиқналигидан сақланса, ана ўшалар – ўзлари нажот топувчилардир.

17. Агар Аллоҳга «қарзи ҳасан» берсангиз, У сизга кўпайтириб берур ва сизни мағфират қилур. Аллоҳ кўп савоб берувчидир, ҳалиймдир.

18. Ғайб ва ошкорни билувчидир, азиздир, ҳакимдир.



65. ТАЛОҚ СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 12 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй Набий! Агар аёлларни талоқ қиладиган бўлсангиз, иддаларида талоқ қилинг ва иддани ҳисобланг ва Роббингиз Аллоҳга тақво қилинг. Уларни уйларидан чиқарманглар ва ўзлари ҳам чиқмасинлар, аммо очиқ фаҳш иш қилган бўлсалар, мустасно. Ана шулар Аллоҳнинг чегараларидир. Ким Аллоҳнинг чегараларидан чиқса, ҳақиқатан, ўзига ўзи зулм қилибди. Сен билмассан, шоядки, Аллоҳ ундан кейин бирор ишни жорий қилса.

2. Улар муддатларига етсалар, уларни маъруф билан ушланглар ёки улар билан маъруф ила ажрашинглар ва ўзингиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглар. Ва гувоҳликни Аллоҳ учун қилинглар. Бундан ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса, ваъзланур. Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўяди.

3. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур. Ким Аллоҳга таваккул қилса, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир. Албатта, Аллоҳ Ўз ишини етказувчидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳар бир нарсада ўлчов қилиб қўйгандир.

4. Аёлларингиздан ҳайздан ноумид бўлганларининг иддаси, агар шубҳангиз бўлса, уч ойдир. Ҳайз кўрмаганлариники ҳам. Ҳомиладорларнинг иддаси ҳомилаларини қўймоқликдир. Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот унинг ишида осонлик қилиб беради.

5. Булар Аллоҳнинг сизга туширган амридир. Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг гуноҳларини кечирур ва ажрини кўпайтириб берур.

6. Уларга имконингиз борича ўзингиз яшаб турган жойдан жой беринг. Уларни тийиб қўйиш мақсадида уларга зарар етказманг. Агар ҳомиладор бўлсалар, то ҳомилаларини қўйгунларича, уларга нафақа беринглар. Агар сизга (фарзандни) эмизиб берсалар, ҳақларини беринглар, ўзаро маъруф билан маслаҳат қилинглар. Агар қийинчиликка учрасангиз, унга (эрга) бошқа аёл эмизиб берур.

7. Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризқи тор қилинган бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин. Аллоҳ ҳеч бир жонга Ўзи берганидан ортиқчани юкламас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонлик берур.

8. Қанчадан қанча шаҳар-қишлоқ Роббининг ва Унинг расулларининг амрига саркашлик қилди. Биз уларни шиддатли ҳисобга олдик ва қаттиқ азоб ила азобладик.

9. Улар ўз қилмишларининг уқубатини тотдилар ва ишларининг оқибати зиён бўлди.

10. Аллоҳ уларга шиддатли азобни тайёрлаб қўйди. Аллоҳга тақво қилинг, эй иймон келтирган ақл эгалари! Ҳақиқатан, Аллоҳ сизларга зикрни нозил қилди...

11. ...расулни ҳамки, иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Аллоҳнинг очиқ-ойдин оятларини тиловат қилиб берур. Ва ким Аллоҳга иймон келтирса ва солиҳ амал қилса, У Зот уни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. У ерда мангу қолувчидирлар. Ҳақиқатан, Аллоҳ унинг ризқини яхши қилгандир.

12. Аллоҳ етти осмонни ва уларнинг мислича ерни яратган Зотдир. Уларнинг орасидан амр тушади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини ва албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани Ўз илми ила ўраб олганини билишингиз учун.

66. ТАҲРИМ СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 12 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй Набий! Нима учун хотинларинг розилигини тилаб, Аллоҳ сенга ҳалол қилган нарсани ҳаром қилурсан! Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.

2. Аллоҳ сизларга қасамларингизни бўшатишни шариатга киритди. Ва Аллоҳ сизнинг хожангиздир, У билувчидир, ҳакимдир.

3. Эсла, Набий хотинларидан бирига сир гап айтган эди. Ундан (сирдан) хабар берди ва Аллоҳ уни (бу ишни) унга (Набийга) билдирди. У баъзисини билдирди ва баъзисини қолдирди. У унга (Набий бу аёлга ўша иш) ҳақида хабар берганида у: «Буни сенга ким хабар қилди?» деди. У: «Менга билувчи, хабардор Зот хабар берди», деди.

4. Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз, қалбларингиз (ҳаққа) мойил бўлибди. Агар унга қарши чиқсангиз, албатта, Аллоҳ унинг ёрдамчисидир ва Жаброил ҳам, солиҳ мўминлар ҳам. Ундан сўнг фаришталар унга суянчиқдир.

5. У сизларни талоқ қилса, шоядки, Робби сиздан яхшироқ, муслима, мўмина, итоатли, сертавба, ибодатли, рўзадор жувон ва қизларни ўрнингизга хотин қилиб берса.

6. Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси

одамлару тошдан бўлган дўзахдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар.

7. Эй куфр келтирганлар! Бугунги кунда узр айтманглар, қилиб ўтган амалларингизнинг жазосини оляпсиз, холос.

8. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга холис тавба қилинглар! Ажаб эмаски, Роббингиз ёмонликларингизни ўчирса ва сизни остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритса. У Кунда Аллоҳ Набийни ва у билан бирга бўлган иймон келтирганларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдларида ва ўнг тарафларида юриб боради. Улар эса: «Роббимиз, бизга нуримизни батамом қилиб бер, гуноҳларимизни мағфират қил, албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан», дерлар.

9. Эй Набий! Кофир ва мунофиқларга қарши жиҳод қил ва уларга қаттиқ тур. Ва уларнинг жойи жаҳаннамдир. У нақадар ёмон борар жой!

10. Аллоҳ куфр келтирганларга Нуҳнинг хотини ва Лутнинг хотинини мисол қилиб келтирди. Улар бандаларимиздан икки солиҳ банданинг измида эдилар. Уларга хиёнат қилдилар ва (эрлари) улардан Аллоҳдан бирор нарсани қайтара олмадилар ва уларга: «Дўзахга кирувчилар билан киринглар!» дейилди.

11. Аллоҳ иймон келтирганларга Фиръавннинг хотинини мисол қилиб келтирди. Ўшанда у: «Роббим, менга Ўз ҳузурингда – жаннатда бир уй бино қилгин. Менга Фиръавндан ва унинг ишидан нажот бергин ва менга золим қавмдан нажот бергин», деб айтди.

12. Ва фаржини пок сақлаган Имрон қизи Марямни (мисол келтирди). Бас, Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик ва у Роббининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди.

67. МУЛК СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 30 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Подшоҳлик Ўз қўлида бўлган Зот баракотлидир. У барча нарсага қодирдир.

2. У ўлим ва ҳаётни сизларнинг қайсиларингиз амалда яхшироқ эканлигингизни синаш учун яратди. У азиздир, мағфиратлидир.

3. У етти осмонни табақама-табақа яратган Зотдир. Роҳманнинг яратганида ҳеч тафовут кўрмассан. Қайта назар сол! Бирор камчилик кўряпсанми?

4. Сўнг такрор-такрор назар сол, назар истаганини топа олмай, сенга ҳориб-чарчаган ҳолда қайтади.

5. Ва дарҳақиқат, Биз дунё осмонини чироқлар билан зийнатлаб қўйдик ва уларни шайтонларга отиладиган нарса ҳам қилиб қўйдик. Уларга (шайтонларга) эса (ловуллаган) олов азобини тайёрлаб қўйдик.

6. Ўз Роббларига куфр келтирганлар учун жаҳаннам азоби бордир ва у нақадар ёмон қайтадиган жой!

7. Жаҳаннамга ташланган чоқларида унинг ҳанграган овозини эшитурлар, у эса қайнаб туради.

8. У ғазабдан ёрилиб кетай дер. Ҳар сафар унга янги гуруҳ ташланганда, унинг хизматкорлари: «Сизларга огоҳлантирувчи келмаганмиди?» деб сўрарлар.

9. Улар: «Ҳа, дарҳақиқат, бизга огоҳлантирувчи келган эди. Лекин биз (уни) ёлғончига чиқардик ва: «Аллоҳ ҳеч нарса нозил қилгани йўқ, сизлар катта залолатдасизлар, холос», дедик», дейишар.

10. Ва улар: «Агар қулоқ осганимизда ёки ақл юритганимизда эди, (ловуллаган) олов эгалари орасида бўлмаган бўлар эдик», дерлар.

11. Улар ўз гуноҳларини эътироф этдилар. Йўқолсин дўзахийлар!

12. Албатта, Роббидан ғойибона қўрқадиганлар учун мағфират ва улуғ ажр бордир.

13. Сўзингизни сир тутасизми ёки ошкора айтасизми, албатта, У кўкслардагини ҳам билувчи Зотдир.

14. Яратган Зотнинг Ўзи билмасми? Ҳолбуки, У латифдир, хабардордир.

15. У сизларга ерни бўйсундириб қўйган Зотдир. Бас, унинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг. Ва тирилиш ҳам Унинг саридир.

16. Осмондаги Зот сизларни изтиробда ҳаракатланиб турган ерга юттириб юборишидан омонда бўлдингизми?

17. Ёки осмондаги Зот сизларга тошли бўрон юборишидан омонда бўлдингизми? Бас, албатта, огоҳлантириш қандай бўлишини биласизлар.

18. Дарҳақиқат, улардан аввалгилар ҳам ёлғонга чиқарган эдилар. Бас, инкорим қандай экан?!

19. Устларида қанот ёйиб ва йиғиб (учаётган) қушларни кўрмадиларми? Уларни Роҳмандан бошқа ушлаб турувчи йўқ. Албатта, У барча нарсани кўрувчидир.

20. Роҳмандан бошқа сизларга ёрдам берадиган лашкар ким ўзи? Кофирлар алдовдан бошқа ҳеч нарсада эмаслар!

21. У ризқни тортиб қўйса, сизга ризқ берадиган ким ўзи?! Йўқ! Улар саркашликда ва (ҳақдан) қочишда бардавом бўлдилар.

22. Юзтубан қоқилиб юраётган киши ҳидоятдами ёки тўғри йўлдан қоматини тик тутиб бораётган кишими?

23. Айт: «У сизларни йўқдан бор қилган ва сизларга қулоқни ва кўзларни ва дилларни берган Зотдир. Нақадар оз шукр қиласизлар-а?!»

24. Айт: «У сизларни ер юзида яратиб, кўпайтирган Зотдир. Ва Унинг ҳузурига тўпланурсизлар».

25. Ва улар: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон (бўлур)?» дерлар.

26. Айт: «Албатта, илм фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман, холос».

27. Бас, уни (азобни) яқиндан кўрганларида, куфр келтирганларнинг юзлари қораяди. Ва уларга: «Сўраган нарсангиз шу бўлур», дейилур.

28. Айт: «Айтинглар-чи, агар Аллоҳ мени ва мен билан бўлганларни ҳалок қилса ёки раҳм қилса, кофирларни аламли азобдан ким қутқариб қолади?!»

29. Айт: «У Роҳмандир, биз Унга иймон келтирдик ва Унгагина таваккул қилдик. Ким очиқ-ойдин залолатда эканини тезда билурсизлар».

30. Айт: «Айтинглар-чи, агар сувларингиз ерга сингиб кетса, сизларга ким оқин сувни келтирур?»

68. ҚАЛАМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 52 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Нуун. Қалам билан ва сатрларга ёзадиган нарсалар билан қасам.

2. Сен Роббинг неъмати ила мажнун эмассан.

3. Ва албатта, сенга миннатсиз, битмас-туганмас ажр бордир.

4. Ва албатта, сен буюк хулқдасан.

5. Тезда кўрурсан ва (улар ҳам) кўрурлар…

6. ...сизлардан қайсингиз мажнунлигини.

7. Албатта, Роббинг Ўзи ким Унинг йўлидан адашганини билувчидир ва У ҳидоятда юрувчиларни ҳам яхши билувчидир.

8. Бас, ёлғонга чиқарувчиларга итоат қилма.

9. Агар сен муроса қилсанг, улар ҳам муроса қилишни орзу қиладилар.

10. Итоат қилма ҳар бир қасамхўр, пасткашга,

11. айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига,
12. яхшиликни ман қилувчи, тажовузкор, сергуноҳга,
13. қўпол, ҳам отасининг тайини йўққа.
14. Моли ва фарзандлари кўп бўлгани туфайли.
15. Унга Бизнинг оятларимиз ўқилган пайтда: «Аввалгиларнинг афсоналари», дер.
16. Тезда унинг тумшуғига белги қўямиз.
17. Биз уларни боғ эгаларини синаганимиздек синаб кўрдик. Ўшанда «Эрта тонгда териб оламиз», деб қасам ичдилар,
18. аммо истисно қилмадилар.
19. Улар ухлаб ётганда, унинг (боғнинг) устидан Роббингдан бир айланувчи айланиб чиқди.
20. Бас, у худди меваси териб олинганга ўхшаб қолди.
21. Улар тонг саҳарда бир-бирларини чақирдилар...
22. «Агар терадиган бўлсангиз, экинзорингизга эртароқ боринг», деб.
23. Паст овоз билан гаплашиб юриб кетдилар…
24. «Бугун сиз борингизда унга (боққа бирорта) мискин кира кўрмасин», деб.
25. Ва эрталаб қасд-ла, ўзларини қодир сезиб, бордилар.
26. Уни кўргач эса дедилар: «Биз адашибмиз.
27. Балки биз маҳрум бўлибмиз».
28. Уларнинг энг яхшиси: «Сизларга: «(Аллоҳни) поклаб ёд этсаларингизчи», демабмидим?!» деди.
29. «Роббимиз покдир, албатта, биз золимлардан эдик», дедилар.
30. Баъзилари баъзиларини маломат қила бошладилар.
31. Улар дедилар: «Вой, шўримиз қурсин, туғёнга кетган эканмиз.
32. Ажаб эмаски, Роббимиз унинг ўрнига ундан кўра яхшироғини берса. Биз Роббимизга рағбатлимиз».
33. Азоб шундай бўлур ва агар билсалар, охират азоби бундан катта бўлади.
34. Тақводорлар учун Робблари ҳузурида неъматланиш жаннатлари бордир.
35. Мусулмонларни жиноятчиларга ўхшатиб қўярмидик?!
36. Сизга нима бўлди? Қандай ҳукм қилмоқдасиз?!
37. Ёки сизларнинг китобингиз бор-у, ундан ўқидингизми?
38. Унда сизларга, албатта, ихтиёр қилганингиз (дейилган)ми?!

39. Ёки сизларга Бизнинг зиммамизда «Албатта, сизга ўз ҳукм қилганингиз» деган то қиёмат кунигача етадиган ваъдаларимиз борми?!

40. Сўра улардан, қай бирлари бу нарсага кафил экан?

41. Ёки уларнинг шериклари бормикан? Агар ростгўй бўлсалар, шерикларини ҳам олиб келсинлар.

42. Иш шиддатли тус олиб, улар саждага чақириладиган Кунда. Бас, улар қодир бўлмайдилар...

43. ...кўзлари қўрқинчга тўла, ўзларини хор-зорлик ўраб олган. Ва дарҳақиқат, улар саломатлик ҳолларида сажда қилишга чақирилган эдилар.

44. Бу гапни ёлғонга чиқарувчиларни Ўзим билан қўйиб қўй. Биз уларни ўзлари билмаган тарафдан аста-секин оламиз.

45. Ва уларга муҳлат бераман. Албатта, Менинг ҳийлам метиндир.

46. Ёки улардан ажр сўраяпсан-у, улар тўловдан қийналиб қолганларми?

47. Ёки ғайб уларнинг ҳузурида ю, улар ёзиб оляптиларми?

48. Роббинг ҳукмига сабр қил ва бир вақтлар ғамга тўлган ҳолда нидо қилган «балиқ соҳиби» сингари бўлма.

49. Агар уни Роббининг неъмати топмаганида, мазамматга қолган ҳолида очиқ саҳро жойга ташланган бўларди.

50. Робби уни танлаб олди ва солиҳ бандаларидан қилди.

51. Кофирлар Зикрни эшитаётганларида сени кўзлари билан тойдирмоқчи бўлурлар ва: «Албатта, у мажнундир», дерлар.

52. Ҳолбуки, у бутун оламларга эслатмадан ўзга нарса эмас.



69. ҲАҚҚО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 52 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳаққо.

2. Ҳаққо нима ўзи?!

3. Ҳаққо нималигини сенга нима билдирди?!

4. Самуд ва Од қориъани ёлғонга чиқаришди.

5. Аммо Самуд ҳаддан ошувчи билан ҳалок қилинди.

6. Ва аммо Од сарсар шамол билан ҳалок қилинди.

7. У Зот уни уларнинг устидан етти кечаю саккиз кундуз узлуксиз

хизматкор қилиб қўйди. Бас, қавмнинг у ерда ўлиб, ағдарилиб ётганини кўрасан. Улар худди хурмонинг ғовак ходаларига ўхшарлар.

8. Улардан бирортасининг боқий қолганини кўряпсанми?

9. Фиръавн, ундан аввалгилар ва тўнтарилганлар хато қилдилар.

10. Бас, улар Роббларининг расулига осий бўлдилар. Дарҳақиқат, У Зот уларни қаттиқ тутиш билан тутди.

11. Биз сув туғёнга келган пайтда сизларни кемада кўтарганмиз.

12. Уни сизларга эслатма қилиш учун ва англовчи қулоқлар англаб олишлари учун.

13. Агар сурга бир пуфлаш билан пуфланса…

14. ва еру тоғлар кўтарилиб, бир уриб майдаланса...

15. Бас, ўша кунда Воқиъа воқе бўлибди.

16. Ва осмон парчаланса, ўша кунда у (осмон) беҳолдир.

17. Ва фаришталар унинг атрофида ва ўша кунда Роббингнинг Аршини саккизтаси кўтариб туради.

18. Ўша кунда кўрикдан ўтасизлар, бирорта нарсангиз махфий қолмайди.

19. Бас, кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса, у дейди: «Мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар!

20. Мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимга ишонардим».

21. Бас, у розилик ҳаётидадир.

22. Олий жаннатдадир.

23. Унинг мевалари яқиндир.

24. «Ўтган кунларда қилган нарсаларингиз туфайли енглар ва ичинглар, ош бўлсин!»

25. Ва аммо кимнинг китоби чап тарафдан берилса, у дейди: «Эвоҳ, қанийди менга китобим берилмаса...

26. ва ҳисоб-китоб қандайлигини билмасам.

27. Қанийди, ўша (дунёдаги ўлим) ҳал қилувчи бўлса эди.

28. Мол-мулким менга асқотмади.

29. салтанатим ҳам ҳалок бўлди».

30. Тутинглар уни ва кишанланглар уни!!!

31. Сўнгра жаҳаннамга солинглар уни!!!

32. Сўнгра етмиш қулочли занжирга киритинг уни!!!

33. Чунки у буюк Аллоҳга иймон келтирмаган...

34. ва мискинларга таом беришга қизиқтирмаган эди.

35. Бугунги кунда эса унга бу ерда бирон қадрдон дўст йўқ...

36. ва ғислийндан ўзга таом ҳам йўқ.

37. Уни хатокорлардан бошқа ҳеч ким емас.
38. Сизлар кўриб турган нарсалар билан қасам ичурман.
39. Ва сизлар кўрмайдиган нарсалар билан ҳам.
40. Албатта, у (Қуръон) карамли расулнинг сўзидир.
41. Ва у шоирнинг сўзи эмас. Нақадар оз ишонасизлар-а!
42. Ва у фолбиннинг сўзи ҳам эмас. Нақадар оз эслайсизлар.
43. Оламлар Роббидан нозил қилингандир.
44. Ва агар у Бизга баъзи ёлғон сўзларни тўқиганида…
45. Биз уни қудрат билан албатта тутган бўлар эдик.
46. Сўнгра албатта, унинг шоҳ томирини кесамиз.
47. Сизлардан ҳеч ким уни тўсиб қолувчи эмас.
48. Ва албатта, у (Қуръон) тақводорлар учун эслатмадир.
49. Ва албатта, Биз сизларнинг ичингизда ёлғонга чиқарувчилар борлигини билиб турамиз.
50. Ва албатта, у (Қуръон) кофирлар учун ҳасратдир.
51. Ва албатта, у (Қуръон) аниқ ҳақиқатдир.
52. Бас, улуғ Роббингнинг исмини поклаб ёд эт.

70. МАЪОРИЖ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 44 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Сўровчи воқе бўлувчи азоб ҳақида сўради...
2. кофирлар учун. Уни даф қилувчи йўқдир.
3. У Аллоҳдан – маъорижлар Эгасидандир.
4. Фаришталар ва Руҳ Унинг ҳузурига миқдори эллик минг йил бўлган кунда кўтарилур.
5. Бас, чиройли сабр қил.
6. Албатта, улар уни (қиёматни) узоқ деб биларлар.
7. Биз эса уни жуда яқин деб билурмиз.
8. У Кунда осмон худди қора мой қолдиқларига ўхшаб қолади.
9. Ва тоғлар худди титилган жунга ўхшаб қолади.
10. Ва яқин дўст ўз дўстидан сўрамайди.

11. Уларни кўриб турадилар. Жиноятчи хоҳлаб қоладики, ўша Кун азоби бадалига ўз фарзандларини фидо қилса…
12. хотинини ва ака-укасини ҳам…
13. уни ўзига олган қабиласини ҳам...
14. ва ер юзидаги жамики кимсаларни ҳам. Сўнгра ўзи нажот топса.
15. Йўқ! Албатта, у кучли алангадир.
16. Бошнинг терисини сидириб олувчидир.
17. У орқага кетган ва юз ўгирганни чақиради...
18. ва (молни) йиғиб, беркитганни.
19. Инсон «ҳалуъ» қилиб яратилгандир...
20. (яъни) агар унга ёмонлик етса, чидамсиздир...
21. агар яхшилик етса, кўп ман қилувчидир.
22. Намоз ўқувчиларгина мустаснодир.
23. Улар намозларида доим бўладиганлардир.
24. Уларнинг мол-мулкларида маълум ҳақ бордур.
25. Сўровчи ва бечоралар учундир.
26. Ва улар қиёмат кунини тасдиқлайдиганлардир.
27. Ва улар ўз Робблари азобидан қўрқадиганлардир.
28. Албатта, Роббларининг азобидан омонлик йўқдир.
29. Ва улар ўз фаржларини сақлайдиганлардир.
30. Ўз жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлар мустасно, албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар.
31. Ким ана шундан бошқани талаб қилса, бас, ана ўшалар тажовузкорлардир.
32. Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қиладиганлардир.
33. Ва улар гувоҳликларида қатъий турадиганлардир.
34. Улар намозларини муҳофаза қиладиганлардир.
35. Ўшалар жаннатларда икром этилганлардир.
36. Куфр келтирганларга не бўлдики, бўйинларини чўзиб, сен томон шошилмоқдалар...
37. ўнг тарафдан ва чап тарафдан, тўп-тўп бўлган ҳолда?
38. Улардан ҳар бир киши неъматланиш жаннатига киритилишни тама қилурми?
39. Йўқ! Биз уларни ўзлари билган нарсадан яратганмиз.
40. Машриқлар ва мағриблар Робби билан қасам ичаманки, албатта, Биз қодирмиз...

41. ўринларига улардан яхшироқларини алмаштиришга. Ва Биз ожиз эмасмиз.

42. Уларни тек қўй. То ваъда қилинган Кунга йўлиққунларича (ботилларига) шўнғийверсинлар ва (дунёларида) ўйнайверсинлар.

43. У Кунда худди санамларга шошаётгандек, қабрларидан шошиб чиқурлар...

44. кўзлари қўрқинчга тўла, ўзларини хор-зорлик қоплаган ҳолда. Бу ўша – уларга ваъда қилинган Кундир.



71. НУҲ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 28 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Биз Нуҳни: «Қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлантир», деб ўз қавмига расул қилиб юбордик.

2. У деди: «Эй қавмим, мен сиз учун очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман.

3. Аллоҳга ибодат қилинглар, Унга тақво қилинглар ва менга итоат қилинглар.

4. У сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилади ва сизни белгиланган ажалгача қўйиб қўяди. Агар билсангиз, Аллоҳнинг ажали орқага сурилмайди».

5. У деди: «Роббим, мен ўз қавмимни кечаю кундуз даъват қилдим.

6. Менинг чақириғим уларда қочишдан бошқа нарсани зиёда қилмади.

7. Ва албатта, қачонки мен уларни Сенинг мағфират қилишинг учун чақирсам, улар бармоқларини қулоқларига тиқдилар ва кийимларига бурканиб олдилар ҳамда (куфрда) бардавом бўлдилар ва ниҳоятда такаббурлик қилдилар.

8. Сўнгра мен уларни ошкора даъват қилдим.

9. Сўнгра мен уларга ошкора ва яширин (даъват) қилдим.

10. «Роббингизга истиғфор айтинг. Албатта, У ғаффордир», дедим».

11. «(У Зот) осмондан устингизга кетма-кет барака ёмғирини юборади.

12. Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад беради ва сизларга боғу роғлар қилиб берур ҳамда анҳорлар қилиб беради.

13. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг буюклигидан қўрқмайсизлар?

14. Ҳолбуки, У сизларни ҳолатма-ҳолат яратди.

15. Аллоҳ етти осмонни қандай қилиб табақама-табақа яратиб қўйганини кўрмадингизми?
16. Ва улар ичида ойни нур қилиб қўйганини ва қуёшни чироқ қилиб қўйганини (кўрмадингизми)?
17. Ва Аллоҳ сизларни ердан ўстириб чиқарди.
18. Сўнгра сизларни унга қайтаради ва яна чиқаради.
19. Ва Аллоҳ сизларга ерни гиламдек тўшаб қўйди…
20. унда сиз кенг йўллардан юришингиз учун» (дедим).
21. Нуҳ деди: «Роббим, улар менга исён қилдилар ва моли, бола-чақаси зиёндан бошқани зиёда қилмаганга эргашдилар.
22. Ва ниҳоятда катта макр қилдилар.
23. Ва улар: «Илоҳларингизни ҳеч тарк қилманглар ва албатта, Ваддни ҳам, Суваъни ҳам, Яғусни ҳам, Яъуқни ҳам ва Насрни ҳам тарк қилманг», дедилар.
24. Дарҳақиқат, улар кўпларни адаштирдилар. Ва Сен золимларга залолатдан бошқани зиёда қилма».
25. Улар хатолари туфайли ғарқ қилиндилар, сўнг дўзахга киритилдилар. Ўзларига Аллоҳдан ўзга ёрдамчи топа олмадилар.
26. Ва Нуҳ деди: «Роббим, ер юзида кофирлардан бирорта қимир этганини қўймагин.
27. Сен уларни қўйиб қўйсанг, бандаларингни адаштирадилар ва фожиру кофирдан бошқани туғмаслар.
28. Роббим, мени мағфират қилгин, менинг ота-онамни ҳам ва уйимга мўмин бўлиб кирганларни ва мўминлару мўминаларни ҳам. Золимларга эса ҳалокатдан ўзга нарсани зиёда қилма».



72. ЖИН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 28 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Айт: «Менга ваҳий қилиндики, албатта, жинлардан бир неча нафари қулоқ осдилар ва дедилар: «Биз ажойиб Қуръонни эшитдик.
2. У тўғри йўлга ҳидоят қилади. Биз унга иймон келтирдик ва Роббимизга ҳеч кимни ширк келтирмасмиз.
3. Ва Роббимизнинг улуғворлиги юксак бўлди. У Ўзига хотин ва фарзанд тутгани йўқ.

4. Ва эсипастимиз Аллоҳга ноҳақ гапларни айтарди.
5. Ва биз инс ҳам, жин ҳам Аллоҳга (нисбатан) ёлғон гапирмас, деб ўйлардик.
6. Ва инсдан баъзи кишилар жинларнинг баъзи кишиларидан паноҳ сўрардилар. Бас, булар уларнинг (жинлар инсонларнинг) ёмонлигини зиёда қилдилар.
7. Ва улар (жинлар) худди сизлар гумон қилганингиздек, Аллоҳ бирор кишини ўлганидан сўнг тирилтирмас, деб гумон қилардилар.
8. Ва биз осмон(га етиш)ни талаб қилдик. Бас, уни кучли қўриқчиларга ва учқунларга тўлган ҳолда кўрдик.
9. Ва биз унда (осмонда) тинглашга қулай жойларга жойлашиб олар эдик. Энди эса ким қулоқ солса, ўзини пойлаб турган учқунга дучор бўлади.
10. Ва биз ер юзидагиларга ёмонлик ирода қилиндими ёки Робблари уларга рушдни ирода қилдими – билмасмиз.
11. Ва бизнинг орамизда солиҳлар ҳам бор, (улардан) бошқалар ҳам бор. Турли гуруҳлар бўлган эдик.
12. Ва биз Аллоҳни ер юзида ожиз қолдира олмаслигимизга ва Ундан қочиб қутула олмаслигимизга ишондик.
13. Ва биз ҳидоятни эшитган пайтимизда Унга иймон келтирдик. Кимки Роббига иймон келтирса, савоби озайиб қолишидан ҳам, унга оғир юк юкланишидан ҳам қўрқмайди.
14. Ва бизнинг орамизда мусулмонлар ҳам бор, адашганлар ҳам бор. Кимлар Исломга кирса, улар ҳақ йўлни танлабдилар.
15. Аммо адашганлар эса жаҳаннамга ўтин бўлибдилар».
16. Агар улар тўғри йўлдан юрсалар, албатта Биз уларни мўл сув ила суғорамиз.
17. У билан уларни синаш учун. Ва кимки Роббининг зикридан юз ўгирса, У Зот уни қийин азобга солади.
18. Ва масжидлар Аллоҳникидир. Аллоҳ билан бирга ҳеч кимга дуо қилманг.
19. Ва Аллоҳнинг бандаси Унга ибодат қилиб турганида, улар унинг атрофида от ёлидек тўпланиб, босиб юборай дейишди.
20. «Мен фақат Роббимга илтижо қилурман ва Унга ҳеч кимни шерик қилмасман», деб айт.
21. «Мен сизлар учун зарарга ҳам, фойдага ҳам молик эмасман», деб айт.
22. Айт: «Ҳеч ким мени Аллоҳ(азоби)дан сақлаб қола олмас ва ҳаргиз У Зотдан ўзга пуштипаноҳ топа олмасман.
23. Фақат Аллоҳдан Унинг рисолатларини етказиш, холос. Кимки Аллоҳга

ва Унинг расулига осий бўлса, унга жаҳаннам оташи бор, унда мангу қолувчидирлар».

24. Уларга ваъда қилинган нарсани кўрганларида, кимнинг ёрдамчиси заиф-у, кимнинг сони озлигини ҳам билурлар.

25. Айт: «Сизларга ваъда қилинган нарса яқинми ёки Роббим унга узоқ муддат қилганми – билмасман.

26. У ғайбни билувчидир ва ҳеч кимни Ўз ғайбидан хабардор қилмас.

27. Ўзи рози бўлган Расул мустасно. Аллоҳ унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатиб юрувчи йўллаб қўяди…

28. (Расуллар) ўз Робблари рисолатларини ҳақиқатан етказганликларини ва Аллоҳ улар (бандалар) ҳузуридаги барча нарсани иҳота қилиб олганини ва ҳамма нарсанинг ададини ҳисоб қилганини билиш учун.

73. МУЗЗАММИЛ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 20 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй ўраниб ётган!

2. Кечанинг озгинасидан бошқасини (ибодатда) бедор ўтказ.

3. Ярмида ёки ундан бир оз қисқароғида (бедор бўл).

4. Ёки унга зиёда қил ва Қуръонни тартил билан тиловат қил.

5. Биз устингга оғир Сўзни ташлармиз.

6. Албатта, тунги ибодатнинг салмоғи кўпроқ ва қироати тўғрироқ бўлур.

7. Кундузи сенинг узоқ ишлашинг бор.

8. Роббингнинг исмини зикр қил ва Унинг ибодатига бутунлай ажралиб чиқ.

9. У Зот машриқу мағрибнинг Роббидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ, Уни ўзингга вакил тут.

10. Уларнинг гапларига эса сабр қил ва улардан чиройли четланиш-ла четланиб тур.

11. Аҳли неъмат бўлган ёлғонга чиқарувчиларни Ўзимга қўйиб қўй ва уларга озгина муҳлат бер.

12. Ҳузуримизда оғир кишанлар ва жаҳаннам бор.

13. Ва (томоққа) тиқиладиган таом ва аламли азоб бор.

14. Бир Кундаки, унда ер у тоғлар ларзага келади ва тоғлар оқувчи қумтепаларга айланадилар.

15. Биз сизларга худди Фиръавнга расул юборганимиздек, сиз ҳақингизда гувоҳлик берувчи расулни юбордик.

16. Фиръавн расулга осий бўлди ва Биз уни шиддатли азоб билан тутдик.

17. Агар кофир бўлсаларингиз, болаларнинг сочини оқартириб юборадиган Кундан қандай сақланурсиз?!

18. Унда осмон парчаланувчидир, У Зотнинг ваъдаси амалга ошади.

19. Албатта, булар эслатмадир, ким хоҳласа, Робби томон йўл олади.

20. Албатта, Роббинг кечанинг учдан биридан озроғини, ё ярмини, ё учдан бирини қоим бўлиб ўтказаётганингни ва сен билан бирга бўлганлардан ҳам бир тоифа (шундай қилаётганларини) билади. Ва Аллоҳ кечаю кундузни Ўзи ўлчайди. У сизларнинг буни ҳеч уддалай олмаслигингизни билиб, сизларга (енгилликни) қайтарди. Энди Қуръондан муяссар бўлганича қироат қилинглар. Сизлардан келажакда касаллар бўлишини, бошқалари ер юзида кезиб, Аллоҳнинг фазлини исташини, яна бошқалар эса Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишларини ҳам билди. Энди ундан муяссар бўлганича қироат қилинглар. Ва намозни қоим қилинглар, закот беринглар ва Аллоҳга «қарзи ҳасан» беринглар. Ўзингиз учун нима яхшилик тақдим қилган бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузурида ундан да яхшироқ ва улканроқ ажрни топасиз. Ва Аллоҳдан мағфират сўранг. Албатта, Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир.



74. МУДДАССИР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 56 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Эй бурканиб ётган!
2. Тур ва огоҳлантир!
3. Ва Роббингни улуғла!
4. Ва кийимингни покла!
5. Ва қақшатқич азобдан четлан!
6. Ва кўп санаб, миннат қилма.
7. Ва Роббинг учун сабр қил.
8. Вақтики, сурга пуфланса…
9. Ўша – ўшал Кун қийин кундир.
10. У кофирларга осон эмасдир.
11. Мени Ўзим якка яратган киши билан қўйиб қўй.

12. Ва унга кўплаб мол-дунё бериб қўйдим.
13. Ва ҳозиру нозир фарзандлар ҳам.
14. Ва унга (ҳамма нарсани) осонлаштириб қўйдим.
15. Сўнгра яна зиёда қилишимни тама қилур.
16. Йўқ! Чунки у оятларимизга саркаш эди.
17. Тезда уни машаққатли чиқиш-ла ҳоритаман.
18. У тафаккур қилди ва чамалаб кўрди.
19. Лаънат бўлсин унга! Қандай ҳам чамалади-я!
20. Сўнгра яна лаънат бўлсин унга! Қандай ҳам чамалади-я!»
21. Сўнгра назар солди.
22. Сўнгра афтини буриштирди ва қовоғини солди.
23. Сўнгра юз ўгирди ва такаббурлик қилди.
24. Бас, деди: «Бу – асар бўлиб келаётган сеҳр, холос.
25. Бу башарнинг сўзидан ўзга нарса эмас».
26. Тезда уни сақарга киритиб, куйдирурман.
27. Ва сақар нималигини сенга нима билдирди?
28. У боқий қолдирмас ва тарк ҳам қилмас.
29. У терини кўп куйдирувчидир.
30. Унинг устида ўн тўққизта (фаришта) бор.
31. Дўзах соҳибларини фақат фаришталар қилдик. Уларнинг ададини фақат кофирларни синаш учун қилдик. Китоб берилганлар аниқ ишонч ҳосил қилишлари учун. Ва иймонлиларнинг иймони зиёда бўлиши учун. Китоб берилганлар ва мўминлар шак-шубҳа қилмасликлари учун ва қалбларида касаллик борлар ва кофирлар: «Аллоҳ бу билан нима мисолни ирода қилмоқчи?» дейишлари учун. Аллоҳ ана шундай қилиб, хоҳлаганини адаштирур ва хоҳлаганини ҳидоятга солур. Роббингнинг лашкарларини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. Ва у (дўзах) башар учун эслатмадан ўзга ҳеч нарса эмас.
32. Йўқ! Ой билан қасам.
33. Ва чекинаётган тун билан қасам.
34. Ва ёришаётган тонг билан қасам.
35. Албатта, у (дўзах) каттакон (азоб)ларнинг биридир.
36. У башарият учун огоҳлантирувчидир.
37. Сизлардан пешқадам бўлишни ёки ортда қолишни хоҳлаётган кимсалар учундир.
38. Ҳар бир жон ўз касбининг гаровидир.
39. Ўнг тараф соҳибларидан ташқари.

40. Улар жаннатларда (бир-бирларидан) сўрайдилар...
41. жиноятчилар ҳақида.
42. «Сизларни дўзахга нима киритди?» (дейилур).
43. Улар дерлар: «Намоз ўқийдиганлардан бўлмаган эдик.
44. Ва мискинларга таом бермаган эдик.
45. Ва (ботилга) шўнғувчилар билан бирга шўнғир эдик.
46. Ва қиёмат кунини ёлғонга чиқарар эдик...
47. токи бизга ўлим келгунича».
48. Бас, уларга шафоатчиларнинг шафоати манфаат бермайди.
49. Уларга нима бўлдики, эслатмадан юз ўгирарлар?
50. Худди қаттиқ қўрққан эшаклар…
51. арслондан қочгани каби?
52. Балки улардан ҳар бир киши ўзига очилган саҳифалар берилишини ирода қилар.
53. Йўқ! Балки улар охиратдан қўрқмаслар.
54. Йўқ! Албатта, у (Қуръон) эслатмадир.
55. Бас, ким хоҳласа, уни эслайди.
56. Ва фақат Аллоҳ хоҳласагина, эсларлар. У Зот тақво аҳлидир ва мағфират аҳлидир.

75. ҚИЁМАТ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 40 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Қиёмат куни билан қасам.
2. Ва маломатчи нафс билан қасам.
3. (Кофир) инсон Бизни унинг суякларини жамлаб олмас деб ўйларми?
4. Аксинча, унинг бармоқ учларини ҳам тиклашга қодирмиз.
5. Балки, инсон келажакда фисқу фужур қилишни хоҳлайди.
6. «Қиёмат куни қачон?» деб сўрайди.
7. Қачонки кўз даҳшатга тўлса...
8. ва ой тутилса...
9. ва қуёш билан ой жамланса...
10. ўшал Кунда инсон: «Қочар жой қаерда?» деб қолади.

11. Йўқ! Қочар жой йўқдир!
12. У Кунда жойлашув фақат Роббинг ҳузурида бўлади.
13. У Кунда инсонга аввалу охир қилган ишларининг хабари берилади.
14. Ҳа, инсон ўзига қарши ўзи шоҳиддир.
15. Ва агар узрларини тўкиб солса ҳам.
16. Унга шошилиб, тилингни у ила қимирлатма.
17. Уни (Қуръонни) жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамиздадир.
18. Биз уни ўқисак, қироатига зеҳн солиб тур.
19. Сўнгра уни баён қилиб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда.
20. Йўқ! Балки сизлар шошар (ўткинчи) дунёни яхши кўрасизлар.
21. Ва охиратни тарк этасизлар.
22. У Кунда порлоқ юзлар бор.
23. Роббига назар солувчилар.
24. Ва у Кунда тиришиб-буришган юзлар ҳам бор.
25. Ўзларига умуртқасини синдирадиган иш бўлишига ишонарлар.
26. Йўқ! Вақтики, (жон) ҳалқумга келса...
27. ва: «Ким буни қутқарар?» дейилса…
28. ва албатта, бу фироқ эканига ишонса...
29. ва болдирлар бир-бирига алмашса…
30. у Кунда ҳайдаб бориш жойи Роббинг ҳузуридадир.
31. Бас, у тасдиқламади ва намоз ўқимади.
32. Ва лекин ёлғонга чиқарди ва юз ўгирди.
33. Сўнг ўз аҳлига керилиб борди.
34. Ҳолингга вой бўлсин сенинг, вой бўлсин!
35. Яна ҳолингга вой бўлсин сенинг, вой бўлсин!
36. Инсон (ўзини) беҳуда тарк қилинади деб ҳисоблайдими?
37. Ахир у отилиб чиққан манийнинг бир нутфаси бўлмаганмиди?
38. Сўнг алақа бўлди. Бас, (У Зот уни) бекаму кўст этиб яратди.
39. Сўнг ундан жуфтни – эркак ва аёлни яратди.
40. Ана ўша Зот ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?!



76. ИНСОН СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 31 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Дарҳақиқат, инсонга у эсга олинадиган нарса бўлмаган бир замон келмадими?
2. Биз инсонни аралаш нутфадан яратдик, синаш учун уни эшитадиган, кўрадиган қилдик.
3. Биз унга йўл кўрсатдик. (У эса) ёки шукр қилувчи, ёки куфр келтирувчи бўлди.
4. Биз кофирлар учун занжирлар, кишанлар ва (ловуллаган) оловни тайёрлаб қўйганмиз.
5. Албатта, аброрлар кофур аралаштирилган қадаҳдан ичарлар…
6. …бир булоқданки, ундан Аллоҳнинг бандалари отилтириб ичарлар.
7. Улар назрга вафо қиларлар ва ёмонлиги кенг тарқаладиган Кундан қўрқарлар.
8. Ўзлари таомни яхши кўриб турсалар ҳам, уни мискин, етим ва асирларга берарлар.
9. «Сизларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун таомлантирамиз ва сизлардан мукофот ёки ташаккур хоҳламаймиз.
10. Биз қўрқинчли, шиддатли, узун Кунда Роббимиздан қўрқурмиз» (дерлар).
11. Робблари уларни ўшал Кун ёмонлигидан сақлади ва уларга порлоқлик ҳамда хурсандчилик ато қилди...
12. Ва сабр қилганлари учун уларни жаннат ва ипаклар билан мукофотлади.
13. У ерда пардали, баланд сўриларда суянган ҳолдалар. У ерда қуёшни ҳам, совуқни ҳам кўрмаслар.
14. Ва устларига унинг (жаннатнинг) соялари яқиндир ҳамда унинг мевалари жуда ҳам осон қилингандир.
15. Ва уларга кумуш идишлар ва биллурлардан бўлган қадаҳлар айлантириб турилур.
16. Биллурлар кумушдандир, (соқийлар) ўлчовини келтиргандир.
17. Улар у ерда қадаҳдан суғорилурлар: (унинг) аралашмаси занжабийлу…
18. ундаги (жаннатдаги) салсабийл номли булоқдан бўлгандир.
19. Атрофларида мангу ёш болалар айланарлар, уларни кўрсанг, сочилган дур деб ўйлайсан.

20. Агар кўрсанг, у ерда неъматни ва улкан мулкни кўрурсан.
21. Эгниларида яшил сундусдан (юпқа ипак) ва истабрақдан (қалин ипакдан) кийимлар бор ва кумуш билакузуклар-ла ясанганлар ва Робблари уларни пок шароб билан суғорур.
22. Албатта, бу сизга мукофот бўлди ва сизнинг саъй ҳаракатингиз қабул бўлди.
23. Албатта, Биз сенга Қуръонни бўлак-бўлак қилиб нозил этдик.
24. Бас, Роббинг ҳукмига сабр қил ва улардан гуноҳкор ёки кофирларига итоат қилма.
25. Эртаю кеч Роббинг исмини зикр қил.
26. Ва тунда ҳам Унга сажда қил ва узоқ тунларда Уни поклаб ёд эт.
27. Албатта, анавилар шошар (дунё)ни яхши кўрурлар ва оғир кунни ортларида қолдирурлар.
28. Биз уларни яратдик ва бўғинларини маҳкам қилдик. Агар хоҳласак, уларнинг ўринларига ўхшашларини келтирамиз.
29. Албатта, бу (сура) эслатмадир. Ким хоҳласа, Роббига йўл олади.
30. Аллоҳ хоҳласагина, сизлар ҳам хоҳлайсизлар. Албатта, Аллоҳ билувчидир, ҳакимдир.
31. Кимни хоҳласа, Ўз раҳматига киритур ва золимлар учун аламли азоблар тайёрлаб қўйгандир.

77. МУРСАЛОТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 50 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Кетма-кет юборилганлар билан қасам.
2. Қаттиқ эсган шамоллар билан қасам.
3. Ва ёювчилар билан қасам.
4. Фарқловчилар билан қасам.
5. Ваҳийни ташувчилар билан қасам...
6. узрларни ёки огоҳлантиришларни ҳам.
7. Албатта, сизга ваъда қилинаётган нарса воқе бўлгувчидир.
8. Вақтики юлдузлар ўчирилса…
9. вақтики осмон ёрилса...
10. вақтики тоғлар кўчирилса...

11. вақтики расулларга вақт белгиланса…
12. Қандай Кунга сурилган-а?
13. Ажрим Кунига.
14. Ажрим куни нима эканини сенга нима билдирди?
15. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
16. Аввалгиларни ҳалок қилмадикми?
17. Сўнгра кейингиларини уларга эргаштирмадикми?
18. Жиноятчиларни шундай қиламиз.
19. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
20. Сизларни ҳақир сувдан яратмадикми?
21. Сўнг уни мустаҳкам қароргоҳга жойламадикми?!..
22. маълум вақтгача.
23. Бас, Биз қодир бўлдик ва нақадар яхши қодир бўлувчимиз.
24. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
25. Ерни ўзига тортувчи қилиб қўймадикми…
26. тирикларни ва ўликларни?!
27. Ва Биз унда юксак тоғлар қилдик ва сизларни зилол сув билан суғордик.
28. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
29. Юрингиз! Ўзингиз ёлғонга чиқарган нарса томон.
30. Юрингиз! Уч шўъбали «соя» томон.
31. У салқин қилувчи эмас ва оловни ҳам қайтармас.
32. Албатта, у (жаҳаннам) қасрдек учқунларни отади.
33. У (учқун) худди қорамтир-сарғиш туяларга ўхшайди.
34. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
35. Бу улар гапира олмайдиган Кундир.
36. Ва уларга узр айтишга изн берилмайди.
37. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
38. Бу – ажратиш куни. Сизларни ва аввалгиларни жамладик.
39. Ҳийлангиз бўлса, Менга ишлатиб кўринг-чи!
40. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
41. Албатта, тақводорлар соялар ва булоқлардадир.
42. Ва ўзлари хоҳлаган мевалардадир.
43. Енглар ва ичинглар, ош бўлсин! Қилган амалларингиз сабабидандир.
44. Албатта, Биз яхшилик қилувчиларни шундай мукофотлармиз.
45. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

46. Озгина (муддат) енглар, баҳра олинглар. Албатта, сизлар жиноятчисизлар.
47. Ўшал Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
48. Ва агар уларга: «Рукуъ қилинглар» дейилса, рукуъ қилмаслар.
49. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
50. Бас, ундан кейин қайси сўзга ишонадилар?!



78. НАБАЪ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 40 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Нима ҳақида сўрашади?
2. Улуғ хабар ҳақида.
3. Шундай (хабар)ки, улар у ҳақда ихтилоф қилувчидирлар.
4. Йўқ! Улар тезда билурлар.
5. Яна йўқ! Улар тезда билурлар!
6. Ерни бешик қилиб қўймадикми?
7. Ва тоғларни қозиқлар…
8. ва сизларни жуфт қилиб яратдик.
9. Ва уйқуларингизни роҳат қилиб қўйдик.
10. Ва тунни либос қилдик.
11. Ва кундузни тирикчилик вақти қилдик.
12. Тепангизга етти мустаҳкам (осмон)ни бино қилдик.
13. Ва зиё ва ҳарорат таратувчи чироқ ҳам қилдик.
14. Ва сиқилган (булут)лардан шариллаган сув туширдик...
15. у (сув) билан дон ва набокот чиқаришимиз учун...
16. ва дарахтлари бир-бирига киришган бўстонларни.
17. Албатта, ажрим куни вақти белгилангандир.
18. У Кунда сурга пуфланур ва тўп-тўп бўлиб келурсиз.
19. Осмон очилиб, эшикларга айланур.
20. Тоғлар ўрнидан кўчирилиб, саробга айланур.
21. Жаҳаннам эса пойлаб турувчидир.
22. Туғёнга кетганлар учун қайтар жойдир.
23. Улар унда замонлар бўйи қолувчидирлар.

24. Улар унда совуқ ҳам, ичимлик ҳам татий олмаслар.
25. Фақат қайноқ сув ва йирингни (татирлар)...
26. мувофиқ жазо ўлароқ.
27. Чунки улар ҳисоб-китоб бўлишини кутмаган эдилар.
28. Ва оятларимизни ёлғонга чиқаришган эди, ёлғонга!
29. Биз ҳар бир нарсани китобга жамлаб қўйганмиз.
30. Бас, татиб кўринглар, сизларга азобдан бошқани зиёда қилмасмиз.
31. Албатта, тақводорларга ютуқлар бордир…
32. боғ-роғлар, узумзорлар…
33. ва янги бўйи етган бир хил ёшдаги қизлар…
34. ва тўлдирилган қадаҳлар.
35. У ерда бекорчи ва ёлғон гапларни эшитмаслар.
36. Роббингдан мукофот, совға ҳисобидандир.
37. У осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Роббидир, Роҳмандир. Унинг ҳузурида ҳеч ким хитоб қилишга қодир бўлмас.
38. Ўша кунда Руҳ ва фаришталар саф бўлиб турарлар. Роҳман изн берганлар ва тўғри сўзлаганлардан ўзгалар ҳеч гапира олмаслар.
39. У ҳақ Кундир. Ким хоҳласа, Роббига қайтар йўл олади.
40. Албатта, Биз сизларни яқин келажакдаги азобдан қўрқитдик. У Кунда киши ўз қўли тақдим қилган нарсага назар солади. Ва кофир: «Қанийди тупроқ бўлиб кетсам», дейди.



79. НОЗИЪОТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 46 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Шиддат билан (жонни) юлиб олувчилар билан қасам.
2. Юмшоқлик билан суғуриб олувчилар билан қасам.
3. Сузиб юрувчилар билан қасам.
4. Ўзувчилар билан қасам.
5. Ишнинг тадбирини қилиб турувчилар билан қасам.
6. Ларзага тушувчи ларзага тушган Кунда…
7. Эргашувчи унга эргашганда...
8. Қалблар у Кунда титровчидир.
9. Уларнинг кўзлари қўрқувчидир.

10. Улар дерлар: «Биз аввалги ҳолга қайтарилувчилармизми?
11. Чириган суяк бўлганимиздан кейин ҳам-а?
12. Агар шундай бўлса, бу зиёнли қайтиш-ку!»
13. Албатта, у (қиёмат) бир қичқириқдан бошқа нарса эмас.
14. Қарабсанки, улар майдонда.
15. Сенга Мусонинг хабари келдими?
16. Ўшанда Робби унга муқаддас Туво водийсида нидо қилди:
17. «Фиръавннинг ҳузурига бор, чунки у туғёнга кетди.
18. Айт: «Сенда покланишга (рағбат) борми?
19. Сени Роббингга ҳидоят қилсам, шоядки, қўрқсанг».
20. Ва унга катта оят-аломатни кўрсатди.
21. У эса ёлғончига чиқарди ва осий бўлди.
22. Сўнг ортига ўгирилиб, тезлаб кетди.
23. Кейин (одамларни) тўплаб, нидо қилди:
24. «Мен сизларнинг энг олий Роббингизман», деди.
25. Аллоҳ уни аввалги ва охирги (гуноҳ)лари учун бездирувчи иқобга олди.
26. Албатта, бунда (У Зотдан) қўрқадиганлар учун ибрат бордир.
27. Сизларни яратиш қийинми ёки У Зот бино қилган осмонними?
28. Унинг шифтини юқори кўтарди ва бекаму кўст қилиб қўйди.
29. Тунни қоронғи ва кундузни ёруғ қилди.
30. Ва ундан сўнг ерни тухум шаклида қилди.
31. Ундан сувни, ўт-ўланларни чиқарди.
32. Ва тоғларни барқарор қилди...
33. сизларга ва чорваларингизга манфаат бўлиши учун.
34. Вақтики катта офат (қиёмат) келса...
35. У Кунда инсон қилган ишларини эслайди.
36. Ва жаҳаннам кўрадиганларга зоҳир қилинади.
37. Аммо кимки туғёнга кетган бўлса...
38. ва дунё ҳаётини устун қўйган бўлса...
39. албатта, (унга) жаҳийм жой бўлади.
40. Ва аммо ким Роббининг ҳузурида туришдан қўрққан ва нафсни ҳавои хоҳишдан қайтарган бўлса…
41. албатта, (унга) жаннат жой бўлади.
42. Сендан Соат ҳақида: «Қачон бўлур?» деб сўрашади.
43. Унинг зикрини сен қандай билардинг?!

44. Унинг интиҳоси Роббинггагина хосдир.
45. Сен (Соатдан) қўрқувчиларни ундан огоҳлантирувчисан, холос.
46. Уни кўрган кунлари худди дунёда кечки пайт ёки чошгоҳдан бошқа турмаганга ўхшарлар.

80. АБАСА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 42 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. У афтини буриштирди ва юз ўгирди...
2. …ҳузурига кўзи ожиз киши келганига.
3. Қаердан биласан, эҳтимол, у покланар?
4. Ёки эслатма олар ва эслатиш унга манфаат берар.
5. Аммо истиғно қилган эса…
6. Сен у томон интиласан.
7. У покланмаса, сенга ҳеч нарса бўлмас.
8. Аммо ҳузурингга шошилиб келган...
9. ва қўрққан эса...
10. Сен ундан машғул бўласан.
11. Йўқ! Албатта, улар (Қуръон оятлари) эслатмадир.
12. Ким хоҳласа, уни эслайди.
13. Ҳурматланган саҳифалардадир.
14. Олий қадардирлар, поклангандирлар.
15. Элчиларнинг (фаришталарнинг) қўлларидадир –
16. ҳурматланган ва яхшиларнинг.
17. Инсонга лаънат бўлсин, бунча ҳам кофир бўлди я!
18. У Зот уни қайси нарсадан яратди?
19. Уни нутфадан яратди ва уни ўлчовли қилди.
20. Сўнгра (чиқиш учун) йўлни осон қилди.
21. Сўнгра уни ўлдирди ва қабрга киритди.
22. Сўнгра қачон хоҳласа, уни қайта тирилтиради.
23. Йўқ! У (У Зот) унга буюрган амрни бажармади.
24. Инсон таомига бир назар солсин.
25. Биз сувни роса қуйиб қўйдик.

26. Сўнгра ерни ўзига хос ёрдик.
27. Унда донни ўстирдик...
28. ва узум ва кўкатларни...
29. ва зайтун ва хурмоларни...
30. ва қуюқ, қалин боғу бўстонларни…
31. ва мева-чеваю ўт-ўланларни…
32. сизларга ва чорваларингизга наф бўлиши учун.
33. Вақтики кар қилувчи овоз келса...
34. у Кунда киши ўз ака-укасидан қочади…
35. ва онаси ва отасидан...
36. ва хотини ва бола-чақасидан.
37. У Кунда улардан ҳар бир кишини овора қилувчи ўз иши бор.
38. У Кунда порлоқ чеҳралар бор –
39. кулувчилардир, хушхабардан хурсандлар.
40. У Кунда ғубор босган чеҳралар бор –
41. устини зулмат қоплаган.
42. Улар – ана ўшалар кофирлар ва фожирлардир.



81. ТАКВИР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 29 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Вақтики, қуёш букланса…
2. вақтики, юлдузлар узилиб тушса…
3. вақтики, тоғлар сайр қилдирилса...
4. вақтики, ҳомиласи ўн ойли туялар қаровсиз қолса...
5. вақтики, ваҳший ҳайвонлар тўпланса...
6. вақтики, денгизлар алангалантирилса…
7. вақтики, нафслар жуфтлаштирилса...
8. вақтики, тириклай кўмилган қиздан сўралса:
9. «Қайси гуноҳ учун ўлдирилган?» (деб)…
10. вақтики, саҳифалар очилса...
11. вақтики, осмон кўпорилса…
12. вақтики, жаҳийм қиздирилса...

13. вақтики, жаннат яқинлаштирилса…
14. ҳар бир жон нима ҳозирлаганини билади.
15. (Кундузи) яширинувчи (юлдуз)лар билан қасам.
16. (Кечалари) юрувчи, беркинувчилар билан…
17. Қоронғилиги-ла кириб келган тун билан қасам.
18. Нафас олиб кириб келган тонг билан қасам.
19. Албатта, у (Қуръон) карамли расулнинг сўзидир.
20. У қувватли, Аршнинг Эгаси ҳузурида мартабаси олийдир.
21. Итоат қилинадиган, омонатлидир.
22. Соҳибингиз мажнун эмасдир.
23. Батаҳқиқ, уни очиқ-ойдин уфқда кўрди.
24. Ва у ғайбга бахил эмасдир.
25. Ва у (Қуръон) тошбўрон қилинган шайтоннинг сўзи эмасдир.
26. Бас, қаёққа кетмоқдасиз?!
27. У (Қуръон) оламларга эслатмадан бошқа нарса эмасдир.
28. Сизлардан мустақим бўлишни хоҳловчилар учун.
29. Оламларнинг Робби хоҳласагина, сизлар хоҳлайсизлар.

82. ИНФИТОР СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 19 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Вақтики, осмон ёрилса...
2. вақтики, юлдузлар сочилиб кетса...
3. вақтики, денгизлар портлатилса...
4. вақтики, қабрлар ағдарилса.
5. ҳар бир жон – нимани олдинга сурди-ю, нимани ортга сурди – билади.
6. Эй Инсон! Карамли Роббинг хусусида сени нима алдаб қўйди?!
7. У сени тўла-тўкис ва мўътадил қилиб яратди.
8. Ўзи хоҳлаган суратда сени тўплади.
9. Йўқ!!! Балки сиз жазо-мукофотни ёлғонга чиқармоқдасиз!!!
10. Ҳолбуки, устингиздан кузатиб турувчилар бордир.
11. Муҳтарам котиблардир.
12. Нима қилаётганингизни биладиганлардир.

13. Албатта, аброрлар неъматланишдадирлар.
14. Ва албатта, фожирлар жаҳаннамдадирлар.
15. Унга жазо мукофот куни кириб, куядирлар.
16. Ва улар ундан ғойиб бўла олмаслар.
17. Ва жазо-мукофот куни нима эканини сенга нима билдирди?
18. Сўнг жазо-мукофот куни нима эканини сенга нима билдирди?
19. Ўша Кунда ҳеч бир жон бошқа бир жон учун бирор нарса қилиш имконига молик эмас. У Кунда иш Аллоҳга хосдир.



83. МУТОФФИФИН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 36 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга.
2. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар.
3. Ва агар уларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар.
4. Ана шулар албатта қайта тирилтирилишларини ўйламайдиларми?
5. Буюк бир кунда.
6. У Кунда одамлар оламлар Робби ҳузурида тик турарлар.
7. Йўқ! Фожирларнинг китоби «сижжийн»дадир.
8. «Сижжийн» не эканини сенга нима билдирди?
9. У ёзилган китобдир.
10. Ўша Кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!
11. Улар жазо мукофот кунини ёлғонга чиқарурлар.
12. Уни тажовузкор ва сергуноҳгина ёлғонга чиқарур.
13. Қачон унга оятларимиз тиловат қилинса, «Аввалгиларнинг афсоналари» дер.
14. Йўқ! Қилган касблари қалбларига моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир.
15. Йўқ!!! Улар ўша Кунда Роббларидан тўсилгандирлар.
16. Сўнгра жаҳиймга кириб куювчилардир.
17. Сўнгра: «Мана бу сизлар ёлғонга чиқариб юрган нарса», дейилур.
18. Йўқ!!! Аброрларнинг китоби «иллийюн»дадир.
19. «иллийюн» не эканини сенга нима билдирди?!
20. У ёзилган китобдир.

21. Унга муқарраб (фаришта)лар шоҳид бўлурлар.
22. Албатта, аброрлар неъматланиш жаннатидадирлар.
23. Пардали баланд сўрилар устида назар солиб турурлар.
24. Чеҳраларидан неъматланиш сурурини билиб олурсан.
25. Улар ниҳоятда пок, муҳрланган ичимликдан ичирилурлар.
26. Унинг охири мискдир. Ва мусобақа қилувчилар шу нарса учун мусобақа қилсинлар.
27. Унинг аралашмаси «тасниймۥ»дандир.
28. У бир булоқдирки, ундан муқарраблар ичарлар.
29. Жиноят қилганлар иймон келтирганлар устидан кулар эдилар.
30. Уларнинг ёнидан ўтишса, (масхаралаб) кўз қисардилар.
31. Қачон аҳллари ҳузурига қайтсалар, ҳузурланиб қайтардилар.
32. Ва қачон уларни (мўминларни) кўришса, «Анавилар адашганлар», дер эдилар.
33. Ҳолбуки, улар мўминлар устидан кузатувчи қилиб юборилмаган эдилар!
34. Энди бу Кунда иймон келтирганлар кофирлар устидан куларлар.
35. Пардали, баланд сўрилар устида назар солиб турарлар.
36. Кофирлар (бу дунёда) қилган ишларининг «савоби»ни олдилармикин?!



84. ИНШИҚОҚ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 25 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Вақтики, осмон ёрилса...
2. ва (осмон) Роббига қулоқ осади. Ва шундай бўлиши керак ҳам эди.
3. Вақтики, ер чўзилса…
4. ва ўз ичидаги нарсаларни отиб чиқариб, холи қолса…
5. ва (ер) Роббига қулоқ осади. Ва шундай бўлиши керак ҳам эди.
6. Эй инсон! Сен Роббингга етгунингча, тинмай уринасан ва Унга йўлиқасан ҳам!
7. Аммо кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса...
8. тезда, осонгина ҳисоб қилинур...
9. ва аҳли ҳузурига хурсанд ҳолда қайтиб борур.
10. Аммо кимнинг китоби орқа тарафидан берилса…

11. у тезда ўзига ҳалокат чақирур.
12. Ва (ловуллаган) оловга кириб, куюр.
13. Ҳолбуки, у (бу дунёда) аҳли билан хурсанд бўлиб ўтган эди.
14. Чунки у ҳеч қачон орқага қайтмайман деб ўйлаган эди.
15. Ҳа! Албатта, Робби уни доимо кўриб турувчи эди.
16. Шафақ билан қасам.
17. Тун ва у ўраб олган нарсалар билан қасам.
18. Ва тўлин ой билан қасам.
19. Албатта, табақама-табақа минасизлар.
20. Уларга нима бўлганки, иймон келтирмаслар?!
21. Уларга Қуръон ўқилса, сажда ҳам қилмаслар.
22. Йўқ, кофирлар ёлғонга чиқарурлар.
23. Ҳолбуки, Аллоҳ (қалбларида) нимани сақлаётганларини яхши билувчидир.
24. Уларга аламли азобнинг «хушхабарини» бер.
25. Иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганлар мустасно. Уларга миннатсиз, битмас-туганмас ажрлар бор.



85. БУРУЖ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 22 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Буржлари бор осмон билан қасам.
2. Ва ваъда қилинган кун билан қасам.
3. Шоҳид бўлган ва шоҳид бўлинган билан қасам.
4. «Ухдуд» эгаларига лаънат бўлсин.
5. У ёқилғиси кўп оловдир.
6. Улар (кофирлар) ўша (чуқур)лар атрофида ўтиришибди.
7. Ва улар мўминларга қилаётган нарсаларига ўзлари гувоҳдирлар.
8. Ва улар мўминлардан азиз, мақталган Аллоҳга иймондан бошқа «айб» топа олмадилар.
9. У осмонлару ернинг подшоҳлиги Унга хос бўлган Зотдир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага гувоҳдир.
10. Албатта, мўмин ва мўминаларни фитна қилиб, сўнгра тавба

қилмаганларга – ана ўшаларга жаҳаннам азоби ва куйдирувчи азоб бордир.

11. Иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларга эса остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор. Ана шу катта ютуқдир.

12. Роббингнинг «чангали» жуда шиддатлидир.

13. У Зот Ўзи бошлайди ва қайтаради.

14. Ва У мағфиратли, барчага яхшиликни раво кўрувчидир.

15. Аршнинг соҳибидир, шарафи ва қадри улуғдир.

16. Ирода қилганини албатта қилувчидир.

17. Сенга лашкарларнинг хабари келдими –

18. ...Фиръавн ва Самуднинг?

19. Балки, кофирлар ёлғонга чиқаришар?

20. Ҳолбуки, Аллоҳ ортларидан қамраб олувчидир.

21. Йўқ!!! У Қуръони Мажиддир.

22. Лавҳул маҳфуздадир.

86. ТОРИҚ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 17 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Осмон билан қасам ва ториқ билан қасам.

2. Ториқ нималигини сенга не билдирди?

3. У нур сочиб турувчи юлдуздир.

4. Ҳеч бир жон йўққи, унинг муҳофаза қилиб турувчиси бўлмаса.

5. Инсон нимадан яралганига назар солсин.

6. Отилиб чиқувчи сувдан яралгандир.

7. Пушт ва кўкрак суяги орасидан чиқади.

8. Албатта, У Зот уни қайта тирилтиришга қодирдир…

9. сирлар фош бўладиган Кунда...

10. унда (инсонда) қувват ҳам, ёрдамчи ҳам бўлмайди.

11. Қайтувчининг эгаси осмон билан қасам.

12. Ёриб чиқувчининг эгаси ер билан қасам.

13. Албатта, у (Қуръон) ажратувчи сўздир.

14. Ва у ҳазил эмасдир.

15. Албатта, улар ҳийла қилурлар.
16. Мен ҳам «ҳийла» қилурман.
17. Бас, кофирларга муҳлат бер. Ҳа, уларга озгина муҳлат бер.

87. АЪЛО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 19 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Олий қадарли Роббинг исмини поклаб ёд эт.
2. У яратган ва бекаму кўст қилган Зотдир.
3. У ўлчов билан қилган ва ҳидоятга бошлаган Зотдир.
4. У ўт-ўланни чиқарган Зотдир.
5. Сўнг уни қорамтир хас-хашак қилган Зотдир.
6. Биз сенга (Қуръонни) қироат қилдирамиз ва сен эсдан чиқармассан.
7. Аллоҳ хоҳлагани мустасно. Албатта, У ошкорни ҳам, махфий нарсаларни ҳам билади.
8. Биз сени осон йўлга муяссар қиламиз.
9. Агар эслатиш манфаат берса, эслатгин.
10. Албатта, У Зотдан қўрққан эсга олади…
11. ва бадбахтгина ундан четда бўлади.
12. У катта оловга кириб, куяди.
13. Сўнгра унинг ичида на ўлмайди, на тирилмайди
14. Дарҳақиқат, ким покланса, нажот топади…
15. ва Робби исмини зикр қилса ва намоз ўқиса.
16. Бироқ (сизлар) бу дунё ҳаётини устун қўясизлар.
17. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир.
18. Албатта, бу аввалги саҳифаларда бордир…
19. Иброҳим ва Мусо саҳифаларида.



88. ҒОШИЯ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 26 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Батаҳқиқ, сенга ғошиянинг хабари келди.
2. Ўшал Кунда бир чеҳралар қўрқувчидир…
3. ишловчидир, чарчовчидир.
4. Ўта қизиган оловга кириб, куяди.
5. Қайнаб турган булоқдан суғориладилар.
6. Уларга тикандан бошқа таом йўқдир.
7. У на семиртирмас ва на очликни кетказмас.
8. Ўшал Кунда бир чеҳралар неъматланувчидир.
9. Ўз ишларидан розидирлар.
10. Олий даражали жаннатдадирлар.
11. Унда бекорчи гапларни эшитмаслар.
12. Унда оқиб турган булоқлар…
13. унда баланд-баланд сўрилар…
14. ва тайёрлаб қўйилган қадаҳлар…
15. ва саф-саф қилиб тизилган ёстиқлар…
16. ва ҳамма ёққа тўшалган гиламлар (бордир).
17. Назар солмасмилар туянинг қандай яратилганига…
18. ва осмоннинг қандай кўтарилганига…
19. ва тоғларнинг қандай ўрнаштирилганига…
20. ва ернинг қандай текислаб қўйилганига?
21. Бас, эслатгин, албатта, сен эслатувчидирсан, холос.
22. Сен уларнинг устидан ҳукм ўтказувчи эмассан.
23. Ким юз ўгирса ва кофир бўлса...
24. Аллоҳ уни катта азоб билан азоблайди.
25. Албатта, уларнинг қайтиши Бизгадир.
26. Сўнгра албатта, уларнинг ҳисоб-китоблари ҳам Биздадир.



89. ФАЖР СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 30 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Фажр билан қасам.
2. Ва ўн кеча билан қасам.
3. Ва жуфту тоқ билан қасам.
4. Ва юрган тун билан қасам.
5. Мана шунда ақл эгаси учун (қаноатлантирувчи) қасам борми?!
6. Роббинг Одни нима қилганини билмадингми…
7. баланд устунли Ирамни –
8. унинг ўхшаши бошқа ўлкаларда халқ қилинмаган…
9. ва водийда харсанг тошларни йўнган Самудни…
10. ва қозиқлар эгаси Фиръавнни?
11. Улар (турли) ўлкаларда туғёнга кетган эдилар.
12. Уларда бузғунчиликни кўпайтирган эдилар.
13. Роббинг уларнинг бошига турли азобларни қуйди.
14. Албатта, Роббинг пойлаб турувчидир.
15. Робби инсонни синаш учун икром қилса ва неъматлантирса, «Роббим мени икром қилди», дейди.
16. Аммо У Зот уни синаш учун ризқини тор қилиб қўйса, «Роббим мени хорлади», дейди.
17. Йўқ! Балки ўзингиз етимларни икром қилмайсиз.
18. Бир-бирингизни мискинларга таом беришга ундамайсиз.
19. Меросни эса жамлаб ейсизлар.
20. Ва мол-мулкни кўп яхши кўрасизлар.
21. Йўқ! Ер парча-парча қилиб юборилса…
22. ва Роббинг ва фариштталар саф-саф бўлиб келса…
23. ўша Кунда жаҳаннам ҳам келтирилади. Ўша Кунда инсон эслайди, лекин у қаёқдан ҳам эсларди?
24. «Эвоҳ, канийди (охиратдаги) ҳаётим учун (бирор яхшилик) тақдим қилганимда!» дейди.
25. Ўша Кунда ҳеч ким У Зотнинг азобига ўхшаш азоб билан азобламайди.
26. Ва ҳеч ким Унинг боғлашига ўхшаш боғламайди ҳам.

27. Эй хотиржам нафс!
28. Роббингга сен Ундан, У сендан рози бўлган ҳолда қайтгин!
29. Бандаларим сафига киргин!
30. Ва жаннатимга киргин!



90. БАЛАД СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 20 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Мана шу шаҳар билан қасам ичаман.
2. Бу шаҳарда сен муқим тургандирсан.
3. Ота (Одам Ато) ва ундан тарқаган (зурриёт)лар билан қасам.
4. Батаҳқиқ, Биз инсонни машаққатда яратдик.
5. У унга ҳеч кимнинг кучи етмас деб ҳисоблайдими?
6. У: «Кўплаб мол-дунё сарфладим», дейди.
7. У ўзини ҳеч ким кўрмайди деб ҳисоблайдими?
8. Биз унга икки кўз бермадикми…
9. Ва тил ва икки лабни?
10. Ва уни икки йўлга йўллаб қўймадикми?
11. У довон ошиб ўтмади.
12. Довон не эканини сенга нима билдирди?
13. (У) қул озод қилишдир.
14. Ёки очарчилик кунида таом беришдир...
15. қариндош етимга…
16. ёки тупроққа қорилган мискинга.
17. Сўнгра иймон келтирганлар ва бир-бирини сабрга, меҳр-шафқатга чақирганлар…
18. ана ўшалар ўнг томон соҳибларидир.
19. Оятларимизга куфр келтирганлар чап томон соҳибларидир.
20. Уларнинг устларида қоплаб турган олов бордир.



91. ШАМС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 15 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Қуёш билан ва унинг зиёси билан қасам.
2. Унинг ортидан келган ой билан қасам.
3. Ва уни (қуёшни) равшан кўрсатган наҳор билан қасам.
4. Ва уни қоплаган тун билан қасам.
5. Ва осмон билан ва унинг бино қилиниши билан қасам.
6. Ва ер билан ва унинг тўшалиши билан қасам.
7. Ва нафс билан ва унинг мукаммал қилиниши билан қасам.
8. (Аллоҳ) унга фужурини ва тақвосини илҳом қилди.
9. Ким уни (нафсни) покласа, нажот топди.
10. Ва ким уни булғаса, ноумид бўлди.
11. Самуд қавми ўз туғёни ила ёлғонга чиқарди.
12. Унинг энг бадбахти шошилиб (ўрнидан) турди.
13. Аллоҳнинг расули уларга: «Аллоҳнинг туясига ва унинг сувига тегманглар», деди.
14. Улар эса (уни) ёлғончига чиқаришди ва (туяни) сўйишди. Бас, Робблари уларни гуноҳлари сабабли йўқ қилиб юборди ва бунда барчани баробар қилди.
15. Ва (У Зот бу ишнинг) оқибатидан қўрқмас.



92. ЛАЙЛ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 21 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Қоплаб келаётган тун билан қасам.
2. Тажаллий қилган кундуз билан қасам.
3. Эркак ва урғочининг яратилиши билан қасам.
4. Албатта, саъй ҳаракатларингиз турлича.
5. Ким (ато) берса ва тақво қилса…
6. ва яхшиликни тасдиқ қилса…

7. Биз уни осонга муяссар қиламиз.
8. Ким бахиллик ва истиғно қилса…
9. ва яхшиликни ёлғонга чиқарса…
10. Биз уни қийинчиликка муяссар қиламиз.
11. У қулаган вақтда унга мол-мулки фойда бермас.
12. Албатта, ҳидоятга бошлаш Бизнинг зиммамиздадир.
13. Албатта, охират ҳам, бу дунё ҳам Бизникидир.
14. Мен сизларни ловуллаган оловдан огоҳлантирдим.
15. Унга бадбахтдан бошқа кириб, куймас.
16. Ўша ёлғонга чиқарган ва юз ўгирган эди.
17. Тақводор банда эса ундан четда қолади.
18. У мол мулкини бериб, покланади.
19. Бирор кишининг унда мукофотланиши лозим бўлган яхшилиги йўқ эди.
20. Фақат ўзининг олиймақом Роббининг розилигини сўраб қилади...
21. ва албатта, тезда рози бўлади.



93. ЗУҲО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Чошгоҳ билан қасам.
2. Сукунатга чўмган тун билан қасам.
3. Роббинг сени тарк қилгани йўқ, ғазаб ҳам қилгани йўқ.
4. Албатта, охират сен учун бу дунёдан яхшидир.
5. Роббинг тезда сенга ато қилур ва сен рози бўлурсан.
6. У Зот сени етим топиб, жойлаб қўймадими?
7. У Зот сени ҳайрон ҳолда топиб, ҳидоятга бошламадими?
8. У Зот сени камбағал ҳолда топиб, бой қилмадими?
9. Бас, сен етимга қаҳр қилмагин.
10. Сўровчига зажр қилмагин.
11. Роббинг берган неъмати ҳақида эса сўзлагин.



94. ШАРҲ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Биз сенинг кўксингни кенг қилиб қўймадикми?
2. Ва сендан юкингни енгиллатмадикми…
3. елкангни босиб турганни?
4. Ва сен учун зикрингни юқори кўтармадикми?
5. Албатта, қийинчилик билан бирга осончилик ҳам бордир.
6. Ва албатта, қийинчилик билан бирга осончилик ҳам бордир.
7. Фориғ бўлсанг, (ибодатга) урингин.
8. Ва Роббингга рағбат қилгин.



95. ТИЙН СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Анжир билан қасам, зайтун билан қасам,
2. Сийно тоғи билан қасам...
3. ва мана бу эминлик юрти (Макка) билан қасам.
4. Батаҳқиқ, инсонни энг гўзал тузилишда яратдик.
5. Сўнгра уни асфала софилийнга қайтардик.
6. Иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганларга эса миннатсиз, битмас-туганмас ажрлар бордир.
7. Нима сени охиратни ёлғонга чиқаришга олиб келур?!
8. Аллоҳ ҳукм қилувчиларнинг энг ҳакими эмасми?!



96. АЛАҚ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 19 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Яратган Роббинг номи билан ўқи!
2. У инсонни алақдан яратди.
3. Ўқи! Роббинг карамлиларнинг карамлисидир.
4. У қалам билан илм ўргатган...
5. инсонга билмаган нарсасини ўргатган Зотдир.
6. Йўқ! Инсон албатта туғёнга кетур…
7. ўзини жуда бой кўргани учун.
8. Албатта, қайтиш Роббинггадир.
9. Қайтарганни кўрдингми…
10. бандани намоз ўқиётганида?!
11. Айт-чи, агар ўша ҳидоятда бўлса...
12. ёки тақвога чақирса...
13. Айт-чи, агар у ёлғонга чиқарса ва юз ўгирса…
14. Аллоҳ уни кўриб туришини билмасми?
15. Йўқ! Агар қайтмаса, пешона сочидан шиддат-ла тутамиз!
16. Ёлғончи, хатокор пешона сочидан!
17. У ўз тўпини чақирсин.
18. Биз ҳам забонияларни чақирурмиз.
19. Йўқ! Сен унга итоат қилма! Сажда қил ва қурбат ҳосил қил.

97. ҚАДР СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Албатта, Биз Уни (Қуръонни) Қадр кечаси нозил қилдик.
2. Қадр кечаси не эканини сенга нима билдирди?
3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.

4. Унда фариштталар ва Руҳ Роббларининг изни билан барча ишлар учун тушади.
5. У то тонг отгунича салом бўлиб туради.



98. БАЙЙИНА СУРАСИ

Мадинада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар «баййина» келмагунча ажралмасдилар.
2. (Баййина) Аллоҳ тарафидан юборилган Расул бўлиб, покланган саҳифаларни тиловат қилади.
3. Уларда тўғри битиклар бор.
4. Китоб берилганлар уларга «баййина» келганидан сўнггина бўлиниб кетишди.
5. Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳга, динни Унга холис қилган, ҳаниф ўлароқ ибодат қилишга, намозни тўкис адо этишга, закот беришга буюрилган эдилар, холос. Ана шу тўғри (миллатнинг) динидир.
6. Албатта, аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар жаҳаннам оташидадирлар, унда мангу қолувчидирлар. Ана ўшалар халойиқнинг энг ёмонидирлар.
7. Албатта, иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилганлар – ана ўшалар халойиқнинг энг яхшисидир.
8. Уларнинг мукофотлари Робблари ҳузуридаги остларидан анҳорлар оқиб турган адн жаннатларидир. Унда мангу қолувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Бу Роббидан қўрққанлар учундир.



99. ЗАЛЗАЛА СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Вақтики, ер ўзига хос зилзилага тушса…
2. ва ер ўз юкларини отиб чиқарса…
3. ва инсон: «Унга нима бўлди?!» деса,

4. ўша Кунда (ер) ўз хабарларини айтади.
5. Роббинг унга ваҳий юборгани учун.
6. Ўша Кунда одамлар амалларини кўриш учун жойларидан алоҳида алоҳида бўлиб қўзғалурлар.
7. Бас, ким заррача яхшилик қилса ҳам кўради.
8. Ва ким заррача ёмонлик қилса ҳам кўради.

100. ОДИЁТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Ҳарсиллаб чопувчи отлар билан қасам.
2. Ўт чақнатиб чопувчи отлар билан қасам.
3. Тонг чоғи ғорат қилувчи отлар билан қасам.
4. Ўша ила чанг қўзғатдилар.
5. Ва у ила жамоа ўртасига (ёриб) кирдилар.
6. Албатта, инсон Роббига ношукрдир.
7. Ва албатта, у ана шунга ўзи гувоҳдир.
8. Албатта, у мол-дунёга ниҳоятда ўчдир.
9. У билмайдимики, қабрдагилар қўзғатилган...
10. ва кўксларидаги нарсалар тўплангандa –
11. Ўша кунда Робблари улардан хабардордир.

101. ҚОРИЪА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Қориъа.
2. Қориъа нима?
3. Қориъа не эканини сенга нима билдирди?
4. У Кунда одамлар тўзиб кетган капалакка ўхшаб қоларлар.
5. Тоғлар эса титилган жунга ўхшаб қоларлар.
6. Кимнинг тарозиси оғир келса…

7. У розилик ҳаётидадир.
8. Ва аммо кимнинг тарозиси енгил келса…
9. Унинг онаси ҳовиядир.
10. У не эканини сенга нима билдирди?
11. У қаттиқ қизиган ўтдир.



102. ТАКОСУР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Кимўзарлик сизларни машғул қилиб қўйди.
2. То қабрларни «зиёрат» қилгунингизча.
3. Йўқ! Тезда биласиз.
4. Яна йўқ! Тезда биласиз.
5. Йўқ! Агар аниқ илм ила билганингизда эди…
6. албатта, жаҳаннамни кўрарсиз.
7. Ва яна албатта уни ишонч кўзи билан кўрасиз.
8. Сўнгра ўша Кунда албатта неъматланишдан сўралурсиз.



103. АСР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 3 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Аср билан қасамки,
2. инсон зиёндадир.
3. Фақат иймон келтирганлар ва солиҳ амаллар қилганлар, бир-бирларини ҳақ йўлга чақирганлар ва бир-бирларини сабрга чақирганлар мустаснодир.



104. ҲУМАЗА СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 9 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. «Вайл» бўлсин ҳар бир обрў тўкувчи ва айбловчига!
2. Молни жамлаган ва уни санаб турганга!
3. У мол-мулки уни мангу қолдирур деб ҳисоблар.
4. Йўқ! Албатта, у «ҳутома»га улоқтирилур.
5. «Ҳутома» не эканини сенга нима билдирди?
6. У Аллоҳнинг ўчмас ўтидир.
7. Қалбларгача етиб борадигандир.
8. Албатта, у уларнинг устидан қоплангандир.
9. Узун-узун устунларга боғлангандир.



105. ФИЛ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Роббинг фил соҳибларини нима қилганини билмадингми?
2. У Зот уларнинг макру ҳийласини зое кетказмадими?
3. Ва уларнинг устига тўп-тўп қушларни юбормадими…
4. лойдан пиширилган тошларни отадиган?
5. Уларни қурт еб ташлаган ўсимликка ўхшатиб юбормадими?



106. ҚУРАЙШ СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 4 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. (Булар) Қурайш (Байтни) лозим тутмоғи учун...
2. улар қиш ва ёз сафарини лозим тутмоқлари учундир.
3. Бас, мана шу Байтнинг Роббига ибодат қилсинлар...
4. уларни очликдан тўқ қилган, хавфдан омон қилган Зотга!



107. МОЪУН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 7 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Динни ёлғонга чиқарувчини кўрдингми?
2. Етимни қўполлик билан ҳайдайдиган ўшадир.
3. У мискинларга таом беришга ҳам қизиқтирмайди.
4. Бир «намозхонлар»га вайл бўлсинки,
5. улар намозларини унутувчилардир.
6. Улар риё қиладиганлардир.
7. Ва моъунни ман қиладиганлардир.

108. КАВСАР СУРАСИ



Маккада нозил бўлган. 3 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Албатта, Биз сенга Кавсарни ато этдик.
2. Бас, Роббингга намоз ўқи ва жонлиқ сўй.
3. Албатта, сени ёмон кўриб, айбловчининг ўзининг орқаси кесикдир.



109. КАФИРУН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 6 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Айт: «Эй кофирлар…
2. (Мен) сиз ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман.
3. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган Зотга ибодат қилувчимассиз.
4. Мен сиз ибодат қилаётган нарсага ибодат қилувчимасман.
5. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган Зотга ибодат қилувчимассиз.
6. Сизга ўз динингиз, менга эса ўз диним».



110. НАСР СУРАСИ



Мадинада нозил бўлган. 3 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса…
2. ва одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кираётганларини кўрсанг…
3. Роббингни ҳамд ила поклаб ёд этгин ва Ундан мағфират сўрагин. Албатта, У тавбани қабул этувчи Зотдир.

111. МАСАД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Абу Лаҳабнинг икки қўли ҳалок бўлсин, ҳалок!
2. Моли ва касб қилган нарсалари унга фойда бермади.
3. У тезда алангали ўтга кириб, куяди.
4. Унинг ўтин кўтарган хотини ҳам.
5. Бўйнида эшилган арқон (билан).



112. ИХЛОС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 4 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Айт: «У – Аллоҳ ягонадир.
2. Аллоҳ Сомаддир.
3. У туғмаган ва туғилмаган.
4. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган».



113. ФАЛАҚ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Айт: «Тонг Роббидан паноҳ сўрайман.
2. У яратган нарсалар ёмонлигидан…
3. ва кириб келган қоронғи кечанинг ёмонлигидан.
4. ва тугунларга дам солувчилар ёмонлигидан.
5. ва ҳасад қилган ҳасадчининг ёмонлигидан».



114. АН-НАС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 6 оятдан иборат.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

1. Айт: «Одамларнинг Роббидан паноҳ сўрайман…
2. одамларнинг Подшоҳидан…
3. одамларнинг Илоҳидан.
4. Беркиниб-кўриниб турувчи васвасачининг ёмонлигидан...
5. у одамларнинг кўксига васваса солиб туради…
6. жинлар ва одамлардан (бўлган)».

ҚУРЪОНДАГИ ТАРТИБИГА КЎРА СУРАЛАР МУНДАРИЖАСИ

СУРАЛАРНИНГ АЛФАВИТ БЎЙИЧА МУНДАРИЖАСИ

СУРАЛАРНИНГ АЛФАВИТ БЎЙИЧА МУНДАРИЖАСИ